

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

МИХАИЛ БУЛГАКОВ

УСТА ВА МАРГАРИТА

Роман

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2008

ҚОДИР МИРМУҲАМЕДОВ
таржимаси

МИХАИЛ БУЛГАКОВ РОМАНИ ҲАҚИДА

Михаил Афанасьевич Булгаковнинг «Уста ва Маргарита» романи «Москва» журнали саҳифаларида чоп этилиши муносабати билан уни ёзувчининг адабий меросини ўрганиш комиссияси номидан ушбу қисқагина муқаддима билан бошлашни лозим топдим.

«Уста ва Маргарита» — марҳум адибнинг сўнгги асари. Булгаков бу романи устида 1928 йилдан иш бошлади ва унинг турли вариантларини яратар экан, баъзан ишини тўхтатар, баъзан эса яна ёзганларига қайтарди. У умри поёнидаги ўн икки йил мобайнида ҳам ўзи дунёга келтирган сермазмун асарини қўлдан қўймади.

Ўлимидан бир неча кун бурун, оғир хасталигига қарамай, ёзувчи романи қўлёзмасига қайта-қайта қайтиб, унинг айрим бобларига сайқал берар ҳамда такомилга етказишга уринарди.

Булгаков саҳий истеъдодида, эҳтимол ёзувчининг бутун адабий фаолияти давомидадир, уч турдаги иқтидор — сатирик иқтидори, фантаст иқтидори ва ўта аниқ психологик таҳлилга суянган реалист иқтидори қўшничилик қилиб, бир-биридан устунликка эришиш учун баҳслашиб келган, десак хато бўлмайди.

«Уста ва Маргарита» романи ғаройиб биносининг бунёд этилишида Булгаков истеъдодининг бу уч тури баб-баравар ёинки деярли баб-баравар хизмат кўрсатди. Уларнинг ҳар жиҳатдан чатишиб, ягона дарё оқимида қўшиливи асарнинг энг яхши саҳифаларини ташкил қилганким, бу айни вақтнинг ўзида нафақат романнинг, умуман олганда Булгаков бадиий сўз санъатининг улкан ютуғидир.

Романда шундай саҳифалар борки, уларда Булгаков сатирасининг, Булгаков фантастикасининг ва турган гапки Булгаков аниқ реалистик наsrининг чўққиси ўз ифодасини топган.

Роман шундай ёзилганки, ёзувчи худди бу унинг охириги асари эканини илгаритдан сезгандай, унинг саҳифалари орқали ўқувчиларига ўз қалбининг бутун бойликларини, санъаткор қаламининг бутун сеҳрини, сатирик кўзининг бутун ўткирликларини хаёлотининг бутун шиддатини ҳамда психологик кузатувининг бутун теранликларини инъом этмокни истаганини кўриш мумкии.

Роман саҳифаларидаги бундай саховат ўқилиш жараёнида худди чексиздек туюлади, бир воқеадан иккинчи бир воқага ўтиш ерлари шу даражада кўпки, баайни ҳикоя қилиш матосидаги

чокка ўхшаб кетади. Романни такрор-такрор ўқиб чиқиб, унинг ҳар бир кейинги сон-саноксиз ўткир бурчакларида сени янги ва яна янги фавкулудда кашфиётлар кутаётганига кўникма ҳосил қилмас экансан, ундаги шиддаткор фантазмагориядан классик жозибаторликка, тежамкор реалистик насрдан иккинчи бир нотекис насрга, аччиқ сатирик гротескдан ҳеч қандай танаффуссиз сахий ва айни пайтда қаҳрли ҳажвга ўта кескин суратда кўчилиши, бошида, албатта, довдиратиб кўяди. Бу китобда паймонаси тўлганини дилдан чуқур англаб етган катта салоҳият эгасининг қазо олди бисёр донишлиги ўз аксини топгандай кўринади.

«Уста ва Маргарита» шундай асарлар турига кирадики, уни ҳар хил китобхонлар ҳар хил ўқийдилар, ҳар хил севадилар ва ундан ўзлари учун ҳар хил руҳий озика топадилар.

Роман мутолаасида сўнг, менинг, масалан, қалбимга ва менинг кадрли хотирамга Римнинг Иудеядаги прокуратори Понтий Пилатнинг бир куни ҳақидаги шафқатсиз тарздаги аниқ ҳикоя ҳаммадан ҳам чуқур кириб борди ва ҳаммадан ҳам мўл таъсир ўтказди. Психологик жиҳатдан фантастиканинг ичидаги бу романдаги роман — ажойиб наср намунаси — ўзгармас ҳаққонийлиги билан ногоҳ Лермонтов ва Пушкин насрини эслашга мажбур этади.

Турфа хилликка эга бўлган мазкур романнинг ана шу қисмига қизиқишимни яширмаган ҳолда, ўзимча шуни ҳам тасаввур қиламанки, бу китобнинг менинг қизиқишларимдан ўзгача қизиқишдаги ўқувчилари ҳам бўлиши мумкин, янада аниқ айтганда, бу китобни бошқача қабул қиладиган ўқувчиси бўлмаслигининг ўзи ҳам мумкин эмас. Қайдам, бу турдаги китобхонлар учун фантастика билан бирга Маргаританинг устага нисбатан ўта покиза, мардларча танҳо муҳаббати воқеаларини ҳикоя қилувчи саҳифалар, ҳаммадан ҳам ажойиб кўринар. Бундай бахтли ва бундай бахтсиз, ўз бахтлиликларида бу қадар кучли ва бу қадар кучсиз бўлган муҳаббат воқеаси шунчалар нозик тасвирланганки, ҳатто роман саҳифаларидан ўтаётган маккор иблис ҳам бундай муҳаббатга на ёрдам беришга, на тўсқинлик қилишга ожиздир.

Мен ҳеч бир қийинчиликсиз шундай қизиқувчан ўқувчиларни ҳам кўрсатишим мумкинки, улар учун тарихий ва фантастик саҳифалар эмас, балки сатирик Булгаков томонидан мешчанлик, қабиҳлик, мунофиқлик, кўрқоқлик каби қатор иллатларнинг бешафқат аниқ ва бетакрор ҳажв йўли билан фош этилиши романнинг чўққиси бўлиб кўринади.

Булгаков ўз романини охиригача ёзиб тугатиб, унга нуқта қўйди. Шу маънода «Уста ва Маргарита» — тугал асар. Лекин, юқорида айтиб ўтганимдек, Булгаков пишиқ ўйланган ҳикоясини ниҳоясига етказар экан, ичдан ўз ишини ҳали тугалланмаган деб ҳисоблагани боис, ҳаётининг сўнгги кунигача бу кашфиётга қайта-қайта мурожаат қиларди.

Бу асар устидаги ўн икки йилга чўзилган иш яна ва яна давом этаверса, романнинг қандай кўринишга киришини тасаввур қилишнинг ўзи мушкул.

У ҳолда романнинг баъзи номукамалликлари тузатилган, яна охиригача ўйланмаган ерлари пухта ўйланган ёки ўзида хаёлотнинг чексиз, баракали сахий муҳрини олиб юрган айрим ўринлари қисқартирилган бўлармиди.

Ҳа, шундай ҳам бўлиши мумкин. Марҳум ёзувчи томонидан бизга қолдирилган роман матни ана шундай хулосага келишимизга ҳар жиҳатдан асос беради. Бироқ, бундай тахминий хулосаларга у қадар ўрин бериш ҳам тўғри эмас, чунки Булгаковнинг бу якуний, ажойиб ишини ўқиб бўлгач, ўзингда шундай туйғуни ҳис этасанки, бу унинг кучли ва сахий истеъдодига миннатдорлик туйғуси эканига яна бир қарра ишонч ҳосил қиласан.

Бу мураккаб ва кўплаб одатий тасаввурдаги асарлар рамкасига сиғмайдиган китобнинг охириги варағини ёпар эканлар, уни турли ўқувчилар турлича баҳолайдилар, ундан бир нарсани олиб, иккинчисини инкор этадилар, учинчиси билан эса баҳслашадилар, лекин мен шунга аминманки, бу романга бўлган қарашларнинг қандайлигидан ва ҳатто у атрофидаги тортишувларнинг баридан қатъий назар, Михаил Булгаковнинг бу сўнгги асарини ўқиб чиққан ҳар бир ўқувчи ўртасида эса бундай мубоҳасаларнинг бўлиши турган гап, уларнинг ўй-хаёлларини бир туйғу бирлаштиради: Булгаков ўлими билан бундан чорак аср муқаддам

бизнинг адабиётдан ажойиб ва ўзига хос истеъдодлардан бири кетди ва «Уста ва Маргарита» романи, балки, бошқа гувоҳларнинг ичида, шак-шубҳасиз, бунинг энг ёрқин гувоҳидир.

Константин СИМОНОВ,
«Звезда» журналы, 1966 йил

БИРИНЧИ ҚИСМ

...Кимсан, айт!
— Мен ҳаргиз ёмонлик тилаб —
Яхшилик қилгувчи кучнинг бир қисми¹.
Гёте, «Фауст».

Биринчи боб

ҲЕЧ КАЧОН БЕГОНАЛАР БИЛАН ГАПЛАШМАНГ

Баҳор кунларининг бирида, дим оқшом чоғида, Москвадаги Патриарх кўли хиёбонида икки киши пайдо бўлди. Уларнинг бири ёзлик кулранг костюм-шим кийган, паст бўйли, миқти гавдали, тақирбош, соқол-мўйлови силлиқ олинган, кўзига ғайритабиий катталикдаги қора мугуз гардишли кўзойнак таққан, ҳали хийлагина янги шляпасини кўлига олиб олган эди. Иккинчиси — жингалак сочи малларанг, катак матодан тикилган кепкасини энсасига суриб кийган яғриндор йигит — эгнига катак кўйлак, ғижимланган шим, оёғига қора шиппак кийган эди.

Бу таништирганларимиздан биринчиси Москвадаги энг йирик адабий уюшмалардан бирида (унинг қисқартирилган номи МАССОЛИТ эди) правление раиси, айна пайтда бир қалин бадиий журналнинг муҳаррири лавозимида ишловчи Михаил Александрович Берлиоз, унинг ёш ҳамроҳи эса — шоир Иван Николаевич Понирёв бўлиб, у ўз асарларига Бездомний тахаллуси билан имзо чекарди.

Бу икки адиб эндигина яшил либос кия бошлаган жўкалар соясидан паноҳ топишган заҳоти, ола-була бўёқлар билан бўялган, тепасига «Пиво ва сувлар» деб ёзилган дўкончага отилишди.

Дарвоқе, май ойининг бу мудҳиш оқшомида юз берган биринчи ғаройиб ҳолни қайд қилиб ўтмоқ лозимдир. Нафақат дўконча оддида, балки Малая Бронная кўчаси билан ёнма-ён чўзилган бутун хиёбонда биронта ҳам одам кўринмасди. Қакраган туманга ўранган куёш Москвани мисдек қиздириб, Садовое кольцо орқасига ботаётган, ҳаттоки нафас олишга ҳам мажол қолмаган бу чоғда, жўка дарахти остига бирон кимса келмади ҳам, скамейкага ўтирмади ҳам, бутун хиёбон бўм-бўш эди.

— Нарзандан куйинг, — илтимос қилди Берлиоз.

— Нарзан йўқ, — деб жавоб берди сотувчи аёл, негадир ранжигандай бўлиб.

— Пиво борми? — деб сўради Бездомний бўғиқ овоз билан.

— Пиво кечқурун келади, — жавоб қилди аёл.

— Нимангиз бор? — сўради Берлиоз.

— Ўрик шарбати, лекин илиқ, — деди аёл.

— Майли, куйинг, куйинг, илиқ бўлсаям!..

Ўрик шарбати стаканни сап-сарик кўпик бўлиб тўлдирди, шунда сартарошхонанинг ҳиди гупиллаб димоққа урилди. Шарбат ичган адибларни бирдан ҳикичоқ тута бошлади. Улар шарбат ҳақини тўлаб, Бронная кўчасига орқа, ҳовузга юз ўгириб бир скамейкага ўтиришди.

Шу маҳал иккинчи ғаройиб ходиса юз берди — буниси энди ёлғиз Берлиозга тааллуқли эди. Унинг ҳикичоқ тутиши бирдан тўхтади, юраги бехос дукиллаб, бир зум қаёққадир ғойиб бўлгандай бўлди, кейин яна ўрнига қайтди, аммо энди, юраги ўтмас игна қадалгандай зирқираб оғрирди. Бундан ташқари, Берлиознинг вужудини кучли бир даҳшат бесабаб чулғаб олдики, у шу заҳотиёқ бу ердан орқасига қарамай қочишга жазм қилди. Берлиоз, ўзининг нимадан чўчиганини билолмай, паришон ҳолда атрофига аланглаб қаради. Унинг ранги қув ўчди,

¹ Эркин Воҳидов таржимаси.

рўмолчаси билан пешанасини артаркан: «Нима бўлди ўзи менга? Ҳеч бунақа бўлмасдим-ку... юрак чатоқ... қаттиқ чарчабман. Ҳамма ишни ташлаб, тезроқ Кисловодскка жўнашим керак...» — деб кўнглидан ўтказди.

Шу маҳал унинг кўзи олдида чўғдек иссиқ ҳаво қуюқлашиб, ундан шишадек шаффоф, ғоят антиқа қиёфадаги бир гражданин вужудга келди. Унинг муштдаккина бошида жокейлар* шапкаси, эгнида катак-катак матодан бичилган калта ва ўзи сингари ҳавойи камзулча... Бу гражданин ниҳоятда дароз бўлса ҳам, елкалари энсиз, ўзи чўпдек ориқ, башараси, эътибор беринг-а, истехзоли эди.

Берлиоз шунча умр кечирган бўлса ҳам ғаройиботларга ҳеч кўника олмасди. Шу боис, унинг баттар кути ўчиб, кўзлари бакрайиб қолди-ю, саросимада: «Бунақа бўлиши мумкин эмас!..» деди ичида.

Ҳолбуки, кўраётганлари чин эди, тиниқ найнов одам, Берлиознинг кўзи олдида, дам ўнгта, дам чапга муаллақ чайқалиб турарди.

Шу чоқ Берлиознинг вужудини қаттиқ даҳшат қамраб, кўзларини чирт юмиб олди. Кейин, у кўзини очган эди, ҳалиги сароб эриб, катак камзулли шарпа ғойиб бўлганини кўрди, айти пайтда, юрагига ботаётган ўтмас игна ҳам вужудидан отилиб чиқиб кетган эди.

— Уфф, лаънати! — деб юборди муҳаррир, — биласанми, Иван, ҳозир иссиқнинг тафтидан сал бўлмаса сакта бўлаёздим! Ҳатто кўзимга ҳар балолар кўрина бошлади, — жилмаймоқчи бўлди у, лекин кўзларидаги ҳаяжон учқунлари ҳамон ўчмас, қўллари ҳам қалтирашдан тўхтамасди.

Лекин бора-бора унинг кўнгли таскин топди; рўмолчаси билан елпинди-да, хийла дадил оҳангда: «Хў-ўш, шундай қилиб...» — деб, ўрик шарбати ичиш пайтида узилиб қолган гапини давом эттирди.

Гап, кейин маълум бўлишича, Исо пайғамбар тўғрисида бораётган экан. Масала шундаки, муҳаррир ўз журналининг навбатдаги сони учун динга қарши қаратилган катта дoston ёзиш ҳақида шоирга буюртма берган эди. Иван Николаевич ўша дostonни жуда қисқа муддатда ёзиб тугатган, аммо, таассуфки, дoston муҳаррирни кониктирмаган эди. Бездомний ўз дostonидаги асосий персонажни, яъни Исо пайғамбарни ўта даражада қора бўёқлар билан тасвирласа ҳам, муҳаррир дostonни қайтадан ёзиш лозим деб туриб олди. Шу боис, у шоирнинг асосий хатосини қайд қилиш мақсадида, унга Исо пайғамбар тўғрисида ваъз ўқийётган эди. Иван Николаевичга айнан нима панд берганини — шоир истеъдодининг тасвирлаш қуввасими, ё ўзи ёзмоқчи бўлган мавзунинг унга тамомила нотанишлигимини — аниқ айтиш маҳол, лекин унинг асарида Исо, гарчи ўзига майл уйғотмаса ҳам, тирик персонаж сифатида тасвирланган эди. Берлиоз эса шоирга, масала Исонинг яхши, ёмонлигида эмас, ўша Исонинг умуман шахс сифатида дунёда ҳеч қачон бўлмаганлигида, унга тааллуқли гаплар эса, оддий уйдирмаю афсона эканлигида, деб исботламоқчи бўларди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, муҳаррир аллома одам эди, бинобарин, Исо пайғамбарнинг дунёда яшаганлиги ҳақида ўз китобларида лом-мим демаган қадимги тарихчилардан (масалан, машҳур Филон Искандарий*, беназир маърифат соҳиби Иосиф Флавийлардан) ниҳоятда моҳирлик билан далил келтирарди. Михаил Александрович, ўзининг салмоқли заковатини намойиш қилиб, гап орасида, яна Тацитнинг* машҳур «Солномалар»ига тўхталиб, унинг ўн бешинчи китобидаги Исонинг қатл этилиши баён қилинган 44-бобни анча кейинроқ илова қилинган сохта бобдан бўлак нарса эмаслигини айтиб ўтди.

Муҳаррир айтаётган бу гапларнинг ҳаммаси шоир учун янгилик эди, шунга кўра у ўзининг кўм-кўк, шўх кўзларини Михаил Александровичга тикканча, унинг сўзларини диққат билан тингларкан, ахён-ахёнда ҳикичоқ тутиб, пичирлаганча ўрик шарбатини лаънатларди.

* Нотанишлик белгиси қўйилган сўзларга китоб охирида алифбо тартибида изоҳ берилган.

— Шарқда биронта ҳам дин йўқки, — дерди Берлиоз, — у бокира биби Марьямнинг худога кўзи ёригани ҳақида баён қилмаган бўлсин. Шунга кўра христианлар ҳам, ўзга бирон янгилик кашф эта олмай, айнан шу шарқона тарзда ўз Исо пайғамбарларини кашф этдиларки, аслида у ҳеч қачон ёруғ дунёга келмаган. Достонда ҳам асосий эътиборни айнан мана шу нарсага қаратмоғинг керак эди...

Берлиознинг баланд овози бўм-бўш хиёбонда жаранглаб эшитиларди, у илм чангалзорининг энг қуюқ, хилват ерига кириб борган сари (фақат ўта аллома одамгина бундай хилватгоҳга бешикаст кириб бориши мумкин), шоир мисрликларнинг саховатли худоси Само ва Замин ўғлони Озирис* ҳақида ҳам, Финикия худоси фаммуз* тўғрисида ҳам, Мардук* ҳақида ҳам, ҳатто Мексиканинг ацтек халқи учун бир замонлар ниҳоятда қадрли бўлган, лекин унчалик ном қозонмаган бадқаҳр худо Вицлипуцли ҳақида ҳам тобора кўпроқ ва фойдалироқ маълумотлар ола бошлади.

Михаил Александрович Вицлипуцлининг зуваласини ацтеклар ҳамирдан олганликлари тўғрисида эндигина ҳикоя қила бошлаган эди, хиёбонда бир одам кўринди.

Кейинчалик (вақт ўтгандан кейин) ҳар хил идоралар бу одамнинг қиёфаси ҳақида маълумотлар беришди. Аммо у маълумотларнинг муқоясаси кишини ҳайрон қолдирарди. Чунончи, биринчи маълумотда ўша одамнинг пакана, тилла тишли ва ўнг оёғи оқсаши ҳақида хабар қилинган бўлса, иккинчисида у одам баҳайбат, тишига платинадан қоплама қўйдирган, чап оёғи оқсоқ, дейилган эди. Учинчи маълумотда: у одамнинг диққатга молик ҳеч қандай аломати йўқ, деб лўнда қилиб ёзилганди.

Эътироф этиш керакки, бу маълумотларнинг биронтаси ҳам тўғри эмас эди.

Биринчи навбатда: ўша назарда тутилган одамнинг на у, на бу оёғи оқсар, на пакана, на баҳайбат, ҳамма қатори норғул эди. Энди унинг тишларига келсак, чап жағ тишларига платина қопланган, ўнг жағидаги тишлари тилладан эди. У қимматбаҳо кулранг костюм кийган, оёғидаги хориж туфлиси ҳам костюми рангида эди. Кулранг беретини олифтлардек бир қулоғи устига қия қўндирган, қўлтиғига бароқ итнинг бошини эслатувчи қора думалоқ тутқичли ҳасса қистирганди. Кўринишидан ёши қирқлардан ошган. Оғзи сал қийшиқроқ. Соқол-мўйлови силлиқ қилиб олинган. Қорасоч. Унинг ўнг кўзи қора, чап кўзи эса негадир кўк эди. Тимқора қошлари паст-баланд — қисқаси, ажнабий одам эди.

У муҳаррир билан шоир ўтирган скамейка оддидан ўтатуриб, уларга кўз қирини ташлади, юришдан тўхтади ва бирдан икки дўстдан икки қадам наридаги бошқа скамейкага ўтирди.

«Немис», — деб ўйлади Берлиоз.

«Инглиз, — деб кўнглидан ўтказди Бездомний, — тавба, шу жазирамада қўлқопда юрипти-я — исиб кетмасмикин?»

Ажнабий киши эса бу пайт ҳовузни квадрат тарзда ўраб олган кўп қаватли уйларга қизиқсиниб кўз югуртира бошлади, афтидан, бу жойларни у биринчи марта кўраётган эди.

У нигоҳини юқори қаватларнинг деразаларига қадади, дераза ойналари Михаил Александрович билан мангу видолашаётган қуёшнинг синиқ шуълаларини ўзида акс эттириб, кўзни қамаштиргудек ярақларди: сўнг пастки қаватлардаги шом чўкиши билан қорая бошлаган деразаларга кўз ташлади, пимагадир мийиғида кулиб қўйди, кўзларини сузди, қўлларини ҳассанинг думалоқ дастасига, иягини эса қўлларига қўйди.

— Сен, Иван, — дерди бу пайт Берлиоз, — чунон-чи, худо ўғли Исонинг таваллудини жуда яхши ва сатирик услубда тасвирлагансан, лекин қизиги шундаки, Исодан олдин ҳам бир қатор худозодалар туғилган — масалан, айтайлик, фригиялик Аттис" — аммо қисқа қилиб айтадиган бўлсак, уларнинг биронтаси ҳам, шу жумладан Исо ҳам туғилмаган, шунга кўра сен Исонинг таваллудини, айтайлик, уни зиёрат қилгани келган сеҳргар мунажжимларни тасвирлаш ўрнига мазкур таваллуд ҳақидаги даргумон мулоҳазалар ҳақида ёзишинг керак... Ҳозир эса сенинг баён қилишингча, у чинданам дунёга келган бўлиб чиқяпти!..

Шу чоқ Бездомний дамани ичига ютиб, безор қилган ҳикичокқа барҳам бермоқчи бўлди, лекин аксига юриб уни яна аламлироқ ва қаттикроқ ҳикичок тута бошлади, бу пайт Берлиоз ҳам гапиришдан тўхтади, чунки ажнабий киши бирдан ўрнидан туриб, адиблар қошига юра бошлаган эди.

Улар бу нотаниш одамга таажжуб билан қарашди.

— Ўтинаман, мени афв этгайсиз, — деди бегона киши ажнабийлар талаффузида, аммо сўзларни бузмай, — сизга нотаниш бўлатуриб, суҳбатингизга аралашганим учун... Аммо илмий суҳбатингиз мавзуи шу қадар қизиқарлики, камина...

Шу ўринда у илтифот билан бошидан беретини олди, натижада икки дўст ҳам, ноилож, ўрнидан туриб, унга таъзим қилди.

«Йўк, кўпроқ французга ўхшаб кетади...» — деб ўйлади Берлиоз.

«Поляк шекилли?...» — деди ичида Бездомний.

Шуни илова қилиш керакки, бу ажнабий биринчи айтган сўзданок шоирда нафрат уйғотди, Берлиозга эса у ёқиб қолган эди, яъни ёққан эди деб ҳам бўлмади-ю, аникроғи... қандай ифода этса бўларкан... уни қизиқтириб қолгаи эди, деймизми.

— Майлими сизлар билан ўтирсам? — мулойим оҳангда сўради ажнабий, шунда икки дўст беихтиёр икки томонга сурилди; ажнабий киши эпчиллик билан улар ўртасига ўтирди-ю, шу зумдаёқ суҳбатга аралашди.

— Агар янглиш эшитмаган бўлсам, сиз Исони дунёга келмаган деб айтдингиз шекилли? — сўради ажнабий кўм-кўк чап кўзини Берлиозга тикиб.

— Йўк, янглиш эшитмадингиз, — назокат ила жавоб қилди Берлиоз, — мен айнан шундай дедим.

— О, гоятда қизиқ! — деди ажнабий.

«Нимага ҳадеб тумшуғини тикаверади бу?» — деб кўнглидан ўтказди Бездомний ва ковоғини солиб олди.

— Сиз ҳамсуҳбатингизнинг фикрига қўшилдингизми? — деб сўради нотаниш ажнабий ўнгга, Бездомнийга ўгирилиб.

Шоир ўз фикрини тумтароқ ва мажозий иборалар билан ифодалашни яхши кўрарди, шунинг учун:

— Юз фоиз! — деб жавоб қилди.

— Вожаб! — деб юборди чақирилмаган ҳам-суҳбат, сўнг негадир атрофга ўғри қараш қилиб, сўнг шундоқ ҳам бўғиқ овозини янаям пасайтириб деди: — Синчковлигим учун мени кечиринг, лекин фаҳмимча, сиз ҳали худогаям ишонмайсизми дейман? — у кўзларида ваҳима зуҳур этди ва илова қилди: — Онт ичаман, кеч кимга айтмайман.

— Ҳа, биз худога ишонмаймиз, — жавоб қилди Берлиоз ажнабий кишининг чўчиб кетганидан хиёл жилмайиб туриб, — аммо бу ҳақда мутлақо ошқора гапиравериш мумкин.

Чет эллик скамейкага суянди ва синчковлиги кўзиганидан чийиллаб сўради:

— Сизлар — атеистмисиз?!

— Ҳа, бизлар — атеистмиз, — жилмайганча жавоб қилди Берлиоз, аччиғи чиққан Бездомний эса: «Мунча хира бўлмаса бу ажнабий суллоҳ!» — деб кўнглидан ўтказди.

— О, қандай мароқли! — деб чинқириб юборди антиқа ажнабий гоҳ у, гоҳ бу адибга ўгирилиб қараркан.

— Бизнинг мамлакатда атеизм ҳеч кимни ажаблантирмайди, — дипломатларга хос назокат билан деди Берлиоз, — аҳолимизнинг кўпчилиги худо ҳақидаги афсоналарга анчадан бери онгли равишда ишонмай қўйган.

Шунда чет эллик ножўя бир ҳаракат қилди: ўрнидан туриб, таажжубланган муҳаррирнинг кўлини сиқаркан, шундай деди:

— Ижозатингиз билан сизга чин қалбимдан миннатдорчилик изҳор этаман!

— Нима учун миннатдорчилик изхор этиясиз унга? — деб сўради Бездомний кўзларини пирпиратганча.

— Камина — сайёҳ учун фавкулудда қизиқарли бўлган ғоятда муҳим маълумот учун, — деб изоҳлади чет эллик бармоғини маънодор кўтариб.

Чамаси, муҳим маълумот сайёҳга чинданам кучли таъсир кўрсатган эди, шунинг учун ҳам у атрофдаги уйларга кўрқа-писа кўз югуртириб чикди — у ҳар бир деразада биттадан атеистни кўришдан хавотирланаётгандай эди.

«Йўқ, у инглиз эмас...» — деб ўйлади Берлиоз, Бездомний эса: «Қизиқ, бунақа русча гапиришни қаерда ўргана қолдйкин?» — деб кўнглидан ўтказди-да, яна ўшшайиб олди.

— Лекин ижозатингиз билан сиздан бир нарсани сўрамоқчийдим, — деб яна гапира бошлади ажнабий меҳмон бир оз ҳаяжонли хаёлга берилиб ўтиргандан кейин, — худоларнинг мавжудлиги борасидаги далиллар нима бўлади? Ахир у далиллар, маълумингизки, роса бешта...

— Тассуфки, — деб жавоб қилди Берлиоз, — ўша далилларнинг биронтаси ҳам ҳеч қандай қийматга эга эмас, бинобарин, башарият аллақачон уларни унутиб юборган. Ахир, ақл-заковат юзасидан олганда, худонинг мавжудлигини исботлайдиган ҳеч қандай далил бўлиши мумкин эмас, шундай эмасми?

— Офарин! — чинқириб юборди чет эллик. — Офарин! Сиз тиниб-тинчимаган қария Иммануилнинг бу борада айтган фикрини мукамал такрорлагингиз. Лекин қизиғи шундаки, у бешала далилни ҳам тамомила барбод қилган, кейин эса ўз устидан кулмоқчи бўлгандай, шахсан ўзи олтинчи далилни кашф этганди!

— Кантнинг далили ҳам, — майин табассум билан эътироз билдирди заковатли муҳарир, — асоссиз. Шиллер бекор айтмаган эди, Кантнинг бу масала юзасидан мулоҳазалари фақат кулларнигина қаноатлантириши мумкин деб, Штраус* эса бу далилни мазах қилиб кулган эди.

Берлиоз гапираркан, айна пайтда: «Ҳар қалай, бу одам ким бўлдийкин? Рус тилида бунчалик яхши гапиришни қаердан ўргандйкин?» — деб ўйларди.

— Менга қолса, ўша Кантни шу назарияси учун уч йилга Соловкига* сургун қилардим! — деб юборди бирдан Иван Николаевич худди томдан тараша тушгандай.

— Иван! — деб пичирлади хижолат бўлган Берлиоз.

Лекин Кантни Соловкига жўнатиш тўғрисидаги таклиф чет эллик меҳмонни ҳайратда кодирибгина қўймай, ҳатто унинг дилини чоғ ҳам қилиб юборди.

— Жуда тўғри, айнан шундай қилиш лозим, — деб чинқириб юборди у, шунда Берлиозга қараган чап кўк кўзи бирдан чакнаб кетди, — унинг жойи ўша ер! Ҳа, ўшанда нонушта пайтида унга: «Сиз, профессор, нима десангиз денг, лекин кашф этган далилингиз қовушмаяпти! Эҳтимол, у оқилона далилдир, аммо жуда мубҳам. Сизни мазах қилиб кулишлари мумкин», деб айтган эдим-а.

Берлиоз бақрайиб қолди. «Нонушта пайтида... Кант билан гаплашган?... Нима деб валдирияпти ўзи?» — деб ўйлади у.

— Лекин, — гапида давом этди чет эллик Берлиознинг ҳанг-манг бўлганига парво қилмай, шоирга юзланаркан, — уни Соловкига жўнатишнинг ҳеч имкони йўқ, бунга сабаб, у, мана, юз йилдан ошдики, Соловкидан кўра анча олисроқ ерга жўнатилган, шу боис уни у ердан олиб чиқиш — асло мумкин эмас, мен сизга айтсам!

— Аттанг! — деди қитмир шоир.

— Ҳа, аттанг! — деди нотаниш ажнабий кўзини чакнатиб, сўнг гапида давом этди: — Лекин мени бошқа масала безовта қияпти; агар худо йўқ бўлса, унда башарият ҳаётини ва умуман, ер юзидаги барча жонзодларни ким бошқаряпти, деган савол туғилади.

Бу, очиғини айтганда, унча ойдин бўлмаган саволга Бездомний жаҳл билан шоша-пиша жавоб қилди:

— Ким бўларди, инсоннинг ўзи-да!

— Кечирасиз, — мулойим оҳангда жавоб қилди нотаниш киши, — ҳаётни бошқариш учун, ҳеч бўлмаса, оз муддатлик аниқ бир режа бўлиши керак. Ваҳоланки, атиги бирор минг йил муддатга режа тузиш у ёкда турсин, ҳатто ўзининг эртанги куни ҳақида ҳам бир нима дейишга ожиз бўлган инсон, қани, менга айтинг-чи, қандай қилиб ҳаётни бошқара олсин. Дарҳақиқат, — шундай деб у энди Берлиозга ўгирилди, — бир тасаввур қилиб кўринг, чунончи, сиз ўзгаларни ҳам, ўзингизни ҳам бошқара бошладингиз, фармойишлар бера бошладингиз, умуман, бу ишнинг ҳавосини ола бошладингиз, лекин бирдан... ихти... ихти... ўпкангиз саркома* касалига чалинадию... — чет эллик гўё ўпка саркомаси унга ҳузур бағишлагандай мамнун жилмай-ди, — ҳа, саркома, — у кўзларини мушук янглиғ қисиб, бу жарангдор сўзни яна такрорлади, — шу билан, бошқарувчилик фаолиятингиз ҳам тугайди-қолади! Энди ўз тақдирингиздан бўлак ҳеч ким сизни қизиқтирмайди. Хешларингиз сизни ёлғон сўзлар билан юпатмоқчи бўлишади, сиз аҳволнинг пачавалигини ҳис қилиб, аввалига аллома врачларга, кейин товламачи табибларга, ҳаттоки фолбинларга ҳам зир югура бошлайсиз. Лекин алломалардан ҳам, табиблардан ҳам, фолбинлардан ҳам ҳеч бир наф бўлмаслигини ўзингиз яхши биласиз. Оқибат бу уринишларнинг ҳаммаси фожиа билан тугайди: яқингинада ўзини қандайдир ишларни бошқараётгандек ҳис қилган шахс энди бирдан тахта тобутда қимир этмай ётган бўлади, унинг атрофида парвона бўлганлар эса бу жонсиз жисмдан ҳеч қандай наф йўқлигини тушуниб, печда куйдиришади. Лекин бундан ҳам баттар бўлиши мумкин: бир одам Кисловодскка отланди дейлик, — шу ерга келганда ажнабий киши Берлиозга кўзларини қисиб қаради, — оддий сафар дейсиз, аммо у шуни ҳам амалга оширолмайди, чунки номаълум бир сабабга кўра бирдан сирғаниб кетиб, трамвай тагига тушади. Наҳотки, сизнингча, у ўзини ўзи шундай бошқарган бўлса? Уни қандайдир бошқа бир хилқат бошқарган эди, деб эътироф этиш тўғри бўлмасмикин? — шундай деб ажнабий киши ғалати истехзо билан кулиб юборди.

Берлиоз саркома дарди ва трамвай ҳақидаги кўнгилсиз ҳикояни зўр диққат билан тингларкан, аллақандай ҳаяжонли ўйлар уни изтиробга сола бошлади. «У хорижлик эмас! Хорижлик эмас! — деб ўйларди Берлиоз. — Жуда антиқа бир нусха... лекин, ҳар қалай, ким бўлдикин бу?»

— Чеккингиз келяпти, назаримда, а, — деб кутилмаганда Бездомнийга юзланди нотаниш меҳмон. — Қанақасини ёқтирасиз?

— Нима, сизда ҳар хил папирос борми? — нохуш оҳангда сўради шоир — чинданам унинг папироси тугаган эди.

— Қайси папиросни ёқтирасиз? — такрор сўради нотаниш одам.

— Ҳай, «Наша марка»ни, — жаҳл билан деди Бездомний.

Нотаниш меҳмон чўнтагидан оҳиста портсигар чиқариб уни Бездомнийга узатди:

— «Наша марка».

Муҳаррирни ҳам, шоирни ҳам ҳайратга солган нарса портсигарнинг айнан «Наша марка» папирос билан тўлдирилганидан ҳам кўра, портсигарнинг ўзи ҳайратга солган эди. У жуда каттакон ва қизил олтиндан ясалган бўлиб, очилганида қопқоғи устига ўрнатилган уч қиррали гавҳартош кўк ва оқ чўғ бўлиб ярақлаб кетди.

Шунда икки адабиётчи икки хил хаёлга борди. Берлиоз: «Йўқ, ажнабий одам!» — деди, Бездомний бўлса: «Оббо лаънати! Ким бўлди ўзи бу, а?» — деб кўнглидан ўтказди.

Шоир билан портсигар сохиби папирос тутатишди, чекмайдиган Берлиоз эса папиросни рад этди.

«Унга бундай деб эътироз билдириш керак, — аҳд қилди Берлиоз, — ҳа, ўлим ҳақ, буни ҳеч ким инкор этмайди. Лекин гап шундаки...»

Бироқ у айтмоқчи бўлган гапини айтишга улгурмай, хорижлик меҳмон гап бошлаб юборди:

— Ҳа, ўлим ҳақ, лекин бу ҳам ҳали баҳарнав. Энг ёмони шундаки, у баъзан кутилмаганда қазо қилади, ҳамма бало шунда! Одам, умуман, бугун кечқурун нима билан машғул бўлишини

ҳам айта олмайди.

«Ғирт бемаъни мусоҳаба...» — деб ўйлади Берлиоз ва эътироз билдирди:

— Йўқ, бу ўринда жудаям лоф қилиб юбордингиз. Масалан, мен бугун оқшомда нималар қилишимни, озми-кўпми, аниқ биламан. Ҳа, албатта, турган гапки, мабодо Бронная кўчасида бошимга дабдурустдан ғишт тушиб кетмаса...

— Ғишт, — деб униг сўзини салобат билан бўлди нотаниш меҳмон, — ҳеч қачон, ҳеч кимнинг бошига бесабаб тушмайди. Ишонтириб айтаманки, шахсан сизга ғишт ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Сиз бошқача ўлим топасиз.

— У қанақа ўлим экан, балки сиз биларсиз? — деб ошкора киноя билан сўради Берлиоз бу ғирт бемаъни суҳбат домига тобора кўпроқ тортиларкан. — Эҳтимол, менга айтарсиз ҳам?

— Бажонидил, — деди бегона киши. У гўё Берлиозга костюм бичмоқчи бўлгандай, бошдан-оёқ унга разм солиб чиқди, сўнг гижир тишлари орасидан: «Бир, икки... Меркурий иккинчи уйда... ой ботди... олти — бахтсизлик... оқшом — етти...» — деб ғўлдиради-да, шўх овоз билан баралла деди: — Каллангиз узилади!

Бездомний бу бетакаллуф одамга жаҳл билан ўқрайиб қаради, Берлиоз эса мийиғида тиржайиб сўради:

— Ким узади? Душманларми? Интервентларми?

— Йўқ, — деб жавоб қилди ҳамсуҳбат, — рус қизи, комсомол қиз.

— Ҳм... — деб қўйди Берлиоз нотаниш ажнабийнинг қалтис ҳазилидан ғижиниб, — афв этасиз-у, аммо бу даргумон.

— Мени ҳам афв этишингизни сўрайман, — жавоб қилди ажнабий киши, — лекин бу аниқ. Дарвоқе, сиздан бир нарсани сўрамоқчийдим, бугун кечқурун нима иш қиласиз, агар сир бўлмаса?

— Сир эмас. Ҳозир Садовая кўчасига, уйимга бораман, кейин кеч соат ўнда МАССОЛИТда мажлис бор, мен унда раислик қиламан.

— Йўқ, асло бундай бўлиши мумкин эмас, — қатъий эътироз билдирди хорижлик киши.

— Нима учун энди?

— Шунинг учунки, — деб жавоб қайтара бошлади ажнабий меҳмон ва сузук кўзларини осмонга қаратди, — ҳадемай оқшомги салқин тушишини ҳис қилган қора қалдирғочлар фазода товушсиз «виз-виз» учадилар, Аннушка писта мойи сотиб олди, сотиб олдигина эмас, уни тўкиб ҳам бўлди. Демак, мажлис бўлмайди.

Турган гапки, бу мужмал гапдан сўнг жўкалар остига сукунат чўқди.

— Афв этасиз, — деб бир оз сукутдан кейин гап бошлади Берлиоз, бемаъни сафсата сотаётган хорижлик кишига қараб қўйиб, — писта мойининг бунга нима дахли бор... кейин, ким у Аннушка?

— Писта мойининг дахлдорлигига сабаб буёқда, — деб бирдан гапга аралашди Бездомний, чамаси у чақирилмаган ҳамсуҳбатга қарши уруш эълон қилмоқчи бўлганди, — сиз, гражданин, руҳий касаллар шифохонасида ҳеч бўлганмисиз?

— Иван!.. — оҳиста танбех берди Михаил Алек-сандрович.

Лекин ажнабий меҳмон асло ранжимади, балки хушчақчақ қулиб юборди.

— Бўлганман, бир эмас, бир неча марта бўлганман! — деб чинқирди у кулганча, лекин жиддий кўзларини шоирдан узмай. — Не-не жойларда бўлганман! Фақат, афсус, профессордан шизофрения² нима деб сўрашни унутибман. Энди ўзингиз ундан сўраб билиб оласиз-да, Иван Николаевич!

— Исми-шарифимни қаёқдан биласиз?

— Қизиқмисиз, Иван Николаевич, сизни ким танимас экан? — ажнабий меҳмон шундай деб

² Шизофрения — сабаби аниқланмаган руҳий касаллик, восвос. Бу ногўғри муолажа оқибатида соғлом кишини телба қилиб қўйиш демақдир.

чўнтагидан «Литературная газета»нинг кечаги сонини чиқарди, шунда Иван Николаевич газетанинг биринчи саҳифасида ўз суратини, сурат остида ўзи ёзган шеърни кўрди. Бироқ кечагина уни хушнуд этган шуҳрат ва довруқ сабабчиси бўлмиш бу шеър энди шоирни асло севинтирмади.

— Мени кечирасиз, — деди у ранги қув ўчиб кетиб, — бир дақиқа сабр қила олмайсизми? Ўртоғимга айтадиган икки оғиз омонат гапим бор эди.

— О, бемалол! — деди нотаниш киши. — Бу ер — жўка ости жуда ҳаловатли ер экан, ундан кейин, мен ҳеч ерга шошаётганим йўқ.

— Менга қара, Миша, — пичирлади шоир Берлиозни четроққа бошлаб ўтиб, — у ҳеч қанақа ажнабий эмас, балки жосус. У мамлакатимизга ўтиб олган рус муҳожирини. Тезроқ унинг хужжатини сўра, бўлмаса кетиб қолади...

— Шунақамикин-а? — ҳаяжонли пичирлади Берлиоз, ўзи эса: «Гапи тўғрига ўхшайди!» — деб кўнглидан ўтказди.

— Гапимга ишонавер, — деб Берлиознинг қулоғига хириллади, — у ўзини гўлликка солиб, баъзи нарсаларни билиб олмоқчи. Угшнг русча қанақа гапирини ўзинг эшитдинг, — шоир пичирлаб гапираркан, нотаниш одам қочиб кетмасин, деб у томонга кўз қирини ташлаб турарди, — юр, уни қўлга оламиз, қочиб қолмасидан...

Кейин шоир Берлиозни қўлидан ушлаб, уни скамейка томон бошлади.

Бегона киши энди скамейкадан турган, қўлида тўқ кулранг муқовали қандайдир гувоҳнома, сифатли қалин қоғоздан ишланган конверт ва ташрифнома ушлаб турарди.

— Мени кечиринглар, мубоҳасага берилиб кетиб, ўзимни танитишни унутибман. Мана менинг ташрифномам, паспортим ва Москвага консультацияга чақирилгапим ҳақида таклифнома, — деб нотаниш киши иккала адабиётчига ўткир кўзларини тикканча кескин-кескин гапирди.

Шунда икки дўст хижолат бўлиб қолди. «Оббо, ҳамма гапни эшитипти-ю...» — деб ўйлади Берлиоз ва мулойим ишора билан хужжат кўрсатишнинг ҳожати йўқлигини билдирди. Ажнабий меҳмоп хужжатларини муҳаррирга узатаётган чоғда, ташрифномадаги ажнабий тилда «профессор» деб ёзилган сўзга ва фамилиясининг бош ҳарфи — («В»)га шоирнинг кўзи тушиб қолган эди.

Бу аснода, муҳаррир хижил бўлиб:

— Ғоят хурсандман, — деб гўлдирди, хорижлик киши хужжатларини яна чўнтагига солиб қўйди.

Шу йўсинда муносабат қайта тикланди-ю учовлари яна скамейкага ўтиришди.

— Сиз мамлакатимизга консультант сифатида таклиф қилинганмисиз, профессор? — сўради Берлиоз.

— Ҳа, консультантман.

— Сиз — немисмисиз? — деб суриштирди Бездомний.

— Менми?.. — такрор сўради профессор ва бирдан чуқур ўйга толди. — Ҳа, немис десаям бўлади...

— Русча жуда яхши гапираркансиз, — эътироф этди Бездомний.

— О, мен умуман полиглотман, жуда кўп тилни биламан, — жавоб қилди профессор.

— Қай соҳадан мутахассиссиз? — деб сўради Бездомний.

— Мен жоду бўйича мутахассисман.

«Шу етмай турувди!..» — деган фикр Михаил Александровичнинг миясига санчикдай урилди.

— Сиз... сизни шу соҳа бўйича таклиф қилишганми мамлакатимизга? — дудукланиб сўради у.

— Ҳа, шу соҳа бўйича, — деб тасдиқлади профессор ва фикрини изоҳлай бошлади: — Бу

ердаги давлат кутубхонасида ўнинчи асрда яшаган афсунгар Ҳер-берт Аврилакскийнинг асл кўлёмалари топилган. Шуларни таҳлил қилишни сўрашяпти мендан. Бу соҳада мен дунёда ягона мутахассисман.

— А-а! Тарихчи экансиз-да? — енгил тин олиб, ҳурмат билан сўради Берлиоз.

— Ҳа, тарихчидан, — тасдиқлади олим, сўнг худди томдан тараша тушгандай илова қилди: — Бугун кечкурун Патриарх кўлида аломат воқеа содир бўлади!

Муҳаррир билан шоир яна ҳайратланишди, профессор эса уларни ўзига томон имлади, икки дўст энгашиб, унга кулоқ тутганда, шундай деб пичирлади:

— Эсингизда бўлсин, Исо бўлган.

— Биласизми, профессор, — деди Берлиоз зўрма-зўраки жилмайиб, — биз сизнинг беназир билимингизни ҳурмат қиламиз, аммо биз бу масалада ўзгача нуқтаи назарга эгамиз.

— Ҳеч қандай нуқтаи назарнинг кераги йўқ! — жавоб қилди аломат профессор. — У бўлган, вассалом.

— Ахир бунинг учун қандайдир исбот керак-ку... — деб гап бошлади Берлиоз.

— Ҳеч қандй исботнинг ҳожати йўқ, — деб жавоб қилди профессор ва паст овоз билан гапира бошлади, аммо унинг тилидаги ажнабийларга хос талаффуз негадир энди йўқолган эди: — Бунинг ҳеч таажжуб қиладиган ери йўқ! Эгнига қирмизи астарли оқ ридо кийган...

Иккинчи боб

ПОНТИЙ ПИЛАТ

Эгнига қирмизи астарли оқ ридо кийган Иудея* прокуратори* Понтий Пилат* баҳорги нисон* ойининг ўн тўртинчи куни эрталаб барвақт Буюк Ирод* қасрининг икки қаноти ўртасидаги усти ёпик устунлар пойига худди суворий каби пошнасини судраб чиқиб келди.

Прокуратор ҳамма нарсадан ҳам атиргул мойининг ҳидини ёқтирмас эди, шу боис, бугунги кун дилсиёҳлик билан ўтиши муқаррар эди, зеро бу ҳид бугун тонгдан уни таъкиб қила бошлаган эди. Прокураторнинг назарида, атиргул исини боғдаги сарв ва хурмо дарахтлари чиқараётгандай, кўн абзаллар ва отларнинг ҳидига ҳам ўша лаънати атиргул ҳиди омихта бўлаётгандек туюларди. Прокураторни Ершалаимга* кузатиб келган Ўн иккинчи Шиддатли легионнинг биринчи когортаси* жойлашган қаср ортидаги уйлардан боғнинг муаллақ саҳни оша устунлар майдонига тутун эсиб келар, ошпазларнинг тушлик ҳозирлай бошлаганидан дарак берувчи бу аччиқ тутунга ҳам ўша ўткир атиргул ҳиди омихта бўлаётган эди. О, тангрилар, қай гуноҳим учун мени бунча азоблайсизлар?

«Ҳа, шубҳа йўқ! Яна ўша дард, ҳеч даф қилиб бўлмайдиган ярамас Хемикрания* касали — у кўзиганда калланинг ярми оғрийди. Бу дардга даво йўқ, ундан кутулиш учун ҳеч қандай илож ҳам йўқ. Бошимни қимирлатмасликка уриниб кўрай-чи».

Фаввора яқинидаги кошинкор саҳнга суянчиқли курси қўйилган эди, прокуратор ҳеч кимга кўз ташламай, шу курсига ўтирди-ю, кўлини ён томонга чўзди.

Котиб унинг узатган кўлига эҳтиром билан бир парча пергамент³ тутқазди. Прокуратор оғриқ азобидан афтини ноилож бужмайтирганча, пергаментга киё боқиб, ундаги ёзувга кўз югуртириб чиқди ва уни котибга қайтараркан, қийналиб деди:

— Тергов қилинаётган Галилеядан* эканми? Унинг ишини тетрархга* юборувдингларми?

— Ҳа, прокуратор, — деб жавоб қилди котиб.

— У қандай ҳукм чиқарди?

— Тетрарх бу иш юзасидан айбнома чиқаришдан бош тортди ва Синедрион* чиқарган ўлим

³ Пергамент — коғоз кашф этилмасдан олдин коғоз ўрнида ишлатилган тери.

жазосини тасдиқлашни сизга ҳавола қилди, — деб изоҳлади котиб.

Прокуратор ёноқ пайини бир учириб қўйиб, паст овоз билан деди:

— Айбланувчини олиб кириг.

Шу заҳоти икки легионер боғ саҳнидан устунлар пойидаги равонга йигирма етти ёшлардаги бир одамни бошлаб кириб, уни прокуратор ўтирган курси рўпарасига турғизиб қўйишди. Бу одам эгнига ҳаворанг узун жулдур қўйлак кийган эди. Унинг бошига оқ рўмол ташланиб, пешонаси тасма билан боғланган, қўли эса орқасига боғлоғлиқ эди. Бу одамнинг чап кўзи ости кўқарган, оғзининг бир чеккаси шилиниб, қони котиб қолган эди. У прокураторга кўрқув аралаш синчковлик билан тикилди.

Прокуратор бир оз сукутдан сўнг арамейлар* тилида сўради:

— Одамларни Ершалаим жомесини вайрон қилишга ундаган сенмидинг?

Прокуратор тошдай қотиб ўтирар, гапирганида фақат лабларигина зўрға қимирларди. У оғриқдан оташ бўлиб ёнаётган бошини чайқашдан кўрққани учун шундай ҳайкал бўлиб ўтирарди.

Қўли боғлоғлиқ одам хиёл олдинга талпинди-да, гап бошлади:

— О, саховатли одам! Гапимга ишон...

Лекин прокуратор ўша-ўша тошдай қотиб ўтирганча, товушини ҳам баландлатмай, дарҳол маҳбуснинг сўзини бўлди:

— Сен ҳали мени саховатли одам деяпсанми? Янглишасан. Ершалаимда ҳамма одамлар мени бадқаҳр махлуқ деб пичирлашади — жуда тўғри айтишади, — кейин у гап оҳангини ўзгартирмай илова қилди: — Кентурион* Каламушкушни чақиринглар.

Махсус кентурия" кўмондони Каламушкуш лақабли Марк прокуратор қошида пайдо бўлганида ҳамманинг назарида гўё бутун равонни зулмат чулғагандай бўлди.

Каламушкуш легиондаги энг новча соддатдан ҳам бир қарич баланд ва шу қадар яғриндор эдики, энди кўтарилиб келаётган қуёшни тамомила тўсиб қўйган эди.

Прокуратор унга лотин тилида гапирди:

— Жиноятчи мени «саховатли одам» деб айтяпти. Уни бу ердан бир дақиқага олиб чиқингда, менга қандай мурожаат қилишни тушунтириб қўйинг. Лекин майиб қилманг.

Марк Каламушкуш, орқамдан юр, демоқчи бўлгандай, маҳбусга қўл силтади; шунда тошдай қотиб ўтирган прокуратордан бошқа ҳамма уни орқасидан кузатиб қолди.

Умуман, Каламушкуш қаерда бўлмасин, дароз одам бўлганидан, ҳамма уни орқасидан кузатиб қоларди, уни биринчи марта кўрган одамлар эса бадбашара афтига ҳам ҳанг-манг бўлиб тикилишарди: униг бурни бир вақтлар олмон гурзисидан пачоқ бўлган эди.

Маркнинг кошинларга «дўқ-дўқ» урилган зилдай этиги овози тинди, маҳбус унинг орқасидан товушсиз эргашди, устунлар майдончаси тамоман сукутга чўкди, шу сабабли равон олдидаги боғ саҳнида каптарларнинг ғув-ғувлагани, фавворадаги сувнинг антиқа оҳангда еқимтой жилдираши эшитила бошлади.

Прокуратор ўрнидан туриб, жилдираб оқаётган фаввора сувига чаккаси тутгаича қимирламай туришни истарди. Лекин бу ҳам, барибир, дардига даво бўлмаслигини биларди.

Каламушкуш маҳбусни боққа олиб чиқиб, биринж⁴ ҳайкал пойида турган легионер қўлидаги қамчини тортиб олди ва уни кучсизгина силтаб, маҳбуснинг елкасига туширди. Кўмондон еигил ва бепарво ҳаракат қилди, лекин маҳбус шу заҳоти худди оёғига болта урилгандек қулаб тушди, нафаси қайтиб, ранги бўздек оқарди, кўзлари маъносиз бокди. Марк чап қўли билан маҳбусни худди бўш қоп кўтаргандай осонгина кўтариб, оёққа турғазди ва арамейлар тилида сўзларни бузиб минғиллади:

— Рим прокураторига фақат игемон* деб мурожаат қилиш керак, вассалом. Униг

⁴ Биринж — бронза.

қаршисида ғоз туриш керак. Гапимга тушундингми ё яна қамчилайми?

Маҳбус гандираклар кетди, лекин ўзини тутиб одди, ахийри рангига қон югуриб, нафасини ростлади-да, хирқироқ овоз билан жавоб қилди:

— Гапингга тушундим. Урма мени.

Бир дақиқадан кейин у яна прокуратор рўпарасида турарди.

Ҳукмроннинг сўниги ва хаста овози эшитилди:

— Исминг?

Маҳбус бамаъни жавоб беришга, ортиқ ҳукмдорнинг ғазабини келтирмасликка шай эканлигини бутун вужуди билан ифодалаб, шоша-пиша деди:

— Меникими?

Прокуратор паст овоз билан деди:

— Меники ўзимга маълум. Ўзингни ҳаддан зиёд овсарликка солма. Сенинг исминг нима? .

— Иешуа, — шоша-пиша жавоб қилди маҳбус.

— Лақабинг борми?

— Ҳа.Ноцри.

— Қаерликсан?

— Гамала шахридан, — жавоб қилди маҳбус ва қаердадир, узоқ шимолда, ўнг томонда Гамала деган шаҳар борлигини боши билан ишора қилиб кўрсатди.

— Қайси насабдансан?

— Аниқ билмайман, — тез жавоб қилди маҳбус, — ота-онамни билмайман. Айтишларича, отам суриялик экан...

— Муқим қаерда яшайсан?

— Муқим яшайдиган маконим йўқ, — ийманибгина жавоб қилди маҳбус, — шаҳарма-шаҳар кезиб юраман.

— Буни бир сўз билан қисқа қилиб ифодалаш мумкин — саёқсан, — деди прокуратор, сўнг сўради: — Хешларинг борми?

— Ҳеч кимим йўқ. Дунёда ёлғизман.

— Саводинг борми? -Ҳа.

— Арамейлар тилидан ўзга бирон тилни биласанми?

— Биладан. Юнон тилини.

Пилатнинг шишган бир қовоғи кўтарилиб, изтиробдан хиралашган кўзи маҳбусга тикилди. Иккинчи кўзи юмуқлигича қолди.

У юнонча гапира бошлади:

— Ибодатхонани вайрон қилмоқчи бўлган ва бу ишга халқни даъват этган сенмидинг?

Энди маҳбус яна жонланди, кўзларидан кўрқув аломати ғойиб бўлиб, юнон тилида гапира бошлади:

— Меп, сахов... — сал бўлмаса оғзидан чиқиб кетаёзган бу сўздан маҳбуснинг кўзларида даҳшат вужудга келди, — мен, игемон, ҳеч қачон хаёлимга ҳам келтирмаганман ибодатхонани вайрон қилишни ва ҳеч кимни даъват ҳам этмаганман бундай номаъкул ишга.

Пастак столга букчайиб олиб маҳбус бераётган гувоҳликни ёзиб ўтирган котибнинг юзида таажуб аломати пайдо бўлди. У бошини кўтарди, лекин шу заҳоти яна пергаментга энгашиб олди.

— Бу шаҳарда ўтадиган байрам намойишига турли тоифадаги одамлар келишади. Улар орасида сеҳргарлар, мунажжимлар, фолбинлару котиллар бўлишади, — дерди прокуратор бир хил оҳангда, — лекин улар ичида ёлғончилар ҳам топилади. Чунончи, сен ёлғончисан. Халқни ибодатхонани вайрон қилишга ундади, деб аниқ ёзиб қўйилипти. Одамлар гувоҳлик берган.

— Уша саховатли одамлар, — деб гапира бошлади маҳбус ва шоша-пиша: — игемон, — деб илова қилдию, гапини давом эттирди: — саводи йўқ омилардир, шу боис мен айтган гапларни

чалкаштириб юборишган. Умуман, бу чалкашликлар ҳали жуда узоқ вақт давом этмасайди деб хавотирдаман. Ҳамма бало шундаки, менинг гапларимни у нотўғри ёзиб оляпти.

Сукунат. Энди Пилатнинг иккала хаста кўзи маҳбусга оғир тикиларди.

— Сенга охирги марта такрорлайман: ўзингни жинниликка солма, қароқчи, — майин оҳангда деди Пилат ўша-ўша хаста овоз билан, — устингдан ёзилган далиллар кўп эмас, илло шуларнинг ўзи ҳам сени дорга осиш учун кифоя қилади.

— Йўқ, йўқ, игемон, — деди маҳбус Пилатни ўз гапига ишонтириш учун астойдил уриниб, — биттаси бор, кўлига така терисидан ишланган пергамент ушлаб олиб, орқамдан изма-из юргани-юрган, тўхтовсиз ёзгани-ёзган. Лекин бир марта ўша пергаментга кўз қиримни ташлаб ҳангу манг бўлиб қолдим. Мен у ерда ёзилган гапларнинг бирортасини ҳам гапирмаган-ман. Худо ҳаққи, ёқиб юбор бу пергаментингни, деб ёлвордим унга. Лекин у пергаментни кўлимдан юлиб олиб, қочиб кетди.

— Ким ўзи у? — ижирғаниб сўради Пилат ва кўлини чаккасига олиб борди.

— Левий Матвей деган одам, — бажонидил изоҳлай бошлади маҳбус, — у ўлпон йиғувчи эди. Мен у билан биринчи марта Виффагияга борадиган йўл ёқасидаги анжирзор муюлишида тўкнаш келиб гаплашиб қолгандим. Аввалига у менга адоват билан қаради, ҳатто ҳақорат ҳам қилди, яъни мени ит деб атаб, ўзича ҳақорат қилдим деб ўйлаган бўлиши керак, — маҳбус жилмайиб қўйди. — Шахсан мен бу жониворнинг ҳеч қандай ёмон жиҳатини билмайман, шунинг учун ундан хафа ҳам бўлмадим...

Котиб ёзишдан тўхтади ва зимдан, маҳбусга эмас, прокураторга таажжуб билан бокди.

— ... бироқ гапларимни эшитиб, шаштидан қайта бошлади, — давом этди Иешуа, — охири бориб, у йиққан пулларини йўлга отиб юбориб, сен билан жаҳонгашталиқ қиламан, деди...

Пилат сарғайиб кетган тишларини кўрсатиб, бир ёноғини учириб тиржайди ва бутун гавдаси билан котиб томонга ўгирилиб деди:

— О, Ершалаим шаҳри! Бу ерда не-не антиқа гапларни эшитмайсан. Ўлпон йиғувчи, буни қарангки, пулларини йўлга сочиб юборганмиш!

Котиб бунга жавобан нима дейишини билмай, Пилатнинг жилвасига тақлид қилишни лозим кўрди.

— Негаки у, бугундан эътиборан пулдан ҳазар қиламан, деб айтди, — деб изоҳлади Иешуа Левий Матвейнинг аломат рафторини изоҳлаб ва қўшиб қўйди: — Ўша кундан бошлаб у менга ҳамроҳ бўлиб олди.

Прокуратор ҳамон тиржайишини қўймай маҳбусга қаради, сўнг ўзи ўтирган ердан анча узоқда, пастликда бўлган Ҳипподром* ва у ердаги от хайкаллари узра муттасил юқорига кўтарилаётган қуёшга юз тутди-ю, бирдан кўнгилни беҳузур қилувчи аллақандай дард билан: «Ўзимни қийнаб ўтирмасдан «Осилсин!» — деган бир оғиз сўз билан бу нотавон жиноятчини равондан ҳайдаб юборсам ҳам бўларди-ку. Кейин, соқчиларни ҳам қувиб, ўзим қасрга кирганим, кўшкни қоронғилатиб, чорпоёга ётганим, совуқ сув келтиришларини буюриб, аянчли овоз билан итим Бангани чақирганим ва унга бошим оғриётганини айтиб зорланганим яхши эди», — деб хаёлидан ўтказди. Шу чоқ бирдан прокураторнинг оғриқ бошида «оғу» деган фикр пайдо бўлди-ю, уни васвасага солиб «лип» этиб ўтиб кетди.

У хира кўзларини маҳбусга тикканча бир оз муддат сукутга толаркан, калтак еявериб бадбашара бўлиб кетган бу маҳбус Ершалаимнинг эрталабки шафқатсиз қуёши тиғида нима қилиб турипти рўпарамда, ҳали яна қандай нафи йўқ саволлар беришим керак унга, деб қийналиб бош қотирарди.

— Левий Матвей дедингми? — ҳирқироқ овоз билан сўради бемор ва кўзларини юмди.

— Ҳа, Левий Матвей, — Пилатнинг азобини орттирувчи янгроқ овоз эшитилди.

— Ҳарҳолда, нималар деган эдинг бозордаги оломонга ибодатхона ҳақида?

Жевоб қайтараётган одамнинг овози Пилатни қаттиқ изтиробга солиб, чаккасига қозиқ бўлиб

қоқилаётгандай туюларди:

— Камина, игемон, ибодатхона ҳақида оғиз ҳам очганим йўқ, балки кўхна имон маъбади вайрон бўлиб, янги ҳақиқат маъбади барпо бўлади, деган эдим, холос. Лўнда қилиб тушунтириш учун шундай дегандим.

— Нечун сен, саёк, ўзинг тасаввур қила олмайдиган ҳақиқат тўғрисида бозорда ваъз қилиб одамларнинг дилига ғулув солдинг? Ҳақиқат ўзи нима?

Лекин шу заҳоти прокураторнинг дилидан: «О тангриларим! Мен суд учун мутлақо нокерак нарсаларни сўраяпман ундан... Ақлу фаросатим ортиқ итоат этмаяпти менга...» деган сўзлар ўтди. Шу пайт унинг кўзига яна қора суюқлик қуйилган қадах кўринди. «Оғу керак менга, оғу!»

Яна маҳбуснинг овози эшитилди.

— Ҳозир биринчи навбатдаги ҳақиқат шуки, сенинг бошинг оғрияпти, оғригандаям ниҳоятда қаттиқ оғрияпти, шу боис сен руҳингни тушириб, ўлим ҳақида ўйлай бошладинг. Сен наинки мен билан гаплашишга, ҳатто менга тикилиб қарашга ҳам ожизсан ҳозир. Бинобарин, мен беихтиёр сенинг жаллодинга айланмоқдаманки, бу ҳолдан қаттиқ хижолатдаман. Ҳозир сен ҳеч нарса тўғрисида ўйлашга қодир эмассан, шунинг учун ҳам, фақат ўз итингни қошинга келишини орзу қиляпсанки, чамаси, сен дунёда ихлос қўхган ягона жонзод шу итинг бўлса керак. Лекин ҳозир азобинг арийди, бош оғригинг қолади.

Котиб маҳбусга бақрайиб қолганидан ёзуви чала қолди.

Пилат дардли кўзларини зўр-базўр маҳбусга кўтарган эди, куёшнинг Ҳипподром узра анча баланд кўтарилганини, унинг шуъласи энди устунлар орасига ҳам тушиб, Иешуанинг тўзган кафшлари сари ўрмалаб келганини ва у ўзини офтобдан четга олиб қочаётганини кўрди.

Шунда у курсидан турди, қўллари билан бошини маҳкам сиқди, соқоли олинган заъфарон юзида даҳшат акс этди. Лекин у ўз ирода кучи билан бу ҳиссиётни дарҳол даф қилиб, яна ўрнига ўтирди. Маҳбус эса бу аснода гапини давом эттирарди, лекин котиб энди ҳеч нима ёзмас, фақат ғоз каби бўйнини чўзиб, айтилган ҳар бир сўзни диққат билан илғаб оларди.

— Ана, ҳаммаси тугадиям, — деди маҳбус Пилатга хайрихоҳона боқаркан, — бениҳоя хурсандман бундан. Сенга, игемон, қасрни вақтинчалик тарк этиб, шаҳар чеккасида, чунончи, Елеон тепалигидаги боғларда пиёда сайр қилишни маслаҳат берардим. Момақалдирок бўлади, — маҳбус кўзларини қисиб куёшга қаради, — ҳў ҳали, кечга бориб. Сайр қилсанг ўзингга яхши бўларди, мен эса бажонидил сенга ҳамроҳ бўлардим. Миямга айрим янги фикрлар келди, улар сени қизиқтириши мумкин деб ўйлайман, шу боис сен билан жон-жон деб фикрлашган бўлардим, боз устига, сен донишманд одамга ўхшаб кўриняпсан.

Котиб мурдадек оқариб кетиб, қўлидаги пергаментни тушириб юборди.

— Ҳамма бало шундаки, — деб гапида давом этди банди — ҳеч ким унинг гапиришига монелик қилмаётган эди, — сен ҳаддан ташқари одамови бўлиб қолгансан, одамларга бўлган ишончни тамомила йўқотгансан. Ахир ўзинг ўйла, бутун меҳру мойилликни битта итга қаратиб кун кечириш мумкин эмас-ку. Ҳаётинг, игемон, қашшоқ, — шу сўздан сўнг у жилмайишга журъат этди.

Котиб энди фақат бир нарса тўғрисида: ўз кулоқларимга ишонсаммикин ё ишонмасаммикин, деб ўйларди. Лекин ишонмай иложи йўқ эди. Оқибат у, маҳбуснинг кўз кўриб, кулоқ эшитмаган бундай густоҳлигини эшитган тажанг прокураторнинг ғзаби қандай антиқа шаклда ифода қилинишини тасаввур қилишга уриниб кўрди. Котиб буни ҳам тасаввур қила олмади, холбуки, у прокураторнинг феълини жуда яхши биларди.

Шунда Пилатнинг сўник ва ҳирқироқ овози эшитилди:

— Кўлини ечинглар, — деди у лотин тилида. Соқчи легионерлардан бири найзасини ерга «дўк» этиб уриб, уни бошқа соқчига берди ва ўзи маҳбусга яқинлашиб арқонни ечди. Котиб ерга тушган пергамент ўрамини кўтариб одди, лекин ҳозирча ҳеч нима ёзмасликка, ҳеч нарсадан ажабланмасликка аҳд қилди.

— Ростини айт, — юнон тилида пичирлаб сўради Пилат, — сен ҳақими ҳозиқмисан?

— Йўқ, прокуратор, ҳақим эмасман, — жавоб қилди маҳбус анжирдай эзилган ва шишиб қизариб кетган билакларини ҳузур қилиб уқаларкан.

Пилат маҳбусга қовоғи остидан худди уни тешиб юборгудек ўкрайиб каради, унинг кўзларидаги хиралик энди йўқолиб, яна ҳаммага таниш бўлган ғазаб учқунлари пайдо бўлганди.

— Боя сўрамабман, — деди Пилат, — сен балки лотин тилини ҳам биларсан?

— Ҳа, биламан, — жавоб қилди маҳбус. Пилатнинг заъфарон юзига қон югурди ва у лотинчалаб сўради:

— Итни ёнимга чақирмоқчи бўлганимни қандай биддинг?

— Бу қийин эмас, — жавоб берди маҳбус лотин тилида, — сен худди итни силамоқчи бўлгандай қўлингни мана бундай қилдинг, — маҳбус Пилатнинг қўл ҳаракатини такрорлади, — кейин лабларинг ҳам...

— Ҳа, — деди Пилат.

Бир оз жим қолишди, сўнг Пилат юнон тилида савол берди:

— Демак, сен табибсан?

— Йўқ, йўқ, — шоша-пиша жавоб қилди маҳбус, — гапим рост, табиб эмасман.

— Ҳа, яхши. Агар сир тутмоқчи бўлсанг, ихтиёринг. Буни ишимизга бевосита дахли йўқ. Демак, сен ибодатхонани вайрон қилишга... ё унга ўт кўйишга, ё бўлмаса бошқа бирон йўл билан уни барбод қилишга халқни даъват этмагансан?

— Такрор айтаман, игемон, мен ҳеч кимни бундай ишга даъват этмаганман. Наҳотки, калтабин одамга ўхшасам?

— О, ҳақ рост, сен калтабин одамга ўхшамайсан, — паст овоз билан деди прокуратор ва даҳшатли тарзда жилмайиб қўйди. — Ҳай, бўлмаса, бундай қилмаганлигинг ҳақида қасам ич.

— Нима деб қасам ичишимни хоҳлайсан? — сўради қўли ечилиб, руҳи кўтарилган банди.

— Ҳаётингни тикиб онт ичакол, — деди прокуратор, — ҳозир айни ҳаётингни ўртага қўядиган пайт, зеро, у ҳозир қил учида осилиб турипти, буни унутма!

— Ҳаётимни қил учига балки сен осиб кўйгандирсан, игемон? — сўради маҳбус. — Агар шундай деб ўйлаётган бўлсанг қаттиқ яиглишасан.

Пилатни калтироқ босди, сўнг гижир тишлари орасидан деди:

— Мен ўша қилни узиб ташлашим мумкин.

— Яна янглишяпсан, — маҳбус кафтини куёшдан соябон қилиб очиқ юз билан табассум қилди. — Қилни ким осган бўлса, ўшанинг ўзигина узиши мумкин, шундай эмасми?

— Ҳа, тушунарли, — деди тиржайиб Пилат, — ершалаимлик ишёқмас анқовларнинг орқангдан галалашиб юрганига энди ҳеч шубҳам қолмади. Тилингни ким қайраган бўлса ҳам жуда ўткир қилиб қайрапти. Дарвоқе, айт-чи: сен Ершалаимга Суз қопқасидан эшак миниб кириб келганмишсан, қора халқ сени мисоли бир пайғамбардек шодиёна ҳайқириқлар билап кутиб олганмиш, шу тўғрими? — шундай деб прокуратор пергаментга ишора қилди.

Маҳбус ҳайрон бўлиб прокураторга тикилиб қолди.

— Менда эшак деган нарсани ўзи йўқ, игемон, — деди у. — Тўғри, Ершалаимга Суз қопқасидан кирганман, лекин пиёда эдим, ҳамроҳим ҳам ёлғиз Левий Матвей эди, ундан кейин ҳеч ким менга ҳеч нима деб қичқирганиям йўқ, чунки у пайт мени Ершалаимда ҳеч ким танимас эди.

— Сен, — деб давом этди Пилат кўзини маҳбусдан узмай, — Дисмас деган одамни, кейин Гестас, яна Варравван деганларни танийсанми?

— Мен у саховатли одамларни танимаيمان, — жавоб қилди маҳбус.

— Ростингни?

— Ростим.

— Энди менга япа шуни айт-чи, нега доим сен «саховатли одам» деб гапирасан? Ҳаммани

ҳам шундай деб айтасанми?

— Ҳаммани, — жавоб қилди маҳбус, — дунёда ёвуз одам йўк.

— Буни биринчи марта эшитишим, — деди Пилат тиржайганча, — эҳтимол мен ҳаётни яхши билсман! Бу ёғини ёзмасангиз ҳам бўлади, — деди у, шундоқ ҳам ҳеч нима ёзмай ўтирган котибга юзланиб, сўнг яна маҳбус билан суҳбатини давом эттирди: — Биронта юнон китобида ўқиганмисан бу тўғрида?

— Йўк, ўз ақлим билан шундай хулосага келганман.

— Демак, сен шуни тарғиб этасан?

— Ҳа.

— Мана, масалан, кентурион Марк — унга Каламушқуш деб лақаб қўйишган, хўш, у ҳам саховатлими?

— Ҳа, — жавоб қилди маҳбус, — тўғри, у бахтиқаро одам. Саховатли одамлар уни бадбашара қилишган чоғдан бошлаб у бадқаҳр ва дағалтабиат бўлиб қолган. Қизиқ, ким уни бу аҳволга солди экан?

— Буни сенга бемалол айтишим мумкин, — деди Пилат, — зеро, ўзим бунинг шоҳиди бўлганман. Ўша сен айтган саховатли одамлар унга худди айиққа ҳамла қилган кўппаклардек ташланишганди. Оломон унинг бўғзига, қўл ва оёқларига ёпишиб олганди. Пиёдалар маницули* қуршовга тушиб қолган эди, ўшанда мен кўмондонлик қилган отлиқ кўшин ён томондан қуршовни ёриб кирмаганда эди, сеига, файласуф, бугун Каламушқуш билан суҳбатлашиш насиб этмаган бўларди. Бу ҳол Идиставизо яқинида, Парилар Водийсида бўлган жангда юз берган эди.

— Мен у билан суҳбатлашсам, — ўйчанлик билан деди бирдан маҳбус, — аминманки, у феълини кескин ўзгартирган бўларди.

— Ўйлайманки, — деди Пилат, — ҳатто агар кўшин офицерлари ё солдатларидан биронтаси билан суҳбатлашганинда ҳам, бу рафторинг билан саркардани қаттиқ ранжитган бўлардинг. Хайриятки, сенинг ҳам, саркарданинг ҳам бахтига бундай суҳбат содир бўлмайди, биринчи навбатда ўзим бунга йўл қўймайман.

Шу пайт устунлар саҳнига бир қалдирғоч ўқдек учиб кириб, олтин гумбаз остида бир марта чарх уриб учди-ю, сўнг пасайиб токчага ўрнатилган мис ҳайкалнинг ёнгинасидан «ғув» этиб ўтиб, устун бўғоти панасида кўздан ғойиб бўлди. Эҳтимол, ўша ерга ин курмоқчи бўлгандир.

Мана шу қалдирғоч парвози давомида прокуратор боякиш энди оғриқдап фориф бўлган, доно бошида шундай бир қарор вужудга келди: игемон Ҳа-Ноцри лақабли саёқ файласуф Иешуанинг ишини кўриб чиқиб, унинг фаолиятдан жиноят топмади. Хусусан, Иешуанинг хатти-ҳаракати билан яқинда Ершалаимда юз берган тартибсизликлар ўртасида ҳеч қандай муносабат йўқлигини аниқлади. Саёқ файласуфнинг руҳий беморлиги маълум бўлди. Бинобарин, Кичик Синедрионнинг Ҳа-Ноцри устидан чиқарилган ўлим ҳукмини прокуратор тасдиқламайди. Лекин Ҳа-Ноцрининг телбалик дарди, утопик нутқлари Ершалаимда халқ ғалаёнларига сабаб бўлиши мумкинлигини кўзда тутиб, прокуратор Иешуани Ершалаимдан четлатади ва Ўрта Ер денгизидаги Стратон Қайсариясида*, яъни прокуратуранинг қароргоҳи жойлашган оролда қамоққа ҳукм этади.

Ҳукм тайёр. Энди уни котибга айтиб ёздиришига қолган эди.

Қалдирғоч игемоннинг шундоққина боши устидан қанотларини пириллатиб ўтиб, ўзини фаввора ҳовузчасига урди, сўнг кенг фазога парвоз қилди. Прокуратор бошини кўтариб маҳбусга қараган эди, унинг атрофида қуёш шуъласига ғарқ бўлган чангнинг тўзон бўлиб кўтарилганини кўрди.

— Ҳаммаси шунинг тўғрисидами? — сўради Пилат котибдан.

— Таассуфки, йўк, — деди кутилмаганда котиб ва Пилатга бошқа бир пергаментни узатди.

— Нима гап экан яна? — сўради Пилат ва қовоғини солиб олди. У узатилган пергаментни

Ўқиб чикдию ранги ўзгариб кетди. Бўйни ва юзига қора қон қуйилдими ё бошқа бир ҳол юз бердими, ҳар қалай, рангидаги сарғишлик ўзгариб кўнғир тус олди, кўзлари эса ич-ичига кириб кетгандай бўлди.

Чамаси, ҳамма айб чаккасига қуйилиб, қаттиқ-қаттиқ тепа бошлаган қонда эди, аммо прокуратурнинг кўзларига бир нима бўлди. Маҳбуснинг боши аллақакларга учиб кетиб, ўрнида бошқа калла пайдо бўлгандай кўринди унинг кўзига. Бу кал бош бўлиб, унга кунгураси сийрак олтин тож кўндирилган эди; унинг манглай терисини ўйиб юборган доира шаклидаги ярага малҳам сурилган; битта ҳам тиши қолмаган оғзи ўпирилиб, пастки лаби инжиқлик қилаётгандай осилиб қолган эди. Шу маҳал равондаги пуштиранг устунлар ва қаср пойидаги боғнинг нариёғидан бошлаб, олис-олисларга чўзилиб кетган Ершалаим томлари Пилатнинг кўзидан ғойиб бўлиб, атрофдаги ҳамма нарсалар Капрея боғларининг ям-яшил дарахтлари билан буркангандай бўлиб туюлди. Унинг қулоғига ҳам жуда ғалати нарсалар эшитила бошлади — гўё кимдир жуда олисда туриб оҳиста, аммо таҳдидона тарзда карнай чалгандай бўлди, кимнингдир ҳар бир сўзни чўзиб-чўзиб такаббуруна оҳангда димоғ билан: «Улуғ зотларни таҳқирлаш ҳақида қонун», деган гапи жуда аниқ эшитилди.

Пилатнинг хаёлидан калта-култа, пойинтар-сойинтар ва ғайриоддий фикрлар лип-лип ўта бошлади: «Ҳалок бўлди!», кейин: «Ҳалок бўлишди!..» Ундан сўнг шу айқаш-уйқаш фикрлар орасида қандайдир — ва кимнингдир?! — муқаррар боқийлиги ҳақида мутлақо бемаъни фикр ҳам вужудга келдики, бу боқийлик негадир унинг юрагини зик қилиб юборди.

Пилат ниҳоят ўзини қўлга олиб хаёлотни даф қилди, ўзини яна равонда кўрди, яна унинг қаршисида маҳбуснинг кўзлари чақнаб турарди.

— Кулоқ сол, Ҳа-Ноцри, — деб гап бошлади прокуратор Иешуага жуда ғалати тарзда тикилиб: унинг чехраси мудҳиш, аммо кўзлари ҳаяжонда эди, — сен буюк қайсаримиз* ҳақида бирон ерда бирон нима деганмидинг? Жавоб бер! Гапирганмидинг?.. Ёки... гапирганинг... йўк... ми? — Пилат «йўк» сўзини суд пайтида бериладиган саволдаги «йўк»қа нисбатан бир қадар чўзиброқ талаффуз қилди ва маҳбусга уқтирмақчи бўлган фикрини кўз қараши билан изоҳлади.

— Ҳақ гапни гапириш ҳам осон, ҳам мароқли, — деди маҳбус.

— Мен сендан, — дея гапира бошлади Пилат - овуқ ва ҳирқироқ овоз билан, — ҳақ гапни гапириш мароқлими, мароқсизми, деб сўраётганим йўқ. Юкорида барибир у гапни гапиришинга тўғри келади. Агар сен ўлишни, ўлганда ҳам қийналиб ўлишни хоҳламасанг, гапирадиган ҳар бир сўзингни аввал пухта ўйлаб, сўнг гапир.

Иудея прокураторига нима бўлганини ҳеч ким айтолмайди, аммо у юзини офтоб шуъласидан пана қилмоқчи бўлгандай, қўлини кўтарди ва шу қўли панасида маҳбусга кўзи билан бир нималарни имо қилди.

— Хўтя, қани, — деди у, — жавоб бер, сон кириафлик Иуда деган одамни танийсанми, унга қайсаримиз ҳақида гапирганмидинг, гапирган бўлсанг, нималар деган эдинг?

— Воқеа бундай бўлган эди, — бажонидил ҳикоя қила бошлади маҳбус, — ўтган куни кечқурун мен ибодатхона олдида бир йигит билан танишиб қолдим, у ўзини Кириаф шаҳриданман, исмим Иуда, деб танитди. Кейин у мени Қуйи Шаҳардаги уйига бошлаб бориб, меҳмон қилди...

— Саховатли одамми у ҳам? — деб сўради Пилат, шу заҳоти унинг кўзларида иблисона ўт чақнаб кетди.

— Ғоятда саховатли ва синчков одам экап, — дея таъкидлади маҳбус. — У менинг мулоҳазаларимни ниҳоятда зўр қизиқиш билан тинглади, бағоят самимият билан қутлади...

— Шамчироқлар ёқди... — деди Пилат гижир тишлари орасидан маҳбуснинг гапи оҳангида, унинг кўзлари милт-милт ёпди.

— Ҳа, — деди Иешуа прокураторнинг вокифлигидан бир оз таажжуб қолиб, сўнг гапида давом этди, — у мендан давлат ҳокимияти ҳақида фикр айтишимни сўради. Бу масала уни

ниҳоятда қизиқтирар экан.

— Хўш, сен нима дединг? — сўради Пилат, — Ё нима деганим ёдимдан кўтарилди, деб баҳона қиласанми? — Пилатнинг гапи оҳангида энди ишончсизлик пайдо бўлган эди.

— Кўп гаплар қатори, — деб баён қила бошлади маҳбус, — ҳар қандай ҳокимият ҳам одамларга зулм ўтказиши тўғрисида, вақти келиб на қайсарлар ҳокимияти, на ўзгача ҳокимиятлар қолажаги ҳақида гапирдим. Одамзод ҳақиқат ва адолат салтанатида яшай бошлайдики, ундай салтанатнинг ҳеч қандай ҳокимиятга эҳтиёжи қолмайди.

— Кейин-чи?

— Кейин ҳеч нима бўлмади, — деди маҳбус. — Бу пайт бир нечта одам уйга отилиб кирди-ю, кўлларимни орқамга боғлаб, қамоққа олиб кетди.

Котиб биронта ҳам сўзни фаромуш қилмасликка уриниб, пергаментга шитирлатиб ёзарди.

Шу пайт Пилат хиррилганча, хаста овоз билан деди:

— Тиверия* императори ҳокимиятидан буюкроқ ва халқ учун хушкўнгилроқ ҳокимият дунёда бўлмаган, йўқ ва бундан кейин ҳам ҳеч қачон бўлмайди!

Прокуратор котибга ҳам, соқчиларга ҳам, негадир, нафрат билан қаради.

— Ҳокимият ҳақида мулоҳаза юритишни сенга ким кўйди, телба жиноятчи! — деди Пилат ва бақириб борди: — Соқчилар балкондан олиб кетилсин! — сўнг котибга ўгирилиб, илова қилди: — Мени жиноятчи билан холи қолдиринг, давлат аҳамиятига молик иш кўринади.

Соқчилар найзаларини кўтаришди ва нағал қоқилган чориқларини бир меъёрда дўқиллатишиб балкондан боққа чиқишди, улар орқасидан котиб ҳам чиқиб кетди.

Равонга инган сукунатни бир оз фурсат фақат фавворадан отилаётган сувнинг шилдираши бузиб турди. Пилат фавворачадан отилиб чиқаётган сувнинг ҳамирдай ошиб тош косани тўлдиришини ва унинг четларидан жилдираб тушишини кузатиб ўтирарди.

Биринчи бўлиб маҳбус гапирди:

— Кўнглим сезяпти, ўша кириафлик йигитча билан суҳбат курганим оқибатида қандайдир фалокат содир бўлганга ўхшайди. Назаримда, игемон, у йигит бахтсизликка учрайдиганга ўхшайди, менинг унга раҳмим келяпти.

— Дунёда, — деб жавоб қилди игемон ғалати тиржайиб, — аҳволи кириафлик Иуданикидан ҳам аянчлироқ баъзи одамлар бор. Сен Иудадан ҳам кўра купроқ ўшаларга ачинишинг керак! Хуллас, тошбағир, учпга чиққан жаллод Марк Каламушкуш ҳам, ваъзхонлик қилганинг учун, ана кўриб турибман, — прокуратор Иешуанинг абжағи чиқиб кетган башарасига ишора қилди, — сени безаб ташлашган одамлар ҳам, шериклари билан биргаликда тўртта соддатни улдирган қароқчилар: Дисмас билан Гестас ва ниҳоят, мараз хиёнаткор Иуда ҳам — шулар ҳаммаси саховатли одамларми сенингча?

— Ҳа, — жавоб қилди маҳбус.

— Ҳаққоният салтанати ҳам тикланадими? Тикланади, игемон, — қатъий ишонч билан жавоб қилди Иешуа.

Йўқ, ҳеч қачон тикланмайди! — деб Пилат тусатдан даҳшатли овоз билан қичқириб юборган эди, Иешуа чўчиб кетиб, орқасига тисарилди. Бундап кўп йиллар бурун Ҳурлар Водийсида Пилат ўз суворийларга: «Янч уларни! Чоп ғанимларни! Буюк Каламушкушни тутиб олишди!» — деб шундай бақирган эди. Ҳозир ҳам у кўп команда бериш оқибатида хирқироқ бўлиб қолган овозини одамлар эшитсин учун ҳар бир сўзни дона-дона қилиб яна баландроқ қичқирди: — Жиноят қилгансан! Жиноятчисан! Жиноятчисан! Шундан кейин у паст овоз билан сўради:

— Иешуа Ҳа-Ноцри, сен бирон-бир худога ишонасанми?

— Худо битта, — жавоб қилди Иешуа, — мен унга ишонаман.

— Унга муножот қил бўлмаса! Астойдил муножот қил! Аммо барибир, — бирдан Пилатнинг овози сўнди, — бундан наф чикмайди. Хотининг йўқми? — негадир маъюс оҳангда сўради Пилат; бундай кайфиятга тушганидан ўзи ҳам хайрон эди.

— Йўқ, сўққабощман.

— Ярамас шаҳар, — деди прокуратор тўсатдан ва худди совуқ қотгандек елкаларини учириб қўйди, қўлларини эса худди ювинаётгандек, бир-бирига ишқади, — сени ўша кириафлик Иуда билан суҳбат курмасингдан олдин бўғизлаб кетишганидами, орий рост, яхшироқ бўларди.

— Сен мени қўйиб юборсанг бўларди, игемон, — деб кутилмаганда илтижо қилди маҳбус, унинг овозида ҳаяжон пайдо бўлган эди, — кўнглим сезяпти, мени қатл этишмоқчига ўхшайди.

Пилатнинг юзи асабий буришиб кетди, у яллиғланган кўзини Иешуага қаратди. Кўзининг оқи тарам-тарам қизил томирчалар билан қопланган эди.

— О, бадбахт, — деди у, — нахотки Рим прокуратори, оғзингдан қандай гаплар чикқанини била туриб, сени қўйиб юборади деб ўйласанг? О худолар! Ёки сенинг ўрнингда бўлишни орзу қиляпти деб ўйлаясанми мени? Фикрларингга мен қўшилмайман! Энди гапимни қулоғингга қуйиб ол: агар шу дақиқадан бошлаб чурқ этиб оғиз очгудек, биронта одамга лўқма ташлагудек бўлсанг, мендан ўпкалама! Такрор айтаман: мендан эҳтиёт бўл.

— Игемон...

— Жим бўл! — деб чинқирди Пилат ва бу пайт яна равонга учиб кирган қалдирғочни дарғазаб кўзлари билан кузата бошлади. — Хой, буёққа! — деб бақирди у.

Котиб ва соқчилар кириб, ўз жойларини эгаллашди, шунда Пилат, Кичик Синедрион мажлисида жинойтчи Иешуа Ҳа-Ноцри устидан чиқарилган ўлим жа-зосини тасдиқлаганини эълон қилди, котиб эса Пилатнинг айтганларини дарҳол қайд қилди.

Яна бир дақиқадан кейин прокураторнинг қошида Марк Каламушқуш турарди. Пилат унга шундай буйруқ берди:

— Бу жинойтчини маҳфий хизмат бошлиғига топширасан, айна пайтда унга, Иешуа Ҳа-Ноцрини ўзга жинойтчилардан ажратилган ҳолда сақлаш ҳақида, шунингдек, Иешуа билан бирон нарса тўғрисида гаплашган ёхуд унинг бирон-бир саволига жавоб берган ҳар битта маҳфий хизмат ходими энг оғир жазога мустаҳиқ этилажаги ҳақидаги фармойишимни ҳам етказасан.

Маркнинг бир ишораси билан соқчилар Иешуа атрофини ўрадилару уни равондан олиб чиқиб кетдилар.

Кейин прокураторнинг қаршисида қадди-қомати келишган, оқ-сарик соқолли хушрўй йигит намоён бўлди; унинг кўксини тўсган совутда шерларнинг ялтироқ тумшуклари акс эттирилган, дубулғасига тож сифатида бургут пати ўрнатилган, шамширининг камарбандига олтин тўқалар қадалган, тагчарми уч қават бўлган пойабзалининг иплари то тиззасигача бутун болдирини чандиб боғланган, қирмизиранг ридоси чап елкасига ташланган эди. Бу — легион* саркардаси эди. Прокуратор ундан, Собастия когортаси ҳозир қаерда турипти, деб сўради. Саркарда, себастиаликларнинг ҳозир Ҳипподром олдидаги майдонни куршаб тургани, у ерда жинойтчилар устидан чиқарилган ҳукм халққа эълон қилинажаги ҳақида хабар қилди.

Шунда прокуратор саркардага Рим коҳортасидан икки кентурия* ажратишни буюрди. Бу кентуриялардан бири Каламушқуш бошчилигида жинойтчиларни, қатл этиш ашёлари ортилган араваларни ва жаллодларни Тақир Тепага кузатиб бориши, сўнг улар етиб борган заҳоти юқори қисмини куршаб олиши лозим эди. Иккинчи кентурия эса ҳозироқ Тақир Тепага жўнаб кетиб, дарҳол унинг атрофини ихота қилиб олиши зарур эди. Прокуратор Пилат шу мақсадни кўзлаб, яъни Тепани муҳофаза қилиш учун, саркардадан кўмакчи отлиқ полк қўшинини юборишни илтимос қилди.

Саркарда чиқиб кетгач, прокуратор котибга юзланиб, Синедрион президенти ҳамда унинг икки аъзосини, шунингдек, Ершалаим ибодатхоналари соқчиларининг сардорини қасрга таклиф этишни буюрди, лекин шу буйруғи кетидан яна илова қилди:

— Шундай қилгинки, таклиф этилган шу одамлар билан кенгашга ўтказишдан олдин, мен президент билан холи учрашиб олай.

Прокураторнинг амри тез ва аниқ бажарилди. Кейинги кунларда Ершалаимни бениҳоя шафқатсизлик билан қиздираётган қуёш ҳали қиёмга етмасдан боғнинг юқори пешайвонида, унинг зинасида қўриқлаб турган бир жуфт оппоқ мармар шер олдида прокуратор Синедрион президенти вазифасини ўтаётган Иудеянинг бузрук хазрати Иосиф Каифа билан учрашди.

Боғда сокинлик ҳукм суларди. Лекин прокуратор устунлар орасидан ўтиб, поялари ҳайбатли фил оёқларини эслатувчи пальма дарахтлари ўсиб турган боғнинг офтоб нурига ғарқ бўлган устки саҳиига чиққан эди, кўз олдида у ёмон кўрган Ершалаим шаҳри ўзининг осма кўприклари, қалъалари ва — энг муҳими — бутун томи аждарнинг тангасимон терисини эслатувчи, мармар тошлар ва олгиндан бино бўлган, маҳобати ҳеч бир таърифга сиғмайдиган улкан ибодатхонаси билан кўз олдида намоён бўлди ва прокураторнинг динг қулоқларига жуда олисдан — қалъанинг тош девори қаср боғининг қуйи пешайвонини шаҳар майдонидан ажратиб турган пастликдан одамларнинг вақти-вақти билан гоҳ фарёдга, гоҳ наърага ўхшаб кетувчи заифгина ғовури чалинди.

Прокуратор у томонда — майдонда сўнгги кунларда Ершалаимда юз берган тартибсизликлардан жуибушга келган беҳисоб оломон тўнланганлигини, бу оломон жиноятчилар устидан ҳукм чиқарилишини бетоқатлик билан кутаётганини, қичкираётганлар эса жонсарак мешкобчилар эканлигини тушунди.

Прокуратор жазирама офтоб тиғидан ўзини панага олиш учун, биринчи навбатда, хазрати бузрукни равонга таклиф қилди, лекин Каифа лутфан узр сўраб, таклифни қабул қилолмаслигини изоҳлади. Шунда Пилат сочи сийраклаша бошлаган бошига ридосининг қайтарма қалпоғини кийиб суҳбатни бошлади. Суҳбат юнон тилида борди.

Пилат Иешуа Ха-Ноцрининг ишини кўриб чиққанини ва ўлим жазосини тасдиқлаганини айтди.

Шундай қилиб, бугун амалга ошириладиган ўлим жазосига учта қароқчи: Дисмас, Гестас, Варраванлар, улар билан бирга Иешуа Ха-Ноцри ҳам маҳкум этилган эди. Халқни йўлдан оздириб, қайсарга қарши исён қилган биринчи икки жиноятчи прокураторнинг измида эди, бинобарин, улар ҳақида бу ерда ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Варраиван билан Ха-Ноцри эса, маҳаллий маъмурлар томонидан қўлга олинган бўлиб, улар устидан Синедрион ҳукм чиқарган эди. Қонун ва таомилга кўра шу икки жиноятчидан бирини бугун кириб келаётган буюк пасха байрами шарафига озод қилиш лозим бўлади.

Хуллас, прокуратор, шу икки жиноятчидан қай бириини Синедрион озод қилмоқчи бўлганини билишни истайди: Варраванними ёки Ха-Ноцрини-ми? Каифа, савол тушунарли, деган маънода бош силкиди ва жавоб берди:

— Синедрион Вар-равванни бўшатишни сўрайди. Хазрати бузрукнинг айнан шундай жавоб қилишини прокуратор яхши биларди, аммо унинг вазифаси, ўзини бундай жавобдан таажжублангандек қилиб кўрсатиш эди.

Пилат бу вазифани зўр маҳорат билан ижро этди. Бу мутакаббир зот қошларини чимирди ва хазрати бузрукнинг кўзларига ҳайрат билан тик қаради.

— Очиғи, бу жавоб мени тонг қолдирди, — деди у мулойим оҳангда, — англашилмовчилик содир булмадимикин деб кўрқаман.

Пилат ўз фикрини тушунтирди. Тўғри, Рим ҳукумати маҳаллий диний маъмурият ҳуқуқини асло камситмоқчи эмас, буни хазрати бузрукнинг ўзи ҳам яхши билади, илло мазкур вазиятда хатога йўл қуйилгани аниқ. Турган гапки, бу хатони тузатишдан Рим ҳукумати манфаатдор.

Дарҳақиқат, Вар-равван билаи Ха-Ноцриниит жиноятлари ўртасидаги тафовут катта эди. Телбалиги яққол кўришиб турган иккинчи жиноятчи ўзининг бетутуриқ гаплари билан Ершалаимда ва бошқа айрим жойларда одамларнинг тинчини бузганликда айбланса, биринчи жиноятчининг айби бениҳоя оғир эди. У халқни очикдан-очик исёнга даъват этиш билан чекланиб қолмай, яна уни ҳибсга олмоқчи бўлган соқчилардан бирини ўлдирган ҳам эди. Вар-

равван Ҳа-Ноцрига нисбатан кўп маротаба хавфлироқдир.

Юқорида зикр этилган сабабларга кўра прокуратор ҳазрати бузрукдан Синедрион қарорини қайта кўриб чиқишни ва икки маҳбусдан беэиёроғини озод қилишни сўрайдики, ўшал беэиёроқ жиноятчи, шубҳасиз, Ҳа-Ноцридир. Шундай эмасми?

Каифа Пилатнинг кўзларига тик боқиб туриб, оҳистагина, аммо қатъият билан деди:

— Синедрион ҳукмномани диққат билан ўрганиб чикди, шунга кўра Вар-равванни озод қилишга аҳд қилганини иккинчи марта хабар қилади.

— Наҳотки? Ҳатто менинг илтимосимдан кейин ҳам-а? Рим ҳокимияти номидан гапирувчи шахснинг илтимоси ҳам вожиб бўлмайдими? Ҳазрати бузрук, учинчи марта такрорла жавобингни?

— Учинчи марта ҳам, Вар-равванни озод қиламиз, деб маълум қиламиз, — деди оҳиста Каифа.

Масала ҳал бўлган, гапириладиган бошқа гап қолмаган эди. Ҳа-Ноцри энди дорилбакога кетаётган эди, демак, прокураторнинг мудҳиш ва аламли бош оғриғисини энди ҳеч ким даволай олмасди; бу дардга ўлимдан бошқа даво йўқ. Аммо ҳозир Пилатни ҳайратга солаётган нарса бу фикр эмас эди. Боя ровонда содир бўлган ўша мубҳам диққинафаслик туйғуси унинг бутун вужудини ҳамон изтиробга соларди. Шу заҳотиёқ у ўзининг бу аҳволини изоҳлашга уриниб кўрди, лекин изоҳ жуда аломат бўлиб чикди: прокуратор ўлимга маҳкум этилган Ҳа-Ноцри билан ҳали ниманидир гаплашиб улгурмагандек, ҳаттоки унинг қайсиям бир фикрини охиригача эшита олмагандек ҳис қилди ўзини.

Пилат бу фикрни хаёлидан фаромуш қилди, у қандай тез пайдо бўлган бўлса, шундай тез ғойиб бўлди. Фикрку ғойиб бўлди, аммо диққинафаслик ҳамон мубҳамлигича қолди, зеро чакмоқдек бир чакнаб шу зумда ўчган: «Боқийлик... боқийлик бошланди...» деган бошқа бир қисқагина фикр ушбу ҳолни изоҳлай олмас эди. Кимнинг боқийлиги бошланди? Буни прокуратор тушунолмади, аммо мавҳум боқийлик ҳақидаги мана шу фикр шу жазирама офтоб тигида ҳам уни жун-жуктириб юборди.

— Яхши, — деди Пилат, — шундай бўла қолсин.

Энди у атроф-муҳитга кўз ташлаб, юз берган ўзгаришдан таажжубда қолди. Ғунчалари ғарқ очилган атиргул бутаси ва юқори пешайвон атрофида қатор тизилиб турган сарв дарахтлари ғойиб бўлган эди, анор дарахти ҳам, ям-яшил майсазордаги оқ ҳайкал ҳам, майсазорнинг ўзи ҳам кўздан йўқолган эди. Бу манзаралар ўрнини қандайдир қирмизи қуйқа қоплаб, бу қуйқада сув ўтлари мавжланиб, қаёқларгадир силжий бошлаган, Пилатнинг ўзи ҳам шу ўтлар билан бирга кета бошлаган эди. Энди энг мудҳиш алам — ожизлик алами уни ўт бўлиб ёндириб, қалбини исканжага олиб, елдек учириб борарди.

— Сиқилиб кетяпман, — деди Пилат, — сиқилиб кетяпман!

У совуқ ва нам қўли билан ридоси ёқасидаги тўқани ечиб юборган эди, ридо сирғалиб кумлоқ йўлкага тушди.— Бугун ҳаво дим, қаердадир момақалдиروқ бўляпти, — деди Каифа прокураторнинг қон қуюлган юзидан кўзини узмай ва унинг ҳали яна юз беражак барча изтиробларини кўз олдига келтириб. «О, бу йил июн ойи ғоят мудҳиш келди!»

— Йўқ, — деди Пилат, — ҳавонинг димлигидан эмас, сен билан, Каифа, турганимдан сиқилиб кетдим, — сўнг у кўзларини сузиб жилмайдида, илова қилди: — Ўзингни эҳтиёт қил, ҳазрати бузрук.

Каифанинг тимқора кўзлари чакнаб кетди, боя прокураторнинг чехрасида қандай таажжуб аломати нужудга келган бўлса, энди Каифанинг ҳам юзида шундай ажабланиш пайдо бўлди.

— Нималар деяпсан, прокуратор? — мағрур ва хотиржам оҳангда деди у, — ҳукм чиқарилгандан кейин таҳдид қиляпсанми менга? Ахир уни ўзинг тасдиқлаб бердинг-ку! Қулоқларимга ишонмаяпман! Биз Рим прокураторининг аввал пухта ўйлаб, сўнг ўз фикрини баён қилишига кўникиб қолганмиз. Ишқилиб, суҳбатимизни бирон кимса эшитмадимикин,

игемон?

Пилат ҳазрати бузрукка ўлик кўзларини тикди, тишининг оқини кўрсатиб, жилва қилгандай бўлди.

— Кўйсанг-чи, ҳазрати бузрук! Шу топда, бу срда бизни гапимизни ким ҳам эшитарди? Нахот мен бугун қатл этиладиган анави саёқ девона йигитга ўхшасам? Ё гўдакмидим мен, Каифа? Мен қаерда нима дейишимни биламан. Боғ ихота қилин-ган, бутун қаср кўриқланмоқда, демак, ҳатто сичқон ҳам бирон қавакдан киролмайди буёққа! Наиики сичқон, ҳатто анави, оти пима эди... Кириаф шаҳридаи чиққан ҳам. Айтгандай, сен уни танийсанми, ҳазрати бузрук? Ҳа... агар бу ерга ўшанақа одам кириб қолгудек бўлса, кирганига ҳам минг пушаймон еган бўларди, бу гапимга энди ишонсанг керак албатта? Хуллас, ҳазрати бузрук, қулоғиннга куйиб ол, бугундан эътиборан сен оромингни йўқотасан! Сен ҳам, қавмларинг ҳам, — Пилат шундай деб кўли билан ўнг томонда, анча олисдаги дўнгликда қад кўтарган ибодатхонага ишора қилди. — Бун сенга мен — понтийлик Пилат, Олтин Найза тутган сувори айтяпмап.

— Биламан, биламан! — дадил жавоб қилди қорасоқол Каифа ва кўзлари чакнаб кетди. У кўлини кўкка чўзиб каломини давом эттирди: — Иудея халқи, ундаи ваҳшиёна адоват билан нафратланишингни, уни кўп оғир мусибатларга мубтало қилишингни билади, илло уни буткул маҳв эта олмагайсан! Худо ўз паноҳига олгай бу халқни! Эшитгай, ҳа, қудратли қайсар зоримизни эшитгай ва бизни қаттол Пилатдан ҳифз қилгай!

— Э, йўк! — деди Пилат ва энди гапирган сари, тобора кўнгли енгил торта бошлади: энди муғамбирлик қилишининг ҳам, равон жумла тузиш учун сўз ахта-ришининг ҳам ҳожати қолмаган эди. — Сен қайсарга менинг устимдан кўп марта арз қилдинг, энди навбат менга келди, Каифа! Энди мен нома ёзиб юбораман, юборгандаям Антиохиядаги ноибга ҳам, Римга ҳам эмас, тўппатўғри Капреяга — императорнинг ўзига юбораман сизларнинг бу ерда, Ершалаимда ашаддий исёнчиларни ўлимдаи қутқариб қолаётганларингиз ҳақида. Ана унда Ершалаим аҳлини, аввалги эзгу ниятим бўйича, сенларнинг нафингни кўзлаб, Сулаймон кўлининг обирахмати билан сийламайман! Йўк, сув билан эмас! Ўзинг эслаб кўр, айнан сенларнинг касрингга, мен деворга илинган император номи зарб қилишган қалқонларни кўлга олишган ва кўриб турибсанки, шахсан ўзим бу ерга кўшин суриб келишга мажбур бўлдим, оқибаг, Ершалаимда юз бераётган воқеаларнинг шоҳиди бўлишимга тўғри келди! Гапларим ёдингда бўлсин, ҳазрати бузрук. Ҳозир сен Ершалаимда кўриб турганинг бир коҳорта кўшин — дарёдан томчи! Ҳали бу шаҳар пойига, бутунича Фультинат кўшини, араб суворийлари келишади, ана унда қулоқларинг аччиқ нолаю фарёдлар эшитади! Ана унда сен жиоютчи Вар-равванни ўлимдан халос этганинг, эзгулик ҳақида ваъз қилган файласуфни эса ноҳақ ўлимга йўллаганинг учун минг пушаймон бўласан!

Ҳазрати бузрукнинг юзида хол-хол қизил доғлар иайдо бўлди, кўзлари ёна бошлади. У ҳам прокураторга ўхшаб, тишининг оқини кўрсатиб тиржайдида, жавоб қайтарди:

— Шу айтган гапларингга, прокуратор, ўзинг ишонасанми? Йўк, ишонмайсан! Халқни васвасага солган ўша файласуф Ершалаимга тинчлик олиб келмади, билъакс — тинчликпи бузди, бунини ўзинг ҳам, о чавандоз, жуда яхши биласан. Сен уни, халқ орасида фитна тарқатсин, динимизни таҳқирласин, бутун халқни Рим шамширига рўпара қилсин, деган ииятда озод қилмоқчи бўлдинг! Вале мен, Иудеянинг бузрук ҳазрати, тирик эканман, динимизни гаҳқирлашларига йўл қўймайман, халқимни ундай хавфдан муҳофаза қиламан! Эшитяпсанми, Пилат? — Шундай деб Каифа кўлини таҳдидона кўтарди: — Ана, қулоқ сол, прокуратор!

Каифа жим қолди, шунда прокураторга яна денгиз гувиллагандай, унинг тўлқинлари Бужж Ирод боғининг деворлари пойига келиб урилаётгандай бўлиб туюлди. Бу гувиллаш пастликдан прокураторнинг оёқларига, ундан юзига кўтарилаётгандай ўлди. Пилатнинг орқа томонида, қаср ортида эса ҳаяжонли карнай садолари, юзлаб оёқларнинг залворли гурсиллаши, темирлар жаранги эшитиларди. Пиёда аскарлари прокураторнинг буйруғига биноан исёнчи ва

қароқчиларни қатл этиш олдидан бўладиган даҳшатли намоёишга шайланиб, қасрдан чиқа бошлаган эдилар.

— Эшитяпсанми, прокуратор? — деб ҳазрати бузрук паст овоз билан такрорлади. — Наҳотки буларнинг ҳаммасини оёққа турғазган, — Каифа гапира туриб икки кўлини кўкка кўтарган эди, қора қайтарма қалпоғи бошидан тушиб кетди, кўрқинчли йўлтўсар Вар-равван деб ўйласанг?

Прокуратор кафтининг орқаси билан совуқ, терга чўмган пешонасини артди, ерга тикилди, кейин кўзларини қисганча осмонга қараб, лов-лов ёнаётган қуёшнинг деярли қиёмга келиб қолганини, Каифанинг сояси эса мрамар шернинг думи олди-да ғужанак бўлиб қолганини кўрди-ю, лоқайдлик билан оҳиста деди:

— Чошгоҳ бўлиб қолипти. Сухбатга берилиб кетибмиз, ҳолбуки ишни давом эттирмак лозим.

У ҳазрати бузрукдан назокат билан узр сўради ва энг охириги, қисқа кенгаш учун зарур бўлган одамларни чақиртириб, қатлга тааллуқли сўнгги фармойиш бергунича Каифадан магнолия дарахти соясидаги курсида кутиб ўтиришни илтимос қилди.

Каифа кўлини кўксига қўйганча, илтифот билан таъзим қилиб, шу ерда — боғда қолди, Пилат эса ровонга қайтди ва уни кутиб турган котибга легион саркардасини, коҳорта трибунини, шунингдек, Синедрионнинг икки аъзосини ва жоме соқчилари сардорини чақиритишни амр этди. Улар боғнинг пастки пешайвонида, фавворали доира сухбатгоҳда прокураторнинг таклифини кутиб ўтиришарди. Пилат котибга: ҳозир орқандан етиб бораман, деб ўзи қаср ичкарасига йўл олди.

Котиб кенгаш аҳлини йиғиш билан банд бўлган пайтда прокуратор қора дарпардалар билан офтобдан тўсилган хонада қандайдир бир одам билан учрашди; гарчи хонага қуёш шуъласи тушмаётган бўлса ҳам, бегона одамнинг ярим юзи бошидаги қайтарма қалпоқ билан тўсилган эди. Бу учрашув ниҳоятда қисқа бўлди. Прокуратор бу одамга пичирлаб бир-икки оғиз сўз айтди, шундан кейин у хонадан ғойиб бўлди, Пилат эса устунлар орасидан ўтиб боққа чикди.

Бу ерда прокуратор ҳамма таклиф қилинган одамлар иштирокида, Иешуа Ҳа-Ноцри устидан чиқарилган ўлим ҳукмини тасдиқлаганини тантанавор оҳангда, аммо куруққина қилиб таъкидлади ва расмиятчилик юзасидан, жинойтчилардан қай бирини ўлимдан асраб қолишни маъқул кўрасизлар, деб савол берди Синедрион аъзоларига. «Вар-равван-ни», деган жавобни эшитиб:

— Жуда яхши, — деди прокуратор ва котибга дарҳол буни қайд қилиб қўйишни буюрди, сўнг котиб ердан олиб берган ридосининг тасмасини ғижимлаганча тантанали оҳангда деди: — Вақт бўлди!

Шундан кейин, бу ерда ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси икки томонига одамнинг ҳушини олгудек ўткир ҳид таратувчи атиргул буталари зич ўтқазилган кенг мрамар зинадан пастга — қаср дарвозаси сари туша бошладилар. Бу дарвозадан саҳни теп-текис кенг майдонга чиқиларди. Майдоннинг нариги бошидаги Ершалаим жанггоҳига ўрнатилган маҳобатли устунлар ва мрамар ҳайкаллар бу зинадан якқол кўриниб турарди.

Акобирлар гуруҳи майдонга чиқиб, ҳаммаёқдан кўзга бирдай якқол ташланувчи саҳни кенг тош супага кўтарилди. Пилат сузук кўзлари билан атрофга назар ташлаб чиқиб, дарҳол вазиятга тушунди. У ҳозиргина босиб ўтган масофа, яъни қаср дарвозасидан то тош супагача бўлган оралик бўм-бўш эди, лекин супанинг олд томонидаги майдон саҳни Пилатга кўринмади — уни оломон босиб кетган эди. Агарда Пилатнинг чап томонида Себастья аскарлари уч қатор бўлиб, ўнг томонда итуреялик кўмакчи коҳорта навкарлари саф тортиб, тош супа билан унинг ортидаги бўш масофани кўриқлаб туришмаганда, оломон бу жойларни ҳам камраб олган бўларди.

Шундай қилиб, Пилат нокерак тўқани муштида сиқиб, қисик кўзлари билан атрофга олазарак

бўлиб қараганча супага кўтарилди. Лекин унинг кўзлари офтоб шуъласидан қисилмаган эди, йўқ! Прокуратор, негадир, ўлимга маҳкум этилганларни кўришни хоҳламас эди: билардики, ҳозир унинг орқасидан ўша жинойтчиларни ҳам супага чиқара бошлашган.

Улкан тошқоя бошида, одамлар денгизи қирғоғида тўқ-қизил астарли оқ ридо пайдо бўлиши билан, кўзи ҳеч нарса кўрмаётган Пилатнинг қулоғига «А-а-а...» деган товуш тўлқини келиб урилди. Ҳииподром ёқда дунёга келган бу садо аввалига базўр эшитилди, сўнг момақалди роқ сингари бир неча сония гуддираб тур-ди-да, кейин яна пасая бошлади. «Мени кўришди», — деб ўйлади прокуратор. Шовқин тўлқини сусайиб, тиниш даражасига етганда тўсатдан яна кучая бошла-ди ва бу гал аввалгисидан ҳам баландроқ авжга чикдики, худди денгиз долғаси сатҳида кўпиклар пайдо бўлгани каби бу сурон орасидан ҳуштак садоси ва гул-дирос шовқин орасидан элас-элас кулокка чалинувчи аёллар фиғони эшитилди. «Маҳбусларни супага олиб чиқишди... — деб кўнглидан ўтказди Пилат, — оломон мен сари талпинганда бир неча аёлни босиб, янчиб юборган бўлса керак, бу — ўшаларнинг ноласи».

У сукут сақлаб бир оз кутиб турди, зеро оломон юрагидаги бутун ҳовурни тўкиб солиб, ўзи тинчимагунча, уни ҳеч қандай куч тинчита олмаслигини Пилат биларди.

Ниҳоят шундай фурсат кедди. Прокуратор ўнг қўлини юқори кўтарган эди, оломоннинг охирги саси ҳам ўчди.

Шунда Пилат кўкрагига имкони борича кўпроқ иссиқ ҳаво олиб шундай чинқирдики, унинг хириллаган овози минг-минглаб одамларнинг боши узра янгради:

— Қайсар император номи билан!

Шундай дейиши билан қулоғига бир неча узук-узук дағал сўзлар келиб урилди — саф тортиб турган аскарлар найза ва темир нишонларини юқорига силтаб, мудҳиш овоз билан:

— Қайсар аъло ҳазратлари омон бўлсин! — деб ҳайқирган эдилар.

Пилат бошини адл кўтариб, уни офтоб тифига тиради. Қовоқлари остида яшил ўт чакнади, бу ўтдан унинг мияси ёна бошлади, шунда арамейлар тилида ҳирқироқ овоз билан айтган сўзлари оломоннинг боши узра парвоз қилди:

— Қотиллик қилгани, исёнга даъват этгани ҳамда қонун ва динни таҳқирлагани учун Ершалаимда ҳибсга олинган тўрт нафар жинойтчи сазойи ўлимга — устунларга осишга ҳукм қилиндилар! Ушбу қатл бугун Тақир Тепада амалга оширилади! Жинойтчиларнинг номлари будир: Дисмас, Гестас, Вар-равван ва Ҳа-Ноцри. Мана, улар қаршингизда туришипти!

Пилат жинойтчиларни кўрмай туриб, қўли билан ўнг томонга ишора қилди, лекин уларнинг шу ерда, белгиланган ерда туришганини у яхши биларди.

Оломон гўё ажаблангандек ёки кўнгли таскин топгандек, анчагача ғала-ғовур қилиб турди. Ниҳоят ғовур тинди ва Пилат нутқини давом эттирди:

— Вале, аларнинг учтаси қатл этилмай, зероки, қонун ва таомилга кўра Кичик Синедрионнинг ихтиёри ила ва Рим ҳокимиятининг тасдиқлашига кўра муқаддас пасха байрами шарофати ила саховатли қайсар император он ҳазратлари ўлимга маҳкумлардан бирига унинг манфур ҳаётини сийлов қиладилар!

Пилат сўзларни кичқириб-кичқириб айтаркан, айна пайтда, ғулғула ўрнини теран сукунат эгаллай бошлаганини ҳис қила бошлади. Энди на биронта «тик» этган товуш, на бировнинг энгил тин олгани чалинарди унинг қулоғига, ҳаттоки бир пайт, атрофидаги бутун муҳит тамоман ғойиб бўлгандек ҳам туюлди Пилатга. Унинг назарида, ўзи ёмон кўрган бу шаҳар буткул ўлгандай, ёлғиз ўзи бошини осмонга тираб, қуёшнинг тик шуъласи остида қоврилиб тургандек бўлди. Пилат сукунатни яна бир оз чўзди, сўнг чинқириб гапира бошлади:

— Ҳозир сизларнинг кўз олдингизда озод қилинадиган маҳбуснинг исми....

У исмни айтишдан олдин яна бир марта сукут қилиб, бирон гап ёдимдан кўтарилмадимикин, деб кўнглидан ўтказди, негаки, бахтиёр маҳбуснинг номи эълон қилинганда, бу ўлик шаҳарга жон киришини, ундан кейин айтилган сўзларнинг биронтасини ҳам ҳеч ким эшитмаслигини яхши

биларди.

«Ҳамма гапни айтиб бўлдимми? — товушсиз пичирлади Пилат ўзига ўзи. — Ҳа. Исми қолди!»

Сўнг у «р» ҳарфига урғу бериб сукутга толган оломон узра кичқирди:

— Вар-равван!

Пилатнинг назарида қуёш жаранглаб, бирдан ёрилиб кетгандек, олов бўлиб қулоғига қуйилаётгандек бўлди. Бу олов тўфониди хайқирик, чинқирик, фарёд, қаҳқаҳа ва хуштак садолари жўш уриб бутун майдонни бошга кўтарганди.

Пилат орқасига ўтирилди, қоқилиб кетмаслик учун кўзини супа сахнига терилган ранг-баранг гўшамаларга тикканча, ҳеч кимга қарамай, пиллапоя томон юра бошлади. Энди, унинг орқасида, супага бронза тангалар, хурмолар дўлдай ёғила бошлаган, оломон эса юз берган мўъжизани — ажал чангалига тушган одамнинг энди у чангалдан қандай қутулиб чиққанини, маҳбуснинг сўроқ пайтида лат еган қўлларини легионерлар беихтиёр оғритиб еча бошлаганини, унинг эса оғриқдан афтини бужмайтириб, «вой-вой»лаб бўлса ҳам, телба одамлардай маъно-сиз тиржайишини ўз кўзи билан кўриш учун узлуксиз наъра тортиб, бир-бирини топтаб, бир-бирининг елкасига мингашаётган эдики, буни Пилат кўрмаса ҳам аниқ тасаввур қиларди.

Айни пайтда у қолган учта маҳбусни соқчилар қўлларини ечмай, шаҳар ташқарисидаги Тақир Тоққа олиб борувчи мағриб йўлига олиб чиқиш учун пиллапоя томон бошлаб бораётганини ҳам ҳис қилган эди. Пилат супадан тушиб, унинг панасига ўтгандан кейингина, ўзини хавфдан холи эканлигини пайқаб (энди у ўлимга маҳкум қилинганларни кўра олмас эди), кўзини очди.

Унинг шоҳсупадан туриб айтган гапларини, энди жарчилар баъзилари арамея, бошқалари юнон тилида чинқириб такрорлаётган эдики, хийла аниқ эшитилаётган бу чинқириқлар оломоннинг аста-аста пасая бошлаган ноласи билан омихта бўлиб кетган эди. Пилатнинг қулоғига яна тобора яқинлашиб келаётган отлар дупури ва қувноқ тарзда қиска-қиска ижро этилган ҳарбий карнай садоси ҳам эшитилди. Бу товушларга жавобан бозор бошидан Ҳипподром майдонига олиб чиқувчи кўчадаги уйларнинг томларига чиқиб олган болаларнинг қулоқни батанг қилгудек ўткир хуштаклари ва «пўўшт, пў-ўшт!» — деб қичқирган овозлар янгради.

Майдоннинг одамлардан тозаланган қисмида турган бир аскар бирдан ҳаяжонланиб, қўлидаги байроқчани силкиди, шунда прокуратор, легион саркардаси, котиб ва соқчилар юришдан тўхташди.

Майдонга, отларни тобора жадалроқ чоптириб, суворийлар кириб келди, у халқ тўпланган ерни четлаб ўтиш ва Тақир Тоққа энг қиска йўлдан тезроқ етиб олиш учун, ток баргларига бурканган тош девор бўйлаб чўзилган йўлдан келаётган эди.

Энг олдинда отини учуриб келаётган жуссаси ўғил боланики сингари чоғина, қора бадан суриялик командир йигит Пилатга яқинлашгач, чийиллаган овоз билан бир нима деди ва шамширини ғилофидан суғирди. У минган, терлаб кўпик бўлиб кетган қора от ҳуркиб орқа оёқларига турди. Командир шамширини ғилофга солиб, отнинг бўйнига қамчи урди ва жиловини бўш қўйиб тор кўча томон учирди. Қолган суворийлар учта-учтадан бўлиб унинг орқасидан кўча чангитиб от чоптириб борар-канлар, бамбукдан ясалган енгил найзаларининг учи лик-лик сакрарди. Бошларидаги оқ салла туфайли юзлари яна ҳам қорароқ кўринган бу суворийлар оппоқ тишларини иршайтириб прокуратор ёнидан шамолдек елиб ўтишди.

Отлик қўшин ҳаммаёқни чангга бурқаб, тор кўчага ўқдай отилиб кириб кетди, энг охирида Пилатнинг ёнидан офтобда ярақлаган карнайчасини орқасига осиб олган суворий ўтди.

Пилат норози қиёфада афтини бужмайтириб, қўли билан оғиз-бурнини чангдан тўсганча, қаср боғининг дарвозаси томон юрди, саркарда, котиб ва соқчилар унга эргашдилар.

Вақт эрталабки соат ўнлар эди.

Учинчи боб

ЕТТИНЧИ ДАЛИЛ

— Ҳа, эрталабки соат ўнлар эди, мухтарам Иван Николаевич, — деди профессор Шоир эндигина уйқудан уйғонган одамдек, қўли билан юзини силади ва шундагина Патриарх қўли бўйида қош қорая бошлаганини сезди.

Ҳовуз суви қорамтир тусга кирган, унинг сатҳида енгил қайиқ сузарди, эшкакларнинг сувни шاپиллатгани, қайиқда ўтирган аёлнинг ҳиринглаб кулгани эшитиларди. Хиёбонлардаги скамейкаларда одамлар пайдо бўлипти, лекин улар қўлнинг ҳам-сухбатларимиз ўтирган томонидаги хиёбонлардагина кўринишарди.

Москва осмони хийла оқарган, самодаги тўлин ой яққол кўзга ташланиб турарди, аммо у ҳали заррин либос киймаган, огшоқ эди. Нафас олиш анча енгил-лашди, жўка остида ўтирганларнинг овози оқшомона, майин эшитила бошлади.

«Бутун бошли қисса тўкиб ташлапти-ю, мен қандай қилиб сезмай қолдим-а?.. — деб ўйлади Бездомний ҳайратланиб. — Ана, кеч ҳам кирипти! Балки қиссани у айтмагандир, эҳтимол ухлаб қолгандирману тушимга киргандир?»

Бироқ қиссани профессор ҳикоя қилди деб фараз қилишга тўғри келади, акс ҳолда, бу қисса Берлиознинг ҳам тушига кирган деб ўйлаш керак бўлади, негаки у ажнабий одамнинг юзига диққат билан тикилиб туриб бундай деди:

— Қиссангиз ниҳоятда мароқли, профессор, гарчи у «Инжил» ривоятларининг биронтасига ҳам мутлақо тўғри келмаса-да.

— Афв этасиз, — деди профессор кўнгилчанлик билан жилмайиб. — Инжилда ёзилган ҳикоятларнинг ҳеч бири, ҳеч қачон бўлмаган эканлигини бошқалар билмаганда ҳам, сиз билишингиз лозим, бинобарин, агар биз «Инжил»га тарихий манба сифатида ёндашадиган бўлсак... — деб у яна жилмайди, шунда Берлиознинг дами ичига тушиб кетди, чунки боя Бронная кўчаси бўйлаб бу ерга келишаётганда Бездомнийга ўзи ҳам айнан шу ганларни айтган эди.

— Буку тўғри, — деди Берлиоз, — аммо ҳозир сиз айтиб берган воқеанинг ҳам бўлганлигини ҳеч бир кимса тасдиқлай олмаса керак, деб кўрқаман.

— Э, янглишасиз! Буни ҳамма тасдиқлаши мумкин! — деб профессор яна тилни бузиб, аммо қатъий ишонч билан гапира бошлади, сўнг кутилмаганда, бир сирни ошкор этмоқчи бўлгандай, икки дўстни ўзига яқинроқ имлади.

Улар профессорнинг икки томонидан унга энгашиб кулоқ тутдилар, энди у яна беталаффуз гапира бошладик, унинг нега гоҳ беталаффуз, гоҳ талаффуз билан гапиришини худонинг ўзи биларди:

— Гап шундаки... — профессор у ёқ-бу ёққа олазарак бўлиб қараб қўйди, — мен шахсан ўзим шоҳид бўлганман бу воқеаларга. Понтий Пилатнинг ҳузурида ровонда ҳам, у Каифа билан гаплашаётганида боғда ҳам, шоҳсупада ҳам бўлганман, фақат махфий тарзда, яъни инкогнито⁵ десаям бўлади, шу боис ўтинаман сизлардан — бу ҳақда ҳеч кимга лом-мим демай, сир сақласангиз!.. Тсс!

Жим бўлиб қолишди, Берлиознинг ранги оқариб кетди.

— Сиз... сиз қачон келдингиз Москвага? — титроқ овоз билан сўради у.

— Мен Москвага ҳозиргина, шу дақиқада кириб келдим, — эсанкираброқ жавоб қилди профессор, шу гапдан кейингина икки ўртоқ унинг кўзларига тикилиброқ қарашди ва унинг чап

⁵ Инкогнито (*лот.*) — сирли, махфий равишда.

кўзи кўк ва буткул жунунваш, ўнг кўзи эса — қора, беэиё, ўлик эканлигига шоҳид бўлишди.

«Мана, ҳамма нарса ойдинлашди-қолди! — деб ўйлади Берлиоз юраги бежо уриб, — жинни немисни юборишти ё бўлмаса, ҳозир шу ерда жинни бўлиб қолган. Ана холос!»

Ҳа, дарҳақиқат, ҳамма нарса: марҳум файласуф ҳузуридаги ғоят антиқа нонуштаю писта мойи ва қандайдир Аннушка ҳақидаги тутуриқсиз гаплару Берлиознинг боши узилиши ҳақида айтилган башорату ҳоказо ва ҳоказолар сабаби ойдинлашган эди — профессор телба эди.

Берлиоз нима иш қилиши кераклигини дарҳол тушунди. У скамейкага суяниб, профессорнинг орқасидан Бездомнийга, ўчакишма, демокчи бўлгандай кўз қисди, аммо довдираб қолган шоир дўстининг имосига тушунмади.

— Ҳа, ҳа, ҳа, — тўлқинланиб дерди Берлиоз, — лекин бўлиши мумкин! Ҳатто жудаям бўлиши мумкин, Понтий Пилат ҳам, ровон ҳам, қолган гаплар ҳам... Сиз ёлғиз келдингизми ё рафиқангиз биланми ?

— Ёлғиз, ёлғиз ўзим, мен ҳамиша ёлғизман, — ҳасрат билан деди профессор.

— Буюмларингиз қаерда, профессор? — муғамбирлик билан лукма ташлади Берлиоз. — «Метрополь»дами? Қаерга кўндингиз?

— Менми? Ҳеч қаерга, — деб жавоб қилди телба немис, кўк кўзини ўйнатиб, Патриарх кўлига маъюс ва ваҳшиёна назар ташларкан.

— Ие! Унда... қаерда яшамокчисиз?

— Сизнинг квартирангизда, — деб сурбетлик билан жавоб қилди телба ва кўз қисиб қўйди.

— Ба... бажону дил... у... — дея ғўлдиради Берлиоз, — лекин меникида туриш сизга ўнғайсиз бўлади-да... «Метрополь»да эса хоналар ғоят шинам, у энг яхши меҳмонхона...

— Шайтон ҳам йўқ денг? — дабдурустдан қувноқ оҳангда савол берди телба Иван Николаевичга.

— Шайтон ҳам...

— Раъйини қайтарма! — пичирлади Берлиоз, профессорнинг орқасидан унга имо-ишора қиларкан.

— Ҳеч қанақа шайтон йўқ! — деб тутуриқсиз гаплардан гангиб қолган Иван Николаевич чинкириб ўринсиз гапларни айтиб юборди. — Қаёқдан кедди бу дардисар?! Бас қилинг жинниликни...

Шу пайт телба қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборган эди, тепаларидаги жўка шоҳига қўниб ўтирган чумчук пир этиб учиб кетди.

— О, бу энди бағоят қизиқ гап бўлди, — дея хохоларди профессор бутун гавдаси билан силкиниб. — Мамлакатинглар қанақа ўзи, нимани сўрасанг — йўқ! — У бирдан хохолашдан таққа тўхтаб, мутлақо тесқари кайфиятга ўтдики, рухий касалларда бундай ҳолнинг содир бўлиши тушунарли эди: — Демак, шундай қилиб, йўқми? — ғижиниб, жаҳл билан бақирди у.

— Тинчланинг, ўзингизни босинг, профессор, — деб ғўддирарди Берлиоз беморнинг асаби бузилишидан хавотирланиб. — Сиз шу ерда ўртоқ Бездомний билан бир минутгина ўтириб туринг, мен муюлишга ғир этиб бориб, телефон қоқиб келаман, кейин сизни хоҳлаган ерингизга кузатиб қўямиз. Сиз ахир шаҳарни яхши билмайсиз-ку...

Берлиоз тўғри режа тузган эди: энг яқин автомат-телефонга ғизиллаб бориб, хорижийлар бюросига, ажнабий бир консультант Патриарх кўлида эс-хуши норасо ҳодда ўтиргани ҳақида хабар қилмоқчи эди. Хуллас, дарҳол чора кўриш керак, акс ҳолда қандайдир кўнгилсиз бемаънилик юз бериши муқаррар эди.

— Телефон қиласизми? Майли, қила қолинг, — маъюс рози бўлди бемор, кейин бирдан зўр ҳиссиёт билан илова қилди: — Лекин видолашув олдидан ўтиниб сўрайман сиздан, ҳеч бўлмаса, шайтоннинг борлигига ишонинг! Ягона илтимосим шу. Билингки, буни исботловчи еттинчи далил мавжуд, у энг ишончли далил! Ҳадемай бунга ўзингиз шоҳид бўласиз.

— Яхши, яхши, — деди ясама илтифот билан Берлиоз ва телба немисни кўриқлаб ўтиришдек

машаққатдан саросимага тушган шоир дўстига кўз қисиб кўйди-да, Бронная кўчаси билан Ермолаевский тор кўчаси муюлишига чиқадиган йўлак томон отилди.

Профессор эса дарҳол соғайиб, чехраси ёришиб кетди.

— Михаил Александрович! — деб кичқирди у Берлиознинг орқасидан,

У сесканиб кетиб, орқасига ўгирилди аммо исми-шарифимни профессор биронта газетада ўқигандирда, деган хаёлга бориб, ўзига тасалли берди. Профессор эса кўлларини оғзига карнай қилиб кичқирди:

— Нима дейсиз, ҳозирок Киевдаги поччангизга телеграмма юбораверишсинми ?

Яна Берлиознинг эти жимирлаб кетди. Киевда поччаси борлигини қаёқдан била қолипти бу телба? Ахир бу тўғрида биронта ҳам газета ҳеч қачон ёзмаган эди-ку. Вожаб, Бездомнийнинг шубҳаси тўғрига ўхшайди шекилли? Кўрсатган хужжати сохта бўлса-я? Жудаям ғайритабиий нусха. Кўнғироқ қилиш керак! Дарҳол кўнғироқ қилиш керак! Кимлигини бир зумда аниқлаб олишади!

Берлиоз бошқа ҳеч бир гапга қулоқ солмай чопа кетди.

Худди шу пайт, Бронная кўчасига чиқаверишда, скамейкадан бир одам муҳаррирга пешвоз турди — бу одам боя куёш шуъласида куюк ва қайноқ хаводан вужудга келган гражданинга қуйиб қўйгандек ўхшаб кетарди. Лекин энди у шиша сингари тиниқ ҳам, нафис ҳам эмас, балки оддий одамлардек жисмдан ташкил топган эди; қош қорая бошлаган бу пайтда, Берлиоз у одамнинг мўйлови товук патига ўхшашини, мунчоқдек кичкина кўзлари ширакайф ва кинояли боқаётганини, юқори тортиб кийган катак-катак матодан тикилган шимининг почалари остида эса исқирт оқ пайпоқларини аниқ кўрди.

Михаил Александрович чўчиб орқасига тисарилди, лекин шу заҳоти, аҳмоқона ўхшашлик бу, холос, умуман ҳозир бу ҳақда бош қотириб ўтирадиган пайт эмас, деб ўзига таскин берди.

— Турникет⁶ кидиряпсизми, гражданин? — деб сўради катак шим кийган нусха қалтироқ овоз билан.— Буёққа марҳамат қилсинлар! Тўппа-тўғри кўзлаган ерингизга чиқасиз. Йўл кўрсатганим эвазига, аслида чорактага олишим керак эди сиздан... саломатликни тиклаш учун... собиқ регент! — нусха қийшанглаб бошидан жокейлар кепкасини ечганча, қулочини кенг ёзиб таъзим қилди.

Берлиоз тиланчи ва қийшанғи регентга қулоқ солиб ўтирмай, турникет олдига югуриб борди уни ушлади. Сўттг уни айлангириб ўтиб, энди трамвай изига қадам қўймоқчи бўлган эди, кўзига қизил ва оқ шуъла урилди, шиша кутидаги: «Трамвайдан эҳтиёт бўл!» — деган ёзув ярқ этиб ёнди.

Шу заҳоти Ермолаев тор кўчасидан чиққан трамвай янги ётқизилган издан Броштая кўчасига бурилди. У муюлишда қаттиқ бир чийиллаб, тўғри йўлга чиқиб олди-ю, бирдан ичи электр шуъласидан ярақлаб кетиб, тезлиги ошди.

Эҳтиёткор Берлиоз, гарчи беҳавотир ерда турган бўлса ҳам, қайта турникет ғалтаги орқасига ўтиб турмоқчи бўлди ва унинг бандини ушлаб, орқасига бир қадам кўйди. Худди шу пайт, кўли сирғалиб, ғалтак бандини қўйиб юборди, оёғи трамвай изига қиялаб тушган тош йўлдан худди яхмалак отгандек сирпаниб кетди, иккинчи оёғи юқорига кўтарилиб кетди-ю, Берлиоз трамвай изига бориб тушди.

У бирон нимани ушлаб олишга уриниб чалқанчасига йиқилди, энсаси билан тошга хиёл зарб билан урилди ва шу чоқ баландда (лекин чап томопдами ё ўнгдами — фаҳмига бора олмади) заррин тусга кирган ойни кўрди. Шу заҳоти у ғай-ритабиий тезлик билан ғужанак бўлиб ёнбошига ўгирилди, ўгирилдию ўзи томонга ниҳоятда зўр шиддат билан ўқдай учиб келаётган трамвай ҳайдовчи аёлнипг докадек оқарган юзини ва бошидаги қизил дуррасини кўрди. Берлиоз чинқирмади, аммо бутун кўча асллар овози билан жонҳолатда чинқириб юборди. Трамвай

⁶ Турникет (фр.) — жамоатчилик жойларига (масалан, стадион, кинотеатр ва ҳ. к.) одамларни битта-биттадан ўтказиш учун ўрнатилган айланувчи қурилма.

хайдовчи аёл электр тормозни шахт тортди, вагон тумшуғи билан ерга энкайди, бир зумда силкинди, вагон деразаларининг ойналари даҳшатли овоз билан чил-чил сипди. Шу чоғ Берлиознинг миясида кимдир жон аччиғида «Наҳотки?..» — деб қичқириб юборди. Унинг кўзи олдида ой яна бир бор, охирги марта лип этиб кўринди, лекин у бўлак-бўлақларга бўлина бошлаган эди, сўнг ҳаммаёқ қоп-қоронғи бўлди.

Трамвай келиб Берлиозни босди, шунда хиёбон атрофини ўраган панжара остига, тош терилган қиялик томонга дум-думалоқ қора бир нарса думалаб кетди. У нарса шу қияликдан тушиб, Бронная кўчасига терилган тошлар устидан думалаб кетди.

Бу Берлиознинг трамвай узиб юборган калласи эди.

Тўртинчи боб

ТАЪҚИБ

Аёлларнинг жазавали чинқириқлари тинди, мили-ция хуштаклари ҳам чуруллашдан тўхтади, иккита санитария машинаси келиб, бири — чўрт узилган бош билан танани ўликхонага, иккинчиси — ойна си-никларидан жароҳатланган трамвай хайдовчи гўзал аёлни касалхонага олиб кетди, оқ фартук тутган фаррошлар ойна парчаларини йиғиштириб, қон юки қолган ерларга қум сепишди. Иван Николаевич эса турникетга етиб келолмай, скамейкага қандай йиқилиб қолган бўлса, ҳамон шу алфозда ётарди.

Бездомний ўрнидан туришга бир неча марта уриниб кўрди, лекин оёқларида жон йўқ эди — у шол бўлиб қолганга ўхшарди..

Шоир фарёд эшитилган ҳамоноқ турникет томон югурган ва тош кўчада калла думалаб кетаётганини кўрганди. Бу ҳолдан у тамомила эсини йўқотиб, ўзини скамейкага отгану билагини ғарчча тишлаб, қонатиб юборганди. Телба немис-ку, унииг хаёлидан фаромуш бўлган эди албатта, ҳозир у фақат бир нарсани тушу-нишга уринарди: ахир, қандай қилиб ҳозиргина ўзи суҳбатлашиб ўтирган Берлиоз, мана, бир дақиқадан кейин — калласи.

Шоирнинг ёнидан хиёбон бўйлаб қаттиқ ҳаяжонланган одамлар бир нималарни гапириб, чопиб ўтишарди, лекин Иван Николаевич уларнинг гапларини идрок қилмасди.

Бироқ шоирнинг олдида икки аёл кутилмаганда тўқнашиб қолди-ю, улардан бири — бошланг, қирра-бурун аёл шоирнинг шундоққина қулоғи остида шанғиллаб иккинчисига деди:

— Аннушка бор-у, ўзимизнинг Аннушка! Садоваяда туради! Бу ўшанинг иши! У магазиндан бир шиша писта мойи олган экан, йўлда эҳтиётсизлик қилиб ши-шани ғалтакка уриб синдирибди-ю, ёғни тўкиб юборипти! Юбкаси жикқа ёғ бўлган... Жаҳли чиқиб бирам қарғадики! Анали шўринг қурғур бўлса, ўша тўкилган ёғда тайғаниб, тўғри трамвай тагига бориб тушипти.... Аёл шанғиллаб айтган сўзлардан фақат битта «Аннушка» деган сўз Иван Николаевичнинг миясига ўрнашиб қолган эди...

— Аннушка... Аннушка?... — ғўлдиради шоир атрофига олазарак бўлиб қараркан. — Ие, шошма, шошма-чи...

«Аннушка» сўзига «писта ёғи» деган сўз келиб уланди, ундан кейин, негадир «Понтий Пилат» сўзлари ҳам келиб кўшилди. Шоир Пилатни хотирадан чиқариб ташлаб, сўзлар занжирини «Аннушка» сўзи-дан бошлади. Натижада, бу занжир жуда тез уланиб, бир зумда уни телба профессорга рўпара қилди.

Дарвоқе! «Мажлис бўлмайди, чунки Аннушка ёғ тўкиб юборди», деб шу немис айтган эдику. Мана, марҳамат, мажлис бўлмаслиги аниқ! Бундан ташқари: Берлиознинг калласини аёл киши олади, деб у аниқ гапирганди-а?! Ҳа, ҳа, ҳа! Ахир трамвай хайдовчи аёлмиди? Ўзи нималар бўляпти, а?

Берлиознинг мудҳиш ўлими тафсилотини махфий консультант олдиндан аниқ билганлигига

энди зиғирча ҳам шубҳа қолмаган эди. Шунда шоирнинг миясини иккита мулоҳаза банд этди. Биринчи мулоҳаза: «Немис ҳеч ҳам жинни эмас! Ҳаммаси бемаънилик!» Иккинчи мулоҳаза: «Бу фалокатни унинг ўзи уюштир-мадимикин?!»

Лекин, афв этасиз, қандай қилиб уюштириши мумкин?

— Э, йўқ! Буни биз аниқлаймиз!

Иван Николаевич бутун кучини ишга солиб, скамейкадан зўр-базўр турди, турдию орқага — профессор билан суҳбатлашган ерига отидди. Хайрият, у ҳали кетиб қолмаган экан.

Бронная кўчасидаги чироқлар энди ёқилган, Патриарх кўли узра эса олтинранг ой шуъла сочарди, ана шу, ҳамиша кўзни чалғитувчи ой нурида профессор қўлтиғига ҳасса эмас, қилич қистириб тургандай туюлди Иван Николаевичга.

Истеъфодаги шилқим регент эса ҳали яқингинада Иван Николаевич ўтирган жойнинг ўзгинасида ўтирарди. Энди регент бурнига, беҳожатлиги яққол кўриниб турган пенсне қўндирган эдики, унинг бир кўзи шишасиз, иккинчи кўзидаги шиша эса дарз кетган эди. Берлиозни трамвай изи томон йўллагандаёқ разил кўринган бу катак шимли одам энди — пенсне такқач — баттар разиллашган эди.

Иван профессорнинг олдига юраги така-пука бўлиб яқинлашди, сўнг унинг чехрасига тикилиб қараб, ҳеч қандай тслбалик аломати йўклилигига ва ҳеч қачон бўлмаганлигига иқрор бўлди.

— Қапи, ростипи айтипг, кимсиз ўзи? — бўғиқ овоз билан сўради Иван.

Чет эллик шоирни гўё биринчи марта кўриб тургандек унга ўшшайиб қаради ва совуққина жавоб қилди:

— Меники тушунмайди... русча гапириш...

— У тушунмайди! — деб гапга аралашди регент ўтирган ерида, холбуки, ҳеч ким ундан чет элликнинг гапини изоҳлашни сўрамаган эди.

— Муғамбирлик қилманг! — деб дўқ қилди Иван ва бирдан юраги шув этиб кетганини ҳис қилди. — Сиз ҳали шу ерда рус тилида жуда яхши гапирган эдингиз. Сиз немис ҳам, профессор ҳам эмассиз! Сиз — қотил ва жосуссиз! Ҳужжатларингизни кўрсатинг! — ғазаб билан қичқирди Иван.

Шубҳали профессор шундоқ ҳам қийшиқ оғзини жирканч билан бурди, елкаларини учуриб қўйди.

— Гражданин! — деб яна орага суқилди турки совуқ регент. — Нега сиз интуристни безовта қилиясиз? Бу ишингиз учун қаттиқ жавобгарликка тортиласиз! — Шубҳали профессор эса такаббуруна чехра билан орқасига ўгирилдию индамай кетаверди.

Иван эсанкирай бошлаганини сизди. Нафаси оғзига тикилиб регентга юзланди:

— Хой гражданин, жиноятчини тутишга ёрдамлашиш! Албатта ёрдам беришингиз керак.

Регент бирдаи ғайратланиб, сапчиб ўрнидаи турди ва бақирди:

— Ким жиноятчи? Қани у? Чет эллик — жиноятчи? — регентнинг кўзлари шўх чакнаб кетди. — Анавими? Агар жиноятчилиги рост бўлса, биринчи навбатда: «Войдод!» — деб бақариш керак. Бўлмаса, қочиб кетади. Қани, келинг, иккаламиз баравар қичқирамиз! Фақат баравар! — Шундай деб регент оғзини очди.

Эсанкираб қолган Иван ҳазилкаш регентнинг гапига ишониб, «Войдод!» — деб қичқирди, лекин регент уни лақиллатиб «чурқ» этмади.

Иваннинг ҳирқироқ овози яхши самара бермади. Хиёбондан ўтиб кетаётган икки қиз чўчиб ўзларини четга олиб қочишди, шунда унинг қулоғига: «Мастми, нима бало?» — деган лукма эшитилди.

— Э, ҳа, сен ҳам у билан биргамисан ҳали? — деб бақирди дарғазаб Иван. — Ҳали сен мени майна қилмоқчи бўлдингми? Тўсма йўлимни!

Иван ўнг томондан ўтмоқчи эди, регент ҳам шу томонга отилди! Иван чапга ташланувди —

манфур регент ҳам чапга ўтди.

— Сен атайлаб йўлимни тўсяпсан чоғи? — бақирди Иван ғазаби тобора ортаркан. — Ҳали сени ҳам милицияга топшираман!

Иван нобакор регентнинг енгидан тутмоқчи бўлиб ҳамла қилди, аммо тутолмай, доғда қолди. Регент худди ерга кириб кетгандай кўздан ғойиб бўлганди.

Иваннинг оғзи хайратдан ланг очилиб қолди, шу пайт у узоқда кетаётган манфур нотаниш одамни кўриб қолди. У Патриарх тор кўчаси оғзига бориб қолган эди, боз устига, у ёлғиз эмас эди. Қандай одамлиги мутлақо номаълум бўлган бояги регент профессорга ҳамроҳ бўлиб борарди. Бу ҳам етмагандай, кутилмаганда қаёқдандир пайдо бўлган, тўнғиздек баҳайбат, қарғадек қоп-қора, шопмўйлов бир мушук улар билан борарди. Учовлари Патриарх тор кўчаси томон юришди, лекин шуниси қизиқки, бу пайт мушук орқа оёқларида юра бошлади.

Иван шу бадкирдорлар ортидан югурди, аммо уларни қувиб етиш жуда мушкул бўлишини дарҳол англади.

Учовлон зумда тор кўчадан ўтиб Спиридоновкага чиқишди. Иван қадамни қанча илдамлатмасин, таъқиб қилинаётганлар билан ўзи ўртасидаги масофа зиғирчаям камаймади. Шоир кўз очиб-юмгунча сокин Спиридоновкадан ўтиб, ўзини Никита қопқаси олдида кўрди, бу ерда энди унинг аҳволи оғирлашган эди. Бу ер шунақа гавжум эдики, Иван баъзи йўловчиларга туртиниб кетиб сўкиш ҳам эшитиб олди. Бунинг устига-устак, бадкирдорлар тўдаси бандитлар кўп қўллай-диган усулни ишлатишга — ҳар тарафга тарқаб кетишга қарор қилганди.

Регент Арбат майдони томон ўқдай учиб бораётган тирбанд автобусга сакраб чиқиб олиб, оломон ичига худди олқиндидек суқилиб кирди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Таъқиб қилинаётганлардан биттасини йўқотган Иван энди бутун диққатини мушукка қаратди: бу антиқа мушук бекатда тўхтаб турган «А» белгили моторли вагоннинг пиллапояси олдида бориб, вагонга чиқа бошлаган бир аёлни чирқиллатиб тортиб туширди-да, ўзи эшик бандини ушлаб пиллапояга чиқиб олди, шундан кейин ҳаво иссиқ бўлгани учун очиб қўйилган дераза орқали кондукторга ярим танга пул ҳам узатди.

Мушукнинг бу рафтори Иванни шунчалар хайратлангирдики, у муюлишдаги озиқ-овқат магазини олдида донг қотиб туриб қолди, лекин шу оннинг ўзида у кондукторнинг хатти-ҳаракатидан иккинчи марта, яна ҳам кучлироқ хайратга келди. Кондуктор аёл трамвайга чиқаётган мушукни кўрган ҳамоноқ жаҳл билан, бутун вужуди титраб чийиллади:

— Мушукларга рухсат йўқ! Мушуклар билан трамвайга чиқиш мумкин эмас! Пишт! Туш вагондан, бўлмаса милиция чақираман!

Бу ҳодиса, мушукнинг трамвайга чикмоқчи бўлгани у ёқда турсин, ҳатто унинг кира ҳақи тўлашга урингани ҳам на кондуктор аёлни, на пассажирларни ажаблангирганди!

Мушук нафақат кира ҳақи тўлашга қодир, шунингдек, интизомли ҳайвон ҳам бўлиб чикди. У кондуктор аёлнинг шанғиллашини эшитган ҳамоноқ ерга тушиб, бекатга чўққайиб ўтирди ва ярим тангали пул билан мўйловини силай бошлади. Лекин кондуктор аёл арқонни тортиб, трамвай жойидан жилган ҳамоноқ мушук трамвайдан ҳайдаб туширилган, аммо трамвайдан қолиб кетишга ҳеч иложи бўлмаган одамдай иш тутди. У учала вагонни ўтказиб юбориб, охиргисининг орқа ёйисига чиқиб олдию резинка ичакни чангаллаб ушлаганча сафарга жўнаб қолди, айна пайтда ярим танга пулини ҳам тежаб қолди.

Иван бу ярамас мушукка алаҳсиб, сал бўлмаса, энг муҳим жиноятчи — профессорни йўқотиб қўяёзганди. Лекин у, Иваннинг бахтига, ғойиб бўлишга улгурмаган экан. Иван унинг кулранг беретини Большая Никитскаями ё Герцен кўчасинингми бошланиш ерида ғиж-ғиж оадмлар орасида кўриб қолди. Бир зум ўтмай Иваннинг ўзи ҳам ўша ерга бориб қолди. Лекин яна омади юрмади. Шоир қадамни илдамлатди ҳам, йўловчиларни туртиб-суртиб лўкиллаб чопа бошлади ҳам, лекин барибир профессорга бир қарич ҳам яқинлаша олмади.

Иван, кўнгли нечоғлиқ ғаш бўлмасин, таъқибнинг ғайритабиий тезликда ўгаётганидан

хайратда эди. Иван Николаевич Никита қопқасида бўлгандан кейин орадан йигирма сония ҳам вақт ўтмай, дарров Арбат майдонига етиб олиб, сон-саноксиз чироклардан кўзи қамашиб кетди. Яна бир неча сония ўтди-ю, Иван Ни-колаевич ўзини йўлкалари қийшайиб кетган қоп-қоронғи бир тор кўчада кўрди — бу ерда у бирдан гурс этиб йиқилиб, тиззасини қонатволди. Яна чароғон магистраль — Кропоткин кўчаси, кейин тор кўча, ундан кейин Остоженка ва яна хилват, иркит, ғира-шира ёритилган тор кўча. Ана шу ерга келганда Иван Николаевич ўша ниҳоятда зарур бўлган одамни бутунлай кўздан қочириб қўйди. Профессор ғойиб бўлган эди.

Иван Николаевич эсанкираб қолди, лекин бу ҳол кўпга чўзилмади, чунки бирдан унинг кўнглига, профессор албатта 13-уйнинг, муқаррар 7-квартирасига кирган бўлиши керак, деган фикр келди.

Иван Николаевич шу 13-уйнинг подъездига ўкдай отилиб кириб, иккинчи қаватга учиб чиқди, дарҳол кўзлаган квартирасини топиб, бетоқатлик билан кўнғироқ тугмасини босди. Сал вақт ўтмай эшикни беш ёшлар чамасидаги бир қизалоқ очди, лекин келган амакидан ҳеч нима сўрамай, шу заҳоти орқасига ўгирилдию, қайсиям бир хонага кириб кетди.

Қора ис босган баланд шифт остида бурчакка ўрнатилган кичкинагина лампочка билан хирагина ёритилган ҳайҳотдай, мутлақо қаровсиз бу даҳлизда сиртига темир қопланган баҳайбат қути турар, деворга шиналари олинган велосипед осилган, вешалка тоқчасида ётган қалпоқнинг узун кулоғи осилиб турарди. Бу ердаги хоналардан бирида радиоаппаратдан бир эркакнинг жарангдор ва серзарда овоз билан қичкириб шеър ўқиётгани эшитиларди.

Иван Николаевич бу нотаниш вазиятда асло саросимага тушмай: «У, албатта, ваннахонага яширинган бўлиши керак», деган мулоҳаза билан тўғри йўлак томон отилди. Йўлак қоп-қоронғи эди. Иван деворга урилиб бораркан, бир эшик остидаги тирқишдан тушиб турган хирагина ёруғга кўзи тушди, пайпаслаб эшикнинг бандини топдида, уни куч билан ўзига тортди. Эшикнинг илғаги чиқиб кетиб, Иван чинданам ваннахонага кириб қолди, шунда у, омадим бор экан, деб кўнглидан ўтказди.

Бироқ омад Иван кутганчалик кулиб боқмади! Унинг димоғига нам илиқ ҳаво урилди, сўнг у колонкада милт-милт ёнаётган чўғ ёруғида бу ерда деворга осилган каттакон тоғорани ва сири кўчиб, ҳаммаёғи қора доғ бўлиб кетган ваннани кўрди. Ваннада бошдан-оёқ совун кўпигига бурканган, қўлига мочалка ушлаган яланғоч бир бир аёл турарди. У узокни кўролмайдиган кўзларини сузиб Иванга қаради, лекин бу жаҳаннамона қоронғида уни танимади шекилли, шўх оҳангда, паст овоз билан деди:

— Кирюшка! Айниманг! Нима, эсингизни едингиз-ми?.. Ҳадемай Фёдор Иванович келиб қолади. Чиқиб кетинг ҳозирок! — шундай деб у Иванга мочалка силкиди.

Турган гапки, англашилмовчилик юз берган эди, буниинг сабабчиси Иван Николаевич эди, албатта. Лекин у ўз айбига иқроп бўлишни истамади ва таъна билан: «Вой, бузуғ-э!..» дедию шу заҳоти негадир ошхонага кириб қолди. Бу ерда ҳеч зоғ йўқ эди, ўнтача примус плита устида, қоронғида гунг турарди. Йиллаб чанги артилмаган дераза ойнасидан тушган ой шуъласи чанг ва исда қолиб тамоман унутилган санам осилган бурчакни ғира-шира ёритиб турарди, санам рамкаси орқасидан бир жуфт никоҳ шамининг учи чиқиб турарди. Бу катта санам остига кичкина — қоғоз санам қадаб қўйилган эди.

Иван орқа эшикдан чиқиб кетиш олдидан битта шам билан қоғоз санамни оливолди, аммо бу рафтори билан нима мақсадни кўзлаганини ҳеч ким айта олмас эди. У алланималар деб гўлдираб бегона квартирани тарк этаркан, ҳозиргина ваннахонада ўзи шоҳид бўлган ҳодисани эслаб хижолат бўлди-ю, ўша сурбет Кирюша ким бўлдийкин, анави жирканч кулоқчин қалпоқ ўшаники эмасмикин, деб беихтиёр кўнглидан ўтказа бошлади.

Шоир ҳувиллаган, бекут тор кўчага чикқач, қочокни кидириб атрофга кўз югуртирди, аммо у ҳеч ерда кўринмасди. Шунда Иван ўзига ўзи қатъият би-лан деди:

— Турган гапки, у Москва дарёсида! Олға!

Иван Николаевичдан, нима учун сиз профессорни айнан Москва дарёсида деб ўйлаяпсиз, деб сўралса яхши бўларди, аммо ҳамма бало шунда эдики, бу саволни берадиган одамнинг ўзи йўқ эди. Манфур тор кўча хувиллаб ётарди.

Орадан хиёлгина вақт ўтар-ўтмас Иван Николаевични Москва дарёси соҳилидаги тош зинада кўриш мумкин эди.

У дарҳол кийим-бошини ечиб, йиртиқ оқ кўйлак ва титилиб кетган, ипсиз, бир жуфт ботинка олдида қўлбола папирос чекиб ўтирган, соқоли хушсурат одамга топширди. Шундан сўнг у қўлларини силкиб терини қотирди-да, сувга калла ташлади. Сув шу қадар совуқ эдики, Иваннинг дами қайтиб кетди, ҳатто энди сув бетига сузиб чиқолмасам керак, деган фикр ҳам кўнглидан лип этиб ўтди. Лекин, хайрият, сузиб чикди ва пишқириб, кўзлари қинидан чиққудек чақчайганча, хансираб нефт ҳиди келиб турган қоп-қора сув бетига соҳилдаги чироклар томон суза бошлади.

Сувнинг совуқлигидан дийдираган Иван соҳилдаги пиллапоялардан боя кийимини ечиб қолдирган соқолли одам олдида чиқа бошлади, қараса, нафақат кийимларини, шунингдек, соқолли одамнинг ўзини ҳам ўғирлаб кетишипти. Айнан ўша кийим ечилган ерда эркакларнинг йўл-йўл ички иштои, йиртиқ узун кўйлак, шам, кичкина қоғоз санам ва бир кути гугурт қолган эди. Иван мушт дўлайтириб заиф ғазаб билан кимгадир пўписа қилди-да, сўнг шу ташландик кийимни кия бошлади.

Ҳозир уни икки мулоҳаза: биринчидан, ҳамиша ўз ёнида олиб юрадиган МАССОЛИТ гувоҳномасининг ғойиб бўлгани, иккинчидан, шу аҳволда Москва кўчасидан ўтса бўлармикин деган мулоҳаза безовта қила бошлаганди. Нима бўлгандаям ички иштон-да..сирасини олганда, кимнинг нима иши бор-а... ишқилиб бирон кор-ҳол бўлиб, унга халал бермаса бўлгани.

Иван, шояд ёзлик шимга ўхшаб кўринса, деган ниятда иштон почасидаги тугмаларни узиб ташлади, кулига кичкина иконани, шам ва гугуртни олиб, йўлга гушаркан, ўзига-ўзи деди:

— Грибоедовга! Шак-шубҳасиз у ўша ерда.

Шаҳар оқшомги ҳаёт оғушида эди. Платформаларни шатакка олган юк машиналари кўча чангитиб, занжирларни шарақлатиб ўтишар, платформаларга ортилган қоплар устида қандайдир эркаклар чалқанча тушиб ётардилар. Ҳамма ерда деразалар ланг очиқ эди. Шу деразаларнинг ҳар биттасидан тўқ-сарик абажурли чироқ ёниб тургани кўринар ва ҳамма деразалар, ҳамма эшиклар, дарвозахоналару томлардан, подвалу чордоқлардан, ҳамма-ҳамма ҳовлидан «Евгений Онегин» операсида ижро этиладиган полонез бўғиқ эшитиларди.

Иван Николаевич бекорга хавотирланмаган экан: ўтган ҳам, кетган ҳам ўгирилиб уни кузатиб қоларди. Натижада у катта кўчаларни тарк этиб, жинкўчалардан юришни маъқул кўрдики, бу ёқлардаги одамларнинг унча хиралик қилмаслигига, шимга ҳеч ўхшагиси келмаётган ички иштон кийган, ялангоёқ одамни тўхтатиб, суриштирадиган киши учрамаслигига кўпроқ ишонса бўларди.

Иван ҳам шунга амал қилиб, Арбатнинг ўргимчак ини сингари ҳар томонга таралган тор кўчаларига шўнғиди ва дам ўтмай атрофга кўрқа-писа кўз қири-ни ташлаб, орқасига ўгирилиб қараб, гоҳида уйларнинг йўлакларига яшириниб, светофорлар кўйилган чорраҳалардан, элчихона биноларининг муҳташам дарвозаларидан ўзини узоқроқ олиб, деворлар ёқалаб юриб кетди.

Лекин у қаерда бўлмасин, оркестр жўрлигида Татьянага муҳаббат изҳор қилиб ария ижро этаётган салобатли йўғон овоз уни таъқиб қилиб, негадир қаттиқ изтиробга соларди.

Бешинчи боб

БУ ГРИБОЕДОВДА БЎЛГАН ЭДИ

Сарғиш рангга бўялган бу икки қаватли қадимий уй айланма хиёбон ёқасига, атрофи чўян панжара билан ўралган, дарахтлари мажмағил боғ этагига жойлашган эди. Уй олдидаги мўъжазгина майдонча асфальтланган бўлиб, қишда бу ерга қор тоғ қилиб уйилиб, тепасига курак ботириб кўйилар, ёз пайтида эса бу сахн каноп соябон остида ёзлик рестораннынг энг мухташам бўлимига айланарди.

Бу уй «Грибоедов уйи» деб аталарди, бунга сабаб, гўё бир вақтлар адибнинг, яъни Александр Сергеевич Грибоедовнинг холаси шу уй соҳибаси бўлган эмиш. Лекин чинданам шундай бўлганми, йўқми — аниқ айтолмаймиз. Аслида, Грибоедовнинг уй соҳибаси бўлган ҳеч қандай холаси йўқ эди билишимча... Лекин шунга қарамай, бу уйни шу ном билан атардилар. Шунисиям борки, агар москвалик бир ёлғончининг гапига ишонсак, бу уйнинг иккинчи қаватидаги серустун доира залда машхур ёзувчи юмшоқ диванда ястаниб ўтирган ўша холасига ўзининг «Ақллилик балоси» асаридан парча ҳам ўқиган эмиш. Лекин ким билсин, ўқиган бўлса ўқигандир ҳам, муҳими бу эмас!

Муҳими шуки, ҳозирги пайтда бу уйнинг соҳиби ўша МАССОЛИТ эдики, бахтиқаро Михаил Александрович Берлиоз Патриарх кўли бўйига боргунга қадар шу ташкилотга бошчилик қилар эди.

МАССОЛИТ аъзоларининг шарофати билан бу уйни ҳеч ким «Грибоедов» деб атамас, балки ҳамма қисқагина қилиб «Грибоедов» дерди: «Кеча мен Грибоедовда икки соат хонама-хона сандироқлаб юрдим». «Хўш, қалай?» «Ялтага бир ойлик путёвка ундирдим». «Боплабсан!» Ёки: «Берлиознинг олдида бор, бугун у тўртдан олтигача Грибоедовда қабул қилади...» ва ҳоказолар.

МАССОЛИТ Грибоедовга жуда қулай ва яхши жойлашган эди. Грибоедовга кириб келган ҳар бир одам биринчи навбатда беихтиёр ҳар хил спорт тўга-ракларининг эълонлари билан, шунингдек, иккинчи қаватга олиб чиқадиган зина деворларига осилган МАССОЛИТ аъзоларининг группа-группа ва якка-якка бўлиб тушган фотосуратлари билан танишарди.

Иккинчи қаватдаги биринчи хона эшигига йирик ҳарфлар билан «Балиқ ови ва дала ҳовли секцияси» деб ёзилган бўлиб, ёзув остига қармоққа илинган то-вонбалиқнинг расми чизилган эди.

2 рақамли хона эшигига хийла ғализ гап ёзилган эди: «Бир кунлик ижодий путёвка. М. В. Подложняга мурожаат қилинсин».

Ундан кейинги эшикдаги ёзув қисқа бўлса ҳам мутлақо тушуниб бўлмасди: «Перелигино». «Грибоедов»га тасодифан кириб қолган одам шу ёзувдан кейин адиб холасининг ёнғоқ ёғочидан ясалган эшикларига қоқилган турли-туман ёзувларни кўриб ҳанг-манг бўлиб қоларди: «Қоғоз олмоқчи бўлганларни Поклёвкина навбатга ёзади», «Касса», «Скетч ёзувчилар учун хусусий ҳақ тўланади»...

Пастда, бинога кираверишдан бошланган узундан-узун навбатда турганларни ёқалаб борган одам: «Уй-жой масаласи» деб ёзилган, одамлар тўхтовсиз кириб-чиқиб турган эшикка бориб тўхтарди.

Уй-жой масаласи кўриладиган хонадан кейин ғоят ҳашаматли плакат кўзга ташланарди, бу плакатда баланд қоя, унинг чўққисида елкасига милтиқ илиб, от чоптириб кетаётган чакмонли суворий тасвирланган эди. Ундан пастроқда — пальмалар соясидаги пешайвонда қўлига авторучка ушлаган кокилдор бир йигит жудаям ўткир кўзларини олис-олис фазога тикиб ўтирарди. Бу тасвир остига шундай сўзлар ёзилган эди: «Икки ҳафтадан (хикоя, новелла) бир йилгача (роман, трилогия) тўлақонли ижодий отпускалар берилади. Ялта, Совуқ Сув, Боровое, Цихидзири, Махипжаури, Ленинград (Қишки сарой)». Бу эшик олдида ҳам навбат-да турганлар бор эди, лекин жудаям кўп эмас, тахминан юз элликтача келарди.

Бу ердан ўтиб, Грибоедов уйининг серҳашамат муюлишларидан, пасту баланд йўлакларидан борган одам: «МАССОЛИТ Правлениеси», «Кассалар № 2, 3, 4, 5», «Редакцион коллегия», «МАССОЛИТ раиси», «Бильярдхона» деб ёзилган эшиклардан ўтар, шунингдек,

МАССОЛИТнинг турли-туман қўшимча идораларни, ниҳоят, юқорида номи зикр этилган хола буюк жиянининг комедиясини ҳузур билан тинглаган ўша серустун зални кўрарди.

«Грибоедов»га кирган ҳар бир одам, агар унда зиғирча фаҳм-фаросат бўлса, МАССОЛИТ аъзоларининг қандай бахтиёр ҳаёт кечирини бир қарашда фаҳмлаб оларди, фаҳмлардию, шу заҳоти унинг ичини ҳасад мушук бўлиб тимдаларди. Шу заҳоти у, туғилганимда нега менга ҳам ёзувчилик истеъдодини ато этмадинг, дегандек аччиқ таъна тўла кўзларини кўкка тикарди, зеро, МАССОЛИТ аъзосининг бутун Москва танийдиган, хушхид, асл нав чарм қопланган зарҳал ҳошияли жигарранг билетига муяссар бўлишни, турган гапки, ўшал ёзувчилик истеъдодисиз орзу ҳам қилиб бўлмасди.

Қани, ҳасадни ёқлаб ким бир оғиз сўз айта олади? Ҳасад энг разил ҳиссиёт тоифасидандир, лекин шунга қарамай, Грибоедовга келган меҳмоннинг аҳволига тушуниш керак. Чунки у юқори қаватда кўрган нарсалар ҳали дарёдан томчи. Уйнинг биринчи қаватини бутунича ресторан ишғол этган эди. Яна — ресторанмисан, ресторан! Виждонан гапириладиган бўлса, бутун Москвада энг яхши ресторан ҳисобланарди у. Грибоедов наинки куббали шифтларига айёорона ёлли нафармон отларнинг тасвири солинган иккита улкан залга жойлашгани билан, наинки бу ердаги ҳар бир столчага шол рўмол соявонли чироқлар ўрнатилгани билан, наинки унга кириш ҳар қандай ўткинчига насиб бўлавермагани билан, шунингдек, бу ерда тайёрланадиган овқатларнинг сифати билан ҳам Москвадаги ҳар қандай манаман деган ресторани бир чўқишда қочирарди, бунинг устига, бу ерда таомлар кишига малол келмайдиган баҳода тортиларди.

Шунга кўра Грибоедовнинг чўян панжараси ёнида мазкур китоб муаллифларининг қулоғига чалинган қуйидаги ҳаққоний суҳбатнинг ҳеч ажабланарли ери йўқ бўлса керак:

— Бугун қаерда кечлик қиласан, Амвросий?

— Қаерда бўларди, албатта шу ердада, азизим Фока! Арчибальд Арчибальдович бугун кечликка порция-порция қилиб тайёрланган анатюфель⁷ олабуға балиқлари бўлади деб шипшиди менга. Кулинг ўргилсин нарсада ўзиям!

— Яшашнинг йўлини биласан-да, Амвросий! — хўрсиниб қўйиб деди абгор кийинган, бўйнига хўппоз ошган, чўпдек ориқ Фока юзлари дўмбок, лаблари дурдоқ, сочи олтинранг, барваста комат шоир Амвросийга.

— Айтарли ҳеч қандай йўлни билмайман, — деди эътироз билан Амвросий, — фақат одамлардай яшашни хоҳлайман, холос...

— Уйдаям пиширса бўлади-ку, ўша овқатни, — деб мийиллади Фока.

— Саломатликлари керак, — деб дўриллади Амвросий, — уйда ўша анатюфель олабуға балиғини хотининг умумий ошхонада кастрюлда пиширадими? Қойил-е! Ҳи-ҳи-ҳи!.. Оревуар, Фока! — шундан кейин Амвросий кўшиқ хиргойи қилганча соябон остидаги ёзлик ресторанига йўл олди...

Етар, китобхон, мавзудан чиқиб кетдик! Қани, яна изимдан олға!

Ўша Берлиоз ҳалок бўлган куни кечқурун соат ўн яримда Грибоедовнинг юқори қаватида фақат битта хона ёритилган бўлиб, у ерда мажлисга тўпланган ўн икки нафар адабиётчи Михаил Александровичнинг келишини кутиб, зерикиб ўтирарди.

МАССОЛИТ Правлениеси хонасида стулларда, столларда, ҳатто икки дераза раҳида ўтирганлар ҳавонинг димлигидан қийналардилар. Очик деразадан қилт этган шабада кирмас эди. Москва кун бўйи асфальт сингдирган ҳароратни қайтарар, тунда ҳам ҳавонинг тафти пасаймаслиги кўриниб турарди.

Уйнинг подвалига жойлашган ошхонадан пиёз ҳиди келди, шунда хонада ўтирганларнинг томоғи қақраб, ҳаммалари тажанг бўлиб, аччиқлана бошлашди.

⁷ Анатюфель (фр.) - табиий, ҳақиқий.

Дурустгина кийинган, ювош табиат, кўзлари зийрак ва айни пайтда бежо беллетрист Бескудников ёнидан соатини чиқарди. Соат мили ўн бирга бориб қолган эди. Бескудников циферблатга чертиб қўйиб, уни шоир Двубратскийга кўрсатди, у стол чеккасида таги резина сариқ туфли кийган оёқларини ликиллатиб ўтирарди.

— Вой-бў-ў, — деб гўлдиради Двубратский.

— Йигитчамиз Клязьмада ушланиб қолган-ов, — деди дўриллаган овоз билан Настасья Лукинишна Непременова. Бу адиба москвалик бир савдогарнинг етимчаси бўлиб, «Штурман Жорж» тахаллуси билан денгиз жанги ҳақида ҳикоялар ёзарди.

— Ахир бу инсофдан эмас-да! — деб дангал гапирди таниқли скетчлар⁸ муаллифи Загринов. — Ҳозир мен ҳам, бу ерда димиқиб ўтиргандан кўра, ўз балко-нимда мазза қилиб чой ичиб ўтирган бўлардим. Ахир мажлис соат ўнга чақирилган эмасмиди?

— Ҳозир Клязьма кўп сўлим жой бўлганда, — деб ҳамкасбларини васвасага солди Штурман Жорж, чунки Клязьма бўйидаги адабиётчилар посёлкаси Перели-гинода дам олишни ҳамма ёзувчилар бирдай орзу қилишини у яхши биларди. — Ҳозир у ерда булбуллар сайёраётган бўлиши керак. Негаки, мен ҳамиша, айниқса, баҳор пайтида, шаҳар ташқарисида яхшироқ ижод қиламан.

— Мен ўша жаннатга бетоб хотинимни юбориш учун уч йилдан бери пул тўлайман, аммо ҳанузгача ҳеч нарсанинг дараги йўқ, — деди аламли ғижиниб новелланавис Иероним Поприхин.

— Бахти кулган боради у ерга, — деди тўнғиллаб дераза раҳида ўтирган танқидчи Абабков.

Штурман Жоржнинг мунчокдек кўзларида шодиёна ўт чақнади-ю, дўриллаган овозини хиёл майинлаштириб деди:

— Ҳасад қилиш керак эмас, ўртоқлар. Бор-йўғи йигирма иккита дала ҳовли бор, яна еттитаси куриляпти, биз, МАССОЛИТ аъзолари эса уч мингтаминиз..

— Уч минг бир юз ўн бир киши, — деб луқма ташлади кимдир бурчакдан.

— Аиа, кўрдингларми, — давом этди Штурман, — илож қанча? Табиийки, дала ҳовлиларни орамизда энг истеъдодли бўлганлар олган...

— Генераллар! — дангал аралашди бу ғийбатга сценарист Глухарёв.

Бескудников ясама эснаб, хонадан чиқди.

— Перелигинода бир ўзи беш хонали уйни эгаллаган, — деди унинг орқасидан Глухарёв.

— Лаврович бўлса, бир ўзи олти хонали уйда турипти, — чирқиллади Денискин. — Емакхонасининг деворлари эман ёғоч билан сирланган!

— Э, нималарни гапиряпсиз ўзи, — тўнғиллади Лбабков, — соат ўн бир ярим бўлди.

Ғала-ғовур кўтарилди, исёнга ўхшаш нарса бошланаётган эди. Ўша лаънати Перелигинога телефон қилишди, Лавровичнинг дарё бўйига кетганини эшитиб, таъблари тирриқ бўлди. Кейин таваккал қилиб, қўшимча 930 номер орқали нафис адабиёт комиссиясига қўнғироқ қилишди, турган гапки, ҳеч ким трубкани олмади.

— Ўзи қўнғироқ қилса бўларди-ку! — деб чинқиришди Денискин, Глухарёв ва Квант.

Лекин улар бекорга жиғибийрон бўлишарди: Михаил Александрович ҳеч ёққа телефон қила олмасди. Чунки яқингинада Михаил Александрович бўлган шахс энди Грибоедовдан анча узокда, минг шамлик лампалар билан ёритилган улкан бир залда, устига рух тунука қопланган учта столда бўлак-бўлак бўлиб ётарди.

Биринчи столда — қўли синган, кўкрак қафаси мажақланган, ҳаммаёғида қон қотиб қолган яланғоч жасад, иккинчи столда — олд тишлари синиб, оғзи ўпирилган, очиқ қолган нурсиз кўзлари чироқларнинг ўиткир шуъласига мутлақо парво қилмай бақрайган калла, учинчи столда эса бир тўп бўлиб ғижмалоқ ува-далар ётарди.

⁸ Скетч - кичик ҳажмдаги ҳажвий қисса.

Бошсиз жасад тепасида суд медицинаси профессори, патологоанатом билан унинг прозектори*, тергов органи вакиллари ва Михаил Александрович Берлиознинг МАССОЛИТ бўйича муовини — адабиётшунос Жеддибинлар (уни телефон орқали бемор хотини қошидан чақиртиришган эди) тўпланишган эди.

Жеддибинни олгани борган машинада тергов вакиллари ўтиришарди, уларнинг ҳаммаси биринчи навбатда мархумнинг квартирасига боришди (вақт ярим кечага яқинлашиб қолган эди), у ерда мархумнинг қоғозлари сурғучланди, шундан кейин ҳаммалари ўликхонага жўнадилар.

Мана энди улар мурда тепасида туриб, қандай қилинса маъқулроқ бўларкин: узилган бошни танага тикиб қўйсакмикин ё мархумнинг жасадини то иягигача қора мато билан ёпиб (бошинигина очиқ қолдириб), Грибоедов залига қўйсакмикин, деб маслаҳатлашишарди.

Ҳа, Михаил Александрович ҳақиқатан ҳам ҳеч қаёққа қўнғироқ қила олмас эди, бинобарин, Денискин, Глухарёву Кванту Бескудниковлар бекорга жиғибийрон бўлиб кабинетни бошларига кўтаришган эди. Бу ўн иккита адабиётчининг ҳаммаси роса ярим кечада пастга, ресторанга тушишди. Бу ерда улар яна Михаил Александровични ранж билан тилга олишди: турган гапки, пешайвондаги столларнинг ҳаммаси энди банд эди, оқибат улар ғоят мухташам, аммо ниҳоятда дим залда овқатланишга мажбур бўлишди.

Роса ярим кечада биринчи залда нимадир бирдан гумбурлаб, жаранглаб, сочилиб кетгандай бўлди. Шу заҳоти чийилдоқ эркак овози музыкага жўр бўлиб: Аллилуйя!» — деб жон-жаҳди билан чинқириб куй-лай бошлади. Довруғи кетган Грибоедов жазии иш бошлаган эди. Терлаган чехралар гўе ёришиб кетгандай, гўе шифтдаги от тасвирларига жон киргандай, чироқларнинг шуъласи кучайгандай бўлди, шунда иккала залдаги, ундан сўнг пешайвондаги хўрандаларнинг бирдан жазаваси тутиб, рақсга туша бошладилар.

Глухарёв шоира Тамара Полумесяц билан танца қила бошлади, Квант рақсга тушди, романнавис Жуколов сариқ қўйлак кийган бир кино артистка билан танцага тушди. Драгунский ҳам, Чердакчи ҳам, гумбаздай келадиган адиба Штурман Жоржни кучиб олган жиккак Денискин ҳам танца тушишди, оқ бўз шим кийган номаълум бир шахс маҳкам кучиб олган гўзал меъмор аёл Семейкина-Галл ҳам танца тушарди. «Кунда-шунда» хўрандалар ҳам, таклиф этилган меҳмонлар ҳам, москваликлару четдан келганлар ҳам рақс туша бошлашди: кронштадтлик ёзувчи Иоганн, Ғостовдан келган, бутун юзига қип-қизил темирлатки тошган қандайдир (режиссёр бўлса керак) Витя Куфтик деган шахс, МАССОЛИТда поэзия бўлимининг энг машҳур намояндалари, яъни Павианов, Богохульский, Сладкий, Шпичкин ва Адельфина Буздяклар ҳам рақс тушишарди, сочларини бокс фасони бўйича олдирган, елкаларига модага мослашиб пахта қўйдирган касби номаълум ёшлар ҳам рақс тушишарди.

Қора терга ботган официантлар бошлари узра пиво тўлдирилган кружкаларни кўтариб ўтарканлар, нафрат аралаш хирқироқ овоз билан кичқиришарди: «Узр, гражданин!» Чийилдоқ хонанда эиди куйламас, «Аллилуйя!» — деб ув тортарди. Жаздаги мис зилларнинг гумбури идиш-товокларнинг шакир-шуқурини ҳам босиб кетганди...

Шу аснода бирдан бир стол узра: «Берлиоз!» — деган садо парвоз этди. Бирдан, аллакимдан қаттиқ мушт егандек, жаз шалвираб, сўнг гунг бўлиб қолди. «Нима, нима, нима бўпти, нима?!!» «Берлиоз!!!» Одамлар ўринларидан туриб кетишди, бақириқ-чақириқлар янгради... Михаил Александрович ҳақидаги шумхабар ҳаммани оғир қайғуга солиб қўйганди. Кимдир куйиб-пишиб, хозироқ, шу ернинг ўзида коллектив номидан қандайдир телеграмма ёзиб, зудлик билан жўнатиш керак, деб чинқирарди. Лекин қанақа телеграмма, қаёққа юбориш керак, деган савол туғилади. Уни юборишдан нима фойда? Дарҳақиқат, уни қаёққа юбориш керак? Ундан кейин, телеграмма қандай мазмунда бўлмасин, мажақланган энсаси ҳозир прожекторнинг резина қўлқоп кийган қўли остида эзфилинаётган, бўйнини эса профессор игна билан тешиб тикаётган жасад учун унинг нима ҳожати бор дейсиз? У ҳалок бўлган, энди ҳеч қандай телеграмма керак эмас унга. У адоий тамом бўлди, телеграфни банд қилмайлик.

Ҳа, ҳалок бўлди у, ҳалок бўлди... Лекин бизлар тирикмиз-ку.

Ҳа оғир қайғу худди улкан тўлқин каби тошган эди, анча вақтгача кўпириб турган бу тўлқин охири пасая бошлади ва энди айримлар ўз столига — аввалига ўғринча, кейин ошкора — қайта бошлашди, арақ ичиб, газак қилишди. Дарҳақиқат, девояй усулида тайёрланган товук котлетларини қолдирса увол бўлмайдами? Хўш, нима ёрдамимиз тегади Михаил Александровичга? Оч қолганимизми? Ахир, бизлар тирикмиз-ку!

Турган гап, роялнинг қопқоғини қулфлаб қўйишди, бир нечта журналист таъзиянома ёзгани ўз редакциясига жўнаб кетди. Желдибиннинг ўликхонадан келганини хабар қилишди. У мархумнинг иккинчи қаватдаги кабинетида ўтирганмиш. Бир зумда Берлиознинг ўрнига шуни қўйишади, деган овоза тарқалди. Желдибин ўн иккита правление аъзосининг ҳаммасини ресторандан чақиртириб олди, сўнг Берлиознинг кабинетида шошилиш равишида бошланган мажлисда Грибоедовнинг устунли залини мотам маросимига ҳозирлаш, маросимнинг бошланиш пайти ва шу кўнгилисиз воқеага дахлдор бўлган бошқа зарурий масалалар ҳақида муҳокама юрита бошлашди.

Рестораннинг яна одатдаги тунги ҳаёти бошланиб кетди, бу ҳаёт то ресторан ёпилгунча, яъни тонгги соат тўртгача давом этиши мумкин эди, агар хўрандаларни Берлиознинг ҳалокати ҳақидаги хабардан ҳам кўпроқ ҳайратга солган мутлақо кутилмаган антиқа бир воқеа юз бермаганда. Биринчи бўлиб Грибоедов уйининг дарвозаси олдида йўловчиларни кутиб турган извошчилар безовта бўла бошлашди. Улардан қайси бириям ўриндикдан туриб, қичқириб юборди:

— Е тавба! Анавини қаранглар!

Шу пайт чўян панжара олдида қаёқдандир пайдо бўлган олов «милт» этиб ёниб, пешайвон томон яқинлаша бошлади. Столлар атрофида ўтирган хўрандалар ўринларидан туриб, ўша томонга тикилиб қарай бошлашди ва ўша милтиллаган олов билан бирга оппоқ бир шарпанинг ҳам ресторан томонга яқинлашаётганини кўришди. У шундоққина гул сўриси тагига келганда хўрандаларнинг бари қўлларида вилкаларга илинган стерлядь балиғи билан кўзларини бақрайтирганча ўтирган ўринларида серрайиб қолдилар. Шу маҳал папирос чекиш мақсадида ресторан гардеробхонасидан ҳовлига чиққан эшикоғаси папиросни товони билан эзғилади-ю, шарпанинг ресторанга киришига йўл қўймаслик учун у томон юра бошлади, лекин кейин, негадир, бу аҳдидан қайтиб, таққа тўхтаб қолдида, овсарона тиржайди.

Оқибат шарпа гул сўриси остидан ўтиб, бемалол ровонга қадам қўйди. Ана шундагина бу шарпанинг ҳеч қандай шарпа эмас, балки таниқли шоир Иван Николаевич Бездомний эканига ҳамма шохид бўлди.

У ялангоёк, эгнига йиртилиб дабдала бўлган оқиш ранг узун кўйлак ва йўл-йўл оқ иштон кийган эди; кўйлагининг кўксига инглиз тўғноғичи билан номаълум авлиёнинг тасвири туширилган (тасвир ҳам ўчиб кетган эди) қоғоз иконани қадаб олганди. Иван Николаевичнинг кўлида ёниқ никоҳ шами бор эди. Унинг ўнг ёноғи шилинган эди. Шу ҳодиса оқибатида ровонда вужудга келган сукунатнинг нечоғлиқ теранлигини ўлчаш мутлақо маҳол эди. Бир официантнинг кўлидаги қийшиқ ушланган кружкадан пиво жилдираб оқарди.

Шоир шамни боши узра кўтариб, баланд овоз билан деди:

— Салом, дўстлар! — шундан кейин у яқинроқда турган столнинг тагига мўралаб қарадида, қайғули оҳангда деди: — Йўқ, бу ердаям йўқ у!

Шу чоқ бир эркак ва бир аёлнинг овози эшитилди:

— Тамом бўпти. Телба бўлиб қолипти, — деди дўриллаган эркак овози раҳмсиз оҳангда.

— Бу аҳволда уни милиция қандай тутиб олмади экан кўчада? — деди қайсиям бир аёл кўрқув оҳангида.

Иван Николаевич бу гапни эшитиб, жавоб қилди:

— Ҳа, икки марта: Скатертний билан Броннаяда мени ушламоқчи бўлишди, лекин мен

девордан ошиб қочиб қолдим, мана, юзим шилиниб кетди! — Шундан кейин Иван Николаевич шамни баланд кўтарганча кичқирди: — Биродари адиблар! (Унинг ҳирқироқ овози ўткирлашган ва қизгинлашган эди.) Ҳаммангиз гапимга қулоқ солингиз! У пайдо бўлди! Дарҳол уни тутинглар, акс ҳолда кўп оғир фалокатларга сабабчи бўлади!

— Нима? Нима? Нима деди у? Ким пайдо бўлипти? — дея шов-шув кўтаришди одамлар чор ёқдан.

— Коттесультант! — жавоб қилди Иван. — Ана ўша консультант ҳозир Патриарх кўли яқинида Миша Берлиозни ўлдирди.

Шу пайт ички залдан оломон гурра ёпирилиб чиқиб, Иваннинг шами атрофида жипслана бошлади.

— Кечирасиз, аниқроқ гапирсангиз, — деган мулойим овоз оҳиста эшитилди Иван Николаевичнинг қулоғи остида. — Айтингчи, қандай ўлдирди ўзи? Ким ўлдирди?

— Ажнабий консультант, профессор ва жосус! — атрофга аланглаганча жавоб берди Иван.

— Фамилияси нима унинг? — деб Иваннинг қулоғи олдида пичирлашди.

— Ҳамма бало шунда-да! — алам билан чинкириб юборди Иван. — Кошқийди фамилиясини билсам! Унинг ташрифномасида ёзилган фамилиясини яхши кўролмай қолдим... Фақат фамилиясининг бош ҳарфи эсимда: «Ве». «В»дан бошланарди фамилияси! Қанақа фамилия «В» билан бошланиши мумкин? — Иван пешанасини чангаллаганча ўзига ўзи савол берди ва бирдан гўлдирай бошлади: — Ве, ве, ве! Ва... Во... Вашперми? Вагнерми? Вайнерми? Вегнерми? Винтермикин? — Иван пешанасини астойдил тириштирганидан бошидаги сочи у ёқ-бу ёққа силжий бошлади.

— Вульфдир? — аянчли оҳангда чийиллади бир аёл.

Иваннинг аччиғи чиқиб кетди.

— Эси паст! — деб бақирди у чийиллаган аёлни кўзи билан ахтараркан. — Вульфнинг нима дахли бор бунга? Вульфда ҳеч қандай айб йўқ! Во, во... Йўқ! Ҳеч эслолмаяпман! Гап бундай, гражданлар: ҳозир сиз милицияга телефон қилинг, профессорни тутиш учун пулемёт ўрнатилган бешта мотоциклет юборишсин. Яна шуниям айтингларки, у ёлғиз эмас: ёнида кўзига шишаси дарз кетган пенсне таққан, катак шим кийган бир найнов билан тўнғиздай семиз бир қора мушук ҳам бор. Унгача мен Грибоедовни тинтиб чиқаман... Кўнглим сезяпти, у шу ерда!

Иван қаттиқ безовталаниб, кўлидаги шамнинг мумини ўз устига сачратганча атрофидаги одамларни туртиб, столларнинг остига мўралай бошлади, Шу пайт: «Доктор!» — деган овоз эшитилдию, Иваннинг рўпарасида бир одамнинг мугуз кўзойнак таққан, соқол-мўйлови қирилган, мулойим, гўштдор юзи пайдо бўлди.

— Ўртоқ Бездомний, — тантанавор оҳангда гап бошлади шу одам, — тинчланинг! Сиз ҳаммамиз учун азиз бўлган Михаил Александровичнинг... йўқ, аниқроғи, Миша Берлиознинг ўлиmidан қаттиқ хафа бўлгансиз. Бизлар буни жуда яхши тушуниб турибмиз. Сиз дам олишингиз керак. Ҳозир ўртоқлар сизни олиб бориб ўринга ётқизишади, бир оз мизғиб, қайғуни унутасиз...

— Сен, — деб Иван тишларини иржайтирганча унинг сўзини бўлди, — профессорни зудлик билан тутиш кераклигини тушунасанми Ўзингни бемаъни маслаҳатларинг билан дўстлашасан шу топда! Овсар!

— Ўртоқ Бездомний, мени кечиринг деди бояги одам чўғдек қизариб орқасига бурилди ва бу ғалвага аралашганидан пушаймон оўлиб.

— Йўқ, ҳаммани кечирсам ҳам, сени кечирмайман, — нафрат билан оҳиста деди Иван Николаевич.

Унинг асабдан афти бужмайди, ўнг кўлидаги шамни тез чап кўлига олиб, раҳмдиллик қилган бу одамнинг қулоғи остига тарсаки туширди.

Шундан кейин ҳамма Иванга ташланди. Шам ўчди, тарсаки еган одамнинг кўзойнаги ерга тушиб, бир зумда мажакланди. Иван ҳаттоки хиёбонда юрган одамларга ҳам эшитиладиган, ҳаммани васвасага соладиган даҳшатли жанговар наъра тортиб, ўзини ҳимоя қила бошлади. Столлардан тушиб синган идишлар жа-ранги, аёлларнинг чинқиргани эшитилдию Официантлар шоирнинг қўл-оёғини сочиқлар билан боғлаётган пайтда, гардеробхонада ресторан хўжайини билан эшикоғаси ўртасида шундай гап борди.

— Унинг ички иштонда келганини кўрувдингми? — совуккина сўради хўжайин.

— Ахир, Арчибальд Арчибальдович, — дағ-дағ қалтираб жавоб қилди швейцар, — у киши МАССОЛИТ аъзоси бўлсалар, қандай киритмайман?

— Унинг ички иштонда келганини кўрувдингми, деяпман? — деб такрорлади хўжайин.

— Ахир ўзингиз ўйланг, Арчибальд Арчибальдович, — дерди лавлагидай қизарган эшикоғаси, — мен нима ҳам қила олардим? Тўғри, тушунаман, ровонда хонимлар ўтирипти...

— Хонимларнинг бунга дахли йўқ, уларга барибир, — дерди хўжайин кўзлари билан эшикоғасини еб юборгудай бўлиб, — лекин милицияга барибир эмас! Ички кийимдаги одам Москва кўчаларида фақат битта вазиятда юриши мумкин — агар уни милиция кузатиб бораётган бўлса ва фақат милиция бўлимига кузатиб бораётган бўлса! Лекин сен, агар эшикоғаси экансан, шунини билишинг керакки, бундай одамни кўрган захотинг, бир зум ҳам ўйлаб ўтирмай, хуштак чалишинг керак эди. Эшитяпсанми гапимни?

Эси оғиб қолган эшикоғаси ровон ёқда бир ниманинг гумбурлаб кетганини, идишларнинг чил-чил сингани ва аёлларнинг чинқирганини эшитди.

— Хўш, энди сени нима қилишим керак, а? — сўради хўжайин.

Эшикоғасининг ранги қув ўчиб кетди, кўзлари хиралашди... тиззалари қалтирай бошлади. Лекин энди хўжайиннинг унга раҳми келиб, кўзларидаги алангани ўчирди.

— Билиб қўй, Николай! Бу охирги марта кечиришим. Бунақа эшикоғаси ресторанимизга текинга ҳам керак эмас. Сен черковга бориб, коровулликка ёллан. — Шу танбеҳдан кейин у худди командирлардек тез ва аниқ-аниқ буйруқ бера бошлади: — Буфетдан Пантелейни чақир. Милиционерга хабар қилсин. Протокол ёзинглар. Машина чақиртир. Психиатрия шифохонасига жўнатишлар. — Сўнг илова қилди: — Чал хуштагингни!

Яна чорак соатдан кейин, наинки ресторандаги, шунингдек, бутун хиёбондаги ва деразалари ресторан боғига очиладиган уйлардаги одамлар Пантелей, эшикоғаси, милиционер, официант ҳамда шоир Рюхиннинг Грибоедов дарвозасидан худди чақалокқа ўхшатиб йўргакланган бир ёш йигитни кўтариб чиқишаётганини кўриб, ҳангу манг бўлиб қолишди: йўргакланган йигит хўнг-хўнг йиғлар, нукул Рюхинни пойлаб, афтига тупураркан, йиғидан энтика-энтика бақирарди:

— Аблах!

Юк машинасининг баджаҳл қиёфали шофёри моторни юргиза бошлади. Машина ёнида турган учар извошчи очбинафшаранг тизгин билан отининг сағрисига уриб, уни тезларкан:

— Мана чопқир от! Жиннихонага биз оборамизда! — деб қичқирарди.

Атрофда оломон юз берган ҳодиса ҳақида шанғилларди: хуллас, бу жирканч, разил, васвасага солувчи, қабих ғалва юк машинаси шўрлик Иван Николаевични, милиционерни, Пантелей ва Рюхинларни Грибоедов дарвозасидан узоқлатиб олиб кетгандан кейингина барҳам еди.

Олтинчи боб

ШИЗОФРЕНИЯ ДЕГАНЛАРИ ТЎҒРИ ЧИҚДИ

Москва яқинида, дарё бўйида кейинги пайтларда қурилиб, доврўғи кетган психиатрик

шифохонанинг қабулхонасига оқ халат кийган чўққисоқол одам кириб келганида вақт тунги соат бир ярим эди. Учта санитар диванда ўтирган Иван Николаевичдан кўз узмай шай туришарди. Қаттиқ хаяжонланган шоир Рюхин ҳам шу ерда эди. Иван Николаевичнинг оёқ-кўли боғлаб келинган сочиқлар энди шу диванда бир тўп бўлиб уюлиб ётарди.

Рюхин кирган одамни кўрди-ю ранги оқариб кетди, томоқ кириб қўйиб, кўрқа-писа деди:

— Салом, доктор.

Доктор Рюхиннинг саломига бош эгиб жавоб қилди, лекин бош эгаркан, унга эмас, Иван Николаевичга қаради.

Шоир қошларини уйиб, тумшайганча қилт этмай ўтирарди, ҳатто врач кириб келганида ҳам унга киё боқмади.

Рюхин Иван Николаевич томонга ҳадиксираб кўз қирини ташларкан, негадир худди бир сирни очаётгандай пичирлаб деди:

— Мана, доктор, бу киши — таниқли шоир Иван Бездомний... мана, бир кўриб қўйсангиз... руҳий касалликка чалинмаганмикин деб кўрқяпмиз...

— Кўп ичармиди? — гижир тишлари орасидан сўради доктор.

— Йўқ, ичарди-ю, лекин жудаям ҳалигиндақа, кўп ичмасди...

— Суварак, каламуш, шайтонваччаларни ёки мишиқи итларни тутиш билан шуғулланмасмиди?

— Йўқ, — сесканиб кетиб жавоб қилди Рюхин, — уни кечаям, бугун эрталаб ҳам кўрувдим. Соппа-соғ эди...

— Нега ички иштонда? Ётган ерида қўлга олдингларми?

— У ресторанга шу алпозда кириб борди, доктор...

— Иҳи, иҳи, — деди доктор қаноат ҳосил қилиб, — нега юзи шилинган? Биров билан уришдимми?

— Девордан йиқилиб тушипти, кейин ресторанда бир одамни урди... яна баъзи бировларни...

— Ҳа, тушунарли, тушунарли, — деди доктор, сўнг Иван томонга ўгирилиб деди: — Салом!

— Салом, зарарқунанда! — жаҳл билан баралла жавоб қилди Иван.

Рюхин жудаям қаттиқ хижолат бўлганидан мулойим табиат докторга бошини кўтариб қарашга журъат эта олмади. Лекин доктор ҳеч ҳам хафа бўлмади, чаққонлик билан кўзойнагини кўзидан оддида, халатининг этагини кўтариб, шимининг орқа чўнтагига солиб қўйди, сўнг Иванга савол берди:

— Ёшингиз нечада?

— Борларинг-э, жин урсин ҳаммаларингни! — деб дағдаға қилди Иван ва юзини тескари ўгириб олди.

— Нега аччиғингиз чиқяпти? Ахир сизни ранжитадиган гап айтмадим-ку!

— Ёшим йигирма учда, — асабийлашиб гапира бошлади Иван. — Ҳаммаларингнинг устингдан шикоят қиламан. Айниқса, сенинг устингдан, мараз! — деди у Рюхинга алоҳида юзланиб.

— Хўш, нима деб шикоят қилмоқчисиз?

— Мени, соппа-соғ одамни тугиб, жиннихонага зўрлик билан судраб келганингизни ёзаман! — ғазабланиб деди Иван.

Шунда Рюхин Иваннинг юзига тикилиб қарадию, юраги орқасига тортиб кетди: унипг кўзларида телбаликдан асар ҳам йўқ эди. Грибоедовда хира бўлиб кўринган унинг кўзлари, энди яна аввалги ҳолига қайтиб, порлаб турарди.

«Ё тавба! — деб кўнглидан ўтказди чўчиб кетган Рюхин, — ахир у соппа-соғ-ку! Бу қандай бемаънилиқ? Нимага олиб келдик ўзи уни бу ерга? Мутлақо соппа-соғ, фақат башараси шилинган, холос...».

— Сиз, — деб бамайлихотир гап бошлади врач оёғи ялтироқ оқ курсига ўтираркан, —

жиннихонада эмас, шифохонадасиз, бу ерда сизни, агар зарурат бўлмаса, ҳеч ким ушлаб турмайди.

Иван Николаевич унга шубҳа билан кўз қирини ташлади, лекин шундаям ғўлдираб деди:

— Худога шукур! Ҳайрият, битта соғ одам бор экан шунча овсарлар орасида, аммо уларнинг ичида ғирт овсари — ношуд ва укувсиз Сашка, албатта!

— Ким экан ўша ношуд Сашка? — деб сўради врач.

— Анавида, Рюхин! — жавоб қилди Иван искирт бармоғи билан Рюхинга ишора қилиб.

У ғазабдан чўғдек қизариб кетди.

«Миннатдор бўлиш ўрнига! — ўкинч билан ўйлади у, — яхшиликка ёмонлик деб шуни айтадиларда! Ғирт аблаҳ экан!».

Иван Николаевич шу топда Рюхиннинг авра-астарини ағдариб фош қилмоқчи бўлди шекилли:

— У табиатан ғирт кулоқнинг ўзгинаси, — деб гапида давом этди, — кулоқ бўлгандаям пролетар никоби билан жуда пухта никобланган кулоқ. Сиз унинг тумшайган башарасига қаранг-у, ёзган шеърлари билан муқояса қилиб кўринг! Ҳе-хе-хе... лекин сиз унинг дилига назар ташланг — нималарни хаёл қилаётганини билсангиз... хайратга келасиз! — Шундай деб туриб Иван Николаевич хунук кулиб юборди.

Чўғдек қизариб кетган Рюхин оғир нафас олар ва нукул: дўст деб бағримга босганим илон бўлиб чиқди, мен ашаддий душманамга ғамхўрлик қилган эканман, деб ўйларди. Яна энг чаток томони: уни ҳеч нима қилиб бўлмасди: ахир руҳий касал билан олиша олмайсан-ку?!

— Ўзи нима учун сизни бу ерга олиб келишди? — деб сўради врач Бездомнийнинг фош қилувчи гапини диққат билап тинглаб бўлгач.

— Э, минг лаънат бу ҳафтафаҳмларга! Тутиб олиб, аллақандай латта-путталар билан кўлоғимни боғлашди-ю, юк машинасига ортиб олиб келаверишди!

— Яна бир савол: нима учун ресторанга ички кийимда бордингиз?

— Бунинг ҳеч хайрон бўладиган ери йўқ, — жавоб қилди Иван. — Москва дарёсига чўмилгани борувдим, кийимларимни ўмариб кетишипти, ўрнига шу рўда-пони ташлаб кетишипти! Ахир Москва кўчаларидан қип-яланғоч ўтолмасдимку? Борига барака деб кийиб олдим, чунки ресторанга шошаётувдим, Грибоедовга.

Врач, тушунмадим, дегандек Рюхинга қаради, у ўшшайганча ғўлдираб тушунтирди:

— Рестораннинг номи шунақа.

— Аҳа, — деди врач, — нимага шошилгандингиз? Бирон иш юзасидан учрашувингиз бормиди?

— Консультантни қидириб юрибман, — жавоб қилди Иван Николаевич ва безовталаниб олазarak бўлди.

— Қанақа консультантни?

— Сиз Берлиозни биласизми? — сўради Иван маънодор оҳангда.

— Ҳалиги... композиторними? Иваннинг таъби тирриқ бўлди.

— Қанақа композитор? Э, ҳа, йўқ! йўқ! Композитор — Миша Берлиоз билан фамилиядош!

Рюхиннинг гапиришдан ҳафсаласи пир бўлган эди, аммо изоҳ беришига тўғри келди.

— МАССОЛИТ секретари Берлиозни бугун кечкурун Патриарх кўли яқинида трамвай босиб кетди.

— Билмаган нарсангни гапирма! — деди Иван Рюхиндан аччиғланиб, — сен эмас, мен шоҳидман бунга! У Мишани атайлаб трамвайга рўпара қилди!

— Итариб юбордим?

— Нега энди «итариб юбораркан?» — деди одамларнинг бефаросатлигидан аччиғи чиққан Иван, — унинг учун итарворишнинг ҳеч ҳожати йўқ! Унинг кўлидан шунақанги найранглар келадики, эҳтиёт бўлмасанг, ҳолинг хароб! У Берлиознинг трамвай тагига тушишини олдиндан

айтиб берган эди!

— Сиздан бошқа яна ҳеч ким кўрдими ўша консультантни?

— Ҳамма бало шунда-да, мен билан Берлиоздан бошқа ҳеч ким кўргани йўқ уни.

— Ҳм. Хўш, ўша котилни қўлга олиш учун қандай чоралар кўрдингиз? — шундай деб туриб врач бир чеккада, стол ёнида ўтирган, оқ халат кийган аёл то-монга ўтирилди. Аёл бир варақ қоғоз олиб, унинг бўш графаларини ёзув билан тўлдира бошлади.

— Мен кўрган чорами? Ошхонадан шам олиб олдим...

— Манавиними? — деб сўради врач аёл олдида столда қоғоз икона билан ёнма-ён ётган, майишиб кетган шам бўлагини кўрсатиб.

— Ҳа, шуни, кейин...

— Икона нимага керак бўлиб қолди?

— Дарвоқе, икона... — Иван қизариб кетди, — ҳаммаданам шу икона кўпроқ чўчитиб юборди уни, — Иван яна бармоғи билан Рюхинга ишора қилди. — Гап шундаки, ўша консультант, очигини айтадиган бўлсак... инс-жинслар билан топишган... уни осонликча қўлга олиб бўлмайди.

Санитарлар негадир Ивандан кўзларини узмаганча қўлларини ёнларига тушириб ғоз туришарди.

— Ҳа, шунақа, — деб гапида давом этди Иван, — жинлар билан топишган. Бу далилни асло рад қилиб бўлмайди. У Понтий Пилат билан шахсан суҳбатлашган экан. Э, бунақа ҳайрон бўлиб қараманг менга! Гапим рост! Ҳаммасини ўз кўзи билан кўрипти — ровонни ҳам, пальмаларни ҳам. Хуллас, у Понтий Пилатнинг хузурида бўлган, бунга мен кафилман.

— Хўш, хўш....

— Қисқаси, мен қоғоз иконани кўкрагимга қададим уни қувиб кетдим....

Шу пайт бирдан соат иккига жом чалди.

— Ўҳ-хў! — деб юборди Иван дивандан тураркан, — соат икки бўлиптию, мен бўлсам сизлар билан валақлашиб ўтирибман! Кечирасиз, телефон қаерда?

— Телефонга ўтказиб юборинглар, — деб буюрди врач санитарларга.

Иван бора солиб трубкани қўлига олди, бу пайт санитар аёл Рюхиндан оҳиста сўради:

— Уйланганми?

— Бўйдоқ, — кўрка-писа жавоб қилди Рюхин.

— Касабачилар уюшмаси аъзосими? -Ҳа.

— Милициями? — деб бақирди бу пайт Ивап трубкага, — милициями? Ўртоқ навбатчи, дарҳол буйруқ беринг, ажнабий консультантни тутиш учун пулемёт ўрнатилган бешта мотоциклет юборишсин. Нима? Келиб мени олиб кетинг, ўзим сизлар билан бораман... Менми? Шоир Бездомнийман, жиннихонадан гапир-япман... Манзилинглар қанақа? — пичирлаб сўради у доктордан телефон трубкасини кафти билан босиб туриб, кейин яна трубкага қичқириб гапира бошлади: — Эшитяпсизми? Алло!.. Ярамаслар! — бирдан бақириб юборди Иван ва трубкани деворга улоқтирди. Кейин у врач томонга ўтирилди-да, унга қўлини чўзиб, куруққина «хайр» дедию кетмоқчи бўлди.

— Кечирасиз, қаёққа кетмоқчисиз шу ички кийимда? — деди врач Иваннинг кўзларига тикилганча, — вақт ярим кечадан оққан бўлса... Сиз ўзингизни нохуш сезяпсиз, яхшиси, шу ерда қолиб дам олинг!

— Ўтказиб юборинг, — деди Иван эшик олдини ғов бўлиб тўсиб турган санитарларга. — Йўл берасизларми, ё йўқми? — даҳшат билан бақирди шоир.

Рюхинни титроқ босди, аёл олдидаги кнопкани босган эди, ойнаванд стол устида ялтироқ қутича билап ампула пайдо бўлди.

— Хали шунақами? — деди Иван ваҳшиёна кўзлари аланг-жаланг бўлиб, — ҳа, яхши! Хайр бўлма-са... — у парда билан тўсилган деразага калла қўйди. «Гурс» этган товуш эшитилди,

парда оркасидаги деразанинг синмайдиган ойнаси унинг калласи зарбига дош берган эди, шу замоноқ Иван санитарларнинг қўлига тушди. У жонҳолатда хириллар, санитарларпи тишламоқчи бўлар, бақирарди:

— Хали деразангизга шунақа ойна қоплаб олиб-сиз-да!.. Қўйвор! Қўйвор деяпман! Врачнинг қўлида шприц ялт этиб кетди, аёл бир ҳамлада Иваннинг увада енгини йиртдию, унинг қўлига ғайримуаннас куч билан ёпишди. Эфир хиди тарқадди. Иван тўрт кишининг қўлида ҳолсизланди, эпчил врач эса шу фурсатдаи фойдаланиб, Иваннинг қўлига укол қилди. Уни яна бир неча сония ушлаб туриб, сўнг диванга ўтқазиди.

— Бандитлар! — бақирди Иван дивандан сапчиб тураркан, лекин уни яна жойига ўтқазиб қўйишди. Шу захоти у яна «дик» сакраб турди, аммо энди ўзи қай-тиб жойига ўтирди. У жим қолди, олазарак бўлиб атрофга қаради, кейин бирдан эснади, сўнг қаҳр билан тиржайди.

— Ахири хибсга олдинглар-а, — деди у, яна эснади, кутилмаганда ёнбошлаб, бошини ёстикқа қўяркан, худди гўдак боладек юзини муштумига қўйди, сўнг кўзи уйқуга кетаркан, энди қаҳрсиз гўлдиради:

— Ха, жуда соз... хали бу қилмишингизга минг пушаймон бўласиз. Мен огоҳлантирдим, у ёғига билганингизни қилинг! Мени эса ҳозир ҳаммадан ҳам кўпроқ Понтий Пилат қизиқтиради... Пилат... — шундан кейин у кўзини юмди.

— Ваннага туширинг, юз ўн еттинчи алоҳида хонага ётқизиб, соқчи қўйинг, — деб фармойиш берди врач кўзойнагини тақаркан. Рюхин яна сесканиб кетди, оппоқ эшик товушсиз очилиб, тунги яшил чироқлар билан ёритилган коридор кўринди. Шу коридордан резина ғилдиракларга ўрнатилган аравача чиқиб келди, санитарлар жимиб қолган Иванни аравачага олиб ётқизишган эди, у яна коридор томон ғил-дираб, эшик унинг оркасидан ёпилди.

— Доктор, — деди пичирлаб ҳайратда қолган Рюхин, — демак, у чинданам бетоб эканда?

— О, албатта, — жавоб қилди врач.

— Нима бўлипти ўзи унга? — қўрқа-писа сўради Рюхин.

Чарчаган врач Рюхинга қараб қўйиб, ланжлик билан деди:

— Харакат ва нутқ аъзолари асабийлашган... алахсираш ҳолати... назаримда, мураккаб ҳол... Шизофрения бўлса керак. Бунинг устига яна ичкилик касофати...

Рюхин докторнинг бу гапидан, Иван Николаевичнинг аҳволи чатоқ, деган маънонигина англади холос, сўнг хўрсиниб қўйиб сўради:

— Нега у ҳадеб аллақандай консультантни гапириб ётипти?

— Биронта одамни учратган-у, у одам унинг бузилган хаёлотига қаттиқ таъсир кўрсатган. Ёки кўзига бирон шарпа кўринган бўлиши ҳам мумкин...

Бир неча дақиқадан кейин бояги юк машинаси Рюхиини яна Москвага олиб кетди. Тонг ёриша бошлаган эди, шу боис катта йўлдаги ҳали ўчирилмаган чи-роқлар шуъласи энди нокерак ва нохуш бўлиб туюларди. Хайдовчи бу туннинг зое кетганидан ғижиниб, машинани жонжаҳди билан учириб бораркан, муюлишларда машина ғилдираклари йўл ёқасигача сурилиб борарди.

Мана, ўрмон ҳам «ғув» этиб ўтиб, орқада қолиб кетди, дарё ҳам аллақаяқларга четлаб кетди, энди юк машинаси йўлда; устига қоровулхоналар ўрнатилган қандайдир узундан-узун деворлару саржин қилиб терилган ўтинлар, жуда дароз симёғочлару шода-шода ғалтаклар тизилган қандайдир мачталар, тоғ-тоғ уйилган шағаллару сатҳини ариқлар тарам-тарам қилиб қирққан далалар ёқалаб ўтиб борарди. Хуллас, мана, ҳозир анави муюлишдан ўтиш билан Москва бошланиши ва дарҳол машинани ўз оғушига олажаги сезила бошлаган эди.

Машина Рюхинни силкитавериб, коптокдек отавериб тинкасини курутган эди. У босиб ўтирган ғўла ҳадеб тагидан чиқиб кетишга жаҳд қиларди. Сал олдинроқ троллейбусда жўнаб кетишган милиционер билан Пантелей ташлаб кетган сочиқлар кузовнинг у бошидан-бу бошига тинимсиз сирпаниб бориб-келиб ту-рарди. Рюхин уларни йиғиштириб олмоқчи ҳам бўлди,

лекин бирдан хуноби чиқиб: «Э, падарига лаънат! Нима, мен аҳмоқманми?..» — деб тўнғилладида, уларни тепиб юбориб, у томонга бошқа қарамай кўйди.

Унинг рухи тушиб кетган эди. Рюхин бу ғурбатхонанинг ўз хотирасида машъум из қолдирганини энди аниқ ҳис эта бошлади. У ўзини изтиробга солаётган нарса нима эканлигини англашга уринарди. Дарвоқе, нима у? Хотирасига канадек ёпишиб олган яшил чироқлар билан ёритилган коридорхми? Ё дунёда эсдан айрилишдек бахтиқаролик йўқ деган фикрми? Ҳа, ҳа, шу фикр ҳам, албатта. Лекин ахир, бутун башарият шундай фикрлайди-ку. Йўқ, яна қандайдир бошқа туйғу мавжуд. Нима экан у? Ҳа-а, билди — алам. Ҳа, ҳа, Бездомнийнинг унга, юзингда кўзинг борми демай, тикка айтган аламли сўзлари. Ҳамма бало у гапнинг аламли бўлганида ҳам эмас, балки ҳаққонийлигида эди.

Шоир энди теварак-атрофга кўз ташламас, оёқ остига — дириллаб турган искирт полга тикилганча, бир нималарни ғўлдирар, ич-этини еб нола чекарди.

Дарвоқе, шеърият... У — ўттиз икки ёшда! Хўш, буёғига қандай ҳаёт кечиради? — Бундан кейин ҳам у йилига бир нечтадан шеър ёзиб туради. — То қари-гунчами? — Ҳа, то қаригунча ёзаверади. — Хўш, нимага эришади шу шеърлари билан? Шухратгами? «Ғирт бемаънилик! Ҳеч бўлмаса, ўзингни ўзинг алдамасанг-чи. Ёмон шеър ёзган шоир ҳеч қачон шухрат қозонолмайди. Нега шеърларим ёмон? Ҳақиқатни, ҳақиқатни гапирди! — дерди Рюхин ўзига ўзи шафқатсиз таъна қилиб. — Ёзганларимнинг биронтасига ҳам ишонмайман!..»

Асаб торлари ниҳоятда таранг тортилган шоир бир чайқалиб кетди, оёғи остидаги пол дириллашдан тўхтади. Рюхин бошини кўтариб, аллақачон Москвага кириб келганини, тонг отиб, осмондаги булутлар заррин рангга кира бошлаганини кўрди. У ўтирган юк машинаси хиёбонга бурилиш ерида қатор тизилган машиналар орқасига бориб тўхтаган, ундан салгина нарида постаментга ўрнатилган металл одам бошини хиёл эгиб, хиёбон томонга тикилиб турарди.

Тоби қоча бошлаган шоирнинг миясига қандайдир аломат фикрлар ёпирилиб келди. «Мана, омадлилик намунаси...» — шундай деб Рюхин ўрнидан туриб қад-дини ростлади ва негадир ҳеч кимга тегмай қимир этмай турган чўян одамга ҳамла қилиб кўлини кўтарди, — у ўз ҳаётида қандай ҳаракат қилган бўлмасин, қандай воқеаларни бошидан кечирган бўлмасин, ҳаммаси унинг учун фойда бўлган, ҳаммаси унинг шон-шухратини кўтаришга сабаб бўлган! Лекин нима иш кўрсатди ўзи у? Ҳеч ақлим бовар қилмаяпти... Хўш, бирон диққатга сазовор маъно борми бу сўзларда: «Кўл билан тиклаб бўлмас...» Тушунмайман!.. Омади бор экан, толели экан! — деб бирдан зарда билан хулоса чиқарди ва машинанинг жойидан жилганини ҳис қилди, — анави оқғвардиячи отиб, сон суягини мажақлаб ташлади-ю, уни боқий қилди-кўйди...»

Туриб қолган машиналар юра бошлашди. Бутунлай тоби қочиб, ҳатто кексайиб қолган шоир яна икки минутдан кейин Грибоедов айвонига кириб борди. Айвон бўшаб қолган эди. Бурчакда қандайдир улфатлар туришга шайланишар, зал ўртасида бошига дўппи кийган, кўлида қадах ушлаган таниш конферансье питирлаб юрарди.

Бир кучоқ сочиқ кўтариб кирган Рюхин Арчибальд Арчибальдович томонидан очиқ юз билан қарши олин-дию, шу захоти лаънати латта-путталардан озод килинди. Агар Рюхин касалхонада, сўнг юк машинасида қайтаётганида кўп азият чекмаганида эди, шифохонада бўлган воқеаларни турли уйдирма ва лофлар билан бойитиб мароқ билан ҳикоя қилган бўларди. Лекин ҳозир бу нарса унинг кўнглига сиғмас, бундан ташқари, Рюхинда кузатувчанлик қобилятидан асар ҳам йўқлигига қарамай, юк машинасида чеккан йўл азобидан кейин, ресторан хўжайинининг юзига энди биринчи марта тикилиб қаради, гарчи Арчибальд Арчибальдович Бездомнийнинг аҳволини суриштираётган, ҳатто «вой бечора-е!» — деб ачинаётгандай бўлса ҳам, аслида Бездомнийнинг тақдири уни мутлақо қизиқтирмаётгани, унга тарикча ҳам ачинмаётганини Рюхин биринчи марта аниқ ҳис қила бошлади. «Қойилман! Тўғри қиласан!» — деб ўйлади Рюхин ҳаёсизларча ва ғажиб ташлағудек адоват билан, сўнг

шизофрения ҳақида гапиришдан тўхтаб, илтимос қилди:

— Арчибальд Арчибальдович, қиттай арақ ичсам девдим...

Ресторан соҳиби сохта мурувват билан пичирлади:

— Тушундим... ҳозир... — у официантга имо қилди. Энди чорак соатдан кейин Рюхин бутун залда ёлғиз ўзи букчайиб олиб балиқ ер, дам-бадам рюмка тўлдириб арақ ичаркан, ўз ҳаётида энди ҳеч нимани ўзгартириб бўлмаслигини, фақат унутиш мумкинлигини тушунар, эътироф этарди.

Ўзгалар маишат билан машғул бўлган бир пайтда, шоирнинг бу туни ҳайф кетган, энди уни қайтариш мумкин эмаслигини у тушунарди. Тун ўгиб кетганини апглаш учун осмонга бир назар ташлашнинг ўзи кифоя эди. Официантлар шошқалоқлик билан дастурхонларни йиғиштиришарди. Айвон олдида изғиб юр-ган мушуклар аллақачон юзларини ювиб олишган эди. Шоирни аёвсиз уйқу боса бошлади.

Еттинчи боб

БЕХОСИЯТ КВАРТИРА

Агар эртаси куни эрталаб Стёпа Лиходеевга: «Стёпа! Агар ҳозирок ўрнингдан турмасанг, сени отиб ташлашади!» — деб айтишса, у мажолсиз овоз билан эшитилар-эшитилмас шундай деган бўларди: «Майли, отаверинглар, нима қилсанглар қилаверинглар, лекин турмайман».

Ўрнидан туриш уёқда турсин, кўз очишга ҳам мажולי йўқдай эди, чунки агар у кўзини очса, шу заҳоти чакмоқ чақилиб, бошини тилка-тилка қилиб мажақлаб юбораётгандай бўларди. Унинг миясида улкан бир кўнғироқ тинмай бонг чалаётгандай, кўз косалари ва қовоқлари оралиғидан ям-яшил ялтироқ гардишли жигарранг доғлар сузиб ўтаётгандай бўлар, бунинг устига-устак, кўнгли муттасил беҳузур бўлардики, бу беҳузурлик, келиб-келиб мияга хира пашшадек ўрнашиб қолган қандайдир патефон овозидан вужудга келаётгандек туюларди.

Стёпа кеча юз берган воқеанинг бирон лавҳасини эслашга уриниб кўрди, лекин фақат бир нарса эсига тушди, холос: чамаси, кеча у қаердадир қўлида салфетка билан қандайдир бир хонимни ўпишга интилиб, эртага роппа-роса туш пайтида уйингизга меҳмон бўлиб бораман, деб ваъда қилганди. Хоним: «Йўқ, йўқ, мен уйда бўламайман!» — деб рад жавоби берар, Стёпа эса ўз аҳдида қаттиқ туриб олиб: «Мен барибир боравераман!» — дерди.

Стёпа хонимнинг кимлигини ҳам, ҳозир соат неча бўлганини ҳам, бугун қайси ойнинг қайси куни эканлигини ҳам мутлақо била олмасди, энг ёмони: у ўзининг қаерда ётганини ҳам билмасди. У ҳеч бўлмаганда, ўзининг қаердалигини аниқламоқчи бўлиб, зилдай оғир чап қовоғини зўр-базўр кўтарди. Гира-ширада кўзига бир нима ялт этиб кўрингандай бўлди. Стёпа ниҳоят унинг тошойна эканлигини, ўзининг эса ўз ётоқхонасида каравотда, яъни бир вақтлар заргар бе-васиники бўлган каравотда чалқанча ётганини билди. Бирдан унинг миясида шундай қаттиқ санчиқ турдики, у кўзини юмиб инграб юборди.

Изоҳ: Варьете театрининг директори Стёпа Лиходеев Садовая кўчасида «п» шаклида тушган олти қаватли уйда марҳум Берлиоз билан бир квартирада турарди — бугун эрталаб у кўзини очиб, ўзини шу ер-да кўрди.

Шуни айтиш керакки, бу — 50-квартира ҳақида кўпдан бери, ёмон деб бўлмаса ҳам, жуда аломат гаплар юрар эди. Бундан икки йил муқаддам бу квартира заргар де Фужеренинг бевасига тегишли эди. Элликка кирган, уддабурон муҳтарама Анна Францевна де Фужере хоним бу квартирадаги беш хонадан учтасини икки оилага ижарага қўйган эди: биринчи ижарагирнинг фамилияси Беломут эди шекилли, иккинчисининг фамилияси — сақланмаган.

Шундай қилиб, бундан икки йил олдин бу квартирада жуда ғаройиб воқеалар юз бера бошлади: бу ерда яшовчи одамлар бирма-бир дом-дараксиз ғойиб бўла бошлашди.

Дам олиш кунларидан бирида бу квартирага бир милиционер келиб, иккинчи ижарагирни (унинг фамилияси сакланмаган) дахлизга чакирадида, аллақандай қоғозга имзо чекиш учун бир зумга милиция бўлимига кириб чиқишни таклиф қилади унга. Ижарагир Анна Францевнанинг садоқатли уй ходимаси Анфисага, биров телефон қилгудек бўлса, ўн минутда қайтиб келаман, деб тайинлаб, оппоқ қўлқоп кийган хушмуомала милиционер билан чиқиб кетади. Лекин у наинки ўн минутдан кейин, балки бутунлай қайтиб келмайди. Энг хайрон қоладиган томони шундаки, у билан бирга милиционер ҳам бедарак йўқолади.

Художўй, аниқроқ қилиб айтганда — жуда иримчи бўлган Анфиса таъби тирриқ бўлиб турган Анна Францевнага ўз тахминини шартта айтади-қўяди:

— Бу ғирт жодугарликнинг ўзи. Ижарагирниям, милиционерниям ким ўғирлаб кетганини мен яхши биламан, фақат ҳозир, қош қорайганда гапирсам хосияти ёмон бўлади..

Маълумки, жодугарлик бошланмасин, бир бошланса борми, ҳеч унинг кети узилмайди. Иккинчи ижарагир, эсингизда бўлса, душанба куни ғойиб бўлган эди, чоршанба куни эса Беломут ҳам; худди ер ютгандай, дом-дараксиз йўқолди-қолди, фақат бошқача вазиятда. Эрталаб, ҳар кунги одат бўйича, уни ишга олиб кетгани машина келди, уни олиб кетдию, лекин ҳеч кимни қайтариб олиб келмади, машинанинг ўзи ҳам бошқа қайтиб келмади.

Беломут хонимнинг бошига тушган қайғу ва фожиани таърифлашга тил лол. Аммо, таассуфки, қайғу ҳам, фожа ҳам узоқ чўзилмади. Анна Францевна Анфиса билан шошилинич бир иш юзасидан дала ҳовлисига бориб, қайтиб келган куни тундаёқ граждanka Беломут квартирадан ғойиб бўлди. Бу ҳали ҳаммаси эмас: эр-хотин Беломутлар эгаллаган иккита хонанинг эшиклари муҳрланган эди.

Икки кунни бир амаллаб ўтказишди. Шу ўтган вақт ичида ҳамиша уйқусизликдан изтироб чеккан Анна Францевна, учинчи кун деганда шошилинич равишда яна дала ҳовлисига жўнаб кетди... Унинг шу кетганча бошқа қайтиб келмаганини айтмаса ҳам бўлар!

Бутун квартирада ёлғиз ўзи қолган, йиғлайвериб хун бўлиб кетган Анфиса кечаси соат иккиларда уйкуга ётди. Шундан кейини унга нима бўлгани бизга мавҳум, лекин бошқа квартираларда турувчи одамларнинг гапига қараганда, 50-квартирада кечаси билан қандайдир тарақ-туруқ овозлар эшитилганмиш, то тонг отгунча унинг деразаларида электр чироқлари ўчмаганмиш. Эрталаб эса Анфисанинг ҳам ғойиб бўлгани маълум бўлипти!

Ғойиб бўлган одамлар ва қарғиш теккан квартира ҳақида анча вақтгача ҳар хил бўлмағур миш-мишлар тарқалиб юрди, масалан, ўша жиккаккина художўй Анфиса гўё ўзининг тахтакачсимон кўксига чарм халтачада Анна Францевнага тегишли йигирма беш дона йирик-йирик дур олиб юрганмиш. Гўё Анна Францевна серкатнов бўлиб қолган ўша дала ҳовлидаги ўтинхонада ҳам ўша дурлар қабилдаги қандайдир беҳисоб жавоҳирот, шунингдек, подшо замонидан қолган олтин тангалару... яна шу сингари бошқа бойликлар ўз-ўзидан топилганмиш. Лекин кўрмаган нарсамизга қафолат беролмаймиз.

Ҳарна бўлгандаям, бу квартира атиги бир ҳафтагина муҳрланиб бўш қолди, кейин унга марҳум Берлиоз ўз хотини билан ва шу Стёпа (у ҳам хотини билан) кўчиб киришган эди. Турган гапки, бу машъум квартирага кўчиб киришлари билан уларнинг ҳам бошига ғайритабиий савдолар туша бошлади. Яъни бир ой ичида иккала хотин ҳам ғойиб бўлди. Лекин энди булар дом-дараксиз йўқолишмаганди. Берлиознинг хотинини гўё Харьковда қандайдир бир балетмейстер билан кўриш-ганмиш. Стёпанинг хотинини эса гўё Божедомкада кўришганмиш, негаки, миш-мишларга қараганда Варьете директори Стёпа ўзининг беҳисоб таниш-билишлари орқали иш қилиб, Садовая кўчасида қорангни кўрмасам бўлгани, деган шарт билан хотинига бир хона тўғрилабди.

Шундай қилиб, Стёпа ингради. У уй ходимаси Груняни чакириб, ундан пирамидон сўрамоқчи бўлди, лекин бу иши ғирт бемаънилик бўлишига, хайрият, ақли етди... Чунки Груняда ҳеч қандай пирамидон йўқ эди, албатта. Кейин Берлиозни ёрдамга чақирмоқчи бўлиб

кўрди, икки марта зўрға: «Миша... Миша...» — деб ингради, лекин, ўзингиз яхши тушуиасиз, ҳеч қандай жавоб бўлмади. Квартира сув куйгандек жим-жит эди.

Стёпа оёқ бармоқларини қимирлатиб кўриб, пайпоғини ечмай ётганлигини билди, у эгнида кийими бор ё йўқлигини аниқлаш учун титроқ кўлини ёнбошига юборди, лекин ҳеч нимани аниқлай олмади.

Нихоят, у ўзининг ёлғиз ва қаровсиз эканлигини, ҳеч ким унга ёрдам қилмаслигини билгач, қанчалик қийналиб бўлса ҳам, ўрнидан туришга аҳд қилди.

Стёпа ёпишиб қолган қовокдарини зўр-базўр очиб, тошойнада сочлари ҳар томонга тарвақайлаган, ҳаммаёғини тук босиб кетган, башараси шишиб, кўзлари юмилиб қолган, эгнида искирт кўйлак, ички иштон, бўйнида галстук, оёғида пайпоқ бўлган бир одамнинг аксини кўрди.

У ўзини тошойнада шундай қиёфада кўрган эди, кўзгу ёнида эса эгнига қора либос, бошига қора берет кийган нотаниш бир одам турарди.

Стёпа ўрнидан туриб ўтирди ва қон қуйилган кўзларини имкони борича каттароқ очиб нотаниш одамга тикилди.

Шу нотаниш одам ажнабийларга хос талаффуз билан бўғиқ ва вазмин овозда сукутни бузди:

— Салом, дунёда энг ёқимтой инсон Степан Богданович!

Стёпа бутун кучини ишга солиб, бир оз сукутдан сўнг зўрға:

— Нима истайсиз мендан? — деб гап бошлаган эди, ўз овозини таний олмай ҳанг-манг бўлиб қолди. «Нима» сўзи чийиллаб, «истайсиз» сўзи — дўриллаб чикди, «мендан» сўзи эса ичида қолиб кетди.

Бегона одам дўстона жилмайиб кўйиб, қопқоғида уч бурчак шаклли олмоси бўлган каттакон олтин соатини кўлига олди, соат ўн бир марта занг чадди.

— Соат ўн бир! — деди у. — Роса бир соатдан бери уйғонишингизни кутиб турибман, зеро, сиз мени уйингизда соат ўнда кутмоқчи эдингиз. Мана келдим!

Стёпа кўли билан пайпаслаб, каравот ёнида турган стулдан шимини топди ва:

— Афв этасиз... — деб пичирлаб шимни кийволди, сўнг ҳирқироқ овоз билан сўради: — Илтимос, фамилиянгизни айтсангиз!

У гапиришга қийналарди. Ҳар битта сўзни айтганида кимдир унинг миясига игна санчиб, уни жаҳаннам азобига солаётгандай бўларди:

— Ие! Ҳали фамилиямниям унутиб кўйдингизми? — деб бегона одам жилмайди.

— Кечирасиз... — деб хириллади қарахтликнинг янги аломатлари вужудга келаётганини ҳис қила бошлаган Стёпа; унинг назарида, оёғи остидаги пол бирдан ғойиб бўлгандай ва шу топдаёқ жаҳаннам қаърига муккаси билан шўнғиб кетадигандек бўлиб туюлди.

— Азизим Степан Богданович, — деб гап бошлади сезгир меҳмон жилмайиб, — ҳеч қанақа пирамидон наф бермайди сизга. Сиз кўҳна таомилга амал қилинг, яъни аччиқни аччиқ кесади қабилида иш кўринг. Ҳозир сизни хушингизга келтирадиган ягона даво икки қултум арақ билан аччиқ ва қайноқ газак.

Стёпа айёр одам эди, шу боис, оғир бетоб бўлишига қарамай, баски аҳволимга шохид бўлишган экан, ҳаммасини тан олишим керак, деб мулоҳаза қилди.

— Очиғи, — деди у зўрға тили айланиб, — кеча мен қиттай...

— Бўлди, бўлди, ҳаммаси тушунарли! — деди меҳмон ва ўзи ўтирган кресло билан бирга бир четга сурилди.

Шунда Стёпа кичкинагина столчада ясатиғлиқ патнисни кўриб бақрайиб қолди: патнисда кесилган оқ нон, ликопчада қора икра, тарелкада кўзиқорин очори, яна кастрюлчадаям бир нима бор эди, бундан ташқари, заргар бевасининг қориндор графинида арақ кўйилган эди. Ҳаммадан ҳам графиннинг совукдан терлаганлиги Стёпани кўпроқ таажжубда қолдирди. Лекин бунинг сабаби маълум эди: графин муз тўлдирилган чинни тоғорачага ўрнатилган эди. Қисқаси,

дастурхон бадастир, озода қилиб тузалган эди.

Бегона одам Стёпа хайратининг авж олиб, энг юқори пардага чиқишига имкон бермай, эпчиллик билан унга ярим қадах арақ қуйди.

— Ўзингиз-чи? — деб чийиллади Стёпа.

— Бажону дил!!

Стёпа қалтироқ қўли билан қадахни оғзига олиб борди, меҳмон эса ўз қадахидаги арақни бир култум қилиб ютиб юборди. Стёпа икра кавшаб, газак қиларкан, кийналиб зўрға деди:

— Сиз-чи?.. Газакдан?

— Миннатдорман, мен ҳеч қачон газак қилмайман, — деди бегона одам ва қадахларга яна арақ қуйди. Кастрюлнинг қопқоғини очишди — унда томатга солинган сосиска бор эди.

Мана, охири Стёпанинг кўз олдини тўсган лаънати яшил ранг ғойиб бўлиб, тили калимага кела бошлади, энг муҳими, баъзи бир нарсалар унинг эсига тушди. Дарҳақиқат, воқеа кун кеча Сходняда, скетчнавис Хустовнинг дала ҳовлисида бўлган эди. Стёпани у ерга ўша Хустовнинг ўзи таксида олиб борган эди. Ҳатто ўша таксини «Метрополь» олдида қандай ёллашгани ҳам эсига тушди, улар билан бирга яна қандайдир бир актёр ҳам бормидией... патефон кўтариб олган. Ҳа, ҳа, тўғри, дала ҳовлида бўлган эди бу! Яна эсида, патефон овозига жўр бўлиб итлар ув тортишганди. Лекин Стёпа ўпмоқчи бўлган хоним мавҳумлигича қолди... Тавба, ким бўлдийкин-а... радиода ишлайди шекилли, эҳтимол ундаймасдир.

Шу тариқа кечаги кун оз-оздан ойдинлаша бошлади, лекин ҳозир Стёпани кўпроқ бугунги кун, хусусан, бу нотаниш одамнинг қандай қилиб у ётган хонага кириб қолгани, яна арақ билан газакнинг қаердан келгани қизиқтираётган эди. Ана шу масалани аниқлаб олса ёмон бўлмасди-да!

— Хўш, қалай, энди эслаган бўлсангиз керак фамилиямни?

Лекин Стёпа хижолат бўлиб тиржайди ва қўлларини ёйди.

— Афсус! Сезиб турибман, сиз арақдан кейин портвейн ичибсиз! Ахир бу яхши эмас-ку, тақсирим!

— Илтимос қиламан сиздан, шу гап ўртамизда қолса... — деди хушомад билан Стёпа.

— О, албатта, албатта! Лекин турган гапки, Хустов учун кафолат бера олмайман.

— Ие, сиз Хустовни танийсизми?

— Кеча сизнинг кабинетингизда кўзим тушган эди ўша нусхага. Унинг мараз, фитначи, мунофиқ ва лаганбардор эканлигини тушуниш учун бир марта унга кўз қирини ташлашнинг ўзи кифоя.

«Жуда тўғри гапирди!» — деб кўнглидан ўтказди Стёпа, Хустовга берилган бундай тўғри, аниқ ва лўнда таърифдан хайратга келиб.

Ҳа, кечаги кун бўлак-бўлак хотиралардан тикланаётган эди, лекин шунда ҳам Варьете директори ҳамон безовта эди. Негаки, мана шу кечаги кун хотираларида улкан қора ўра мавжуд эди. Яъни мана шу берет кийган нотаниш одамни, нима деб ўйласангиз ҳам, Стёпа кеча ўз кабинетида мутлақо кўрмаган эди.

Стёпанинг мушкул аҳволга тушиб қолгаини кўрган меҳмон жиддий тарзда:

— Сеҳргарлик профессори Воланд, — деб ўзини танитди ва юз берган воқеани бир бошдан ҳикоя қилиб берди.

Унинг гапига қараганда, у Москвага чет элдан кеча кундузи келган, келган захоти Стёпанинг ҳузурига бориб, Варьете театрида гастроль беришни таклиф қилган. Стёпа Москва областининг томошахоналар бўйича комиссиясига телефон қилиб, бу масалани келишиб олган (Стёпанинг кути учиб, кўзлари пириллай бошлади), профессор Воланд билан етти кунлик томошага тузилган шартномага имзо чеккан (Стёпанинг оғзи ланг очилиб қолди), томошанинг айрим тафси-лотларини келишиб олиш учун Воландни бугун эрталаб соат ўнга уйига таклиф қилган... Мана, Воланд унинг ҳузурарида!

У келиб уй ходимаси Груняни учратипти, ходима ўзининг кунда қатнаб ишлашини, ҳозиргина келиб турганини, Берлиознинг уйда йўқдигини айтиб, агар сиз, меҳмон, Степан Богдановични кўрмоқчи бўлсангиз, тўғри ётоқхонасига кираверинг, негаки Степан Богдановичнинг уйкуси жуда каттик, уни уйғотишга қурбим етмайди, деб айтипти. Артист Степан Богдановичнинг қандай аҳволда ётганини кўрибди-ю, дарҳол Груняни шу ўртадаги гастронотдан арақ билан газак, аптекадан муз олиб келишга юборибди, энди мана...

— Унда ҳисоб-китоб қилайлик, — деб ғингшиди кайфияти бузилган Стёпа ва ҳамёнини ахтара бошлади.

— Бе, қўйсангиз-чи! — деди гастролёр бу тўғрида эшитишни ҳам истамай.

Демак, арақ билан газак тушунарли, лекин барибир Стёпа аянчли аҳволда эди: у шартнома тўғрисида мутлақо ҳеч нима эслай олмас, бу Воланд деганини кеча зинҳор-базинҳор кўрмаган эди. Тўғри, Хустов борган эди ҳузурига, лекин Воланд йўқ эди.

— Ижозатингиз билан шартномани бир кўрсам, — оҳиста илтимос қилди Стёпа.

— Марҳамат, бемалол...

Стёпа қоғозга қаради-ю, тарашадек қотиб қолди. Ҳаммаси тўғри эди. Биринчидаи, Стёпанинг ўз қўли билан қўйган жимжимадор имзоси! Хужжатнинг ён томонига молия директори Римскийнинг, артист Воландга бўлғуси етти томошаси учун бериладиган ўттиз беш минг сўм юзасидан ўн минг сўм аванс берилсин, деб ётиқ ҳарфлар билан ёзган дастхати. Бунинг устига устак: шу ерда Воланднинг ўша ўн минг сўмни олгани ҳақида тилхати бор эди!

«Нималар бўляпти ўзи?! — деб ўйлади бечора Стёпа, унинг боши айланиб кетди. Хотирасида даҳшатли ўпирилишлар пайдо бўлаётган эди! Лекин турган гапки, шартнома кўрсатилгандан кейин яна таажжубланиш одобдан бўлмасди. Стёпа меҳмонни бир дақиқага ёлғиз қолдирмоқчи бўлгани ҳақида узр сўради-ю, телефон қилгани пайпоқчан даҳлизга югуриб чиқиб кетди. Йўлакай у ошхона томонга қараб

— Груня! — деб чақирди.

Лекин ҳеч қандай жавоб бўлмади. Шунда у Берлиознинг даҳлиз ёнидаги кабинетни эшигига кўзи тушди, кўрдию донг қотиб қолди. Эшикнинг тутқичига боғланган канопада каттакон сурғуч муҳр осилган эди. «Апа холос! — деб бақирворди Стёпанинг миясида ўтирган кимдир. — Бир ками энди шу эди!» Шунда ҳаёл Стёпани аллақажарга, аммо оқибати ҳалокат билан яқунланувчи бир томонга йўналган икки из устидан ғизиллатиб олиб кетди. Унинг миясидаги ўйлар шу қадар омихта бўлиб кетган эдики, ҳатто буни тасвирлаш ҳам маҳол. Қора берет, муздек арақ ва ақл бовар қилмайдиган шартномага даҳлдор ишқалликлар етмагандай, эшикнинг муҳрлангани ортиқча! Яъни Берлиоз бирон айб қилиб қўйганга ўхшайди деб гапирсангиз, ҳеч ким ишонмайди, азбаройи худо, ҳеч ким ишонмайди! Лекин ана, эшиги муҳрланган! Тавба...

Лксига юриб, Стспанинг миясида шу топда журналда чоп қилдириш учун яқинда Михаил Александрович унга тутқазган ўз мақоласи ҳақида энг нохуш фикрлар ғужғон ўйнай бошлади. Мақола ҳам, очиғи, бемаъни эди! Ундан фойда ҳам йўқ эди, пули ҳам — арзимаган пул эди...

Мақола ҳақидаги ўйлари кетидан изма-из унинг Михаил Александрович билан қилган илмоқли суҳбати эсига тушди (агар янглишмаса, бу йигирма тўртинчи апрель кечқурун шу ерда, емакхонада бўлган эди). Тўғри, ўша суҳбатни том маънода илмоқли, шубҳали деб бўлмасди албатта (Стёпа унақа суҳбатга асло ара-лашмаган бўларди), лекин кераксиз бир мавзудаги суҳбат эди. Бу суҳбатни кўзғамаса ҳам ҳеч нима бўлмасди, граждандар. Шак-шубҳасиз, агар эшик муҳрланмаганида, у суҳбатни мутлақо тутуриқсиз нарса деб ҳисоблаш мумкин эди, лекин муҳрлангандан кейин қандоқ бўларкин...

«Э, Берлиоз, Берлиоз! — деб кўнглидан ўтказди хуноби чиқа бошлаган Стёпа. — Ахир бу ҳеч ақлга сиғмайди-ку!»

Лекин узоқ вақт қайғуришга имкон бўлмади, Стёпа Варьетенинг молия директори Римскийнинг кабинетига кўнғироқ қилди. Стёпа жуда қалтис аҳволга тушиб қолган эди:

авваламбор Стёпанинг, шартномани ўз кўзи билан кўрганидан кейин ҳам ишонмай текшира бошлаганидан ажнабий артист ранжиши мумкин эди, ундан кейин, молия директори билан ҳам бу ҳақда гап бошлаш ниҳоятда мушкул эди. Дарҳақиқат, ахир ундан: «Айтинг-чи, кеча мен сеҳргарлик профессори билан ўттиз беш минг сўмга шартнома тузганмидим?» — деб сўрай олмасди-ку! Қандай тили борсин бундай деб сўрашга?

— Ҳа! — телефон трубкасида Римскийнинг дағал ва хунук овози эшитилди.

— Салом, Григорий Данилович, — оҳиста гап бошлади Стёпа, — Лиходеевман. Гап бундай... хм... хм... ҳалиги... э... артист Воланд келувди уйимга... Ҳалиги... сиздан сўрамоқчийдим, бугун кечқурунги спектакль масаласи қандай аҳволда?..

— Ҳа-а, сеҳргарми? — Римскийнинг овози эшитилди трубкада. — Афишаларни ҳозир олиб келишади.

— Аҳа, — заиф овоз билан деди Стёпа, — хўп, кўришгунча...

— Ўзингиз қачон келасиз? — сўради Римский.

— Ярим соатда бораман, — жавоб қилди Стёпа ва трубкани илиб қўйиб, чўғдек қизиган бошини икки қўли билан сиқди. Вой, қандай кўнгилсизлик юз бераёзган экан-а! Хотирамга нима бўлди ўзи, граждандлар? А?

Бироқ даҳлизда ортиқ туриб қолиш ноқулай эди, шу боис Стёпа дарҳол бундай режа тузди: қандай қилиб бўлмасин, ўзининг фаромушхотирлигини меҳмонга сездирмаслиги керак, ҳозир эса биринчи навбатда, ажнабий профессордан, бугун кечқурун Стёпанинг қўл остидаги Варьете театрида, хусусан, нималарни намойиш қилмоқчи эканлигини усталик билан суриштириб билиб олиши керак.

Шундай режа билан Стёпа телефон аппаратидан ўгрилди, ўгрилди-ю шу даҳлизда турган, ишёқмас Груня кўпдан чангини артмаган катта кўзгуда кўзига пепсне такқан, бўйи теракдай келадиган антиқа бир нусхани аниқ кўрди (о, қанийди ҳозир бу ерда Иван Николаевич бўлса! У бир қарашда таниган бўларди бу нусхани!). Нусха эса кўзгуда бир кўриндию ғойиб бўлди. Чўчиб кетгаи Стёпа даҳлизга янаям тикилиброқ қаради ва ҳаяжондан иккинчи марта гандираклаб кет-ди, чунки кўзгуда каттакон қора мушук юриб ўтиб, ғойиб бўлган эди.

Стёпанинг юраги орқасига тортиб, гандираклаб кетди.

«Нималар бўляпти ўзи? — ўйлади у. — Эсимдан оғяпман чоғи? Қаёқдан пайдо бўлди ўзи кўзгудаги акслар?!» — У даҳлизга кўз югуртириб чиқди ва кўрқиб кетиб бақириб юборди:

— Груня! Қанақа мушук санғиб юрипти бу ерда? Қаёқдан келиб қолди? У билан бирга яна аллаким ҳам юриптими?

— Асло безовта бўлманг, Степан Богданович, — деган овоз эшитидди, лекин бу Грунянинг эмас, балки етоқхонада ўтирган меҳмоннинг овози эди, — у менинг мушугим. Ҳеч азият чекманг. Груня уйда йўқ, мен уни ватани Воронежга жўнатиб юбордим, негаки, шикоят қилишича, кўпдан бери унга отпуск бермаган экансиз.

Бу сўзлар шу қадар тасодифий ва тутуриксиз эдики, Стёпа, янглиш эшитдим, деб фараз қилди. У тамомила эсанкираган ҳолда ётоқхона томон югурди-ю, хона эшигида донг қолиб қолди. Сочлари ғимирлаб гиккая бошлади, пешонасида майда-майда тер томчилари пайдо бўлди.

Қай кўз билан кўрсинки, хонада меҳмон ёлғиз эмас, балки улфатлари ҳам бор эди. Иккинчи креслода, ҳозиргина даҳлизда «лип» этиб кўзига кўринган ўша нусха ўтирарди. Энди у аниқ кўзга ташланарди: мўйлови патсимон, пенсененинг бир кўзидаги шиша ялтилар, иккинчи кўзида шиша йўқ эди. Бу ҳам ҳали баҳарнав: заргар бевасининг юмшоқ курсисидан учинчи бир жонзод, яъни — бир панжасига арақ тўлдирилган қадах, иккинчи панжасига зираворли кўзиқорин илинган санчки ушлаган баҳайбат гавдали бир қора мушук бетакаллуф ялпайиб ўтирарди.

Бу хонадаги шундоқ ҳам хира ёнадиган чироқ Стёпанинг кўзи олдида сўна бошлади. «Одам

мана шунақа жинни бўларкан-да!» — деб ўйлади у эшик ке-сакисидан ушлаб.

— Назаримда, сал ҳайрон бўлганга ўхшайсизми, азизим Степан Богданович? — деб сўради Воланд тишлари тинмай такиллаётган Стёпадан. — Ҳолбуки, бунинг ҳеч ажабланадиган ери йўқ. Булар менинг мулозимларим.

Бу пайт мушук арақни ичиб юборди, Стёпанинг кесаки ушлаган қўли сирпаниб туша бошлади.

— Хуллас, мулозимларимга жой керак, — деб гапида давом этди Воланд, — бинобарин, ичимизда кимдир бу квартирада ортиқча. Менинг фикримча, ўша ортиқча одам — айнан сизсиз!

— Шулар, шулар! — деди такага ўхшаб маъраб катак шимли дароз одам Стёпа ҳақида кўплик сонда гапираркан. — Умуман, улар кейинги пайтда кўп ифлослик қила бошладилар. Ичкиликбозлик, хотинбозлик билан шуғулланыптилар, ўз мавқеларидан фойдаланиб ишларига қўл урмай кўйдилар, тўғриси, қўлларидан ҳеч қанақа иш келмайди ўзи, чунки зиммаларига юкланган ишга тарикча ҳам тушунмайдилар. Раҳбарларни лақиллатиб келмоқдалар!

— Давлат машинасини бекордаи-бекорга зир югуртиради! — деди кўзикорин кавшаб ўтирган мушук ҳам чакмачақарлик қилиб.

Шунда квартирада тўртинчи ва охирги мўъжиза содир бўлди-ю, сирғалиб тушиб ерга ўтириб қолган Стёпа жонсиз қўли билан кесакини тимдалай бошлади.

Котелок шляпа кийган, сўйлоқ тишлари оғзидан чиқиб, шундоқ ҳам ўта жиркапч башарасини баттар бадбашара қилиб юборган, пак-пакана бўлишига қарамай, елкалари ниҳоятда кенг, сочи рангидаги бир малла махлуқ тўғри тошойна кўзгусидан чиқиб келди.

— Мен, — деб гапга аралашди бу малла, — бунинг қандай қилиб директор бўлиб қолганига ҳеч тушунолмаяман, — у гапирган сари кўпроқ манқаланарди, — мен қандай архиерей бўлсам, у ҳам шундай директор!

— Сен архиерейга ўхшамайсан, Азазелло, — деди мушук тарелкасига сосиска олиб соларкан.

— Менам шуни айтяпман-да, — деди малла пинғиллаб ва Воланд томонга ўгирилиб эҳтиром билан илова қилди: — Рухсат этинг, мессир, уни Москвадан бирон олис хилватгоҳга улоқтириб юборай?

Мушук тукларини хурпайтириб:

— Пишт! — деб бақирди.

Шунда ётоқхона Стёпа атрофида гир-гир айлана бошлади-ю, у боши билан кесакига урилди ва хушидан кетаркан: «Ўляпман...» — деб кўнглидан ўтказди.

Лекин у ўлгани йўқ. Кўзини хиёлгина очиб, ўзини тошга ўхшаш қандайдир бир нарса устида кўрди. Унинг атрофида нимадир шовулларди. Кейин у кўзларини катта очиб, шовуллаётган денгизни кўрди, шовуллағандаям тўлқинлар шундоққина унинг оёғи остига келиб чил-чил уриларди, қисқаси, у тўлқин қайтаргичнинг энг четида ўтирар, пойида денгиз мавжланар, орқасида эса дўнгликда гўзал шаҳар қад кўтарган эди.

Бундай ҳолларда ўзини қандай тугишни билмаган Стёпа оёқлари дағ-дағ қалтираб тўлқин қайтаргич бўйлаб қирғоқ томон йўл олди.

Йўлида бир одам турарди, у папирос чекар ва дам-бадам денгизга тупурарди. У одам Стёпага ўқрайиб қараб, тупуришдан тўхтади. Шунда Стёпа қовун туширди: шу нотаниш кашанда қаршисида тиз чўкиб, бундай деди:

— Ёлбориб сўрайман сиздан: бу қайси шаҳар ўзи?

— Қойил-е! — деди бешафқат кашанда.

— Мен маст эмасман, — деди ҳирқироқ овоз билан Стёпа. — Мен бетобман, менга бир нима бўлди, касал бўлиб қолдим... Қаердаман? Бу қайси шаҳар?..

— Ялта-ку...

Стёпа оҳиста хўрсинди, ёнбошига қулаб тушди-ю, боши офтобда қизиган тошга урилди.

Саккизинчи боб

ПРОФЕССОР БИЛАН ШОИР ЎРТАСИДА ДАҲАНАКИ ЖАНГ

Стёпа Ялтада ҳушидан кетган пайтда, яъни соат ўн бир яримларда, узоқ давом этган қаттиқ уйқудан уйғонган Иван Николаевич Бездомний ахйри ҳушига келди. У анчагача, деворлари оппоқ, аллақандай ялтироқ металлдан ясалган ажойиб тунги столи бор, деразасига оқ дарпарда осилган (дарпарда ортида куёш порлаб тургани сезиларди) бу нотаниш хонага қандай қилиб келиб қолганини ўйлаб ётди.

Иван бошини бир силкитиб, энди оғримаётганлигини ҳис қилди-ю, шу заҳоти шифохонада ётганлигини эслади. Эсладию, кетма-кет эсига Берлиознинг ўлими тушди, лекин бу хотира энди уни кечагичалик қаттиқ изтиробга солмади. Мириқиб ухлаган Иван Николаевич энди ўзини анча босиб олган, мулоҳазалари ҳам равонлашган эди. У чиннидай тоза, юмшоқ ва оромбахш пружинали каравотда анча вақтгача қимир этмай ётди, шунда кўзи ёнбошидаги қўнғироқ тугмасига тушди. Керак бўлса-бўлмаса, ҳар нарсага қўл ураверадиган қитмир Иван тугмани босди. У бирон ниманинг чалинишини ёки бирон кишининг кириб келишини кутган эди, лекин бутунлай бошқача ҳол юз берди. Иван ётган каравотнинг оёқ томонида сирланган цилиндр чироқ ёниб, унда: «Сув» деган ёзув пайдо бўлди. Бир оздан кейин цилиндр айлана бошлади ва охири унда: «Няня» деган ёзув пайдо бўлди. Турган гапки, бу антиқа цилиндр Иваннинг оғзини очириб қўйди. Кейин «Няня» ёзуви «Докторни чақиринг» деган ёзув билан алмашди.

— Ҳм... — деб қўйди Иван, энди буёғига нима қилишини билолмай. Лекин шу чоқ тасодифан иши ўнгидан келиб қолди: «Фельдшер аёл» деган сўз чиқиши билан у тугмани иккинчи марта босди. Цилиндр оҳиста жингиллаб, айланишдан тўхтади, чироғи ўчди ва хонага топ-тоза оқ халат кийган, миққидаккина, истараси иссиқ бир аёл кирди.

— Хайрли кун! — деб саломлашди у Иван билан. Иван жавоб қайтармади, чунки ҳозирги вазиятда бундай саломлашишни ўринсиз деб топди. Ростда ахир, соппа-соғ одамни шифохонага тиқиб қўйишса, яна бунинг устига, ўзларини гўё савоб иш қилгандай тутишса — бунинг нимаси хайрли?

Бу аснода аёл чехрасидаги мулойим жилвани сақлаган ҳолда, бир тугмани босиб, дераза пардасини юқорига чиқариб юборди. Шунда то полгача тушиб борган жимжимадор, енгил панжара орқали хонага куёш нури ёғилди. Панжара ортида балкон, ундан нарида эса илондай тўлғаниб оқаётган дарё, дарёнинг нариги соҳилида — шимолда мавжланиб турган қарағайзор кўринди.

— Ваннага марҳамат қилинг, — деди аёл, сўнг унинг бир қўл ҳаракати билан ички девор четга сурилди-ю, ваннахона ва жуда чиройли жиҳозланган хожатхона пайдо бўлди.

Гарчи Иван бу аёл билан гаплашмасликка аҳд қилган бўлса ҳам, яраклаган жўмракдан ваннага шариллаб сув оқаётганини кўриб, тилини тия олмай, киноя билан деди:

— Буни кара-я! Худди «Метрополь» дейсан!

— Э, йўқ, — фахрланиб деди аёл, — ундан ҳам яхшироқ. Бу ердаги ускуна-жиҳозлар чет элда ҳам топилмайди. Атайин шифохонамизни кўргани олимлару врачлар келиб туришади. Бу ерда ҳар куни чет эллик туристлар бўлишади.

Иван «чет эллик туристлар» сўзини эшитган ҳамоноқ кечаги консультантни эслади. Кайфи бузилиб, хўмрайганча сўради:

— Чет эллик туристлар... Мунча яхши кўрмасангизлар ўша чет эллик туристларни? Мен сизга айтсам, улар орасида ҳар хил одамлар бўлади. Масалан, кеча мен битта шунақаси билан танишдимки, асти қўяверасиз!

Шундай деб туриб, сал бўлмаса Понтий Пилат ҳақида гапириб юборай деди-ю, лекин гапини

бу аёл учун ҳеч қандай ҳожати йўқлигини, барибир ундан ҳеч қандай ёрдам кутиб бўлмаслигини тушуниб, тилини тийди.

Чўмилтирилган Иван Николаевичга ваннадан чикдан эркак киши учун зарур бўлган ҳамма нарса: дазмолланган кўйлак, ички иштон, пайпоқ берилди. Булардан ташқари, яна бояги аёл шкаф эшигини очиб, кули билан ишора қилиб сўради:

— Устингизга нима кийишни хоҳлайсиз — халатми ё пижамами?

Бу янги ётоққа зўрлаб жойлаштирилган Иван аёлнинг андишасизлигидан ханг-манг бўлиб, индамай бармоғи билан кип-қизил пахмоқ пижамага ишора қилди.

Шундан кейин Иван Николаевични бўм-бўш, сокин коридордан бошлаб бориб, жудаям каттакон бир кабинетга олиб кирдилар. Ҳайратомуз жиҳозланган бу бинодаги ҳамма нарсага истехзо билан қарашга аҳд қилган Иван кабинетига кирган ҳаманоқ унга «ошхона-фабрика» деб ном қўйди.

Бунинг сабаби бор эди. Бу ерда анча-мунча шкафлар, никелланган ялтироқ асбоблар қўйилган ойнаванд шкафчалар тизилиб турарди. Ниҳоятда мураккаб мос-ламали креслолар, соябони ялтироқ қандайдир япаски чироқлар, сон-саноксиз шиша идишлар, газ билан ёнувчи горелкалару электр симларию мутлақо нотаниш бўлган ускуналар бор эди бу кабинетда.

Бу ерда оқ халат кийган уч киши (икки аёл ва бир эркак) Иван билан шуғуллана бошлади. Биринчи навбатда, Ивандан баъзи нарсаларни сўраб билиб олиш мақсадида уни бурчакдаги стол олдига бошлаб боришди. Иван вазиятни мулоҳаза қила бошлади. Унинг учун учта йўл бор эди. Биринчи йўл: мана шу лампалару оҳанжамали буюмларга ташланиб, ҳаммасини чил-чил синдириб, бу ерда уни ноҳақ ушлаб туришганига шу тарзда норозилик билдириш эди — бу усул уни қаттиқ васвасага солаётган эди. Бироқ бугунги Иван кечаги Ивандан анчагина фарқ қиларди, шунга кўра бу биринчи йўл унга анча шубҳали кўринди: худо кўрсатма-син, тагин анавилар қутурган жинни деган хаёлга боришса-я. Шунинг учун Иван биринчи йўлни рад этди. Иккинчи йўл ҳам бор эди: ҳозироқ консультант ва Понтий Пилат ҳақида ҳикоя қилиш керак. Аммо кечаги тажрибадан маълум бўлдики, ё унинг гапларига ишонишмаяпти, ё бўлмаса ҳикоясини тескари маънода тушунишяпти. Шунинг учун Иван бу йўлдан ҳам воз кечиб, учинчи йўлни, яъни мағрурона сукут сақлаб, «ўз қобиғига ўралиб олишни» маъқул кўрди.

Аммо бу аҳдини тўла амалга ошира олмади, хоҳласа-хоҳламаса, бир қатор саволларга узоқ-юлуқ, бўлса ҳам жавоб беришига тўғри келди.

Оқибат, Ивандан унинг ўтмиши ҳақида, ҳаттоки тахминан ўн беш йил бурун қизилча касали билан қай фаслда ва қандай оғриганигача суриштириб билиб олишди. Иваннинг жавобларидан анкетанинг бутун бир саҳифаси тўлиб, иккинчи саҳифага ўтилди, энди оқ халат кийган аёл Иваннинг қариндош-уруғлари тўғрисида суриштира бошлади. Хуллас, тутуриқсиз эзмалик бошланди: қариндошлардан кимлар ўлган, қачон ва нимадан ўлган, ичармиди, таносил касали билан оғримаганмиди, ҳоказо ва ҳоказо саволлар. Саволлар тугагач, кеча Патриарх кўлида содир бўлган воқеани сўзлаб беришни илтимос қилишди, лекин унча зўрлашмади, Понтий Пилат тўғрисида айтган гапига ажабланишмади ҳам.

Шундан кейин Иван аёлдан қутулиб, эркак ихтиёрига ўтди, у Иван билан бошқача усулда мулоқот қилди, ундан ҳеч нима тўғрисида сўрамади. У Иваннинг ҳароратини ўлчади, томирини кўрди, аллақандай чироқ шуъласини йўналтириб, кўзларини текширди. Кейин бу эркакка бошқа аёл ёрдамга келди ва Иваннинг икки кураги орасига бир нима билан оғриқсиз укол қилишди, кўкрагига болғачанинг дастаси билан аллақандай белгилар чизишди, болғача билан унинг гиззаларига уриб кўришган эди, оёғи дик-дик сакраб кетди, бармоғидан қон олишди, тирсагига укол қилишди, қўлларига қандайдир резина халқалар кийдиришди.

Иван буларнинг ҳаммасини аччиқ истехзо билан кузатаркан, ҳеч куракда турмайдиган ишлар содир бўлгани ҳақида ўйларди. Тавба! Одамларни анави бе-гона консультантнинг хатарли найрангларида огооҳлантирмоқчи, уни шахсан ўзи қўлга туширмоқчи эди, аммо бунинг

ўрнига ўзи аллақандай сирли кабинетга тушиб, Вологдада яшовчи пианиста Фёдор амакиси ҳақида қаёқдаги тутуриқсиз гапларни ҳикоя қилиб ўтирипти. Ўтакетган бемаънилик!

Ниҳоят Иваннинг кетишига ижозат беришди. Уни яна ўз хонасига кузатиб қўйишди, сўнг нонуштага бир чашка қаҳва, иккита илитилган тухум ва мой суртилган оқ нон беришди.

Иван овқатнинг ҳаммасини еб, ичиб бўлиб, бу маҳкаманинг энг катта раҳбарини кутишга, ўша раҳбарнинг эътиборини қозонишга, ундан адолат талаб қилишга аҳд қилди.

Дарҳақиқат, нонуштадан кейин хиёл ўтар-ўтмас у кутган катта бошлиқ билан учрашди. Иван жойлашган хонанинг эшиги бирдан очилиб, оқ халат кийган одамлар кириб келишди. Ҳаммадан олдинда соқоли ҳафсала билан олинган, қирқ беш ёшлардаги хушсурат, аммо кўзлари жудаям ўткир, мулойим табиат бир одам келарди. Қолганларнинг ҳаммаси унга сипориш қилишар, эъзозлашарди, шу боис унинг бу хонага ташрифи тантанавор бўлди. «Нақ Понтий Пилат!» — деб кўнглидан ўтказди Иван.

Ҳа, шубҳасиз, бу одам раҳбар эди. У курсига ўтирди, қолганлар тик тураверишди.

— Доктор Стравинский, — деб ўзини танитди курсига ўтирган киши ва Иваннинг чехрасига дўстона бокди.

— Мана, Александр Николаевич, — деди соқоли саришта кузалган бир одам паст овоз билан ва Иваннинг ҳаммаёғи ёзиб тўлдирилган анкетасини бошлиққа узатди.

«Бирпасда шунча нарса ёзиб ташлашипти-я! — деб ўйлади Иван. Бошлиқ эса қоғозга ёзилган таниш сўзларга кўз югуртириб чиқаркан: «Иҳи, иҳи...» деб қўйди ва атрофида турганлар билан ҳамма ҳам тушунавермайдиган тилда бир-икки оғиз фикр алмашди.

«Лотин тилида ҳам Пилатга ўхшаб гапиряпти...» — маъюс ўйлади Иван. Шу чоқ қулоғига чалинган бир сўз уни сескантириб юборди. Бу — кеча Патриарх кўли бўйида лаънати ажнабий айтган, бугун эса бу ерда профессор Стравинский такрорлаган «шизофрения» сўзи эди.

«Билган экан!» — ҳаяжон билан кўнглидан ўтказди Иван.

Афтидан, бу Стравинский ҳамма фикрга қўшилишни ва ҳамроҳлари айтган ҳар бир сўздан мамнун бўлиб, шу мамнунлигини «жуда соз, жуда соз» деган сўзлар билан ифодалашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бўлса керак.

— Жуда соз! — деди Стравинский кўлидаги варақни кимгадир қайтараркан. Сўнг Иванга юзлан-ди: — Сиз — шоирсиз-а?

— Ҳа, шоирман, — хомуш жавоб қилди Иван, у умрида биринчи марта шеърятга нисбатан қалбида қандайдир мубҳам нафрат уйғонганини ҳис қилдию, эсига тушган ўз шеърлари негадир унга ёқимсиз бўлиб туюла бошлади.

У ўз навбатида афтини буриштириб Стравинскийдан сўради:

— Сиз — профессорсиз-а?

Стравинский бу саволга такаллуф билан бош эгиб жавоб қилди.

— Бу ернинг энг каттаси ҳам сизсиз-а? — деб да-вом этди Иван.

Стравинский бу гал ҳам бош эгиб жавоб қилди.

— Мен сиз билан гаплашиб олишим керак, — деди Иван Николаевич маънодор қилиб.

— Мен ҳам шу мақсадда келдим, — жавоб қилди Стравинский.

— Хуллас, гап бундай, — деб гапира бошлади Иван, энди гапириш навбати ўзига келганини ҳис қилиб, — мени бу ерда жиннига чиқариб қўйишди, ҳеч ким га-пимни эшитишни истамаяпти!..

— Аксинча, биз диққат-эътибор билап эшитмоқчимиз гапларингизни, — деди Стравинский жиддий ва таскин берувчи оҳангда, — ундан кейин сизни жинни деб ҳисоблашларига асло йўл қўймаймиз.

— Ундай бўлса, эшитинг: кеча кечқурун Патриарх кўли бўйида мен бир шубҳали шахс билан учрашдим, ажнабийлигиниям, ажнабий эмаслигиниям билиб бўлмайдиган ўша одам Понтий Пилатни ўз кўзи билан кўрипти.

Профессорни кузатиб келганлар шоирнинг гапларини қимир этмай тинглашарди.

— Пилатни-я? У қайси — Исо пайғамбар замонида яшаган Пилатми?

— Ҳа, ўша.

— Аҳа, — деди Стравинский, — анави Берлиозни бўлса, трамвай босиб кетди денг?

— Ҳа, балли, айнан шу Берлиозни кеча Патриарх кўли яқинида трамвай босиб кетганини ўз кўзим билан кўрдим, шуниси қизиқки, анави шубҳали гражданин...

— Понтий Пилатнинг танишими? — сўради Стравинский: чамаси у жуда идрокли одам эди.

— Ҳа, худди ўша, — тасдиқлади Иван, Стравинскийни кузатаркан, — ана шу одам. Аннушка писта мойини тўкиб юборди, деб башорат қилди... Берлиоз бўлса, худди ўша мой тўкилган ерда тойиб кетди! Хўш, бунга нима дейсиз? — деб маънодор савол берди Иван, бу сўзлари билан у кучли таассурот уйғотмоқчи бўлган эди.

Агарда руҳан соғлом одам бўлсангиз, бунга: «Йўқ, асло», деб жавоб қиласиз. Сиз бу ердан кетишни истайсизми? Марҳамат. Лекин айтинг-чи, бу ердан тўғри қаёққа борасиз?

— Қаёққа бўларди, милициягада, — Иван бир оз тарадудланиб тургач, профессорнинг тикилиб боқишидан хиёл довдираб жавоб қилди.

— Тўғри шу ердан-а?

— Иҳи.

— Олдин уйингизга кириб чиқмайсизми? — шу заҳоти лукма ташлади Стравинский.

— Вақт тиғиз ўзи. То мен уйга кириб чиққунимча, у қорасини кўрсатмай ғойиб бўлиши мумкин!

— Шундай денг. Хўш, милицияга бориб, биринчи навбатда нима дейсиз?

— Понтий Пилат ҳақида гапирман, — жавоб қилди Иван Николаевич, шунда унинг кўз олди хиралашгандай бўлди.

— Хўш-ўш, жуда соз! — деди таслим бўлган Стравинский, сўнг соқолли одамга юзланиб буюрди: — Фёдор Васильевич, марҳамат қилиб гражданин Без-домнийнинг шаҳарга чиқишига ижозат беринг. Лекин бу хона банд қилинмасин, ўрни ҳам йиғиштирилмасин. Чунки гражданин Бездомний икки соатдан кейин яна шу ерда бўлади. Ҳай, начора, — деб у шоирга ўгирилди, — сизга муваффақият тиламайман, негаки, муваффақият қозонишингизга зиғирча ҳам ишонмайман. Ҳадемай кўришгунимизча хайр! — У ўрнидан турди, колганлар ҳам қимирлаб қолишди.

— Яна қайтиб келишимга қандай асосингиз бор? — хавотирланиб сўради Иван.

Стравинский айнан шу саволни кутаётган бўлса керак, дарҳол яна ўрнига ўтириб, гапира бошлади:

— Асос шуки, сиз ички иштонда милиция идорасига бориб, Понтий Пилат билан шахсан таниш бўлган одамни учратдим, деб айтишингиз билан, ўша заҳоти сизни ғизиллатиб бу ерга олиб келишади-ю, яна ўзингизни айнан шу хонада кўрасиз.

— Ички иштоннинг бунга нима дахли бор? — сўради Иван эсанкираб атрофга назар ташларкан.

— Энг муҳим сабаб — Понтий Пилат. Лекин ички иштон ҳам катта аҳамиятга эга. Зеро, кетадиган бўлсангиз, эгнингиздаги давлат кийимини ечиб олиб, сизга ўз кийимингизни берамиз. Маълумки, сизни бу ерга ички иштонда олиб келишган. Ҳолбуки, мен шама қилиб айтган бўлишимга қарамай уйингизга киришни хаёлингизга ҳам келтирмадингиз. Кейин навбат Пилатга келади-ю... иш пишади-қўяди!

Шу чоғ бирдан Иван Николаевич ўзини жуда ғалати ҳис қила бошлади. Унинг иродаси дарз кетгандай бўлди, ўзининг заиф эканлигини, ўзгалар маслаҳатига муҳтожлигини ҳис қила бошлади.

— Бўлмаса, нима қилай? — деб сўради у энди журъатсизлик билан.

— Бу бошқа гап! — деди Стравинский. — Бу ўринли савол. Энди сизга аслида нима

бўлганлигини мен гапириб бераман. Кеча, кимдир Понтий Пилат ва бошқа нарсалар ҳақидаги ҳикоялари билан сизни қаттиқ чўчитиб, дилингизни оғритган. Оқибат, сиз тажанг бўлиб, асабингиз бузилиб, шаҳар кезиб Понтий Пилат ҳақида гапира бошлагансиз. Турган гапки, сизни жинни деб ҳисоблашган. Бу кечинмалардан халос бўлишингиз учун ҳозир ягона йўл — мутлақо хотир-жамликдир. Бинобарин, сиз албатта шу ерда қолишингиз керак.

— Ахир уни кўлга олиш керак-ку! — деди Иван энди ёлворувчи оҳангда.

— Яхши, лекин бунинг учун ўзингиз югуришингиз шартми? Яхшиси, сиз ўша одам ҳақидаги шубҳаларингизни, унинг айбларини ёзма равишда баён қилиб беринг. Баёнотингизни тегишли жойга осонгина жўнатишимиз мумкин. Мабодо, ўша одам ҳақиқатан ҳам, сиз айтгандек, жинойтчи бўлиб чиқса, бу нарса хиёл вақт ўтмай аниқланади. Лекин фақат битта шарт бор: бошингизни кўпам қотирманг, Понтий Пилат ҳақида мумкин қадар камроқ ўйланг. Одамлар нималарни ўйлаб топмайди! Ҳаммасигаям ишонавериш керак эмас.

— Тушундим! — деди Иван қатъий оҳангда. — Илтимос, менга қоғоз билан қалам беришсин.

— Қоғоз билан калта қалам беринг, — буюрди Стравинский семиз хотинга, сўнг Иванга бундай деди: — Лекин маслаҳатим, бугун ёзманг.

— Йўқ, йўқ, шу бугуноқ, албатта шу бугун ёзаман, — ҳаяжонланиб қичқирворди Иван.

— Ҳа, яхши. Фақат миянгизни кўп қотирманг. Бугун яхши чиқмаса, эртага чиқади.

— У кетиб қолади-ку!

— Асло, — қатъий эътироз билдирди Стравинский, — ҳеч қаёққа кетмайди, кафолат бераман. Ёдингизда бўлсин, бу ерда сизга ҳар жиҳатдан ёрдам беришади, шу ёрдамсиз ишимиз олға жилмайди. Гапимни эшитяпсизми? — бирдан ўз саволига урғу қўйиб деди Стравинский ва Иван Николаевичнинг иккала кўлидан ушлаб олди. Унинг кўлларини қўйиб юбормаган ҳолда, Иваннинг кўзларига узоқ вақт тикиларкан, такрорлади: — Сизга бу ерда ёрдам беришади... Гапимни эшитяпсизми?.. Сизга бу ерда ёрдам беришади... Рухингиз енгиллашади. Бу ер тинч, ҳаммаёқ осуда... Сизга бу ерда ёрдам кўрсатишади...

Иван Николаевич кутилмаганда эснади, чеҳраси мулойимлашди.

— Ҳа, ҳа, — деди у оҳиста.

— Ана, жуда соз! — Стравинский ўз одати бўйича суҳбатга яқун ясаб, ўрнидан турди. — Хайр, кўришгунча! — у Иваннинг кўлини сиқди, эшикдан чиқа туриб, соқолли одамга ўгирилиб деди: — Дарвоқе, кислородни кўллаб кўринг... яна ванна ҳам.

Яна бир зумдан кейин Иваннинг хонасида Стравинский ҳам, унинг ҳамроҳлари ҳам қолмаган эди. Деразага тутилган тўрнинг орқасида, дарёнинг нариги томонида баҳор либосини кийган қарағайзор чошгоҳ офтобида шўх мавжланар, ундан берирокда эса дарё офтобда товланарди.

Тўққизинчи боб

КОРОВЬЁВНИНГ НАЙРАНГЛАРИ

Москванинг Садовая кўчасидаги мархум Берлиоз яшаган 302-уй бошқармасининг раиси Никонор Иванович Босой чоршанбадан пайшанбага ўтган тундан бошлаб жуда серташвиш бўлиб қолган эди.

Китобхоннинг хабари бор, бу уйга ярим кечада Желдибин иштирокидаги комиссия келиб, Никонор Ивановични чақиртирган, унга Берлиознинг ҳалок бўлганини хабар қилиб, у билан бирга 50-квартирага йўл олган эди.

Улар мархумнинг кўлёма ва буюмларини муҳрлашган пайтда, келиб-кетувчи уй ходимаси Груня ҳам, енгилтак Степан Богданович ҳам квартирада йўқ эди. Комиссия, мархумнинг кўлёмаларини таҳлил қилиш учун ўзи билан олиб кетажигини, унинг турар жойи, яъни учта

хона (заргар бевасига қарашли собиқ кабинет, меҳмонхона ва емакхона) уй бошқармаси ихтиёрига ўтишини, марҳумнинг буюмлари эса то ворислар топилмагунча, мазкур турар жойда сақланиши шартлигини Никонор Ивановичга маълум қилган эди.

Берлиознинг ҳалок бўлгани ҳақидаги овоза бутун уй аҳлига яшин тезлигида тарқалди, оқибат, пайшанба куни эрталабки соат еттиданоқ Босойга телефон қила бошлашди, кейин эса марҳумнинг квартирасига даъвогарлик мазмунидаги аризаларни кўтариб кела бошлашди. Қисқаси, Никонор Иванович атиги икки соат мобайнида бундай аризалардан ўттиз иккитасини қабул қилди.

Мазкур аризаларда ёлборишлар ҳам, тухмат ҳам, ғийбат ҳам, ҳатто квартирани ўз ҳисобига ремонт қилиб олишга ваъда берувчилару бандитлар билан битта квартирада тиқилишиб яшашга ортиқ бардош қилолмаслиги ҳақида ёзилган аризалар ҳам бор эди. Бу аризалар ичида 31-квартирада чучвара ўғрилаб камзул чўнтагига солувчилар ҳақида бадий жихатдан ниҳоятда баркамол битта ариза, иккита ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган ва битта хуфия ҳомиладорлигини тан олган ариза ҳам бор эди.

Никонор Ивановични квартирасидан даҳлизга чақириб олишар, енгидан ушлаб, бир нималарни қулоғига шипшишар, кўз қисишар, «хўп» деяқолинг, сизни хурсанд қиламиз, деб ваъдалар беришарди.

Бу азоб кундуз соат ўн иккидан ошгунга қадар давом этди, кейин тоқати тоқ бўлган Никонор Иванович квартирасини тарк этиб, дарвоза ёнидаги идорага қочиб чиқиб кетди, лекин одамлар у ерда ҳам уни тинч қўйишмади, шунда у идорадан ҳам қочиб кетди. Никонор Иванович орқасидан изма-из келаётган арзгўйларни бир амаллаб чалғитиб, асфальт ётқизилган ҳовли орқали ўтиб, олтинчи подъезднинг эшигига кириб кетди ва ўша бадном 50-квартира жойлашган бешинчи қаватга кўтарилди.

Семириб кетган Никонор Иванович квартира эшиги олдида бир оз тўхтаб нафасини ростлагач, қўнғироқ гугмасини босди, аммо ҳеч ким эшикни очмади. У яна қайта-қайта қўнғироқ қилди, тўнғиллаб сўкина бошлади. Лекин ҳамон эшик очилмасди. Никонор Ивановичнинг ортиқ сабри чидамай, чўнтагидан уй бошқармасига тегишли бир шода дубликат калитларни олди-да, шартта эшикни очиб ичкарига кирди.

— Ҳой, ходима, қаёқдасан? — деб бақирди Никонор Иванович нимқоронғи даҳлизда туриб.
— Отинг нимаиди? Груня шекилли? Бормисан ўзи? Садо берсанг-чи!

Ҳеч ким садо бермади.

Шунда Никонор Иванович кабинет эшигидаги сурғучни бузиб, портфелидан буклама метрни олди-да, кабинетга қадам қўйди.

Қадам қўйишга қўйди-ю, аммо остонада ҳайратдан донг қотиб туриб қолди, ҳатто эти жунжикиб ҳам кетди.

Марҳумнинг столи ортида эгнига катак камзул, бошига жокейлар шапкаси кийган, кўзига пенсне такқан ориқ ва жуда новча бир гражданин... хуллас, ўша одам ўтирарди.

— Сиз ким бўласиз, гражданин? — кўрқа-писа сўради Никонор Иванович.

— Ие! Никонор Иванович-ку, — деди бу қутилмаган меҳмон таканики сингари қалтироқ овоз билан шанғиллаб, сўнг сакраб туриб кетиб, раиснинг қўлини мажбуран қўлига олди-да, сиқиб кўриша бошлади. Бу саломлашув Никонор Ивановичнинг кўнглини асло кўтармади.

— Мени кечирасиз, — шубҳали оҳангда гап бошлади у, — сиз ким бўласиз? Сиз — расмий шахсмисиз?

— Бе, қўйсангиз-чи, Никонор Иванович! — деди номаълум одам дилкашлик билан. — Расмий шахс нимаю норасмий шахс нима? Буларнинг ҳаммаси мазкур предметга қайси нуқтаи назардан қарашга боғлиқ. Ҳамма нарса, Никонор Иванович, шартли ва қалтисдир. Бугун мен норасмий шахсдирман, аммо эртага бирдан расмий бўлиб олишим ҳам мумкин! Баъзида бунинг акси ҳам бўлади, Никонор Иванович. Бўлгандаям, биракай бўлади!

Бу мулоҳаза уй бошқармаси раисини мутлақо қониктирмади. Ҳар бир нарсадан гумонсираш ўзи бу одамнинг қонида бор эди, шунга кўра махмадоналик қилаётган бу гражданин — албатта норасмий шахс, аниқроғи, биронта танбал бўлиши керак, деб хулоса чиқарди.

— Ахир кимсиз ўзи? Фамилиянгиз нима? — деб раис яна ҳам дағалроқ оҳангда сўради, хатто у нотаниш одамнинг тепасига бостириб ҳам борди.

— Фамилиям, — деди нотаниш гражданин раиснинг дағдағасига асло парво қилмай, — ҳай, айтайлик ана, Коровьёв. Бир оз тамадди қилиб олмайдиларми, Никонор Иванович? Ҳеч тортинманг! А?

— Мени кечирасиз, — деди Никонор Иванович энди қаҳри қайнаб, — тамаддига бало борми! (Кўнгилсиз бўлса ҳам, шунини эътироф этиш керакки, Никонор Иванович ўзи табиатан хийла кўрс одам эди). Марҳумнинг хонасига кириш ман қилинади! Сиз нима қияпсиз бу ерда?

— Марҳамат, Никонор Иванович, ўтиринг, — деб шанғилларди гражданин раиснинг дўкига парво ҳам қилмай, сўнг хушомад қилиб, уни креслога таклиф қила бошлади.

Лекин Никонор Иванович тамоман дарғазаб бўлиб, креслога ўтирмади ва:

— Кимсиз ахир ўзингиз? — деб бақирди.

— Ҳай, эшитинг бўлмаса: мен мазкур квартирада истиқомат қилувчи бир ажнабий шахснинг таржимониман, — тушунтирди ўзини Коровьёв деб танитган шахс малларанг исқирт ботинкасининг пошнасини ерга «дўк» этиб уриб.

Никонор Ивановичнинг оғзи ланг очилиб қолди. Бу квартирада қандайдир хорижий шахснинг, боз устига, ўз таржимони билан туриши унинг учун мутлақо кутилмаган ҳол эди, шу боис у изоҳ талаб қилди.

Таржимон бажону дил изоҳлаб берди. Маълум бўлишича, Варьете директори Степан Богданович Лиходеев ажнабий артист жаноб Воландни тахминан бир ҳафта давом этувчи гастроллари пайтида ўзининг квартирасида яшаб туришга лутфан таклиф қилган ва бу ҳақда кеча Никонор Ивановичга хат ёзиб, ундан то ўзи (яъни Лиходеев) Ялтага бориб дам олиб келгунча, ажнабий артистни шу квартирага вақтинчалик прописка қилишни илтимос қилган экан.

— У менга ҳеч қанақа хат ёзгани йўқ, — ҳайрон қолиб деди раис.

— Сиз портфелингизни кавлаб кўринг, Никонор Иванович, — деди Коровьёв мулойим оҳангда.

Никонор Иванович кифтини бир учириб, портфелини очди-ю, у ерда ётган Лиходеевнинг хатини кўрди.

— Тавба, қандай қилиб хотирамдан кўтарилипти-я, — Никонор Иванович очилган конвертга маъносиз тикилганча ғўлдирарди.

— Э, Никонор Иванович, бундан ҳам қисмат воқеалар бўлади ҳаётда! — деб шанғиллади Коровьёв. — Паришонхотирлик, ҳа, паришонхотирлик, яна, чарчагансиз, қон босимингиз кўтарилган, кадрдон дўстимиз Никонор Иванович! Мен ўзим ҳам ўлгудек паришонхотирман. Бир вақт топиб, дилкашлик қилга-нимизда ўз бошимдан кечирганим айрим воқеаларни сизга ҳикоя қилиб бераман, кулавериб ичагингиз узилади!

— Лиходеев қачон кетаркан Ялтага?

— О, у аллақачон кетиб бўлди! — деб чийиллади таржимон. — У, менга сизга айтсам, ҳозир сафарда! Хуллас, қаердалигини шайтон ҳам билмайди! — шундай деб у иккала қўлини худди шамол тегирмонининг парракларига ўхшатиб айлантира бошлади.

Никонор Иванович ажнабий жаноб билан шахсан учрашмоғи шартлигини айтган эди, лекин таржимондан рад жавобини олди: ҳеч мумкин эмас. Банд. Му-шук билан машқ қияпти.

— Агар хоҳласангиз, мушукни кўрсатишим мумкин, — деб таклиф қилди Коровьёв.

Бу сафар энди таклифии Никонор Иванович рад этди, лекин шу пайт таржимон раисга ниҳоятда қизиқарли бир таклифни баён қилди.

Жаноб Воланд меҳмонхонада туришни мутлақо ёқтирмаслиги ва кенг жойда эркин яшашга одатланганлиги сабабли уй бошқармаси бир ҳафтага, яъни Воланднинг Москвадаги гастроллари пайтида бутун квартирани, яъни марҳумнинг ҳам хоналарини қўшиб, ижарага бермасмикин?

— Ахир энди марҳум учун барибир-ку, — бўғиқ овоз билан пичирлади Коровьёв, — ўзингиз ҳам тушуниб турибсиз, Никогюр Иванович, энди унга бу квартиранинг ҳеч хожати йўқ, шундай эмасми?

Бу таклифдан бир оз ҳайрон бўлган Никонор Иванович, ажнабий шахслар хусусий квартирада эмас, балки «Метрополь» меҳмонхонасида туришлари керак, деган мазмунда эътироз билдирди.

— Айтяпман-ку сизга, ўлгудек инжик! — пичирлади Коровьёв. — Ҳеч хохламайди! Ёқтирмайди сира меҳмонхонада туришни! Мана бундай тўйганман бу интуристлардан! — ими-жимиди зорланди Коровьёв томирлари бўртиб чиққан бўйнига бармоғини олиб бориб. — Ишонасизми, жонимдан тўйдириб юборишди! Келишади-да... ё худди исковуч итвачча сингари жосуслик қилишади, ё сурункасига инжикдик қилавериб қонингга ташна қилиб юборишади: ундоқ эмас — бундоқ, уни ёқтирмайман, бунисининг кераги йўқ!.. Лекин сизнинг уй бошқармангиз, Никонор Иванович, бу битимдан фақат фойдаю соф даромад кўради. У пулни аямайди. — Коровьёв атрофга кўз ташлаб олиб, раиснинг қулоғига пичирлади: — Миллионер у!

Таржимоннинг бу таклифида аниқ амалий маъно мавжуд эди, у маъно ниҳоятда салобатли эди-ю, аммо таржимоннинг ўзи гапириш тарзи билан ҳам, кийим-боши, кўзидаги ҳеч нимага яроқсиз пенсени билан ҳам мутлақо бачкана одам бўлиб кўринаётган эди. Шунга кўра раиснинг кўнглини қандайдир бир шубҳа кемирарди, аммо шундай бўлса ҳам таклифни қабул қилмоқчи бўлди. Гап шундаки, уй бошқармасида етишмовчилик жудаям катта эди. Кузга бориб уйни буғ билан иситиш учун нефть харид қилиш керак эди, бироқ бунинг учун шимилдирик ҳам йўқ эди. Мана, интурист берадиган пул билан мушкулни осон қилса бўлади. Шунга қарамай, ишбилармон ва эҳтиёткор Никонор Иванович бу масалани олдин интурист бюроси билан келишиб олиши кераклигини изҳор қилди.

— Тушунаман, — деб чийиллади Коровьёв, — келишмай бўларканми, албатта келишиб олинг. Мана сизга телефон номери, Никонор Иванович, ҳозирнинг ўзида гаплашиб, келишиб олинг. Пул масаласига келсак, ҳеч тортинманг, — пичирлаб илова қилди у раисни телефон турган даҳлизга етакларкан, — шулардан дурустроқ ундирмасангиз, кимдан ундирасиз! Сиз унинг Ниццадаги вилласини кўрсангиз — қиёмат! Келаси йили ёзда чет элга борганингизда атайлаб уникига кириб ўтинг — кўриб оғзингиз очилиб қолади!

Интурист бюроси билан бўладиган битим телефон орқали бир зумда ҳал бўла қолдики, бу ҳол ҳам раисни ҳайратга солди. Маълум бўлишича, у ердагилар жаноб Воланднинг Лиходеевга қарашли хусусий квартирада турмоқчи бўлганидан хабардор эканлар, бинобарин бунга ҳеч қандай монелик қилишмади.

— Ана, койил бўлди! — бақирди Коровьёв. Унинг шанғи овозидан хийла эсанкираб қолган раис, уй бошқармаси 50-квартирани артист Воландга бир ҳафта муддатга ижарага беришга рози эканлигини айтиб, у ёғига бир оз ийманиб тўхталиб қолдида, сўнг деди: — Кунига беш юз сўмдан.

Шунда Коровьёв раисни тамоман эсини оғдириб қўйди. У зилдай оғир мушукнинг енгил сакраётгани эшитилиб турган ётоқхона томонга ўғринча кўз қисиб ишора қилдида, хиркироқ овоз билан деди:

— Демак, бир ҳафтага уч ярим минг бўлади — шундайми?

Никонор Иванович Коровьёвдан: «Оббо Никонор Иванович-э, иштаҳангиз зўр-у!» — деган маломатни кутган эди, бироқ у тамомила бошқа гапни айтди.

— Э, шуям пул бўптими? Беш минг сўранг, беради. Никонор Иванович паришон тиржайганча марҳумнинг столи олдига бориб қолганини ўзи ҳам пайқамади, бу пайт Коровьёв

ғайритабийй уддабурронлик ва эпчиллик билан бир зумда икки нусхада шартнома тайёрлаб ташлади. Шундан кейин ётоқхонага ғизиллаб кириб чиқди — шартноманинг иккала нусхасига ҳам чет эллик артист катта-катта қилиб имзо чеккан эди. Бу шартномага раис ҳам қўл қўйди. Шунда Коровьёв ундан беш минг олгани ҳақида Никонор Ивановичдан тилхат сўради...

— Ҳарфлар билан ёзинг, ҳарфлар билан, Никонор Иванович!.. Беш минг сўм деб... — сўнг бу жиддий битимга мутлақо ёт бўлган бачкана сўзларни айтиб: — Эйн, цвей, дрей! — беш даста яп-янги пулни раиснинг олдида ташлади.

Шунда Коровьёвнинг: «Ердан топсанг — санаб ол», «ҳисобли дўст айрилмас» ва ҳоказо мутойиба ва қочириқ гаплари жўрлигида пул бирма-бир санаб чиқилди.

Раис пулларни санаб бўлгач, Коровьёвдан вақтинчалик прописка қилиш учун ажнабий артистнинг паспортини сўради, сўнг паспортини ҳам, шартномани ҳам, пулни ҳам портфелига солдида, Коровьёвдан қимтинибгина контрамарка⁹ сўради...

— Бундан осон иш йўқ! — деб шанғиллади Коровьёв. — Сизга қанча билет керак, Никонор Иванович, ўн иккита етадими, ўн бештами?

Довдираб қолган раис, ўзи билан рафикаси Пелагея Антоновнага фақат бир жуфтгина контрамарка етади деб тушунтирди.

Коровьёв шу заҳоти блокнот олиб, чаққонлик билан биринчи катордан икки кишилик контрамарка ёзиб, уни чап қўли билан Никонор Ивановичга тутқазаркан, ўнг қўлидаги қалинлиги бир даста шалдироқ пулни эпчиллик билан унинг чўнтагига солиб қўйди. Никонор Иванович пулга кўз қирини ташладию чўғдек қизариб кетиб, таржимоннинг қўлини ўзидан итара бошлади.

— Бу мумкин эмас... — деб ғўлдиради у.

— Қўлимни қайтарманг, — деб пичирлади Коровьёв унинг қулоғига, — бизда мумкин эмас, аммо чет элликларда мумкин. Сиз уни ранжитиб қўясиз, Никонор Иванович, бу яхши эмас. Ахир хизмат қилдингиз...

— Жиноят ҳисобланади-ку, — эшитилар-эшитилмас пичирлади раис кўзлари олазарак бўлиб.

— Ахир гувоҳлар йўқ-ку! — пичирлади Коровьёв унинг иккинчи қулоғига. — Ўзингиз айтинг, қани гувоҳ? Бе, қўйсангиз-чи!

Шу пайт, кейинчалик раиснинг тасдиқлашича, мўъжиза содир бўлди: ўша бир даста пул ўзидан-ўзи унинг портфелига шўнғиб кириб кетди. Кейин негадир бирдан тинкаси қуриган, ҳатто беҳол раис ўзини зина бошида кўрди. Унинг мясида турли-туман хаёллар ғужғон ўйнади. Бу хаёллар ичида Ниццадаги вилла ҳам, ўргатилган мушук ҳам бор эди, яна у, хайрият гувоҳлар йўқ эди, деб ўйлаб туриб, бирдан контрамарка учун Пелагея Антоновна хурсанд бўлади, деб кўнгли-дан ўтказди. Булар пойинтар-сойинтар фикрлар эди-ю, аммо умуман, хуш ёқарди. Лекин шунга қарамай, раис қалбининг энг теран бир ерида қандайдир игна мудом санчиб турарди. Бу безовталиқ игнаси эди. Бундан ташқари, шу ерда, зина бошидаёқ бирдан раиснинг мясида: «Ие, эшик сурғучланган бўлса, таржимон ка-бинетга қандай кириб қолди экан?! Нега буни у, яъни Никонор Иванович, ундан сўрамади?» — деган фикрдан хуши оғиб қолаёзди. Раис анча вақтгача зинанинг пиллапояларига бақрайиб туриб қолди, лекин ахийри бунга парво қилмасликка ва бу жумбоқли савол билан бошини қотириб ўтирмасликка қарор қилди...

Раис квартирадан чиққан ҳамонок, ётоқхонадан дўриллаган овоз эшитилди:

— Менга ёқмади бу Никонор Иванович. У пихини ёрган қаллоб, учига чиққан муттаҳам. Уни иккинчи бу ерга келмайдиган қилиб юбориш мумкин эмасми?

— Мессир, сиз буйруқ берсангиз бўлди!.. — қаердандир Коровьёвнинг овози эшитилди —

⁹ Контрамарка — театр ё концертга кириш учун пулсиз бериладиган рухсатнома

лекин энди овози қалтирамас, балки жарангдор ва равон эди.

Кейин шу оннинг ўзида бу лаънати таржимон даҳлизда пайдо бўлди, телефон номерини териб, энди негадир йиғлоқи овоз билан гапира бошлади:

— Алло! Сизга шуни маълум қилишни ўз бурчим деб биламан: Садовая кўчасидаги номер уч юз иккинчи бис уй бошқармасининг раиси Никонор Иванович Босой валютафурушлик қилади. Айти шу пайтда унинг номер ўттиз бешинчи квартирасида, ҳожатхонадаги вентиляция туйнугида газета қоғозга ўралган тўрт юз доллар яширилган. Бу гапираётган — юқорида айтилган уйнинг номер ўн биринчи квартирасида истиқомат қилувчи Тимофей Квасцовман. Лекин менинг номимни сир тутишингизни ўтиниб сўрайман. Зеро, юқорида номи зикр этилган раиснинг қасос олишидан кўрқаман.

Шундай деб трубкани осиб қўйди аблах.

Шундан кейин 50-квартирада нималар бўлгани маълум эмас, лекин Никонор Ивановичникида не ҳол юз бергани бизга маълум. Раис ўз квартирасида ҳожатхонага кириб, ичидан эшикнинг иллагини солиб қўйди, сўнг портфелидан таржимон зўрлаб қистирган бир даста пулни олди-да, уни санаб тўрт юз сўм эканлигини билди. Никонор Иванович шу пулни газета парчасига ўраб, вентиляция туйнугига тикиб қўйди.

Яна беш минутдан кейин раис ўзининг мўъжазгина емакхонасида стол ортида ўтирарди. Унинг умр йўлдоши саришталик билан тўғралиб, устига кўк пиёз қалин қилиб сепилган бир тарелка селёдкини ошхонадан олиб чикди. Никонор Иванович бир рюмка арақ қуйиб, ичиб юборди, иккинчи рюмкани қуйиб, унияма ичди-да, санчқисига биракайига уч бўлак селёдкини илди... Худди шу пайт эшик қўнғироғи чалинди, Пелагея Антоновна айти пайтда буғи чиқиб турган кастрюлни емакхонага кўтариб кирдики, унга бир назар ташлашнинг ўзида ичида нима борлигини, оловранг қуюқ қарам шўрва ичида жаҳонда энг тотли нарса — илик борлигини ҳис этиш қийин эмас эди.

Никонор Иванович сўлагини ютиб, худди кўппакдек ириллади.

— Э, падарларингга лаънат! Тинчгина овқатланганимга қўйишмайди. Ҳеч кимни қўйма, мен йўқман, йўқман. Квартира масаласида бўлса, айт, бошни қоти-ришмасин. Бир ҳафтадан кейин мажлис бўлади.

Никонор Ивановичнинг хотини даҳлизга ғизиллаб чиқиб кетди, ўзи эса ўт уфурувчи кўлни эслатувчи қарам шўрвадан чўмич билан узунасига дарз кетган илик суягини сузиб олди. Худди шу пайт емакхонага икки киши кирди, улар билан кирган Пелагея Антоновнанинг ранги негадир қув ўчган эди. Бу граждандарга кўзи тушиши билан Никонор Иванович ҳам оқариб кетди ва ўрнидан турди.

— Ҳожатхона қаерда? — қийшиқ ёқали оқ кўйлак кийган биринчи гражданин ташвишли оҳангда сўради.

Овқат столида бир нарса «тўқ» этиб кетди (Никонор Ивановичнинг кўлидан чўмич тушиб кетган эди).

— Буёқда, буёқда, — деди бидирлаб Пелагея Антоновна.

Келганлар дарҳол йўлак томонга отилишди.

— Нима гап ўзи? — тортинибгина сўради Никонор Иванович келганлар орқасидан эргашаркан. — Бизнинг квартирамизда ҳеч қандай шубҳали нарса бўли-ши мумкин эмас... Кечирасиз... ҳужжатларингиз...

Биринчи гражданин кета туриб Никонор Ивановичга ҳужжатини кўрсатди, иккинчи гражданин эса айти шу топда ҳожатхонада, курсига чиқиб, вентиляция туйнугига кўлини тикқан эди. Никонор Ивановичнинг кўз олди қоронғилашди. Газетани очишгаи эди, унда сўмлар эмас, балки аллақандай чолнинг гасвири туширилган, кўк бўлиб кўк, яшил бўлиб яшил бўлмаган нотаниш пуллар чикди. Лекин буларнинг қаммаси Никонор Ивановичнинг кўзига ғира-шира кўринди, чунки унинг кўз олдини қандайдир доғлар қоплаган эди.

— Вентиляция туйнугида долларлар, — ўйчанлик билан деди биринчи гражданин ва Никонор Ивановичдан мулойим оҳангда сўради: — Пакет сизникими?

— Йўқ! — деб жавоб қилди Никонор Иванович кўрқинчли овоз билан. — Душманларнинг иши бу!

— Шунақа ҳам бўлади, — деб қўшилишди биринчи гражданин, сўнг яна мулойимлик билан илова қилди: — Бўпти, қолганини ҳам топшириш керак.

— Менда ҳеч нима йўқ! Йўқ, азбаройи худо, қўлимга ҳам ушламаганман бунақа нарсани! — жон-жаҳди билан чирқиллади раис.

У кийим жавони олдига югуриб бориб, унинг ғаладонини тарақлатиб тортиб олди, у ерда ётган портфелни олиб очаркан, бир-бирига қовушмаган гапларни бакира бошлади:

— Мана шартнома... аблах таржимон солиб қўйган... Коровьёв... пенсне такқан!

У портфелни очиб, ичига қаради, кейин унга қўлини тикдию ранги кўкариб кетди, қўлидаги портфель карам шўрвага тушиб кетди. Портфелда ҳеч нима: Стёпанинг хати ҳам, шартнома ҳам, ажнабий артистнинг паспорти ҳам, пул ҳам, контрамарка ҳам йўқ эди. Хуллас, буклама метрдан бошқа ҳеч вақо қолмаган эди.

— Ўртоқлар! — жазаваси тутиб бакирворди раис.— Тутинглар уларни! Бизнинг уйга инсу жинслар жойлашиб олипти!

Худди шу маҳал Пелагея Антонованинг кўзига нима кўринди билмаймиз-у, лекин у бирдан қўлларини бир-бирига уриб чинқирди:

— Вой, Иванич, тавба қил! Гуноҳинг енгиллашади! Кўзларига қон қуйилган Никонор Иванович хотинининг бошида мушт дўлайтирди ва:

— Падар қусур овсар! — деб хириллади. Шундан кейин у заифлашиб, стулга ўтирди, чамаси, тақдирга тан бермоқчи бўлди.

Бу маҳал синчковлик дардига чалинган Тимофей Кондратьевич Квасцов раис квартирасининг остонасида туриб, эшикнинг калит тешигига гоҳ мўралар, гоҳ кулоқ тутар эди.

Яна беш минутдан кейин унинг бу пайтда ҳовлида бўлган жами аҳолиси раиснинг икки киши кузатувида тўғри дарвоза томон йўл олганини кўрди. Уларнинг гапига караганда, Никонор Ивановичнинг ранги докадек оқарган, худди маст кишидай гандираклаб, бир нималарни ғўлдираб ўтиб кетганмиш.

Яна бир соатдаи кейин номаълум бир гражданин ўн биринчи квартирага кириб келди, бу пайт Тимофей Кондратьевич қўшниларига раисни қандай қилиб илинтиришганини ҳузур қилиб, оғиз кўпиртириб ҳикоя қиларди. Келган одам Тимофей Кондратьевични бармоғи билан ошхонадан даҳлизга имлади, унга бир нималар деди, сўнг у билан бирга ғойиб бўлди.

Ўнинчи боб

ЯЛТАДАН ХАБАРЛАР

Никонор Иванович бахтсизликка учраган пайтда, 302-бис уйга яқин ерда, ўша Садовая кўчасидаги Варьете театрининг молия директори Римскийнинг кабинетида икки киши: Римскийнинг ўзи билан Варьете администратори Варенуха бор эди.

Театрнинг иккинчи каватидаги бу каттакон кабинетнинг икки деразаси Садовая кўчасига, ёзув столи ортида ўтирган молия директорининг орқасидаги учинчи дераза Варьетенинг ёзги боғига очилардики, бу боғда яхна ичимликлари бўлган буфет, тир ҳамда очик эстрада сахнаси бор эди. Кабинетдаги жиҳозлар: ёзув столи, деворга осилган бир даста эски афишалар, устида бир графин сув турган столча, тўртта кресло ва қандайдир бир манзаранинг чанг босган эски макети ўрнатилган бурчакдаги тагликдан иборат эди.

Яна, турган гапки, булардан ташқари, ёзув столининг ёнида, Римскийнинг чап биқинида

жойдан-жойга кўп кўчирилавериб сирлари кўчиб кетган темир касса ҳам бор эди.

Стол ортида ўтирган Римскийнинг бугун эрталабдан авзои бузук эди, лекин Варенуха, бунинг акси ўлароқ, жуда кайфи чоғ, керагидан ортиқ серғайрат кўринарди. Аммо у шу ғайратини нимага сарфлашни билолмай гаранг эди.

Ҳозир эса Варенуха контрамарка сўрайвериб холи-жонига қўймаётган одамлардан қочиб бу ерга беркиниб олган эди. Бундай ҳоллар театрда янги про-грамма бошланган пайтларда айниқса кўпроқ авж оларди. Бугун эса худди ўшанақанги кун эди.

Телефон жиринглаши билан у тез трубкани олиб, ёлғон гапира бошларди:

— Ким? Варенухами? У йўқ. Театрдан чиқиб кетди.

— Илтимос, Лиходеевга яна телефон қилиб кўр, — дерди Римский хуноб бўлиб.

— Ахир йўқ у уйда. Карповни юборувдим. Квартирада ҳеч ким йўқ, деб келди.

— Бу қанақа бемаънигарчилик ўзи, — ғижиниб дерди Римский, ҳисоблаш машинасини шақиллатиб ишлатаркан.

Шу пайт эшик очилиб, ҳозиргина чоп қилинган кўшимча афишаларни бир қучоқ қилиб кўтариб капельдинер* кирди. Яшил қоғозга йирик-йирик қизил харфлар билан қуйидаги сўзлар ёзилган эди:

**Бугун ва ҳар куни Варьете театрида
программадан ташқари профессор Воланд
сеҳргарлик сеанслари кўрсатади ва фош этади**

Варенуха афитани макет устига ёйиб узоқдан туриб уни томоша қилди ва капельдинерга, дарҳол ҳаммасини ёпиштиргани юборинг, деб буюрди.

— Яхши афиша, дарров кўзга ташланади, — деди у капельдинер орқасидан.

— Лекин менга ҳеч ҳам ёқмаяпти бу майнавозчилик, — деб тўнғиллади Римский мугуз гардишли кўзойнаги орқали афишага ўқрайиб қараркан. — Кейин, умуман, уни сахнага қўйишга ким рухсат берди ўзи, хайронман!

— Йўқ, Григорий Данилович, аксинча, бу ниҳоятда нозик нарса. Бунинг энг қизиқ моҳияти — сеҳрни фош қилиш пайти.

— Билмадим, билмадим, менимча, уйда ҳеч қандай моҳият йўқ, доим шунақа тутуриқсиз нарсаларни топиб юради у! Ҳеч бўлмаса, кўрсатмадиям ўша сеҳрга-рини. Сен ўзинг уни кўрдингми? Қай гўрдан топди ўзи уни, жин урсин!

Маълум бўлишича, Варенуха ҳам Римскийга ўхшаб, сеҳргарни кўрмаган экан. Кеча Стёпа молия директорининг олдида, қўлида шартноманинг хомаки нусхаси билан (Римскийнинг таъбирича, «ўпкасини қўлтиқлаб») югуриб келипти-ю, дарҳол оққа кўчириб, пул беришини буюрипти. Сеҳргар эса пулни олиптию ғойиб бўлипти, уни Стёпадан бошқа ҳеч ким кўрмаптиям.

Римский ёнидан соатини олиб қаради, иккидан беш минут ўтганини кўрдию фиғони фалак бўлди. Ахир бу нима деган гап! Лиходеев тахминан соат ўн бирларда телефон қилиб, ярим соатда етиб бораман, деган эди. Лекин у театргаям келгани йўқ, уйдаям йўқ!

— Ахир менинг ишларим тўхтаб қолди! — дерди ғижиниб Римский, имзо чекилмаган бир тўп қоғозга бармоғи билан ниқтаркан.

— Тағин уния, Берлиозга ўхшаб трамвай босиб кетган бўлса-я? — дерди Варенуха, телефон трубкасини қулоғига тутиб тураркан, ваҳоланки трубкадан паққос узун-узун умидсизлик сигнали эшитилиб турарди.

— Кошкийди... — эшитилар-эшитилмас ғижиниб деди Римский.

Худди шу маҳал кабинетга формали камзул, фуражка, қора юбка ва оёғига тапочка кийган бир аёл кириб келди. У камарига осилган кичкина сумкасидан чорбурчак оқ қоғоз билан дафтар олди-да, сўради:

— Варьете шу ерми? Сизларга ўта шошилишча телеграмма. Кўл қўйинг.

Варенуха аёлнинг дафтарига қандайдир ажи-бужи имзо чекди, аёл чиқиб кетиб, эшик ёпилгандан кейингина у чорбурчак қоғозни очди.

У телеграммани ўқиб чиқиб, ҳайратдан кўзлари пир-пир уча бошлади-ю, уни Римскийга узатди.

Телеграммада қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Ялтадан Москвага. Варьете. Бугун ўн биру ўттизда жиний кидирув бўлимига тунги кўйлак, шим кийган сарпойчан, қўнғир соч бир телба келиб, ўзини Варьете директори Лиходеев деб танитди. Директор Лиходеевнинг қаердалиги ҳақида Ялта жиний кидирув бўлимига шошилинич телеграмма юборинг».

— Ана холос, пишди гилос! — деб юборди Римский ва илова қилиб деди: — Энди шу етмай турувди!

— Сохта Дмитрий, — деди Варенуха ва телефон трубкасини олиб гапира бошлади: — Телеграфми? Варьете ҳисобидан. Ўта шошилинич телеграмма... Эшитяпсизми?... «Ялта, жиний кидирув бўлими... Директор Лиходеев Москвада. Молия директори Римский»...

Шундан кейин Варенуха Ялтадан олинган маълумотга қарамай, яна Стёпапи телефон орқали ҳамма-хамма ердан ахтара бошлади, аммо турган гапки, уни ҳеч ердан топмади. Варенуха кўлидан телефон трубкасини кўймаганча, яна қаерга қўнғироқ қилсам экан деб бош қотириб турган эди, яна боя биринчи телеграммани олиб келган аёл кириб келиб, Варенухага янги конвертча тутқазди.

Варенуха уни шоша-пиша очди-ю, ўқиб чиқиб хуштак чалиб юборди.

— Яна нима бало? — сўради Римский асабдан бир сапчиб тушиб.

Варенуха телеграммани индамай молия директорига узатди, у қуйидаги сўзларни ўқиди: «Ишоншингизни ўтиниб сўрайман. Воланднинг гипнози билан Ялтага ташландим. Жиний кидирув бўлимига шахсиятимни тасдиқловчи шошилинич телеграмма юборинг. Лиходеев».

Римский билан Варенуха бошлари бир-бирига теккудай бўлиб, телеграммани қайтадан ўқий бошлашди, ўқиб чиқиб, чурқ этмай бир-бирларига тикилиб қолишди.

— Гражданлар! — деди аёл аччиғи чиқиб. — Олдин имзо чекинг, кейин, хоҳлаганингизча дим ўйнайверинг! Ахир мен шошилинич телеграммалар тарқатаман.

Варенуха кўзини телеграммадан узмасди, дафтарга қўнғир-қийшиқ қилиб имзо чекди, аёл ҳам чиқиб кетди.

— Ахир сен у билан телефонда соат ўн бирларда гаплашганмидинг? — деди администратор мутлақо ҳайратланиб.

— Ғирт майнавозчилик бу! — деб бақириб юборди Римский. — Гаплашдимми, гаплашмадимми, барибир, у ҳозир Ялтада бўлиши мумкин эмас! Вожаб!

— У маст... — деди Варенуха.

— Ким маст? — сўради Римский, сўнг яна икков-лари бир-бирларига тикилиб қолишди.

Ялтадан телеграмма юборган бирон қаллоб ёки телба одам бўлиши мумкин — бунга ҳеч шубҳа йўқ эди; лекин бошқа нарса бошни қотираётган эди: ўша ялталик фирибгар, куни кеча Москвага келган Воландни қаердан таниркин? Шунингдек, у билан Лиходеев ўртасидаги муносабатни қаёқдан била қолдийкин?

— «Гипноз билан...» — деб такрорлади Варенуха телеграммадаги сўзларни, — лекин у қаёқдан биларкин Воландни? — У кўзларини пирпиратиб туриб бирдан қатъият билан чинкириб юборди: — Э йўқ, ғирт сафсата бу! Ишонмайман, ишонмайман!

— Қаерда турипти ўзи ўша лаънати Воланд? — сўради Римский.

Варенуха дарҳол интурист бюросига қўнғироқ қилди ва шу захоти, Воланднинг Лиходеев квартирасида жойлашганлигини хабар қилиб, Римскийнинг оғзини очириб қўйди. Шундан кейин у Лиходеев квартирасига қўнғироқ қилиб, трубкадан эшитилаётган узун-узун сигналга узоқ вақт кулоқ солиб турди. Қаердадир жуда олисда оғир кўшиқ ижро этаётган мунгли бир овоз телефон сигналига омихта бўлиб эшитиларди, шунда Варенуха, телефон тармоғига радио

уланиб қолипти, деб кўнглидан ўтказди...

— Ҳеч ким жавоб бермаяпти, — деди Варенуха трубкани иларкан, — балки кўнғирок қилсаммикан...

У гапни тугатолмади. Остонада яна ўша аёл пайдо бўлди ва икковлари: Римский ҳам, Варенуха ҳам аёлга пешвоз туришди, у эса сумкачасидан, бу гал оқ эмас, қандайдир одмиранг қоғоз олди.

— Буниси энди жуда қиёмат бўлди, — деди Варенуха ғижиниб, шоша-пиша хонадан чиқиб кетаётган аёлнинг орқасидан кузатиб қоларкан. Биринчи навбатда қоғоз Римскийга тегди.

Фотоқоғозга сурати туширилган қора харфлар билан ёзилган қуйидаги хатни аниқ ўқиса бўларди:

«Менинг дастхатим, имзоим кимлигимни исбот-лайди. Имзоимни тасдиқлаб шошилишч телеграмма юборинг, Воланд орқасидан махфий кузатув олиб боринг. Лиходеев».

Варенуха театрлардаги йигирма йиллик фаолияти пайтида кўп ғаройиб воқеаларнинг шоҳиди бўлган эди, лекин ҳозир ақл-заковатидан жудо бўлаётгандай ҳис қилди ўзини, шунга кўра қуйидаги одмигина ва ўта бемаъни жумладан ўзга ҳеч нима дея олмади:

— Бундай бўлиши мумкин эмас!

Лекин Римский бошқача йўл тутди. У ўрнидан туриб бориб, эшикни очди, курсида ўтирган курьер аёлга:

— Почтальондан бошқа ҳеч кимни киритманг! — деб бақирди-да, эшикни ичидан қулфлаб олди.

Сўнг ёзув столининг ғаладонидан бир даста қоғоз олиб, ундаги Стёпанинг дастхатлари ва имзоларини фотограммадаги ёзув ва имзо билан қиёс қила бошла-ди. Варенуха столга кўкрагини бериб ётиб олиб, Римскийнинг юзига қайноқ нафас қайтарарди.

— Бу дастхат уники, — деди ниҳоят қатъият билан молия директори, Варенуха эса худди акс садодек такрорлади

— Уники..

Администратор Римскийнинг юзига қаради, қарадию унда содир бўлган ўзгаришдан серрайиб қолди. Шундоқ ҳам чўпдай ориқ бўлган молия директори, гўё янаям озиб, хатто қариб қолгандай, мугуз гардишли кўзойнак таққан кўзларининг аввалги ўкрайиб қараши йўқолиб, улардан наинки ҳаяжон, хаттоки ҳасрат пайдо бўлгандек туюлди.

Одам ниҳоятда қаттиқ ҳайратланган дамда ўзини қандай тутса, Варенуха ҳам ўзини шундай тутди. У кабинетнинг у бошидан бу бошига зир югурди, икки марта, хочга тортилган Исодек қулочини ёзди, графиндаги сарғиш сувдан бир стаканини бирваракайига ичиб юборди-да, ниҳоят шундай деди:

— Тушунмайман! Ту-шун-май-ман!

Римский эса деразага тикилганча, астойдил бош қотириб нимадир ўйларди. Молия директорининг аҳволи жуда оғир эди. Ҳозирок, шу ернинг ўзида бу ғайритабиий ҳодиса учун табиий изоҳ кашф этиш талаб қилинаётган эди.

У кўзларини қисганча, Стёпанинг бугун соат ўн бир яримларда тунги кўйлақда, сарпойчан ҳолда қандайдир ўта тез учувчи афсонавий самолётга чиқаётганини, кейин эса шу Стёпанинг ўзини айни ўша пайтнинг ўзида — соат ўн бир яримда Ялта аэродромида пайпоқчан турганини кўз олдига келтириб кўрди... Жин урсин, ғирт бемаънилиқ бу!

Балки бугун Стёпанинг квартирасида туриб у билан гаплашган одам Стёпа эмасдир? Йўқ, Стёпанинг овози эди! Стёпанинг овозини ҳеч ким Римскийчалиқ яхши танимайди! Боринг, ана бугунги телефонда гапирган Стёпа эмас ҳам дейлик, ахир куни кеча оқшомга яқин Стёпа ўз кабинетидан чиқиб, тўғри мана шу кабинетга анави тугуриқсиз шартномани кўтариб кириб, ўзининг енгилтаклиги билан молия директорининг зардасини қайнатган эди-ку. Ахир театрда ҳеч кимга ҳеч пима демасдан, қандай қилиб жўнаб ё учиб кетиши мумкин? Агар кеча кечкурун

учиб кетганида ҳам, Ялтага бугун тушгача етиб боролмаган бўларди. Ё етиб олармиди, а?

— Ялтагача неча километр? — сўради Римский. Варенуха зир югуришдан тўхтаб, бақириб берди:

— Ҳа, ўйладим! Буниям ўйладим! Темир йўл билан Севастополгача бир ярим минг километрча келади. Ялтагача яна саксон километр қўш. Лекин самолётда камроқ бўлади, албатта..

Ҳм... Ҳа... Поезд ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Хўш, унда қандай бориб қолди? Қирувчи самолётдами? Ким ҳам қирувчи самолётга чиқарарди сарпойчан Стёпани? Нима учун? Балким у Ялтага учиб боргандан кейин этигини ечгандир? Яна: Нима учун? Кейин, этиги бўлганида ҳам уни қирувчи самолётга чиқармаган бўлардилар! Шошманг, қирувчи самолётнинг бунга нима дахли бор ўзи? Ахир, аниқ қилиб ёзилган-ку: жиноий қидирув бўлимига кундуз ўн биру ўтгизда кириб келди деб, лекин у Москвада телефон орқали гаплашганида соат... ие, қизиқ-ку... Шу чоғ Римскийнинг кўзи олдида ўз соатининг циферблати кўринди... У соат милларининг қай алфозда тургапини эслай бошлади. Ё тавба! Эсига турганди: ўн бирдан йигирма минут ўтган эди. Бу қанақаси бўлди? Агар Стёпа телефондаги суҳбатдан кейин, аэродромга югуриб, у ерга, айтайлик, беш минутда етиб борган деб фараз қилинса (лекин сирасини олганда, бунга ҳам ҳеч ақл бовар қилмайди), унда самолёт беш минут ичида ҳам ҳавога кўтарилиб, ҳам минг километрдан кўпроқ масофани босиб ўтиб, Ялтага қўнган бўладими? Бундан чиқди, самолёт соатига ўн икки минг километрдан ҳам кўпроқ масофани учиб ўтаркан-да!!! Бу асло мумкин эмас, демак, Стёпа ҳам Ялтада эмас.

Хўш, яна қандай йўл қолди? Гипнозми? Одамзодни бирваракайига минг километр масофага улоқтириб юбора оладиган ҳеч қандай гипноз йўқ дунёда! Демак, Стёпа ўзини Ялтададек туйган! Ҳай, унга шундай туюлган бўлиши мумкин, лекин Ялта жиноий қидирув бўлимига ҳам шундай туюлган деб ўйлайсизми?! Э, йўқ,, кечирасиз-у, бундай бўлиши мумкин эмас!.. Ахир телеграммалар ўша ёқдан келяптими?

Молия директорининг юзида даҳшат акс этган эди. Шу пайт ташқаридан эшик бандини бураб, торга бошлашди, курьер аёлнинг жон-жаҳд билан чирқиллагани ниитилди:

— Мумкин эмас! Ўлдирсангиз ҳам киритмайман! Мажлис бўляпти!

Римский, баҳоли қудрат, ўзини қўлга олиб, телефон трубкасини кўтарди:

— Шошилинич Ялта билан уланг.

«Оқилона фикр», — деб кўнглидан ўтказди Варенуха.

Лекин Римский Ялта билан гаплаша олмади. У трубкани илиб, деди:

— Аксига юриб, линия шикастланган.

Негадир линиянинг шикастлангани уни, айниқса, қаттиқ ранжитди, ҳаттоки ўйлантириб ҳам қўйди. У бир оз ўйга толиб тургач, бир қўли билан яна трубкани олди, иккинчи қўли билан эса трубкага айтаётган сўзини ёза бошлади:

— Ўта шошилинич телеграмма қабул қилинг. Варьете. Ҳа. Ялта. Жиноий қидирув бўлимига. Ҳа. «Бугун соат ўн бир яримларда Лиходеев Москвада мен билан телефон орқали гаплашди, нуқта. Шундан кейин хизмат жойига келмади ва уни телефон орқали ахтариб топа олмаяпмиз, нуқта. Дастхатни тасдиқлайман, нуқта. Зикр этилган артистни кузатиш чорасини кўряпман. Молия директори Римский».

«Жуда маънили фикр!» — деб ўйлади Варенуха, лекин ўйини охирига етказмай, миясидан бошқа сўзлар «лип» этиб ўтди. «Бемаънилик! У Ялтада бўлиши мумкин эмас!»

Бу пайт Римский бундай қилди: ҳамма олинган телеграммаларни, уларга қўшиб ўз телеграммасининг нусхасини яхшилаб тахтлаб пакетга солди, пакетни конвертга солиб, уни елимлади, конверт устига бир неча сўз ёзиб, уни Варенухага тутқазар-кан, деди:

— Сен, Иван Савельевич, ҳозироқ шахсан ўзинг олиб бориб бер. Ўзлари бош қотириб кўришсин.

«Мана бу ҳақиқатан ҳам бамаъни фикр бўлди!» — деб ўйлади Варенуха ва конвертни портфелига солиб кўйди. Кейин, у ҳар эҳтимолга қарши, Стёпанинг те-лефони номерини яна бир марта териб кўриб, бир оз кулоқ солиб турди-да, бирдан хурсанд бўлиб сирли тарзда кўзини қиса бошлади. Римский хушёр тортиб бўйнини чўзди.

— Артист Воланд керак эди! — мулойимлик билан деди Варенуха.

— У киши бандлар, — деб жавоб қилди трубкада бир қалтироқ овоз, — ким сўраяпти?

— Варьете администратори Варенуха.

— Иван Савельевич? — шодланиб қичқириб юборди трубкадаги овоз. — Бениҳоя хурсандман овозингизни эшитганимдан! Саломатлигингиз қалай?

— Мерси, — жавоб қилди ҳайрон қолган Варенуха, — ким бу гапираётган?

— Унинг ёрдамчиси, ёрдамчи ва таржимони Коровьёвман, — деб жаврарди трубкадаги овоз, — камина хизматингизга тайёрман, эъзозли Иван Савельевич! Нима ишингиз бўлса, ҳеч тортинмай менга айтаверинг. Қулоғим сизда!

— Кечирасиз, Степан Богданович Лиходеев ҳозир уйда йўқми?

— Афсуски, йўқлар! Йўқлар! — шанғиллади трубка. — Кетганлар.

— Қаёққа?

— Шаҳар ташқарисига, машинада сайр қилгани..

— Қа... қаёққа? Са... сайрга?.. Қачон қайтиб келади.

— Бир оз тоза ҳавода дам оламану қайтиб келаман, деб айтдилар!

— Тушунарли... — деди эсанкираб қолган Варенуха. — Мерси. Илтимос, мосье Воландга айтиб кўйсангиз, у киши бугун саҳнага учинчи бўлимда чиқадилар.

— Айтаман. Бўлмасам-чи. Албатта. Шошилинч гарзда. Шак-шубҳасиз. Айтаман, — трубкадан узук-узук жавоб келди.

— Хўп, омон бўлинг, — деди ажабланган Варенуха.

— Менинг энг самимий, энг оташин саломимни ва истакларимни қабул қилгайсиз! — дерди трубка. — Сизга муваффақиятлар! Омад, бахт-саодат тилайман. Саломат бўлинг!

— Ҳаммаси равшан! Айтувдим-ку! — деб бақирди администратор жиғибийрони чиқиб. — Ҳеч қанақа Ялта-палта йўқ; шаҳар ташқарисига сайрга кетипти!

— Агар шу рост бўлса, — деди ғазабдан ранги докадек оқариб кетган молия директори, — бундай тўнғизликни нима деб аташни ҳам билмайман!

Шу пайт администратор сапчиб туриб кетиб шундай шанғиллаб бақирвордики, Римский сесканиб кетди:

— Бўлди! Эсимга тушди! Пушкинода «Ялта» деган чебурекхона очилган! Ҳаммаси тушунарли! Стёпа ўша ёққа борган, молдай ичиб олиб, энди ўша ердан телеграмма юбориб ётипти!

— Бу энди ғирт бемаънилиқ, — деди Римский асабдан ёноғи пир-пир учиб, азбаройи ғазабланганидан кўзларида ўт чакнаркан, — ҳали шошмай турсин, бу сайр унга жуда қимматга тушади, — шундай деб туриб у бирдан тўхтаб қолди ва тараддудланиб илова қилди: — Ие, жиной қидирув нима бўлади...

— Э, сафсата у! Унинг одатдаги найранги, — деб Римский сўзини бўлди қизиққон администратор ва сўради: — Пакетни элтиб бераверайми?

— Албатта, — деди Римский.

Шу пайт эшик очилиб, яна ўша аёл кириб келди... «Ўша!» — деб ўйлади Римский негадир маъюслиқ билан. Икковлари ҳам почтачи аёлга пешвоз туришди.

Бу галги телсграммада куйидаги сўзлар ёзилган эди:

«Тасдиқлаганингиз учун раҳмат. Жиной қидирув бўлими адресига мен учун шошилинч беш юз юборинг, эртага Москвага учаман. Лиходеев».

— Жинни бўлиб қолипти... — деди Варенуха зўр-базўр.

Римский эса калитни шарақдатиб, темир касса яшигини очди-да, ундан беш юз сўм пулни санаб олиб, кўнғироқ чалиб курьерни чақирди, пулни унинг қўлига тутқазиб, телеграфга юборди.

— Эсинг жойидами, Григорий Данилович? — деди Варенуха ўз кўзларига ишонмай. — Менимча, пул юбориб бекор қиялсан.

— Бекор бўлса, қайтиб келади, — деди Римский секингина, — лекин бу маишатбозлиги учун у ҳали роса адабини ейди, — сўнг Варенуханинг портфелига ишора қилиб қўшиб қўйди: — Сен борақол, Иван Савельевич, фурсат ғанимат.

Шундан кейин Варенуха қўлида портфели билан кабинетдан ўқдай отилиб чиқиб кетди.

У пастки қаватга тушиб, касса олдида турнақатор тизилишиб навбатда турган одамларни кўрди, кассир аёлдан, яқин бир соат ичида биттаям билет қолмас-лигини, чунки қўшимча афишани ўқиган одамлар гала-гала бўлиб кслаётганини эшитдида, кассир аёлга ложа ва партердан ўттизта энг яхши жойни сотмай, чегириб олиб қўйишни буюрди, сўнг ғизиллаб чиқиб, контрамарка сўраб хиралик қилувчиларнинг кўзини шамғалат қилиб, шу заҳоти кепкасини олгани ўз каби-нетига шўнғиди. Лекин у кабинетга кириши билан телефон жиринглаб қолди.

— Эшитаман! — деди бақириб Варенуха.

— Иван Савельевичми? — деб сўради телефонда ниҳоятда ёқимсиз пинғиллаган овоз.

— Ҳозир у театрда йўқ! — деб Варенуха чинқирган эдиямки, телефондаги овоз унинг сўзини бўлди:

— Майнавозчиликни қўйинг, Иван Савельевич, гапимни эшитинг. Қўлингиздаги телеграммаларни ҳеч қаёққа олиб ҳам борманг, ҳеч кимга кўрсатманг ҳам.

— Ким ўзи бу гапиряпкан? — деб бақирди Варенуха. — Ҳазилни бас қилинг, гражданин! Ҳозирнинг ўзида кимлигингизни аниқлаймиз! Номерингиз?

— Варенуха, — деди яна ўша хунук овоз, — сен ўзи рус тилини тушунасанми? Телеграммаларни ҳеч қаёққа олиб борма.

— Ие, ҳали шунақа шилқиммисиз? — бақирди администратор ғазабланиб. — Шошмай туринг ҳали! Бу қилмишингиз учун адабингизни беришади, — у яна бир нималар деб дағдаға қилди-да, бирдан жим бўлиб қолди, чунки трубкада уни энди ҳеч ким эшитмаётган эди.

Шу чоқ, мўъжаз кабинетга бирдан қоронғи туша бошлади. Варенуха кабинетдан ўқдай отилиб чиқиб, эшикни «қарс» этиб ёпди-да, ён томондаги йўлакдан ёзлик боғ томон югурди.

Администратор асабийлашган ва қаттиқ ҳаяжонда эди. Чунки у, бояги суллоҳона кўнғироқ қилган безорилар албатта бирон ножўя найранг кўрсатишади-ю, ўша найранглари Лиходеевнинг ғойиб бўлишига алоқадор бўлади, деб ўйлаган эди. Шу боис, ўша ёвуз пиятли одамларни фош қилиш истаги администраторни тинч қўймас, энг қизик томони шундаки, қандайдир кўнгилли бир воқеа содир бўлишини олдиндан ҳис қила бошлаган эди у. Одатда, бирон ерга жуда муҳим хабар етказиб, бутун жамиятнинг диққат-эътиборига мушарраф бўлишга интилган одамда туғилади бундай ҳиссиёт.

Боғда бирдан қаттиқ шамол туриб, администраторнинг йўлини тўсмокчи, уни огоҳлантормокчи бўлгандай, кўзларига кум пуркади. Иккинчи қаватда бир дераза ойнаси сингудек бўлиб қарсиллаб ёпилди, жўка дарахтларининг қир учлари безовта пгувиллади. Қош қорайиб, сал салқин тушди. Администратор кўзларини ишқалаб момақалдиروقдан да-рак берувчи ости зарранг булут Москва узра пастлаб сузаётганини кўрди. Олисан дағал қалдираган овоз эшитилди.

Варенуха қанчалик шошаётган бўлмасин, ёзлик ҳожатхонага бирров кириб, монтёрнинг электр лампасига сим тўр кийдирган ё кийдирмаганини текшириш истагидан воз кеча олмади.

У тир ёнидан югуриб ўтиб, қуюқ ўсган сирень буталари орасига кирди, ҳаворанг бўёқ билан бўялган ҳожатхона шу ерда жойлашган эди. Монтёр саришта одам экан, эркаклар бўлимида,

шифтга ўрнатилган лампа сим тўр билан тўсилган эди, лекин администраторни бу ерда бошқа нарса ранжитган эди: момақал-дироқ олдидан кун хийла қоронғилашган бўлишига қарамай, ҳожатхона деворларига кўмир ва қалам билан ёзиб ташланган ҳар хил бемаъни гапларни бемалол ўқиса бўларди.

— Оббо, ахир бу қанақа... — деб администратор энди гап бошлаган эди ҳамки, бирдан орқасидан кимнингдир хуриллаган овози эшитилди:

— Сизмисиз бу, Иван Савельевич?

Варенуха сесканиб кетди, орқасига ўгирилиб, афти мушукникига ўхшаб кетувчи бир бақалок одамни кўрди.

— Ҳа, мен, нимаиди? — ғижиниб жавоб қилди Варенуха.

— Ғоят, бағоят хурсандман, — деди мушуксимон бақалок одам миёвлагандай бўлиб, сўнг бирдан қулочкашлаб туриб унинг қулоқ-чаққасига шундай тарсаки туширдик, администраторнинг бошидан кепкаси учиб кетиб, ўтирғич қавагига тушиб ғойиб бўлди.

Бақалок одамнинг зарбасидан бутун ҳожатхона пириллаб ёнган чирокдан бир зумга ёришиб кетди ва момақалдироқ гумбурлаб унга жўр бўлди. Кейин яна бир бор чакмоқ чакди ва администраторнинг рўпарасида сочлари нақ оловдек малла, бир кўзига оқ тушган, оғзидан сўйлоқ тиши чиқиб турган, елкалари пахлавонона, аммо ўзи кичкинагина яна бир жонзод пайдо бўлди. Мана шу иккинчи жонзод, чамаси, чапақай бўлса керак, администраторнинг иккинчи чаккасида «шавла» қайнатди. Бу зарбага жўр бўлиб яна осмонда момақалдироқ гумбурлади, ҳожатхонанинг тахта томига шатир-шутир жала куя бошлади.

— Нима қиляпсизлар, ўртоқл... — дея пичирлади эси оғиб қолган администратор, лекин шу заҳоти, жамоатчилик ҳожатхонасида бегуноҳ одамга ҳужум қилган безориларни «ўртоқлар» деб аташ тўғри келмаслигини тушуниб хириллади: — гражда... — лекин уларнинг бу номга ҳам муносиб эмасликларини фаҳмлади, айти шу пайт икки безоридан бирининг учинчи даҳшатли зарбасига дуч келдию бурнидан лахта-лахта бўлиб оқаётган қон кўйлагини бўяди.

— Портфелингда нима бор, ярамас? — деб чийиллади мушукнамо одам. — Телеграммаларми? Уларни ҳеч қайққа олиб борма деб телефонда сени огоҳланти-ришмабмиди? Огоҳлантиришувдими деб сўраяпман сендан!

— Огоҳ... огоҳлаш... лантиришувди... — деб энтिका-энтика жавоб қилди администратор.

— Шунга қарамай югуриб қопсан-да? Бер буёққа портфелни, газанда! — боя телефонда эшитилган манқа овоз билан бақирди иккинчи махлуқ ва Варенуханинг титроқ қўлларидан портфелни тортиб олди.

Кейин икковлари администраторни икки томондан қўлтиқлаб олиб, уни боғдан судраб чиқишди-ю, Садовая кўчаси бўйлаб ғизиллатиб олиб кетишди. Момақалдироқ тобора кучлироқ гумбурлаб, дарё бўлиб оқаётган ёмғир суви канализация ўпқонларига гувиллаб, шовуллаб тушар, ҳаммаёқда сув сатҳида «чучвара кайнар», тўлқинлар пайдо бўлар, томга ёққан ёмғир суви тарновларга сиғмай, улар ёнидан шариллаб оқиб тушар, дарвозалар остидан кўпикланган ёмғир суви селдек оқиб чиқарди. Садовая кўчасида биронта ҳам гирик жон қолмаган эди, бинобарин, Иван Савельенични ҳеч ким халос эта олмасди. Чакмоқ чаққандагина лип-лип кўзга ташланган безорилар лойқа сув оқимларидан ҳатлаб, чалажон администраторни бир зумда 302-бис уйига етқизиб келишди-ю, лип этиб бостирмага киришди. Бу ерда иккита ялангоёқ аёл, туфли ва пайпоқларини қўлларига ечиб олганча деворга суқилиб туришарди. Кейин, безорилар олтинчи подъезд эшиги томон югуришди. Ҳушидан деярли кетиб бўлган Варенуха бешинчи қаватга олиб чиқилиб, Стёпа Лиходеевнинг унга яхши таниш бўлган квартирасининг нимқоронғи даҳлизига улоқтирилди.

Бу ерда икки босқинчи ғойиб бўлиб, улар ўрнида малласоч, кўзлари фосфордек яракловчи кип-яланғоч бир қиз пайдо бўлди.

Варенуха бошига тушган фалокатлар ичида энг даҳшатлиси шу эканлигини фаҳмлади,

қаттиқ инградию девор томон тисарилди. Қиз эса администратор олдига юзма-юз келиб, иккала кўлини унинг елкасига ташлади. Варенуханинг сочлари даҳшатдан тикка турди, чунки у шалаббо бўлган совуқ кўйлаги орқали ҳам қизнинг муз сингари совуқ кафтларини ҳис этган эди. — Кел, сени бир ўпай, — мулойим овоз билан деди қиз ва унинг пирпираган кўзлари Варенуханинг кўзларига яқинлашди. Шунда Варенуха ҳушидан кетдию қиз бўсасини ҳис этмади.

Ўн биринчи боб

ИККИ ИВАН

Дарёнинг нариги соҳилидаги, бундан бир соатгина бурун май куёши шуъласига ғарқ бўлиб турган қарағайзор энди хираллашиб, чаплашиб, охири ғойиб бўлди.

Дераза ташқарисида шаррос қуяётган ёмғир сидирға пардага ўхшаб туюларди. Осмонда дамбадам олов иплар порлаб, само торс-торс ёрилар, бемор ётган хона липилловчи кўркинчли шуълага ғарқ бўларди.

Иван кўпириб, қайнаб оқаётган лойқа дарёга тикилганча ўз каравотида товушсиз йиғлаб ўтирарди. Ҳар гал момақалди роқ гумбурлаганида у аянчли чинқирар, кўллари билан юзини қоплаб оларди. У ёзиб ташлаган варақлар ерда сочилиб ётарди; момақалди роқ арафасида хонага ҳувиллаб эсиб кирган шамол уларни ҳар томонга учуриб юборган эди.

Шоирнинг даҳшатли консультант тўғрисида ариза ёзишга уринишлари ҳеч қандай самара бермади. У семиз фельдшер аёлдан (унинг исми-шарифи Прасковья Фёдоровна эди) қоғоз билан калтагина қалам олган заҳоти ишчан одамлардек кафтларини бир-бирига ишқалаб шоша-пиша столча ёнига ўтирган эди. У аввалига ғайрати жўшиб, хатни шундай бошлади:

«Милицияга. МАССОЛИТ аъзоси Иван Николаевич Бездомнийдан. Ариза. Кеча кечкурун мен мархум М. А. Берлиоз билан Патриарх кўлига борган эдим...»

Лекин шоирнинг фикри шу заҳотиёқ, асосан «мархум» деган сўз туфайли чувалашиб кетди. Ариза бошидан бетутуриқ бўлиб чиқаётган эди: бу қанақаси ўзи — мархум... билан борган эдим? Мархумлар юрмайди! Тўғри-да, яна жиннига йўйиб юришса-я!

Иван Николаевич шу хаёлга бориб, ёзганини тузата бошлади. Энди бундай бўлиб чикди: «... кейинроқ оламдан ўтган М. А. Берлиоз билаи...» Бу ҳам муаллифни қониктирмади. Учинчи марта таҳрир қилишга тўғри келди, лекин униси аввалги иккитасидан ҳам баттар бўлиб чикди: «...Трамвай босиб кетган Берлиоз билан...» — яна, бунинг устига анави ҳеч ким билмайдиган адаш фамилияли композиторнинг шоир миясига хира пашшадек ёпишиб олгани ортиқча, шунинг учун: «... композитордан бошқа Берлиоз...» — деб кўйишга тўғри келди.

Иван бу икки Берлиоз билан қийналиб кетиб, ҳамма ёзганларини чизиб ташлади. Ўқувчи диққатини бошланишдан ўзига тортиб олиш учун жуда таъсирли, кучли сўзлардан бошламоқчи бўлди-ю, трамвайга чиққан мушук ҳақида ёзиб, шундан кейин узилган калла эпизодига ўтди. Узилган бош ва консультантнинг башорати унинг миясида Понтий Пилат ҳақидаги фикрларни уйғотди, шунда Иван, яна ҳам ишончли роқ бўлиши учун прокуратор ҳақида эшитганларини батафсил баён қилишга аҳд қилди.

Иван тиришқоқлик билан ишларкан, ёзганларини чизиб ташлар, янги сўзлар киритар, ҳаттоки Понтий Пилатнинг, ундан кейин орқа оёқларида турган мушукнинг расмини ҳам чизишга уриниб кўрди. Бироқ расмлар ҳам ёрдам бермади — шоирнинг аризаси тобора чигаллаша, ғализлаша борди.

Қирралари жимирловчи мудҳиш булут яқинлашиб қолиб, қарағайзор устини буркаган ва кучли шамол турган пайтда Иван ўзининг ҳолсизланганини, ариза ёзишни эпполмаслигини ҳис қилди-ю, шамол учуриб юборган варақларини ердан йиғиштириб ҳам ўтирмай, алам билан

товушсиз йиғлай бошлади.

Момақалдиروق пайтида оккўнгил фельдшер аёл Прасковья Фёдоровна шоирдан хабар олгани кирди, кирдию унинг йиғлаб ўтирганини кўриб кўрқиб кетди ва чақмоқдан бемор чўчимасин деб дарпардани ёпди, ерда сочилиб ётган варақларни йиғиштириб, ғизиллаганча врач хузурига югурди.

Врач келиб, Иваннинг кўлига укол қилди, сўнг: энди бошқа йиғламайсиз, ҳозир ҳаммаси ўтиб кетади, ўзгаради, унут бўлади, деб унга таскин берди.

Врач тўғри айтган экан. Ҳадемай дарё ортидаги ўрмон аввалги қиёфасига кирди. Аввалги беғубор ҳолига қайтган мусаффо осмон остида ўрмондаги ҳар бир дарахт яққол кўзга ташлана бошлади, дарё ҳам тинч оқа бошлади. Укол қилишган заҳоти ғусса ҳам шоирни тарк эта бошлади, мана энди у ўз каравотида осмонга ёйилган камалакни бамайлихотир кузатиб ётарди.

Бу ҳол окшомгача давом этди, у камалакнинг аста-секин ғойиб бўлганини ҳам, осмоннинг кути ўчиб, маҳзун бўлганини ҳам, ўрмоннинг қора тусга кирганини ҳам пайқамай қолди.

Иван қайноқ сут ичиб яна ўринга ётди, мулоҳазалари ўзгарганини ҳис қилиб, ўзи ҳам ҳайрон қолди. Шайтоннамо лаънати мушук ҳақидаги фикри майинлашди, узилган калла энди уни чўчитмас, шунга кўра, Иван буни хотирасидан фаромуш қилиб, энди, сира-сини олганда, бу шифохонада ётиш ҳечам ёмон эмас, Стравинский бамаъни ва машҳур одам, у билан мулоқотда бўлиш ниҳоятда кўнгилли, бунинг устига момақалдирудан кейин окшом ҳавоси ғоятда тотли ва тароватли бўларкан, деб ўйлай бошлади.

Ҳасрат уйи пинакка кетди. Сокин йўлаклардаги сирланган оқ лампалар ўчиб, улар ўрнига, қоидага кўра ҳаворанг тунги чироқлар ёнди, эшиклар ортида йўлакка тўшалган резина пояндоз устида оҳиста юрган фельдшер аёлларнинг оёқ товушлари тобора камроқ эшитила бошлади.

Энди Иван ширин ором олиб ётаркан, гоҳ шифтдаги абажур остидан майин шуъла сочаётган чироққа, гоҳ қора ўрмон ортидан бош кўтариб чиқаётган ойга нигоҳ ташлаб, ўзи билан ўзи суҳбатлашарди.

— Ўзи нега бунча қаттиқ ҳаяжонландима Берлиозни трамвай босиб кетганига? — деб мулоҳаза қиларди шоир. — Шунгаям ота гўри қозихонами? Нима, у менинг етти туғиб бир қолганимиди? Агар бу масалани яхшилаб таҳлил қилинадиган бўлса, мен, ҳатто дурустроқ ҳам билмас эканман марҳумни. Дарҳақиқат, унинг тўғрисида нима билардим? Ҳеч нарса, агар унинг боши кал, тили жуда бурро эканлигини айтмасам. Ундан кейин, граждандар, — Иван кимларгадир мурожаат қилганча гапини давом эттирди, — келинлар, бир нарсани ойдинлаштириб олайлик: қани, менга тушунтириб беринг-чи, нега энди мен анави бир кўзи ўлик ва қора шубҳали консультант, сеҳргар ва профессорга итдай ташландим ўзи? Шам ушлаб олиб ички иштонда уни орқасидан телбаларча қувишимнинг, ундан кейин, ресторанда кўрсатган бемаънигарчиликнинг нима кераги бор эди?

— Э, йўқ, йўқ, — деди аввалги Иван шоирнинг ё ичида, ё боши узра турган янги Иванга қатъият билан, — ҳар қалай, профессор Берлиознинг боши узилажагини олдиндан башорат қилдими? Демак, нега ҳаяжонланмаслик керак экан?

— Масала бошқа ёқда, ўртоқлар! — деб эътироз билдирди янги Иван аввалги Иванга. — Бунинг тагида қандайдир бир палидлик борлиги ҳатто гўдакка ҳам аён. Ўша консультант юз фоиз фавқулодда ва сирли шахс. Лекин энг қизиқ томони ҳам шунда-да! У Понтий Пилат билан шахсан таниш бўлган экан, бундан ҳам антиқароқ яна нима бўлиши мумкин? Патриарх кўли бўйида ғирт аҳмоқона ғалва кўтаргандан кўра ундан мулойимлик билан Пилат ва маҳбус Ҳа-Ноцри тўғрисида батафсил сўзлаб беришни илтимос қилинса, тўғри бўлмасмиди?

Мен бўлсам бошимга қаёқдаги ғалвани орттириб юрибман! Тўғри, журнал муҳарририни трамвай босиб кетгани — муҳим ходиса, албатта! Лекин нима, шу билан журнал ёпилиб қолармиди? Ҳай, илож қанча: одамзод ўлмай қолмайди, ҳатто тасодифан ҳам ўлиши мумкин, деб жуда ҳақ гап айтилган. Ҳай, жойи жаннатда бўлсин! Нима кипти, ўрнига бошқа муҳаррир

тайинланади, эҳтимол, буниси яна ҳам сўзамолроқ бўлар.

Янги Иван бир оз мудраб олгач, эски Ивандан сўради:

— Хўш, бу вазиятда мен ким бўлдим?

— Аҳмоқ! — деди кимдир дўриллаган овозда аниқ қилиб, лекин бу на янги, на аввалги Иваннинг овози эди, балки консультантнинг йўғон овозига жудаям ўхшаб кетарди.

Лекин Иван «аҳмоқ» деган сўздан негадир ҳеч хафа бўлмади балки ҳатто хуштаажжуб билан жилмайиб кўйди-ю, кўзи илиниб жим бўлиб қолди. Иван пинакка кетаркан, кўз олдида танаси фил оёғини эслатувчи пальма дарахти кўринди, мушук оҳиста ёнидан ўтиб кетди — у кўрқинчли эмас, қувноқ кўринарди. Хуллас, Иванни эндигина уйқу элита бошлаган ҳам эдики, бирдан дераза панжараси товушсиз бир томонга сурилди ва балконда ўзини ой шуъласидан панага оли-га уринаётган сирли бир шахс пайдо бўлди, у Иванга бармоғи билан пўписа қилди. Иван асло кўркмай каравотидан туриб, балконда бир эркак турганини кўрди. Бу эркак бармоғини лабига босиб пичирлади:

— Тссс!

Ўн иккинчи боб

СЕҲРГАРЛИК ВА УНИНГ ФОШ ЭТИЛИШИ

Бошига сариқ рангли тешик котелок-шляпа, эгнига катак шим, оёғига ялтироқ ботинка кийган, ноксимон бурни қип-қизил кичкинагина бир одам Варьете сахнасига икки ғилдиракли оддий велосипед миниб чикди. У фокстрот садоси остида сахнани бир марта айлангач, бурғи чалиб зафар наърасини тортган эди, велосипед орқа ғилдирагига туриб одди. Кичкина одам битта ғилдиракда бир оз сахна айлангач, оёғини осмонга кўтариб, велосипедни кўли билан бошқара бошлади ва айна пайтда унинг олд ғилдирагини чиқариб олиб парда орқасига думалатиб юборди, сўнг велосипед тепкиларини кўли билан айлантирганча бир ғилдиракда юришни давом эттирди.

Шундан кейин эгнига трико ва ҳаммаёғига кумуш юлдузчалар ёпиштирилган юбка кийган, тўладан келган сариқ соч аёл бир ғилдиракли жудаям баланд велосипед миниб чиқиб, у ҳам сахнада айлана бошлади. Кичкина одам бу аёл билан тўқпаш келганида боягадаги котелок-шляпасини оёғи билан ечиб, чинқириб саломлашарди.

Ниҳоят, саккиз ёшлардаги афти қаримсиқ бир бола автомобилнинг каттакон гудоги осилган кўшғилдиракли жажжигина велосипед миниб чиқиб, катталар оёғи остида ўралашиб, ғизиллаб юра бошлади.

Уччала артист сахнада бир неча марта гир-гир айлангач, оркестрдаги барабаннинг ваҳимали садоси остида югуриб сахна лабига келишган эди, биринчи қаторда ўтирган томошабинлар «воҳ», деб ўтирган ерларида орқага ташланишди, чунки одамларнинг назарида, уччала артист ҳам велосипедлари билан бирга оркестр жойлашган чуқурга йиқилиб тушаётгандай бўлиб туюлган эди.

Лекин артистлар, велосипедларининг олдинги ғилдираклари мусиқачилар устига қулагудек бўлган бир пайтда такка тўхташди. Велосипедчилар «Ап!» дея қаттиқ кичқиритиб, ерга сакраб тушдилар, айна пайтда сариқ соч аёл томошабинларга ҳавойи бўса юборди, гўдак эса гудогини бибилатиб кулгили сигнал берди.

Гулдурос қарсақлар бинони ларзага келтирди, ҳаворанг парда сахнанинг икки томонидан бир-бирига яқинлашиб келиб, велосипедчиларни кўздан яширди, эшиклар тепасидаги «чиқиш» деб ёзилган яшил чироқлар ўчди, гумбаз остидаги оппоқ шарсимон чироқлар ўргимчак инини эслатувчи гимнастика дорлари оралиғидан куёшдек чарақлаб ёнди. Танаффус бошланган эди, шу танаффусдан сўнг томошанинг охириги бўлими бошланиши керак.

Велосипедчи Жуллилар оиласи намоёиш қилган мўъжизага мутлақо қизиқмаган ягона одам Григорий Данилович Римский бўлди. У ёлғиз ўзи юпка лабларини тишлаб кабинетида ўтираркан, чехраси дам-бадам асабдан тиришарди. Лиходеевнинг ғайритабиий тарзда ғойиб бўлгани етмагандай, энди ҳеч қутилмаганда администратор Варенуханинг йўқолиб қолгани ортиқча бўлди.

Римский унинг қаёққа кетганини биларди, аммо у шу кетганича... қайтиб келмади! Римский елкасини учуриб-учуриб қўяркан, ўзича пичирлади:

— Ахир қайси гуноҳим учун?!

Молия директоридек ишбилармон одам учун Варенуха кетган ерга қўнғироқ қилиб, унга нима бўлганини сўраб билишдан осон иш бўлмаса ҳам, таажжубки, у то кечки соат ўнгача ўзини бу нарсага мажбур қила олмади.

Соат ўнга борганда Римский ўзини ўзи мажбур қилиб, ниҳоят телефон трубкасини қулоғига тутди, тутди-ю телефоннинг гунг бўлиб қолганини билди. Курьер бинодаги бошқа телефонлар ҳам ишламаётганини хабар қилди. Албатта, кўнгилсиз, аммо унчалик ғайритабиий бўлмаган бу ҳол молия директорини, негадир, тамомила хангу манг қилиб қўйди, лекин айна пайтда хурсанд ҳам қилди: у қўнғироқ қилиш заруратидан фориг бўлган эди.

Танаффусдан дарак берувчи қизил чироқ молия директорининг боши узра эндигина лип-лип ёна бошлаган эди, курьер кириб ажнабий артистнинг келганини хабар қилди. Негадир молия директори бу хабардан бир сесканиб тушди ва ўрnidан туриб, ковоғидан қор ёғгудек ўшшайганча, гастролёрни кутиб олгани парда орқасига йўл олди, чунки уни кутиб олиш учун Римскийдан бошқа ҳеч ким қолмаган эди.

Бир гуруҳ синчков одамлар: эгнига зарварақ шоҳи тўн кийиб, салла ўраган кўзбойлоқчилар, тўқима оқ куртка кийган коньки учувчию упа сепиб афтини оқартирган баёнчи ва гримчилар йўлакда уймалашиб туришаркан, ҳар хил ваз билан каттакон гримхонага мўралашарди.

Эгнига бичими ғоят антиқа ва ниҳоятда узун фрак кийиб, юзига фақат кўзларинигина беркитувчи қора ниқоб таққан машҳур артист ҳаммани ҳайратда қолдирди. Лекин бу сеҳргарнинг икки ҳамроҳи янада аломатроқ кўринди. Булар: эгнига катак камзул кийиб, кўзига шишаси дарз кетган пенсне таққан дароз одам билан хўппасемиз қора мушук эди — мушук гримхонага орқа оёқларида юриб кирди, бориб бемалол диванга ўтирди ва кўзларини сузиб грим столи ёнидаги яланғоч чироқчаларни кузата бошлади.

Римский ўзини жилмайишга мажбур қилиб (аммо у захарханда иршайди), диванда, мушукнинг ёнида гунг бўлиб ўтирган сеҳргар билан таъзим қилиб саломлашди. Қўл сиқиб кўришиш бўлмади. Лекин катак камзулли найнов: «Камина у кишининг ёрдамчисиман», деб ўзини танитди молия директорига. Бу вазиятдан молия директори яна ноҳуш таажжубланди: ахир шартномада ёрдамчи ҳақида ҳеч қандай сўз бўлмаган эди-ку.

Григорий Данилович, худди томдан тараша тушгандай, дабдурустдан пайдо бўлиб қолган бу катак камзулга мажбуран юзланиб, қуруқкина сўради:

— Аппаратларингиз қаерда?

— О самовий олмосимиз, эъзозли жаноб директор, — қалтироқ овоз билан жавоб қилди сеҳргар ёрдамчиси, — бизнинг аппаратларимиз, ҳаммаша ўзимиз билан бирга. Мана у! Эйн, цвей, дрей! — Шундай деб у Римскийнинг кўзи оддида ғадир бармоқларини айлантириб турди-да, бирдан унинг тугмалари қадалган камзули ичидаги нимчасининг чўнтагига солиниб, занжир билан тугма тешигига илинган олтин соатини занжири билан бирга мушукнинг қулоғи орқасидан олди.

Римский беихтиёр қўлини қорнига қўйди, бу мўъжизанинг шоҳиди бўлганлар ханг-манг бўлиб қолишди, эшик тирқишидан мўралаб турган гримчи эса мамнун бўлиб томоқ кириб қўйди.

— Сизнинг соатингизми? Марҳамат, олинг, — сурбетларча тиражйиб деди ёрдамчи ва

эсанкираб қолган Римскийга унинг буюмини исқирт кафтида узатди.

— Бунақа одам билан трамвайга чиқсанг уйинг куяди, — деб кувноқ оҳангда пичирлади баёнчи гримчининг кулоғига.

Лекин мушук соат воқеасидан ҳам антиқароқ найранг кўрсатди. У тўсатдан ўрнидан турди, орқа оёқларида юриб, устига кўзгу ўрнатилган столча оддига борди, олд оёқлари билан графин қопқоғини олиб, стаканга сув қуйди, сувни ичиб бўлиб, яна қопқоқни ёпди-да, грим латтаси билан мўйловини артди.

Энди одамлар, оғизлари ланг очилганча, тиллари калимага келмай, серрайиб қолишди, гримчи эса завқ билан пичирлади:

— О, қойилман!

Шу чоқ қўнғироқ учинчи марта ваҳима билан чалинди ва жуда қизиқарли номерларни кўриш ниятида бўлган одамлар гримхонадан нари кета бошлашди.

Яна бир дақиқадан кейин томоша залидаги шарсимон чироқлар ўчди, сахна оддидаги чироқлар ёниб, парда этагига қизғиш шуъла тушди, шунда эгнига эскирган кўйлак, ғижимланган фрак кийган, соқол-мўйлови олинган, худди гўдакдек хушчакчак, тўладан келгаи бир одам парда олдида пайдо бўлди. Бу бутун Москвага доврўғи кетган конференсье Жорж Бенгальский эди.

— Шундай қилиб, граждандар, — деб гап бошлади Бенгальский, гўдакларга хос жилва билан, — ҳозир сахнага чиқиш навбати... — шундай деб туриб Бенгальский ўз нутқини бўлди ва бошқача оҳангда гапира бошлади: — Бугун, учинчи бўлимда томошабинлар янаям кўпайган кўринади залда. Бугун бу ерга шаҳарнинг ярми йиғилган! Яқинда мен бир оғайнимни учратиб, унга: «Нега театримизга бормай кўйдинг? Кеча шаҳарнинг ярми йиғидди бизда», — деган эдим, у: «Мен шаҳарнинг иккинчи ярмида тураман!» — деб жавоб қилди. — Бенгальский гурра кулги кўтарилишини кутиб бир оз пауза қилди, лекин ҳеч ким кулмагач, гапини давом эттирди: — ... Шундай қилиб, ҳозир машҳур ажнабий артист месье Воланд сеҳргарлик сеансини сизларга намойиш қилади! Лекин сиз билан биз яхши тушунамизки, — шу ерга келганда Бенгальский донишмандона жилмайди, — сеҳргарлик ўзи дунёда йўқ нарса, у бидъат, холос, лекин маэстро Воланд кўзбойлоқчилик техникасини мукамал ўзлаштирганки, бу нарса сеҳргарлик сеансининг энг қизиқарли қисмида, яъни сеҳргарлик техникасини фош этиш пайтида сизларга ойдинлашади, аммо бизлар техника ва унинг фош этилиши тарафдори бўлганимиз сабабли жаноб Волапдни сахнага таклиф қиламиз!

Бенгальский шу тутуриқсиз нутқини жавраб бўлиб, икки кафтини бир-бирига чалиштирганча, парда оралиғига тикиб силкий бошлаган эди, парда оҳиста шириллаб икки томонга очилди.

Сеҳргарнинг ўз дароз ёрдамчиси ҳамда орқа оёқларида юривчи мушуги билан сахнага чиқиб келиши халққа жуда манзур бўлди.

— Менга кресло қўйинг, — деб буюрди Воланд секингина, шу заҳотиёқ сахнада қаёқдандир кресло пайдо бўлди-ю, сеҳргар унга бориб ўтирди, — айт-чи менга, азизим Фагот, — деб юзланди Воланд катак камзулли масхарабозга (чамаси, унинг «Коровьёв»дан бошқа ҳам исми бор бўлса керак), — сен нима дейсан, Москва нуфузи табиатида анча ўзгариш содир бўлган-а?

Сеҳргар креслонинг осмондан тушганини кўриб донг қотиб қолган оломонга қаради.

— Худди шундай, мессир, — оҳиста жавоб қилди Фагот-Коровьёв.

— Гапинг тўғри. Шаҳар аҳолиси зохиран жуда ўзгариб кетипти, айни пайтда, менимча, шаҳарнинг ўзи ҳам. Кийим-бошлар тўғрисида-ку гапирмаса ҳам бўлади, лекин мен... халиги... нимаиди... трамвай, автомобилларни назарда тутяпман.

— Автобусларниям, — илтифот билан илова қилди Фагот.

Халқ, бу суҳбат — сеҳргарликнинг муқаддимаси бўлса керак, деб ўйлаб, уни диққат билан тингларди. Сахна орқасида артистлар, сахна ишчилари ғиж-ғиж бўлиб кетган эди, уларнинг

башаралари орасида Римскийнинг бўздай оқарган тажанг юзи ҳам кўзга ташланарди.

Саҳна ёнига туриб олган Бенгальскийнинг чехрасида таажжуб аломатлари пайдо бўлди. У бир қошини хиёл чимирди-да, паузадан фойдаланиб гапира бошлади:

— Хориждан келган артист, техника жиҳатидан ривожланган Москвамизга, шунингдек, Москва аҳолисига таҳсин ўқимоқда, — шундай деб Бенгальский икки марта: олдин партердагиларга, кейин галереяга қараб, жилмайди.

Воланд, Фагот ва мушук конферансье томонга ўтирилдилар.

— Нима, мен таҳсин ўқидимми? — сўради сеҳргар Фаготдан.

— Асло, мессир, сиз ҳеч кимга ҳеч қандай таҳсин ўқимадингиз, — деб жавоб қилди у.

— Бўлмаса, нима деб жавраяпти манави одам?

— У шунчаки ёлғон гапирди! — бутун театр эшитадиган янгроқ овоз билан деди катак камзулли ёрдамчи ва Бенгальскийга ўтирилиб илова қилди: — Табриклайман сизни, ёлғончи гражданин!

Галереяда кулги кўтарилди, Бенгальский бир сесканиб, кўзларини чакчайтирди.

— Лекин мени кўпроқ қизиқтирган ғоятда муҳим масала, албатта, автобуслар, телефонлар ва ҳоказолар.

— Аппаратлар! — дея эслатди катак камзул.

— Жудаям тўғри, миннатдорман, — деб йўғон овоз билан оҳиста гапида давом этди сеҳргар, — ... аппаратлар эмас, балки шаҳар аҳолисининг дохилан қанчалик ўзгарганлигидир!

— Ҳа, бу ниҳоятда муҳим масала, тақсир.

Саҳна орқасида турганлар бир-бирларига қараб қўйиб, таажжубда елка қиса бошладилар. Бенгальский лавлагидай қизариб, Римский докадай оқариб кетди. Лекин шу маҳал сеҳргар бошланиб келаётган хаяжонни ҳис қилди шекилли, бундай деди:

— Дарвоқе, азизим Фагот, гапга берилиб кетиб, буёқда халқни зериктириб қўйибмиз-у. Қани, бошланишига биронта одмироқ ҳунарингни кўрсатчи бизга..

Зал енгил тин олиб, бир кўзғалиб қўйди. Фагот билан мушук рампа* ёқалаб икки томонга кетишди. Фагот бармоқдарини шақиллатганча:

— У, тўрт! — деб шўх қичқирди-да, ҳаводан бир даста қарта илиб олди, сўнг уни чийлаб туриб, узун лента қилиб мушукка узатди. Мушук уни илиб олиб, худди шу тарзда Фаготга қайтарди. Атлас қарта илондек вишиллади, Фагот оғзини худди полапондек очганча, бир даста қартани битта-биттадан ютиб юборди.

Шундан кейин мушук орқа ўнг оёғини судраб туриб, залга таъзим қилди ва гулдурос олқишга сазовор бўлди.

— Қойил! Бунақаси бўлмаган! — деб завқ билан қичқиришарди саҳна орқасида турганлар.

Фагот эса бармоғи билан партерга ишора қилиб деди:

— Энди, ҳурматли граждандар, ҳалиги қарта еттинчи қаторда ўтирган гражданин Парчевскийнинг чўнтагида, гражданка Зельковага алимент тўлаш ҳақида суддан келган чақирик қоғози билан битта уч сўмлик пул орасида.

Партерда ўтирганлар ғимирлаб, ўринларидан тура бошлашди. Ниҳоят, шу пайт таажжубдан қулоғигача қизариб кетган бир гражданин (унинг фамилияси ҳақиқатан ҳам Парчевский экан) ҳамёнидан қарта дастасини олиб, уни нима қилишни билмай, дам-бадам боши узра кўтара бошлади.

— Ўзингизга эсдалик бўлиб қолақолсин! — деб қичқирди Фагот. — Ахир сиз кеча кечкурун овқат пайтида, агар покер ўйини бўлмаганда Москвада бир кун ҳам яшай олмасдим, деб бекорга айтмовдингиз-ку.

— Алмисоқдан қолган найранг, — деди кимдир галереядан, — анави партердаги ўзларининг шериги бўлиши керак.

— Сиз шундай фикрдамисиз? — деб бақирди Фагот, галереяга кўзини сузиб қараркан. —

Ундай бўлса, сиз ҳам бизга шериксиз, негаки қарта ҳозир сизнинг чўнтагингизда!

Галереяда ҳаракат бошланди, сўнг хурсанд бўлган овоз эшитилди:

— Тўғри! Шунда экан! Шу ерда, шу ерда... Тўхта! Ие, червон пулларку!

Партердагилар галерея томонга бошларини ўгиришди. У ерда бир гражданин ўз киссасидан банк усулида боғланиб, устига «бир минг сўм» деб ёзилган бир даста пул топиб ҳанг-манг бўлиб қолган эди.

Атрофида ўгирганлар унинг устига ёпирилишди, у эса пуллар ростакаммикин ё сеҳрли қоғозлармикин деб даста пул устидаги қоғозни тирноғи билан йиртишга уринарди.

— Азбаройи худо, ростакам пул! Червон пуллар! — деб қичқиришди галереядан қувончли овозлар.

— Мен билан ҳам шунақа ўйин ўйнанг, — деб кулди партернинг ўрталарида ўтирган бир бақалоқ одам.

— Авек плезир! — деди Фагот. — Нега энди фақат сиз билан? Ҳамма фаол иштирок этади бу ўйинда! — кейин команда бера бошлади: — Ҳамма юқорига қарасин!.. Бир! — шу чоқ унинг қўлида пистолет пайдо бўлди, сўнг: — Икки! — деб қичқирди. Пистолетнинг оғзи осмонга қаради. — Уч! — деб қичқирган эди, ўт чакнаб, «пақ» этган овоз эшитилди-ю, гумбаз остидан, ҳар ёққа тортилган сим ва арқон дорлар орасидан залга оқ қоғозлар ёға бошлади.

Қоғозлар гир-гир айланиб учар, баъзилари галереяга, баъзилари оркестр жойлашган ерга, ҳатто саҳнага ҳам учиб тушар эди. Бир неча сониядан кейин томошабинлар устига пул лайлакқордек гупиллаб ёға бошлади, одамлар туриб кетиб, пулларни илиб ола бошладилар.

Юзлаб қўллар ҳавога кўтарилди, томошабинлар ўзлари илиб олган қоғоз пулларни чароғон саҳна томонга қараб, кўзларига яқин олиб боришар, уларда ҳақиқий сувли белгилар борлигига, яъни пулларнинг ростакам эканлигига ишонч ҳосил қилишарди. Пулларнинг ҳиди ҳам ҳеч қандай шубҳа уйғотмасди: бу — фақат эндигина босмадан чиққан пулларгагина хос бўлган жозибали хид эди. Бутун театрни авалига шодлик, сўнг хайрат туйғуси қамраб олди. Ҳаммаёқдан: «Червонлар, ҳақиқий червон пуллар», — деган сўзлар, «вой, вой-бў» — деган ундовлар ва қувноқ кулги гувиллаб эшитиларди. Баъзи бировлар креслолар остига тушган пулларни қидириб қаторлар орасида эмаклай ҳам бошлаган эди. Кўпчилик ўтирғичлар устига чиқиб олиб, ҳар томонга шох ташлаб, пирпирак бўлиб учиб тушаётган қоғоз пулларни илишга ҳаракат қиларди.

Милиционерлар борган сари кўпроқ хайратга кела бошлашди, артистлар эса энди парда орқасидан бемалол мўралай бошлашганди.

Бельэтаждан*: «Нега чанг соласан? Бу меники! Мен томонга учиб тушаётувди!» — деган овоз ва унга жавобан: «Туртма мени, агар мен сени туртсам, онангни кўрасан!» — деб бақирган бошқа овоз эшитидди. Сўнг бирдан шапалоқ овози келди. Шу захоти бельэтажда милиционер қалпоғи пайдо бўлиб, у ердан кимнидир олиб чиқиб кетишди.

Хуллас, одамларнинг ҳаяжони тобора ортиб борарди, агарда Фагот ҳавога бир пуфлаб пул ёғинини таққа тўхтатмаганида борми, охири нима бўлишини билиб бўлмасди.

Иккита ёш йигит маънодор ва шўх кўзларини уриштириб олиб, ўринларидан туришди-ю, тўппа-тўғри буфетга йўл олишди. Театр мисоли ари уяси эди, томошабинларнинг кўзлари асабий чакнарди. Ҳа, дарҳақиқат, бу машмашанинг оқибати нима бўлишини ҳеч ким айта олмас эди — агар Бенгальский ўзини қўлга олиб, жойидан қўзғалмаганида. У ўзини яхшилаб тутиб олишга уриниб, одати бўйича кафтларини бир-бирига ишқади ва овозини мумкин қадар жарангдор қилиб деди:

— Шундай қилиб, гражданинлар, ҳозир сиз билан биз оммавий гипноз дейилувчи воқеанинг шоҳиди бўлдик. Бу — сеҳргарликда ҳеч қандай мўъжиза йўқлигини жуда аниқ исботловчи соф илмий тажриба. Энди маэстро Воланддан мазкур тажрибани фош қилишларини илтимос қиламиз. Ҳозир, гражданинлар, сиз ана шу пул бўлиб кўринган қоғозларнинг қандай пайдо бўлган

бўлса, шундай зумда ғойиб бўлишини ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Шундай деб у чапак чала бошлади, лекин унга биронта ҳам одам жўр бўлмади, у чапак чалаётганида чехрасида ишончли табассум ўйнаган эди, аммо кўзларида ишончдан асар ҳам йўқ эди, унинг кўзлари кўпроқ илтижони ифодаларди.

Бенгальский нутқи халққа ёқмади. Бутун зал шундай теран сукутга толдики, уни фақат катак камзулли Фагот бузди.

— Буям яна, ҳали айтганимиздек, ёлғончилик намунаси, — деди у таканики сингари қалтироқ ва шанғи овоз билан. — Бу қоғозлар, гражданлар, ҳақиқий пуллардир!

— Браво! — деб бўқирди бир йўғон овоз юқоридан.

— Сирасини айтсам, бу одам, — деб Фагот Бенгальскийни кўрсатди, — жонимга тегди. Ҳамма нарсага тумшуғини тикяпти, қалбаки лукмалари билан сеансга путур етказяпти! Нима қилсак бўларкина буни?

— Калласини олиш керак! — деди галериядан туриб кимдир ғазаб билан.

— Нима дедингиз? Лаббай? — Фагот шу захоти илиб кетди бу ярамас таклифни. — Калласини олиш керак? Доно фикр! Бегемот! — деб бақирди у мушукка. — Бажар! Эйн, цвей, дрей!

Шунда мутлақо кутилмаган ҳол юз берди. Қора мушукнинг туклари тиккайди, у мудҳиш овоз билан миёвледи. Кейин ғужанак бўлиб туриб тўғри Бенгальскийнинг кўксига қоплондек сапчиди-да, унинг бошига сакраб чикди. Мушук хириллаганча момик панжалари билан конференсьенинг сийрак сочларини чангаллаб олди ва ваҳшиёна чинқирганча бошини икки марта бураб, йўғон бўйнидан узиб олди.

Театрдаги икки ярим минг одам бараварига чинқириб юборди. Бенгальский узилган бўйнидаги томирларидан қон тизиллаб отила бошлади, унинг манишкаси¹⁰, фраки қонга бўялди. Залдан аёлларнинг жонҳолатда чинқирганлари эшитилди. Мушук узилган бошни Фаготга берди, у эса бошнинг сочидан ушлаб, уни халққа кўрсатди, шунда бош жон аччиғида бутун театрни бошга кўтариб бақирди:

— Доктор чақиринглар!

— Бундан кейин ҳам тутуриқсиз гапларни жаврайсанми? — дағдаға билан сўради Фагот йиғлаётган бошдан.

— Бошқа қилмайман! — деб хириллади бош.

— Худо ҳаққи, қийнаманг уни! — ложадан аёл кишининг ғоятда ўткир чинқириғи эшитилди, сеҳргар шу овоз келган томонга юзини ўгирди.

— Хўш, гражданлар, кечирамизми буни? — сўради Фагот залга юзланиб.

— Кечирилсин! Кечирилсин! — аввалига кўпроқ аёлларнинг айрим-айрим овозлари эшитилди, кейин эса эркаклар ҳам уларга жўр бўлиб баравар қичкира бошлашди.

— Сизнинг фикрингиз, мессир? — сўради Фагот ниқоб таққан сеҳргардан.

— Хай, нима ҳам деймиз, — ўйчанлик билан деди у, — булар — одамзод ахир. Пулни яхши кўришади, лекин ўзи ҳаммавақт шундай бўлган-ку... Бутун инсоният пулни яхши кўради, у нимадан ясалган бўлмасин — териданми, қоғозданми, бронзаданми, олтинданми — бари бир. Чунки улар энгилтак хилқатлардир... Хай, начора... уларнинг қалбларида баъзан шафқат туйғулари ҳам уйғониб қолади... оддий бандалар... умуман, қадимги одамларга ўхшаб кетишади булар ҳам... фақат уй-жой масаласи одамгарчиликдан чиқарибди! — Сўнг баланд овоз билан буюрди: — Бошини ўрнига жойлаштиринг.

Мушук яхшилаб мўлжаллаб туриб бошни бўйинга қўндирди, оқибат, калла ҳеч қачон танасидан ажралмагандай, ўз ўрнига пухта жойлашди. Энг муҳими, бўйиннинг узилган ерида ҳеч қандай чандиқ изи қолмади. Мушук Бенгальскийнинг фраки ва манишкасини панжаси

¹⁰ Манишка — кўйлакнинг фақат фрак остидан кийилалиган кўкрак қисми.

билан елпиган эди, улардаги қон доғидан асар ҳам қолмади, Фагот ерда ўтирган Бенгальскийни оёққа турғазди, фракнинг киссасига бир даста пул солиб қўйиб, уни сахнадан чиқариб юбораркан, деди:

— Қани, туёгингизни шиқиллатинг! Қайтага сизсиз яхшироқ вақтичоғлик қиламиз.

Конферансье атрофга безрайиб қараб, гандираклаганча бир амаллаб ўт ўчирувчи постига етиб борди, лекин шу ерга етганда аҳволи оғирлашди. У аянчли чинқирди:

— Вой бошим, бошим!

Унинг олдига бошқалар катори Римский ҳам югуриб борди. Конферансье йиғлар, қўллари билан ҳавода бир нимани ушламоқчи бўлар ва ғўлдирарди:

— Бошимни беринглар! Бошимни қайтариб беринглар! Майли, квартирамни, суратларимни олинглар, фақат бошимни қайтариб берсанглар бўлгани!

Курьер врач чақиргани югурди. Бенгальскийни гримхонадаги диванга ётқизмоқчи бўлишувди, у одамларни силтаб, тегиб тўполон қила бошлади. Извош чақиришга тўғри келди. Бахтиқаро конферансьени олиб кетишгандан кейин Римский яна сахна томон югуриб, у ерда янги мўъжизалар содир бўлаётганини кўрди. Ҳа, айтгандай, шу маҳалми ё бундан сал олдинроқми, ҳарҳолда сеҳргар ўзи ўтирган эски кресло билан бирга сахнадан ғойиб бўлган, аммо шуни айтиш керакки, Фагот сахнада намойиш қилаётган ғайриоддий нарсаларга маҳлиё халқ Воланднинг ғойиб бўлганини мутлақо пайқаманган эди.

Фагот эса жабрланган конферансьени чиқариб юборгач халққа шундай деган эди:

— Мана энди, анави хира пашшадан қутулганимиздан кейин, келинлар, аёллар магазинини очамиз!

Шу заҳотиёқ сахна сахнига эроний гиламлар ёйилди, икки биқинидан трубкасимон оч-яшил чироқлар билан ёритилган катта-катта тошойналар ва улар оралиғида витриналар пайдо бўлди, шодиёна ҳайратга келган томошабинлар ва витриналарда Парижда тикилган турли ранг ва бичикдаги аёллар қўйлақларини кўришди. Бу қўйлақлар битта витринага жойлашган бўлса, бошқаларида аёлларнинг ҳар хил: пат қадалган ва патсиз, тўқали ва тўқасиз юзлаб шляпалари, шунингдек, қора, оқ, сариқ рангдаги, чармдан, атласдан, майин чармдан тикилган, тасмали ва тугмали беҳисоб туфлилар пайдо бўлди. Шу туфлилар орасида кутичаларда чироқ шуъласида товланувчи биллур атир шишачалар. Кийик терисидан, духоба чармдан, шохидан тикилган тоғ-тоғ сумкачалар, улар орасида зарб қилинган, чўзинчоқ олтин ғилофчаларда лаб бўёқлари.

Шу пайт қай гўрдандир пайдо бўлган, эгнига анжуманбоп қора либос кийган, бўйнидаги ғоят аломат чандиғи бўлмаса, чинакам соҳибжамол кўрунувчи малласоч қиз витриналар олдида туриб, шу ернинг бекаси сифатида табассум қилди.

Фагот ширингина жилмайиб, парижча фасондаги бу қўйлақлару пойабзални фирма, сиз — аёлларнинг кийилган, эски қўйлақларингиз, пойабзалларингизга айирбошлайди, деб эълон қилди. Сумкачалар, атир ва бошқа буюмлар тўғрисида ҳам шундай айирбошлаш бўлишини илова қилди..

Шу пайт мушук орқа оёқларини бир-бирига уриб, аини чоғда олдинги оёқлари билан эшикоғасига хос ҳаракат қилди.

Қиз эса анчагина мужмал, аммо партердаги аёлларнинг чеҳрасига қараганда кишини васвасага солувчи бир қўшиқни чучук тил билан хириллаб, аммо ширин қилиб куйлади:

— Херлэн, Шанель номер беш, Мицуко, Нарсис Нуар, анжуман қўйлақ, коктейль қўйлақ...

Фагот эгилиб-букилар, мушук таъзим қилар, қиз ойнаванд витриналарни очарди.

— Марҳамат! — деб шанғилларди Фагот. — Ҳеч тортинмасдан, такаллуфсиз келаверинглар!

Халқ безовта бўла бошлади, лекин ҳозирча сахнага чиқишга ҳеч ким журъат этмади. Бироқ мана, қорачадан келган бир аёл партернинг ўнинчи қаторидан турди ва ҳеч қанақа гап-сўзга парво қилмайдиган одамдек жилмайиб, ён томондаги зиначадан сахнага чикди.

— Браво! — деб қичқирди Фагот. — Энг биринчи меҳмонни қутлайман! Бегемот, кресло!

Пойабзалдан бошлаймиз, мадам.

Аёл креслога ўтирди. Фагот шу заҳоти аёлнинг оёғи остига, гиламга олам-жаҳон туфлиларни тўкиб ташлади.

Қорасоч аёл ўнг оёғидаги туфлини ечиб, оч бинафша ранг туфлини кийиб кўрди, гиламда туриб, пошнасини босиб кўрди.

— Оёғимни сикмасмикин? — ўйчанлик билан сўради аёл.

Бунга жавобан Фагот ранжиб деди:

— Йўғ-э, нима деяпсиз? — мушук ҳам хафа бўлиб миёвлаб кўйди.

— Мен олдим шу туфлини, мосье, — деди қорасоч аёл викор билан ва иккинчи оёғига ҳам туфли кия бошлади.

Аёлнинг эски туфлилари парда орқасига отиб юбоилди, унинг ўзи ҳам малласоч қиз ва Фаготнинг кузатувида ўша томонга йўл олди; Фагот елкасига бир нечта модали кўйлақларни ташлаб олган эди. Мушук югуриб-елиб кўмаклашар, савлатлироқ бўлсин учун бўйнига сантиметр осиб олган эди.

Яна бир дақиқадан кейин қорасоч аёл парда орқасидан шундай антиқа кўйлақда чиқиб келдики, буни кўриб бутун партер бирваракайига хўрсинб юборди. Энди ниҳоятда дилбар бўлиб кетган довярак аёл тошойна қаршисида туриб, яланғоч елкаларини учирди, энсасидаги сочига оҳиста қўлини теккизиб кўйди ва ўзининг орқа томонини кўзгуда куриш мақсадида буралиб қарай бошлади.

— Фирмамиз ушбуни эсдалик учун қабул қилишингизни сўрайди, — деди Фагот ва қорасоч аёлга атир шиша ўрнатилган қопқоғи очик қутича узатди.

— Мерси, — деди аёл викор билан ва зинадан тушиб партер сари юра бошлади. У борар экан, йўл-йўлакай томошабинлар ўринларидан туриб, қутичани ушлаб кўришарди.

Шу пайт бирдан ўпқон очилдию, залнинг ҳам-маёғидан аёллар сахна томон оқа бошладилар. Оломоннинг ҳаяжонли ғовур-ғувури, кулгиси ва оҳу воҳлари орасидан бир эркакнинг: «Сахнага чиқишингга йўл кўймайман!» — деган овози ва аёл кишининг унга: «Золим ва мешчан эр, кўлимни қайирманг!» — деб чинқиргани эшитилди. Аёллар парда орқасига ўтишар, у ерда ўз либосларини қолдириб, янгисини кийиб чиқишарди. Заррин оёқли курсиларда қатор тизилишиб ўтириб, оёқларига лойиқ туфлиларни кийиб кўришарди. Фагот тиз чўкиб олиб, кўлидаги шохдан ясалган қошиқ билан аёлларга кўмаклашар, ҳаллослаганча кучоқ-кучоқ сумкачалар ва туфлиларни витринадан курсилар турган ерга олиб келар, қайтариб олиб кетарди, бўйнида чандиғи бор ойимқиз эса гоҳ пайдо бўлар, гоҳ яна ғойиб бўларди, энди у бора-бора буткул французча жаврай бошлаган эди, аммо энг қизиғи шундаки, ҳамма аёллар, ҳаттоки битта ҳам французча сўзни билмайдиган аёллар ҳам, унинг сўзларини энди гапи тугамасданок тушуниб олардилар.

Аёллар орасида суқилиб сахнага чиқиб олган бир эркак ҳаммани хайрон қолдирди. У хотини грип бўлиб уйда ётганини, шу сабабли ўзи орқали хотинига бирон нима бериб юборишларини сўради. Бу гражданин, ҳақиқатан ҳам хотини борлигини исботлаш учун, паспортини кўрсатишга ҳам тайёр эди. Ғамхўр эрнинг бу баёнотини халқ қаҳ-қаҳ уриб қарши олди, Фагот паспортсиз ҳам сизга ўзимга ишонгандай ишонаман деб шанғиллади-да, эркакка икки жуфт ипак пайпоқ тутқазди, мушук эса сийловига бир қутичада лаб бўёқ берди.

Кечиккан аёллар сахнага отилишар, аини пайтда бал кўйлақлари, аждар гулли пижамалар, сипо ташриф либослари, бир қошга бостирилган шляпалар кийган бахтиёр аёллар сахнадан тизилишиб тушиб келишарди.

Шу пайт Фагот, вақт кеч бўлгани сабабли яна бир дақиқадан кейин магазин эртага кечқурунгача ёпилади, деб эълон қилган эди, сахнада ғайри тавсиф бесаранжомлик бошланди. Аёллар оёқларига кийиб ҳам кўрмасдан туфлиларга апил-тапил чанг сола бошлашди. Бир аёл сахна орқасига нақ бўрондек учиб кириб, эғнидаги кийимини шартта ечиб ташлади-ю, қўлига

илинган биринчи либосга — парча-парча гулли шойи халатга чанг солди, бундан ташқари, яна икки шиша атирни ҳам илиб кетди.

Роса бир дақиқадан кейин пистолетдан ўқ узилиб, тошойналар ғойиб бўлди, витрина ва курсилар қаёққадир чўкди, гилам ҳам, дарпардалар ҳам ҳавода эриб йўқ бўлди. Энг охирида тоғ-тоғ бўлиб уйилиб ётган эски кўйлақлару пойабзаллар ғойиб бўлди ва сахна яна аввалги бўм-бўш хувиллаган ҳолига кирди.

Ана шунда орага янги персонаж аралашди.

Иккинчи ложадан бир хушовоз эркакнинг ёқимли ва жарангдор овози эшитилди:

— Ҳар қалай, гражданин артист, ҳозирнинг ўзида фокусларингизнинг техникасини, айниқса қоғоз пул борасидаги фокусингизни томошабинларга фош қилишингизни истардик. Шунингдек, яна, конференсьени сахнага қайтарсангиз яхши бўларди. Унинг тақдири томошабинларни ҳаяжонга солмоқда.

Бу хушовоз томошабин бугунги томошанинг фахрий меҳмони, Москва театрлари акустика комиссиясининг раиси кимсан — Аркадий Апполонович Семплеяров эди.

Аркадий Апполонович ложада икки аёл билан ўтирарди: уларнинг бири — мода бўйича ва қимматли кийим кийган, анча ёшга бориб қолган, иккинчиси — одмигина кийинган ёш ва кўҳликкина эди. Кейинроқ протокол тузилган пайтда маълум бўлдики, биринчи аёл Аркадий Апполоновичнинг хотини, иккинчиси эса — унинг узоқ қариндоши бўлиб, у Саратовдан келган ва ҳозирги пайтда шу Семплеяровларнинг квартирасида яшаб турган келажаги порлоқ ёш актриса экан.

— Пардон! — деб жавоб қилди Фагот. — Мени авф тгасиз, бунинг ҳеч қандай фош қиладиган томони йўқ, ҳаммаси тушунарли.

— Йўқ, кечирасиз! Фош этиш шарт. Шусиз бу ажойиб номерларингиз дилда оғир асорат қолдиради. Томошабин аҳли изоҳ талаб қилади сиздан.

— Томоша аҳли, — деб сурбет масхарабоз Семплеяровнинг сўзини бўлди, — ҳеч нима талаб қилгани йўқ шекилли? Аммо, сизнинг мўътабар истагингизни эътиборга олиб, Аркадий Апполонович, майли, мен фош қиламан. Лекин ундан олдин яна битта кичкинагина номер кўрсатишга ижозат берсангиз!

— Бемалол, — жавоб қилди Аркадий Апполонович мурувват кўрсатиб, — аммо охирида албатта фош қилиш бўлсин.

— Бош устига, бош устига. Шундай қилиб, қани, саволимга жавоб беринг-чи, кеча кечкурун қаерда эдингиз, Аркадий Апполонович?

Мана шу ноўрин, ҳатто таҳқирона деса ҳам бўлади, саволни эшитган Аркадий Апполоновичнинг чеҳраси ўзгарди, ўзгаргандаям жуда ёмон ўзгариб кетди.

— Аркадий Апполонович кеча кечкурун акустика комиссиясининг мажлисида эди, — дея баёнот берди унинг хотини ўта такабурлик билан, — аммо бунинг сеҳргарликка нима алоқаси бор, тушунмадим.

— Уй¹¹, мадам, — деб таъкидлади Фагот, — тушунмаётганингиз табиий ҳол. Мажлис масаласида сиз мутлақо гумроҳсиз. Аркадий Апполонович, ўша сиз айтган, аслида эса кеча бўлмаган, мажлисга жўнаб кетгач, Чистие пруди яқинидаги акустика комиссиясининг биноси оддида ўз шофёрига жавоб бериб юборган (бутун зал сув қуйгандек жим бўлиб қолди), ўзи эса автобусда Елоховская кўчасига, район сайёр театрининг артисткаси Милица Андреевна Покобатьконикига меҳмонга борган ва у ерда тўрт соатча меҳмон бўлиб қолган.

Шу теран сукутда кимнингдир изтиробли нидоси эшитидди:

— Вой! —

Аркадий Апполоновичнинг ёш қариндоши бирдан дўрилловчи даҳшатли овоз билан хахолаб

¹¹ Уй (фр.) — Ҳа, тўғри деган маънони билдиради

юборди.

— Гап буёқда экан-да! — деди у, — ўзимам кўпдан шубҳа қилиб юрардим буни. Луиза роли нима сабабдан ўша ношудга берилгани мана энди ойдинлашди менга!

Шундай деб туриб у бирдан қўлидаги калта дастали бинафшаранг йўғон зонти билан Аркадий Апполоновичнинг бошига аямай туширди.

Ярамас Фагот, яъни Коровьев эса бақирди:

— Мана, мухтарам граждандар, Аркадий Апполонович кўярда-қўймай талаб қилган фош қилиш ходисаларидан бири!

— Аркадий Апполоновичга қўл кўтаришга қандай ҳаддинг сиғди, манжалақи? — деб дағдаға қилди Аркадий Апполоновичнинг хотини маҳобатли қаддини тиклаб ўрнидан тураркан.

Қариндош жувон яна бир марта иблисона қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Бошқаларнинг ҳадди сиғмасаям, — деб жавоб қидди хахолаганча, — менинг ҳаддим сиғади қўл кўтаришга! — Шунда иккинчи марта «қарс» этган товуш эшитидди — аёлнинг зонти Аркадий Апполоновичнинг бошига урилиб коптокдек сакраган эди.

Шунда Семплеяровнинг хотини:

— Милиция! Қамоққа олинглар буни! — деб шундай даҳшатли шанғилладики, кўпчилик одамларнинг юраги «шув» этиб кетди.

Бунинг устига мушук ҳам сахна олдига отилиб чиқиб, бутун театрни бошига кўтариб бирдан одамзод овози билан бақирди:

— Сеанс тамом! Маэстро! Маршни дўндириш! Эс-хушини йўқотиб қўйган дирижёр ўзининг нима қилаётганини тушунмай, дирижёрлик чўпини силкиди ва оркестр қандайдир ғайритабиий бениҳоя одобсиз бир маршни чалмади, гумбурлатмади, балки мушукнинг разилона ибораси бўйича — дўндирди...

Лекин энг муҳими бу эмас, балки шу воқеалардан кейин Варьетеда қиёмат қойим бошлангани бўлди. Милицонерлар Семплеяровлар ўтирган ложа томон югуриб кетишди, томошатаблар ложа тўсиғидан ошиб ўтмоқчи бўлишар, мудҳиш қаҳқаҳа, ваҳшиёна бақириқлар ва буларнинг ҳаммасини босгудек бўлиб оркестрдаги мис зилнинг жаранги янграрди.

Худди шу пайтда сахна бирдан бўм-бўш бўлиб қолди, боя жанда эскирган креслода ўтирган сеҳргар шу кресло билан бирга қандай ғойиб бўлган бўлса, энди Фагот билан сурбет мушук Бегемотнинг бир дам солиши билан вужудга келган нарсалар ҳам шундай ғойиб бўлган эди.

Ўн учинчи боб

ҚАХРАМОННИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Шундай қилиб, бегона одам Иванга бармоғи билан пўписа қилиб, пичирлади: «Тсс!»

Иван каравотдан оёғини тушириб ўтириб, унга тикилиб қаради. Ўттиз саккиз ёшлардаги соқол-мўйлови олинган, қора сочи пешанасига тушиб турган, қиррабурун, кўзлари бежо одам балкондан охишта мўр алаётганди.

Бу ғалати меҳмон Иваннинг ёлғизлигига ишонч ҳосил қилгач, ташқарига бир оз кулоқ солиб турди-да, охири хонага киришга журъат этди. Шундагина Иван унинг касалхона кийимида эканлигини кўрди. У эгнида ички кўйлак-иштон, сарпойчан оёғига туфли кийиб, елкасига кўнғирранг халат ташлаб олган эди.

Меҳмон Иванга кўз қисиб қўйиб, қўлидаги бир шода калитни чўнтагига солиб қўйди-да: «Ўтирсам майлими?» — деб сўради, Иван бош ирғатиб рози бўлгач, креслога ўтирди.

— Бу ерга қандай кирдингиз? — Иван меҳмоннинг қоқ суяк бармоғи пўписасига риоя этиб, пичирлаб сўради. — Балкон панжараси кулфлоглиқ эди-ку!

— Панжара-ку қулфлоглиғ-а, — деди меҳмон, — лекин Прасковья Фёдоровна, гарчи кўп латофатли аёл бўлса ҳам, ўта паришонхотир. Бундан бир ой олдин унинг бир шода калитини ўғирлаб олганман, шундан бери биринчи қаватнинг гир айлана балконларига чиқишга, баъзан эса қўшниларим билан учрашиш имконига эга бўлдим.

— Баски балконга чиқа оларкансиз, қочиб кетишингиз ҳам мумкин-ку. Ё баландми жуда? — қизиқсиниб сўради Иван.

— Йўқ, — қатъий жавоб қилди меҳмон, — мен бу ердан қочиб кетолмайман — балкон баланд бўлгани учун эмас, борадиган ерим йўқдиги учун кетолмайман. — У бир оз сукутдан сўнг илова қилди: — Шундай қилиб, ётибмиз денг?

— Ётибмиз, — жавоб қилди Иван келган одамнинг ғоятда бежо, тимқора кўзларига тикилиб қараркан.

— Ҳа-я... — деди меҳмон бирдан безовталаниб. — Ҳарҳолда, сиз ашаддийлардан эмасдирсиз-а? Сўрашимнинг боиси, биласизми, мен шовкинни, жанжални, қийноқни ва шунга ўхшаш нарсаларни сира ёқтирмайман. Айниқса, мен учун одамзоднинг қичқириғи (хоҳ у изтироб, нафрат ё бошқа ҳолат қичқириғи бўлсин, барибир) манфурдир. Кўнглимга таскин бериб, айтинг, сиз ашаддийлардан эмассиз-а?

— Кеча ресторанда биттасининг тумшуғини бежаб қўйдим, — деб мардона тан олди янги киёфага кира бошлаган шоир.

— Сабаб? — қатъий оҳангда сўради меҳмон.

— Очиғини айтсам, бесабаб, — деди Иван хижолат бўлиб.

— Уят, — дея койиди меҳмон ва илова қилди: — Ундан кейин, нега унақа беадаб гап қиласиз? «Тумшуғини бежаб қўйдим». Одамда тумшукми ё юзми — маълум эмас-ку. Ҳар қалай, тумшуғи эмас, юз бўлса керак. Бинобарин, мушт ишлатиш... Йўқ, сиз бутунлай ташланг бу ишингизни.

Меҳмон Иванга шу тарзда танбех бериб бўлиб, сўради:

— Касбингиз?

— Шоирман, — негадир истар-истамас бўйнига одди Иван.

Меҳмоннинг таъби тирриқ бўлди.

— Оббо, ҳеч омадим юрмади-юрмади-да! — деб юборди у, лекин шу заҳоти ҳушини йиғиб олиб, узр айтди ва сўради: — Фамилиянгиз нима?

— Бездомний.

— Эҳ, аттанг... — деди меҳмон афтини бужмайтириб.

— Нима, шеърларим сизга ёқмайдими? — қизиқсиниб сўради Иван.

— Мутлақо ёқмайди.

— Қайси шеърларимни ўқигансиз?

— Ҳеч қанақа шеърингизни ўқимаганман! — деди меҳмон асабийлашиб.

— Бўлмаса нега ундай дедингиз?

— Десам, нима бўпти, — жавоб қилди меҳмон. — Нима, умримда шеър ўқимабманми? Эҳтимол... сизники истиснодир? Яхши, сўзингизга ишонишга тайёрман. Ўзингиз айта қолинг: шеърларингиз яхшими?

— Ғирт тутуриқсиз шеърлар! — бирдан дадил ва дилдан эътироф этди Иван.

— Бошқа ёзманг! — деб илтимос қилди меҳмон ёлворувчи оҳангда.

— Онт ичиб ваъда бераман! — тантанали оҳангда деди Иван.

Онтни қўл сиқишиб тасдиқлашди, шу пайт йўлак-дан сассиз оёқ товуши ва ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилди.

— Тсс, — пичирлади меҳмон ва «лип» этиб балконга чиқиб, панжарани суриб ёпди.

Эшикдан Прасковья Фёдоровна мўралаб, Ивандан ҳол-аҳвол сўради, сўнг ундан, қоронғида ухлашни хоҳлайсизми, ё ёруғдами, деб сўради. Иван чирокни ўчирмасликни илтимос қилди,

шундан кейин Прасковья Ивановна беморга яхши туш кўришни тилаб, бу ердан узоқлашди. Ҳаммаёқ сукутга чўмди, шунда меҳмон яна хонага кирди.

— 119-хонага бақ-бақалок, икки юзи қип-қизил янги бир беморни ётқизишди, — деди у пичирлаб. — Қизик, у нукул вентиляция туйнугига кўйилган аллақандай валюталар ҳақида, яна Садовая кўчасидаги ўзи яшаб турган уйни жинлар маскан қилиб олгани ҳақида лаби-лабига тегмай жавраб ётипти. Пушкинни бўралаб сўқяпти денг, кейин икки гапнинг бирида: «Куролесов, бис-бис!» — деб бақариб кўяди денг.

У ҳаяжонланганидан бир сесканиб кўйди. Кейин кўнгли бир оз таскин топиб, курсига ўтирди-да: — Ҳай, ҳаволаси худога, — деб Иван билан бошлаган суҳбатини давом этдирди: — Хўш, бу ерга тушишингизга нима сабаб бўлди?

— Сабаб Понтий Пилат, — деди Иван ерга хомуш тикиларкан.

— Нима?! — эҳтиёткорликни ҳам унутиб бақариб юборди меҳмон ва дарҳол кафти билан оғзини тўсди.— Қандай ғайритабиий ўхшашлик! Ўтинаман, ўтиниб сўрайман, бир бошдан айтиб беринг!

Иван негадир бу номаълум одамга эътиқод қилди ва кеча Патриарх кўли бўйида юз берган ҳодисани, аввалига чўчинқираб, тутила-тутила, сўнг эса дадил, равон ҳикоя қила бошлади. Ҳа, Иван Николаевич мана шу калит ўғирлаган мавҳум шахс тимсолида ниҳоят мурувватли тингловчини учратган эди! Меҳмон Иванни жиннига йўймади, унинг ҳикоясини ниҳоятда зўр қизиқиш билан тингларкан, бора--бора баёнидан ҳайратга кедди. У дам-бадам шундай хитоблар билан Иваннинг сўзини бўларди:

— Хўш, хўш! У ёғичи, у ёғини айтинг, ўтинаман сиздан. Фақат, авлиёю анбиёлар ҳаққи, ҳеч нимани тушириб қолдирмай, муфассал ҳикоя қилинг!

Иван ҳам муфассал ҳикоя қиларди, зеро унга шу тарзда ҳикоя қилиш қулайроқ эди, мана, ниҳоят у Понтий Пилатнинг алвонранг астарли оқ ридода балконга чиққан ерига етди.

Шунда меҳмон худди ибодат қилаётгандай кафтини кафтига кўйиб пичирлади:

— О, тўғри топган эканман! О, ҳаммаси тўғри чиқяпти!

Меҳмон Берлиознинг мудҳиш ўлими таърифини эшитгач, кўзларида жаҳолат учқуни чақнади ва шундай мубҳам гап қилди:

— Фақат бир нарсага: ўша Берлиознинг ўрнида танқидчи Латунский ёки адабиётчи Мстислав Лавр-вич бўлмаганига таассуф қиламан, — сўнг қаттиқ ғижиниб, товушсиз чинқирди: — Давом этинг!

Кондукторга кира ҳақи узатган мушук ҳақидаги ҳикоя меҳмоннинг кўнглини чоғ қилиб юборди, у ўз қиссахонлигидан завқланиб кетган Иваннинг, мўйлови остида танга пул тишлаган мушукни тасвирлаб, ўтирган ўрнида оҳиста сакрашини кузатаркан, ичаги узилгудек бўлиб товушсиз роса кулди.

— Шу тарзда бу ерга келиб қолдим, — деди Иван Грибоедовда юз берган воқеани сўзлаб бўлиб ва яна руҳи тушиб, ўшшайиб олди.

Меҳмон шўрлик шоирга ачиниб, унинг елкасига кўлини кўйганча деди:

— Бахтиқаро шоир! Аммо, азизим, ҳаммасига ўзингиз айбдорсиз. У билан бунчалик бетакаллуф, ҳатто сурбетларча муомала қилмаслик керак эди. Мана энди азобини тортяпсиз. Ҳалиям осонгина кутулибсиз, шукур қилинг.

— Ахир ким ўзи у? — муштларини ҳаяжон билан силкиб сўради Иван.

Меҳмон унга тикилиб туриб саволига савол билан жавоб қилди:

— Айтсам, ҳаяжонланмайсизми? Бу ерда биз ҳаммамиз шубҳали одамлармиз... Доктор қақриш, укол қилдиришу яна шунга ўхшаган даҳмазалар бўлмайдими?

— Йўқ, бўлмайди! — деди Иван. — Айтақолинг, ким ўзи у?

— Ҳа, яхши, — жавоб қилди меҳмон ва ҳар бир сўзини кескин ва дона-дона қилиб деди: — Кеча Патриарх кўли ёқасида сиз шайтон билан учрашгансиз.

Иван ваъдасининг устидан чиқиб, ҳаяжонланмади, лекин барибир таажжубдан донг қотиб қолди.

— Бу мумкин эмас! Шайтон йўқ нарса.

— Қизиқ экансиз-у! Ҳамма гапиргандаям, сиз бундай демаслигингиз керак. Сиз, назаримда, биринчи бўлиб унинг азобига учраганлардансиз. Ўзингиз жиннихонада ўтирибсиз-у, нуқул уни йўқ деб айтяпсиз. Ҳайронман сизга!

Гангиб қолган Иван сукутга толди.

— Сиз уни тасвирлай бошлашингиз билан, — деб гапида давом этди меҳмон, — кеча ким билан суҳбат қуриш шарафига муяссар бўлганингизни пайқадим. Чинданам, мен Берлиозга ҳайрон бўляпман! Сиз-ку, маълум, ғофил одамсиз, — шундай деб меҳмон яна клирим сўради, — лекин Берлиоз, эшитишимча, дурустгина аллома бўлган экан-ку! Ўша профессорнинг энг дастлабки гаплариданоқ унинг кимлигига ҳеч шубҳам қолмади. Уни танимаслик асло мумкин эмас, дўстим! Аммо сиз... сиз мени яна бир бор кечиринг-у... мен ҳеч қачон янглишмайман: сиз оми одамсиз!

— Шак-шубҳасиз, — деб тасдиқлади ўзгара бошлаган Иван.

— Ҳа, балли... ахир ўзингиз унинг юз тузилишини тасвирлаб бердингиз... кўзининг икки хиллиги, қошлари! Мени афв этасиз-у, ҳали сиз эҳтимол ҳатто «Фауст» операсини ҳам кўрмагандирсиз?

Иван негадир жудаям қаттиқ хижолат бўлди, икки юзи чўғдек қизариб, Ялтада қайсиям санаторийга боргани ҳақида бир нималарни ғўлдирай бошлади...

— Ана, кўрдингизми... нимасига ҳайрон бўламиз! Лекин Берлиоз, такрор айтаман, мени ҳайратга солди. У наинки ўқимишли, яна ниҳоятда қув одам. Лекин шуни эътироф этиш керакки, Воланд ундан ҳам қувроқ одамниям бир чўқишда қочиради.

— Нима?! — деб бақириб юборди Иван ҳам.

— Секин!

Иван «шап» этиб кафти билан ўз пешанасига урди ва хириллаб деди:

— Тушунаман, тушунаман. Унинг ташрифномасида «В» ҳарфи бор эди. Ана холос! — Эсанкираб қолган Иван панжара ортида, фазода сузаётган ойга тикилганча анча вақт сукутга толиб ўтирди, сўнг яна гапга кирди: — Бундан чикди, унинг Понтий Пилат ҳузурда бўлганлиги рост экан-да? Демак, у ўша замонда туғилган бўлиб чиқадими? Мени жиннига чиқариб ўтиришипти-я! — дерди Иван, нафрат билан эшик томонга ишора қиларкан. Меҳмоннинг лаби ёнида ҳасрат ажинлари пайдо бўлди.

— Ҳақиқатдан юз ўгириб бўлмайди, — деб меҳмон юзини булутлар оралаб сузаётган тунги ёритқич томонга ўгирди. — Сиз ҳам, мен ҳам — жиннилармиз, нима қиламиз бўйин товлаб! Қисқаси, у сизни тузоғига илинтиргану сиз эсингиздан оғансиз, сабаб, бунинг учун, чамаси, айнан сиз муносиб бўлгансиз. Лекин сиз ҳикоя қилган нарсалар ҳақиқатан ҳам бўлган. Аммо ўша юз берган воқеалар бениҳоя ғайритабиийлиги сабабли ҳатто гениал психиатр Стравинский ҳам гапларингизга ишонмаган. У сизни кўрдими? (Иван бош ирғади.) Ўша ҳамсуҳбатингиз Пилат ҳузурда ҳам бўлган, Кант билан ҳам нонушта қилган, энди бўлса, мана, Москвагаям келипти.

— Ахир у бу ерда ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборади-ку! Бир амаллаб уни тутиш керакдир? — деб янги Иван вужудида қимтинибгина бўлса ҳам бош кўтарди эндиликда чалажон бўлиб қолган аввалги Иван.

— Мана, сиз уриниб кўрибсиз, шу ҳисса қўшганингиз кифоя, — деди меҳмон киноя билан. — Бошқаларга ҳам уринмасликни маслаҳат кўрардим. Кўнглингиз тўқ бўлсин, у ҳақиқатан ҳам ҳаммаёкни остин-устин қилиб юборади. Эҳ, аттанг! Минг-минг афсуски, у билан мен эмас, сиз учрашгансиз! Гарчи фурсат ўтган — бутун ниятлар ёниб кулга айланган бўлса ҳам, онт ичиб айтаманки, у билан учрашиш учун Прасковья Фёдоровнанинг бир шода калитини ҳам

берардим, зеро, бошқа берадиган ҳеч вақоим йўқ. Мен қашшоқман!

— Нимага керак бўлиб қолди у сизга?

Меҳмон узоқ вақт кифтларини учириб хомуш ўтирди ва ниҳоят яна гапира бошлади:

— Мен сизга айтсам, бу жуда антиқа ҳодиса — мен ҳам бу ерда худди сизга ўхшаб, ўша Понтий Пилат туфайли ётибман, — меҳмон атрофга қўрқа-писа кўз ташлаб деди: — Хуллас калом, мен ўтган йили Понтий ҳақида роман ёзган эдим.

— Сиз ёзувчимисиз? — ажабланиб сўради шоир. Меҳмоннинг ранги қув ўчиб кетди, шоирга мушт дўлайтириб қўйиб, сўнг деди:

— Меп устаман, — у хўмрайиб халатининг чўнтагидап тамомила ёғ босиб кетган бир шапкача олди, унга сариқ ипак билан «М»¹² ҳарфи тикилган эди. У шапкачани бошига кийди ва уста эканлигини исботлаш мақсадида ҳам ёнламасига, ҳам юзма-юз туриб, ўзини Иванга кўрсатди. — Буни менга севгилим тикиб берган эди, — деб сирли равишда илова қилди у.

— Фамилиянгиз нима?

— Фамилиям йўқ энди, — маънос нафрат билан жавоб қилди бу ғалати меҳмон. — Мен фамилиямдан, шунингдек, барча ҳаётини нарсалардан воз кечганман. Сўраманг фамилиямни.

— Бўлмаса, романингиз ҳақида гапириб беринг, — деди Иван мулойим оҳангда.

— Жоним билан. Ҳаётим, чинданам, унчалик оддий эмас, — деб ҳикоя қила бошлади меҳмон.

... У маълумоти бўйича тарихчи бўлиб, бундан икки йил муқаддам, Москва музейларидан бирида хизмат қилар, бундан ташқари таржимонлик билан ҳам шуғулланаркан.

— Қайси тилдан? — сўради Иван қизиқсиниб.

— Мен она тилимдан бошқа яна бешта тилни биламан, — жавоб қилди меҳмон, — инглиз, француз, немис, лотин ва юнон тилини. Кейин, яна италянча ҳам сал-пал ўқий оламан.

— Вой бў-ў! — пичирлади Иван ҳасад билан.

У сўққабош бўлиб яшаркан, ҳеч ерда ҳеч бир қариндоши, Москвада деярли биронта ҳам таниши йўқ экан. Буни қарангки, бир кун у заёмдан юз минг сўм ютипти.

— Қандай танг қолганимни бир тасаввур қилинг-а, — дерди пичирлаб қора шапкача кийган чеҳмон, — кир солинган саватга қўл тиксам, қўлимга облигация илинди: уни газетага солиштир-диму ханг-манг бўлиб қолдим — номери газетадаги номер билан бир хил эди! Уни менга музейда Гюришган эди, — деб изоҳлади у.

Бу аломат меҳмон юз минг сўмлик ютукни олгач, жуда кўп китоб сотиб олипти, Мясницкаядаги хонасини ташлаб...

— Ў, минг лаънат ўша гурбатхонага! — дея хириллади меҳмон.

... Арбат яқинидаги бир тор кўчада хусусий тарзда иморат қурган одамнинг боғчасида турган кичкина уйнинг подвалидан икки хонани ижарага олган. Кейин ишдан бўшаб, Понтий Пилат ҳақида роман ёзишга киришган.

— Оҳ, у пайтлар — олтин давр эди, — деб пичирлади меҳмон кўзлари чакнаб, — алоҳида квартира денг, яна даҳлизиям бор, даҳлизда сув жўмраги, жўмрак остида чанок, — негадир, у айниқса шу сўзга урғу бериб, мағрурланиб гапирди, — кўча эшикдан бошланган йўлка мўъжазгина деразаларимнинг шундоққина олдидан ўтарди, Рўпарада, тўрт қадамгина нарида, девор тагида настарин, жўка ва заранг дарахтлари ўсарди. Оҳ... оҳ... оҳ! Қишда мен деразадан одамларнинг қорда «ғарч-ғурч» юрган оёқларини кам кўрар, товушларини кам эшитар эдим. Печкамда муттасил лангиллаб олов ёниб турарди! Лекин бирдан баҳор кириб келди-ю, деразамнинг хира ойналари орқали мен аввалига яланғоч, сўнгра аста-аста яшил либос кия бошлаган настарин буталарини кўрдим. Ана шунда, яъни ўтган йили баҳорда юз минг сўмлик ютукдан ҳам дилрабоқроқ воқеа содир бўлди. Ваҳоланки, фикримга қўшиларсиз, юз минг — бу

¹² «М» - «Мастер» («уста») сўзининг биринчи ҳарфи.

жуда катта бойлик!

— Бу тўғри, — эътироф этди унинг гапини диққат билан тинглаётган Иван.

— Мен, деразани очиб мўъжазгина иккинчи хонамда ўтирардим, — меҳмон қўли билан ўлчаб кўрсата бошлади, — мана... бу ерда диван, рўпарасида иккинчи диван, диванлар оралиғида столча, унинг устида чиройли шамчиноқ, деразага яқин ерда китоблар, буёқда эса, кичкина ёзув столи, биринчи хонамда — у жудаям катта, ўн тўрт метр эди, — тоғ-тоғ китобу печка бор эди. Оҳ, жиҳозларим қандай зўр эдия!

Настарин ҳиди гупиллаб кирарди! Миямнинг чарчоғи ҳам қолиб, ўзимни қушдай енгил ҳис қилардим, Пилат ҳақидаги романим ҳам шиғиллаганча охирлаб бораётган эди...

— Қизил астарли оқ ридо! Тушунаман! — деди Иван.

— Топдингиз! Штлат шиғиллаганча охирлаб, ҳа, охирлаб бораётган эди ва мен энди унинг: «... Иудеянинг бешинчи прокуратори, чавандоз Понтий Пилат», деган сўзлар билан яқунланишини билардим. Табиийки, мен сайр қилгани ҳам чиқиб турардим. Юз минг — ҳазилакам пул эмас, ўзимга жуда ажойиб кулранг костюм сотиб олган эдим. Ё бўлмаса, тушлик қилгани биронта арзон ресторанга йўл олардим. Арбатда ажойиб бир ресторан бор эди, ҳозирам бормикин, билмадим.

Шу ерга келганда, меҳмон кўзларини катта-катта очиб, ойга тикилганча ҳикоясини пичирлаб давом эттирди:

— У дилбар бир даста жирканч ва фожиали гул кўтариб кетаётган эди. Байталмоннинг оти нима балоям эди, ҳар нечук Москвада биринчи бўлиб шу гул пайдо бўлади негадир. Унинг қора тусдаги енгил пальтоси фонида бу гул кўзга яққол ташланарди. Ҳа, у сариқ гул кўтариб борарди! Бехосият ранг. У Тверская кўчасидан бориб, бир тор кўчага бурилди, бурила туриб орқасига ўгрилиб қаради. Тверская кўчасини биласизми? Бу кўчада одам доим ғиж-ғиж, аммо ишонтириб айтаманки, у шунча одам ичида фақат менга қаради, қарагандаям наинки ҳаяжон, ҳатто изтироб билан боқди. Шунда мени унинг ҳусни жамолидан ҳам кўра, кўзларидаги ҳеч кимнинг бошига тушмаган ғайритабиий ёлғизлик андуҳи ўзига ром қилганди!

Мен ҳам шу сариқ рангга қул бўлиб, тор кўчага бурилдим жувоннинг орқасидан кетавардим. Биз бу кингир ва диққинафас кўчадан (мен унинг бир томонида, у эса иккинчи томонида) чурқ этмай кетиб борардик. Буни қарангки, кўчада биронта тирик жон учрамаса-я. Мен у билан гаплашишим лозимлигини ҳис этиб қийналардим ва айни пайтда, унга чурқ этиб ҳам оғиз оча олмайдиганга ўхшайман, бунақада, у кетиб қолади-ю, уни бошқа кўриш менга насиб этмайди, деб ҳаяжонланардим.

Шунда, бир тасаввур қилинг-а, тўсатдан унинг ўзи гап бошлади:

— Гулларим ёқдимиз сизга?

Унинг хийла йўғон, аммо сал ҳиркироқ овозининг акс садоси, тентаклик бўлса ҳам айтай, назаримда, бу тор кўчадаги сарғиш ранг исқирт деворга урилиб қайтгандек бўлди. Мен шу заҳоти кўчанинг у кетаётган томонига ўтиб олиб, унга яқинлашдим-да:

— Йўқ, — деб жавоб қайтардим.

У менга таажжуб билан боқди, мен эсам бирдан ва мутлақо кутилмаганда бутун умр айнан шу аёлни севиб келганлигимни англадим. Ажаб савдолар, лаббай! Сиз, албатта, телба одам экан, дерсиз мени?

— Ҳеч нима демайман, — деди Иван ва: — Ўтинаман, давом этинг! — деб илова қилди.

Меҳмон ҳикоясини давом эттирди:

— Ҳа, у менга хайрон бўлиб қаради, сўнг кўзимдан кўзини узмай сўради:

— Сиз, умуман, гулларни ёқтирмасангиз керак-а? Унинг овозида адоват оҳангини ҳис қилгандай бўлдим. Мен у билан баравар қадам ташлашга уриниб ёнма-ён борарканман, ҳеч тортинмай ўзимни бемалол тутаётганимдан ўзим хайрон эдим.

— Йўқ, мен гулларни яхши кўраман, лекин бунақасинимас, — дедим.

— Қанақасини?

— Атиргулни хуш кўраман.

Шундай деганимга пушаймон бўлдим, негаки, у гуноҳкор одамдай жилмайдида, гулини йўлка ёқасидаги ариққа ташлаб юборди. Мен бир оз ўзимни йўқотиб қўйдим-у, лекин гулни олиб, яна унга узатдим, лекин у жилмайганча гулларни яна улоқтирди, натижада уларни буёғига ўзим кўтариб бордим.

Шу зайлда биз бир оз вақт сукут сақлаб кетавердик, кейин у қўлимдан гулларни олиб, кўчага отиб юборди-да, қора қўлқоп кийган қўлини менинг қўлим остидан ўтказди-ю, бундан буёғига биз қўлтиқлашиб кета бошладик.

— Кейин, — деди Иван, — илтимос, бугун тафсилоти билан гапиринг.

— Кейинми? — такрорлади меҳмон, — кейин нима бўлганини ўзингиз ҳам тасаввур қилишингиз мумкин. — У кўзларида беҳосдан пайдо бўлган ёшни ўнг енги билан шоша-пиша артиб, гапини давом эттирди: — Муҳаббат, оёқ остидан чиққан фалокатдай, лоп этиб пайдо бўлдию икковимизни баравар маҳв қилди.

Одатда яшин ё ханжар шундай маҳв қилади одамни!

Дарвоқе, у кейинчалик бу фикрни инкор қилиб, бизлар жуда кўпдан бери, бир-биримизни билмаган, ҳеч кўрмаган чоғимиздаёқ севишганмиз, деб тасдиқлаган эди, у пайтларда у бошқа одам билан турарди, мен ҳам ўшанда... анави... билан яшардим... хаҳ... оти нимаиди...

— Ким билан? — сўради Бездомний.

— Анави... хаҳ... нимаиди оти... — деди меҳмон бармоқларини шиқиллатаркан.

— Сиз уйланганмидингиз?

— Ҳа-да, мана, шиқиллатяпман-ку... Ҳалиги... Варенькага, Манечкага... йўқ, Варенькага... йўл-йўл кўйлак кийган... музейда... хуллас, эсимда йўқ.

Қисқаси, у ўша куни кўчага атайлаб сариқ гул кўтариб чиққан экан, мен уни топиб олишим учун, бордию ўша куни бу учрашув юз бермаганида, у заҳар ичиб ўз жонига қасд қилган бўларкан, чунки унинг ҳаёти бемаъни ўтаётган экан.

Ҳа, муҳаббат бизни кўз юмиб-очгунча маҳв қилиб қўйган эди. Мен буни ўша куниёқ, бир соатдан кейин, биз улкан шаҳарни пайқамай кесиб ўтиб, Кремль девори пойига, дарё бўйига бориб қолганимизда билган эдим.

Биз гўё жуда кўп йиллардан бери бир-бирини яхши билган ва куни кеча хайрлашган одамлардай суҳбатлашардик. Биз эртаси куниям шу ерда — Москва дарёси бўйида учрашишга аҳд қилдик, учрашдик ҳам. Май куёши бизга ёғду сочарди. Кейин, орадан хиёл ҳам ўтмай, бу аёл менинг хуфиёна хотиним бўлди.

У ҳар куни меникига келарди, мен уни эрталабдан интизор бўлиб кута бошлардим. Шу интизорлик пайти одатда уйдаги буюмларнинг жойларини ўзгартиришим билан ифодаланарди. Унинг келишига ўн минут қолганида дераза олдига ўтириб, кўҳна кўча эшикнинг «ғийк» этиб очилишини кутардим. Ё тавба: мен у билан учрашмасимдан олдин тумордеккина ҳовлимизга камдан-кам одам кирар, аниқроғи, ҳеч ким кирмасди, энди бўлса, назаримда, бутун шаҳар шу ҳовлимиз томон оқиб келаётгандай туюларди. Кўча эшик «тик» этса, юрагим «шиғ» этиб кетар, бир кўз олдингизга келтиринга, рўпарамда: дераза ташқарисида албатта кимнингдир исқирт этиги пайдо бўларди. Масалан, чархчининг. Ахир ўзингиз айтинг, уйимизда чархчининг кимга кераги бор? Нимани қайраймиз? Қанақа пичоқларни?

Менинг дилбарим кўча эшикдан бир марта кирарди, аммо у киргунча юрагим камида ўн марта гупиллаб урарди. Гапим рост. Кейин, соат миллари қиём пайтини кўрсатиб, унинг келадиган вақти бўлганда ва қора майин теридан тикилган устки безаклари пўлат тўқалар билан тортилган унинг туфлилари деярли товуш чиқармай деразам қаршисида пайдо бўлгандаям юрагим «гуп-гуп» уришдан тўхтамасди.

Баъзан у иккинчи деразам олдида тўхтаб, туфлисининг учи билан ойнага уриб шўхлик

қиларди. Мен шу захоти ўша дераза олдида пайдо бўлардим, лекин туфли ҳам, ёруғни тўсиб турган қора ипак кўйлак ҳам ғойиб бўларди — мен шунда эшик очгани отилардим.

Ўртамиздаги муносабатни ҳеч ким билмасди, бунга имоним комил, ваҳоланки, бундай бўлиши мумкин эмас. Лекин унинг эри, танишларимиз ғофил эдилар. Мен яшаб турган подвал тепасидаги кўҳна уйда истиқомат қилувчилар бундан хабардор эдилар, албатта, улар ҳузуримга қандайдир бир аёл келиб-кетиб турганини кўришарди, бироқ унинг кимлигини ҳам, исмини ҳам билишмасди.

Ушбу муҳаббат достонини бутун вужуди билан берилиб тинглаётган Иван:

— Ким эди ўзи у аёл? — деб сўради.

Меҳмон, буни ҳеч қачон, ҳеч кимга айтмайман, дегандек бош чайқади, сўнг ҳикоясини давом эттирди.

Унинг ҳикоясидан Иванга шулар маълум бўлди: уста билан нотаниш аёл бир-бирларини шунчалик қаттиқ севишганки, бири иккинчисисиз бир кун ҳам тура олишмаган. Энди Иван ҳовлидаги настарин дарахти ва девор туфайли ҳамиша нимқоронғи бўлган подвалдаги икки хонани, у ердаги қизил ёғочдан ишланган, эскириб парти кетиб, шарти қолган мебеллару ёзув столи — бюрони, бюро устида турган ҳар ярим соатда занг чалувчи соатни, ниҳоят мойланган полдан ис босган шифтгача қалашиб кетган сон-саноксиз китобларни ҳам, печкани ҳам жуда аниқ тасаввур қила бошлаган эди.

Иванга яна шу нарса маълум бўлдики, меҳмони билан унинг хуфия хотини ўзаро алоқа боғлаган дастлабки кунлариёқ, бизнинг Тверская кўчаси билан тор кўча муюлишида бир-биримиз билан учрашишимиз тақдири азалда пешонамизга ёзилган, бинобарин, биз умрбод бир-биримиз учун яратилганмиз, деган қарорга келган эканлар.

Меҳмоннинг ҳикоясидан ошиқ-маъшуқларнинг вақтни қандай ўтказганлари ҳам маълум бўлди. Аёл кела солиб, биринчи навбатда фартук тақар ва торгина даҳлизда (бечора бемор негадир фахрланиб тилга олган ўша жўмрак билан чаноқ шу ерда эди) тахта стол устида керосинка ёқиб нонушта тайёрлар, сўнг биринчи хона ўртасида турган чўзинчоқ столда дастурхон тузарди. Май ойида момақалдироқ гумбурлаб, жала қуйган пайтларда, ёмғир суви севишганларнинг сўнгги маконини ғарқ қилгудек хавф туғдириб нимкўр деразалар олдидан дарвоза томон айқириб оққан пайтларда улар печка ёқиб кўрда картошка пиширишар эди. Бармоқларини кулга булғаб картошканинг қора пўстини арчишганда ундан буғ чиқарди. Подвалда кулги янграрди, боғчадаги дарахтлар ёмғирдан кейин синган шохчаларини, оппоқ попилтириқларини ерга тўкарди. Момақалдироқ садолари тиниб, иссиқ ёз пайти келганда кўпдан орзу қилинган ва икковлари бирдай яхши кўрган атиргуллар гулдонда пайдо бўларди.

Ўзини уста деб атаган одам иш билан машғул бўлар, аёл эса бигиз тирноқли бармоқларини сочлари орасига ботириб ёзилган саҳифаларни қайта ўқиб, ўқиб бўлгач эса манави қалпоқчани тика бошларди. Баъзида у ерга чўккалаб жавоннинг пастки қаватидаги китобларнинг ёки стулга чиқиб олиб юқори қаватдаги юзлаб китобларнинг чанг босган шерозаларини латта билан артарди. У адибга шону-шуҳрат башорат қилиб, уни тезроқ ишлашга ундаркан, айтиш ўша пайтда уни уста деб атай бошлаган эди. У Иудеянинг бешинчи прокуратори ҳақидаги китобнинг ваъда қилинган охириги жумлаларини ўқишга мушарраф бўлиб, кўнглига ёққан айрим жумлаларни қироат билан баралла такрор-такрор ўқиркан, «бу роман — менинг ҳаётимдир», деганди.

Роман август ойида ёзиб тугатилиб, қайсиям бир нотаниш машинисткага берилди, машинистка уни беш нусхада кўчирди. Мана, ниҳоят, хуфия макон тарк этилиб, ҳаёт майдонига чиқадиган кун ҳам кедди.

— Ҳа, мен қўлимда романим билан ҳаёт майдонига чиқдим, лекин чиқдимму ҳаётим ниҳоясига етди, — деб пичирлади уста ва бошини ҳам қилди, сариқ ип билан «М» ҳарфи тикилган машғум қора қалпоқча узоқ вақт тебраниб турди. Кейин у ҳикоясини давом эттирди,

лекин эндиги гаплари пойинтар-сойинтар бўлиб чиқди. Меҳмоннинг бу гапларидан фақат бир нарсани англаш мумкин эди: унинг бошига ниҳоятда оғир бир фалокат тушган эди.

— Адабиёт оламига биринчи марта кадам қўйишим эди, аммо ҳозир, ҳаммаси адои тамом бўлиб, ҳалокатга учраганим аниқ бўлгандан кейин мен уни мудҳиш ҳайрат билан эслайман! — деб уста тантанавор пичирларкан, қўлини кўтарди. — Ҳа, ниҳоятда ҳайратга содди у мени, ниҳоятда!

— Ким? — эшитилар-эшитилмас пичирлаб сўради Иван, ҳаяжонланган меҳмонининг сўзини бўлишдан кўрқиб.

— Мухаррир-да, айтяпман-ку, мухарриб деб. Тўғри, у ўқишга ўқиб чиқди. Лекин менга милки пилла бўлиб, лунжи шишиб кетган одамга қарагандай қараркан, кўз қирини хонанинг бурчагига ташлаганча, кўнгли хижил бўлгандай, ҳатто ҳиринглаб ҳам қўйди. У қўлидаги манускриптни* ҳожатсиз ғижимларкан ҳадеб томоқ кирарди. Берган саволлари менга аҳмоқона бўлиб туюлди. Чунки у роман тўғрисида ҳеч нима гапирмай, мандан: кимсиз, қаёқдан пайдо бўлдингиз, кўпдан бери қалам тебратиб турасизми, нега сиз ҳақингизда шу пайтгача ҳеч эшитмаганмиз, деб сўрай бошлади, ҳатто яна: бундай аломат мавзуда роман ёзишни сизга ким маслаҳат берди, деган савол ҳам бердики, менинг фикримча, бундан ортиқ аҳмоқона савол бўлмайди. Ахийри, саволлари жонимга тегиб кетгач, романимни чоп қиласизми ўзи, ё йўқми, деб дангал сўрадим.

Шунда у бесаранжом бўлиб, латтачайнарлик қилди, сўнг бу масалани шахсан ўзи ҳал қила олмаслигини, асарим билан мухаррирлар ҳайъатининг ўзга аъзолари ҳам, яъни танқидчилардан Латунский билан Ариман ҳамда адабиётшунос Мстислав Лавровичлар танишиб чиқишлари кераклигини айтди. У, икки ҳафтадан кейин келинг, деб илтимос қилди.

Икки ҳафтадан кейин борган эдим, муттасил ёлғон гапираверганидан кўзлари ғилай бўлиб қолган бир қари қиз қабул қилди.

— Ҳа, у Лапшённикова, редакция котибаси, — деди жилмайиб Иван: меҳмон ғазабланиб таърифлаётган муҳит аҳли унга таниш эди.

— Бўлса бордир, — шарт сўзини бўлди меҳмон, — хуллас, шу аёл ҳаммаёғи доғ-дуғ ва анча ғижимланган романимни қайтариб берди. У кўзини кўзимдан олиб қочишга уришиб:

— Ҳозир редакциямиз икки йилга етадиган қўлёмалар билан таъминланган, шунга кўра, романингизни чоп қилиш масаласи, менимча, бошқа кўрилмаса керак, — деди.

— Яна нималар эсимда қолувди-я? — деб ғўлдирарди уста, чаккаларини ишқаларкан. — Ҳа, қўлёмма ҳошиясига сочилган қип-қизил гулбарглар, яна маҳбубамнинг кўзлари эсимда. Ҳа, унинг кўзларини эслаб қолганман.

Меҳмоннинг ҳикоясида дудмаллик, аллақандай чала-чулпа гаплар кўпроқ учрай бошлади. У қиялаб ёган ёмғирни эслади, подвалдаги маконида бошидан кечирган мушкулотлар ҳақида, яна аллақайларга боргани тўғрисида гапирди. У, ўзини курашга даъват этган аёлни асло айбламаслиги, ҳа, ҳа, унда ҳеч гуноҳ йўқлиги ҳақида пичирлаб чинқирди!

— О, эсимда, эсимда газета орасида илова қилиб киритилган варақ, — деб ғўлдирарди меҳмон, газета варағининг тасвирини ҳавода икки бармоғи билан чизиб кўрсатаркан, шунда Иван меҳмоннинг чалкаш гапларидан фаҳмладикки, бошқа бир мухаррир устанинг романидан каттагина парчани газетада босиб чиқарипти.

Унинг гапича, орадан икки кун ўтар-ўтмас, бошқа бир газета танқидчи Ариманнинг: «Мухаррир қаноти остидаги душман», деган мақоласи пайдо бўлипти, бу мақолада ёзилишича, Иваннинг меҳмони мухаррирнинг бепарволиги ва нодонлигидан фойдаланиб, матбуотда Иисус Христ мадҳиясини ёритишга уринганмиш.

— Ҳа, эсимда, эсимда! — деб чинқириб юборди Иван. — Лекин фамилиянгиз эсимдан чикди!

— Такрор айтаман, фамилиямни кўяйлик, энди у йўқ, — деб жавоб қилди меҳмон. — Гап

фамилияда эмас. Бир кундан кейин бошқа бир газетада Мстислав Лаврович имзоси билан бошқа мақола пайдо бўлди. Бу мақола муаллифи пилатчиликка, ҳамда уни матбуотда ёритмоқчи бўлган (яна ўша лаънати ибора!) диндор мусаввирга зарба беришни, бергандаям, аёвсиз зарба беришни таклиф қилган эди.

Мен бу «пилатчилик» сўзидан донг қотиб қолиб, учинчи газетани варақладим. Бу газетада икки мақола бор эди: бири — Латунскийники, иккинчисига эса «Н. Э.» деб имзо қўйилган эди. Мен сизга айтсам, Ариман билан Лавровичнинг мақолалари Латунский ёзган мақола олдида «ҳолва» эди. Латунский мақоласига қўйилган сарлавҳанинг ўзи ҳам сизга кифоя: «Эски мазҳабнинг жангари намояндаси». Ўзим тўғримда ёзилган мақолаларни ўқишга шунчалик берилиб кетибманки, маҳбубамнинг (эшикни беркитишни унутган эканман) қўлида жикқа ҳўл зонтик ва намиққан бир даста газета билан қандай тепамга келиб қолганини ҳам пайқамабман. Унинг кўзларидан ўт чакнар, муздек совуқ қўллари қалтирар эди. Олдинига у ўзини бағримга отиб, мени ўпаверди, ўпаверди... кейин, қўлини столга тап-тап урганча, хиркироқ овоз билан Латунскийни албатта заҳарлаб ўлдиражагини айтди.

Иван сал хижолат бўлиб томоқ қириб қўйди-ю, лекин ҳеч нима демади.

Ғам-андух тўла кунлар бошланди. Роман ёзилиб бўлган, бошқа қиладиган иш йўқ эди, энди икковимиз печка олдида ёзилган гиламчада оловга тикилиб ўтирардик, холос. Биз энди тез-тез видолашиб турардик. У сайр қилгани чиқиб кетадиган бўлди. Менинг ҳаётимда эса ғаройиб ҳоллар содир бўла бошлади, тўғри, бундай ҳоллар менда илгари ҳам тез-тез бўлиб турарди... Мен кутилмаганда бир дўст орттирдим. Ҳа, ҳа, ишонаверинг, умуман олганда менинг жуда бемаъни одатим бор: одамлар билан тил топишишим қийин жуда, ҳеч кимга ишонмайман, сал нарсага шубҳаланавераман. Лекин — қизиғи шундаки, шу одамовилигимга қарамай, келиб-келиб, мутлақо фараз қилинмаган, кутилмаган биронта одам, гарчи ташқи қиёфаси отни ҳуркитадиган тасқара бўлса ҳам, албатта дидимга ўтириб қолади.

Хуллас, ўша машъум пайтларда бир кун боғчамизнинг кўча эшиги очилиб, ҳовлига бир одам кирди. Эсимда, кузнинг оромбахш кунларидан бири эди. Хотиним уйда йўқ эди. Келган одамнинг уй соҳибида бирон иши бўлса керак, уникага кириб кетди, сўнг боғчага тушиб, мен билан ҳол-аҳвол сўрашди-да, бир зумда танишиб ҳам олди. У ўзини мухбир деб танитди. У менга шу қадар ёқиб қолдики, биласизми, ҳанузгача баъзида уни эслаб, қўмсаб қўяман. Бора-бора у уйимга тез-тез келадиган бўлди. Маълум бўлишича, у бўйдоқ экан, мендан сал нарироқда худди меникига ўхшаган мўъжазгина квартирада тураркан, аммо унга квартира торлик қилаётганмиш, ҳоказо ва ҳоказо. Негадир у мени уйига ҳеч таклиф қилмасди. Хотинимга у сира ҳам ёқмади. Аммо мен унинг ёнини олдим. Шунда хотиним:

— Билганингни қил, — деди, — лекин бу одам менда фақат нафрат уйғотяпти.

Мен кулиб юбордим. Дарвоқе, бу одам қай жиҳати билан мени ўзига ром қилган эди? Гап шундаки, ўз ғилофи ичида биронта фавқулодда хислати бўлмаган одамнинг, умуман, қизиғи йўқ. Лекин Алоизийнинг (ҳа-я, унутибман — янги танишимнинг исми-шарифи Алоизий Могарич эди) ғилофида шундай хислат мавжуд эди. Алалхусус, Алоизийдек донишманд одамни илгари ҳеч ерда учратмаганман, аминманки, бундан кейин ҳам асло учратмайман. Агарда газетада босилган бирон мақоланинг маъносига тушунолмасам, Алоизий уни бир зумда тушунтириб берар, тушунтиргандаям ҳеч қийналмасдан, осон ва равон тушунтирарди. Ҳаётини воқеалар ва масалаларни ҳам шундай осон изоҳлаб берарди у. Лекин ҳали бу ҳаммаси эмас эди. Алоизий адабиётга бўлган иштиёқи билан мени ўзига ром қилган эди. То унинг илтимосига кўра романимни бошидан-охиригача ўқиб бермагунимча ҳеч тинчимасди у. Кейин эса роман тўғрисида мақтов гаплар айтди, лекин худди муҳаррирнинг романим тўғрисидаги мулоҳазаларини ўз қулоғи билан эшитгандек, у ҳам ўша фикрларни айтиб, оғзимни очиб қўйди. Алоизий муҳаррирнинг мулоҳазаларини бекаму кўст такрорлаганди. Бундан ташқари, нима сабабдан романим чоп қилинмаслигини ҳам ниҳоятда аниқ изоҳлаб бердики, бу фикрда

ҳеч хато йўқлигини ўзим ҳам англай бошлаган эдим. У, фалон бобингиз ўтмайди, деб гапнинг очиғини айтди-қўйди. Лекин мақолаларнинг кети узилмасди. Энг дастлабкилари устидан кулган эдим. Бироқ мақолалар сони кўпайган сари уларга нисбатан муносабатим ҳам ўзгара борди. Иккинчи босқич — ажабланиш босқичи бўлди. Бу мақолалар таҳдидона ва дадил ёзилган бўлишига қарамай, уларнинг деярли ҳар бир сатрида ўта қалбакилик ва даргумонлик оҳанги сезилиб турарди. Менга, уларнинг муаллифлари ўзлари айтмоқчи бўлган гапларни эмас, бошқа фикрларни баён қилаётгандай туюлар, уларнинг дарғазаблигига сабаб ҳам шу бўлса керак, деб ўйлардим у шу фикримдан ҳеч халос бўлолмасдим. Бундан кейин, мен сизга айтсам, учинчи босқич — кўрқув босқичи бошланди. Йўқ, йўқ, у мақолалар эмас, ишонинг, балки уларгаям, романимгаям тааллуқли бўлмаган мутлақо бошқа нарсалар мени чўчита бошлади. Мана, масалан, қоронғиликдан кўрқадиган бўлиб қолдим. Қисқаси, руҳий бетоблик босқичи бошланган эди. Кичкина хонамда уйку олдидан чирокни ўчиришим билан, назаримда, гўё деразадан, гарчи у ёпиқ бўлса ҳам, қандайдир рўдапо узун-узун, совуқ пайпаслагичларини ўйнатиб кириб келаётгандай бўларди. Оқибат, кечалари чирок ёруғида ухлайдиган бўлдим.

Маҳбубам жудаям ўзгариб кетди (турган гапки, рўдапо тўғрисида унга чурқ этмадим. Лекин у аҳволимнинг чатоқлашаётганини сеза бошлаган эди), озиб, ранги ўчиб, кулмай қўйди, романдан парча бостиришни маслаҳат бергани учун қайта-қайта узр сўрай бошлади мендан. Энди у ҳамма нарсани бошдан соқит қилиб, жанубга, Қора денгиз бўйига жўнашни, юз минг сўмлик ютукдан қолган пулни сарфлаб, ўша ерда дам олишни маслаҳат бера бошлади менга.

Бу фикрида у қаттиқ туриб олди, мен эсам у билан тортишмаслик учун (Қора денгизга жўнаб кета олмаслигимни кўнглим сезаётган эди) шу яқин кунларда жўнаб кетишга ваъда бердим. Билетни унинг ўзи оладиган бўлди. Шунда мен ўн минг сўмча келадиган пулнинг ҳаммасини унинг қўлига тутқаздим.

— Нима қиламан шунча пулни? — деб ажабланди у.

Мен бўлсам, ўғирлатиб қўйишдан кўрқаман, шунинг учун, то жўнаб кетгунимча сенда тура турсин, деган мазмунда баҳона қилдим. У пулни олиб сумкачасига солди ва мени қайта-қайта ўпаркан, шундай деди:

— Сени шу аҳволда ёлғиз ташлаб кетганимдан ўлганим афзал, лекин на қилайки, мени кутишмоқда, заруратга тобе бўлмай иложим йўқ, аммо эртага албатта келаман. Ўтинаман сендан, ҳеч нимадан чўчима.

Бу октябрь ойининг ўрталарида, энди қош қорая бошлаган пайтда бўлган эди. У жўнаб кетди. Мен диванга ётиб, чирокни ҳам ёқмай ухлаб қолдим. Бир маҳал хонамга рўдапо кирганини туйиб уйғониб кетдим. Қоронғида пайпаслаб зўр-базўр чирокни ёқдим.

Чўнтак соатим тунги соат иккини кўрсатарди. Мен ётаётганимда сирқовланиб турувдим, энди бетоб бўлиб уйғондим. Назаримда, куз зулмати дераза ойнасини синдириб хонага қуйилди-ю, мен худди сиёҳга ўхшовчи шу зулматда ғарқ бўлаётгандек ҳис қила бошладим ўзимни. Мен энди ўзини эплай олмайдиган ношуд одам бўлиб уйғонган эдим. Мен чинқириб юбордим, миямда бирон кимсанинг, чунончи юқори қаватда турувчи уй соҳибининг олдига паноҳ истаб чиқиш фикри туғилди. Худди телба одамдек ўзим билан ўзим кураша бошладим. Ниҳоят, печка олдига бориб, ичига қаланган ўтинни ёқиб юборишга қурбим етди. Ўтин шитирлаб ёниб, печка эшиги шарақлаб ёпилгандан кейингина ўзимни анча енгил тортгандай ҳис қилдим... Кейин даҳлизга югуриб чиқиб, у ерда ҳам чирок ёқдим, бир шиша оқ вино топиб, тикинини олдим у тўғри оғзидан ича бошладим. Натижасида кўрқув бир қадар сусайди — шу қадарки, уй соҳибининг ҳузурига югурмай, печка олдига қайтдим. Печка эшигини ланг очиб қўйиб (оловнинг тафти юз-қўлларимни куйдиргудек қиздира бошлади), пичирладим:

— Аҳволим оғирлашганини ҳис қилсанг-чи. Тезроқ қошимга келсанг-чи, кел, кел!

Лекин ҳеч ким келмади. Печкада олов гуриллаб ёнар, ёмғир деразани саваларди. Шунда энг сўнги фалокат содир бўлди. Мен стол ғаладонидан романимнинг машинкада кўчирилган

салмоқли нусхаларию хомаки қўлёмаларим билан тўлдирилган дафтарларни олиб, уларни ёқа бошладим. Бу ниҳоятда машаққатли иш, чунки ёзилган қоғозлар унча яхши ёнмайди. Шунинг учун, тирноқларимни синдириб бўлса ҳам, дафтарларни дабдала қилиб йиртиб, уларни палёнлар орасига тиккайтириб қўяр ва косов билан титкилардим. Ёнган қоғозларнинг кули баъзида олов устини босиб, мени хуноб қилар, лекин мен бўш келмасдим, натижада, романим кўп қаршилиқ қилиб бўлса ҳам, барибир нобуд бўла бошлади. Кўз олдимда таниш сўзлар пайдо бўлар, саҳифалар пастдан юқорига бир меъёрда сарғая борар, лекин шунда ҳам сўзлар кўриниб турарди. Улар қоғоз қорая бошлагандагина ғойиб бўлардилар, шунда мен косов билан кавлаб уларни йўқ қила бошлардим.

Худди шу пайт кимдир деразани оҳиста тирнади. Юрагим «шиғ» этиб кетди-ю, охирги дафтарни оловга ташлаб, эшикни очгани югурдим. Ҳовлига очиладиган эшикка ғишт пиллапоярлардан чиқиш керак эди. Мен қоқила-суқила шу эшик тагига бориб оҳиста сўрадим:

— Ким у?

Таниш овоз — маҳбубамнинг овози жавоб берди:

— Менман.

Қандай қилиб эшик занжири билан илгагини туширдим — билмайман. У бошдан-оёқ шалаббо, ёноқлари хўл, сочлари паришон ҳолда остона хатлаб ичкари кирди-ю, дағ-дағ титраганча ўзини кучоғимга отди. Мен фақат битта сўзни такрорлай олдим холос:

— Сен... сен? — дедиму товушим чиқмай қодди, кейин икковимиз пастга отиддик. У даҳлизда пальтосини ечиб ташлади, сўнг биз биринчи хонага ўқдай отилиб кирдик. У оҳиста чинқириб юбориб, яланғоч қўлини шартта печкага тикдида, энди остидан аланга ола бошлаган охирги даста қўлёмани тортиб олиб полга ташлади. Шу заҳоти бутун хона тутунга тўлди. Мен оёқларим билан тепиб оловни ўчирдим, у эса ўзини диванга отиб, ўпкаси тўлиб, юм-юм йиғлай бошлади.

У ахири тинчиди, мен гап бошладим:

— Кўрарга кўзим йўқ бу романни, мен кўрқаман. Бетобман. Мени даҳшат қамраб оляпти.

У ўрнидан туриб ўтириб, гапга кирди.

— Вой, худойим, касал бўлиб қопсан-у. Нега энди, нега ахир? Барибир сени дарддан фориғ қиламан, сени қутқараман. Бу қандай бедодлик?

Мен унинг тутун ва йиғидан шишган кўзларини кўрдим, пешанамни силай бошлаган муздек қўлларини ҳис қилдим.

— Мен сени даволаб тузатаман, тузатаман, — деб ғўлдирадди у юзини елкамга қўйиб, — сен ҳали уни яна тиклайсан. Нега, нега бир нусхасини ўзим сақлаб қўймадим!

У дарғазаб қиёфада тишларини иржайтирди, яна алланималарни гапирди. Кейин лабларини чирт юмиб олиб, куйган варақларни териб, текислай бошлади. Бу — роман ўртасидаги бир боб эди. У куйган варақларни авайлаб тахлаб қоғозга ўрадида, устидан лента билан боғлади. Унинг бутун хатти-ҳаракатида қатъият мавжуд эди, ўзини кўлга олиб олганлиги яққол кўриниб турарди. У вино сўраб, ичиб олди-да, кейин анча бамайлихотир гапира бошлади.

— Алдамчилик билан яшашнинг оқибати шунақа вой бўлади, — дерди у, — бўлди, энди ҳеч алдамайман. Ҳозирок сен билан қолган бўлардим-у, лекин бу тарзда иш тутишни хоҳламайман. Уйдан тунда қочиб кетганимни у доим алам билан эслаб юришини истамайман. У менга ҳеч қачон, ҳеч қандай ёмонлик қилмаган. Уни ҳозир тўсатдан чакиртириб қолишди, заводларида ёнғин бўлганмиш. Лекин у ҳадемай қайтиб келади. Мен у билан эртага гаплашаман, бошқа одамни севаман, деб айтаман унга, кейин бутунлай сенинг ёнингга келаман. Қани, айт, балки бундай қилишимни хоҳламассан?

— О, бечорагинам, — дедим унга, — бундай қилишингга йўл қўймайман. Аҳволим яна мушкуллашади, шу боис сени ҳам мен билан бирга нобуд бўлишингни хоҳламайман.

— Фақат шу сабабми? — деб сўради у кўзларини кўзимга яқин олиб келиб.

— Фақат шу.

У бирдан рухланиб кетди, бўйнимдан кучиб мени бағрига босганча деди:

— Унда мен ҳам сен билан бирга нобуд бўламан. Эрталаб қайтиб келаман.

Мана, ҳаётимда эслаб қолганим охирги манзара — қия очилган даҳлиз эшигидан тушган ёруғда унинг хилпираган соч толаси, бошидаги берет ва журъат тўла кўзлари. Яна остонада унинг қора кўланкасию қоғозга ўралган оқ тугунчак ҳам хотирамда қолган.

— Сени кузатиб қўйган бўлардим-у, лекин ёлғиз қайтиб келишга мажолим йўқ, қўрқаман.

— Кўркма. Яна бир неча соат сабр қил. Эртага эрталаб ёнингда бўламан. — Бу унинг ҳаётимдаги охирги сўзлари бўлди.

— Тсс! — деб бемор бирдан ўз сўзини бўлди-ю, бармоғини кўтарди, — бугун ойдин тун жуда беором.

У балконга чиқиб кўздан ғойиб бўлди. Иван коридордан аравача ғилдираб ўтганини, кимнингдир пиқиллаб йиғлагани ё заифгина чинқирганини эшитди.

Ҳаммаёқ тинчигандан кейин меҳмон яна қайтиб келди ва 120-хонага одам жойлаштирилганини хабар қилди. Олиб келинган одам нукул бошимни қайтариб беринглар, деб ёлборармиш. Сухбатдошлар аввалига безовта бўлишиб жим ўтиришди, кейин кўнгиллари жойига тушгач, бўлинган сухбатни давом эттиришди. Меҳмон энди гапга оғиз жуфтлаган эди... лекин бугунги тун чинданам нотинч эди — ҳамон йўлакдан ғўнғир-ғўнғир овоз эшитиларди. Оқибат, меҳмон гапларини эшитилар-эшитилмас пичирлаб Иваннинг қулоғига айта бошладики, унинг:

— Маҳбубам жўнаб кетгандан кейин орадан чорак соат ўтгач деразамни тақиллатишди... — деган биринчи жумласидан бошқа ҳамма гапларини фақатгина шоир эшитди, холос.

Бемор шоирнинг қулоғига пичирлаб айтган гаплар, чамаси, уни қаттиқ изтиробга солаётган эди. Дам ўтмай унинг афти тиришар, кўзлари гоҳ таҳликали, гоҳ ғазаб билан боқарди. У энди балконда кўринмай қолган ой томонга кўли билан ишора қиларди. Ташқаридан келаётган товушлар бутунлай тингандан кейингина меҳмон Ивандан сал сурилиб ўтириб, хиёл баландрок овоз билан гапини давом эттирди.

— Ҳа, кейинчалик, январнинг ўрталарида, тунда, мен ўз ҳовлимизда тугмалари узиб олинган ўша пальтомда совукдан дийдираб турардим. Орқамда настарин буталарини кўмиб юборган қор уюми, олдимда, оёғим остида — дарпарда тutilган, ғира-шира ёри-тилган деразаларим. Мен биринчи дерезага энгашиб қулоқ сола бошладим — хоналаримдан патефон овози эшитиларди. Қулоғимга чалинган товуш фақат шу бўлди. Лекин ҳеч нима кўра олмадим. Яна бир оз туриб, боғча эшигидан тор кўчага чиқдим. Кучли изғирин кўтарилган эди. Оёғим остида ўралашган бир ит мени чўчитиб юборди, ўзимни ундан олиб қочиб, кўчанинг нариги бетига ўтдим. Доимий ҳамроҳим бўлиб қолган аёз ва кўрқув асабларимни барбод этиб, умидсизликка мубтало қилган эди. Борадиган ерим йўқ, энг осон йўли, тор кўчамиздан чиқиб, ўзимни трамвай тагига ташлаш эди. Ичи чироқлар билан ёритилган, ҳаммаёғини муз қоплаган бу яшиқларнинг совук из устида одамнинг ғашини келтирувчи ғижирлашини олисдан эшитдим. Лекин, о азиз кўшним, ҳамма бало шундаки, кўрқув менинг ҳар бир хужайрамни маҳв этиб олган эди. Бинобарин, трамвайдан ҳам худди итдан кўрққандай кўрқардим. Ҳа, бу бинода менинг дардимдан оғир дард йўқ ҳеч кимда, гапимга ишонаверинг.

— Лекин сиз у аёлга хабар қилишингиз мумкин эди-ку, — деди Иван бечора беморга ачиниб, — ундан кейин, пулингиз ҳам қолган эди-ку унда? Сақлаб қўйган бўлса керак, албатта?

— Сиз бунга ҳеч шубҳа қилманг, албатта сақлаб қўйган. Лекин сиз, назаримда, мени тушунмаяпсиз чоғи? Ёки, аниқроғи, бир вақтлардаги воқеани таърифлаш қобилятимни йўқотган бўлсам керак. Сирасини олганда, мен унга кўпам ачинмайман, чунки унинг кераги бўлмайди энди менга. Агар кўлига, меҳмон тунги зулматга илтифот билан тикилди, жиннихонадан мактуб бориб тушса... Ахир бунақа адресдан қандай қилиб хат юбориб бўлади?

Рухий касалдан? Ҳазил қияпсиз, дўстим! Йўқ, уни бахтсиз қилайми? Қўлимдан келмайди бу.

Иван унга эътироз билдиролмади, лекин камсухан мезбон меҳмоннинг аҳволига ачинди, унга ҳамдард бўлди. У эса ўз хотираларидан изтироб чекиб, қора қалпоқча кийган бошини тинмай ирғатиб ўтираркан, дерди:

— Шўрпешона жувон. Лекин, у мени унутиб юборган бўлиши ҳам мумкин!

— Ҳали сиз тузалиб кетасиз... — қимтинибгина деди Иван.

— Дардим бедаво, — деб хотиржам жавоб қилди меҳмон, — Стравинский мени ҳаётга қайтаришга ваъда қияпти, лекин мен унга ишонмайман. У инсонпарвар доктор, шунчаки тасалли бермоқчи менга. Лекин инкор қилмайман, ҳозир анча тузукман. Дарвоқе, нимага келиб тўхтагандим? Аёз, физиллаб бораётган трамвайлар. Ўша пайтда, бу шифохонанинг очилганидан хабарим бор эди, шунинг учун бутун шаҳарни пиёда босиб ўтиб келдим бу ерга. Телбалик эди бу, албатта! Шаҳар ташқарисидан мен совуқ қотиб ўлиб кетардим эҳтимол, лекин бир тасодиф жонимга оро кир-ди. Шаҳар қопқасидан тўрт километрча берида йўлда бир юк машинасини кўрдим, у бир нимаси бузилиб тўхтаб турган экан, мен шофёрдан илтимос қилган эдим, буни қарангки, у менга раҳм қилди. Машина ўзи шу ёққа келаётган экан. Мениям ўзи билан олиб келди. Бу сафар пайтида чап оёғимнинг бармоқларини совуқ олдирдим, холос. Лекин, оёғимни даволаб тузатишди. Мана, сал кам тўрт ойдан бери шу ерданман. Биласизми, бу ер сира, сира ёмон эмас, менимча. Тўғри, улкан режаларга бош қотириб ўтиришнинг ҳожати йўқ бу ерда. Мана, масалан, мен бутун ер куррасини айланиб чиқмоқчи бўлган эдим. Ҳай, начора, бу насиб қилмади. Энди, мана шу курранинг кичик бир бўлагини кўриб ўтирибман. Ўйлайманки, курранинг энг ноёб қисми эмас бу, аммо, тақрор айтаман, шунисиғаям шукур. Мана, ёз кириб келяпти, Прасковья Фёдоровнанинг ваъда қилишича, балкониимизни печак гул буркаб олармиш. Калитлар имкониятимни оширди. Кечалари ой чиқади. Ие, ботиб кетибди! Салқин тушди. Тун ярим кечадан оғди. Мен борай энди.

— Айтинг-чи, Иешуа билан Пилатнинг тақдири нима бўлган эди, — деб сўради Иван, — шуни билмоқчиман, ўтинаман сиздан, сўзлаб берсангиз.

— Э, йўқ, йўқ, — деди меҳмон гижиниб кифтини учираркан, — романимни эсласам бутун вужудим қақшаб кетади. Анави Патриарх кўлида танишганингиз сеҳргар буни мендан яхшироқ сўзлаб бериши мумкин. Сухбат учун ташаккур. Хайр.

Иван эс-ҳушини йиғишга улгурмасдан панжара оҳиста «шиқ» этиб ёпилди-ю, меҳмон ғойиб бўлди.

Ўн тўртинчи боб

ХЎРОЗГА ТАСАННО!

Римскийнинг асаби ортиқ бардош беролмади, протоколни ёзиб бўлгунларича ҳам қаноат қилмай, ўз кабинетига отилди. У стодда уюлиб ётган сеҳрли пуллардан қизарган кўзларини узолмай ўтирарди. Мияси ғовлаб кетган эди. Ташқаридан одамлар ғовури бир маромда эшитиларди. Томошабинлар кўчага оқиб чиқа бошлаган эди. Молия директорининг ҳаддан зиёд динг бўлган қулоқларига бирдан милиция хуштагининг чуриллагани эшитилди. Турган гапки, хуштак ҳеч қачон ўз-ўзидан яхшиликка чурилламайди. Чуриллаш тақрорланди, шунда бошқа хуштак унга ёрдамга келиб, қаттиқроқ ва чўзиброқ чуриллади, кейин шу хуштак овозига одамларнинг қаққаҳаси, ҳатто қийқириғи жўр бўлдики, молия директори, кўчада яна биронта машмаша, хунук воқеа содир бўлганини ва бу воқеанинг албатта анави жодугар билан ёрдамчилари бажарган машъум сеансга бевосита дахлдор эканлигини фаҳмлади. Зийрак Римский янглишмаган эди, албатта.

У Садовая кўчасига очиладиган деразадан ташқарига қаради-ю, афти буришиб кетди ва

пичирлаб эмас, аниқроғи, вишиллаб деди:

— Билувдим-а!

У кўча фонарларининг кучли ёруғида, ўз деразаси остида, пастда, йўлкада бир хонимнинг ички кўйлак ва бинафшаранг узун трусикда турганини кўрди. Тўғри, хонимнинг бошида яна шляпа, кўлида шамсияси ҳам бор эди.

Тамомила эсанкираб қолганидан, гоҳ чўнқайиб ўтиришга, гоҳ ғизиллаганча қаёққадир қочишга шайланган бу хонимнинг атрофини ўраб олган оломон ғавғо кўтарган, боя молия директорининг этини жимирлатиб юборган қаҳқаҳаю қийқирикларнинг ижрочиси ҳам шу оломон эди. Аёлнинг атрофида бир гражданин гирдикапалак бўлиб, эгнидан авра пальтосини ечишга уринар, лекин қаттиқ ҳаяжонланганидан, кўлини ҳеч пальто енгидан чиқара олмасди.

Шу пайт бошқа ердан — чап томондаги эшикдан ҳам қийқирик ва ваҳшиёна қаҳқаҳа эшитилди-ю, Григорий Данилович ўша ёққа ўгирилиб, пуштиранг ички кўйлакда турган иккинчи бир хонимни кўрди. У ўзини панага олиш мақсадида йўлкага ўтиб, тезроқ Варьете дарвозасига кирмоқчи бўлди, лекин ичкаридан чиқаётган томошабинлар оқими унинг йўлига ғов бўлдики, малъун Фаготнинг фирмасидан панд еган, кийим-кечакка шайдолиги ва енгилтаклиги оқибатида шарманда бўлган шўрлик аёл энди фақат бир нарсани — ер ёрилиб, тезроқ ерга кириб кетишни орзу қиларди. Милиционер хуштагини худди ҳавони пармалагандек чуриллатиб, бу бахти қаро аёл томон югурди, унинг орқасидан кепка кийган қандайдир хушчакчак йигитлар эргашди. Шулар кўчани бошларига кўтариб қаҳқаҳ урган ва қийқирган эдилар.

Қотмадан келган, шопмўйлов олатасир бир извошчи қирчанғи отини учуриб келиб, биринчи ечинган аёл тепасида таққа тўхтадида, оғзининг таноби қочиб, тиржайди, Римский ўз бошига муштлаб, тупурди-да, деразадан нари кетди.

У кўчадан келаётган шовқинга кулоқ солиб бир оз утирди. Хуштаклар садоси ҳаммаёқни тутиб кетди, кейин пасая-пасая ахийри тинди. Можаро ҳам жуда тез босилиб, Римскийни хайрон қолдирди.

Ортиқ қўл қовуштириб ўтириб бўлмасди, масъулиятнинг аччиқ оғусини ичиш пайти етганди. Томошанинг учинчи бўлими пайтида телефон аппаратлари тузатилган эди, демак кўнғироқ қилиб, содир бўлган воқеа ҳақида тегишли жойга хабар қилиш, ёрдам сўраш, ёлғон гапириш, ҳамма айбни Лиходеевга ағдариш, ўзини оқлашга ҳаракат қилиш керак эди ва ҳоказо. Ана холос — лаънати яна ишламаяпти! Хуноби чиққан молия директори икки марта трубкани олиб яна кўйиб кўйди. Шу пайт бирдан теран сукутга толган хонада аппарат жуда қаттиқ жаранглаб, молия директорини чўчитиб юборди, у кўрққанидан тахта бўлиб қолди. «Асабларим анча чатоқлашипти», — деб ўйлаб трубкани кўтарди. Лекин шу заҳоти уни кулоғидан узоклаштирдию ранги докадек оқариб кетди. Трубкада аёл кишининг оҳиста ва айни. пайтда шаҳватга даъват этувчи муғамбирона овози пичирлаб деди:

— Ҳеч қаерга кўнғироқ қилма, Римский, оқибати ёмон бўлади.

Шундай деб у трубкани кўйиб кўйди. Молия директорининг эти жимирлаб кетди, трубкани кўйиб, негадир ўз орқасидаги деразага ўгирилиб қаради. У эндигина яшил либос кия бошлаган заранг дарахтининг сийрак новдалари орасидан шаффоф булут парчаси орқасида сузаётган ойни кўрди. Римский, негадир, новдаларга маҳлиё бўлиб қолди, у тикилган сари вужудини кўрқув туйғуси кўпроқ камраб ола бошлади.

Ниҳоят у ой мўралаб турган деразадан зўр-базўр юзини ўгириб, ўрнидан турди. Энди бирон ерга кўнғироқ қилиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди, молия директори энди фақат бир нарса тўғриси-да — қандай қилиб тезроқ театрдан жўнаб кетиш ҳақида ўйларди.

У кулоқ солди: театр биноси сув қуйгандай жимжит. Римский бинонинг иккинчи қаватида анчадан бери ўзидан бўлак ҳеч ким йўқлигини тушунди, тушундию гўдакона кучли кўрқув туйғуси бутун вужудини бирдан маҳв этди. У ҳозир ёлғиз ўзи бўм-бўш йўлаклардан ўтиб бориб

зинадан тушишини ўйларкан, бутун вужуди қалтираб кетди. У гипнозчининг стол устида уюлиб ётган червонларини апир-шапир йиғиштириб портфелга солди, ўзига бир оз бўлса ҳам далда бериш учун йўталиб қўйди. Лекин йўтали хириллаб чиқиб, зўрға эшитилди.

Шу маҳал унинг димоғига кабинетнинг эшиги остидаги тирқишдан бадбўй зах ҳиди урилгандай бўлди. Молия директорининг эти жимирлаб кетди. Бунинг устига, айти пайтда соат ярим кечага жом чала бошлади. Ҳаттоки шу соат занги ҳам молия директорини ларзага келтирди. Кейин эса, кимдир эшик кулфига калит тикиб оҳиста бурай бошлаганда-ку, юраги қинидан чиқиб кетаёзди. У нам ва совуқ қўллари билан портфелни маҳкам чангаллаб оларкан, кулф тешигидаги «қитир-қитир» яна бир оз давом этгудек бўлса, бу даҳшатга тоқат қила олмай, «дод» деб бакириб юборишини сезди.

Ниҳоят, эшик кимнингдир раъйига юриб очилди ва кабинетга Варенуха товушсиз кириб келди. Римский турган ерида креслога таппа ўтириб қолди, чунки оёқларида дармон қолмаган эди. У ўпкасини тўлдириб ҳаво олди-да, хушомадгўй одамга ўхшаб тиржайди ва оҳиста деди:

— Ё алҳазар! Қўрқитиб юбординг-ку мени!

Ҳа, бунақа кўкқисдан пайдо бўлиш ҳар қандай одамни ҳам чўчитиб юборган бўларди, шунга қарамай, айти пайтда Варенуханинг келиши катта шодиёна эди. Ҳар қалай, бу чалкаш жумбоқнинг ҳеч бўлмаса битта учи топилди-ку.

— Қани, гапир тезроқ! Хўш, хўш! — дея хириллади Римский, шу топилган жумбоқ учига ёпишиб олиб, — нима гап экан?

— Мени афв эт, — деб гўлдиради хонага кирган одам эшикни ёпаркан, — сени кетиб қолгандирсан деб ўйловдим.

Сўнг у кепкасини ечмай, кресло олдига борди-да, столнинг у томонига ўтирди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Варенуханинг жавоби сал ғалатиноқ бўлиб туюлди, шунда сезгирликда дунёдаги энг яхши сейсмик станциянинг сейсмографи билан ҳам беллашишга қодир бўлган молия директори хушёр тортиди. Ие, бу қанақаси бўлди? Агарки, Варенуха молия директорини кабинетда йўқ деб фараз қилган экан, нега бу ерга келди? Ахир унинг ўз кабинети бор-ку. Бу — бир. Иккинчидан: Варенуха театр биносига қайси эшикдан кирганида ҳам, албатта тунги навбатчилардан биронтасига дуч келган бўларди, уларга эса, Григорий Данилович ўз кабинетида бир оз ушланиб қолади, деб айтиб қўйилган эди.

Лекин молия директори бу гумонлар устида кўп бош қотириб ўтирмади. Кўнглига сиғмасди.

— Нега ахир кўнғироқ қилмадинг? Анави Ялта машмашасининг тагига етдингми?

— Ҳа, айтганим тўғри чиқди, — деб жавоб қилди администратор, худди оғриқ тиши безовта қилаётгандай тамшаниб, — уни Пушкинодаги ресторандан топишипти.

— Нима? Пушкинодан?! Москва ташқарисидаги Пушкинодан? Телеграммалар Ялтадан келувди-ку?!

— Э, Ялтага бало борми? Пушкинодаги телеграфчини ичириб маст қилибди-да, кейин иккалови майнавозчилик қила бошлапти, шу жумладан: «Ялта» белгиси билан телеграммалар ҳам юборишган.

— Ихи... их... Ҳа, яхши, яхши... — деб Римский гапирмади, балки куйлагандек бўлди. Кўзларида сарғиш ўт чақнади. Миясида, Стёпаннинг шармандаларча ишдан олинишининг тантанавор манзараси гавдаланди. Озодлик! Молия директори ахийри Лиходеев тимсолидаги балоофатдан озод бўлади! Балки Стёпан Богдановичга ишдан олинишдан ҳам баттарроқ жазо насиб этар... — Тафсилотини гапир! — деди Римский босмани столга гурс этиб уриб.

Варенуха ҳам тафсилотни гапира бошлади. У молия директори юборган ерга боришти, борган захоти уни қабул қилишиб, гапларини диққат билан тинглашипти. Турган гапки, Стёпа Ялтада, деган фикр ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмапти. Лиходеев Пушкинодаги «Ялта» ресторанида бўлиши керак, деган Варенуханинг тахминига ҳамма дарҳол қўшилипти.

— Ҳозир қаерда у? — деб администраторнинг сўзини бўлди хаяжонланаётган молия

директори.

— Қаерда бўларди, — деди администратор истехзоли ишшайиб, — хушёрхонада-да, албатта.

— Қойиил! Баракалла, азамат!

Варенуха эса ҳикоясини давом эттирди. У гапирган сари Лиходеевнинг беҳаёлигу безориликлари молия директорининг кўзи олдидан узун занжирнинг ҳалқаларидек тизилиб ўта бошлади, лекин занжирнинг навбатдаги ҳар бир ҳалқаси олдингиларидан баттарроқ манзараларни намоён қиларди. Мана, масалан, унинг Пушкино телеграфи олдаги майсазорда ғирт маст ҳодда телеграфчи билан кучоқлашиб, қандайдир саёқ гармончининг наъмасига рақс тушганини нима деб аташ мумкин? Ёки қандайдир аёлларни чинқиртириб қувганини олинг! Яна «Ялта»нинг ўзида буфетчи билан ёқалашмоқчи бўлипти! Ўша «Ялта»нинг ичида тўполон қилиб, кўп пиёзни ерга сочиб ташлапти! «Ай-Даниля» деган оқ мусалласнинг саккиз шишасини чил-чил қипти. Стёпаки олиб кетишни хоҳламаган такси шофёрининг счётчигини уриб синдирипти. Унинг бу қабихликларига чек қўймоқчи бўлган одамларга, қаматаман, деб дўк қилганини айтмайсизми. Хуллас, ақл бовар қилмайдиган гаплар.

Стёпа Москванинг театр аҳли даврасида «отнинг қашқаси» бўлиб, унинг ғирт ғурбат эканлиги ҳаммага аён эди. Лекин шунга қарамай, администратор топиб келган миш-мишлар ҳаттоки шу Стёпа учун ҳам лоф эди. Ҳа, ўтакетган даражада лоф эди...

Римский ўткир кўзларини администраторнинг юзига худди еб қўйгудек бўлиб тикди, лекин бу кўзлар ҳикоя қанча кўп чўзилган сари, шунча маъюслаша борди. Администраторнинг қиссасидаги қабохатли тафсилотлар қанчалик ҳаётийроқ ва ёрқинроқ бўлган сари... молия директори унга шунча камроқ ишона бошлади. Варенуха Стёпанинг итдай қутуриб, уни Москвага олиб кетгани борган одамларга ҳам қаршилиқ кўрсатгани ҳақида ҳикоя қила бошлаганида молия директори ярим кечада қайтиб келган администраторнинг ҳамма гаплари ёлғонлигига батамом ишонди! Ҳа, гапларининг ҳаммаси — бошидан то охиригача ғирт ёлғон эди.

Варенуха Пушкинога бормаган, Стёпа ҳам Пушкинода йўқ эди. Маст телеграфчи ҳам бўлмаган, ресто-ранда шиша ҳам синдирилмаган, Стёпани ҳам ҳеч ким арқон билан боғламаган... — буларнинг ҳеч бири бўлмаган.

Римский администраторнинг айтаётганлари ғирт олғон деган қатъий фикрга келиши билан унинг оёқларидан бошланган қўрқув ҳисси бутун вужудини қамраб олди, шунда безгак балчиғининг ҳиди бир эмас, икки марта яна ер юзалаб сузгандек туюлди унга. Молия директори креслода жуда ғалати йўсинда гужанак бўлиб ўтириб, худди чироқ шуъласидан кўзини олиб қочмоқчи бўлгандай юзини газета билан гўсиб, муттасил стол лампасининг ҳаворанг сояси панасида бўлишга уринган администратордан бир зум ҳам кўзини узмас экан, паққос: буларга қандай тушуниш керак? — деб бош қотирарди. Ахир, шундай бемаҳалда кириб келган администратор бутун бино сукутга толиб, ҳувиллаб ётган бўлишига қарамай, нега энди айёрона ёлғон гапиряптикин? Шундай хаёлга борган молия директорининг қалбини, оқибат, мавҳум, аммо мудҳиш хатар ҳисси кемира бошлади. У Варенуханинг гапни чалғитаётганини ҳам, юзини газета билан гўсиб найранг қилаётганини ҳам гўё пайқамагандай бўлиб, унинг жаврашларига деярли қулоқ солмай, юзига астойдил тикилиб қарай бошлади. Варенуханинг юзида изоҳлаб бўлмайдиган қандайдир ўзгариш мавжуд эдики, бу — Пушкино саргузаштлари ҳақидаги уйдирмаларнинг нима сабабдан тўқилганидан ҳам мавҳумроқ эди, яъни ўша «қандайдир» деганимиз — администраторнинг ташқи қиёфаси ва сулуқатидаги ўзгачалик эди.

У юзини соя қилиш учун кепкасининг ўрдак-тумшук соябонини кўзларигача бостириб кийишга қанчалик уринмасин, кўлидаги газетани қанчалик ёйиб, айлантириб кўрмасин, — барибир, Римский унинг ўнг юзи, бурнининг ёни моматалоқ бўлганини кўриб олди. Бундан ташқари, одатда ҳамиша жўшқин табиат администратор ҳозир хаста одам каби бўздай оқариб кетган, бўйнига эса шу тунги дим хавода негадир эскириб кетган йўл-йўл шарф ўраб олган эди.

Бу ўзгаришларга яна администраторнинг театрда бўлмаган шу қисқа вақт ичида тишлари орасидан ҳаво сўриб тамшанишдек хунук одат чиқарганини, овозининг жудаям ўзгариб, бўғиқ ва дағал бўлиб қолганини, кўзларида олазараклик ва қўрқув аломати пайдо бўлганини илова қиладиган бўлсак — Иван Савельевич Варенухани таниб бўлмай қопти, деб дадил айтиш мумкин.

Молия директорини яна алланима қаттиқ безовта қиларди, лекин у серташвиш миясини қанчалик қотириб кўрмасин, Варенухага қанчалик тикилиб қарамасин, ўша безовта қилаётган нарсанинг нималигини ҳеч фаҳмлай олмасди. У фақат бир нарсани — админист-раторнинг Римскийга жуда таниш бўлган креслода ўтиришда қандайдир ғайритабiiйлик мавжудлигини, Варенуха билан креслонинг бир-бирига қовушмаётганлигини таъкидлаши мумкин эди.

— Хуллас, ахийри уни таппа тутиб машинага босишди, — деб ғўлдирарди Варенуха моматалок юзини кафти билан тўсиб газета оша мўраларкан.

Шунда Римский бирдан гўё беҳосдан кафтини ёйганча қўлини узатдида, айни пайтда, бармоқларини стол устида ўйнатиб туриб, электр кўнғироқ тугмасини босиб юборди ва... серрайиб қолди.

Бўм-бўш бинода кўнғироқ овози жаранглаб эшитилиши керак эди, албатта. Лекин эшитилмади, тугмача столга ботди-ю, аммо садо чиқмади. Тугма ўлик, кўнғироқ бузуқ эди.

Молия директорининг бу найрангини Варенуха пайқади, албатта, у кифтини учириб, кўзларидан жаҳолат учқуни сочганча сўради:

— Нега кўнғироқ қилдинг?

— Қўлим тегиб кетди, — деди бўғиқ овоз билан Римский ва қўлини тортиб олди, сўнг ўз навбатида у ҳам ҳадиксираб сўради: — Юзингга нима қилди?

— Машина кескин бурилган эди, эшик бандига урилиб кетдим, — деб жавоб қилди Варенуха кўзини ундан олиб қочаркан.

«Гапи ёлғон!» — деб кўнғилдан ўтказди молия директори. Шундай хаёлга борди-ю, бирдан кўзлари косасидан чиқиб кетгудек чақчайиб, телбаларча боқди — у кресло суянчиғига тикилиб қолган эди.

Кресло орқасида, полда бир-бирини кесиб ўтган иккита соя ётарди, бири қуюқроқ ва қорароқ, иккинчиси хирагина, кулранг тусда эди. Кресло суянчиғининг ҳам, ўткир учли оёқларининг ҳам сояси полда яққол кўриниб турар, аммо Варенуханинг суянчиқ узра кўриниб турган бошининг, шунингдек, кресло пойидаги оёқларининг сояси кўринмасди.

«Ахир унинг сояси йўқ-ку!» — деб жонҳолатда доҳилан чинқириб юборди Римский. Вужуди дағ-дағ қалтирай бошлади.

Варенуха Римскийнинг телбаларча нигоҳини кузатаркан, кресло орқасига ўғринча назар ташладию миси чиққанлигини тушунди.

У креслодан туриб (молия директори ҳам унга тақлид қилди), портфелини қўлида маҳкам ушлаганча столдан бир қадам орқага чекинди.

— Ҳа, пайқаб қолдинг-а, ярамас! Ҳамиша фаросатинг ўткир бўлган сени, — деди Варенуха молия директорига, юзингда кўзинг бор демай захарханда қилиб, кейин дафъатан бир сакраб эшик олдига бор-ди-да, инглиз қулфи тугмачасини чаққонлик билан пастга босди. Молия директори боққа очиладиган дераза томон чекинаркан, ялт этиб унга ўтирилди ва ой нурига ғарқ бўлган бу дераза ойнага қапишган кип-яланғоч бир аёлнинг юзини ва дарчадан ичкарига тикқан яланғоч қўлини кўрди — бу қўл деразанинг пастки илгагини очишга уринарди. Юқори илгак туширилиб бўлган эди.

Римскийнинг назарида стол устидаги чироқ ўча бошлагандек, ёзув столи эса бир томонга оғаётгандек туюлди. Муздек совуқ, кучли тўлқин келиб унга урилгандай бўлди, аммо у бутун кучини сарфлаб ўзини тутди-ю йиқилмади. Унинг қолган кучи:

— Войдод... — деб бақиришга эмас, пичирлашгагина етди.

Варенуха эшикни қўриқдаркан, диконглаб сакрар, сакрагандаям ҳавода узоқ-узоқ муаллақ чайқалиб турарди. У чангаксимон бармоқларини Римский томонга силтар, вишиллер, тамшанар, дераза орқасида турган яланғоч аёлга кўз қисарди.

Аёл эса бу пайт малласоч бошини шоша-пиша дарчадан тиқиб, қўлини имкони борича чўзди, деразанинг пастки илгагини тирноқлари билан тирнаб, деразани силкита бошлади. Шунда унинг қўли худди резинкадек чўзила ва мурданики янглиғ кўкара бошлади. Ниҳоят, бу мурданинг кўкарган бармоқлари илгакнинг учини чангаллаб уни ёнга бурди, дераза аста очила бошлади. Римский оҳиста чинқириб, деворга суянди ва портфелини қалқон қилиб олдинга сурди. Ажали етганини тушунган эди у.

Дераза ланг очилди, лекин хонага тунги салқин ҳаво ва жўка гуллари атри ўрнига зах ертўла ҳиди «гуп» этиб кирди. Мурда аёл деразада турарди. Римский унинг сийнасида ирий бошлаган доғларни аниқ кўрди.

Худди шу маҳал боғдан, тир орқасидаги пастак бинодан кутилмаганда хўрознинг шодиёна қичқирғи эшитилдики, театр программаларида қатнашувчи паррандалар шу ерга жойлаштирилган эди. Бу ўргатилган даканг хўроз Москвага шарқ ёқдан тонг яқинлашиб келаётганини қичқириб хабар қилганди.

Аёлнинг чеҳраси ваҳшиёна ғазабдан буришиб, хиркироқ овоз билан сўкинди, эшик олдида ҳавода муаллақ чайқалиб турган Варенуха эса чийиллаб юбориб, ерга «гурс» этиб тушди.

Хўроз яна қичқирган эди, аёл тишларини такиллади, бошида малла соч толалари тиккайди. Хўроз учинчи бор қичқирғи билан у орқасига ўгирилди-ю, деразадан учиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан Варенуха ҳам бир сакраб, ҳавода энига чўзилди ва худди муҳаббат тангриси Купидон янглиғ оҳиста сузиб, ёзув столи узра учиб ўтди-да, деразадан чиқиб кетди.

Ҳали яқингинада Римский деб ҳисобланган, энди эса сочида биронта ҳам қора тола қолмаган мўйсафид чол эшик олдига югуриб борди, илгакни тушириб, эшикни очди ва қоп-қоронғи даҳлиздан ғизиллаганча югуриб кетди. Зинага буриладиган ерда у қўрқувдан ихраб-сихраб включателни пайпаслаб топди-ю зинани ёритди. Бутун вужуди дағ-дағ титраётган чол зинада йиқилиб тушди, чунки назарида, устига Варенуха оҳиста босиб тушгандай бўлганди.

Пастга чошиб тушган Римский навбатчининг вестибюлдаги касса олдида стулда ухлаб ўтирганини кўрди. У навбатчининг ёнидан оёқ учида ўғринча юриб ўтиб, асосий эшикдан кўчага чикди. Шундагина Римский бир оз енгил тортди. У шунчалик ҳушини йиғиб олган эдики, қўлини бошига олиб бориб, ҳатто шляпаси кабинетида қолиб кетганини ҳам фаҳмлади.

Турган гапки, у шляпасини олгани қайтиб кирмади, балки ҳаллослаганча кенг кўчани кесиб ўтиб муюлишдаги кинотеатр томон чопди, ўша ерда таксининг хирагина қизғиш чироғи ёниб турганини узокдан кўрган эди. У бир зумда ўша ерга етиб ҳам олди. Хайрият, машинани ҳеч ким илиб кетмабди.

— Ленинграднинг курьер поездига, чой пули бераман, — деди қария юрагини чангалланганча ҳансираб пафас оларкан.

— Гаражга кетяпман, — деди гаофёр ғижиниб ва юзини тескари ўгирди.

Шунда Римский портфелидан битта эллик сўмлик пул чиқарди-да, машинанинг олдинги очик ойнасидан шофёрга узатди.

Яна бир лаҳзадан кейин шалдирок машина Садовая халқа йўлидан қуюндек елиб борарди. Пассажир орқа хриндикда дамо-дам лик-лик сакраб бораркан, шофёр рўпарасидаги бир парча кўзгуда гоҳ унинг шодиёна кўзларини, гоҳ ўзининг телбаларча кўзини кўрарди.

Римский вокзал биноси олдида машинадан отилиб чикди-ю, олдига оқ фартук тутиб, ҳаммоллик нишони таққан биринчи дуч келган одамга қичқирди:

— Биринчи даражали вагон, битта билет, ўттиз сўм бераман, — деб портфелидан червонларни ғижимлаб ола бошлади, — биринчи йўқ бўлса — иккинчи даражали, агар уям йўқ бўлса — борини олавер.

Нишон таққан одам порлаб турган электр соатга қараб қўйиб, Римскийнинг қўлидан червонларни юлқиб одди.

Яна беш минутдан кейин вокзалнинг ойнаванд гумбази остидан курьер поезда ўқдай отилиб чиқди ва зулмат қўйнида ғойиб бўлди. Шу поезд билан бирга Римский ҳам дом-дараксиз йўқолди.

Ўн бешинчи боб

НИКОНОР ИВАНОВИЧНИНГ ТУШИ

Турган гапки, шифохонанинг 119-хонасига ётқизилган башараси кип-қизил, бақалоқ одам Никонор Иванович Босой эди.

Бироқ у профессор Стравинскийнинг ихтиёрига келмасдан олдин бошқа ерда ҳам бўлди.

Никонор Ивановичнинг хотирасида ўша бошқа ердан жуда оз нарса: фақат ёзув столию шкаф билан диван қолди.

Миясига қуйилган қондан ва қаттиқ ҳаяжонланганидан кўз олди хиралашган Никонор Иванович билан у ерда суҳбатлашишди, аммо суҳбат жуда ғалати, пойинтар-сойинтар бўлиб чиқди, тўғрироғи, суҳбат чиқмади.

Никонор Ивановичга берилган биринчи савол бундай эди:

— Сиз — Садовая кўчасидаги уч юз иккинчи-бис уй комитетининг раиси Никонор Иванович Босойсиз, шундайми?

Бунга жавобан Никонор Иванович даҳшатли хохолаб, шундай жавоб қилди:

— Мен Никонорман, тўғри, Никонорман! Лекин қанақасига раис бўлай?

— Буни қандай тушуниш керак? — деб сўрашди Никонор Ивановичдан кўзларини қисганча.

— Айтмоқчиманки, — деб жавоб қилди у, — агар раис бўлганимда, бир қарашдаёқ унинг шайтон эканлигини фаҳмлаган бўлардим! Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг! Пенсенесининг ойнаги дарз кетган... уст-боши бир ҳолатда-ю... Ахир қанақасига хорижлик одамнинг таржимони бўлиши мумкин?

— Кимни гапиряпсиз ўзи? — деб сўрашди Никонор Ивановичдан.

— Коровьёвни-да! — деб чинқирди Никонор Иванович, — уйимизнинг эллингичи квартирасини эгаллаб олган у! Ёзинг! Коровьёв. Дарҳол қўлга олиш керак уни! Ёзинг! Олтинчи подъезд. У ўша ерда.

— Валютани қаердан олдинг? — деб мулойим оҳангда сўрашди Никонор Ивановичдан.

— Ҳақ таоло, қодир худо, — деб гапира бошлади Никонор Иванович, — ҳаммасини кўриб турийти, ўзимнинг борадиган ерим ҳам ўша ёқ. Ҳеч қачон қўлимга ушламаганман, валюта ўзи қанақа бўлишини тасаввур ҳам қилмаганман! Худо мени бадкирдорлигим учун ғазабига олмоқда, — деб ҳаяжон билан давом этди Никонор Иванович қўйлагининг тугмаларини гоҳ қадаб, гоҳ ечиб, гоҳ чўқиниб, — тўғри, олганман! Олганман, лекин ўзимизнинг совет пули билан олганман! Тўғри, пул олиб прописка қилганман, бўйнимга оламан. Аммо котибимиз Пролежнев ҳам қолишмайди, у ҳам анойиларданмас! Очиғини айтадиган бўлсак, уй бошқармасидагиларнинг ҳаммаси ўғри. Лекин валюта олмаганман!

— Майнавозчиликни бас қилиб, долларни вентиляция туйнугида қаёқдан пайдо бўлганини гапириб оеринг! — деб Никонор Ивановичдан илтимос қилишган эди, у тиз чўкиб ўтириб, оғзини катта очди-да, худди паркет тахтасини ютиб юбормоқчи бўлгандай, энгашди.

— Хохласангиз, — деб пўнғиллади у, — олмаганман деб қасам ичиб, тупроқ ейишга ҳам тайёрман. Лекин Коровьёв — шайтон.

Ҳар қандай сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бўлади, стол ортида ўтирганлар Никонор Ивановичга, бас бўлди, одамга ўхшаб гапиринг, деб қаттиқроқ гапира бошлашди.

Шунда Никонор Иванович ўрнидан сапчиб туриб кетиб, ўша диван қўйилган хонани бошига кўтаргудек ваҳшиёна чинқирди:

— Ана у! Ана, шкаф орқасида турипти! Масхара қилиб куляпти! Пенснесиям ўша... Ушланглар уни! Исирик тутатинглар!

Никонор Ивановичнинг ранги қув ўчиб кетди, у дағ-дағ титраганча бўшлиқни чўқинтирар, ғизиллаб эшик олдига бориб, яна орқасига қайтар, аллақандай дуо сўзларини ифода билан ўқирди, ниҳоят, у мутлако тутуриқсиз гапларни алжий бошлади.

Никонор Ивановичдан бирон бамаъни гап чиқмаслиги аён бўлди. Уни олиб чиқиб кетиб, алоҳида хонага жойлаштиришди, у сал тинчиди, аммо пиқиллаб йиғлаганча, тинмай ибодат қила бошлади.

Тўғри, Садовая кўчасигаям бориб келишди. 50-квартирага ҳам кириб чиқишди. Лекин у ерда ҳеч қанақа Коровьёвни учратишмади, алалхусус, у уйда истиқомат қилувчилардан ҳеч ким Коровьёв деган одамни танимас ҳам, кўрмаган ҳам экан. Марҳум Берлиоз билан ҳозир Ялтага жўнаб кетган Лиходеев яшаб турган квартирада ҳеч зоғ йўқ эди, кабинетдаги шкафларга осилган сурғучли муҳрлар ўз жойида осилиб турарди. Шундан сўнг текширгани келганлар яна қайтиб кетишди, айти пайтда уй бошқармасининг котиби, руҳи тушиб гангиб қолган Пролежнев ҳам улар билан жўнаб кетди.

Кечқурун Никонор Ивановични Стравинскийнинг шифохонасига элтиб қўйишди. У ерда бемор бетинч бўлиб, шу қадар кутурдики, натижада Стравинский рецепти бўйича унга укол қилишга тўғри келди. 119-хонага жойлаштирилган Никонор Иванович фақат вақт ярим кечадан ўтгандагина уйқуга кетди, шунда ҳам уйқу аралаш изтиробли инграб-инграб қўярди.

Лекин бора-бора уйқуси ҳаловатли бўла бошлади. Тўлғониши, инграшлари қолиб, енгил ва бир текисда нафас ола бошлади, шундан кейингина уни хонада холи қолдиришди.

Кейин Никонор Иванович туш кўрди, шубҳасиз, кўрган тушига бугун ўз бошидан кечирган воқеалар асос бўлган эди. Никонор Ивановичнинг туши қуйидагича бошланди: қўлига мис карнайлар ушлаган қандайдир одамлар жуда зўр тантана билан уни ярақлаган улкан бир эшик олдига олиб келишганмиш. Кейин шу эшик тагида ўша карнайчилар Никонор Иванович шаънига табрик музыкаси — туш чалганмиш-у, қан-дайдир гулдуровчи йўғон овоз унинг боши узра шўх оҳангда бундай деганмиш:

— Марҳабо, Никонор Иванович! Валюталарни топширинг.

Никонор Иванович жудаям ҳайрон бўлиб, бошини кўтариб, тепасида қоп-қора радиокарнайни кўрганмиш.

Кейин у негадир театр залида пайдо бўлиб қолипти, залнинг заррин шифтида биллур қандиллар порлаб турармиш, деворларда — кенкетлар¹³. Ҳамма нарса ўз ўрнидамиш, унча катта бўлмаган, аммо қиммат театрда қандай бўлса, бу ер ҳам шундаймиш. Саҳна ҳам, олтин ранг ўн сўмликларнинг катталаштирилган тасвири ҳар ер-ҳар ерида худди юлдузлар сингари порлаб турган тўқ-қизил духоба парда ҳам, суфлёр будкаси ҳам, хаттоки томошабинлар ҳам бор эмиш.

Никонор Ивановични ҳайрон қолдирган нарса шу бўлибдики, ҳамма томошабинлар бир жинс вакили — эркаклармиш, бунинг устига, негадир, ҳаммалари соқоллимиш. Яна залда биронта ҳам стул йўқлиги, томошабинларнинг ярақлатиб артилган силлиқ полда ўтиргани уни таажжубга солибди.

Никонор Иванович бу улкан нотаниш жамоа даврасида ўзини ўнғайсиз ҳис қилиб, бир оз вақт қимтиниб турипти-да, сўнг ҳамма қатори у ҳам хирс-мирсдай келадиган бир малласоқол одам билан ҳаммаёғини тук босиб кетган рангпар бир гражданин ўртасига, паркет полга чордана қуриб ўтирипти. Лекин ҳеч ким бу янги томошабинга парво ҳам қилмапти.

Шу маҳал майин қўнғироқча садоси эшитилиб, залда чирок ўчипти, парда очилиб, чароғон

¹³ Кенкет – пилиги майдонидан пастга жойлашган қадимий чирок.

сахнада кресло, устига олтин кўнғироқча қўйилган столча ва тўрда қора духоба парда кўринипти.

Ён томондан сахнага соқол-мўйлови силлиқ олинган, сочининг ўртасидан фарқ очилган, эгнига смокинг кийган истараси иссиқ ёш бир артист чиқипти. Томошабинлар жонланишиб, сахна томонга ўтирилипти. Шунда артист будка яқинига келиб туриб, кафтларини бир-бирига ишқаб:

— Ўтирибсизларми? — деб сўрапти майин баритон овоз билан ва жилмайиб залга қарапти.

— Ўтирибмиз, ўтирибмиз, — деб бараварига жавоб қилишипти залда чийиллаган ва дўриллаган овозлар.

— Ҳм... — депти ўйчанлик билан артист, — тавба, жонларингга тегмадими-а, хайронман? Ақли расо одамлар ҳозир баҳор офтобидан, илиқ ҳаводан баҳра олиб, кўчаларда сайр қилиб юришипти, сенлар бўлсанглар, бу ерда, қоқ ерда димикиб ўтирибсанлар! Наҳот, программамиз шу қадар қизиқарли бўлса? Дарвоқе, ҳар кимнинг диди ҳар хил бўлади, — деб файласуфона яқунлапти сўзини артист.

Кейин у овозининг тембрини ҳам, оҳангини ҳам ўзгартириб, янгроқ овоз билан шўх оҳангда эълон қилипти:

— Шундай қилиб, программамизнинг навбатдаги номерида уй бошқармасининг раиси ва парҳез ошхонаси мудирини Никонор Иванович Босой сахнага чиқади. Сўраймиз, Никонор Иванович!

Артистнинг гапини зал гулдурас қарсақлар билан кутиб олипти. Ҳанг-манг бўлиб қолган Нико-нор Иванович бақрайиб қолипти, конференсье эса сахна олдидаги чироқлардан кўзини кафти билан тўсиб, залда ўтирганлар орасидан уни ахтариб то-пишти-да, мулойим жилмайиб, бармоғи билан уни сахнага имлаб чақирипти. Шунда Никонор Иванович қандай қилиб сахнага чиқиб қолганини ўзи билмай қолипти.

Унинг рўпарасидаги ва оёғи остидаги чироқларнинг ранг-баранг шуълалари кўзига тушган ҳамоноқ томошабин тўла зал зулмат қаърига чўкиб ғойиб бўлипти.

— Қани, Никонор Иванович, бир ўрнак кўрсатинг-чи, — депти дилкашлик билан ёш артист, — валютани топширинг.

Бутун зал сукутда эмиш. Никонор Иванович бир хўрсиниб қўйиб, оҳиста гап бошлапти.

— Худо урсин, агар...

У айтмоқчи бўлган гапини айтиб улгурмасдан бутун зал қаҳру ғазаб билан шовқин сола бошлапти. Натижада Никонор Иванович эсанкираб жим бўлиб қолипти.

— Фаҳмимча, — деб гапира бошлапти программани бошқараётган артист, — сиз худони ўртага қўйиб, «валютам йўқ» деб онт ичмоқчи бўлдингиз, шундайми? — У Никонор Ивановичга ҳамдардлик билан боқипти.

— Ҳа, шундай, йўқ, — деб жавоб қилипти Никонор Иванович.

— Ундай бўлса, — депти артист, — беадаблигим учун кечирасиз, сиз билан хотинингиздан ўзга ҳеч ким истиқомат қилмайдиган ўша квартиранинг ҳожатхонасидан топилган тўрт юз доллар қандай бориб қолипти у ерга?

— Сеҳр билан-да! — дебди шунда кимдир қоронғи залдан ошқора киноя билан.

— Ҳа, шундай, сеҳр билан, — деб кўрқа-писа жавоб қилибди Никонор Иванович, лекин кимга жавоб қилганини: артистгами ё қоронғи залгами — билиб бўлмапти. Кейин у жавобини изоҳлапти: — Инс-жинс, яъни катак камзул кийган таржимон ташлаб кетган.

Залда яна дарғазаб шовқин кўтарилипти. Шовқин гингач эса артист гап бошлапти:

— Мана шунақа лафонтенона* масаллар ҳам ижро этилиб туради бу ерда! Тўрт юз долларни ташлаб кетишганмиш! Мана, сизлар ҳаммангиз валютафурушларсиз! Сизлар — мутахассисларсиз, қани айтинг-чи — шундай бўлишига ақл бовар қиладими?

— Биз валютафурушлармасмиз, — залнинг у ер-бу еридан битта-яримта овоз эшитилипти,

— лекин чинданам бундай бўлиши мумкин эмас.

— Тўла-тўқис кўшиламан, — депти артист қатъий оҳангда, — бинобарин, сизларга саволим бор: масалан, иимани ташлаб кетишлари мумкин?

— Болани! — деб қичқирипти кимдир заддан.

— Мутлақо тўғри, — деб тасдиқлапти артист, — болани, юмалоқ хатни, прокламацияни, белгиланган вақтда портлайдиган бомбани, яна кўп нарсаларни ташлаб кетишлари мумкин, аммо тўрт юз доллар пулни ҳеч ким ташлаб кетмайди, зеро табиат ҳеч қачон яратмаган унақа аҳмоқни, — шундан кейин артист Никонор Ивановичга юзланиб, маъюс маломат билан илова қилипти: — сиз мени ранжитдингиз, Никонор Иванович! Сиздан жуда умидвор эдим. Қисқаси, номеримиз ўтмади.

Залда Никонор Ивановичга қарата хуштак чала бошлашипти.

— Учига чиққан валютафуруш у! — деб бақиршармиш залдан, — мана шунақаларнинг касрига қолиб биз бегуноҳлар азоб чекаймиз!

— Койиманглар уни, — мулойим оҳангда депти конференсье, — ўзиям пушаймон бўляпти. — Сўнг у филт-филт ёш тўла кўм-кўк кўзларини Никонор Ивановичга қаратиб, илова қилипти: — Майли, бора қолинг жойингизга, Никонор Иванович!

Шундан кейин артист кўнғироқчани чалиб, баралла овоз билан эълон қилипти:

— Танаффус, аблаҳлар!

Ҳеч кутилмаганда бу нотаниш театр программасида қатнашиб, эси оғиб қолган Никонор Иванович ўзини яна бояги полдаги ўрнида кўрипти. Энди унинг тушига бутун залнинг зим-зиё бўлгани, деворларда: «Валюталарни топширинг!» — деган қизил сўзлар ёна бошлагани кирипти. Кейин яна парда очилиб, конференсье:

— Саҳнага Сергей Герардович Дунчилни таклиф қиламан, — депти.

Дунчиль дегани эллик ёшлардаги хушбичим, аммо жудаям ирkit одам эмиш.

— Сергей Герардович, — деб юзланипти конференсье шу одамга, — мана, бир ярим ойдирки, кўлингизда қолган валюталарни топширишдан қатъиян бош тортиб бу ерда қийналиб ўтирибсиз, ҳолбуки, мамлакат уларга муҳтож, сизга эса уларнинг асло ҳожати йўқ, шунга қарамай, сиз қайсарлигингизни қўймаяпсиз. Ўзингиз зиёли одамсиз, ҳамма нарсага жуда яхши тушунасиз-у, шунга қарамай, менга ёрдам қилишни хоҳламаяпсиз.

— Таассуфки, ҳеч иложим йўқ, зеро менда бошқа валюта қолмаган, — деб бамайлихотир жавоб қилипти шунда Дунчиль.

— Ҳ, еч бўлмаса, бриллиантларингиз бордир? — деб сўрапти артист.

— Бриллиантлар ҳам йўқ.

Артист бошини ҳам қилганча бир оз ўйланиб турипти-да, кейин бир марта чапак чалипти. Саҳнанинг ён томонидан мода бўйича кийинган, яъни ёқасиз пальто ва кичкинагина шляпа кийган ўрта ёшлардаги бир хоним чиқипти. У жуда ташвишли кўринармиш, Дунчиль бу хонимга совуққина қараб қўйипти.

— Ким бу аёл? — деб сўрапти артист Дунчилдан.

— У менинг хотиним, — деб виқор билан жавоб қайтарипти Дунчиль ва хонимнинг узун бўйнига хиёл ранж билан тикилипти.

— Биз сизни, Дунчиль хоним, — деб юзланипти конференсье хонимга, — бир масала юзасидан безовта қилишга журъат этдик: биз сиздан, эрингизда яна валюта борми, деб сўрамоқчи эдик.

— Ўшанда у ҳаммасини топширган эди, — ҳаяжонланиб жавоб қилипти Дунчиль хоним.

— Яхши, — депти артист, — ҳай, ундай бўлса, яхши. Агар ҳаммасини топширган бўлса, начора, унда биз дарҳол Сергей Герардович билан видолашмоғимиз керак! Истасангиз, театрни тарк этишингиз мумкин, Сергей Герардович, — шундай деб артист шоҳона мурувват қилипти.

Дунчиль эса салобат ва виқор билан орқасига ўгирилиб, саҳна ичкараси томон юра

бошлапти.

— Яна бир минут сабр қилсангиз! — деб уни тўхтатишти шунда конференсье, — видолашишимиз олдидан сизга программамизда яна бир номер кўрсатишга ижозат берсангиз, — шундай деб у яна чапак чалипти.

Тўрдаги қора парда сурилиб, сахнага бал кўйлаги кийган ёшгина бир соҳибжамол қиз қўлида олтин патнис кўтариб чиқипти, патнисда конфет лентаси билан боғланган қалин бир даста пул ва бриллиант маржон отганмишки, ундан сахнанинг ҳар томонига дамо-дам яшил, сарик, қизил учқунлар чатнармиш.

Дунчиль бир қадам орқасига тисарилибдию ранги докадек оқариб кетипти. Зал чурқ этмай қолипти.

— Ўн саккиз минг долларни ва олтин пулда қирқ минг турадиган бу маржонни, — деб тантанавор эълон қилипти артист, — Сергей Герардович Харьков шахридаги ўз маъшуқаси — ҳозир сиз билан биз кўриш шарафига муяссар бўлган Ида Геркулановнанинг квартирасида сақлаб келганки, аслида бебаҳо, аммо хусусий шахс қўлида бефойда бўлган бу улкан бойликни топишда бизга лутфан кўмаклашган Ида Геркулановнага мингдан-минг раҳмат айтамыз.

Соҳибжамол қиз жилмайган экан, тишлари ярақлаб кетипти, узун киприклари бир елпиниб кўйипти.

— Аммо сиз, — деб энди артист Дунчилга юзланипти, — гарчи сиртингиздан хушфазилат одам кўринсангиз ҳам, аслида очкўз бўри, бадфеъл ва учига чиққан ёлғончи экансиз. Сиз шу бир ярим ой мобайнида аҳмоқона ўжарлигингиз билан ҳаммани қонига ташна қилдингиз. Уйингизга бораверинг энди, хотинингиз бошингизга соладиган жаҳаннам азоби — қилган жиноятингизга монанд жазо бўла қолсин.

Шунда Дунчиль бир чайқалиб, йиқилиб тушаёзган экан, кимдир раҳм қилиб, қўлтиғидан олипти. Худди шу пайт олдпарда «шир» этиб тушиб, сахнадагиларнинг барини кўздан яширипти.

Никонор Ивановичнинг назарида, зални ларзага келтирган гулдурос қарсақлардан қандил чироқлари «лик-лик» сакрай бошлагандай бўлипти. Олдинги қора парда юқорига кўтарилганда сахнада энди ёлғиз артистдан бошқа ҳеч ким қолмаганмиш. Яна бошланган қарсақ садосини бўлиб, артист залга таъзим қилипти ва шундай гап бошлапти:

— Дастуримизда қатнашган бояги Дунчиль қиёфасида сиз оддий бир эшакни кўрдингиз. Ахир кеча мен, махфий тарзда валюта сақлаш — ғирт бемаънилиқдир, деб айтиш шарафига муяссар бўлган эдим-ку. Сизларни ишонтириб айтаманки, ҳеч ким, ҳеч қачон у валютадан фойдалана олмайди. Мисол учун ўша Дунчилни олайлик. У жуда катта маош олади, ҳеч нарсага мухтож эмас. Унинг шоҳона квартираси, хотини, яна соҳибжамол ўйнаши ҳам бор. Буни қарангки, валюта билан қимматбаҳо тошларни ҳукуматга топшириб, ҳар қандай кўнгилисизликларни бошидан соқит қилиш, тинчгина, ҳаловатда яшаш ўрнига, бу манфаатпараст галварс охири ҳамманинг кўзи олдида ўз оёғи билан шармандалиқ ботқоғига ботди, сийловига яна ҳали уйида бошида таёқ синадиган бўлди. Хўш, қани, ким топширади? Хоҳловчилар йўқми? Ундай бўлса, навбатдаги номеримизда — программамизга махсус таклиф қилинган истеъдодли ва таниқли драматик артист Савва Потапович Куролесов шоир Пушкиннинг «Хасис рицарь» фожиасидан парча ўқиб беради.

Номи зикр этилган Куролесов бир зум ҳам кутдирмай, сахнада пайдо бўлипти, бу эгнига фрак кийиб, оқ галстук боғлаган, сочи устарада олинган норғил ва семиз одам эмиш.

У афтини буриштириб, қовоқларипи уйипти-да, олтин кўнғироқчага қиё боққанча ҳеч қандай муқаддимасиз, ғайриоддий овоз билан шеър ўқий бошлапти:

— Уйинқароқ йигит маккор фоҳиша қизнинг висолини интизорли кутгани каби...

Шундан бошлаб Куролесов ўзи тўғрисида кўп ёмон гапларни айтиб берипти. Никонор Иванович қайсиям бир бахти қаро бева хотиннинг ёмғир шаррос қуйиб турганда зор-зор йиғлаб

Куролесовнинг қаршисида тиз чўккани, аммо шўрликнинг нолалари бераҳм артистнинг кўнглини юмшатмагани тўғрисида унинг ўз оғзидан эшитипти. Никонор Иванович то шу тушни кўргунига қадар шоир Пушкиннинг биронта ҳам асарини ўқимаган бўлса ҳам, унинг ўзини жуда яхши биларди, ҳатто унинг иомини ҳар куни бир неча марталаб қуйидаги мазмунда тилга олиб турарди: «Квартира ҳақини сиз учун Пушкин тўлайдими?» ёки: «Нима, зинадаги лампочкани Пушкин илиб кетиптими, бўлмаса?» — «Балки сиз, нефть учун Пушкин пул тўлайди, деб ўйларсиз?»

Мана энди Никонор Иванович шоирнинг асарларидан бири билан танишиб, маъюс бўлиб қолипти, етимча болалари билан ёмғирда тиз чўкиб турган аёлни кўз олдида келтирипти-да, беихтиёр: «Аблаҳнинг ўзи экан-ку бу Куролесов!» — деб кўнглидан ўтказипти.

У эса тобора овозини баландлатиб тавба қилишда давом этаркан, бора-бора Никонор Ивановични гангитиб қўйипти, чунки артист бирдан саҳнада йўқ кдндайдир одамга мурожаат қилиб, ўша йўқ одам тилидан ўзига-ўзи жавоб қайтара бошлабдики, шу гаплари пайтида у ўзини гоҳ «сиз»лаб, гоҳ «сен»лаб, ўзига-ўзи бир «жаноб», бир «барон», бир «ота», бир «ўғлим» деб муожаат қила бошлапти.

Никонор Иванович фақат бир нарсани — артистнинг: «Калитлар! Калитларим менинг!» — деб жонҳолатда чинқириб, ахийри машъум ўлим топганини тушунипти, чунки артист «гурс» йиқилиб, хириллаганча бўйнидаги галстугини оҳиста еча бошлабди.

Куролесов ўлиб бўлгач, ўрnidан турипти, шимининг чангини қоқипти, сохта жилмайиб, таъзим қилипти-да, сийраккина қарсақ остида саҳнадан чиқиб кетипти. Кейин конференсье бундай деб гап бошлапти:

— Сиз билан биз Савва Потаповичнинг моҳирона ижросида «Хасис рицарь» асарини тингладик. Ўша рицарь шўх илоҳалар учиб келиб атрофимда парвона бўлишадия яна жуда кўп шунга ўхшаш кўнгил очувчи ҳоллар юз беради, деб умид қилган эди. Лекин, ҳозир ўзингиз кўрдингиз, ҳеч қандай илоҳалар ҳам учиб келмади, музалар ҳам уни мадҳ этмади, у ҳеч қандай кошона ҳам қура олмади, аксинча, жуда ёмон ўлим топди, валюта ва қимматбаҳо тошлар тўлдирилган ўз сандиғи устида юраги ёрилиб тўнғиз қавмида кетди. Билиб қўйинглар, валюталарни топширмасангиз сизларнинг ҳам бошингизга шундай фалокат, — балки ундан ҳам бешбаттари — тушиши мумкин.

Шунда ё Пушкиннинг назмий асари, ё конференсьенинг насрий нутқи қор қилган бўлса керак — залдан тортинчоқ бир овоз эшитилипти:

— Мен топшираман валютамни.

— Сизни лутфан саҳнага таклиф қиламан! — депти конференсье қоронғи залга тикилиб қараркан, мулойим овоз билан.

Шунда саҳнага паст бўйли, оқ-малла соч бир гражданин чиқипти, у уч ҳафталардан бери соқолини олмаган одамга ўхшармиш.

— Афв этасиз, фамилиянгиз? — деб сурапти конференсье.

— Канавкин Николай, — қимтинибгина жавоб қилипти у.

— Ҳа! Ғоят хурсандман, гражданин Канавкин, қулоғим сизда!

— Топшираман, — депти Канавкин секингина.

— Қанча?

— Минг доллару яна йигирмата ўн сўмлик олтин танга.

— Браво! Ҳаммаси-а?

Программани олиб бораётган артист Канавкиннинг кўзларига қаттиқ тикилиб қарапти, шунда Никонор Ивановичнинг назарида, артистнинг кўзларидан ҳатто шуъла отилиб чиқиб, худди рентген нурлари каби Канавкиннинг вужудини тешиб ўтгандай бўлипти. Залда ўтирганларнинг нафаслари ичига тушиб кетипти.

— Ишонаман! — депти ниҳоят артист ва кўз нуруни ўчирипти, — ишонаман! Бу кўзлар

алдамайди. Сизларга қайта-қайта айтяпманки, асосий хатоларингиз — инсон кўзи кудратини қадрига етмаётганингиздир. Тушунинг ахир, тил ҳақиқатни яшириши мумкин, аммо кўз — ҳеч қачон! Масалан, сизга дабдурустдан бир савол беришди дейлик, лекин сиз бундан хатто сесканмайсиз ҳам, бир зумда ўзингизни тутиб оласизу, ҳақиқатни яшириш учун нима деб жавоб қилишни биласиз, кейин қатъий ишонч билан жавоб қайтара бошларкансиз, юзингизда гапингизнинг ёлғонлигини сездирувчи биронта ҳам ишора кўринмайди, лекин таассуфки, берилган саволдан ҳаловатини йўқотган ҳақиқат бир лаҳзага қалбингиз тубидан кўзингизга «лип» этиб сакраб чиқадию, вассалом, иш тамом. Ҳақиқат фош бўлиб, тумшуғингиздан илинасиз!

Артист бу ғоят асосли нутқини дабдаба билан сўзлаб бўлиб, Канавкиндан мулойим оҳангда сўрапти:

— Қаерга яширгансиз?

— Пречистенкадаги холамнинг уйига, Пороховникова фамилияси...

— Ҳа-а! Ие... шошманг-шошманг... Клавдия Ильиничнаникигами ?

-Ҳа.

— О, ҳа, ҳа, тўғри! Мўъжазгина иморат-а? Рўпарасида кичкинагина томорқасиям бормиди? Э, биламан, биламан у уйни! Хўш, у уйнинг қаерига тиқиб ташлагансиз бойлигингизни?

— Ертўлада, Эйнем кутисига солиб қўйганман... Артист «тавба» демоқчи бўлгандай, қўлларини бир-бирига урипти.

— Ҳеч кўрганмисиз ўзи бундай беъманигарчилик-ни? — деб чинқирипти у хуноб бўлиб. — Ахир у ерда пуллар нам тортиб, моғорлаб кетади-ку! Ахир қандай ишониб топшириш мумкин бунақаларга валютани? А? Худди гўдак болага ўхшашади-я, азбаройи худо!

Канавкиннинг ўзи ҳам, нопок йўл билан бойлик тўплаб, хатога йўл қўйганини энди тушуниб, пахмоқсоч бошини ҳам қилиб турганмиш.

— Пул, — деб гапида давом этипти артист, — холаларнинг каламуш кемириб расво қилиши мумкин бўлган ертўласида эмас, балки давлат банкида, жуда пухта кўриқланадиган махсус хоналарда сақланиши лозим! Уят сизга, Канавкин! Ахир, кап-катта одамсиз-а.

Канавкин хижолатдан ўзини қўярга жой топа олмай, ҳадеб бармоғи билан камзулининг хошиясини тирнармиш.

— Ҳа, яхши, — депти артист жаҳлидан тушиб, — ўтган ишга салавот... — Кейин кутилмаганда шундай илова қилипти: — Ҳа, дарвоқе: бир боришнинг ўзида, ҳалиги... машинани икки марта овора қилиб ўтирмаслик учун... ўша холангизнинг ўзидаям бўлса керак? А? Ишнинг бу қадар чаппасидан кетишини ҳеч кутмаган Канавкиннинг эти жимирлаб кетипти, бутун театр сукутга толипти.

— Ие, ҳа, Канавкин?! — депти конференсье мулойим таъна билан, — сизни одамларга мақтаб ўтирибман-а! Ана холос, нима ҳожати бор эди суллоҳлик қилишнинг! Яхши эмас, Канавкин! Ҳозиргина кўз ҳақида гапирган эдим-а. Ана, кўзингиздан кўриниб турипти холангиздаям борлиги. Айтинг-қўйинг-да, мунча қийнайсиз бизни?

— Бор! — депти Канавкин дангал қичқириб.

— Браво! — деб юборипти конференсье.

— Браво, — дейишипти одамлар бутун зални ларзага келтириб.

Зал тинчигач, конференсье Канавкинни табриклаб қўлини сикипти, унинг шаҳарга, ўз уйига кетиши учун машина таклиф қилипти ва сахна орқасида турган қайсиям бир одамга, айнан шу машинада Канавкиннинг холасиникига бориб, уни аёллар театридаги программага таклиф қилишни буюрипти.

— Ҳа-я, яна бир нарсани сўрамоқчи эдим — холангиз ўз бойлигини қаерга яширгани ҳақида сизга гапирмаганмиди? — деб сўрапти конференсье Канавкинга лутфан папирос таклиф қилиб, гугурт чақиб тутаркан. Канавкин папирос тутатаркан, маъюс жилмайиб қўйипти.

— Ишонаман, ишонаман, — депти артист хўрсиниб, — курумсоқ кампир наинки жиянига — шайтонга ҳам айтмайди сирини. Хай, на чора, унинг қалбида одамгарчилик ҳиссини уйғотишга уриниб кўрамиз. Шояд унинг судхўрлик қалбида битта-яримта чиримаган тор қолган бўлса. Хўп, саломат бўлинг, Канавкин!

Шундан кейин бахтиёр Канавкин жўнаб кетипти. Артист, валюта топширишни хоҳлаганлар яна борми, деб сўраган экан, бироқ сукут жавоб бўлипти унга.

— Тентаксизлар, худо ҳаққи! — деб кифтларини учирипти артист. Шу пайт парда тушиб уни яширипти.

Чироқлар ўчиб, бир оз вақт ҳаммаёқ зулматга чўмгач, шу зулмат қўйнида жуда узокдан бир тенор овознинг асаб билан куйлагани эшитилипти:

«Унда олтин тоғ-тоғ уюлган ва ҳаммаси менга буюрган!»

Кейин узок бир ердан икки марта қарсақбозлик эшитилипти.

— Аёллар театридаям битта ойимча топширяпти, — деб бирдан тилга кирипти Никонор Ивановичнинг малласоч, пахмоқ соқол кўшниси ва бир хўрсиниб кўйиб илова қилипти: — Эҳ, агар ғозларим бўлмаган-да эди! Лианозовада, азизим, менинг уришқоқ ғозларим бор. Менсиз қирилиб кетишмасайди, деб кўрқаман. Жангари қуш нозик бўлади, парвариш талаб қилади... Эҳ, ғозларим бўлмаганда-ю!.. Пушкин билан мени авраб бўпсанлар, — шундай деб у яна хўрсиниб кўйипти.

Шу маҳал зал чароғон бўлиб ёришиб кетипти-ю, Никонор Ивановичнинг тушида энди ҳамма эшиклар-дан залга оқ қалпоқ кийиб, чўмич ушлаган ошпазлар кириб кела бошлапти. Ошпаз шогирдлари эса ёғоч бочкада суюқ ош билан ясси қутида кесилган қора нон олиб киришипти. Томошабинларга жон кирипти. Қувноқ ошпазлар томошабинларни оралаб юриб, уларнинг товоқларига суюқ ош сузишар, ион улашишармиш.

— Овқатланинглар-у, йигитлар, — деб қичқиришармиш улар, — кейин валюталарингазни топширинглар! Нима қиласизлар бу ерда бекорга вақтингларни ўтказиб? Нима, зормясизлар шу шилдир шўрвага? Ундан кўра, уйингизга бориб, керагича отиб олиб, мириқиб газак қилганларинг яхшимасми!

— Мана, масалан, сен бобой, нима қилиб ялпайиб ўтирибсан? — деб шахсан Никонор Ивановичга юзланипти бўйни хўрознинг тожи каби қип-қизил, хўппа-семиз ошпаз унга биттагина карам барги сузиб юрган бир товоқ ёвғон шўрва узатаркан.

— Йўқ! Йўқ! Йўқ менда валюта! — жон-жаҳди билан бақирипти Никонор Иванович. — Тушуняпсан-чи, йўқ!

— Йўқ? — деб ўкирипти ошпаз дўриллаган овоз билан, сўнг: — Йўқ? — деб сўрапти у заифона мулойим овоз билан, кейин: — Йўқ, йўқ, — деб тасалли бера бошлапти у фельдшер аёл Прасковья Фёдоровна қиёфасига кириб.

Чунки уйқусида босинқираётган Никонор Ивановичнинг елкасига шу аёл оҳиста турта бошлаган эди. Шунда бирдан ошпазлар гумдон, театр ва унинг пардаси ғойиб бўлди. Никонор Иванович ёш тўла кўзини очиб, шифохонадаги ўз хонасини, маслаҳат беравериб ҳаммани безор қилган сурбет ошпазларни эмас, оқ халат кийган икки одамни, яъни доктор билан қўлида товоқ эмас, устига дока ёпилган шприцли тарелка ушлаган Прасковья Фёдоровнани кўрди.

— Ахир бу нима деган гап, — аччиқ алам билан дерди Никонор Иванович унга укол қилишаётган чоғда, — йўқ, ахир у менда йўқ! Пушкин берсин уларга валютани. Йўқ!

— Ҳа, йўқ, йўқ, — деб юпатарди уни саховатли Прасковья Фёдоровна, — йўқни йўндириб бўлармиди.

Никонор Иванович уколдан кейин анча енгил тортиб, энди ҳеч қандай туш кўрмай ухлаб кетди.

Лекин унинг бақириклари оқибатида вужудга келган ваҳима 120-хонага ўтиб, у ерда ётган беморни уйғотиб юборди (бу бемор тура солиб, ўз бошини қидиришга тушди) ва 118-хонага

кириб, номаълум ус-танинг қалбини ғулғулага солди. У ҳасрат тўла кўзларини ойга тикаркан, ҳаётидаги кузнинг охирги надоматли оқшомини, подвалдаги хонаси эшиги остидан тушиб турган шуълани ва маҳбубасининг елпинган соч толаларини эслади.

Ваҳима 118-хонадан балкон оша Иваннинг хонасига учиб ўтди-ю, у уйғониб кетиб, йиғлаб юборди.

Лекин врач безовта бўла бошлаган бу нотавонларни бирпасда юпатди ва улар яна ухлаб кетишди. Ҳаммадан кейин, дарё узра тонг ёриша бошлаганда, Иван ҳам мизғиб кетди. Дори унинг бутун вужудини худди денгиз тўлқини кўмиб юборгандек қамраб олгач, у таскин топди. Жисми енгиллашди, боши эса мудроқнинг илиқ шабадасидан ҳаловат топди. У уйқуга кетаркан, қулоғига чалинган энг сўнги саслар — ўрмондаги қушларнинг тонг олди чуғур-чуғури бўлди. Лекин ҳадемай уларнинг овози ўчиб, Иван туш кўра бошлади. Тушида Тақир Тепа узра қуёш энди мағрибга оға бошлаган ва унинг гир айланаси икки қаватлама ўраб олинган эди.

Ўн олтинчи боб

ҚАТЛ

Тақир Тепа узра қуёш энди мағрибга оға бошлаган ва унинг гир айланаси икки қаватлама ўраб олинган эди.

Чошгоҳда прокураторнинг йўлини кесиб елиб ўтган отлик қўшин шаҳарнинг Хевра дарвозасига чиқди. Унинг учун кета-кетгунча йўл очик эди. Каппадокия пиёдалари тирбанд бўлиб кетган йўлни очиб, одамлар, хачирлару туяларни икки томонга сиқиб чиқарган, шу сабабли қўшин отларни бемалол чоптириб, оппоқ чанг қуюнини осмони фалакка ўрлатганча, Вифлеем йўли билан Яффа йўли бир-бирини кесиб ўтган чорраҳага чиққан эди. Кейин у шимоли-ғарбий йўлдан шамолдек елиб кетди. Бундан сал олдин, йўлнинг икки ёқасига ёйилган бояги Каппадокия пиёдалари уни Ершалаимга байрамга келаётган карвонлардан тозалашга улгурган эдилар. Зиёратчилар елкаларига ортмоқлаган сафар чодирларини майса устига ташлашиб, йўл ёқалаб тизилишган Каппадокия пиёдалари орқасида тўп-тўп бўлиб туришарди. Отлик қўшин бир чақиримча йўл босиб, шиддатли легионнинг иккинчи коҳортасидан ҳам ўзиб кетди ва яна бир чақирим йўл босиб, Тақир Тепа пойига биринчи бўлиб етиб борди. Бу ерда қўшин отлардан тушди. Командир қўшинни взводларга бўлди, взводлар эса унча баланд бўлмаган бу тепанинг фақат Яффа йўлига тўғри бўлган озгина жойини очик қолдириб, қолган ҳамма этагини гир айлантириб ўраб олди.

Отлиқлардан кейин сал вақт ўтиши билан тепа этагига иккинчи коҳорта ҳам етиб келиб, тепага бир поғона юқори кўтарилди ва у ҳам тепа атрофини гар-дишсимон ўраб одди.

Ниҳоят Марк Каламушкуш қўмондонлигидаги кентурия етиб келди. У йўлнинг икки четини ёқалаб турнақатор тизилиб келар, йўл ўртасида эса маҳфий соқчилар назорати остида аравада ўлимга маҳкум бўлган ва бўйинларига арамей ва юнон тилида «Қароқчи ва исёнчи» деб ёзилган оқ тахтачалар осилган учта маҳбус борарди. Бу арава орқасидан янги йўнилган тўсинли устунлар, арқонлар, белкураклар, челақлару болталар ортилган бошқа аравалар келарди.

Бу араваларда яна олти нафар жаллод ҳам бор эди. Аравалар орқасидан кентурион Марк, Ершалаим ибодатхоналари соқчиларининг сардори ҳамда боя шоҳ қасридаги қоронғи хонада Пилат билан қисқа муддатли суҳбат олиб борган қайтарма қалпоқли ридо кийган ўша одам от миниб боришарди. Бу маросим саф тортиб келаётган лашкар билан якунланиб, унинг орқасидан аломат томошани кўриш иштиёқида дўзах ўтидек жазирама кун тафтидан ҳам тап тортмаган икки мингга яқин бекорчи келарди.

Шаҳардан эргашиб чиққан бу томошатаблар сафига энди йўлда учраган синчков зиёратчилар ҳам қўшилишиб, ҳаммалари издиҳомга бемалол эргашиб келавердилар. Мана шу

узундан-узун оломон то Тақир Тепага етиб боргунича жарчилар боя чошгоҳда Пилат шоҳсупада туриб айтган сўзларини чинқироқ овоз билан қайта-қайта такрорлаб бордилар.

Тепа этагини ўраб олган отлиқ қўшин ҳаммани юқорига, иккинчи қуршов томонга ўтказиб юборди, иккинчи кентурия эса тепа бошига фақат қатлга дахлдор одамларнигина ўтказиб, бутун оломонни жадаллик билан тепанинг гир айланасига ёйиб юборди, натижада томошатаалаб оломон юқорида — пиёдалар занжири, пастда — отлиқлар тизмаси оралиғида қолди. Энди улар қатлни пиёдаларнинг сийрак тизмаси орасидан кузатиши мумкин эди.

Алқисса, машъум издиҳомнинг тепа бошига кўтарилганига, мана, уч соатдан кўпроқ вақт ўтди, гарчи куёш энди Тақир Тепа устидан оға бошлаган бўлса ҳам, хануз унинг харорати дош бериб бўлмайдиган даражада эдики, Тепани иккита ҳалқага олган суворийлар ҳам, навкарлар ҳам иссиқдан қаттиқ изтироб чекишар, даққинафасликдан хуноб бўлишар ва уч жиноятчини ичларида роса бўралаб сўкишиб, уларнинг тезроқ ўлишини астойдил истардилар.

Тепа этагида турган кичкина жуссали суворийлар командирининг пешанаси жиққа хўл, огпюқ кўйлаги қора терга ботган бўлиб, у биринчи взводнинг кўн челаги олдида дам-бадам борар, ундан ҳовучлаб сув ичар, бошидаги салласини хўлларди. Шу рафторидан у хиёл енгил тортиб, нари кетар ва яна юқорига ўрлаган тупроқ йўлнинг у четидан-бу четига тинмай танда кўяр эди. Унинг узун шопи боғичланган этигининг қўнжиги «тап-тап» уриларди. Бу билан у ўз суворийларига сабр-бардошли бўлишда намуна кўрсатмоқчи бўлар, аммо шундай бўлса ҳам, уларга раҳми келган ва найзалардан пирамидалар ҳосил қилиб, улар устига оқ плашларини ёпиб, соябон яшашга ижозат берган эди. Суриялик суворийлар мана шу чайлаларда шафқатсиз қиздираётган офтобдан жон сақлай бошлаган эдилар. Челақлар дам ўтмай бўшар ва взводларнинг навбатчилари галма-гал тепа этагидаги жарликдан сув та-ширдилар; бу жарликда кўримсиз тут дарахтларининг олачалпоқ соясида лойқа бир жилға бу дўзахона жазирамада умрининг сўнги кунларини кечириб жилдираб оқарди. Ҳарорат тафтидан ювош бўлиб қолган отларни ушлаб турган суворийлар ҳам шу ерда беқарор соя илинжида зерикиб турардилар.

Аскарларнинг бу ерда ит азобида ўтиришларию маҳбусларни бўралаб сўкишлари бебабаб эмас эди. Чунки прокураторнинг қатл пайтида ўзи учун манфур бўлган Ершалаим шаҳрида тартибсизликлар юз беради деб ҳадиксираши, унинг бахтига ўринсиз бўлиб чиқди. Қатл бошланганига уч соатдан ошганида, ҳеч кутилмаганда, юқориги пиёдалар тизмаси билан тепа этагидаги отлиқлар тизмаси ўртасига жойлашган томошабинлардан биронтаси ҳам қолмади. Куёшнинг қайноқ тиғи уларни жизғинак қилиб, ҳаммаларини Ершалаим томон қувган эди. Энди мана шу икки ҳалқа оралиғида бу тепага қандай келиб қолгани номаълум бўлган иккита эгасиз ит қолган эди, холос. Лекин жазирама иссиқ бу итларнинг ҳам силласини қуритган эди, шу боис улар бағриларини ерга бериб, тилларини осилтириб ҳансираб ётарканлар, куёш тафтига парво қилмай, чўғдек қизиган тошлару ер бағирлаб ўсган аллақандай тиканли ўсимликлар оралаб зир югуриб юрган бу ердаги бирдан-бир жонзодлар — яшил калтакесакларга ҳам парво қилмасдилар.

Ўлимга ҳукм этилганларни бирон кимса на ҳаммаёғини лашкар босиб кетган Ершалаимнинг ўзида, на бу ерда — кўш ҳалқага олинган тепада кутқаришга уриниб кўрди, оқибат оломон шаҳарга қайтди, зеро ушбу қатл жараёнининг ҳеч бир қизиқарли жиҳати бўлмади, шаҳарда эса бу пайт бугун кечкурун кириб келадиган улуғ айём — пасха байрамига тайёргарлик бошланган эди.

Юқори ҳалқадаги рим пиёдалари пастдаги отлиқлардан ҳам кўпроқ изтироб чекишарди. Кентурион Каламушқуш ўз аскарларига фақат дубулғаларини ечиб, бошларига хўлланган оқ белбоғ ёпишгагина ижозат берди, лекин уларни найзаларини қўлларидан кўйдирмай мудом тик ушлаб турди. Ўзи эса худди шунақа, лекин хўлланмаган қуруқ белбоғни бошига ёпиб олиб, ҳатто кўйлагига ёпиштирилган шер башарасини ифодаловчи кумуш қалқончаларни ҳам, оёғига боғланган зирҳни ҳам, белига осиб олган шамшир билан пичокни ҳам ечмай, жаллодларга яқин

ерда у ёқдан-бу ёққа юриб турарди. Гарчи қуёш ўткир тифини тўғри Каламушқушга қаратган бўлса ҳам, бу уни асло безовта қилмас, кўкрагидаги шер башараларига эса қараб бўлмасди, чунки улар офтоб шуъласида худди эриб биқирлаб қайнаётган кумушдек кўзни қамаштирарди.

Каламушқушнинг аживаси чиққан юзида на толиқиш, на норозилик аломатлари мавжуд эди, билъакс девқомат кентурион шу зайдда то кун ботгунча, сўнг тонг отгунча кейин яна кунбўйи — қисқаси қанча вақт керак бўлса шунча, кўлларини мис тўқали залвар камарига қўйиб, гоҳ қатл этилаётганлар боғланган устунларга, гоҳ тепа бошини ихота қилиб турган аскарларга доим бирдай хўмрайиб қараганча, оёғи остидан чиқиб қолган ва замонлар ўтиши билан оппоқ оқариб кетган одам суякларини ёки майда шағал тошларни ағдарма этигининг тумшуғи билан ҳар доимгидек бепарво тарзда тепиб ўтишга қодирдек кўринарди.

Қайтарма қалпоқли одам устунлардан сал нарироқда уч оёқли курсида қимир этмай бепарво ўтираркан, зерикканидан аҳён-аҳёнда кўлидаги чўп билан ер чизиб қум кавларди.

Энди тепани қуршаб олган икки ҳалқа орасида биронта ҳам одам қолмаганди, деган гапга келсак, бу унчалик тўғри эмас. Бу ерда битта одам қолган эди, лекин уни кўпчилик кўрмаган эди. У тепа бошига чиқадиган очиқ йўл томонда эмас (айнан шу томондан қатл манзарасини кузатиш қулай эди), балки унинг чиқишга ноқулай ва нотекис бўлган, кўп ерлари ўприлган, ёрилган шимолий ёнбағрига, қовжирай бошлаган анжир дарахти бир зов лабида худо қарғаган қакроқ ерга ёпишиб жон сақлаётган ерга жойлашган эди.

Қатл ишига дахли бўлмаган мана шу ягона томошабин қатл бошланган чоғдан, яъни салкам тўрт соатдан буён, деярли ҳеч соя бермайдиган шу анжир остида бир харсангтош устида ўтирарди. Тўғри, қатлни кузатиш учун у ноқулай жой танлаган эди. Лекин, ҳар қалай маҳқумлар боғлапган устунлар, шунингдек, кентурионнинг кўксидидаги ярақлаб турган иккита қалқонча ҳам аскарлар тизмаси орасидан унга яққол кўриниб турардики, одамлар кўзига ташланмасликка ва ҳеч кимни безовта қилмасликка уринган киши учун шу манзаранинг ўзи кифоя эди чамаси.

Лекин у бундан тўрт соатча бурун, яъни қатл бошланаётган чоғда тамомила бошқача ҳаракат қилиб, сал бўлмаса ўзини сездириб қўяёзган эди, шунинг учун бўлса керак, энди ўз атворини ўзгартириб, хилватга чекинган эди.

Бу ерда у қатл маросими эндигина тепа бошига кўтарилган пайтда пайдо бўлганди, унинг шошилиб келганлиги яққол сезилиб турар, оғир-оғир ҳансирарди. У тепаликка юриб эмас, югуриб чиқди, одамларни туртиб олдинга ўтди ва тепа бағирлаб ёйилган аскарлар тизмаси наинки унинг, бутун оломоннинг олдини тўсиб олганини кўриб, ўзини овсарликка солди, энг одми усулни қўллаб, ғижинган аскарларнинг «ҳой-ҳой»лашига тушунмаётган одамдай, тўппа-тўғри қатл майдонига аскарлар сафини ёриб ўтмоқчи бўлди. Бу қилмиши учун у найзанинг тўмтоқ томони билан кўкрагига зарба еди ва оғриқ алаmidан эмас, умиди пучга чиққанидан чинқириб юбориб, орқага тисарилди. У жисмоний оғриқни ҳис қилмайдиган, мутлақо лоқайд одамдай хира кўзлари билан зарба урган легионерга бир қараб қўйди.

Сўнг кўкрагини чангаллаб «қув-қув» йўталганча, ҳаллослаб, тепани гир айланиб чиқди, у тепанинг шимол томонида қатл майдонига сездирмай ўтиб олса бўладиган бирон тирқиш топилса керак деб умид қилган эди. Аммо у кечиккан — ҳалқа ёпилган эди. Шунда оғир изтиробдан афти бужмайиб кетган бу одам аравалардан устун ва тўсинлар туширилаётган ерга ёриб ўтиш ниятидан воз кечди. Чунки бу уринишидан ҳеч наф чиқмас, билъакс ўзи қўлга тушиб қолиши мумкин эди, ваҳоланки, айнан шу бутун қўлга тушиш унинг режасига зид эди.

Шунга кўра у ўзини четга олиб, ўпқон бўйига борди, бу ер тинч, ҳеч ким унга халал бермасди.

Офтоб нуридан ва уйқусизликдан кўзлари йиринглашган бу қора соқол одам энди тош устида хомуш ўтирарди. У гоҳ аслида зангори тусда бўлган-у, саргардонликда юравериб искирт-кўкимтир тус олган увада таллифини* кўтариб, лойқа тер оқиб тушаётган кўкрагининг найза зарбидан мўматалоқ бўлган ерини очиб хўрсинар, гоҳ кўзларини азоб билан осмонга

қаратиб ҳадемай зиёфат бўлишини сезиб самода қанотларини кенг ёзганча кўпдан бери чарх уриб ай-ланаётган учта кузгунни кузатар, гоҳ умидсиз нигоҳини сарғайган ерга тикиб, оёғи остида чирий бошлаган ит бошчаноғи ва унинг атрофида зир югуриб юрган калтакесакларга тикилиб ўтирарди.

Бу одам шу қадар қаттиқ изтиробда эдики, баъзида у ўзи билан ўзи гаплаша бошларди.

— О, мен аҳмоқ! — деб ғўлдирадди у тош устида руҳан азоб чекиб чайқалиб ўтираркан, — тентакман, овсар хотинман, қўрқокман! Одам эмас, бир ўлимтик-ман!

У бошини ҳам қилиб жим қолар, кейин ёғоч обдонидаги илиб қолган сувдан хўплаб, яна тетикланарди-да, гоҳ таллифи остига яширган пичокни, гоҳ қаршисида, ерда чўпқалам билан сиёҳдон ёнида ётган бир парча пергаментни кўлига оларди.

Бу пергаментга ҳозир шундай сўзлар ёзилган эди:

«Дақиқалар ўтиб бормоқда, мен, Левий Матвей Тақир Тепадаман-у, аммо ўлимдан ҳамон дарак йўқ!»

Кейин яна:

«Қуёш оға бошлади, лекин ўлимдан дарак йўқ».

Энди Левий Матвей умидсизликка тушиб, ўткир чўпқалам билан қуйидаги сўзларни ёзди:

«Э худо! Намунча унга қаҳҳорлик қилмасанг? Тезроқ жонини ол шўрликнинг».

Шуларни ёзиб бўлиб, кўз ёшсиз пиқиллаб йиғлади ва яна тирноқлари билан кўксини тирнаб жароҳатлай бошлади.

Левийнинг бундай нола-фиғон чекишига ўзи билан Иешуа икковининг бошига тушган мудҳиш бадбахтлик ҳамда Левийнинг ўзи йўл қўйган ғоят оғир хатолик сабаб бўлган эди. Ўтган куни Иешуа билан Левий Ершалаим яқинидаги Вифония қишлоғида бир деҳқоннинг меҳмони бўлишган эди. Чунки Иешуанинг ваъзлари мезбонга кўп манзур бўлган эди. Икковлари эрталабдан деҳқонга кўмаклашиб, унинг полизида ишлашди, чунки улар кечки салқинда Ершалаимга йўл олмоқчи бўлган эдилар. Лекин туш пайтида бирдан Иешуа шоша-пиша йўлга отланиб, шаҳарда зарур ишим бор деб, жўнаб кетди. Левий Матвейнинг биринчи хатоси ма-на шундан бошланган эди. Нега, нега ахир унинг ёлғиз ўзини қўйиб юборди!

Кечқурун эса Матвейнинг ўзи Ершалаимга бора олмади. Кутилмаганда у аллақандай мудҳиш дардга чалиниб ётиб қолди. Унинг бутун вужуди титраб-қақшаб, аланга бўлиб ёна бошлади, тишлари такиллаб, дам-бадам сув сўрай бошлади. Бинобарин, у ҳеч қаёққа кета олмади. У деҳқоннинг пичанхонасида ўзи-ни жул устига ташлаб, эртанги жума кунининг тонгигача оғир дарддан ҳушини йўқотиб ётди, лекин дард Левийга кеча кечқурун қандай кутилмаганда ёпишган бўлса, энди уни шундай тез қўйиб юборди. Гарчи у ҳали заиф, оёқлари бедармон бўлса ҳам, кўнгли қандайдир фалокат бўлишини сезиб беором бўлаверди, оқибат, полизчи билан хайрлашиб, Ершалаимга йўл олди. Шаҳарга келиб, гумони тўғри чиққанини билди. Фалокат юз берган эди. Прокуратор ҳукми эълон қилаётганида Левий оломон орасида туриб уни эшитган эди.

Ўлимга маҳкум бўлганларни қатл Тепасига олиб кетишаётганда Левий Матвей Иешуага, ҳеч бўлмаса, ўзининг шу ерда, у билан бирга эканлигини, сўнги дақиқаларида дўстини ёлғиз қолдирмаганлигини ва унинг жонини тезроқ олишни худодан илтижо қилажагини бир амаллаб ими-жимиди билдириш учун легионлар тизмаси ёқалаб, оломон орасида югуриб борди. Аммо ўзининг жуда олисдаги манзилидан кўз узмаган Иешуа, турган гапки, Левийни кўрмади.

Лекин қатл маросими ярим чақиримча йўлни босиб ўтганда, оломоннинг сиқуви билан сурила-сурила турнақатор тизилиб бораётган легионерлар олдига бориб қолган Матвейнинг миясига бирдан энг оддий ва ғоят ажойиб фикр келдию табиатан қизиққон бўлган бу одам, нега энди шу фикр миямга илгарироқ келмади деб ранжиб, ўзини роса бўралаб сўқди. Тизилиб бораётган аскарлар ораларида озми-кўпми масофа мавжуд эди. Агар эпчиллик қилиб, аниқ мўлжалга олиб иш кўрилса, икки легионер орасидан энгашиб ўтиб кетиш ва югуриб бориб

аравага чиқиш мумкин эди. Ана унда Иешуа азобдан қутулган бўларди.

Иешуанинг кураклари орасига пичоқ санчиб, унга: «Иешуа! Мен ким, сенинг ягона, садоқатли шогирдинг

Матвей сени азобдан қутқариб, ўзим ҳам сен билан ўляпман!» — деб қичкириш учун бир лаҳза кифоя эди.

Агар худо яна бир зумлик эрк ато этса борми, Матвейнинг ўзи ҳам ўзига пичоқ уриб, устунга боғланиб азобда ўлишдан қутулиб қолиши мумкин. Лекин ҳозир бу нарса собиқ ўлпон йиғувчини кам қизиқтирарди. Қай тарзда жон бериш унинг учун аҳамиятсиз эди. У фақат бир нарсани — ўз умрида зиғирча ҳам ёмонлик қилмаган Иешуанинг қийноқсиз ўлишини хоҳларди.

Бу жуда яхши режа эди, аммо ёнида пичоғи йўкли-ги чатоқ бўлди. Ундан кейин, ҳамёнида тийин ҳам пу-ли йўқ эди.

Ўзидан қаттиқ ранжиган Левий оломон орасини ёриб чиқиб, орқага — шаҳар томон югура кетди. Унинг чўғдек қизиган бошида фақат битта қайноқ фикр — шаҳардан, қандай қилиб бўлмасин, пичоқ то-пиб, яна қатл намоишига етиб олиш фикри лов-лов ёнарди.

У шаҳар томон оқиб бораётган одамлар ва карвон-лар орасидан чаққонлик билан чопиб ўтиб, шаҳар қопқасига етиб олди ва шу ерда, чап томонда очиқ турган нон дўконини кўрди. Жазирама офтобда югу-риб келганидан оғир ҳансирай бошлаган Левий бир оз нафасини ростлаб олгач, ўзини сипо тутиб, дўконга кириб борди, пештахта ортида турган дўкон бекаси билан саломлашди, кўзига негадир энг юқори тахтада турган бўлка нон яхши кўриниб кетиб, бекадан шу нонни олиб беришни илтимос қилди, лекин бека орқасига ўгрилган ҳамоноқ у пештахта устида ётган, ўзи учун сув билан ҳаводек зарур нарсани — устара-дай ўткир, узун пичоқни товуш чиқармай, жуда чаққонлик билан олди-ю, дўкондан ўқдай отилиб чиқиб кетди. Бир неча дақиқадан кейин у яна Яффа йўлига чиқиб олган эди. Лекин намоишчилар кўринмасди. У чопиб кетди. Левий хачир миниб, яёв юриб Ерша\аимга келаётган тўда-тўда одамларни ҳай-рон қолдириб, ахён-ахёнда ўзини йўл ўртасига «тап-па» отиб, нафасини бир оз ростлаб олиш учун қимир этмай тупроққа беланиб ётаркан, наинки юрагининг «гурс-гурс» тегишини, шунингдек, мияси ва қулоқ-ларига ҳам қон томирлари қаттиқ-қаттиқ урилаётган-нини эшитарди. У шундай тарзда бир оз нафасини ростлагач, сакраб туриб яна чопа бошларди, лекин чо-пиш суръати тобора суслаша бошлаган эди. Ниҳоят у олисда офтоб шуъласида товланиб бораётган узундан-узун намоишни кўрди, лекин намоиш аҳди энди те-па этагига етиб олган эди.

— Э, худо... — деб ингради кечикаётганини сезган Левий. Ҳа, у кечиккан эди.

Қатл бошланганига тўрт соат бўлганида Левийнинг изтиробини энг баланд авжга миниб, ғазаби қайнаб кет-ди. У тош устидан туриб, унинг фикрича, бекорга ўғирланган пичоқни ерга отди, обдонни оёғи билан босиб синдириб, ўзини сувдан маҳкум қидди, бошида-ги рўмолни ечиб ташлаб, сийрак сочини чангаллаган-ча ўзини лаънатлай бошлади.

У маза-бемаза гаплар билан бўралаб сўкинар, итдай ириллар, қутурган нордек оғзидан кўпик сочар, аҳмоқ ўғилни дунёга келтирган ота-онасига лаънатлар ўқирди.

У шунча онт ичгани, сўкингани билан бу жазирама кунда ҳеч қандай ўзгариш юз бермаганини кўриб, қовжираган муштарини тугиб, осмонга, сояларни то-бора узайтириб Ўрта ер денгизи ёққа оғиб бораётган қуёшга кўзларини қисиб қаради-да, худога илтижо қилиб, дарҳол мўъжиза яратишни — тезроқ Иешуанинг жонини олишини талаб қилди.

Аммо у кўзини очиб, агар кентурионнинг кўксида-ги икки қалқончанинг энди порламай қўйганини ҳисобга олинмаса, ҳеч нима ўзгармаганини кўрди. Эн-ди офтоб шуъласи Ершалаим томонга қаратилиб чор-мих қилинган қотилларнинг орқасига тушиб турарди. Шунда Левий:

— Лаънатлар бўлсин сенга, э худо! — деб бакириб юборди.

Кейин у хириллаб қолган овози билан худонинг адолатсизлигига шоҳид бўлгани ва шу боис энди унга мутлақо имон келтирмаслиги ҳақида фарёд қидди.

— Сен карсан! — деб ирилларди Левий, — кар бўлмаганинда ноламни эшитган заҳотинг

унинг жонини олган бўлур эдинг.

Шу таъналардан кейин Левий кўзларини қисганча, ҳозир осмондан чакмоқ тушиб, мен шаккокни маҳв этади, деб кута бошлади. Лекин бу ҳол юз бермади, шунда Левий ҳамон кўзларини катта очишга журъат этмай, самога қарата ғоят аччиқ ва аламли сўзларни чинқиришда давом этди. У самодан буткул ҳафсаласи пир бўлгани ва дунёда бошқа худолар ва динлар ҳам мавжудлиги ҳақида ҳайқирарди. Ҳа, бошқа худо Иешуа сингари инсоннинг устунга банд этилган ҳолда офтоб тифида куйиб ўлишига ҳеч қачон йўл қўймаган бўларди.

— Мен янглишибман! — деб хирилларди буткул бўғилиб қолган овоз билан Левий, — сен ёвузлик худоси экансан! Ё кўзларингни ибодатхонадаги исириқдонлардан кўтарилган тутун сўқир қилиб, кулоқларинг дин пешволари чалган бурғу садосидан бошқа сасни эшитишга ожиз бўлиб қолганми? Сен қодир худо эмассан. Сен қора ният худосан. Лаънатлар ўқийман сенга, о қароқчиларнинг ҳомийси ва пуштипаноҳи бўлмиш худо!

Шу пайт собиқ ўлпон йиғувчининг юзига бир нима уфурди, оёғи остида нимадир шитирлаб кетди. Бояги уфуриш яна такрорланди, шунда Левий кўзини очиб, ўз қарғишлари таъсириданми, ё ўзга бир сабабга кўра, атроф-муҳитда ўзгариш рўй берганини кўрди. Куёш ҳар кун оқшом ботадиган ер — денгизга тушиб улгурмасдан ғойиб бўлипти. Ғарб томондан таҳдидона кўпчиб тобора қуюклашиб келаётган қора булут куёшни ютиб юборган эди. Булутнинг қирғоқларида оқ кўпиклардан заррин ҳошия вужудга келган, унинг кўпчиган тимқора қорни сарғиш нур билан ёритилган эди. Булут худди ириллагандай гулдурар, пайти-пайти билан ундан ўтли иплар тортиларди. Ногоҳ эсиб келган кучли шамол зиёратчиларнинг Яффа йўли ёқасига ва қақраган Гион водийсига тиккан чайлалари узра тўзонли қуюн кўтарди. Левий, ҳали-замон Ершалаим устини буркаб олишга шайланган қора булут бахтиқаро Иешуанинг қисматига бирон ўзгариш киритармикин, деб мулоҳаза қилишга уринаркан, жим бўлиб қолди. Кейин қора булутни бўлак-бўлак қилиб чақнаётган ўтли чизиқларни кузатаркан, чакмоқдан тезроқ Иешуа боғланган устунга келиб урилишни илтижо қила бошлади. У қора булут ҳали буткул буркаб улгурмаган беғубор осмонга, момақалдиروқдан жон сақлаб энди қанот қоқиб уча бошлаган қузғунларга ўкинч билан тикиларкан, лаънат ўқишда жуда шошқалоқлик қилганини ўйлади. Худо унинг сўзини энди инобатга олмайди.

Левий нигоҳини тепа этагига қаратиб, у ерда сезиларли ўзгариш юз берганини кўрди. Тепа этагини айланма ихота қилган суворийлар югуриб-елишар, ерга санчилган найзаларини суғириб, плашларини елкаларига ташлашар, жиловдорлар зулукдек қора отларни етаклаб, катта йўлга чоптириб чиқардиларки, буларнинг ҳаммаси юқоридан Левийнинг кўзига яққол ташланиб турарди. У юзини тўзонли шамолдан тўсиб, дам-бадам тупураркан, нима сабабдан отлиқлар жўнашга шайланишди экан, деб бош қотира бошлади. Сўнг нигоҳини юқорига қаратди-ю, қирмизи ҳарбий плаш ёпинган бир одамнинг қатл майдончасига кўтарилаётганини кўрди. Ана шунда азоб фурсатининг ниҳояси яқинлашганини ҳис қилган собиқ ўлпон йиғувчининг юраги қувончдан «шув» этиб кетди.

Исёнчиларнинг изтироб чека бошлаганига тўрт соатдан кўпроқ вақт ўтганда тепага кўтарилган бу одам Ершалаимдан ўз хоснавқари кузатувидан келган коҳорта қўмондони эди. Каламушқушнинг бир имоси билан аскарлар тизмаси сурилиб, трибунга йўл очди, кентурион эса, унга честь берди. Трибун эса Каламушқушни бир четга бошлаб, унга ниманидир шипшиди. Кентурион иккинчи марта унга честь бериб, устунлар пойида харсангтошларда ўтирган жаллодлар томон йўл олди. Трибун — уч оёқди курсида ўтирган одамнинг истикболи сари юрди, у ҳам тавозе билан трибунга пешвоз турди. Трибун унга ҳам паст овоз билан нимадир деди, шундан сўнг икковлари устунлар томон йўл олишди. Жоме посбонлари сардори ҳам уларга эргашди.

Каламушқуш устунлар тагида ётган, яқингинада жинойтчиларнинг либоси бўлган, аммо жаллодлар олишга ҳазар қилган исқирт увадаларга йирганиб кўз қирини ташлади-да,

жаллодлардан иккитасини чақириб олиб:

— Мен билан юринглар! — деб буюрди.

Энг яқин турган устундан ҳирқироқ овоз билан айтилган маъносиз қўшиқ эшитиларди. Бу устунга боғланган Гестас устунга боғланганидан бери уч соат ўтганда пашша талаганидан ва офтоб тафтидан жинни бўлиб қолган эди, энди у узум тўғрисида қандайдир қўшиқни оҳиста хиргойи қиларди, лекин шундай бўлса ҳам салла ўралган бошини аҳён-аҳёнда бир чайқаб кўяр, шунда юзига ёпирилган пашшалар эринибгина «ғувв» кўтариларди-ю, шу заҳоти яна юзини буркаб оларди.

Иккинчи устунга осилган Дисмас бошқа икки жиноятчидан кўпроқ азоб чекарди, чунки ҳануз ҳушини йўқотмаган эди, шунга кўра, бошини бир маромда тез-тез чайқаб, кулоғини елкасига теккизишга уринарди.

Иешуа қолган икки маҳбусдан бахтиёрроқ эди. Қатл бошланган биринчи соатдаёқ у ўзини йўқота бошлаган, кейин эса салласи чувалаб кетган бошини осилтириб, бутунлай ҳушидан кетган эди. Шунинг учун пашшаю сўналар уни тамомила буркаб олган эдики, бу ғимирловчи қора гала остида унинг юзи бутунлай кўринмай қолган эди. Унинг чови, қорни ва қўлтиқ тағларига ёпишиб олган семиз-семиз сўналар бечоранинг териси титилган сарғишранг баданини сўриб ётарди.

Қайтарма қалпоқли одамнинг ишораси билан икки жаллоднинг бири кўлига найза олди, иккинчиси устун остига челақда сув билан латта олиб келди. Биринчи жаллод Иешуанинг кўндаланг тўсинга арқон билан чандиб боғланган кўлларига найзаси билан галма-гал уриб кўйди. Унинг қовурғалари саналиб турган бадани бир сесканди. Жаллод найза учини унинг қорнидан юргизди. Иешуа бошини кўтарди, шунда пашшалар «ғув» этиб учишди ва осилган маҳбуснинг таниб бўлмайдиган даражада шишиб кетган юзи очилди, унинг кўзлари юмилиб қолган эди.

Ҳа-Ноцри ёпишиб қолган қовоқларини базўр очиб пастга қаради. Унинг ҳамиша порлоқ кўзлари энди хиралашган эди.

— Ҳа-Ноцри! — деди жаллод.

Ҳа-Ноцри шишиб кетган лабларини зўрға қимирлатиб, қароқчиларникига ўхшаган хирқироқ овоз билан жавоб қилди:

— Нима истайсан? Нега келдинг?

— Ич! — жаллод найза учига ўрнатилган латтани челақдаги сувга ботириб Иешуанинг оғзига олиб борди. Маҳбуснинг кўзлари шодликдан чарақлаб кетди, у латтани очкўзлик билан сўра бошлади. Кўшни устундан Дисмаснинг овози эшитилди:

— Адолатсизлик! Мен ҳам унга ўхшаган қароқчиман-ку.

Дисмас кучаниб кўрди, лекин қимирлай олмади, чунки ҳар бир кўли уч жойдан кўндаланг тўсинга арқон билан чандиб боғланган эди. У бошини Иешуа боғланган устунга қаратганча, қорнини ичига тортди, тирноқларини тўсин учига ботирди, кўзларида ғазаб учқунлари ёнди.

Майдончани чанг-тўзон буркади, қоронғилашди. Шамол тўзонни учириб кетгач, кентурион кичқирди:

— Иккинчи устундаги, ўчир унингни!

Дисмас жим бўлиб қолди. Иешуа ниҳоят латтани оғзидан кўйиб юборди, майин ва қатъий овоз билан гапиришга уринса ҳам, барибир буни эплолмай, хириллаб жаллодга деди:

— Унгаям ичир!

Зулмат қуюқлаша борди. Ершалаим сари эсаётган чанг-тўзон энди осмоннинг ярмини буркаб олган, энг олдинда қора обият ва ўтли чакмоқларни ортмоқлаган оппоқ булутлар кўпириб-тошиб борарди. Шундоққина тепа устида чақин чақиб, момақалди роқ гумбурлади. Жаллод латтани найза учидан олди.

— Ҳимматли игемонга ҳамд айт! — деб тантанавор оҳангда пичирлади у ва Иешуанинг

юрагига оҳиста найза учини ботирди. У қалтираб кетиб пичирлади:

— Игемон...

Қон унинг қорнидан оқиб туша бошлади, шунда у бир-икки марта жон талвасасида ияк қокди-ю, сўнг боши «шилқ» этиб осилиб қолди. Момақаддироқ иккинчи марта гумбурлаганда жаллод Дисмасга сув ичира бошлади, кейин яна ўша:

— Игемонга ҳамд айт! — сўзини такрорлаб, уни ҳам ўлдирди.

Телба бўлиб қолган Гестас жаллодни ўз устун тагида кўриши билан кўрқиб чинқириб юборди, лекин латта лабларига тегишли билан бир нима деб ириллади-да, уни маҳкам тишлаб олди. Бир неча сониядан кейин унинг ҳам боши «шилқ» осилиб қолди.

Қайтарма қалпокли одам жаллод билан кентурион орқасидан изма-из борар, унинг орқасидан эса жоме соқчилари сардори эргашган эди. Қайтарма қалпокли одам биринчи устун тагида тўхтаб, қонга бўялган Иешуани диққат билан кўздан кечирди, оппоқ кўли билан унинг товонини ушлаб кўриб ҳамроҳларига деди:

— Ўлган.

Қолган икки устун тагида ҳам шу нарса такрорланди.

Кейин трибун кентурионга имо қилди-да, орқасига ўгирилиб, жоме соқчилари сардори ва қайтарма қалпокли одам билан биргаликда тепадан пастга туша бошлади. Ҳаво ним қоронғи бўлди, қоп-қора осмонда чакмоқлар чақилди. Бирдан самодан ўт ёқилгандек бўлди ва кентурионнинг: «Халқадаги аскарлар олинсин!» — деган буйруғини момақалдироқ садоси босиб кетди. Аскарлар суюниб кетиб, йўл-йўлакай бошларига дубулғаларини кийишиб, пастга чопиб туша бошладилар. Ершалаимни бу пайт зулмат қамраб олган эди.

Кентурия аскарлари Тепанинг ярим белига етишганида бирдан шаррос жала қуйиб юборди. Ёмғир суви шу қадар кучли эдики, у селдек қутуриб аскарлар орқасидан қувиб етди. Текис йўлга тушиб олишга ошиққан аскарлар чалп-чалп лойда тийганиб, дам-бадам йиқилишарди. Текис йўлда эса ич-ичигача жикқа хўл бўлиб, Ершалаим сари кетаётган суворийлар шаррос қуяётган ёмғир пардаси орқали кўзга ташланардилар. Яна бир неча дақиқадан сўнг момақалдироқ, жала ва чакмоқ омихтаси буркаб олган тепада фақат битта одам қолган эди. У бежиз ўғирланмаган пичоқни силкитиб, ўйдим-чукур жойлардан тийганиб, тўғри келган ҳар бир нарсага ёпишиб, кези келганда эмаклаб устунлар сари шошилари. У гоҳ қуюқ зулмат қўйнида ғойиб бўлар, гоҳ парпираган чакмоқ шуъласи остида кўзга яққол ташланарди.

Мана, ниҳоят у устунлар пойига етиб келиб, тўпиғигача сувга ботган ҳолда, ёмғирда бўкиб, зил бўлиб кетган таллифини ечиб ташлади, кўйлакчан ҳолда Иешуанинг оёқларидан кучди. Аввало унинг болдирини боғлаган арқонни кесиб ташлади, сўнг пастки тўсинга оёғини қўйиб чикди-да, Иешуанинг жасадини кучоқлаб туриб унинг юқори тўсинга боғланган қўлларини бўшатди. Яланғоч ва жикқа хўл жасад Левийни ерга йикитиб, устига босиб тушди. Левий шу заҳотиёқ уни елкасига ортмоқламоқчи бўлди-ю, лекин кўнглига бир фикр келиб, ниятидан қайтди. У қулочи керилган жасадни чалқанча ётганда ёмғир сувида қолдириб, балчикда тийғанганидан оёқлари ҳар томонга керила-керила, бошқа устунлар томон югурди. У устунлардаги арқонларни ҳам кесиб гашлаган эди, жасадлар ерга тушди...

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, тепа бошида фақат шу икки жасад билан учта устун қўққайиб қолган эди. Жала жасадларни савалар, сел оқизиб ағдарарди.

Бу пайт тепа бошида Левий ҳам, Иешуанинг жасади ҳам қолмаган эди.

Ўн еттинчи боб

БЕҲАЛОВАТ КУН

Жума куни, яъни касофат сеансинг эртаси эрталаб Варьетенинг барча мавжуд ходимлари —

бухгалтер Василий Степанович Ласточкин, икки ҳисобчи, учта машинистка, иккала кассир, курьерлар, капельдинерлар* ва фаррош аёллар — хуллас, ходимларнинг бари ўз ишлари билан шуғулланмасдан, Садоваяга очиладиган деразаларга ўтириб олишиб, Варьете остонасида юз бераётган воқеани кузатишарди. Бу ерда кўп минг кишилик оломон икки қатор бўлиб навбатда турар, унинг охири Курдин майдонига етган эди. Оломоннинг энг олдида Москва театр мухитига отнинг қашқасидек таниш бўлган чайқовчилардан йигирматачаси турарди.

Навбатда турганлар ниҳоятда безовталаниб ўтган-кетганнинг диққатини ўзига тортар, кечаси сеҳргарлик сеанси ҳақида тарқалган ғаройиб ҳикояларни муҳокама қилар эди. Айнан шу ҳикоялар кеча спектаклда бўлмаган бухгалтер Василий Степановични қаттиқ эсанкиратиб қўйган эди. Капельдинерлар алланималарни, чунончи ўша машҳур сеанс тугагандан кейин баъзи бир аёлларнинг кўчада уятли қиёфада чошиб юргани ва шунга ўхшаш ҳоказо воқеаларни ҳикоя қилишарди. Камтарин ва вазмин табиат Василий Степанович мана шу мўъжизалар тўғрисидаги одди-қочди гапларни эшитиб, анграйганча фақат кўзларини пирпиратарди-ю, қандай иш тутишни билмай боши қотарди, ҳолбуки, айнан шу Василий Степанович бирор тадбир ўйлаб топиши керак эди, чунки Варьетенинг барча ходимлари орасида энг юқори мартабадаги одам бўлиб энди шу қолган эди.

Эрталабки соат ўнга бориб, билетга талабгорлар шунчалик кўпайиб, ҳаммаёкни босиб кетдики, овозаси милицияга ҳам етиб бориб, кўз очиб-юмгунча вақт ўтмай, театр олдида ҳам пиёда, ҳам отлик ршрядлар пайдо бўлди ва навбатда турганлар ўртасида озми-кўпми тартиб ўрнатди. Бироқ, бир километрга чўзилган бу одамлар тизмаси, гарчи энди тартибга келган бўлса ҳам, Садовая кўчасидан ўтган гражданларни ҳамон ҳайратга соларди.

Бу ташқаридаги ахвол эди, лекин Варьетенинг ўзида ҳам ахвол жуда чатоқ эди. Эрта тонгдан бошлаб Лиходеевнинг ҳам, Римскийнинг ҳам кабинетидеги, бухгалтерияю кассадаги, Варенуханинг кабинетидеги телефонлар тўхтовсиз жиринглай бошлади. Аввалига Василий Степанович, кассир аёл бир амаллаб жавоб қилиб туришди, капельдинерлар ҳам бир нималарни гўлдираб жавоб қайтаришди, лекин кейин, бора-бора трубкани бутунлай кўтармай қўйишди, чунки, Варенуха, Римский қаерда, деган саволга жавоб қайтариш мутлақо мумкин эмас эди. Олдинига, «Лиходеев ўз квартирасида», деган жавоб билан қутулмоқчи ҳам бўлишди, лекин шаҳардан телефон қилаётганлар: «Лиходеевниқига кўнғироқ қилган эдик, уни Варьетеда деб айтишди», дейишарди.

Қаттиқ ҳаяжонланган бир хоним телефон қилиб, Римскийни талаб қила бошлади, унга: «Сиз Римскийнинг хотинига телефон қилинг», деб маслаҳат беришган эди, телефондаги аёл хўнграб йиғлаб юбориб: «Ўзим хотиниман, Римский ҳеч ерда йўқ», деб жавоб қилди. Ўта бемаънилик юз бераётган эди. Фаррош аёл молия директорининг кабинетини йиғиштиргани кириб, кабинетнинг эшиги ланг очик ётгани, чироқлар ўчирилмагани, боққа очиладиган деразанинг сингани, кресло ерда ағанаб ётгани-ю, аммо кабинетда ҳеч кимни кўрмаганини ҳаммага ёйиб бўлган эди.

Соат ўндан ошганда Варьетега Римская хоним отилиб кириб келди. У юм-юм йиғлар, қаттиқ куюнарди. Василий Степанович хонимга нима маслаҳат беришни ҳам билолмай, мутлақо эсанкираб қолди. Соат ўн яримга бориб милиция етиб келди. Милиция берган оиринчи ва асосли савол бундай бўлди:

— Нима бўляпти ўзи театрнингизда, гражданлар? Нима гап?

Варьете командаси орқага тисарилиб, ранги қув ўчган, ташвишли Василий Степановични милицияга рўпара қилди. Шунда гапнинг очигини айтиб, Варьетенинг директори, молия директори ва администраторидан иборат маъмурий ҳайъатининг номаълум томонга кетиб, ғойиб бўлганини, конференсьенинг эса кечаги сеансдан кейин жиннихонага олиб кетилганини, хулласи калом, кечаси сеанснинг ғирт расво сеанс бўлганини эътироф этишга тўғри келди.

Йиғлайвериб хун бўлиб кетган Римская хонимни бир амаллаб юпатиб уйига жўнатишди,

шундан кейин молия директорининг кабинети хақида асосан фаррош аёлдан суриштира бошлашди. Хизматчилардан жой-жойларига бориб, иш билан машғул бўлишни илтимос қилишди, орадан сал вақт ўтар-ўтмас тергов хизмати ходимлари Варьетега кулоқлари чимирилган, кўзлари ғоят доно, мушакдор бир бўз итни етаклаб кириб келишди. Варьете ходимлари уни кўришган заҳоти, донғи кетган Гиштинуз деган ит шу бўлса керак, деган маънода ўзаро пичир-пичир гаплаша бошлашди. Ҳақиқатан ҳам, бу — ўша ит эди. Унинг хатти-ҳаракати ҳаммининг оғзини очириб қўйди. У молия директорининг кабинетига югуриб кирдию, сарғимтир хунук тишларини иршайтириб ириллай бошлади, кейин қорнини ерга бериб ётиб, кўзларида қандайдир ҳасрат ва айни пайтда ғазаб билан синган дераза томон эмеклаб бора бошлади. Ниҳоят у тетиклашиб, бирдан дераза тоқчасига сакраб чикди ва чўзинчоқ тумшугини кўтариб, жонхлатда ваҳшиёна увлай бошлади. У деразадан тушишни хоҳламас, ирилларкан, бадани сесканар ва ҳадеб пастга сакрамоқчи бўларди.

Итни кабинетдан олиб чиқиб, вестибюлга қўйиб юборишди, у ердан ит катта эшик орқали кўчага югуриб чикди ва орқасидан эргаштанларни такси машиналари тўхтайдиган жойга бошлаб келди. Мана шу ерга келганда у из исини йўқотиб қўйди. Шундан кейин Гиштинузни олиб кетишди.

Терговчилар Варенуханинг кабинетига жойлашишиб, кечаги сеанс вақтида юз берган воқеаларнинг шоҳиди бўлган Варьете ходимларини навбатма-навбат суҳбатга чақира бошлашди. Шунини айтиш керакки, терговчилар ҳар қадамда кутилмаган қийинчиликларга дуч келарди. Калаванинг учи дам ўтмай узилиб қолаверарди.

Афишалар бўлганмиди ўзи? Бўлган эди. Лекин тунда уларнинг устига бошқа афишаларни ёпиштиришипти, аксига юриб, биронта ҳам нусха қолмапти. Қаёқдан келиб қолди ўзи ўша жодугар? Ким билади дейсиз. Гапингизга қараганда, у билан шартнома тузгансиз?

— Шунақа бўлиши керак, — деб жавоб қилди ҳаяжонланган Василий Степанович.

— Қани ўша шартнома?

— Йўқ, — деб жавоб қилди ранги докадек оқара бошлаган бухгалтер қўлларини ёйганча. Дарҳақиқат, ўша шартнома на бухгалтерия папкаларида, на молия директорида, на Лиходеевда, на Варенухада бор эди.

Фамилияси нима экан ўша сеҳргарнинг? Василий Степанович билмасди, у кечаги сеансда йўқ эди. Капельдинерлар ҳам билмади, билет сотувчи кассир аёл иешанасини тириштиратиштира, ўйлай-ўйлай ахийри бундай деди:

— Во... Воланд шекилли.

Балки Воланд эмасдир? Эҳтимол Воланд эмасдир. Ким билсин, балки Фаланддир.

Суриштириб, ажнабийлар бюросининг на Воланд деган, шунингдек, на Фаланд исмли сеҳргар хақида ҳеч нима эшитмаганини аниқлашди.

Курьер Карповнинг айтишича, ўша сеҳргар гўё Лиходеевнинг квартирасида истиқомат қилаётганмиш. Гурган гапки, шу заҳоти у квартирага бориб келишди. Афсуски у ерда ҳеч қанақа сеҳргарни учратишмади. Лиходеевнинг ўзини ҳам топишмади. Уй ходимаси Груня йўқ эди, унинг қаёққа ғойиб бўлганини ҳеч ким билмасди. Бошқарма раиси Никонор Иванович йўқ, Прележнев йўқ!

Кўз кўриб, кулоқ эшитмаган ҳол юз берган эди: театр маъмуриятининг барча раҳбарлари ғойиб бўлган эди, кеча жуда ғалати, уятсиз сеанс бўлган, лекин уни ким уюштиргану кимнинг сўзи билан қилган — ҳеч ким билмасди.

Бу аснода касса очиладиган туш пайти ҳам яқинлашиб қолди. Аммо кассани очиш хақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди, албатта! Шу заҳоти Варьетенинг эшигига: «Бугунги спектакль қолдирилди», деб ёзилган каттакон картон осиб қўйишди. Навбатда турганлар мрасида ғала-ғовур бошланди, лекин бир оз можаро қилишиб туришгач, узундан-узун навбат занжири нарчаланиб барбод бўла бошлади, оқибат, орадан тахминан бир соат вақт ўтар-ўтмас,

Садовая кўчасида навбат кутганлардан асар ҳам қолмади. Терговчилар ўз ишини бошқа ерда давом эттириш учун жўнаб кетишди. Варьете ходимларини уй-уйига жўнатиб юборишди, театрда фақат навбатчиларни қолдиришиб, унинг эшикларини ёптиришди.

Бухгалтер Василий Степанович иккита ишни зудлик билан бажариши керак эди. Биринчидан, Томошалар ва ўйин-кулгилар комиссиясига бориб, кеча театрда юз берган воқеа ҳақида хабар қилиши, иккинчидан, томошахоналар молия шўъбасига бориб, кеча кассага тушган 21711 сўм пулни топшириши керак эди.

Ниҳоятда саришта ва интизомли Василий Степанович пулни газетага ўраб, устидан каноф билан боғлади-да, портфелига солди. Пул олиб юриш инструкциясини жуда пухта билган бу одам, турган гапки, автобус ё трамвай бекатига эмас, балки таксомотор бекатига йўл олди.

Бу ерда турган учта машинанинг шофёрлари қўлида қаппайган портфель билан шошиб келаётган пассажирни кўришган ҳамонок, унга ғазаб билан ўқрайиб қарашди-да, шундоққина тумшуғи остидан одам олмай қочворишди.

Эсанкираб қолган бухгалтер, бунга қандай тушуниш керак, деб ўйлаб турган ерида анчагача серрайиб қолди.

Яна уч дақиқалардан кейин бекатга бўш машина келиб тўхтади, лекин шофёрнинг кўзи пассажирга тушди-ю, афти буришиб кетди.

— Машина бўшми? — дея йўталиб қўйди хануз саросимада бўлган Василий Степанович.

— Пулингизни кўрсатинг, — жаҳл билан жавоб қилди шофёр пассажир томонга қайрилиб ҳам қарамай.

Борган сари хайрати оша бошлаган бухгалтер қимматли портфелини қўлтиғига қистириб, ҳамёнидан бир червон чиқарди-да, уни шофёрга кўрсатди.

— Бормайман! — деди у қисқагина қилиб.

— Мени кечирасиз... — деб бухгалтер гап бошлаган эди, шофёр унинг сўзини бўлди:

— Уч сўмликларингиз борми?

Тамомила гангиб қолган бухгалтер ҳамёнидан иккита уч сўмлик чиқариб, шофёрга кўрсатди.

— Ўтиринг, — деб бақирди у ва счётчик байроқчасига «тап» этиб уриб, уни синдириб юбораёзди. — Кетдик.

— Қайтимга майдангиз йўқми дейман? — кўрқа-писа сўради бухгалтер.

— Киссам тўла қайтим! — деб бақирди шофёр, кўзгуда унинг қон қуйилган кўзлари кўринди, — шу бугуннинг ўзида мени уч марта ер қилиб кетишди. Битта мени эмас — бошқаларниям. Ярамас кира ҳақига червон беради, денг. Мен унга тўрт сўм эллик тийин... у итдан таркаган қайтимни олиб машинадан тушади! Орадан беш минут ўтар-ўтмас қарасам: қўлимда червон эмас, нарзан шишасининг қоғози! — Шу ерга келганда шофёр уят сўзларни айтиб сўқинди. — Яна биттасини Зубовскаяга элтиб қўйдим. Уям бир червон берди. Унга уч сўм қайтардим. Тушиб кетди! Кейин ҳамёнимга қўл тиксам, у ердан асалари учиб чиқиб шартта бармоғимни чақиб олса бўладими! Вой... — деб шофёр яна уят сўзларни қалаштириб ташлади, — лекин червон йўқ. Кеча анави Варьетеда (сўкинади) қандайдир мараз кўзбойлоқчи червон пуллар сочиб томоша кўрсатганмиш (сўкинади).

Бухгалтер ўзини йўқотиб, ғужанак бўлиб олди ва «Варьете» деган сўзни энди эшитиб тургандек кўрсатди ўзини, лекин ичида: «Ана машмаша!..» — деб қўйди.

У ўзи кўзлаган ерга етиб келиб, кира ҳақини беғалва тўлади-да, бинога кирди ва мудир кабинетини томон коридордан жадал юриб бораркан, бемаврид келганини пайқади. Томошалар комиссияси идорасида қандайдир безовталиқ ҳукмрон эди. Бошидаги рўмоли сирғалиб энсасига тушган, кўзлари бежо курьер аёл бухгалтер ёнидан югуриб ўтди.

— Йўқ у, йўқ, йўқ, тасаддуқлар! — деб қичкирарди у аллакимларга, — камзул-шими бор, аммо камзулда ҳеч вақо йўқ!

Аёл қайсиям эшикка кириб кетди, шу захоти унинг орқасидан идишларнинг чил-чил сингани

эшитилди. Секретарь хонасидан комиссиянинг биринчи сектори мудирлари югуриб чиқди, бухгалтер уни яхши танирди, аммо у шу қадар асабий эдики, бухгалтерни танимади ва шу кетганча дом-дараксиз ғойиб бўлди.

Бу воқеалардан қаттиқ ларзага келган бухгалтер комиссия раиси кабинетининг даҳлизи бўлмиш котиба хонасига кирдию бутунлай донг қотиб қолди.

Эшиги ёпиқ кабинетдан дағдағали овоз эшитиларди. Бу, шубҳасиз, комиссия раиси Прохор Петровичнинг овози эди. «Битта-яримтасини роса тузлаяпти шкилли?» — деб қўнғлидан ўтказди гангиб қолган бухгалтер ва атрофига кўз ташлаб бошқа бир манзаранинг шоҳиди бўлди. Прохор Петровичнинг шахсий котибаси — соҳибжамол Анна Ричардовна устига тери қопланган креслода оёқларини хонанинг нақ ўртасигача узатиб юбориб, бошини орқа суянчикқа ташлаганча қўлида жикка ҳўл рўмолча билан юм-юм йиғлаб ётарди.

Анна Ричардовнанинг бутун ияги лаб мойига бўялган, пуштиранг ёноқларидан эса эриган киприк бўёғи қоп-қора жилға бўлиб оқиб тушарди.

Анна Ричардовна хонага одам кирганини кўриб, сакраб ўрнидан турди, бухгалтерга ташланиб, камзули ёқасидан чангаллаб уни силкитаркан, чинқириб деди:

— Худога шукур! Битта бўлсаям топилиптию мард одам! Ҳамма қочиб кетди, хоинлар! Юринг унинг олдига, нима қилишга хайронман! — Кейин ўксиб-ўксиб йиғлаганча, бухгалтерни кабинетга судраб кирди.

Бухгалтер кабинетга кирди-ю, бирини навбатда қўлидан портфели тушиб кетди, миясидаги ўйлари тамомила остин-устун бўлиб кетди. Бунинг сабаби бор эди, албатта.

Устига салмоқли сиёҳдон қўйилган маҳобатли ёзув столи ортида қуруқ костюмнинг ўзи ўтирар ва сиёҳга ботирилмаган қуруқ перо билан қоғозга нималарнидир ёзарди. Костюм галстук таққан, унинг соат чўнтагидан ўзи ёзар ручка чиқиб турарди, аммо костюм ёқаси устидан на бўйин бор эди, на калла, шупингдек, костюм енглиридан ҳам қўл чиқмаган эди. Костюм ишга қаттиқ берилганлигидан, атрофида юз бераётган тўс-тўполонни мутлақо пайқамас эди. Костюм хонага кимдир кирганини эшитиб, креслога суянди, шунда унинг ёқаси узра Прохор Петровичнинг бухгалтерга жуда яхши таниш бўлган овози янгради:

— Нима гап? Эшикка ёзиб қўйилган-ку қабул қилмаслигим ҳақида.

Соҳибжамол котиба буни эшитиб чинқириб юборди ва куйиниб деди:

— Кўрдингизми? Кўряпсизми?! У йўқ! Йўқ! Қайтариб беринг! Топиб беринг уни!

Шу пайт кимдир кабинет эшигидан бошини тикди-ю, «вой» деб юбориб, жуфтакни ростлаб қолди. Бухгалтер тиззалари қалтираётганини ҳис қилиб стулга омонатгина ўтирди, лекин портфелини ердан кўтариб олишни унутмади. Анна Ричардовна бухгалтернинг камзулини қўйиб юбормай, унинг атрофида гирдикапалак бўлар ва ҳадеб чинқирарди:

— Шайтонни тилга олиб сўкинганида, доим уни «хай-хай»лаб тўхтатардим! Мана оқибат, — шундай деб гўзал котиба ёзув столи олдига пилдираб борди ва кўп йиғлаганидан хиёл пинғиллаган майин мусиқий овози билан деди:

— Проша! Қаердасиз?

— Мени «Проша» дейишга қандай ҳаддингиз сиғди? — деди костюм виқор билан ва креслога янаям чуқурроқ ботиб ўтирди.

— Танимаяпти! Мени танимади-я! Тушуняпсизми? — деб ҳўнграб юборди котиба.

— Кабинетда йиғи-сиғи қилманг! — деди энди жаҳл билан жиззаки костюм ва резолюция қўйиб имзо чекиш учун бир даста қоғозни енги билан ўз олдига сурди.

— Йўқ, мен бунга қаролмайман, йўқ, ҳеч қаролмайман! — деб чинқириб юборди Анна Ричардовна ва кабинетдан югуриб чиқиб кетди, унинг орқасидан бухгалтер ҳам ўқдай отилиб чиқди.

— Мен ўтиргандим, — деб ҳикоя қила бошлади ҳаяжондан қалт-қалт титраётган Анна Ричардовна, яна бухгалтернинг енгидан маҳкам ушлаб олиб, — бир пайт бир мушук кириб

келди. Қоп-қора, ўзиям худди хирсдай келади. Турган гапки, мен унга «пишт!» — деб қичқирдим. У чиқиб кетди, лекин ўрнига аллақандай бақбақалоқ одам кирди, унияма башараси мушукниқига ўхшарди. Кирди-да: «Бу қанақаси, граждандка, нега иш билан келганларни «пишт»лаб ҳайдайсиз?» — деди. Шундай дедию шилт этиб Прохор Петровичнинг олдиға кириб кетди, мен ҳам орқасидан кирдим, албатта. «Нима қиялпсиз, эсингизни еганмисиз?» — деб қичқирдим унга. У суллоҳ бўлса тўғри Прохор Петровичнинг олдиға бориб, унинг рўпарасига, креслога ўтирди! Лекин Прохор Петрович... ўзингиз биласиз, у — жудаям оққўнгил одам-у, аммо ўлгудек тажанг. Аччиғи чиқиб кетди! Ҳа! Асаби чатоқ, чунки молдай ишлайди, ҳа, аччиғи чиқиб: «Нега берухсат кирдингиз бу ерга?» — деди. Анави суллоҳ бўлса, креслога ялпайиб ўтириб олиб, бунинг устиға, тиржайиб нима деди денг: «Мен, деди, сиз билан иш юзасидан гаплашгани келдим», деди. Прохор Петрович бўлса, жаҳли чиқиб: «Бандман!» — деди. У бўлса уялмай-нетмай: «Сиз ҳеч нима билан банд эмассиз...» — деди-я. Тавба! Шундан кейин, турган гапки, Прохор Петрович тутақиб кетиб: «Бу ахир қандай бемаънигарчилик! Олиб кетинглар уни, жин олсин мени!» — деб бақирворди. Суллоҳ бўлса тиржайиб туриб, нима деди денг: «Жин олсинми? Бўпти, тўғрилаймиз!» — деди. Шунда бир нима тарақлаб кетди-ю, мен чинқириб юбориб, қарасам: анави мушукбашара суллоҳ йўқ, столда эса, ко... костюм... ўтирипти-и-и... Уу-ууу! — Анна Ричар-довна оғзини паттойи ковушдек очиб ув тортиб йиғлай бошлади.

У йиғлаб-йиғлаб, нафасини ростлаб олди-да, кейин мутлақо куракда турмайдиган гапларни жаврай кетди:

— Ҳали қарасанг ёзаяпти, ёзаяпти, ёзаяпти! Жинни бўлиб қолиш ҳеч гапмас! Телефондаям гаплашаяпти! Костюм гаплашаяпти! Ҳамма қочиб кетди — сичқоннинг ини минг танга!

Бухгалтер турган ерида фақат қалт-қалт титрарди. Лекин шу пайт унга омад кулиб бокди. Котиба хонасига икки нафар милиционер жиддий қиёфада бамайлихотир кириб келди. Сохибжамол котиба уларни кўрдию бешбаттар хўнграб йиғлаганча, қўли билан кабинет эшигини кўрсата бошлади.

— Келинг, йиғини бас қилайлик, граждандка, — хотиржам оҳангда деди биринчи милиционер, бухгалтер эса ўзининг бу ерда ортиқча эканлигини билиб, хонадан отилиб чиқди ва яна бир дақиқадан сўнг тоза ҳаводан нафас ола бошлади. Мияси худди елвизак ўтган мўркон сингари ғувилларди, шу ғувиллаган товуш орасидан капельдинерларнинг кечаги томошада иштирок этган мушук ҳақидаги ҳикоялари узук-юлуқ бўлиб эшитиларди қулоғига. «Ана холос! Бу ўша мушукчамиз эмасмикин ҳали?»

Комиссия идорасида ўзи кўзлаган мақсадга эриша олмаган диёнатли Василий Степанович Ваганьковский тор кўчасига жойлашган унинг филиалиға боришға қарор қилди. У ўз кўнглиға таскин бериш мақсадида филиалғача пиёда юриб борди.

Томошалар комиссиясининг шаҳар филиали ҳовлининг тўридаги, вақт ўтиши билан сувоғи кўчган иморатға жойлашган бўлиб, у ўз вестибюлидаги порфир¹⁴ устунлари билан машҳур эди.

Лекин филиалға келган одамларни бугун устунлари эмас, балки шу устунлар пойида юз бераётган ғаройиб ҳодиса тонг қолдирган эди.

Бир неча киши кичик бир стол ортида юм-юм йиғлаб ўтирган ойимқизға донг қотиб қараб қолишган эди, ойимқиз шу столча устиға ёйиб қўйилган томошалар ҳақидаги махсус адабиётнинг сотувчиси эди. Ойимқиз айнан ҳозир ҳеч кимға ҳеч қандай китоб сотмас, одамларнинг ҳол-аҳвол сўраб берган саволларига эса фақат қўл силтарди, холос, лекин худди шу маҳал тепадан ҳам, пастдан ҳам, ён томонлардан ҳам, хуллас филиалнинг ҳамма бўлимларидан, камида йигирматача телефон бараварига қаттиқ жиринглай бошлади.

Йиғлаб ўтирган ойимқиз бирдан сесканиб кетиб: — Ана, яна бошланди! — деб чинқирди

¹⁴ Порфир — вулкон пайтида вужудға келадиган тоғ жинси.

жазаваси тутиб ва дабдурустан титроқ овоз билан куйлай бошлади:

Славное море священного Байкал...¹⁵

Шу пайт зина бошида пайдо бўлган курьер мушт тугиб кимгадир пўписа қилди ва ўзининг жилосиз, хира баритон овози билан ойимқизга жўр бўлди:

Славен корабль, омулевая бочка!..

Курьернинг овозига олис хоналардан бошқаларнинг ҳам овози қўшилиб, хор вужудга кела бошлади ва ниҳоят, бу қўшиқ филиалнинг ҳаммаёғида янграй бошлади. Ҳисоблаш-текширув бўлими жойлашган энг яқин 6-хонадан келаётган овозлар орасида кимнингдир хиёл ҳиркирок, аммо жуда кучли йўғон овози ажралиб турарди. Телефон аппаратларининг тобора кучая бошлаган кўнғироқлари бу хорга жўрлик қиларди.

Гей, Баргузин... пошевеливай вал!.. —

деб бўкирарди курьер зинада туриб.

Қизнинг кўз ёшлари маржон-маржон бўлиб оқар, тишларини ғижир қилишга уринар, лекин оғзи ўз-ўзидан очилиб, курьердан бир парда юкори товушда куйларди:

Молодцу быть недалечко!

Филиалга иш билан келиб, лол бўлиб серрайиб қолган одамларни кўпроқ хайратга солган нарса шу эдики, хор қатнашчилари гарчи бинонинг турли томонларида бўлишса ҳам, гўё кўринмаётган дирижёрдан кўз узмай тургандай, жуда равон ва уйғун куйлашарди.

Ваганьковский тор кўчасидан ўтаётган одамлар ҳовлини ўраган панжара олдида тўхташиб, филиалда бўлаётган вақтичоғликдан хайрон бўлишарди.

Қўшиқнинг биринчи банди тугаши билан хор яна гўё дирижёр ишораси билан бирдан куйлашдан тўхтади. Курьер оҳиста сўкиниб, хонага кириб кетди. Шу маҳал филиалнинг ҳовли эшиги очилиб, оқ халат устидан авра пальто кийган бир гражданин билан милиционер кириб келди.

— Жон доктор, бирон иложини қилинг, — деб аzza-баzza чинқирди қиз.

Зина бошига филиал котиби отилиб чиқди, хижолатпазликдан бўлса керак, дудукланиб деди:

— Биласизми, доктор, биз ҳаммамиз қандайдир оммавий гипноз таъсирига учраганга ўхшаймиз... Шунга кўра, албатта... — у гапини тугата олмади, сўзлар томоғига тикилиб қолиб, бирдан тенор овоз билан куйлай бошлади:

Шилка и Нерчинск...

— Аҳмоқ! — деб чинқирди қиз, лекин кимни ҳақорат қилганини изоҳлашга улгуролмади, бунинг ўрнига ўзи ўша Шилка ва Нерчинск тўғрисида куйлашга мажбур бўлди.

— Ўзингизни қўлга олинг! Кўйлашни бас қилинг! — деди доктор котибга.

Ҳолбуки котибнинг ўзи ҳам, кўринишидан қўшиқ айтмаслик учун кўп нарсадан воз кечишга тайёр эди, бироқ, нима қилсинки, қўшиқ айтишдан ўзини тўхтата олмасди, шунга кўра у хорга қўшилиб банднинг охиригача ижро этиб кўчадан ўтганларнинг диққатини ўзига тортди.

Банд тугаши билан биринчи бўлиб сотувчи қиз врачдан валерианка олди, шундан сўнг врач бошқаларга ҳам валерианка ичириш учун котиб орқасидан югуриб кетди.

— Мени афв этасиз, яхши қиз, — деб Василий Степанович сотувчи қизга юзланди, — филиалингизга кирмаганмиди қора мушук?..

— Яна қанақа мушук? — деб чийиллади жаҳл билан қиз, — битта эшшак ўтирипти филиалимизда, эшшак! — шундай деб туриб, яна илова қилди: — Майли, эшитсин! Ҳаммасини гапириб бераман, — шундан кейин у юз берган бутун воқеани сўзлаб берди.

¹⁵ Бу машхур рус халқ қўшиғини таржима қилмай, оригинал ҳолда қолдиришни маъкул кўрдик (тарж.).

Маълум бўлишича, шаҳар филиалининг «енгил томошалар ишини тамоман барбод қилган» (сотувчи қиз таъбири) мудир ҳар хил тўғараклар очишга ишқибоз экан.

— Раҳбарларни шу йўл билан гўсхўр қилиб келяпти! — деб бақирди қиз.

Мудир шу бир йил мобайнида Лермонтовни ўрганиш, шахмат-шашка, пинг-гюнг ва чавандозлик тўғаракларини очибди. Ёз келса, ҳали яна эшкак эшиш ва альпинистлар тўғаракларини ҳам ташкил қилмоқчимиш.

— Мана, бугун эса тушлик танаффус пайтида... — деб ҳикоясини давом эттирди қиз, — мудир аллақандай бир итвачча билан кўлтиқлашиб кириб келди... эгнида катак матодан шим, кўзига шишаси дарз кетган пенсне такқан... башараси — худди ҳозир гўрдан чикқанга ўхшайди!

Сотувчи қизнинг гапича, мудир у одамни ўша захоти, филиалнинг ошхонасидаёқ овқатланиб ўтирган ходимларга, хор тўғаракларини ташкил қилиш бўйича йирик мутахассис, деб таништирипти.

Бўлғуси альпинистларнинг қовоқлари осилиб тушган, албатта, лекин мудир ҳаммани бардам бўлишга ундабди, хор мутахассиси бўлса ҳам ҳазил, ҳам қочириқ гаплар айтиб, кўшиқ ўрганиш учун арзимаган нақт керак бўлиши, ваҳоланки, унинг бир олам фойда келтириши ҳақида онт ичиб ишонтирипти.

Ҳар сафаргидай, сотувчи қизнинг айтишича, филиалнинг таниқли хушомадгўйлари Фанов билан Косарчуклар биринчи бўлиб отилиб чиқишиб, хор тўғарагига ёзилишга розилик беришипти. Шунда қолган хизматчилар ҳам кўшиқ айтишдан қочиб қутулиб бўлмаслигини тушунишиб, тўғаракка ёзилишган. Кўшиқни тушлик танаффус пайтида айтишга қарор қилишипти, чунки қолган вақтлар Лермонтов ва шашка билан банд экан. Мудир коллективга ўрнак кўрсатиш учун ўзининг тенор овози борлигини эълон қилипти, шундан кейин ҳамма нарса худди ёмон тушдек бошланиб кетипти. Катак шим кийган мутахассис — хормейстер:

— До-ми-соль-до! — деб бақирди-да кўшиқ айтишдан қочиб шкаф орқасига яширинган уятчанларни тортиб чиқипти. Косарчукка эса, мусиқий ҳофизангиз ғоятда зўр, деб ғинший, инграй бошлапти ва, мен — қари кўшиқчи — регентнинг сўзини ерда қолдирманг, деб ёлбориб, камертонни жингиллатиб чертиб, «Славное море» кўшиғини бир гумбурлатиб оласиз энди, деб илтимос қилипти.

Гумбурлатиб олишипти. Олишгандаям жуда яхши олишипти. Катак шим кийган регент чинданам ўз ишини яхши билар экан. Биринчи бандни охирига етказишганда регент узр сўраб: «Менга бир дақиқага рухсат!» — дебди-ю... ғойиб бўлипти. Ҳамма уни, ҳозир, бир дақиқадан кейин қайтиб келади, деб ўйлаган. Лекин орадан ўн дақиқа вақт ўтса ҳам ундан дарак бўлмапти. Филиал ходимларининг кўнгли ёришиб кетипти — регент қочди, деб ўйлашган-да.

Лекин шу пайт бирдан ҳаммалари кўшиқнинг иккинчи бандини куйлай бошлашипти, Косарчук уларга бош бўлипти: эҳтимол унинг мусиқий ҳофизаси унчалик зўрмасдир-у, аммо овози хийлагина ёқимли баланд тенор экан. Кўшиқ тугапти. Регентдан дарак йўқ! Ҳамма жой-жойига тарқала бошлаган, лекин ўз ўринларига бориб улгуришмасдан, хоҳлашмасалар ҳам яна кўшиқ бошлашипти. Ҳеч ўзларини тўхтатиша олмапти. Икки-уч минут жим ўтиришармиш-да, яна баданглатишармиш. Бир зум жим ўтириб, яна баданглатишармиш! Ана шунда фалокат юз берганини тушунишипти. Мудир шарманда бўлганидан ўз кабинетига кириб, ичидан кулфлаб олипти.

Шу ерга келганда қизнинг ҳикояси узилди. Валерьянка ҳам кор қилмаган эди.

Яна чорак соатдан кейин Ваганьковский тор кўчасидаги панжара девор олдида учта юк машинаси келиб тўхтади, филиалнинг барча ходимлари мудир бошчилигида шу машиналарга чиқишди.

Биринчи машина бир чайқалиб дарвозадан тор кўчага чиқиши билан кузовда бир-бирларининг елкаларидан ушлаб зич турган хизматчилар оғизларини очишдию бутун кўчани бошларига кўтариб, оммавий кўшиқни ижро эта бошладилар. Иккинчи юк машинаси, ундан

кейин учинчи машинадагилар ҳам уларга жўр бўлишди. Ходимлар шу тарзда жўнаб кетишди. Кўча-кўйда ўз ишлари билан югуриб юрган одамлар юк машиналарига қиё боқиб қўйишаркан, ҳеч ажабланишмасди, чунки уларни шаҳар ташқарисига кетаётган экскурсиячилар деб ўйлашарди. Тўғри, улар чинданам шаҳар ташқарисига кетишаётган эди, аммо экскурсия эмас, балки профессор Стравинскийнинг шифохонасига йўл олишган эди.

Тамомила эси оғиб қолган бухгалтер ярим соатдан кейин томошахоналар секторининг молия бўлимига етиб борди, бу ерда у қўлидаги давлат сармоясидан тезроқ қутулиш ниятида эди. Унинг кўзи пишиб қолган эди, шунга кўра чўзинчоқ залга олдин эҳтиётлик билан аста мўралади — бу ерда олтин ҳарфлар ёзилган сирланган ойналар ортида хизматчилар ишлаб ўтиришарди. Бухгалтер бу ерда ҳеч қандай ваҳима ё бетартиблик аломатини кўрмади. Ботартиб идораларда бўлгани сингари бу ерда осойишталик ҳукм сурарди.

Василий Степанович: «Пул қабул қилинади», деб ёзилган ойнага бошини сукди, нотаниш бир хизматчи билан саломлашди ва мулойимлик билан кирим ордери бланкини сўради.

— Нима қиласиз уни? — деб сўради хизматчи. Бухгалтер таажжубланди.

— Пул топширмақчиман. Варьетеданман.

— Бир дақиқа сабр қилинг, — деди хизматчи ва туйнукни симтўр билан тўсди.

«Қизиқ!» — деб ўйлади бухгалтер. У тўғри ажабланаётган эди. Чунки бундай ҳолни умрида биринчи марта учратиши эди. Ҳамма билади: пул олиш қийин; бу ишда ҳамиша бирон ишқаллик топилиши мумкин. Лекин бухгалтер ўзининг ўттиз йиллик иш тажрибасида биронта одамнинг, хоҳ у адлия вакили, хоҳ хусусий шахс бўлсин, пул топширишда қийналганини кўрмаган эди.

Мана, ниҳоят симтўр очилиб, бухгалтер яна бошини ойнага тикди.

— Кўпми топширадиган пулингиз? — деб сўради хизматчи.

— Йигирма бир минг етти юз ўн бир сўм.

— Ўххў! — деди хизматчи негадир киноявий охднгда ва бухгалтерга яшил бланк узатди.

Бухгалтер ўзига ёд бўдиб кетган бланкни бир зумда тўлдириб, пул ўралган пакетнинг канопини еча бошлади. У пакетни ечдию бирдан кўзи жимирлаб кетди, қаттиқ изтиробда бир нима деб гўлдиради.

Унинг кўз олдида чет эл пуллари ётарди. Бу ерда пачка-пачка Канада долларлари, инглиз фунтлари, голланд гульденлари, Латвия латлари, эстон кронлари бор эди...

— Мана ўша Варьетедаги фирибгарлардан биттаси, — деган дағдағали овоз эшитилди гунг бўлиб қолган бухгалтернинг тепасида. Шу заҳоти Василий Степановични ҳибсга олишди.

Ўн саккизинчи боб

КЎНГИЛСИЗ ТАШРИФЛАР

Бизнинг тиришқоқ бухгалтер жасадсиз костюмга йўлиқишдан оддин таксомоторда бораётган пайтда, Москвага келган Киев поездининг юмшоқ ўринли 9-плацкарт вагонидан қўлига кичкинагина фибра¹⁶ чамадон кўтарган хушхулқ бир одам ҳамма йўловчилар қатори перронга тушди. Бу йўловчи марҳум Берлиознинг Киевдаги собиқ Институт кўчасида истиқомат қилувчи поччаси экономист-плановик Максимилиан Андреевич Поплавский эди. Максимилиан Андреевичнинг Москвага келишига у ўтган куни кечқурун алламаҳалда куйидаги мазмунда олган телеграмма сабаб бўлган эди:

«Мени ҳозиргина Патриарх кўлида трамвай босиб кетди. Дафн жума, кундуз учда. Етиб келинг. Берлиоз».

¹⁶ Фибра — прессланган, эгилувчан пишиқ қоғоз

Максимилиан Андреевич Киевда ҳақли равишда энг донишманд кишилардан бири ҳисобланарди. Лекин бу тарздаги телеграмма энг ақлли одамни ҳам гангитиб қўйиши мумкин эди. Баски, одам ўзини трамвай босиб кетгани ҳақида телеграмма юборибдими, демак у ўлмаган. Лекин унда дафннинг нима алоқаси бор бунга? Ё аҳволи жудаям оғиру тирик қолишига кўзи етмаяптимикин? Бу мумкин, лекин дафн пайтининг аниқдиги ўта ғайриоддий ҳол эди — ахир у ўзининг жума куни кундуз соат учда дафн этилишини, ўзингиз ўйланг, қаёқдан билсин? Ғоят ғаройиб телеграмма!

Бироқ чалкаш жумбоқларни еча олганлари учун ҳам доно одамларни доно деб аташади. Масала равшан. Хатога йўл қўйилган, телеграмма чалкашиб кетган. «Мени» сўзи, шубҳасиз, бу ерга бошқа телеграммадан кириб, «Берлиозни» деган сўзнинг ўрнини эгаллаган, «Берлиозни» сўзи эса, келишиқ қўшимчасидан жудо бўлиб, телеграмма охирига бориб қолган. Шундай тузатиш киритиладиган бўлса, телеграмманинг мазмуни ойдинлашар, аммо, фожиали тус оларди, албатта.

Максимилиан Андреевич, умр йўлдошининг қайғули фарёди сал тиниши билан, дарҳол Москвага отлана бошлади.

Шу ўринда Максимилиан Андреевичнинг дил розини фош қилишимизга тўғри келади. Ҳеч шубҳа йўқки, хотинининг айни камолга етган пайтда нобуд бўлган жиянига унинг ҳам раҳми келган эди. Лекин, иш кўзини билувчи одам сифатида, ўзининг дафн маросимида қатнашишига унчалиқ зарурат йўқлигини ҳам тушунарди, албатта. Шунга қарамай, Максимилиан Андреевич Москвага жудаям шошилиб отлана бошлади. Хўш, сабаб нима? Сабаб битта — квартира. Москвадаги квартирами? Ҳа, бу ниҳоятда жиддий масала. Максимилиан Андреевичга негадир Киев ёқмасди, шу сабабли кейинги пайтларда Москвага кўчиб ўтиш нияти унинг қалбини қаттиқ изтиробга сола бошлаган, оқибат, ҳатто уйқусида ҳам халоват қолмаган эди. Паст соҳил томондаги оролчаларни кўмиб, суви уфққа бориб туташган Днепрнинг баҳорги тошқини ҳам унинг баҳри-дилини очолмасди. Князь Владимир ҳайкали пойидан кўзга ташланувчи, гўзалликда қиёси йўқ улуғвор манзара ҳам уни мафтун қилмас эди. Владимир тепалигидаги ғишт терилган иўлкаларда ўйновчи қуёшнинг олачалпоқ нурлари ҳам унинг қўнглини овламасди. Буларнинг биронтасини ҳам хоҳламасди у, фақат бир нарсани — Москвага кўчиб ўтишни истарди.

Ўзининг Институт кўчасидаги квартирасини Москвадаги бирон чоғроқ квартирага айирбошлаш ҳақида газеталарга берган эълонлари ҳеч қандай натижа бермади. Хоҳловчилар топилмас, битта-яримта топилганиям мутлақо куракда турмайдиган шартлар қўярди.

Телеграмма Максимилиан Андреевични ларзага солди. Бундай қулай фурсатни бой беришнинг ўзи гуноҳ эди. Удабурон одам бундай ҳолнинг бошқа такрорланмаслигини яхши билади.

Қисқаси, қанчалиқ мушкул бўлмасин, бир амаллаб жияннинг Садовая кўчасидаги квартирасини мерос қилиб олиш керак эди. Ҳа, бу мушкул, ғоятда мушкул иш, лекин шундай бўлса ҳам, бу мушкулотни енгмоқ лозим эди. Омилкор Максимилиан Андреевич бунга эришиш учун биринчи навбатдаги энг зарур иш нимадан иборат бўлишини яхши биларди: бир иложини қилиб, мархум жияннинг учта хонасига вақтинча бўлса ҳам ўзини прописка қилдириб олиши керак.

Максимилиан Андреевич жума куни Москвага етиб келиб, шу куниёқ Садовая кўчасидаги 302-бис уйнинг уй бошқармаси эшигидан ичкари кирди.

Деворига дарёга чўккан одамни тирилтириш усуллари бир нечта суратда тасвирланган эски плакат осилган торгина хонада ёғоч стол ортида соқол-мўйлови ўсиб кетган, кўзлари аланг-жаланг боқувчи ўрта ёшлардаги одам ёлғиз шўппайиб ўтирарди.

— Бошқарма раисини кўришим мумкинми? — деб тавозе билан сўради экономист-плановик, бошидан шляпасини олиб, чамадончасини бўш турган стулга қўяркан.

Мана шу одмигина саволдан стол ортида ўтирган одамнинг негадир руҳи тушиб, ранги бўздай оқариб кетди. Кўзлари олазарак бўлиб, раис йўқ, деган маънода ғўлдиради у.

— Квартирасидадир балки? — деб сўради Поплавский, — зарур ишим бор эди унда.

У одам яна пойинтар-сойинтар жавоб қидди. Лекин бу ғализ жавобдан, раис квартирасида йўқ, деган маънони англаса бўларди.

— Қачон бўлади?

Стол ортида ўтирган одам бу саволга жавоб бермай, қандайдир ҳасрат билан деразага қаради.

«Иҳи!» — деди ўзига-ўзи фаросатли Поплавский ва котибни сўради.

Ғалати одам худди мушкул аҳволга тушгандай чўғ бўлиб қизариб кетди ва яна пойинтар-сойинтар ғўлдираб, котиб ҳам йўқ... қачон келиши ҳам маълум эмас, хуллас... котиб касал... дегандай бўлди.

«Аҳа!..» — деди ўзича Поплавский: — Лекин бошқарма аъзоларидан бирон киши борми?

— Мен, — ҳазин овоз билан жавоб қилди у одам.

— Гап бундай, — деб салобат билан гапира бошлади Поплавский. — Камина марҳум жияним Берлиознинг ягона вориси ҳисобланаман — маълумингизки, у Патриарх кўли яқинида ҳалок бўлди — бинобарин, қонун бўйича мен бизнинг эллигинчи квартирамизни мерос тариқасида қабул қилиб олишим...

— Бехабарман, ўртоқ, — деб сўзини бўлди тунд одам.

— Кечирасиз, — деди жарангдор овоз билан Поплавский, — сиз бошқарма аъзоси сифатида...

Шу пайт хонага бир гражданин кириб кетди. Стол ортида ўтирган одам уни кўрдию докадек оқариб кетди.

— Бошқарма аъзоси Пятнажко сизмисиз? — деб сўради ундан кирган одам.

— Мен, — эшитилар-эшитилмас жавоб қайтарди у. Кирган одам Пятнажконинг қулоғига бир нима деб пичирлаган эди, у саросимада ўрнидан турди-ю, яна бир неча сониядан кейин бошқарма хонасида Поплавский ёлғиз ўзи қолди.

«Эҳ, чатоқ бўлди-да! Келиб-келиб, бирварақайига ҳаммаларини...» — деб ўйлади ўкинч билан Поплавский асфальт ётқизилган ҳовлидан ўтиб, 50-квартира томон шошаркан.

Максимилиан Андреевич қўнғироқ тугмасини босган ҳаманоқ эшик очилдию, у қоронғи даҳлизга кирди. Уни бир қадар таажжубда қолдирган ҳол шу бўлдики, эшикни ким очгани маълум эмас эди, чунки даҳлизда стулда чўққайиб ўтирган баҳайбат бир мушукдан бошқа ҳеч қандай жонзот йўқ эди.

Максимилиан Андреевич, ўзини сездириш учун йўталиб, ер тепиниб қўйди. Шунда кабинет эшиги очилиб, даҳлизга Коровьёв чиқди. Максимилиан Андреевич унга назокат билан, аммо ўз қадрини йўқотмаган ҳолда таъзим қилиб, деди:

— Фамилиям Поплавский. Мен марҳум Берлиознинг...

У гапини тугатиб ҳам улгурмаган эди, Коровьёв чўнтагидан исқирт бир рўмолча олиб, у билан оғиз-бурнини ёпганча йиғлаб юборди.

— ... поччаси бўламан...

— Бўлмасам-чи, биламан, — деб унинг сўзини бўлди Коровьёв рўмолчани юзидан оларкан. — Бир кўришдаёқ сиз эканлигингизни фаҳмладим! — деди у бутун вужуди билан силкиниб юм-юм йиғларкан: — Қандай мусибат, а? Нималар бўляпти ўзи? А? — деб кўшиб қўйди.

— Трамвай босиб кетдимиз? — пичирлаб сўради Поплавский.

— Вой, секинроқ айтасизми, — деб чинқириб юборди Коровьёв, унинг пенснеси остидан кўз ёшла-ри дув-дув оқа бошлади, — босганда қандоқ! Ўз кўзим билан кўрдим. Ишонасизми — боши... чўрт узилиб кетди!.. Унг оёғи қарс этиб икки бўлак бўлди! Чап оёғи қарс этиб икки бўлак бўлди! Мана шунақа бир бало жан бу трамвай дегани! — Кейин Коровьёвнинг яна

хўрлиги келди шекилли, кўзгу ёнидаги деворга юзини босиб, бутун вужуди билан силкиниб хўнг-хўнг йиғлай бошлади.

Бу нотаниш одамнинг хатти-харакати поччани қаттиқ хайратга солди. «Бизнинг замонда раҳмдил одамлар қолмаган дейишади, мана, бор экан-у!» — деб ўйлади у ўзининг ҳам хўрлиги кела бошлаганини ҳис қилиб, лекин шу заҳоти унинг миясидан, тагин бу раҳмдил одам мархумнинг квартирасига ўзини прописка қилиб улгурган бўлса-я, деган фикр лип этиб ўтди, зеро ҳаётда бундай ҳоллар ҳам бўлиб туради.

— Афв этасиз, сиз менинг раҳматли Мишамнинг дўстимидингиз? — деб сўради у куп-курук чап кўзини енги билан артаркан, ўнг кўзи билан ғамга ботган Коровьёвни кузатиб. Лекин у уйни бузгудек бўлиб шунақа хўнграб йиғлардики, такрор-такрор қайтарилган «чўрт узилди, икки бўлак бўлди!» — деган сўзлардан бошқа ҳеч нимани англаб бўлмасди. Коровьёв хўнграб-хўнграб хумордан чикқач, юзини девордан узиб деди:

— Йўқ, ортиқ чидолмайман! Бориб эфир валерьянкасидан уч юз томчи ичмасам бўлмайди! — шундан кейин у кўз ёшидан жикқа хўл юзини Поплавскийга ўгириб илова қилди: — Мана сизга трамвайнинг касофати!

— Кечирасиз, менга телеграммани сиз юборганмидингиз? — деб сўради Максимилиан Андреевич, бу ғайритабиий йиғлоқи одам ким бўлдийкин, деб ҳамон пешанасини тириштириб ўйларкан...

— Анави! — деди Коровьёв бармоғи билан мушукни кўрсатаркан.

Поплавский, янглиш эшитдим, деб ўйлаб бақрайиб қолди.

— Йўқ, чидолмайман, йиғлашга ортиқ мажолим қолмади, — деб давом этди Коровьёв бурнини «шўлқ-шўлқ» тортаркан, — эсласам: ғилдирак шўрликнинг оёғини... битта ғилдирак камида ўн пуд келар-ов... Қарс этиб! Бориб ётиб, пинакка кетмасам, ортиқ чидолмайман, — шундай дедию даҳлиздан ғойиб бўлди.

Мушук эса ўрнидан кўзгалди, стулдан «тап» этиб сакраб тушиб, орқа оёқларига турди, олд оёқларини белига қўйди-да, оғзини паттойи кавушдек очиб, тилга кирди:

— Ҳа, мен юборгандим телеграммани. Хўш, нимади ?

Максимилиан Андреевичнинг шу заҳоти кўзи тиниб, боши айланиб кетди, оёқ-қўллари шол бўлиб қолди, чамадонини тушириб юбориб, мушукнинг рўпарасида стулга ўтириб қолди:

— Мен рус тилида гапиряпман шекилли, — деди мушук дағдаға билан, — хўш, яна нима дейсиз?..

Бироқ Поплавский «чурқ» этиб ҳам жавоб қила олмади.

— Паспортингиз! — деб миёвлади мушук ва момик панажсини узатди.

Бутунлай эси оғиб қолган Поплавский мушук кўзларида ёниб турган иккита учкундан бошқа ҳеч нимани кўрмай, чўнтагидан паспортини худди ханжарни қиндан суғургандай чиқарди. Мушук кўзгу остидаги столчада ётган қалин қора гардишли кўзойнақни олиб тақиб, яна ҳам савлатлироқ бўлиб кетди ва Поплавскийнинг дағ-дағ қалтираётган қўлидан паспортни юлқиб олди.

«Қизик, ҳушимдан кетармикинман ё йўқми?» — деб ўйлади Поплавский. Олисан ҳамон Коровьёвнинг пиқиллаб йиғлагани эшитилар, даҳлизни эфир, валерьянка ва яна аллақандай бадбўй нарсанинг ҳиди тутиб кетган эди.

— Хужжатни қайси милиция бўлими берган? — деб сўради мушук паспортни варақларкан. Жавоб бўлмади.

Мушук тескари ушлаб олган паспорт бўйлаб панжасини юритаркан ўзига-ўзи деди:

— Тўрт юз ўн иккинчи бўлим... ҳа, тўғри, ўн иккинчи! Менга таниш бу бўлим! У ерда итгаям-битгаям паспорт бераверишади! Лекин мен, масалан, сизга бермасдим. Сираям бермасдим! Башарангизга бир қарардиму дарҳол рад этардим! — Мушукнинг аччиғи чиқиб, паспортни ерга отиб юборди. — Сизнинг дафн маросимида қатнашишингиз бекор қилинади, — деб давом этди

мушук расмиятчилик билан. — Дарҳол ўз турар жойингизга жўнаб кетинг. — Сўнг эшик томонга ўгирилиб шанғиллади: — Азазелло!

Шу маҳал даҳлизга эгнидаги қора трикоси баданига чиппа ёпишиб турган, пак-пакана, белидаги камарига пичоқ қистириб олган, малласоч, чап кўзига оқ тушган, сап-сарик сўйлоқ тишли чўлоқ одам отилиб чиқди.

Поплавский худди ҳаво етмаётгандай энтикиб ўрнидан туриб кетди ва юрагини чангаллаганча орқасига тисарилди.

— Азазелло, кузатиб қўй! — деб буюрди мушук даҳлиздан чиқаркан.

— Поплавский, — деди пакана одам оҳиста манқаланиб, — ҳаммаси тушунарлидир?

Поплавский бош ирғади.

— Ҳозироқ Киевга қайтиб кет, — деб давом этди Азазелло, — у ерда «чурк» этмасдан, хап ўтир-у, Москвадан квартира олишни хаёлингга ҳам келтирма, тушундингми ?

Узининг сўйлоқ тиши, пичоғи, оқ тушган кўзи билан Поплавскийнинг жонини олиб қўйган бу пакана одамнинг бўйи экономистнинг елкасидан келса ҳам, хатти-ҳаракатидан серғайрат, уddaбурон, ўз ишига пишиқ эканлиги кўриниб турарди.

Биринчи навбатда у ерда ётган паспортни олиб, Максимилиан Андреевичга узатди, у жонсиз қўли билан паспортни олди. Кейин ўша Азазелло бир қўлига чамадонни олиб, иккинчи қўли билан эшикни ланг очди-да, Берлиознинг поччасини кўлтиқлаб, зина майдончасига етаклаб чиқди. Поплавский деворга суяниб қолди. Азазелло чамадонни ҳеч қанақа калитсиз очиб, ундан ёғ юқили газетага ўралган бир оёғи йўқ каттакон қоврилган товукни олиб, ерга қўйди. Кейин чамадондан яна икки жуфт ички кўйлак-иштон, устара чархлайдиган тасма, қандайдир бир китоб ва қутича олиб қўйиб, товукдан бошқа ҳаммасини оёғи билан тепиб зина оралиғидан пастга тушириб юборди. Бўшаган чамадон ҳам пастга улоқтирилди. Бир оз вақтдан кейин унинг ерга тарақлаб урилгани эшитилди, чамаси қопқоғи кўчиб кетган эди.

Кейин сарикмашак безори товукнинг оёғидан ушлаб, у билан қулочкашлаб туриб Поплавскийнинг гарданига шундай урдик, товукнинг ўзи учиб кетиб, Азазеллонинг қўлида фақат оёғи қолди. Машхур адиб Лев Толстойнинг одилона таъбири билан айтганда, Облонскийлар хонадонида ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетган эди. Мазкур вазиятда у айнан шундай деб айтган бўларди. Ҳа! Поплавскийга ҳамма нарса қоришиб кетгандек бўлди. Унинг кўзи олдидан узунчоқ учкун лип этиб ўтди, кейин у учкун узундан-узун мотам лентасига айланиб, чароғон май кунини бир лаҳзага зулмат пардаси билан буркади, — шунда Поплавский паспортни қўлида ушлаганча, зинадан пастга учиб туша бошлади. Зинанинг биринчи муюлишига етгач, у ердаги дераза ойнасини тепиб синдирди-да, ўзи пиллапояга ўтириб олди. Оёқсиз товук унинг ёнидан пилдираб ўтиб, зина оралиғидаги бўшлиққа тушиб кетди. Юқоридаги майдончада қолган Азазелло ҳаш-паш дегунча товукнинг оёғини еб, суягини трикосининг ён чўнтагига солиб қўйди ва квартирага кириб, эшикни қарсиллатиб ёпди. Худди шу маҳал пастдан юқорига оҳиста кўтарилаётган одамнинг оёқ товуши эшитилди.

Поплавский яна бир зина пастга югуриб тушиб, бу ердаги майдончада турган ёғоч диванга нафас ростлагани ўтирди.

Эгнига қадимий жужунча костюм, бошига яшил лентали қотирма похол шляпа кийган, ниҳоятда ғамгин чехрали жиккаккина бир чол зинадан чиқиб келиб, Поплавский қаршисида тўхтади.

— Айтиб беролмайсизми, гражданин, — деб маъюс оҳангда сўради жужунча костюм кийган одам, — номер эллигинчи квартира қаерда?

— Юқорида! — деди Поплавский жавобни қисқа қилиб.

— Беҳад миннатдорман, гражданин, — деди жиккак одам ҳамон мунгли оҳангда ва юқорига кўтарила бошлади. Поплавский эса ўрнидан туриб, пастга югуриб тушиб кетди.

Максимилиан Андреевич, куппа-кундуз куни уни ваҳшиёа талаган безорилар устидан

шикоят қилгани милицияга шошмаяптимикин, деган савол туғилади. Йўқ, асло, деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин. Милиция идорасига бориб, мана, ҳозир кўзойнак таққан мушук паспортимни ўқиди, кейин трико кийган, пичоқ таққан одам... деб шикаят қилсинми... йўқ, гражданлар, Максимилиан Андреевич ҳақиқатан ҳам доно одам эди!

У пастга тушиб, кўча эшикнинг ёнгинасида қандайдир бир хужрани кўриб қолди. Хужра эшигининг ойнаси синган эди. Поплавский паспортини ёнига солиб қўйди-да, юқоридан ташлаб юборилган нарсаларини қидириб, атрофга кўз югуртира бошлади. Лекин у нарсалардан асар ҳам йўқ эди. Бу ҳол Поплавскийни деярли ҳеч ранжитмади, қизиғи шундаки, ранжимаганидан ўзи ҳам хайрон қолган эди. Ҳозир хаёли уни васвасага солувчи бошқа ажойиб фикрга қаратилган эди — у анави қарғиш теккан квартирани ҳозир юқорига кўтарилган жиккак одам тимсолида яна бир синаб кўриш иштиёқида ёнарди. Дарҳақиқат: баски, у одам квартирани сўраган экан, демак, бу ерга биринчи келиши. Демак, у ҳозир тўппа-тўғри 50-квартирани макон қилиб олган безорилар панжасига бориб тушади. Поплавский, бу жиккак одамни жуда тез қайтиб чиқади деб фараз қилган эди. Турган гапки, Максимилиан Андреевич энди ҳеч қанақа жиянининг ҳеч қандай дафн маросимига шошилмас, Киев поездининг жўнашига эса ҳали анча вақт бор эди. Экономист у ёқ-бу ёққа қараб қўйиб, «лип» этиб хужрага кириб олди. Худди шу маҳал анча юқорида эшик очилиб ёпилгани эшитилди. «Ана, у кирди!» — деб ўйлади Поплавский юрагини ҳовучлаганча. Хужра ичи салқин эди, ундан сичқон ва этик ҳиди келарди. Максимилиан Андреевич бир тўнка устига ўтириб, ташриф натижасини кутишга аҳд қилди. У қулай кузатув жойи танлаган эди, бу ердан кўча эшик яққол кўриниб турарди.

Бироқ киевлик почча бу ерда кўзлаган муддатидан кўпроқ кутиб қолди. Зина, негадир, хануз бўм-бўш эди. Шунинг учун «тиқ» этган товуш ҳам эшитиларди. Мана, ниҳоят, бешинчи қаватда эшик очилди. Поплавский тошдай қотиб қолди. Ҳа, ўшанинг оёқ товуши, «Тушиб келяпти». Бир қават пастдаги эшик очилди. Оёқ товуши тинди. Аёл овози. Ғамгин одамнинг овози... ҳа, ўшанинг овози... У, «азбаройи худо, тинч қўйинг...», дегандек ғўлдиради. Поплавский динг қулоғини синиқ ойнадан чиқариб турарди, Шу қулоғига аёл кишининг кулгиси чалинди. Шахдам-шахдам юриб пастга тушиб келаётган оёқ товуши; мана у ғизиллаб ўтган аёлни орқасидан кўриб қолди. Қўлига кўк клеёнка сумка кўтариб олган бу аёл эшикни очиб ҳовлига чиқиб кетди. Анави жиккак одамнинг оёқ товуши яна эшитила бошлади. «Қизиқ, у яна ўша квартирага қайтиб чиқяпти. Мана, яна юқори қаватдаги эшик очилди. Ҳай, начора, яна кутамиз».

Бу сафар энди кўп кутишга тўғри келмади. Эшик очилди. Оёқ товуши. Товуш тинди. Жон аччиғида чинқирик. Мушук миёвлади. Жуда тез, пилдираб тушиб келаётган оёқ товуши, пастга, пастга, пастга!

Поплавский ниятига етди. Бояги ғамгин одам бир нималарни ғўлдираб чўкина-чўкина ғизиллаб ўтди, унинг кал боши тимдаланган, шими жикқа хўл, башараси мутлақо телбаёна эди. У кўрқиб кетганидан эшикнинг қаёққа очилишини билолмай, жонҳолатда бандидан юлқиб торта бошлади, ниҳоят, бир амаллаб уни очиб, офтобрўя ҳовлига отилиб чиқиб кетди.

Шундай қилиб, квартира текширувдан ўтди, Максимилиан Андреевич энди марҳум жиянини ҳам, квартирани ҳам ўйламай, ўз бошидан кечирган хатарни эслаганда «қатл-қатл» титраб, нукул: «Ҳаммаси тушунарли! Ҳаммаси тушунарли!» — деб икки оғиз сўзни пичирлаганча ҳовлига югуриб чикди. Яна бир неча дақиқадан кейин режалаштирувчи иқтисодчи троллейбусда Киев вокзали томон елиб кетди.

Поплавский пастда, хужрада ўтирган пайтда жиккак одамнинг бошига ғоят кўнгилсиз савдо тушган эди. У Варьетеда буфетчи бўлиб, исми-шарифи Андрей Фокич Соков эди. Варьетеда тергов ишлари олиб борилаётган пайтда Андрей Фокич бутуи воқеадан ўзини четга олиб юрган эди, лекин одамлар унинг шундоқ ҳам ҳамиша маъюс чехраси яна ҳам маъюслашганини пайқашган эди, бундан ташқари, у курьер Карповдан мусофир сеҳргарнинг қаерда яшаб

турганини суриштирган эди.

Шундай қилиб, буфетчи зина майдончасида экономистдан дарс сўрагач, бешинчи қаватга чиқиб бориб, 50-квартирага қўнғироқ қилди.

У қўнғироқ қилган заҳоти эшикни очишди, лекин буфетчи дарҳол кира қолмади, балки сесканиб орқасига тисарилди. Бунинг сабаби бор эди. Эшикни олдига ғамза учунгина тўр хошияли фартукча тутиб, бошига оқ тўр безак қадаган кип-яланғоч қиз очган эди. Дарвоқе, у оёғига олтин туфли ҳам кийган эди. Қизнинг ташқи қиёфасидаги ягона нуқсон — бўйнидаги тўқ-қизил чандикни ҳисобламаганда, унинг қадди-қомати мутлақо бекусур эди.

— Киринг-да, қўнғироқ қилганингиздан кейин! — деди қиз буфетчига бадахлоқ кўк кўзларини қадаганча.

Андрей Фокич оғир хўрсиниб юбориб, кўзларини «пир-пир» учирди ва бошидан шляпасини олиб, даҳлизга қадам қўйди. Худди шу маҳал даҳлиздаги телефон жириглаб қолди. Беҳаё ходима бир оёғини стулга қўйиб, трубкани олиб деди:

— Алло!

Буфетчи хижолатдан ўзини қаёққа уришни билмай, ер тепиниб тураркан: «Ана сенга ажнабийларнинг ходимаси! Вой мараз-э!» — деб ўйларди. Кейин у шу мараздан кўзини олиб қочиш учун ҳар томонга аланглай бошлади.

Бу каттакон, нимқоронғи даҳлизнинг ҳаммаёғида ғайриоддий буюмлар ва либослар қалашиб кетган эди. Чунончи, стулнинг суянчиғида алвонранг астарли мотам плаши, кўзгу тагидаги столчада эса ярақлаган олтин бандди узун шамшир ётарди. Яна кумуш сопли учта шамшир худди зонтик ё ҳасса сингари бурчакка тираб қўйилган эди. Деворга қоқилган кийик шохига эса бургут патли беретлар илинган эди.

— Эшитаман, — деди ходима телефонга, — нима? Барон Майгель? Қулоғим сизда. Ҳа! Жаноб артист бугун уйдалар. Ҳа, бажонидил учрашади у сиз билан. Ҳа, меҳмонлар... Ё фрак, ё қора камзул. Нима? Тунги соат ўн иккига. — Ходима телефонда гаплашиб бўлиб, трубкани қўйди, сўнг буфетчига юзланди: — Хўш, хизмат?

— Мен гражданин артистни кўрмоқчи эдим.

— Йўғ-э? Албатта, шахсан ўзиними?

— Ҳа, — деди маъюс оҳангда буфетчи.

— Сўраб кўраман, — деди ходима (чамаси, у тараддудда эди) ва марҳум Берлиоз кабинетининг эшигини қия очиб деди: — Рицарь, бу ерга жиккаккина бир одам келиб, мессирни сўраяпти.

Кабинетдан Коровьёвнинг ҳирқироқ овози эшитилди:

— Майли, кирсин.

— Меҳмонхонага кириб, — деб эшикни очди беҳаё қиз худди одамларга ўхшаб кийингандек содагина қилиб, сўнг ўзи даҳлизни тарк этди.

Буфетчи таклиф қилинган хонага кирдию ўзининг нима иш билан келганини ҳам унутиб қўйди. Бу ернинг жиҳозларини кўриб у ҳанг-манг бўлиб қолган эди. Улкан деразаларга қўйилган ранг-баранг ойналардан (дом-дараксиз ғойиб бўлган заргар бевасининг орзу-ҳаваси) худди черковларда бўлганидек ғайритабиий нур ёғиларди. Баҳор пайти, кунлар иссиқ бўлишига қарамай, қадимий маҳобатли каминда ўтин ланғиллаб ёниб турарди. Аммо хона ҳеч ҳам иссиқ эмас, аксинча, бу ерга кириб келган буфетчига «гуп» этиб ертўла захи уфурди. Камин олдига ёйилган йўлбарс териси устида хирсдай келадиган тимқора мушук кўзларини ҳаловатли сузганча оловга тикилиб ўтирарди. Бу ерда шундай бир стол ҳам бор эдики, художўй буфетчининг кўзи унга тушиши билан бутун вужуди сесканиб кетди: стол устига черков кимхоби ёзилганди. Мана шу кимхоб дастурхон устида моғор ва чанг босган қориндор шишалар қалашиб кетган эди. Шишалар орасида битта лаган ярақлаб кўринди, унинг соф олтиндан ясалгани бир қарашдаёқ маълум эди. Камин олдида камарига пичоқ қистирган пак-

пакана малла одам узун шамширни сих қилиб, оловда кабоб пиширар, гўштнинг сели оловга чак-чак томар, тутун эса мўркон орқали чиқиб кетаётган эди. Бу ерда нафақат кабоб хиди, шунингдек, аллақандай жуда ўткир атир билан ладан¹⁷ хиди ҳам бор эдики, Берлиознинг ҳалок бўлгани ҳақида газетадан ўқиган ва унинг қаерда истикомат қилганини билган буфетчининг миясида, тагин бу ерда Берлиозга жаноза ўқишган бўлса-я, деган фикр пайдо бўлди, аммо шу заҳоти бунга ғирт бемаънилик деб билиб, кўнглидан фаромуш қидди.

Эсанкираб қолган буфетчи кугилмаганда кимнингдир дўриллаган салмоқли овозини эшитди:

— Хўш, нима гапингиз бор эди менда?

Шунда буфетчи ўзига керак бўлган одамни кўрди.

Жодугар ҳаммаёғига ёстиклар ёйиб ташланган аллақандай жудаям кенг ва пастак диванда ёнбошлаб ётарди. Буфетчининг кўзига артист эгнига фақат қора ички кўйлак-иштонун оёғига узун тумшукли қора туфли кийгандек кўринди.

— Мен, — деб ҳасрат билан гап бошлади буфетчи, — Варьете театрида буфет мудириман...

Артист буфетчининг гапини бўлмоқчи бўлгандай кўлини олдинга чўздию (бармоқларидаги узукларнинг кўзлари ярақларди) жон-жаҳди билан қизишиб гапира бошлади:

— Йўқ, йўқ, йўқ! Бошқа бир оғиз ҳам гапирманг! Ҳеч қачон, ҳеч қаерда! Буфетингизда ҳеч қачон овқатланмайман! Кеча мен, мухтарам зот, буфетингиз ёнидан ўтиб қолувдим, ханузгача бикри балиғи билап бринзангизнинг хиди димоғимдан кетгани йўқ. Азизим! Ҳеч қачон бринза яшил рангда бўлмайди, кимдир лақиллатипти сизни. Бринза фақат оқ рангда бўлиши керак. Ундан кейин, чойни олинг! Ахир у ювинди-ку! Аллақандай исқирт киз челақда совуқ сув олиб келиб каттакон самоварга қуяётганини, айнаи чоғда самовар жўмрагини бураб, одамларга чой қуйиб беришаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Йўқ, тасаддуқ, бундай қилиб бўлмайди!

— Меини кечирасиз, — деди бу кутилмаганда таънадан эсанкираб қолган Андрей Фокич, — мен бошқа масалада келган эдим, бикри балиғининг бу ташрифимга дахли йўқ.

— Ие, нега дахли йўқ бўларкан, бузилган бўлгандан кейин!

— Ўзи бикри балиғининг сал уринганини юборишган эди, — деди буфетчи.

— Тасаддуқ. бу сафсата!

— Нимаси сафсата!

— Сал уринган деганингиз! Ҳар қандай мол янги, уринмаган бўлиши керак. Баски, сал уринганми, демак, у мол эмас, уни истеъмол қилиб бўлмайди, чунки у сасиган ҳисобланади!

Нуқул тирғилаётган артистдан қандай қутулишни билмаган буфетчи:

— Мени кечирасиз... — деб яна гап бошлаган эди, артист:

— Кечира олмайман, — деб шартта унинг сўзини бўлди.

— Мен бошқа масалада келган эдим! — деди зўрға тамоман гангиб қолган буфетчи.

— Бошқа масалада? — деди ажабланиб хорижлик сеҳргар. — Яна қандай ишингиз бўлиши мумкин менда? Агар ёдимда бўлса, мен сизга касбдош бўлганлардан фақат битта маркитант¹⁸ аёлни билардим, лекин унгаям кўп бўлган, ҳали сиз унда дунёга келмаган эдингиз. Азazelло! Буфет мудирини жанобларига курси қўй.

Кабоб пишираётган одам ўгирилган эди, сўйлоқ тишлари буфетчини чўчитиб юборди. Азazelло чакқонлик билан унга қора эман курсилардан бирини қўйди. Хонада шу пастак курсилардан бўлак ҳеч қандай ўтирғич йўқ эди.

— Ғоят миннатдорман, — деди буфетчи ва курсига ўтирди.

Шу заҳоти курсининг орқа оёғи «қарс» этиб синди, буфетчи «гурс» йиқилиб, кемирчаги билан ерга қаттиқ урилди. У йиқиларкан оёғи олдида турган бошқа курсига тегиб кетди-ю, унинг устидаги лим-лим қилиб қизил вино қуйилган қадахни ўз шимига ағдариб юборди.

¹⁷ Ладан — диний маросимларда, шунингдек жаноза пайтларида тутатиладиган айрим ўсимликларнинг хушбўй мойи.

¹⁸ Маркитант — қадимги савдогар. Одатда бундай савдогарлар кўшин билан юриб, озиқ-овқат моллари савдоси билап шуғулланган.

Артист деди:

— Э, аттанг! Лат емадингизми?

Азазелло буфетчини кўлтиғидан олиб турғазди, унга бошқа курси кўйди.

Буфетчи мезбоннинг «шимингизни ечинг, оловда қуритиб беришади» деган таклифини маънос кайфиятда рад этди ва жикқа ҳўл кийимда ўзини тамоман ўнғайсиз ҳис этиб, иккинчи курсига кўрка-писа ўтирди.

— Мен паст ўриндикни ёқтираман, — деб гапира бошлади артист, — паст курсидан йиқилиш унча хатарли эмас. Ҳа, биз бикри балиғини гапираётганмидик? Азизим! Ҳамиша ва фақат янги мол, янги мол, янги мол — ҳар бир буфетчининг шиори шу бўлиши керак. Дарвоқе, мана татиб кўринг...

Шу пайт каминдаги оловнинг қип-қизил шуъласи-да буфетчи олдида шамшир ярақлади ва Азазелло олтин талинкага жазиллаб турган бир бўлак гўшт кўйиб, устидан лимон шарбати томизди-да, уни буфетчига икки тишли олтин санчки билан кўшиб узатди.

— Ташаккур... мен...

— Йўқ, йўқ, татиб кўринг!

Буфетчи назокат юзасидан бир дона жазни оғзига содди ва шу оннинг ўзида, жудаям янги, энг муҳими ниҳоятда хуштаъм нарса чайнаётганини ҳис қидди. Лекин у хушбўй, ширин гўшти чайнаб туриб шундай қалқиб кетдики, иккинчи марта йиқилиб тушишига оз қолди. Кўшни хонадан каттакон бир шарпа учиб чиқиб, қанотини буфетчининг тақир бошига аста теккизиб ўтди. У камин тоқчасида турган соат ёнига бориб кўнган эди, бойкуш эканлиги маълум бўлди. «Ё худоё тавба! — деб ўйлади ҳамма буфетчилар сингари тажанг Андрей Фокич. — Бу қанақа жой ўзи!»

— Бир қадаҳ вино, а? Оқиданми, қизилиданми? Қай мамлакатнинг виносини хуш кўрасиз куннинг бу пайтида?

— Ташаккур... мен ичмайман...

— Чакки қиласиз! Бўлмаса бир кўл соққа ташлаб ўйнаймизми? Ё сиз бошқа бирон ўйинни ёқтирасизми? Масалан: домино, қарта?

— Мен ҳеч нарса ўйнамайман, — деди тамоман силласи қуриган буфетчи.

— Жудаям ёмон, — деб хулоса чиқарди мезбон, — сиз нима десангиз денг, аммо май ичишдан, қимор ўйинларидан, дилбар аёллардану дилкаш суҳбатлардан юз ўгирувчи эркакларнинг кўнглида қандайдир ёвузлик мавжуд бўлади. Бундай одамлар ё оғир бетоб бўлишади, ё атрофидаги одамлардан хуфиёна нафратланишади. Тўғри, истисно ҳам бўлиши мумкин. Мен билан бирга бир дастурхон атрофида зиёфатда бўлган одамлар орасида ҳам баъзан ғаройиб маразлар учради. Ҳай, кулоғим сизда.

— Кеча сиз кўзбойлоқчилик қилгандингиз...

— Мен-а? — деди сеҳргар таажжубланиб, — йўқ, кечирасиз. Менга ярашмайди бунақа қилиқ!

— Афв этасиз, — деди эсанкираган буфетчи, — ахир жодугарлик сеанси...

— Э, ҳа, тўғри, тўғри! О азизим! Сизга сирни фош қиламан: мен асло артист эмасман, шунчаки, москваликларни кўргим келувди, холос, буни рўёбга чиқаришда театр кўл келарди, албатта. Мана, менинг мулозимларим, — у боши билан мушук томонга ишо-ра қилди, — ўша сеансни уюштиришди, мен фақат москваликларни кузатиб жим ўтиравердим. Йўқ, йўқ, рангингиз ўчмасин-у, қани, ўша сеанс муносабати билан сизни бу ерга келишга нима мажбур этганини айтинг менга.

— Ўзингизга аён, ҳар турли фокуслар қатори, шифтдан қоғозлар ҳам ёғилган эди, — буфетчи овозини пастлатди ва хижолат тортиб атрофга қараб кўйди, — хуллас, ўша қоғозларни ҳамма илиб олди. Кейин буфетимга бир ёш йигит кириб, бир червон узатди, мен унга саккиз ярим сўм қайтардим... Кейин иккинчи одам...

— У ҳам ёш йигитмиди?

— Йўқ, кекса одам. Сўнг учинчи, тўртинчи одам кириб келаверди. Мен ҳаммаларига қайтим бердим. Бугун кассани текшираман десам, пул эмас, қийқим қоғозлар ётипти. Буфет бир юз тўққиз сўм зиён кўрди.

— Э, аттанг, аттанг! — деди артист, — наҳотки, одамлар ўша қоғозларни ҳақиқий пул деб ўйлашган бўлса? Била-кўра туриб шундай қилишганига ҳеч ақлим бовар қилмайди.

Буфетчи афтини буриштириб, атрофга маъюс назар ташлади-ю, лекин ҳеч нима демади.

— Наҳот товламачилар?.. — ҳаяжонланиб сўради сеҳргар меҳмондан, — наҳот москваликлар орасида товламачилар бўлса?

Унга жавобан буфетчи шундай аччиқ истехзо қилдики, москваликлар орасида товламачилар борлигига ҳеч қандай шубҳа қолмади.

— Бу пасткашлик! — деди Воланд аччиғланиб, — мана, сиз камбағал одамсиз... тўғрими, ахир, камбағалсиз-а?

Буфетчи бошини елкалари орасига тортган эди, унинг камбағал одамлиги кўринди-қолди.

— Сиз, масалан, қанча пул жамғаргансиз?

Савол хайрихоҳлик билан берилди, лекин шундай бўлса ҳам, уни қалтис эмас деб бўлмасди. Буфетчи довдираб қолди.

— Бешта омонат кассада икки юз қирқ тўққиз минг сўм пули бор, — деди қандайдир қалтироқ овоз қўшни хонадан, — яна уйда пол тагига икки юзта ўн сўмлик олтин танга кўмган.

Буфетчи ўзини гўё курсига қапишиб қолгандек ҳис қилди.

— Ҳа, албатта, арзимаган иул бу, — деди Воланд меҳмонга муруват қилиб, — лекин, дарвоқе, сирасини айтганда, жамғармангиз сизга керак ҳам бўлмайди. Ўзи қачон ўласиз?

Ана энди буфетчининг аччиғи чиқиб кетди.

— Буни ҳеч ким билмайди, ўлишимнинг ҳеч кимга дахли ҳам йўқ, — деб жавоб қилди у.

— Нега энди ҳеч ким билмас экан, — кабинетдан яна бояги хунук овоз эшитилди, — ўргилдим Ньютон биномидан! У тўққиз ойдан кейин, келаси йилнинг феввалида биринчи МГУ касалхонасининг тўртинчи палатасида жигар ракидан ўлади.

Буфетчининг ранги заъфарон бўлиб кетди.

— Тўққиз ой, — деб ўйчанлик билан ҳисоблай бошлади Воланд, — икки юз қирқ тўққиз минг... яхлитига ҳисоблайдиган бўлсак, ойига йигирма етти минг сўмдан тўғри келадими? Сал камроқ, лекин камтарона кун кечириладиган бўлса, етиб қолади. Яна олтин тангалар ҳам бор.

— Олтинларни сарфлашга улгурмайди, — деб яна бояги овоз гапга аралашди (буфетчининг юраги «шув» этиб кетди). — Андрей Фокич вафот этган заҳоти уйи бузилади, ўн сўмлик олтинлар Давлат банкига топширилади.

— Ҳа, касалхонага ётишингизни маслаҳат кўрмаган бўлардим, — деб давом этди артист. — Оғир касаллар тинимсиз инграб, хириллаб ётган палатада жон беришнинг нима хосияти бор. Ундан кўра, ўша йигирма етти мингга яхши бир зиёфат уюштириб, сўнг оғу ичиб, музыка садолари остида сармаст соҳибжамоллару ўктам дўстлар кузатувида дорилбақога рихлат этган маъкул эмасми?

Буфетчи қимир этмай ўтирар, у жудаям қариб кетган эди. Кўзлари атрофида қора гардиш пайдо бўлган, икки лунжи шалвираб, жағи осилиб қолган эди.

— Буни қаранг-а, хаёлга берилиб кетибмиз, — де-ди мезбон, — мақсадга ўтайлик. Қани, кўрсатингчи ўша қирқилган қоғозларингизни.

Буфетчи ҳаяжонланганча, чўнтагидан газета ўралган бир даста қоғоз олиб, уни очди, очдию донг қотиб қолди. Газетага червон пуллар ўралган эди.

— Азизим, сиз чинданам бетобсиз, — доди Воланд кифтларини учириб.

Буфетчи тиражйганча ўрнидан турди.

— Борди-ю, — деди дудукланиб у, — булар яна ҳалигидай...

— Ҳм... — ўйланиб қолди артист, — унда яна ҳузуримизга келинг. Сиз учун доим эшигимиз очик. Танишганимиздан хурсандман.

Шу чоқ кабинетдан Коровьев отилиб чиқиб, буфетчининг қўлига ёпишди ва уни тўхтовсиз силкиб хайрлашаркан, ҳаммага кўпдан-кўп салом айтишни қайта-қайта илтимос қила бошлади. Гангиб қолган буфетчи даҳлиз томон юрди.

— Гелла, кузатиб қўй! — деб чинқирди Коровьев. Буфетчи даҳлизда яна ўша малласоч, яланғоч беҳаё қизга рўпара келди. У қия очилган эшикдан ёнлаб чиқаркан, гинғиллаб «хайр» деди ва маст одамлардахг гандираклаб юра бошлади. У зинадан бир қават пастга юриб тушиб тўхтади, пиллапояга ўтириб, чўнтагидан ўроғлиқ пулни олиб очди — червонлар жойида эди.

Шу пайт бу ердаги квартирадан яшил сумка кўтаган бир аёл чиқди. У ииллапояда червонларга маъносиз тикилиб ўтирган одамни кўриб жилмайди-да, ўзича деди:

— Қанақа уй бўлди ўзи бу! Мана, буям эрталабдан заҳарига отиб олипти. Ана, дераза ойнасини яна синдиришипти, — кейин у буфетчига тикилиброқ қараб, илова қилди: — Вой бў-ў, гражданин, червонларингиз мунча кўп. Менгаям озроғини берсангиз-чи! А?

— Мени тинч қўйинг. Азбаройи худо, — деди чўчиб кетган буфетчи ва пулни аzza-баzza яшира бошлади. Аёл кулиб юборди:

— Э, қоранг ўчсин сени, қурумсоқ! Ҳазиллаш-дим, — деб пастга туша бошлади.

Буфетчи секин ўрнидан турди, шляпасини тўғрилаб кийиш учун қўлини кўтардию бошланг эканлигини пайқади. Орқага қайтишга ҳеч оёғи тортмаётган эди, лекин шляпасини кўзи қиймади. У бир оз иккиланиб тургач, ахийри қайтиб чиқиб қўнғироқ қилди.

— Яна нима истайсиз? — деб сўради ундаи ярамас Гелла.

— Шляпамни унутиб қолдирибман, — деб пичирлади буфетчи, бармоғини тақир бошига ниқтаб. Гелла орқасини ўгирди, буфетчи ҳазар қилиб, ичида тупирди-да, кўзларини чирт юмиб олди. Қайта очганида, Гелла унга шляпаси билан қора дастали шамшир узатиб турарди.

— Меники эмас, — деб пичирлади буфетчи шамширни қайтариб, айна пайтда шляпасини кияркан.

— Наҳотки шамширсиз келган бўлсангиз? — деб ажабланди Гелла.

Буфетчи бир нима деб ғўлдиради-да, пастга ғизиллаб туша бошлади. Негаки, у ўзини ўнғайсиз ҳис қила бошлади, шляпада боши жудаям қизиб кетаётган эди, шунда у шляпасини бошидан олдию кўркқанидан бир сакраб тушиб, оҳиста чинқириб юборди. Унинг қўлидаги шляпа эмас, титиғи чиққан хўроз пати қадалган духоба берет эди. Буфетчи чўқиниб олди. Шунда берет миёвлаб юбориб, тим қора мушук болага айланди ва яна Андрей Фокичнинг бошига сакраб чиқиб, унинг тақир бошига тирноқларини ботириб маҳкам ёпишиб олди. Буфетчи жон аччиғида дод солиб пастга югуриб гуша бошлади, мушук бола эса унинг бошидан сакраб тушиб, бир сапчишда зинадан юқорига ўкдай отилиб чиқиб кетди.

Буфетчи очик ҳавога отилиб чиқиб, дарвоза томон лўкиллаб чопиб кетди ва жинлар макон қурган бу 302-бис уйни мангу тарк этди.

Кейин унга нима бўлгани биз учун сир эмас. Буфетчи дарвозадан кўчага отилиб чиқиб, бир нимани қидираётгандай олазарақ бўлиб атрофга ўғринча қаради. Яна бир дақиқадан кейин у кўчанинг нариги бетига ўтиб, аптекага кирди. У: «Марҳамат қилиб айтинг-чи...» — деганини билади, пештахта ортида гурган аёл чинқириб юборди:

— Гражданин! Бошингизнинг ҳаммаёғи тилинган-ку!..

Яна беш дақиқадан кейин буфетчининг боши дока билан боғланган эди, айна пайтда у жигар касали бўйича энг зўр мутахассислар профессор Бернадский билан профессор Кузьмин эканлигини ҳам билиб олганди, сўнг уларнинг қай бири яқинроқ, деб сўраб, Кузьминнинг бу ердан атиги бир ҳовли нарида мўъжазгина оппоқ уйда туришини билди ва суюнганидан боши осмонга етди, икки дақиқадан сўнг у ўша уйга кириб борди. Бу жуда кўхна иморат бўлса ҳам,

хоналари шинамгина эди. Буфетчининг эсида: унга биринчи рўпара келган одам кампир энага бўлди, у буфетчининг шляпасига қўл узатди, аммо шляпаси йўқлигини кўриб тамшанди-да, қаёққадир кириб кетди.

Кампирнинг ўрнида, кўзгу ёнида, қандайдир равоқ остида ўрта ёшлардаги бир аёл пайдо бўлди ва буфетчи савол беришга улгурмай, фақат ўн тўққизинчи числога ёзилиш мумкин, деб гапирди. Буфетчи қандай чора кўришни дарров фаҳмлади. У нурсиз кўзлари билан равоқ орқасига мўралаб, у ерда — даҳлизда навбат кутиб ўтирган учта одамни кўриб, пичирлаб деди:

— Дардим оғир — ўлиб қоламан...

Аёл буфетчининг дока билан боғлаб ташланган бошига хайрон бўлиб қаради-да, иккиланиб туриб:

— Ҳа, майли... — деди ва уни равоқ ичкарасига ўтказиб юборди.

Худди шу маҳал рўпарадаги эшик очилиб, у ерда пайдо бўлган докторнинг кўзидаги олтин пенсне порлади, халат кийган аёл деди:

— Гражданлар, бу бемор навбатсиз киради. Буфетчи кўз очиб-юмгунча вақт ўтмай ўзини профессор Кузьминнинг кабинетига кўрди. Бу сал чўзинчоқ хонанинг на бирон кўрқинчли, на дабдабали ва на тиббиётга оид жиҳати бор эди.

— Сизга нима бўлди? — деб сўради профессор Кузьмин мулойим овоз билан ва буфетчининг дока билан боғланган бошига бир оз хаяжон билан боқди.

— Ишончли маълумотларга қараганда, — деб жавоб қилди буфетчи, деворга осилган ойнаванд рамкадаги бир гуруҳ одамларнинг фотографиясига кўз қири билан қараш қиларкан, — келаси йил февралда жигар ракидан ўларканман. Ўтинаман, олдини олинг.

Чарм қопланган креслода ўтирган профессор Кузьмин ўзини унинг баланд суянчиғига ташлади.

— Кечирасиз, гапингизга тушунмадим... сиз врач ҳузурида бўлдингизми? Нега бошингиз боғланган?

— Қанақа врач?.. Уни ўзингиз кўрганингизда эди!.. — деб бирдан тишлари такиллаб бошлади. — Сиз бошимга қараманг, касалимга даҳли йўқ, сира. Сиз бошимга тупуринг, уни алоқаси йўқ. Ўтинаман, жигар ракининг олдини олинг.

— Ахир, ким айтди ўзи сизга буни?

— Унга ишонинг, — деб астойдил илтимос қилди буфетчи, — у билади.

— Ҳеч нимага тушунмаяпман, — деди профессор елкасипи қисиб, креслосини ғилдиратиб столдан узоқлашаркан. — Қачон ўлишингизни қандай билиши мумкин ўша одам? Бунинг устига, у врач ҳам эмас экан!

— Тўртинчи палатада ўлармишман, — деди буфетчи.

Шу гапдан кейин профессор бу пациентнинг бошига, ҳўл шимига тикилиброқ қаради-да: «Бир ками шу эди! Жинни-ку!» — деб кўнглидан ўтказди ва сўради:

— Арақ ичасизми?

— Ҳеч қачон оғзимга олмаганман, — деб жавоб қилди буфетчи. Яна бир дақиқадан кейин уни ечинтириб, совуқ клеёнка ёзилган кушеткага ётқизишди, профессор унинг қорнини эзғилай бошлади. Шунини айтиш керакки, буфетчининг руҳи энди анча енгиллашган эди. Чунки профессор ҳозир, хусусан бугунги кунда буфетчида ҳеч қандай рақдан асар йўқлигини қатъий ишонч билан айтган эди. Бироқ гап шундай экан... баски у кўрқаётган, қандайдир лўттибоз уни чўчитиб кўйган экан, майли, ҳамма анализларни топширсин... Профессор бир иималарни тириллатиб ёзаркан, айна пайтда, қаёқларга бориш, нималар олиб боришни тушунтирди. Бундан ташқари, у буфетчига асабингиз бутунлай ишдан чиққан деб тушунтириб, невропатолог профессор Бурега ҳам хат ёзиб берди.

— Қанча тўлашим керак, профессор? — деб мулойим ва титроқ овоз билан сўради буфетчи кўйнидан дўмпайган ҳамёнини чиқараркан.

— Берганингиз, — чўрт кесиб, куруккина деди профессор.

Буфетчи ўттиз сўм чиқариб столга қўйди, сўнг қўлини худди мушук панжаси сингари ўйнатиб бир нечта жарангдор тангани ўша червонлар устига устма-уст тахлаб қўйди.

— Ие, бу нима? — деди Кузьмин мўйловини бураб.

— Қўлимни қайтарманг, гражданин профессор, — деб пичирлади буфетчи, — ёлбораман — ракнинг олдини олинг.

— Ҳозироқ қайтиб олинг олтинингизни, — деди профессор ўз иродаси кучидан фахрланиб, — ундан кўра асабингизни даволатсангиз бўларди. Эртагаёк сийдик топширинг анализга, чойни кўп ичманг, овқатни мутлақо тузсиз енг.

— Ҳатто шўрваниямми? — деб сўради буфетчи.

— Ҳамма овқатингиз тузсиз бўлсин, — деб буюрди Кузьмин.

— Эҳх!.. — деди маъюс хўрсиниб буфетчи профессорга меҳр билан тикиларкан, сўнг олтинларни киссасига солди-да, эшик томон тисарила бошлади.

Ўша окшом профессорга келган беморлар камчилик эди, энди қош қорая бошлаганда охириги пациент ҳам жўнаб кетди. Профессор халатини еча туриб, буфетчи уч червон қолдириб кетган ерга кўз ташлади, аммо у ерда ҳеч қанақа червон йўқ, балки «Абрау-Дюрсо»¹⁹ шишасига ёпиштириладиган учта этикетка ётарди.

— Жин урсин, бу қанақа майнавозчилик! — деб тўнғиллади Кузьмин халатининг этагини полда судраб бориб, қоғозларни ушлаб кўраркан, — у нафақат жинни, яна қаллоб ҳам экан-ку! Лекин тушуна олмаяпман, нимага келувди ўзи у менинг хузуримга? Наҳотки сийдик анализи учун қоғоз ёздириб олгани бўлса? О! Пальто ўғирлагани келган! — Шундан кейин у халатининг бир егини ечганча даҳлизга отилди, — Ксения Никитишна! — деб чинқирди у остонада туриб, — қаранг-чи, пальтолар жойидамикин?

Ҳамма пальто жойида экан. Лекин профессор ахийри йўл-йўлакай халатни ечиб стол олдига яқинлашди-ю, бирдан стол сатҳидан кўзини узолмай, худди паркет полга илдиз отгандай тош қотиб туриб қолди. Ҳалигина этикеткалар ётган ерда сут қуйилган ликопча, ликопча ёнида шўрпешона бир қора мушукча ғарибона миёвлаб турарди.

— Бу қанақа бемаънигарчилик яна?! Ахир бу... — профессор гарданининг муз бўлиб қотиб қолганини ҳис қилди.

Унинг заиф ва аянчли чинқирғини эшитиб югуриб келган Ксения Никитишна, мушук болани биронта пациент ташлаб кетган бўлиши керак, профессорларникида бунақа ҳоллар бўлиб туради, деб бир зумда уни тинчитди.

— Муҳтожликда яшашса керак, — деб изоҳларди Ксения Никитишна, — бизда эса, ҳар нечук, албатта...

Кейин, қайси пациент ташлаб кетдйкин, деб ўйлай бошлашди. Ўйлаб-ўйлаб ошқозон яраси билан келган кампирда тўхташди.

— Албатта, ўша, — дерди Ксения Никитишна, — у бундай ўйлаган бўлиши керак: мен-ку барибир ўламан, жонивор мушукчага увол бўлади.

— Кечирасиз! — деб чинқириб юборди Кузьмин, — сут-чи?! Сутниям ўша кампир олиб келганми? Ликопчага нима дейсиз?

— Сутни у шишачада олиб келган-да, шу ерда ликопчага қуйган, — деб изоҳлади Ксения Никитишна.

— Нима бўлганда ҳам, олиб чиқиб кетинг мушукча билан ликопчани, — деди Кузьмин ва ўзи Ксения Никитишнани то эшиккача кузатиб қўйди... У орқасига қайтганида вазият яна ўзгарган эди.

Профессор халатини иларкан, қулоғига ҳовлидан кимнингдир хохолаб кулгани эшитилди, у

¹⁹ «Абрау-Дюрсо» - шампан виносига ўхшаш ичимлик.

деразадан қараб, донг қотиб қолди. Бир хоним кўйлакчан ҳолда ҳовлини кесиб рўпарадаги кичик уйга чоғиб ўтаётган эди. Профессор ҳатто у аёлнинг исми-шарифини ҳам биларди, — Мария Александровна. Хохолаб қулаётган эса бир бола эди.

— Нима бўлди ўзи? — деди Кузьмин нафрат билан. Шу маҳал девор орқасида, қизининг хонасида патефонда «Аллилуйя» фокстроти чалина бошлади, айна шу фокстрот чалинаётган пайтда профессорнинг орқасида чумчуқ чирқиллагани эшитилди. У орқасига ўгирилиб, ўз столи устида каттакон бир чумчуқнинг дик-дик сакраб юрганини кўрди.

«Ҳм... оғир бўлишим керак... — деб ўйлади профессор, — мен деразадан нари кетганимда учиб кирган бу чумчуқ. Ҳаммаси жойида», — деб таъкидлади у ўзига ўзи, гарчи ҳеч нарсанинг, асосан, манави чумчуқ туфайли, мутлақо жойида эмаслигини ҳис қилаётган бўлса ҳам. Профессор чумчуққа тикилиб қараркан, унинг оддий чумчуқлардан эмаслигини дарров фаҳмлади. Бу ярамас чап панжасига оқсоқланар, мазах қилиб оёғини судраб босар, хулласи калом — патефонда чалинаётган фокстротга худди пештахта олдида гандираклаб турган мастга ўхшаб рақс тушарди. У ҳар хил беадаблик қилар, профессор томонга суллоҳона бақрайиб қарарди. Кузьмин кўлини телефонга узатди, у ўз курсдоши Бурега кўнғироқ қилиб, олтмиш ёшга кирган одамнинг кўзига бу қабилдаги чумчуқ кўринса, боз устига, бирдан боши айлана бошласа — бу нимадан дарак? — деб сўрамоқчи эди.

Бу аснода чумчуқ совға қилинган сиёҳдонга кўниб, уни ахлати билан булғади (гапим чин), кейин учиб ҳавода бир оз муаллақ турди-да, ўқдек учиб бориб, университетни 94-йилда битирган барча талабалар суратини қоплаган ойнани гўё пўлатдек тумшуғи билан чўкиб, чилчил синдирди, шундан кейин деразадан «пир» этиб учиб чиқиб кетди. Профессор дўсти Бурега кўнғироқ қилиш ўрнига, зулуклар бюросининг телефон номерини терди ва ўзининг профессор Кузьминни эканлигини айтиб, дарҳол унинг уйига зулук юборишларини илтимос қилди.

Профессор трубкани илиб, яна ўз столи томонга ўгирилди, ўгирилдию чинқириб юборди. Стол ортида бошига ҳамширалар дуррасини ўраган ва «Зулуклар» деб ёзилган сумка ушлаган бир аёл ўтирарди. Профессор унинг оғзига тикилиб дод солиб юборди. Чунки у оғзи қийшиқ, қулоғига етган, боз устига эркакча оғиз бўлиб, унда биттагина сўйлоқ тиш бор эди. Ҳамширанинг кўзлари нурсиз эди.

— Пулларни мен йиғиб оламан, — деди ҳамшира дўриллаган эркакча овоз билан, — бекорга сочилиб ётадим. — У қушникига ўхшаган панжаси билан этикеткаларни сидириб оларкан; айна пайтда ҳавода эриб, кўздан йўқола бошлади.

Орадан икки соат ўтди. Профессор ўз ётоқхонасида каравотда ўтираркан, икки чаккасида, қулоқлари орқасида ва бўйнида зулуклар осилиб ётарди. Кузьминнинг оёқ томонида қавима шойи кўрпа устида оппоқ мўйловли профессор Буре Кузьминга ҳамдардлик билан тикилиб ўтираркан, ўзи кўзингга шундай кўринган, ҳеч ишонма, деб тасалли берарди дўстига. Ташқарида эса, энди қоронғи тушган эди.

Шу кеча Москвада яна қандай ғаройиботлар рўй берган — биз билмаймиз, суриштириб ҳам ўтирмаймиз, албатта, бунинг устига, ушбу ҳаққоний қиссамизнинг иккинчи қисмига ўтадиган пайт ҳам етиб келди. Мен билан юринг, китобхон!

ИККИНЧИ ҚИСМ

Ўн тўққизинчи боб

МАРГАРИТА

Мен билан юринг, китобхон! Дунёда чинакам, садоқатли, боқий муҳаббат йўк, деб ким айтди сизга? Шундай деган ёлғончининг қабоҳаткаш тили кесилсин!

Сиз фақат мен билан юринг, китобхон, мен кўрсатаман сизга ўшандай пок муҳаббатни!

Йўк! Уста касалхонада Иванушкага аччиқ қайғу билан, у мени унутиб юборган, деб айтганида янглишган эди. Бундай бўлиши асло мумкин эмас эди. У аёл устани унутмаган эди, албатта.

Келинг, биринчи навбатда, устанинг Иванушкадан яширган сирини ошкор қилайлик. Ўшал маҳбубанинг исми-шарифи Маргарита Николаевна бўлиб, устанинг бу аёл тўғрисида шўрпешона шоирга айтган ҳамма гаплари тўғри эди. Ҳа, у ўз маҳбубасини тўғри тасвирлаган эди. У жуда гўзал ва ақлли аёл эди. Бу гапимизга илова қилиб яна шуни қатъий ишонч билан айтишимиз мумкинки, кўпчилик аёллар ҳаётда Маргарита Николаевна билан ўрин алмашиш учун ҳеч нималарини аяма-ган бўлар эдилар. Ўттиз ёшли бефарзанд Маргарита жуда йирик бир мутахассиснинг, мутахассис бўлганда ҳам давлат аҳамиятига молик муҳим кашфиёт эгасининг хотини эди. Эри ёш, чиройли, оқкўнгил, ҳалол йигит бўлиб, Маргаритани сидқидилдан севар эди. Маргарита Николаевна эри билан иккови Арбат яқинидаги тор кўчалардан бирида боғ ичида жойлашган чиройли иморатнинг юқори қаватини бутунича эгаллашган эди. Ғоят хушманзара жой! Ўшал боққа боришни ихтиёр қилган ҳар бир одам гапимнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Хоҳловчи бўлса, менга мурожаат қилсин, унга адресни айтиб, йўлни ҳам кўрсатаман — у иморат ҳалиям бор.

Маргарита Николаевна ҳеч қачон пулдан сиқилмаган. У кўнгли тусаган ҳамма нарсани сотиб олиши мумкин эди. Эрининг танишлари орасида ажойиб кишилар ҳам учрарди. Маргарита Николаевна ҳеч қачон примусга яқинлашмаган Маргарита Николаевна умумий квартирада яшаш машаққатларидан мутлақо беҳабар. Қисқаси... у бахтиёрмиди? Бир лаҳза ҳам! У ўн тўққиз ёшида эрга тегиб шу уйда яшай бошлагандан бери бахт нималигини билмасди. О худолар, худолар! Нима керак эди ўзи бу аёлга! Кўзларида ҳамиша мавҳум бир ўт чақнаб турувчи бу аёлга нима керак эди? Ўшанда баҳорда мимоза гули тақиб олган бир кўзи хиёлгина ғилай бу алвастига нима керак эди ўзи? Билмайман. Менга маълум эмас. Чамаси у рост гапирган эди, яъни унга готика услубида²⁰ қурилган иморат ҳам, алоҳида боғ ҳам, пул ҳам эмас, ёлғиз уста керак эди. Маргарита рост гапирган эди, у устани севар эди. Ҳаттоки мен — ростгўй қиссанавис, гарчи бегона одам бўлсам ҳам, Маргаританинг эртаси куни устаникига келиб, унинг уйда йўқлигидан қандай изтироб чекканини ўйласам, юракларим эзилиб кетади (яхшиямки, бахтига тунда эри қайтиб келмаган ва Маргарита у билан гаплашишга улгурмаган эди).

У уста тўғрисида бирон дарак эшитиш учун қўлидан келган ҳамма ҳаракатни қилди, лекин, турган гапки, ҳеч нима била олмади. Шундан кейин у ўз уйига қайтиб, яна аввалгидек кун кечири бошлади.

— Ҳа, ха, ха, ўхшаш хато! — дерди Маргарита қишда печка олдида оловга тикилиб ўтираркан, — нега ахир ўшанда, кечаси уни ташлаб кетдим? Нега? Бу ахир телбалик эди-ку! Мен ваъдамга вафо қилиб эртаси куни бордим, лекин кечиккан эдим. Ҳа, мен ҳам худди бахтиқаро Левий Матвейга ўхшаб анча кечикиб бордим!

²⁰ Готика углуби — Европада ўрта асрларда ривожланган меъморчилик услуби

Бу бемаъни гап эди, албатта, негаки, аслини олганда, агар у ўша кеча устанинг уйида қолганида ҳам ҳеч қандай ўзгариш бўлмасди!

Маргарита уни қутқариб қола олармиди? Қизиқ деб айтишимиз мумкин, аммо биз мушкул аҳволга тушган аёл олдида бундай қилмаймиз.

Маргарита Николаевна бутун қиш шундай машаққатда яшаб, ахийри баҳорга чиқиб олди. Москвада бадкор сеҳргар пайдо бўлиб, ҳар турли бемаъни гавғолар кўтарилган куни, яъни Берлиознинг поччаси Киевга қайтариб юборилган, бухгалтерни камокқа олишган ва яна кўп тутуриқсиз мавҳум воқеалар содир бўлган ўша жума куни чошгоҳ пайтида Маргарита иморатнинг минора остига, сиртга бўртиб чиққан қисмига жойлашган ўз ётоқхонасида уйқудан уйғонди.

Маргарита кўзини очди-ю, аммо бу сафар доимий одати бўйича йиғламади, чунки у ниҳоят бугун бир кор-ҳол юз беришини ҳис қилиб уйғонган эди. Энди у ана шу ҳиссиётини фаромуш қилиб қўймаслик учун уни папалаб, ардоқлаб камол топтира бошлади.

— Мен ишонаман! — деб пичирлади Маргарита ғурур билан, — ишонаман! Бирон нима юз беради! Юз бермаслиги мумкин эмас ахир, негаки, сирасини олганда, қайси гуноҳим учун умрбод азоб чекишим керак? Тўғри, мен ёлғон гапирганимни, алдамчилик қилганимни, одамлардан яширинча, хуфиёна ҳаёт ке-чирганимни бўйнимга оламан, лекин шу қилмишим учун бунчалик оғир жазога дучор бўлишим мумкин эмас-ку. Албатта бирон нима содир бўлади, чунки ҳеч бир нарса мангу давом этмайди, ахир. Кейин, мен бугун хосиятли туш кўрдим, бунга аминман.

Маргарита Николаевна куёш шуъласидан лоларанг бўлган дарпардага тикилиб, уч тавақали кўзгу олдида шоша-пиша кийиниб, жингалак калта сочини тараркан шундай пичирларди.

Маргарита бугун ҳақиқатан ҳам жуда аломат туш кўрган эди. Гап шундаки, азобда ўтган бутун қиш мобайнида у ҳеч қачон устани тушида кўрмаган эди. Кечасига уста уни тарк этар, фақат кундуз кунлари Маргарита уни ўйлаб изтироб чекарди. Бугун эса кутилмаганда тушига кирди у.

Маргарита танимайдиган жоймиш — эрта баҳор, осмонни булут буркаб олганлигидан бу жой шумшук ва нохуш кўринармиш. Авзои бузуқ осмонда паға-паға булутлар сузармиш ва шу булутлар остида гала-гала қарғалар товушсиз учиб юрармиш. Аллақандай қинғир кўприкмишу унинг остидан баҳорги лойқа сув оқармиш. Шу ерда яримьяланғоч мотамсаро, фақирона дарахтлар, ёлғиз шўппайиб турган тоғтерак, ундан нарида — қандайдир экинзор этагида бир ёғоч уй — у ошхонами, ҳаммомми, ё бошқа бир нимами номаълум — дарахтлар орасидан кўриниб турганмиш. Чор атроф ўлик ва шу қадар шумшукмишки, кўприкча ёнидаги тоғтеракка сиртмоқ ташлаб осилиб ўлгиси келармиш Маргаританинг. На «қилт» этган шабада эсар, на булутлар жойидан силжир, на бирон тирик жон бор эмиш бу ерда. Тирик одам учун жаҳаннамнинг ўзи эмиш!

Тасаввур қилинг-а, шу маҳал ўша ёғоч уйнинг эшиги очилиб, остонада... уста пайдо бўлганмиш. Уй анча йироқда бўлса ҳам, Маргарита уни аниқ кўриб турганмиш. Уст-боши тўзиб кетганидан, унинг қандай либос эканлигини ҳам билиб бўлмасмиш. Сочлари пахмайган, соқол-мўйлови ўсиб кетганмиш. Кўзлари хаста ва безовтамиш. У қўли билан имлаб Маргаритани чақирармиш. Шунда Маргарита жонсиз хавода нафаси оғзига тикилганча, ўнқир-чўнқир ерлардан унинг истиқболи сари чопа бошлапти-ю, бирдан уйғониб кетипти.

«Бу тушимнинг таъбири фақат икки маънодан бирини билдириши мумкин, — деб мулоҳаза қила бошлади ўзича Маргарита Николаевна, — агар у ўлган бўлсаю мени имлаб чақираётган бўлса, демак у мени олиб кетгани келгану яқинда ўламан. Шундай бўлса жудаям соз бўлади, негаки азобдан қутуламан. Ё бўлмаса, у тирик, агар шундай бўлса, унда у менга ўзини эслатмоқчи! Демак, у биз яна дийдор кўришамиз, демоқчи. Ҳа, биз жуда тез орада учрашамиз».

Маргарита ўз мулоҳазасидан ҳамон сархуш ҳолда, ҳаммаси кўнгилдагидек бўляпти, бундай

кулай фурсатдан албатта фойдаланиб қолиш керак, деб уқтирарди ўзига-ўзи. Эри уч кунга командировкага жўнаб кетган эди. Шу уч кеча-кундуз мобайнида у ўзи хон, кўланкаси майдон, нимани хоҳласа, шуни ўйлаши, кўнгли тусаган нарсани орзу қилиши мумкин. Юқори қаватдаги бешта хонанинг ҳаммаси, Москвада ўн минглаб кишиларнинг ҳавасини келтирувчи бу квартира бутунича унинг ихтиёрида эди.

Бироқ ўзини уч кунгача эркин куш ҳисоблаган Маргарита келиб-келиб бу мухташам квартиранинг энг хилват бир гўшасини танлади. У чой ичиб бўлиб, деразаси йўқ қоронғи хужрага кирди, бу ерда чама-донлар ва ҳар хил эски-тускилар тикиб ташланган ик-кита катта шкаф турарди. У чўкқайиб ўтириб, бирин-чи шкафнинг пастки ғаладонини очди ва у ерда ётган шойи қийқимлари остидан ўзи учун ҳаётида бирдан-бир бебаҳо ҳисобланган нарсани кўлига олди. Бу — жигар ранг чарм муқовали фотография альбоми бўлиб, унинг ичида устанинг сурати, ўн минг сўм омо-нати бўлган омонат дафтарчаси, хитой қоғози орасига бостириб қўйилган атиргул баргларию машинкада ёзилган ва паст томони куйган бир тобоқча келадиган кўлөзма бор эди.

Маргарита Николаевна шу бойлиги билан ётоқхонасига қайтиб, суратини уч тавақали кўзгу олдига қўйди ва олов ялаган кўлөзмани тиззасига ёйиб, боши ҳам, охири ҳам ёниб кетган бу варақларни қайта-қайта ўқиб бир соатча ўтирди: «...Ўртаер денгизи ёқдан бостириб келган зулмат прокураторга манфур бўлган шаҳарни буркаб олди. Жомени даҳшатли Антоний минораси билан улаган муаллақ кўприklar ғойиб бўлди, осмондан тушган қуюқ сиё Ҳипподром узра қанот ёзган маъбудларнинг ҳайкаллари, Хасмоней қасрини ва унинг шинакларини, бозорларни, карвон-саройларни, кўчаларни, ҳовузларни қамраб олди... Азим шаҳар — Ершалаим гўё ҳеч қачон дунёда бўлмагандай кўздан йўқолди...»

Маргарита асарнинг давомини ўқишни истарди, лекин у ёғида қинғир-қийшиқ қуюқ хошиялардан бўлак ҳеч нарса йўқ эди.

Маргарита Николаевна кўз ёшларини артиб, кўлөзмани қўйди, тирсакларини кўзгу остидаги столчага тираганча, узоқ вақт кўзини суратдан узмай ўтирди. Ниҳоят, кўз ёшлар тинди. Маргарита ўз бойлигини яна авайлаб тахтлади, бир неча дақиқадан кейин альбом яна ўша жойига, қийқимлар остига кўмилдию қоронғи хужранинг қулфи шарақлаб ёпилди.

Маргарита Николаевна сайрга отланиб, даҳлизда пальто кияётганида уй ходимаси гўзал Наташа, тушликнинг қуюғига нима пиширай, деб сўради соҳибасидан, менга барибир, деган жавобни олгач, яна бир оз вақтичоғлик қилгиси келди шекилли, бекаси билан чақчақлашиш мақсадида оламжаҳон миш-мишларни гапириб ташлади, шу жумладан деди:

— Вой, кеча театрда бир кўзбойлоқчи шунақанги найранглар кўрсатибдики, ҳамманинг оғзи ланг очилиб қолибди, ҳаммага икки шишадан чет эл атири, яна пайпоқ берипти, текинга кейин сеҳргарлик сеанси тугагач, одамлар кўчага чиқишганда, бундоқ қарашса — ҳамма шир яланғочмиш!

Маргарита Николаевна кула-кула, шу даҳлизда турган кўзгу столчасига ўтириб қолди.

— Наташа! Қўйинг-е, — дерди у, — саводли, фаросатли қиз бўлсангиз-у, кўча-кўйда одамлардан эшитган қаёқдаги ёлғон-яшиқ гапларни такрорласангиз-а!

Наташа чўғдек қизариб кетди ва жон-жаҳди билан эътироз билдира бошлади:

— Ҳеч ҳам ёлғон эмас, бугун Арбатдаги гастрономда ўз кўзим билан кўрдим: оёғига туфли кийиб борган бир аёл кассага пул тўлаб турганида, бирдан туфлиси ғойиб бўлиб, пайпоқда қолди. Кўзлари бакрайган! Товони тешилган. Кейин билсак, ўша туфли театрда берилган сеҳрли туфли экан.

— Пайпоқчан кетавердимми?

— Кетаверди! — деди Наташа, гапларига бекаси ишонмаётганидан кўпроқ қизариб. — Айтгандай, Маргарита Николаевна, кеча кечаси милиция юзтача одамни ушлаб олиб кетипти. Ўша сеҳргарлик сеансида бўлган аёллар Тверь кўчасидан битта ички иштонда чопиб

кетишганмиш.

— Албатта, буни сизга Дарья гапирган, — дерди Маргарита Николаевна, — кўпдан бери пайқаб юрибман. У ёлғонни сувдай ичади.

Бу аломат суҳбат Наташа учун кутилмаган совға билан якунланди. Маргарита Николаевна ётоқхонасига кириб, у ердан бир жуфт пайпоқ билан бир шиша атир кўтариб чикди. У Наташага, мен ҳам сизга фокус кўрсатмоқчиман, деб айтиб, унга пайпоқ билан атирни совға қилди ва:

— Фақат битта илтимосим шуки — ишқилиб, Тверь кўчасида пайпоқчан чопиб юрманг, кейин, Дарьянинг гапларига ҳам қулоқ солманг, — деди.

Бека билан уй ходимаси ўпишиб хайрлашишди.

Маргарита Николаевна троллейбус ўриндиғининг қулай ва юмшоқ суянчиғига суянганча Арбат бўйлаб, кетиб бораркан, гоҳ ўз хаёлларига берилиб кетар, гоҳ ўзидан олдинги ўтирғичда пичирлашиб ўтирган икки кишининг гапларига қулоқ соларди.

Улар, гапимизни ҳеч ким эшитмаяптимикин, дегандек онда-сонда атрофга кўрка-писа назар ташлар эканлар, қандайдир тутуриксиз нарса тўғрисида гапиришарди. Ойна олдида ўтирган, чўчқаникига ўхшаган кўзлари ўткир, гунгурсдай келадиган бақ-бақалоқ одам ёнидаги жиккаккина қўшнисига, тобут устига қора чойшаб ёзишга тўғри келгани ҳақида гапирарди...

— Йўғ-е, ишонмайман, — деб пичирларди жиккак одам ҳайратланиб, — ақл бовар қилмайди бунга... Хўш, Желдибин нима чора кўрди?

Троллейбуснинг бир меёрдаги гувуллаши фонида ойна олдидаги одамнинг овози эшитилди:

— Жиноий қидирув... ғалванинг ўзи... ғирт мистика!

Маргарита Николаевна ўзи эшитган бу узук-юлуқ жумлаларни бир-бирига улаб, шундай тахминий раволик касб этди: бу икки гражданин бугун эрталаб қайсиям бир мурданинг (унинг кимлигини тилга олишмасди) калласини тобутдан ўғирлаб кетишгани ҳақида пичирлашишарди! Анави Желдибин деганлари шунинг учун ҳам безовта бўлаётган экан. Троллейбусда пичирлашиб бораётган бу икки одам ҳам калласи ўғирланган мурдага дахлдор эдилар.

— Кириб гул олишга улгурармикинмиз? — деб безовта бўла бошлади жиккак одам, — соат иккида куйдиришади дедингми?

Ниҳоят, тобутдан ўғирланган калла ҳақидаги тутуриксиз пичирлашларни эшитиш Маргарита Николаевнанинг жонига тегди, у тушадиган бекатига келганини кўриб хурсанд бўлиб кетди.

Яна бир неча дақиқадан кейин у Кремль девори пойига қўйилган скамейкалардан бирига бориб ўтирди, бу скамейкадан манеж майдони яққол кўриниб турарди.

Маргарита чарақлаб турган куёшдан кўзларини сузиб ўтираркан, бугун кечаси кўрган тушини эсларди, сўнг у кун-бакун ва соат-басоатига бундан роса бир йил бурун худди мана шу скамейкада уста билан ёнма-ён ўтирганини хотирлай бошлади. Ўшанда ҳам, худди ҳозиргидек қора сумкачаси унинг ёнида, скамейкада ётган эди. Бугун унинг ёнида уста йўқ эди, бироқ Маргарита Николаевна у билан хаёлан суҳбатлашарди: «Агар сургун қилинган бўлсанг, нега ўзинг ҳақингда дарак бермайсан? Ахир бошқалар хабар қилишади-ку. Ё мендан кўнглинг қолганми? Йўқ, бундай бўлишига ҳеч ишонмайман. Демак сен сургунда ўлгансан... Агар шу рост бўлса, ўтинаман, мени озод эт, эркин нафас олиб яшашимга имкон бер». Шундан кейин, Маргарита Николаевна ўзига-ўзи устанинг тилидан жавоб қайтарарди. «Сен озодсан... Нима, ушлаб турибманми сени?» Кейин Маргарита эътироз билдирарди унга: «Йўқ, бу жавоб эмас! Йўқ, сен менинг хотирамдан кет, шундагина мен озод бўламан».

Маргарита Николаевнанинг олдидан одамлар ўтиб туришарди. Бир эркак бу яхши кийинган аёлга кўз қирини ташлади-ю, унинг гўзаллиги ва ёлғизлигига мафтун бўлиб, томоқ кириб қўйди ва Маргарита Николаевна ўтирган скамейканинг бир чеккасига омонатгина ўтирди. Сўнг ўзини тутиб олиб, лўқма ташлади:

— Табиийки, бугун ҳаво жуда яхши.

Лекин Маргарита унга шундай нохуш қарадики, у ўрнидан туриб жўнаб қолди.

«Мана сенга мисол, — дерди Маргарита ўз қалбининг соҳибига хаёлан юзланиб. — Рост-да, нега энди бу эркакни ҳайдаб юбордим» Ўзим зерикиб ўтирган бўлсам, анави шилқим ҳам бинойидай кўринади, агар «табийки» деган аҳмоқона сўзини истисно қилинса. Нега энди мен худди бойўғлидек девор тагида шўппайиб ўтирибман? Нега энди ҳаётдан четга чиқариб ташланганман?»

У қаттиқ қайғуриб, бошини ҳам қидди. Лекин шу пайт боя эрталаб содир бўлган интизорлик ва сархушлик тўлқини унинг кўкрагига келиб урилди. «Ҳа, содир бўлади!» Тўлқин иккинчи марта урилди, ана шунда Маргарита, унинг овозли тўлқин эканлигини тушунди. Яқинлашиб келаётган дўмбира ва оҳангни сал бузиб чалаётган мис карнайларнинг овози кўча шовқини орасидан тобора аниқроқ эшитила бошлади.

Биринчи бўлиб боғ панжараси ёнидан отда одимлаб юриб бораётган милиционер, ундан кейин учта пиёда одам кўринди. Улардан кейин кузовида музикачилар ўтирган юк машинаси секин-секин юриб ўта бошлади. Унинг орқасидан яп-янги очик дафн машинаси келарди, машинага қўйилган тобутни гулчам-барлар кўмиб юборган, тобут қўйилган майдончанинг тўрт бурчагида тўртта одам — уч эркак ва бир аёл турарди. Маргарита анча узоқда бўлса ҳам, дафн машинасида туриб, марҳумни қабристонга кузатиб бораётган бу одамларнинг чехраларида аломат саросима акс этаётганини кўрди. Айниқса, бу ҳол дафн машинасининг орқа томонида, чап бурчакда турган аёлнинг чехрасида яққол кўриниб турарди. Қандайдир антиқа бир сир бу аёлнинг шундоқ ҳам лўппи ёноқларини ич томондан туртиб, янада шишириб тургандек кўринарди, унинг мой босган кўзларида дудмаллик ўти чакнарди. Гўё бу граждanka ортиқ тоқат қила олмай ҳозир марҳумга кўз қисади-ю: «Бунақа ғаройиботни кўрганмисиз ҳеч? Жумбоқнинг ўзи!» — деб юборгудек кўринарди. Дафн машинаси орқасидан секин-секин юриб келаётган тахминан уч юзтача одамнинг чехралари ҳам шунақа саросимали эди.

Маргарита бу маросимни ўтирган ерида кузатар ва «бумс, бумс, бумс» деб бир тақлидда чалинаётган турк дўмбираси садосининг узоқлашган сари сўниб бораётганини ҳис қиларкан, ўйларди: «Жуда ғалати дафн маросими-я... Юракни зик қилиб юборди дўмбиранинг бу «бумс-бумс»и! Оҳ, шайтонга жонимни садақа қилишдан ҳам қайтмасдим, унинг тирик ё ўликлигини билиш учун! Қизиқ, бундай аломат кайфият билан кимни дафн этишаётган экан-а?»

— Михаил Александрович Берлиозни, — Маргаританинг ёнгинасидан бир оз манқалангаи эркак овози эшитилди, — МАССОЛИТнинг раисини, хайрон бўлган Маргарита Николаевна ўгирилиб, ўз ёнида скамейкада ўтирган бир гражданини кўрди, чамаси, Маргарита дафн маросимига маҳлиё бўлиб қолганида бу одам секингина келиб ўтирган ва Маргаританинг хаёли қочиб, бехосдан овоз чиқариб берган саволини эшитган эди.

Бу пайт маросим қатнашчилари юришдан тўхтаб бошлашди — светофор йўлни тўсган бўлса керак.

— Ҳа, — деб давом этди нотаниш одам, — уларнинг кайфиятлари жуда ғаройиб. Марҳумни қабристонга олиб кетишяпти-ю, миялари фақат бир нарса — ўликнинг калласи қаёққа ғойиб бўлдийкин, деган савол билан банд!

— Қанақа калла? — деб сўради Маргарита тўсатдан пайдо бўлган бу қўшнисига тикилиб қараркан. У — сочи олов ранг малла, сўйлоқ тишли пак-пакана одам бўлиб, эгнига крахмалланган ич кўйлак устидан аёло сифат йўл-йўл костюм, оёғига локланган туфли, бошига котелок-шляпа кийган, бўйнига гулдор галстук боғлаган эди. Бу гражданининг энг аломат жиҳати шунда эдики, костюмининг соат чўнтагидан, ҳамма эркакларда бўлганидек рўмолча ҳам эмас, ручка ҳам эмас, товуқ суяги чиқиб турарди.

— Ҳа, мен сизга айтсам, — деб баён қилди малла, — бугун эрталаб Грибоедов залида турган тобутдан марҳумнинг калласини ўғирлаб кетишипти.

— Қандай қилиб каллани ўғирлаш мумкин? — деб беихтиёр сўради Маргарита, сўраркан,

ўзи троллейбусда эшитган пичир-пичир гапларни эслади.

— Ким билади дейсиз! — деди бетакаллуфлик билан малла, — лекин менинг фикримча, бу ҳақда Бегемотдан сўралса ёмон бўлмасди. Жуда усталик билан ўмариб кетишипти ўзиниям. Ғирт машмаша! Энг муҳими, кимгаям керак экан ўша калла, ҳайронман!

Маргарита Николаевна ўзи билан ўзи нечоғлик банд бўлмасин, нотаниш одамнинг олди-кочди гаплари уни ҳайратга солди.

— Кечирасиз! — деди у бирдан, — қайси Берлиоз у? Ҳалиги, бугунги газеталарда...

— Ҳа, ўша, ўша...

— Бундан чикди, тобут орқасидан адабиёт аҳли бораётган экан-да? — деб сўради Маргарита бирдан тишларини иршайтириб.

— Ҳа, бўлмасам-чи, ўшалар!

— Сиз уларни танийсизми?

— Ҳаммаларини, — деб жавоб қилди малла.

— Айтинг-чи, — деб Маргарита гап бошлаган эди, овози хириллаб чикди, — уларнинг орасида танқидчи Латунский йўқми?

— Нега энди бўлмас экан? — деб жавоб қилди малла, — ҳўв ана, тўртинчи қаторда, чеккада кетяпти.

— Анави сариқ сочми? — сўради Маргарита кўзларини сузиб тикиларкан.

— Кул ранг соч... Қаранг, ана, кўзини осмонга тикяпти.

— Патерга²¹ ўхшаганми?

— Ҳа, топдингиз!

Маргарита Латунскийга тикилиб қолди ва бошқа ҳеч гап сўрамади.

— Фаҳмимча, сиз, — деди малла жилмайиб. — Латунскийни ёмон кўрадиганга ўхшайсиз.

— Мен яна баъзи бировларни ёмон кўраман, — деди Маргарита тишларини гижир қилиб, — лекин буларни гапириб ўтиришнинг қизиғи йўқ.

Бу пайт дафн маросими жойидан кўзғалди, пиёдалар орқасидан аксарияти бўш автомобиллар қарвони тизилиб борарди.

— Ҳа, албатта, нимасиям қизиқ бунинг, Маргарита Николаевна!

Ажабланган Маргарита ялт этиб қаради:

— Сиз мени танийсизми?

Малла одам жавоб бериш ўрнига бошидан котелок-шляпасини олди ва шу шляпа ушлаган кўлини ёнга чўзиб таъзим қилди.

«Башарасидан ғирт қароқчининг ўзи!» — деб кўнглидан ўтказди Маргарита ҳамсуҳбатининг юзига тикилиб қараркан.

— Мен сизни танимайман, — деди Маргарита курукқина қилиб.

— Ахир қаёқдан танирдингиз мени! Дарвоқе, мени иш билан юборишган эди ҳузурингизга.

Маргаританинг ранги қув ўчиб, орқага ташланди.

— Гапни тўғри шундай бошлаш керак эди, — деди у, — аллақандай кесилган калла ҳақида валдираб ўтирмасдан! Сиз мени қамокқа олмоқчимисиз?

— Асло, — деди малла, — қизиқ экансиз-у: фақат қамокқа олиш учун суҳбатлашадими одам деган? Сизда ишим бор, холос.

— Тавба, қанақа ишингиз бўлиши мумкин менда? Малла атрофга бир қараб олиб, сирли оҳангда деди:

— Сизни бугун кечқурун меҳмондорчиликка таклиф қилишяпти, шуни айтгани келдим.

— Нима деяпсиз ўзи, ким экан ўша меҳмондўст?

— Жуда машҳур бир ажнабий, — деди малла маънодор қилиб кўзларини сузаркан.

²¹ Патер – католик дини руҳонийси.

Маргарита жудаям аччиғланиб кетди.

— Кўшмачиларнинг янги тоифаси — кўча кўшмачиси пайдо бўлиптида энди, — деди у кетмоқчи бўлиб ўрнидан тураркан.

— Э, ўргилдим берган топшириқларидан! — деди малла хафа бўлиб ва узоқлаб кетаётган Маргарита орқасидан тўнғиллади: — Эси паст хотин!

— Аблах! — деб жавоб қайтарди Маргарита орқасига ўгирилиб ва худди шу маҳал малланинг овозини эшитди.

— Ўрта ер денгизи ёқдан бостириб келган зулмат прокуратор ёқтирмайдиган шаҳарни буркаб олди. Жомени Антоний минораси билан улаган муаллақ кўприклар ғойиб бўлди. Азим шаҳар Ершалаим гўё ҳеч қачон дунёда бўлмагандай кўздан йўқодди... Сиз ҳам даф бўлинг ўша куюк дафтарингизу қуриган атиргулингиз билан бирга! Шу скамейкада шўппайиб ўтириб, мени озод эт, эркин нафас олиб, яшашимга имкон бер, хотирамдан фаромуш бўл, деб ундан илтижо қилаверинг!

Ранги докадек оқариб кетган Маргарита скамейка ёнига қайтиб келди. Малла унга кўзларини сузиб тикилиб ўтирарди.

— Ҳеч нарсага тушунмаяпман, — деб оҳиста гап бошлади Маргарита Николаевна, — куйган қўлёмалар ҳақида-ку бир амаллаб билиб олишингиз мумкин... бир йўлини қилиб уйимга киргансизу кўриб қолгансиз... эҳтимол, Наташани ўзингизга оғдиргандирсиз! Лекин дилимдаги фикримни қандай билдингиз? — У қаттиқ изтироб чекаётгандай афтини буриштирди ва илова қилди: — Гапирсангизчи, кимсиз ўзи? Қайси ташкилотдансиз?

— Мана сенга диққатвозлик, — деб тўнғиллади малла ва баландроқ овоз билан гапира бошлади: — афв этасиз, мен сизга ҳеч қандай ташкилотдан эмасман деб айтдим боя! Илтимос, ўтиринг.

Маргарита итоат этди, лекин ўтираётди, барибир яна савол берди:

— Кимсиз?

— Ҳа, яхши, исмим Азazelло, лекин бу исмдан, барибир, ҳеч нима била олмайсиз..

— Қўлёмма тўғрисида, кейин менинг дилимдаги гаплар ҳақида қандай дарак топганингизни айтиб беролмайсизми ?

— Айтмайман, — деб куруққина жавоб қилди Азazelло.

— Лекин унинг тўғрисида бирон нима билсангиз керак? — деди Маргарита ёлворгудек пичирлаб.

— Ҳай, биламан дейлик.

— Ўтинаман, фақат айтинг: у тирикми? Қийнаманг мени.

— Ҳа, тирик, тирик, — деди Азazelло истар-истамас.

— Ё худо!

— Илтимос, ҳаяжонланманг, қичқирманг, — деди ўшшайган Азazelло.

— Кечиринг, мени кечиринг, — деб ғўлдиради Маргарита энди итоаткорлик билан, — очиги, сиздан аччиғландим. Ахир, ўзингиз ўйланг. Нотаниш аёлни дабдурустдан кўчада меҳмонга таклиф қилиш... Гапимга ишонинг, мен бепарво одамман, — Маргарита аянчли жилмайиб қўйди, — лекин ҳеч қачон ҳеч қандай хорижлик билан учрашмаганман, ундайлар билан учрашишни ҳам ҳеч хоҳламайман... ундап кейин, менинг эрим... Ҳамма бало шундаки, мен ўзим севмаган одам билан яшайман, лекин унинг турмушини бузиш, менимча, инсофсизлик бўлади. Менга у ҳамиша фақат яхшилик қилиб келяпти...

Азazelло унинг. пойма-пой гапини ошкора диққинафаслик билан тинглади ва жаҳл билан деди:

— Бир зумгина тилингизни тийинг. Маргарита итоаткорлик билан жим бўлди.

— Мен сизни мутлақо беҳавотир ажнабийнинг қузурига таклиф қиляпман... Кейин, бу ташрифингизни биронта ҳам жонзот сезмайди. Бунга кафолат беришим мумкин.

— Нимага керак бўлибман унга? — деб сўради Маргарита қувлик билан.

— Буни борганингизда биласиз.

— Тушуниб турибман... Унинг хоҳишини қондиришим керак, — деди Маргарита ўйга толиб. Азазелло кибр-ҳаво билан «ҳм» деб пичинг қилди-да, жавоб қайтарди:

— Сизни ишонтириб айтаманки, жаҳондаги ҳар бир аёл учун бу энг юксак орзу ҳисобланган бўларди, — у мийиғида кулиб қўйди, — лекин ҳафсалангизни пир қиламан, айтганингиз бўлмайди.

— У қанақа ажнабий бўлди?! — деб Маргарита ҳаяжонланганидан шундай баралла гапириб юборди-ки, скамейка ёнидан ўтиб турган одамлар у томонга ўгрилиб қарашди, — унинг ҳузурига боришдан менга нима манфаат?

Азазелло унинг қулоғига энгашиб, маънодор пичирлади:

— Жуда катта манфаат кўрасиз... Сиз вазиятдан фойдаланиб...

— Нима? — деб юборди бирдан Маргарита кўзларини катта-катта очиб, — агар гапингизга тўғри тушунган бўлсам, у ерда мен устанинг дарагини эшитаман, шунга шама қиляпсизми?

Азазелло индамай бош ирғатди.

— Бораман! — жаҳл билан деди Маргарита Азазеллонинг кўлидан маҳкам ушлаб олиб, — қаёққа десангиз бораман!

Азазелло «уфф» деб енгил нафас олди-да, скамейкага суянди ва кинояомуз гапира бошлади:

— Аёл зотига тушуниш қийин! — У кўлларини чўнтақларига тикиб, оёқларини имкони борица нарироққа узатворди, — нега энди келиб-келиб менга топширишди бу ишни? Бегемот бажарса-ку яхшироқ бўларди, чунки у ёқимтой хилқат...

Маргарита аянчли тарзда мийиғида кулиб деди:

— Бунақа жумбоқларингиз билан мени лақиллатишни, қийнашни бас қилинг... Мен шундоқ ҳам шўрпешона одамман, сиз шундан фойдаланяпсиз. Аллақандай ғалвани орттиряпман бошимга, лекин онт ичиб айтаманки, фақат уни тилга олганингиз учун боришга рози бўляпман! Бошим ғовлаб кетди бу дудмал гапларингиздан...

— Фақат йиғи бўлмасин, — деди Азазелло башарасини буриштириб, — сиз ҳам менинг аҳволимга тушунинг-да. Чунончи, администраторнинг тумшуғига тушириш, кимнингдир поччасини уйдан қувиб чиқариш, ё биронтасини отиб яралаш, ё бўлмаса, шуларга ўхшаш биронта арзимас ишни бажариш менинг асосий касбим, аммо мафтун аёллар билан суҳбатлашиш — саломатлигингиз керак. Бу қанақаси, ярим соатдан бери сизга гап уқдиrolмасам-а. Хўш, борасизми?

— Бораман, — деди одмигина қилиб Маргарита Николаевна.

— Ундай бўлса, манавини олинг, — деб Азазелло чўнтагидан думалоқ олтин қутича чиқарди ва уни Маргаритага узатаркан, деди: — Яширинг тезроқ, одамлар қараяпти. Бу сизга асқотади, Маргарита Николаевна. Сиз кейинги ярим йил ичида ғам-ҳасратдан хийла қариб қолдингиз. (Маргарита чўғдек қизариб кетди, лекин индамади, Азазелло гапида давом этди).

Бугун кечқурун роппа-роса соат тўққиз яримда қип-яланғоч бўлиб шу малҳамни юзингизга ва бутун баданингизга суриб чиқасиз. Кейин кўнглингиз хоҳлаган ишни қилинг, фақат телефондан узоққа кетманг. Соат ўнда сизга ўзим кўнғироқ қилиб, нима иш қилишингизни айтаман. Сиз ҳеч ниманинг ташвишини қилмайсиз, сизни тайинланган ерга элтиб қўйишади, ҳеч қандай шикаст ҳам етказишмайди сизга. Тушундингизми?

Маргарита бир оз сукутга толиб, сўнг жавоб қилди:

— Тушундим. Бу буюм соф олтиндан ишланган, залваридан маълум. Ҳа, майли, билиб турибман, менга пора бериб аллақандай шубҳали ишга тортмоқчисизлару бунинг оқибатида мен бир балога гирифтор бўлсам керак.

— Ахир бу қанақаси, — чийиллади фиғони чиққудек бўлди Азазелло, — янами?

— Йўқ, сабр қилинг!

— Қайтиб беринг малҳамни.

Маргарита қутичани кўлида маҳкам сиқиб, давом этди:

— Йўк, шошманг... Не ишга журъат қилганимни биламан. Лекин мен ҳар қандай шартга ҳам ўша деб рози бўляпман, чунки менинг дунёда ундан бўлак ҳеч кимим йўк. Аммо сизга шуни айтиб қўймоқчиманки, агар мени нобуд қиладиган бўлсангиз, уятга қоласиз! Ҳа, ўзингиз уялиб қоласиз! Муҳаббат деб қурбон бўляпман мен! — шундай деб Маргарита ўз кўксига уриб кўйди ва бошини кўтариб офтобга қаради.

— Қайтиб беринг, — деб хириллади Аззелло хуноб бўлиб, — қайтиб беринг, жин урсин бунақа топшириқни! Бегемотни юборишсин-е.

— Э, йўк! — дерди Маргарита ўтган-кетганларнинг диққатини ўзига тортиб. — Ҳаммасига розиман, баданимга малҳам суриб майна бўлишга ҳам, ҳатто жаҳаннам қаърига боришга ҳам розиман. Малҳамни бермайман!

— Вожаб! — деб бирдан бақириб юборди Аззелло ва боғ панжараси томон бақрайиб қараганча, бармоғи билан қаёққадир ишора қила бошлади.

Маргарита Аззелло кўрсатган томонга қараб, диққатга лойиқ ҳеч нарса кўрмади. Шунда у тутуриқсиз «Вожаб!» сўзига изоҳ сўрамоқчи бўлиб, Аззеллога ўғирилди, лекин Маргарита Николаевнанинг сирли суҳбатдоши ғойиб бўлган эди. Шунда Маргари-та шоша-пиша кўлини сумкачасига тикиб, бояги ўзи чирқиллаганча солиб қўйган олтин қутичани топди-ю, кўнгли жойига тушди. Сўнг Маргарита бошқа ҳеч нимани ўйламай, Александр боғидан шошганча чиқиб кетди.

Йигирманчи боб

АЗАЗЕЛЛОНИНГ ЁҒУПАСИ

Оқшом. Беғубор осмонга қалққан тўлиной заранг дарахти шохлари орасидан мўраларди. Жўка ва акас дарахтлари боғ саҳнида ғоят мураккаб нақшлар ҳосил қилган. Бинодан ярим доира шаклида бўртиб чиққан саҳнга жойлашган ётоқxonанинг ланг очик, аммо дарпарда билан тўсилган уч қаватли деразаси электр шуъласи билан чароғон ёритилган. Маргарита Николаевнанинг ётоқxонасидаги барча чироқлар ёқиб қўйилган бўлганидан хонадаги тартибсизликлар яққол кўзга ташланиб турар эди. Каравотга ёзилган адёлда кўйлак, пайпок, ички либос ёйилиб ётар, ечиб ташланган, ички кийимлар эса оёқостида, шошқалоқлик билан бехосдан босиб мажақланган бир қути папирос ёнида ғижимланиб ётарди. Туфли тунги столча устида кофеси ичиб бўлинмаган чашка ва папирос қолдиғи тутаб турган кулдон ёнида турарди, стул суянчиғига кечки қора кўйлак илиб қўйилган. Хона атир ҳидига тўлган, бундан ташқари, қаёқдандир қиздирилган дазмол ҳиди ҳам кириб келаётган эди бу хонага.

Яланғоч Маргарита Николаевна чўмилганда киядиган халатини елкасига ташлаб, оёғига бахмал теридан тикилган қора туфли кийиб тошойна қаршисида ўтирарди. Унинг қаршисида Аззеллодан олгани қутича соатли олтин билагузук ёнида ётар, Маргарита соат милидан кўзини узмасди. Баъзан унга соат бузилиб қолган-у, миллари жойидан жилмаётгандай туюларди. Лекин миллар, гарчи худди илиниб-илиниб қолаётган-дек, жуда имиллаб бўлса ҳам юриб турган эди, мана, ниҳоят, соатнинг узун мили тўққиздан йигирма тўққиз минут ўтганини кўрсатди. Маргаританинг юраги шу қадар қаттиқ тепа бошладики, дастлабки пайтда қутичани кўлига олишга ҳам мажולי қолмади.

Ниҳоят у ўзини тутиб олиб, ахири қутичани очди — унда сарғишранг ёғупа бор экан. Ундан балчиқ ҳиди келаётгандек туюлди. Маргарита бармоғининг учи билан ёғупадан қиттак олиб, кафтига сурган эди, балчиқ ҳиди ўрмон ҳиди билан омихта бўлиб димоғига гупиллаб урилди, шундан сўнг Маргарита ёғупани кафти билан пешонаси ва ёноқларига сура бошлади. Ёғупа

осонгина сурилар ва Маргаританинг пайқашича, шу захоти терисига сингиб кетаётган эди. Маргарита юзига ёғупадан уч-тўрт марта сургач, кўзгуга қарадио бирдан кўлидаги олтин қутичани тушириб юборди. Қутича соатнинг шиша қопқоғи устига тушиб, уни худди ўргимчак уяси шаклида дарз қилди. Маргарита кўзларини чирт юмди, кейин яна кўзгуга тикилдио бирдан хандон ташлаб кула бошлади.

Унинг мўйчинакда териблиб силлиқ қилинган ингичка қошлари куюклашган ва иккита тимқора ёй бўлиб, кўм-кўк кўзлари устига ётган эди. Ўтган йили октябрда, яъни уста ғойиб бўлганида қаншарида пайдо бўлган ингичкагина тик ажин текисланиб йўқ бўлди. Шунингдек, икки чаккасида пайдо бўлган сарғиш доғ ҳам, икки кўзининг ташқи милклари олдида ҳосил бўла бошлаган кўз илғамас ажинлар ҳам йўқолди. Ёноқлари бир текисда қизғиш ранг касб этди, пешонаси оппоқ ва беғубор бўлди, сартарошнинг маҳорати билан жингалак қилинган сочлари ёйилиб кетди.

Ўттиз ёшли Маргаританинг рўпарасида энди, кўзгуда тимқора сочлари туғма қўнғироқ бўлган йигирма ёшлардаги жувон садафдек оқ тишларини кўрсатиб, қотиб-қотиб куларди.

Маргарита кула-кула чарчагач, бир силкиниб елкасидан халатни отиб ташлади ва нафис ёғупага беш панжасини ботириб, уни бутун баданига қаттиқ-қаттиқ сура бошлади. Бадани бир лаҳзада қизариб, қизиб кетди. Шунда Александр боғидаги учрашувдан сўнг икки чаккасининг, худди миясига игна қадаб қўйилгандай тинимсиз лўқиллаб оғриётгани бирдан такка тўхтаб, оёқ-қўлларининг мушаклари кучга тўлди ва Маргарита ўз жисмининг вазнсиз бўлганини сизди.

У бир сакраб, гилам узра ҳавода муаллақ осилиб қолди, кейин оҳиста пастга туша бошлади.

— Ўргилай ёғупадан! Қандай яхши-я! — деб чинқирди Маргарита ўзини креслога «таппа» ташларкан.

Ёғупа унинг наинки ташқи қиёфасини ўзгартирди. Энди унинг бутун вужудида, баданининг ҳар бир ҳужайрасида шодлик қулф урардики, буни у бутун аъзои баданида худди увишганда ҳосил бўладиган жимирлаш каби ҳис қилди. Маргарита ўзини ҳамма нарсадан фориғ бўлгандай эркин ҳис қилди. Бундан ташқари, у эрталаб кўнглига келган нарсанинг содир бўлганлигини, энди у бу хонадонни ва собиқ турмуш тарзини буткул тарк этажagini жуда аниқ тушунди. Лекин мана шу собиқ турмуш тарзини тарк этиш олдидан, уни юқорига, самога даъват этмоқчи бўлган қандайдир янги, ғайриоддий қувватга итоат этиш арафасида фақат битта, энг охириги бурчни бажариши шартлиги кўнглига келди-ю, шу қип-яланғоч ҳолича ҳавога уча-уча эрининг кабинетига отилиб кирди ва чироқни ёқиб, ёзув столи сари югурди. У блокнотдан бир варақ йиртиб олиб, унга қалам билан йирик-йирик қилиб бехато ёзди:

«Мени кечир ва тезроқ унутиб юборишга ҳаракат қил. Мен сени мангу тарк этмоқдаман. Қидирма мени, бундан фойда йўқ. Мен бошимга тушган ғам ва мусибатдан жодугарга айландим. Мен кетяпман. Алвидо. Маргарита».

Сўнг у руҳи енгил тортиб, яна ётоқхонага учиб кирди, унинг орқасидан изма-из олам-жаҳон буюмларни кўтариб Наташа югуриб кирди. Кирди-ю, кўлидаги буюмлар — кўйлак илинган ёғоч кийим осғичу ғижим рўмоллар, қолипга тортилган кўк ипак туфлию белбоғ — ҳаммаси ерга сочилди ва ҳайрон бўлганидан оғзи ланг очилиб қолди.

— Қалай, чиройлиманми? — деб ҳирқироқ овоз билан қичқирди Маргарита Николаевна.

— Вой, тавба-а! — деб пичирлади Наташа орқасига тисарилиб, — қанақа қилдингиз буни, Маргарита Николаевна?

— Бу — ёғупа! Ёғупа, ёғупа, — деди Маргарита ўзини кўзгуга солиб ҳар томонга айланаркан, ярақлаб турган олтин қутичага ишора қилди.

Наташа кўйлакнинг оёқ остида ғижимланиб ётганига ҳам парво қилмай, тошойна олдига югуриб бориб, қутича тагида қолган ёғупага маҳлиё бўлиб тикилиб қолди. Унинг лаблари қимирлаб бир нималарни пичирларди. Сўнг у Маргаритага ўгирилиб, бениҳоя иззат-эҳтиром билан деди:

— Баданингизни қаранг! Бу қанақаси? Баданингиздан нур ёғиляпти-я, Маргарита Николаевна. — Шундан кейин у бирдан ҳушини йиғиб дарров ерда ётган кўйлакни олди-да, унинг чангини қоқа бошлади.

— Ташланг уни! Ташланг! — деб чинқирди Маргарита. — Куриб кетсин ҳаммаси, отиб юборинг! Йўқ, яхшиси, ўзингизга олинг уни, мендан эсдалик. Эсдалик учун олинг деяпман. Шу хонада нима бўлса, ҳаммасини олаверинг.

Ҳанг-манг бўлиб қолган Наташа худди телба одамдек анчагача Маргаритадан кўз узмай бақрайиб қодди, сўнг унинг бўйнига осилиб, устма-уст ўпаркан:

— Сиз атлассиз! Мунавварсиз! Атласдай товланяпсиз! Вой, қошларингизни қаранг!

— Опкетинг ҳамма латта-путталаримни, атирларимниям олиб сандиғингизга солиб яшириб қўйинг, — дерди Маргарита, — лекин қиммат буюмларга тегманг, сизни ўғри деб айблашлари мумкин.

Наташа кўлига тушган кўйлагу туфли, пайпоғу ички кийимларни ҳаммасини йиғиб бир бўғча қилди-да, ётоқхонадан ўқдай отилиб чиқиб кетди.

Шу маҳал тор кўчанинг нариги томонидаги қайсиям бир очиқ деразадан моҳирона ижро этилган вальс садоси гумбурлади ва айни пайтда бир машинанинг дарвоза олдида келиб тўхтагани эшитилди.

— Ҳозир Азazelло кўнғироқ қилади! — деди Маргарита тор кўчада янграётган вальсга кулок соларкан, — у кўнғироқ қилади! Ажнабийдан эса кўркмаслигим керак. Ҳа, энди тушундим, у беҳатар одам!

Машина ғувиллаб дарвозадан узоқлаша бошлади. Кўча эшик «қарс» этиб ёпидди ва ҳовлидаги йўлқадан оёқ товуши эшитилди.

«Бу Николай Иванович, оёқ олишидан биламан, — деб ўйлади Маргарита, — видолашув олдидан биронта жуда аломат, кулгили иш қилишим керак».

Маргарита дарпардани «шир» эттириб бир томонга сурди-да, деразага бир тиззасини қучоқлаб ёнламасига ўтирди. Ой шуъласи унинг ўнг томонини ёритди. Маргарита бошини кўтариб ойга тикилди-да, чехрасида шоирона ўйчанлик кашф этди. Оёқ товушлари яна бирикки марта эшитилиб, кейин бирдан жим бўлиб қолди. Маргарита яна бир оз ойга маҳлиё бўлиб ўтириб, ҳолатни бўрттириш учун хўрсиниб ҳам кўйди-да, боғ томонга ўгрилиб, чинданам уйнинг пастки қаватида яшовчи Николай Ивановични кўрди. Ой Николай Ивановични ўз нурига ғарқ қилган эди. У скамейкада ўтирар, аммо беҳосдан ўтириб қолгани яққол кўриниб турарди. Пенсени бир томонга оғиб кетипти, портфелини эса маҳкам чангаллаб олипти.

— А, салом, Николай Иванович, — маънос овоз билан деди Маргарита, — хайрли оқшом! Мажлисдан келяпсизми?

Николай Иванович бу саволга чурқ этиб ҳам жавоб қилмади.

— Мен бўлсам, — деб давом этди Маргарита, гавдасини кўпроқ ташқарига чиқаришга уриниб, — ўзингиз кўряпсиз, ёлғизликдан зерикиб, нима қиларимни билмай, ойга боқиб, вальс тинглаб ўтирибман.

Маргарита чап кўлини кўтариб чаккасига тушган соч толасини тўғрилади, сўнг аччиғланиб деди:

— Бу ҳурматсизлик, Николай Иванович! Ҳар қалай, мен аёл кишиман-ку! Сиз билан гаплашаётган одамга жавоб бермаслик — бу одобдан эмас!

Кул ранг нимчасининг ҳатто тугмачаларигача оқ-сарик, чўққи-соқолидаги ҳар битта туккача ой нурида яққол кўриниб турган Николай Иванович бирдан хунук тиржайди, скамейкадан туриб, хижолатдан ҳуши оғиб қолди шекилли бошидан шляпасини олиб саломлашиш ўрнига, кўлида портфель билан қулочини керди ва оёқ ўйинига рақс тушмоқчи бўлгандек, тиззаларини букди.

— Вой, мунча тунд бўлмасангиз, Николай Иванович, — давом этди Маргарита, — умуман,

хамманглар жонимга шу қадар тегдингларки, буни таърифлашга тилим лол, шунинг учун сизлар билан видолашаётганимдан бенихоя шодман! Э, жин урсин ҳаммангларни!

Шу маҳал Маргаританинг орқасида — ётоқхонада телефон жириглади. У деразадан сакраб тушиб, Николай Ивановични ҳам унутиб, трубкага чанг солди.

— Азазелло гапиряпти, — деган овоз эшитилди трубкадан.

— Азизим Азазелло! — деди Маргарита чинқириб.

— Вақт бўлди! Учиб чиқаверинг, — деди Азазелло, Маргаританинг самимий, шодиёна кайфиятидан мамнунлиги унинг овозидан сезилиб турарди. — Дарвоза устидан учиб ўтаётганингизда: «Кўринмаяпман!» — деб қичқиринг. Кейин кўникиб олиш учун бир оз шаҳар устида учиб юринг-да, сўнг жануб томон учиб, шаҳардан чиқиб кетинг, тўғри дарё бўйига боринг. Сизни у ерда кутишяпти!

Маргарита трубкини илди, шу пайт кўшни хонада қандайдир ёғоч буюм эшикка «тақ-тақ» урила бошлади. Маргарита бориб эшикни ланг очган эди, пол артадиган чўтка рақс тушиб кириб келди. Унинг чўтка томони баландда бўлиб, дастаси билан гоҳ тепинар, гоҳ ўйин тушаркан, нукул дераза томон отиларди. Маргарита севинганидан чинқириб, чўткага миниб олди. Ана шундагина суворий аёл бу тўс-тўполонда кийиниб олишни унутганини эслади. У «от»ни каравот олдига учуриб бориб, кўлига биринчи бўлиб илинган ҳаво ранг кўйлакни олди. Кейин уни худди байроқдек ҳилпиратиб, деразадан учиб чиқиб кетди. Вальс садоси энди боғ узра баландроқ янграй бошлади.

Маргарита деразадан пастга учиб тушиб, скамейкада ўтирган Николай Ивановични кўрди. У тошдек қотиб қолган ва юқори қаватдаги ёп-ёруғ хонадан келаётган шовқин ва тарақтуруқларга кулоқ солиб, эсанкираб қолган эди.

— Яхши қолинг, Николай Иванович! — деб қичқирди Маргарита унинг қаршисида рақс тушаркан. У «вой» деб юбориб, скамейка устида эмакларкан, портфелини ерга тушириб юборди.

— Алвидо! Мен буткул учиб кетяпман, — деди Маргарита вальс садосини босиб кетгудек чинқириб. Шу пайт у кўлидаги кўйлакнинг ҳеч кераги йўқлигини англаб, хунук хахолади-да, уни Николай Ивановичнинг бошига ёпди. Кўзи ҳеч нима кўрмай қолган Николай Иванович скамейкадан ғиштин йўлкага ағанаб тушди.

Маргарита ўзи узоқ муддат изтироб чекиб яшаган уйга сўнгги марта назар ташлапг учун орқасига ўгирилди, ўгирилдию чироклар шуъласидан лов-лов порлаб турган деразада Наташанинг ҳайратдан буришган юзини кўрди.

— Алвидо, Наташа! — деб қичқирди у ва чўтка бошини юқори кўтарди, — кўринмаяпман, кўринмаяпман, — деб яна қаттиқроқ қичқирди, сўнг заранг дарахти новдаларига юзини савалатиб, унинг шохлари орасидан, кейин дарвоза устидан учиб ўтиб, кўчага чикди. Шунда жазава билан чалинган вальс садоси унинг орқасидан эргашди.

Йигирма биринчи боб

ПАРВОЗ

Мен кўринмаяпман, мен эркин қушман! Мен кўринмаяпман, мен эркин қушман! Маргарита ўз кўчаси узра учиб бориб, уни кесиб ўтган бошқа тор кўчага чикди. У керосин ва хашаротларга қарши суяқ дори билан савдо қилувчи, ерга чўкиб қийшайиб қолган нефть дўкони жойлашган бу ямоқ-яскоқ, кинғир-қийшиқ узун тор кўчадан ҳам бир зумда учиб ўтди ва шундагина, гарчи мутлақо эркин ва кўринмас бўлса ҳам, эҳтиёт бўлиш кераклигини фаҳмлади. У ҳозироқ муюлишдаги қийшайган фонус устунига урилиб ҳалок бўлиши мумкин эди, лекин чўткани вақтида тўхтатиб, бир ўлимдан қолди. Маргарита чўткани маҳкам чангаллаб, устунга чап бериб

ўтди ва энди электр симлари, тротуар узра кўндаланг осилган вивескалардан ўзини эҳтиёт қилиб, секинроқ уча бошлади.

Учинчи тор кўча тўғри Арбатга олиб чиқар эди. Маргарита ҳам чўткани бошқаришни энди пухта ўрганиб олган эди, чўтка унинг измига юриб, қўл ва оёғининг хиёлгина ҳаракатига итоат этарди. Маргаританинг ўзи ҳам шаҳар узра учаётганда эҳтиёт бўлиш, кўпам бевошлик қилмаслик кераклигини тушунган эди. Бундан ташқари, боя кўчага учиб чиққанидаёқ одамларга кўринмаётганини фаҳмлаган эди. Ҳеч ким бошини кўтариб осмонга қарамас, «вой, анавини қаранглар!» — деб қичқирмас, ўзини панага олиб қочмас, дод солмас, ҳушидан кетмас, телбаёна хахоламас эди.

Маргарита тахминан иккинчи қават баландлигида товушсиз аста учиб борарди. Лекин шунда ҳам чароғон Арбат кўчасига чиқаверишда, хиёл янглишиб, қандайдир гардишсимон кўча белгисига кифти билан урилиб кетди. Бу ҳол Маргаританинг аччиғини чиқарди. У итоаткор чўткани такқа тўхтатиб, четроққа учиб борди, сўнг бирдан ўша гардишга ҳамла қилиб, чўтканинг учи билан унинг ойнасини чил-чил синдирди. Ойна синиқлари пастга тўкилиб, одамлар ўзларини четга олишди, қаердадир хуштак чуриллади, аммо Маргарита бу нокерак ишни бажариб бўлгач, қаҳ-қаҳ уриб кулди. «Арбатда жуда эҳтиёт бўлиш керак экан, — деб ўйлади у, — бу ерда ҳамма нарса шунақаям айқаш-уйқаш бўлиб кетибдики, панд еб қолишим ҳеч гапмас». У симлар орасидан шўнғиб учиб ўтаркан, ўз пойи остида, пастда троллейбус, автобус ва енгил машиналарнинг томларини кўрди. Йўлчаларда эса юқоридан қараган Маргарита худди кепкалар дарёси оқаётгандек туюларди. Бу дарёлардан жилғалар ажралиб чиқиб, тунги магазинларнинг оловли оғзига оқиб кирарди. «Вой-бў, атала-ку! — деб ўйлади Маргарита аччиғланиб, — қимир этишга имкони йўқ-а». У Арбатни кесиб ўтиб, тўртинчи қават баландлигига кўтарилди ва муюлишдаги театрнинг машъаладек порлаб турган трубалари ёнидан ўтиб, икки томонида баланд-баланд иморатлар қад кўтарган жуда тор бир кўчага учиб кирди. Бу ердаги уйларнинг ҳамма деразалари ланг очик бўлиб, уларнинг ҳаммасида радиодан музыка эшитиларди. Маргаританинг синчковлиги тутиб, шу деразалардан бирига мўралади. Ошхонага кўзи тушди. Плита устида иккита примус вағиллаб ёнар, қўлига қошиқ ушлаган икки аёл шанғиллаб жанжаллашарди.

— Ҳожатхонага кириб чиққандан кейин чироқни ўчириш керак. Мен сизга айтсам, Пелагея Петровна, — деди буғ чиқиб турган кастрюль ёнида турган аёл, — бўлмасам, ариза бериб, сизни кўчиртириб юборамиз!

— Ўзингизам қолишмайсиз, — деб жавоб қилди иккинчи аёл.

— Икковингиз ҳам бир-бирингиздан қолишмайсиз, — деди Маргарита жарангдор овоз билан, дераза орқали ошхонага учиб кираркан. Жанжаллашаётган икки аёл товуш келган томонга ўгирилишди-ю, қўлларида ювиқсиз қошиқ билан серрайиб қолишди. Маргарита оҳиста қўл чўзиб, иккала примуснинг кулоғини бураб, ўтини ўчирди. Аёллар «вой» деб юбориб, оғизлари очилганча анграйиб қолишди. Лекин энди ошхона Маргаританинг жонига теккан эди, шу боис у яна тор кўчага учиб чиқиб кетди.

Кўча бошидаги (чамаси эндигина қурилиб битган) саккиз қаватли муҳташам бино Маргаританинг диққатини тортди. У пастлаб бориб ерга қўнди ва иморатнинг олд томони қора мрамар билан қопланганини, унинг ойнаванд кенг эшиги ичкарасида олтин ҳошияли фуражка кийган, тугмалари ялтироқ дарбон турганини, эшик тепасига эса олтин ҳарфлар билан: «Драмадаб Уйи», деб ёзилганини кўрди.

Маргарита, бу «Драмадаб» дегани нима экан, деб ўйлаб, кўзларини сузганча ёзувга тикилиб қолди. Сўнг чўткани қўлтиғига қистириб, эшикни очиб ичкари кираркан, бу рафтори билан дарбоннинг оғзини очириб қўйди, ичкарида кўзи лифт ёнида деворга осилган каттакон қора тахтага тушди. Бу тахтага квартираларнинг номерлари ва уларда яшовчиларнинг фамилиялари оқ ҳарфлар билан ёзилган эди. Бу рўйхатнинг энг теппасига ёзилган: «Драматург ва

адабиётчилар Уйи» деган ёзувни кўрган Маргарита бўғиқ овоз билан ваҳшиёна қийқириб юборди. У ҳавога кўтарилиб, рўйхатдаги фамилияларни диққат билан ўқий бошлади: Хустов, Двубратский, Квант, Бескудников, Латунский...

— Латунский! — деб чинқириб юборди Маргарита. — Латунский! Ие, бу ўша-ку! Устани нобуд қилган шу эди-ку.

Эшик олдида турган дарбон таажжубдан бир сакраб тушиб, кўзларини бакрайтирганча қора тахтага тикилиб қолди, у кутилмаган мўъжизани: қандай қилиб одамлар рўйхати дабдурустан чийиллаб гапирганини тушунолмаётган гаранг эди. Маргарита эса бу пайт зинадан юқорига физиллаб чиқиб бораркан, завқ-шавқ билан такрорларди:

— Латунский — саксон тўрт! Латунский — саксон тўрт... Мана, чапда — 82, ўнгда — 83, яна бир қават баландда, чапда — 84. Шу ерда у. Мана ёзув — «О. Ла-тунский».

Маргарита чўткадан тушди, унинг қизиби кетган товонлари муздак тоштахта терилган майдончага тегиб хузур қилди. У бир марта, кейин яна бир марта кўнғироқ қилди. Аммо ҳеч ким эшикни очмади. Маргарита кўнғироқ тугмасини янаям қаттиқроқ босган эди, квартирани бошга кўтариб жиринглаган кўнғироқ овозини ўзи ҳам эшитди. Ҳа, МАССОЛИТ раисининг трамвай тагида қолиб ўлгани ва мотам мажлисининг айнан шу бугун оқшомга белгилангани учун саккизинчи қаватдаги 84-квартиранинг эгаси то ўла-ўлгунча марҳум Берлиоздан миннатдор бўлиши керак. Танқидчи Латунскийнинг омади бор экан. Шу омад уни мазкур жума куни жодугарга айланган Маргарита билан учрашишдан қутқариб қолди!

Эшикни ҳеч ким очмади. Шунда Маргарита, йўл-йўлакай қаватларни санаб ўқдек пастга тушди-да, кўчага югуриб чиқди ва тепага қараб қаватларни санаркан, Латунскийнинг деразаларини тахминлаб топди. Бинонинг бурчагида саккизинчи қаватдаги бешта қоронғи дераза, шубҳасиз, ўшанинг квартираси эди. Маргарита шу тахмини билан ҳавога кўтарилди ва бир неча сониядан кейин очиқ деразадан қоронғи хонага кирди, бу ерда ойнинг ингичкагина кумуш ёғдуси тушиб турарди. Маргарита шу ёғду йўлакдан чопиб бориб, включателни пайпаслаб топди. Яна бир дақиқадан кейин бутун квартира ёритилган эди. Чўтка бир бурчақда турарди. Маргарита уйда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, зинага чиқадиган эшикни очиб, ундаги ёзувни текширди. Ёзув ўша эди, демак, Маргарита ўзи кўзлаган квартирага кирган эди.

Ҳа, айтишларича, танқидчи Латунский ҳанузгача бу мудҳиш оқшомни эсласа ранги қув ўчиб кетармиш, ҳанузгача Берлиознинг номини иззат-икром билан эслармиш. Агар у уйда бўлганида, бу оқшомнинг қандай машъум ва разил жиноят билан яқунланиши мутлақо мавҳум бўлиб қолди. Маргарита ошхонадан салмоқли болғача кўтариб чиққан эди.

Яланғоч ва кўринмас жодугар ўзига таскин, тасалли беришга уринарди, кўллари бетоқат титрарди. У яхшилаб мўлжалга олиб туриб, рояль клавишларига болға урди, роялнинг аянчли ноласи бутун квартирани босиб кетди. Унинг клавишлари ўприлиб, сирлари кўчиб, ҳар томонга сачрай бошлади. Рояль гулдурар, инграр, хириллар, жарангларди. Унинг сирланган қопқоғи худди тўппонча отилгандек «қарс» этиб ёрилди. Маргарита оғир ҳансираб, роялнинг торларини болғача билан қайирав, узар эди. Ниҳоят, у жуда чарчаб, бир оз нафасини ростлаб олиш учун ўзини креслога отди.

Ваннахонада ҳам, ошхонада ҳам сув мудҳишона шариллаб оқар эди. «Сув тошиб полга туша бошлади чоғи» деб кўнглидан ўтказди Маргарита, сўнг овоз чиқариб илова қилди:

— Лекин кўпам ўтиравериш керакмас.

Сув ошхонадан йўлакка оқиб чиқа бошлаган эди. Маргарита ялангоёқ шалоп-шалоп сув кечиби, ошхонадан танқидчининг кабинетига челакларда сув олиб кирди ва уни ёзув столининг ғаладонларига қуйди. Кейин шу кабинетда турган шкафнинг эшигини оолғача билан уриб бузди-да, ётоқхонага отилди. У ерда каттакон кўзгу ўрнатилган шкафни бузиб, танқидчининг осифлиқ турган костюмининг олди ва олиб бориб ваннадаги сувга бўқтирди. Кабинетдан олиб

олган сиёҳдонни ётоқхонага олиб кириб, сиёҳни икки кишилиқ каравотдаги момик ўрин-кўрпа устига тўкди. Гарчи Маргарита ўзининг бу вайронгарлик фаолиятдан бениҳоят ҳузур қилаётган бўлса ҳам айна пайтда бу фаолиятнинг самараси унга ҳамон зиғирдаққина бўлиб туюларди. Шунинг учун энди у кўзи тушган қамма нарсани чилпарчин қила бошлади. У фикус ўрнатилган гултувакни синдирди. Бу ишини чала қолдириб, ётоқхонага кирди ва ошхонадан олиб олган каттакон пичоқ билан чойшабни тилди, фотосурат урнатилган ойнавандли чорчўпларни уриб синдирди. У чарчашни билмас, айна чоғда бутун баданидан дув-дув тер оқарди.

Бу пайт Латунский квартираси остидаги 82-квартирада драматург Квантнинг уй ходимаси ошхонада чой ичиб ўгираркан, юқори қаватдан эшитилаётган гапир-тупур югуришлар, алланималарнинг тарақлагани, чил-чил синганини эшитиб хайрон бўлиб қолди. У бошини кўтариб, шифтга қаради, қарадио шифтнинг бирдан қандайдир ўлимтик рангда кўкара бошлаганини кўрди. Бу доғ ходиманинг кўзи олдида тез катталаша бошлади ва бирдан томчилар пайдо бўлди. Ходима бу ҳодисага икки дақиқача тикилиб ўтирди, ниҳоят, шифтдан ҳақиқий ёмғир ёға бошлади. Шундагина у гапчиб туриб кетиб, сув тушаётган ерга, полга тоғора кўйди, аммо бу зиғирча ҳам ёрдам бермади, чунки шифтдаги хўл доғ тобора кенгайиб, энди ёмғир газ илитасига ҳам, идиш-товоқлар уюлган стол устига ҳам оқа бошлаган эди. Шунда Квантнинг уй ходимаси чинқириб юбориб, зина бошига отилиб чиқди, Латунскийнинг квартирасидаги кўнғироқ тўхтовсиз жириглай бошлади.

— Мана, кўнғироқ бошланди, энди кетсаям бўлади, — деди Маргарита. У чўткага минаркан, эшик гирқишидан келаётган аёл кишининг овозига қулоқ солди:

— Очинглар! Очинглар! Дуся, оч эшикни! Сизларникидан оқяптими сув? Бизникини сув босди.

Маргарита бир метрча юқорига кўтарилиб, болғача билан қандилга бир урган эди, иккита лампочка портлаб, шокилалар ҳар томон сочилиб кетди. Эшик тирқишидан эшитилаётган чинқирик тинди, зинадан чопиб гушаётган оёқ товушлари эшитилди. Маргарита деразадан учиб чиқиб, унинг ойнасига ташқари томондан болғача билан секингина урди. Ойна «чирс» этиб синдию бўлақлари уй сиртини қоплаган мрамар плиталарга урила-урила пастга сочилиб туша бошлади. Маргарита иккинчи дераза олдида учиб ўтди. Бу пайт жуда пастда, йўлкада одамлар зир югура бошлашди, уй олдида турган икки машинадан бири моторини гуриллатиб жўнаб қолди. Маргарита Латунскийнинг деразаларини «саранжом» қилиб бўлиб, кўшни квартиранинг деразалари олдида сузиб борди. Ойналарнинг чил-чил синиши тобора жадаллашди, тарақлаган, жаранглаган овозлар бутун кўчани босиб кетди. Уйнинг биринчи йўлагидан дарбон югуриб чиқиб тепага қаради, қандай чора кўришга дарров ақли етмади шекилли, бир оз тараддудланиб қолди, сўнг оғзига хуштак олиб жон-жахди билан чуриллата бошлади. Маргарита шу хуштак садоси остида саккизинчи қаватдаги охирги дераза ойнасини мароқ билан синдирди-да, еттинчи қаватга тушиб, бу қаватнинг ҳам ойналарини бир чеккадан синдира кетди.

Бугун уйни ваҳима босди. Ойнаси ҳали синмаган деразалар ланг очилиб, уларда одамларнинг бошлари кўринар ва шу заҳоти яна ғойиб бўларди, очиқ деразалар эса, аксинча, ёпиларди. Кўчанинг нариги юзидаги уйларнинг ёруғ деразаларида, Драмадаб биносининг деразалари нега ўзидан-ўзи синаётганини билишга уриниб безовта бўлаётган одамларнинг қора кўланкалари кўринарди.

Тор кўчадан Драмадаб уйи томон халқ чопиб келарди, уй ичида эса гангиб қолган одамлар зина ва йўлкаларда сабабсиз, мақсадсиз зир югуришарди. Квантнинг уй ходимаси зинадан чопиб тушаётган одамларга, уйимизни сув босди, деб бақирарди, бир лаҳзадан кейин унга, Квантнинг тагида, 80-квартирада турувчи Хустовнинг уй ходимаси жўр бўлди. Чунки Хустовларнинг ошхонаси билан ҳожатхонаси шифтидан ҳам шариллаб чакка ўта бошлаган эди. Ниҳоят, Квантлар ошхонасида шифтнинг сувоғи палахса бўлиб кўчиб тушиб, столга уйилган

ювиксиз идишларнинг ҳаммасини чил-чил синдирди, шундан кейин сувоқ орасига катак-катак қилиб терилган, жикқа ҳўл тахта тоқилар орасидан сув селдек шариллаб оқа бошлади. Энди биринчи подъезд зинасидан одамларнинг дод-фарёди эшитилди. Маргарита тўртинчи қаватдаги сўнгги икки дераза олдидан учиб ўта туриб, ичкарига қаради ва шоша-пиша противогаз кияётган бир одамни кўрди. Маргарита дераза ойнасини уриб синдириб, у одамни кўрқитиб юборди, у хонадан қочиб чиқиб кетди.

Шу чоғ кутилмаганда шафқатсиз вайронгарлик такқа тўхтади. Маргарита учинчи қаватга сузиб тушиб, нафис қора парда тутилган энг чекка деразадан ичкарига мўралади. Хонани қалпоқча кийдирилган битта чироқ ғира-шира ёритиб турарди. Икки ёнига тўр тутилган кичкина бир каравотчада тўрт ёшлар ча-масидаги бола шовқинга қулоқ солиб кўрқиб ўтирарди. Хонада катталардан ҳеч ким йўқ эди. Чамаси, ҳамма ташқарига югуриб чиқиб кетган бўлса керак.

— Ойна синдиришяпти! — деди бола ва: — Ойи! — деб чақирди.

Ҳеч ким жавоб бермади, шунда у:

— Ойи, кўрқаман, — деди.

Маргарита пардани четга суриб деразадан учиб кирди.

— Кўрқаман, — деб такрорлади бола ва дағ-дағ титрай бошлади.

— Кўрқма, ҳеч кўрқма, облакай, — деди Маргарита шамол тегиб хириллаб қолган овозини майинроқ қилишга уриниб. — Ойна синдирган шўх болалар эди.

— Рогатка отишдими? — деб сўради бола қалтирашдан тўхтаб.

— Ҳа, рогатка отишди, рогатка, — деб тасдиқлади Маргарита, — сен ётиб ухла!

— Ситник отган, — деди бола, — ўшанда рогатка бор.

— Ҳа, тўғри, ўша отди!

Бола қувлик билан бир четга қаради-да, сўради:

— Сиз қаердасиз, хола?

— Мен йўқман, — деб жавоб қилди Маргарита. — Тушингга қиряпман.

— Ўзимам шунақа деб ўйловдим, — деди бола.

— Сен юзингни кафтингга қўйиб ёт, — деб буюрди Маргарита, — мен сенинг тушингга қираман.

— Ҳа, майли, тушимга қира қолинг, — деб рози бўлди бола ва шу заҳоти юзини кафтига қўйиб ётди.

— Сенга эртак айтиб бераман, — деди Маргарита ва қайноқ қўлини боланинг сочи олинган бошига қўйди, — бор экан, йўқ экан, дунёда бир хола бор экан. У бефарзанд, яна, умуман бебахт ҳам экан. Мана шу хола нуқул йиғлайвери-йиғлайвери, охири баджаҳл жодугарга айланипти... — Маргарита жим бўлиб, қўлини боланинг бошидан олди — у ухлаб қолган эди.

Маргарита болғачани астагина дераза тоқчасига қўйиб, ўзи ташқарига учиб чиқди. Уй одди тўс-тўполон эди. Ойна синиқларига кўмилиб кетган асфальт йўлкада одамлар бир нималарни бақаришиб, зир югуришарди. Улар орасида энди милиционерлар ҳам пайдо бўлган эди. Бирдан кўнғироқ бонг чалди ва устида нарвони бор ўт ўчирувчи қизил машина Арбатдан тор кўчага бурилиб кириб келди.

Бундан кейинги воқеалар энди Маргаритани қизиқтирмас эди. У биронта симга тегиб кетмаслик учун энг аввал қай томонга учинини кўзлаб олди-да, чўтка дастасини маҳкамроқ сиққан эди, бир зумда бу машъум уйдан анча баландлаб кетди. Тор кўча унинг пойида бир томонга оғиб, кейин буткул пастликка тушиб кетди. Энди шу битта кўча ўрнида Маргаританинг оёғи остида ғиж-ғиж томлар пайдо бўлди — уларни ҳар ер-ҳар еридан чароғон йўллар чор бурчак қилиб кесиб ўтган эди. Буларнинг бари тўсатдан бир томонга сузиб кетди, чироқлар занжири суркалиб, бир-бирига қоришиб кетди.

Маргарита яна бир силтаниб оддинга отилган эди, бояги томлар ер қаърига кириб, кўздан

ғойиб бўлдилар, энди уларнинг ўрнида пастда электр чироқларидан вужудга келган милтиллолчи кўл пайдо бўлди ва бу кўл бирдан ёни билан тикка турди, сўнг Маргаританинг тепасига чиқиб олди, ой эса унинг оёғи остида порлай бошлади. Маргарита ўзининг чалқанча учаётганини англади ва яна асл ҳолатига тушиб, ўгрилиб қараган эди, чироқлар кўлининг ҳам энди ғойиб бўлганини, орқада уфқда фақат пушти ранг шафаққина қолганини кўрди. Бир лаҳзадан сўнг бу шафақ ҳам йўқолди, шунда Маргарита ўзидан баландда, чап томонида сузаётган ойдан бўлак ҳамроҳи йўқлигини кўрди. Унинг сочлари аллақачон хурпайган, ой эса баданини «ув» тортиб ўз нурига чўмилтирарди. Маргарита пастда икки қатор бўлиб тизилган сийрак чироқларнинг иккита ўтли чизикқа айлангани ва зум ўтмай орқада қолиб кўздан ғойиб бўлганини кўриб, ўзининг ҳайратона тез учиб кетаётганини фаҳмлади-ю, аммо ҳеч нафаси қайтмаганидан хайрон бўлди.

Орадан яна бир неча сония ўтиши билан жуда узокда, пастда, ер сатҳида электр шуълаларидан вужудга келган янги кўл порлади, лекин у шу лаҳзадаёқ чирпирак бўлиб айланиб, ер қаърида кўздан ғойиб бўлди. Яна бир неча сония ўтиши билан — яна бояги манзара такрорланди.

— Шаҳарлар! Шаҳарлар! — деб чинқириб юборди Маргарита.

Шундан кейин ҳам у ўз оёғи остида очиқ қора ғилофда ётган қандайдир шамширларнинг икки-уч марта ғира-шира товланганини ва уларнинг дарё эканлигини фаҳмлади.

Парвоздаги аёл бошини юқорига, чап томонга ўгириб, ойнанинг ниҳоятда шиддат билан орқага, Москва томон сузаётганини ва айни пайтда, ажабтовур килт этмай турганини кўрдики, бу ой юзидаги ўткир тумшуғи тарк этилган шаҳар ёққа қараган аждар ё букри тойчоқни эслатувчи мавҳум қора доғ кўзга яққол ташланиб турарди.

Шу маҳал Маргарита, назаримда, чўткани бекорга бунчалик шитоб билан учиряпман, бунақа тезликда теварак-атрофни тузукроқ кузата олмайман ҳам, парвоздан лаззатлана олмайман ҳам, деб кўнглидан ўтказди...

Маргарита чўтканинг бош томонини олдинга итарган эди, унинг дастаси — думи юқори кўтарилди, шунда у учишни секинлатиб, ер сари пастлай бошлади. Мана шу, худди самовий чанада учгандай пастга сирпаниб тушиш унга энг зўр ҳузур бағишлади. Ер Маргарита сари кўтарилиб келаркан, унинг шу пайтгача мавҳум бўлган қоп-қора сатҳидаги сирли жиҳатлари очилиб, жамики жозибалари ойдин тунда яққол кўзга ташлана бошлади. Ер Маргаритага яқинлашиб келар ва унинг димоғига эндигина яшил либос кия бошлаган ўрмонлар ҳиди уфураётган эди. Маргарита шудрингли ўтлоқни буркаган туман устидан, сўнг бир кўл узра сузиб ўтди. Маргаританинг оёғи остида қурбақалар баралла қуриллашар, қаердадир, жуда олисда поезд негандир юракни ҳаяжонга солиб пишиллаб борарди. Маргарита кўп ўтмай ўша поездни ҳам кўрди.

У ҳавога учкунлар сачратиб, худди пилла қурти каби имиллаб кетиб борарди. Маргарита ундан ўзиб кетиб яна бир кўл устидан учиб ўтди (бу кўл сатҳида яна битта ой порлаб турарди), яна ҳам пастлаб, азим қарағайларнинг учларига оёқлари тегай-тегай деб уча бошлади.

Шу пайт орқадан ҳавони тариллатиб йиртаётгандай мудҳиш шовқин эшитидди, бу шовқин Маргаритага тобора яқинлаб кела бошлади. Худди учиб келаётган замбарак ўқини эслатувчи бу шовқинга аёл кишининг анча чақиримга эшитилувчи қаҳқаҳаси аста-секин омихта бўла бошлади. Шунда Маргарита орқасига ўгрилиб, мавҳум бир қора қоришмани кўрди. Бу қоришма анча яқинлашиб келганида унинг бир нимага миниб олган одам эканлиги аён бўлди. Яна бир оздан кейин у одамнинг кимлиги ҳам маълум бўлди. Бу — Наташа эди. У Маргаритага етиб олиб, тезликни камайтирди.

Сочлари шамолда тўзиб кетган қип-яланғоч Наташа бир семиз тўнғизга миииб олган эди, тўнғиз олдинги туёқларига портфель ушлаб олган, орқа туёқлари билан жон ҳолатда тинмай тепинарди. Унинг кўзидан тушиб, ипига илиниб қолган пенсени ахён-ахёнда ой шуъласида

ярақлаб қўяр, шляпаси эса ҳадеб кўзига тушиб кетаверарди. Маргарита тўнғизга тикилиброк қараб, уни таниди, бу — Николай Иванович эди. Ана шунда Маргаританинг қаҳқаҳаси ўрмон узра янграб, Наташанинг хандасига қоришиб кетди.

— Наташка! — деб чинқирди Маргарита, — ёғупа сурдингми сен ҳам?

— Айланиб кетай сиздан! — деб жавоб қилди Наташа ўз ҳайқириғи билан мудроқдаги қарағайзорни уйғотиб, — о менинг француз қироличам, мен манавининг ҳам кал бошига сурган эдим ёғупадан!

— Маликам! — деб бўқирди тўнғиз йиғлоқи овоз билан устига минган сувори аёлни шаталок отиб учириб бораркан.

— Тасаддуқ! Маргарита Николаевна! — деб чинқирарди Наташа ўз бекаси билан ёнма-ён учиб бораркан, — рост, ёғупангизни олдим. Ахир бизам одаммиз — яшашни, учишни хоҳлаймиз! Мени кечиринг, маликам, энди мен қайтмайман, ўлсам ҳам қайтмайман! Вой, қандай яхши-я, Маргарита Николаевна! Менга уйланмоқчи, — деди Наташа хижил бўлиб хишиллаб бораётган тўнғизнинг гарданига бармоғи билан ниқтаб, — уйланмоқчи! Мени нима деб чақирдинг, а? — деб чинқирди у тўнғизнинг қулоғига ? энгашиб.

— Маъбуда, — деб хуриллади тўнғиз, — мен бундай тез уча олмайман! Муҳим қоғозлар сочилиб кетиши мумкин. Наталья Прокофьевна, мен норозилик билдираман.

— Э, жин урсин сени, қоғоз-поғозларинг билан бирга! — деб чийиллади Наташа густоҳона хахолаб.

— Секинрок, Наталья Прокофьевна! Ахир биров эшитиб қолиши мумкин-ку! — деб бақирди тўнғиз ёлвориб.

Наташа Маргарита билан ёнма-ён учиб бораркан, бекаси учиб кетганидан кейин унинг уйида нималар бўлганини кула-кула гапириб берди.

Наташа, совға қилинган буюмларнинг биронтасига ҳам бошқа қўл урмай, дарҳол кийимларини ечиб тахлабдию, ёғупага отилипти, сўнг уни апил-тапил баданига сура бошлапти. Қараса, бекасида юз берган ўзгариш унда ҳам содир бўлипти. Наташа суюнганидан хандон ташлаб кулиб, ўзининг кўзгуда акс этган мўъжизакор гўзаллигидан сармаст бўлиб турганида, эшик очилиб, остонада Николай Иванович пайдо бўлипти. У Маргарита Николаевнанинг кўйлагини ва ўзининг шляпаси билан портфелини қўлида ушлаганча қаттиқ ҳаяжонланиб турганмиш. Унинг кўзи Наташага тушиптию эси оғиб қолипти. Сўнг бир оз хушини йиғиб олиб, чўғдек қизарганча, ғўлдирапти:

— Шу кўйлакни ердан кўтариб, шахсан олиб чиқишни ўз бурчим деб билдим.

— Боя нима деб айтдинг, ярамас, а? — деб чийиллар ва хандон ташлаб куларди Наташа. — Нималар дединг, нима деб йўлдан урдинг мени! Жарақ-жарақ пул ваъда қилдинг. Клавдия Петровна билмайди, деб айтдинг. Нима, ё гапим ёлғонми? — деб чинқирарди Наташа тўнғизга, у эса хижил бўлиб, тумшуғини четга бурарди.

Наташанинг шўхлиги тутиб кетиб, бехосдан Николай Ивановичга ҳам ёғупа сурипти, суриптию ажаблангандан донг қотиб қолипти. Пастки қаватда ишовчи бу муҳтарам зотнинг юзи буришиб, чўчка тумшуғига айланипти, қўл ва оёқларидан туёқлар ўсиб чиқипти. Шунда Николай Иванович кўзгута қарапти-ю жон аччиғида алам билан чинқириб юборипти, аммо фурсат ўтган эди. Яна бир неча сониядан кейин у бошига тушган мусибатдан юм-юм йиғлаганча, устига Наташани миндирибди-ю, Москвадан аллақайси томонга шамолдек учиб кетипти.

— Мени аввалги асл қиёфамга қайтаришингизни талаб қиламан! — деди у хирқироқ овоз билан ё ғазабланиб, ё ёлбориб, сўнг хурхурлай бошлади, — мен ғайриқонуний йиғинда иштирок этишни истамайман! Маргарита Николаевна, сиз уй ходимангизни тартибга чақиршингиз керак.

— Э, ҳа, дарров сенга мен уй ходимаси бўлиб қолдимми? Уй ходимаси дегин? — деб

чийилларди Наташа тўнғизнинг қулоғидан чимчилаб-чимчилаб оларкан, — боя маъбуда деб атовдингми? Отимни нима девдинг?

— Венера! — деди йиғламсираб тўнғиз, у тошлар орасидан жилдираб оқаётган жилға узра учаркан, туёқлари билан ёнғоқ бутасини шитирлатиб ўтди.

— Венера! Венера! — деб мағрурона чинқирди Наташа бир қўлини белига қўйиб, иккинчи қўлини ой томон чўзганча, — Маргарита! Қироличам! Илтимос қилиб кўринг, мени шу алвастилигимча қолдиришсин. Айтганингиз — амри вожиб, сиз ахир ҳоқимасиз!

Шунда Маргарита:

— Яхши, сўз бераман! — деб жавоб қилди.

— Раҳмат! — деб чинқирди Наташа ва бирдан шиддатли ва аллақандай маҳзун оҳангда бақирди: — Ҳей! Ҳей! Тезроқ! Тезроқ! Қани бир шаталоқ от-чи! — У тўнғизнинг жон ҳолатда елиб-югуриш оқибатида ич-ичига ботиб кетган биқинига товонлари билан ниқтаган эди, тўнғиз яна ҳавони чок қилиб яшиндай олға отилдики, бир лаҳза ўтар-ўтмас Наташа олисда қора бир нуқта бўлиб кўринди, кейин эса мутлақо кўздан ғойиб бўлиб, шарпаси ҳам ўчди.

Маргарита хувиллаган, нотаниш жойларда, тепаликлар узра бояги-боягича аста-секин учиб борарди: бу тепаликларда ўсган сийрак азим қарағайлар орасида у ер-бу ерда харсангтошлар ётарди. Маргарита учиб бораркан, ҳозир Москвадан жуда ҳам олислаб кетган бўлсам керак, деб ўйларди. У минган чўтка энди қарағайлар устидан эмас, балки бир томони ой шуъласидан кумуш рангда товланаётган дарахтлар орасидан учиб борарди. Унинг энгил сояси ерда, ўзидан анча олдинда ўрмалаб борарди — энди ой Маргаританинг елкасига ёғду сочарди.

У сув яқинлигини сизди, демак манзил шу ўртада. Маргарита қарағайлар орасидан учиб чиқиб, бўржар лабига оҳиста учиб келди. Жарнинг ой шуъласи тушмаган тубида дарё оқарди. Бу тикка жар этагида туман буталар шохига илиниб турар, дарёнинг нариги соҳили эса ясси ва паст эди. У ерда бир тўп бўлиб ўсган аллақандай сершоҳ дарахтлар остида ёнаётган гулхандан учқунлар чатнар ва қандайдир шарпаларнинг изғиб юргани кўринарди. Маргаританинг қулоғига ўша ёқдан ғашга тегувчи аллақандай шўх музыка эшитилгандай бўлди. Ундан нарида — то кўз етгунгача ойнанинг кумуш шуъласига ғарқ бўлган текис даштда на бирон қулба, на қилт этган жонзод кўринарди.

Маргарита жар ёқасидан пастга сакраб, зум ўтмай ўзини дарё бўйида кўрди. Самовий парвоздан сўнг унинг чўмилгиси келди. У чўткани бир четга отиб юбориб, югуриб келиб сувга шўнғиди. Унинг қушдай энгил жисми мавжларга мисоли камон ўқидай ботиб, оламжаҳон сув устунини деярли ойга қадар сачратди. Сув худди ҳаммомдагидек илиқ экан, Маргарита сув қаъридан кўтарилиб, дарёда ҳеч зоғ йўқлигидан фойдаланиб, роса мириқиб сузди...

Маргарита охири соҳилга чикди. Унинг бадани чўмилиш оқибатида қизиб кетган эди. Энди у ҳеч қандай чарчоқ сезмай, жикка хўл майса устида шодликдан ўйин туша бошлади...

Кейин у қаттиқ ҳуштак чалган эди, олдига чўгқаси учиб келди, у чўткага миниб олиб, дарё устидан нариги соҳилга учиб ўтди. Бўр тоғининг сояси бу ерга етмаган, шу боис бутун соҳил ой ёғдусига ғарқ бўлиб ётарди.

Маргаританинг оёғи шудринг инган ўтлоққа тегиши билан самбиттоллар остида чалинаётган музыка баландроқ янгради ва гулхан учқунлари шода-шода бўлиб янада шўхроқ чатнади. Навдаларига нафис ва момик кучалалар осилган самбиттоллар остида икки қатор тизилишиб ўгирган лунждор бақалар худди резинкадан ясалгандай, гоҳ шишиб, гоҳ пучайиб, ёғоч сурнайларда шўх бир маршни чалардилар. Бу машшоқлар қаршисида тол наваларига осилган ялтироқ чўқақлар ноталарни ёритар, бақаларнинг башараларида гулханнинг саросимали шуъласи ўйнади.

Марш Маргарита шаънига чалинаётган эди. У ниҳоятда зўр тантана билан кутиб олинди. Дарё сатҳида давра қуриб ўйнаётган тиаффоф бадан сув парилари ўйинни тўхтатиб, сув ўтларини силкиб Маргаритапи қутлай бошладилар, шунда хувиллаган нимяшил соҳилда

уларнинг ингровчи саслари янграб, акс-садоси жуда олисларга зшитилди. Яланғоч алвастилар самбиттол орқасидан югуриб чиқиб, бир қаторга тизилишди ва сарой хонимларига хос тавозе билан тиз букиб таъзим қила бошлашди. Битта такатуёқ жонзод елиб келиб, Маргаританинг кўлидан ўпди, дарҳол ерга шоҳи поёндоз ёзиб, қироличам чўмилиб енгил тортдиларми, деб сўради ва ёнбошлаб ҳордиқ чиқаришни таклиф қилди унга.

Маргарита ҳам таклифни қабул этди. Шунда такатуёқ унга бир қадах шампан виноси тутди. Маргарита винони ичиб юборган эди, дарҳол кўнгли гулдай яшнаб кетди. У Наташани суриштирган эди, унинг чўмилиб бўлиб, ўз тўнғизига минганча яна Москвага учиб кетганини айтишди: у тезроқ бориб, Маргаританинг келаётгани ҳақида дарак бериши ва унинг учун либос ҳозирлашда кўмаклагани лозим экан.

Маргарита ҳам самбиттоллар тагида узоқ ўтирмади... Ҳамма сафарга шайлана бошлади. Сув парилари ой нурида ўз рақсларини ниҳоясига етказдилар ва аста кўздан ғойиб бўлдилар. Такатуёқ махлуқ Маргаритадан, дарё бўйига нимада келдингиз, деб тавозе билан сўради. Унинг чўтка миниб келганини эшитиб:

— О, ахир бу нокулай-ку, — деди бир лаҳзада иккита шох булоғидан аломат телефон ясади-да, кимдандир шу оннинг ўзида машина юборишни талаб қилди, талаб ҳам бир дақиқа ичида бажарилди. Оролга усти очик оч малларанг машина учиб тушди, лекин рулда расмана шофёр эмас, балки клеёнка фуражка, кўлларига оғзи кенг кўлқоп кийган тумшуғи узун қоп-қора қарға ўтирарди. Орол ҳувиллай бошлади. Учиб кетган алвастилар порлаган ой шуъласида эриб йўқ бўлишди. Гулхан ўчиб, қўр устини кул боса бошлади.

Такатуёқ Маргаританинг машинага чиқишига кўмаклашди, у кенг орқа ўриндиққа чўкди. Машина ғувиллаб бир сакради-ю, баландга, деярли ойгача кўтарилди, орол ҳам, дарё ҳам ғойиб бўлди, Маргарита Москва томон ғизиллаб учиб кетди.

Йигирма иккинчи боб

ШАМЛАР ЁРУҒИДА

Осмону фалакда учиб бораётган машинанинг бир текисда гувиллаши Маргаритани аллалар, ой шуъласи эса оромбахш ҳарорати билан уни иситарди. У кўзини юмиб, юзини шамолга тутди ва ҳозиргина ўзи тарк этган нотаниш дарё соҳили ҳақида ҳасрат билан ўйлай бошлади, негаки, у ерни энди ҳеч қачон кўрмаслигини кўнгли сеза бошлаган эди. Бугун кечкурун содир бўлган барча сеҳру мўъжизалардан сўнг Маргарита кимнинг ҳузурига меҳмонга кетаётганини фаҳмлай бошлаган эди, бироқ бу ҳол уни чўчитмасди. Ўша ерда ўз бахтига қайта мушарраф бўлиш умиди уни довюрак қилган эди. Лекин унинг бахт тўғрисида узоқ вақт хаёл суришига имкон бўлмади. Маргарита бир оз муҳлатдан сўнг кўзини очиб, қарғанинг моҳир ҳайдовчи бўлганиданми, ё машинанинг ниҳоятда учқурлигиданми, ҳар қалай пастда энди зулматга бурканган урмонни эмас, ҳаммаёғи милт-милт чироқ бўлган Москвани кўрди. Қора куш — шофёр парвоз пайтида машинанинг оддинги ўнг ғилдирагини бураб бўшатиб олди, кейин уни Дорогомиллово районида, қандайдир жуда хилват бир қабристонга кўндирди. Сўнг у чурқ этмай ўтирган Маргаритани чўткаси билан бирга бир қабр тоши ёнида ерга тушириб, машинани қабристон этагидаги жарга итариб юборди. Машина тубсиз жарг а гумбураб тушиб, тилка-тилка бўлиб кетди. Қарға эса Маргаритага эҳтиром билан честь бериб, ғилдиракка минди-да, учиб кетди.

Шу заҳоти бир қабр тоши орқасидан қора плашли шарпа чиқиб келди. Унинг сўйлоқ тиши ой нурида ялт этиб кетди-ю, Маргарита дарров Азazelлони таниди. У Маргаритага имо қилиб чўткага минишни таклиф қилди, ўзи узун қиличга минди, шу заҳоти икковлари осмонга ўқдай учишди-ю бир неча сониядан сўнг Садовая кўчасидаги 302-бис уйининг олдида ерга кўнишди.

Уларни ҳеч ким сезмади.

Қўлтиқларига чўтка билан қилич қистириб олган бу икки ҳамроҳ бостирма остига киришганида Маргаританинг кўзи кимнидир зориқиб кутиб ўтирган **кеп-**,| ва қўнжи баланд этик кийган бир одамга тушди. Азazelло билан Маргарита енгил қадам ташлаб, оёқ учида юриб ўтган бўлишса ҳам, у одам шарпани эшитди, лекин қандай жонзоднинг шарпаси эканлигини тушунолмай саросимада бир сесканиб қўйди.

Кейин улар олтинчи йўлак эшиги олдида бояги бостирмадаги одамга худди қуйиб қўйгандек ўхшовчи иккинчи одамни учратишди. Бу ерда ҳам бояги воқеа такрорланди. Оёқ товушлари... Одам безовталаниб, ўгрилиб қаради ва ўшшайиб олди. Лекин йўлак эшиги очилиб-ёпилганини кўриб, шарпалар орқасидан ўша томонга отилди, ичкарига кириб, ҳар ёққа олазarak бўлиб қаради, аммо, турган гапки, ҳеч нимани кўрмади.

Нусхаси иккинчидан, демакки, биринчидан ҳам, олинган учинчи одам учинчи қаватдаги майдончада навбатчилик қиларди. У тутуни аччиқ папирос чекиб ўтирарди, шу боис Маргарита унинг ёнидан ўтаётганда йўталиб юборди. Кашанда худди бир нима чакқандек ўриндикдан сапчиб туриб кетди, саросимада атрофига аланг-жалаанг қарай бошлади, зина панжараси оша энгашиб пастга кўз ташлади. Бу маҳал Маргарита ўз ҳамроҳи билан 50-квартиранинг эшиги олдига етиб олган эди. Қўнғироқ қилиб ўтиришмади, Азazelло ўз калити билан эшикни товушсиз очди.

Маргаритани ҳайратга солган биринчи нарса зулмат бўлди. Дахлиз худди ер қаъри билан зим-зиё эди, шунинг учун Маргарита қоқилиб кетишдан кўрқиб, беихтиёр Азazelлонинг плашидан маҳкам ушлаб олди. Лекин шу пайт жуда олисда, юқорида бир шамчироқнинг милт-милт ёнаётгани кўринди, кейин у шуъла яқинлашиб кела бошлади. Азazelло кета туриб Маргаританинг қўлтиғидан чўткани тортиб олди, чўтка шу заҳоти зулмат қўйнида товушсиз ғойиб бўлди. Энди улар қандайдир кенг пиллапоялардан юқорига кўтарилди бошладилар, Маргаритага бу пиллапоянинг охири йўқдек туюларди. Москвадаги оддий бир квартиранинг дахлизига бу кўринмас, аммо мавжудлиги аниқ ҳис этиб турилган ғайриоддий ва ҳудудсиз зинанинг сиғгани Маргаритани ҳайратга соларди. Бироқ шу пайт зина тугаб, Маргарита ўзини унинг юқори майдончасида турганини сизди. Бояги чироқ шундоққина Маргаританинг юзи олдига яқинлашиб келди-ю, у қўлида шамчироқ ушлаб турган қора ва дароз бир одамнинг юзини кўрди. Шу кейинги кунларда бу одамга рўпара келган шўрпешоналар ҳатто шу зўрға милтиллаб ёнаётган шамчироқ ёруғида ҳам уни ганиган бўлардилар, албатта. Бу Коровьёв, яъни Фагот эди.

Тўғри, ҳозир унинг ташқи қиёфаси жуда ўзгарган эди. Аллақачон ахлатга ташлаб юбориш лозим бўлган шишаси синиқ пенсне ўрнига у энди монокль тақиб олган эди, аммо бу ҳам дарз кетган бўлиб, шамчироқ шуъласи шу шишада акс этарди. Бу суллоҳ мўйлабини гажак қилиб бураган ва мойлаган эди, унинг қоралигига келсак, эгнига фрак кийганлигидан шунақа эди, холос. Фақат кўкрагигина оқариб кўринарди.

Бу сеҳргар, регент, жодугар, таржимон — хуллас, аслида кимлигини шайтон ҳам билмайдиган Коровьёв шамчироқ ушлаган қўлини кенг ёйиб Маргаритага таъзим қилди ва уни ўзи билан юришга даъват эди. Азazelло ғойиб бўлди.

«Одам ҳайрон қоладиган оқшом, — деб ўйларди Маргарита, — бунақа бўлишини ҳеч тасаввур қилмаган эдим! Нима бало, электрлари ўчиб қолганми дейман? Лекин ҳаммадан ҳам хонанинг ҳажми мени ҳайрон коддирыпти. Шу нарсаларнинг ҳаммаси қандай қилиб Москванинг оддий квартирасига сиғиши мумкин? Бунга сира-сира ақл бовар қилмайди».

Коровьёвнинг қўлидаги шамчироқ жуда хира ёпаётган бўлса ҳам, Маргарита ўзининг ниҳоятда улкан залда, яна беҳисоб маҳобатли қора устунлари кўз илғамас ергача тизилиб кетган залда турганлигини тушунди. Коровьёв кичкина бир диван олдида тўхтаб, шамчироқни шу ердаги баланд курси устига қўйди, имо билан Маргаритани ўтиришга таклиф қилиб, ўзи ҳам

унинг ёнига ўтирди ва худди суратга тушаётган одамдай савлат билан тирсагини курсига қўйди.

— Ижозатингиз билан сизга ўзимни танитсам, — деди Коровьёв беўхшов овоз билан, — Коровьёвман. Чироқ йўқлигидан хайрон бўляпсизми? Иқтисод деб ўйлаган бўлсангиз керак? Йў-йў-йўқ, асло. Агар шунақа бўлса, биринчи тўқнаш келган жаллод, чунончи, бугун, ҳали бир оздан кейин сизнинг тизангизни ўпишга мушарраф бўладиган жаллодлардан бири шу курси устида бошимни танамдан жудо қилсин. Сабаб, мессир хуш кўрмайдилар электр нурини, биз уни энг охириги дамда ёқамиз. Ана унда, ишончингиз комил бўлсин: ҳаммаёқ керагидан ортик ёритилиб юборилади.

Коровьёв Маргаритага ёқди, шанғи жавраши унинг кўнглига таскин берди.

— Йўқ, — деб жавоб қилди Маргарита, — мана шунча нарсанинг (у қўлини чўзиб, залнинг бепоёнли-гини ифодалади) оддий бир квартирага қандай сикқани кўпроқ хайратга соляпти мени.

Коровьёв ёқимли жилва қилган эди, бурни атрофидаги соялар қимирлаб кетди.

— Бундан осон нарса йўқ! — деб жавоб қилди у. — Бешинчи ўлчов назариясидан бохабар бўлганлар учун ўз хонасини кўнгли тусаган ҳажмда кенгайтириш хамирдан қил суғуришдай гап. Ҳа, ҳа, муҳтарама соҳибам, ақл бовар қилмайдиган даражада кенгайтириш мумкин! Дарвоқе, мен, — деб жаврашда давом этди Коровьёв, — наинки бешинчи ўлчов назариясидан, балки, умуман ҳеч вақодан хабари бўлмаган, аммо шунга қарамай, ўз квартираларини кенгайтириш борасида энг баркамол мўъжизалар яратган одамларни биламан. Чунончи, менга ҳикоя қилиб беришган эди, шахарлик бир киши Земляной валда уч хонали квартира олиб, ҳеч қандай бешинчи ўлчов назарияси ва ўзга эсни оғдириб қўювчи найрангларсиз, ҳаш-паш дегунча, квартирасини тўрт хонали қилган — хоналардан бирининг ўртасидан девор олиб.

Кейин уни Москванинг бошқа-бошқа районидаги иккита алоҳида (бири — уч, иккинчиси — икки хонали) квартирага айирбошлаган. Мана сизга — бешта хона. Кейин ўша уч хонали квартирасини иккита икки хоналига алмаштириб, ўзингиз кўриб турибсизки, олти хонага эга бўлган. Шунда у, Москванинг турли районларидаги олти хонадан иборат ўша квартираларини Земляной валдаги битта беш хонали квартирага алмаштирмоқчи бўлгани ҳақида газетага эълон бериб, энг охириги ва энг ғаройиб найранг қилмоқчи бўлиб турганида, бирдан бу фаолияти унга дахлдор бўлмаган сабабларга кўра, таққа тўхтаб қолган. Тўғри, ҳозир ҳам у бирон-бир хонага жойлашган, албатта, лекин сизни ишонтириб айтаманки, у хона Москвадан ташқарида бўлиши керак. Кўрдингизми, қанақа олғирлар бор, сиз бўлсангиз бешинчи ўлчовни гапириб ўтирибсиз.

Бешинчи ўлчов ҳақида гап очган Маргарита эмас, Коровьёвнинг ўзи эди, шунга қарамай, Маргарита квартира алмаштирувчи учарнинг саргузаштларини эшитиб, шўх кулиб юборди. Коровьёв давом этди:

— Мақсадга ўтайлик, Маргарита Николаевна. Сиз ғоят оқила аёлсиз, шунга кўра, соҳибимизнинг кимлигини фаҳмлаган бўлишингиз керак.

Маргаританинг юраги «шув» этиб кетди, у индамай бош ирғатди.

— Ана, тушунибсиз, — деди Коровьёв, — биз ҳар қандай чала-ярим, мавҳум гапларга қаршимиз. Сираси, мессир ҳар йили бир марта бал берадилар. У баҳорги тўлиной бали ёхуд юзта қирол бали деб аталади. Тумонат одам келади! Ҳали бунга ўзингиз шоҳид бўласиз. Қисқаси: мессир бўйдоқ — буни ўзингиз ҳам гушуниб турган бўлсангиз керак. Бироқ бека йўқ, — Коровьёв қўлларини ёйди, — ўзингиздан қолар гап йўқ, қандай қилиб бал бекасиз...

Маргарита Коровьёвнинг ҳар битта сўзини ниҳоятда диққат билан тингларкан, калбининг теран ери увишгандай бўлди — ўз бахтига эришиш умиди унинг бошини айлантирарди.

— Бизда анъана бўлиб қолган, — деб гапида давом этди Коровьёв, — бал бекасининг исми албатта Маргарита бўлиши керак, бу биринчидан, иккинчидан эса, бал бериладиган ерда туғилган бўлиши шарт. Кўриб турибсизки, биз жаҳонгашталармиз, бу сафар, Москвада манзил курдик. Бу ерда биз юз йигирма битта Маргаритани учратдик, лекин ишонасизми, — деб

Коровьёв ҳафсаласи пир бўлиб ўз сонига «шап» этиб урди, — биттаси ҳам тўғри келмади. Ва ниҳоят, бизга бахт кулиб бокдию...

Коровьёв қаддини эгиб, маънодор жилмайди, шунда Маргаританинг юраги бир орзиқиб тушди.

— Қисқа қиламан! — деди Коровьёв, — энг қисқаси: шу масъулиятни зиммангизга олинг десак, йўқ демайсизми?

— Йўқ демайман, — қатъий жавоб қилди Маргарита.

— Албатта-да! — деди Коровьёв ва шамчирокни баланд кўтариб илова қилди: — Марҳамат, мен билан юринг.

Улар икки қатор бўлиб тизилган устунлар орасидан юриб бориб ниҳоят бошқа бир залга ўтишди, бу ерда ўткир лимон ҳиди димокқа урилди, алланималарнинг қитирлагани эшитилди, бунинг устига яна Маргаританинг бошига аллақандай шарпа тегиб ўтди. У сесканиб кетди.

— Кўркманг, — деб мулоим оҳангда тасалли берди Коровьёв, Маргаритани қўлтиқлаб оларкан, — бу Бегемотнинг балолди найранглари, холос. Умуман, мен сизга, Маргарита Николаевна, ҳеч қачон, ҳеч нимадан қўркмасликни маслаҳат беришга журъат этмоқчиман. Кўркиш телбалик. Сиздан яшириб ўтирмайман — бал ниҳоятда дабдабали бўлади. Биз, ҳукмронлик ҳудуди ўз вақтида бениҳоя улкан бўлган шахсларни кўрамиз. Аммо уларнинг имкониятларини камина муқарриби бўлиш бахтига мушарраф бўлган зотнинг имкониятларига муқояса қилинса, у денгиз олдида бир томчи ҳам бўла олмайдики, буни ўйласанг кулгинг келади, ҳатто, сизга айтсам, хафа бўлиб кетасан...

Шу чоқ Коровьёв шамчирокқа қараб пуфлаган эди, у ғойиб бўлди-ю, Маргарита ўз оёғи остида қандайдир эшик остидан тушиб турган чироқ шуъласини кўрди. Коровьёв ана шу эшикни оҳиста тақиллатди. Маргарита жуда қаттиқ ҳаяжонланганидан тишлари такиллаб, бадани жимирлаб кетди. Эшик очилди. Бу мўъжазгина хона эди. Маргарита бу ерда эмандан ясалган кенг бир каравот, каравот устида ғижимланган искирт чойшаб ва ёстиқ кўрди. Каравот олдида оёқлари жимжимадор эман стол, унинг устида шам уялари куш панжаларини эслатувчи чилчироқ бўлиб, унинг еттита олтин панжасида йўғон шамлар ёниб турарди. Бундан ташқари, столда яна доналари ниҳоятда зўр маҳорат билан ишланган каттакон шахмат тахтаси бор эди. Эскириб, тақир бўлиб кетган бир гиламча устида пасттаккина скамейка турарди. Бу ерда яна бир стол бўлиб, унинг устига қандайдир олтин коса ва бошқа бир чилчироқ қўйилган эди. Бу чилчироқнинг шохлари илонга ўхшатиб ясалган эди. Хонадан олтингугурт ва қатрон ҳиди келар, чироқларнинг кўланкалари ерда бир-бирини кесиб ўтган эди.

Бу ерда ҳозир бўлганлар орасида Маргарита Азazelлони бир кўришдаёқ таниди, у каравотнинг бош томонида турар ва энди эгнига фрак кийиб олган эди. У Маргаритага бағоят назокат билан таъзим қилди, зеро у Александр боғида Маргаританинг қошига қароқчи қиёфасида келган Азazelлога асло ўхшамас эди энди.

Варьетенинг мўътабар буфетчисини қаттиқ хижолат қилган ва машъум сеанс берилган тунда, яхшиямки, хўроз қичқириб қолиб, чўчиб кетган ўша яланғоч алвасти, яъни Гелла каравот ёнида ерга ёзилган гиламчада ўтириб, олтингугурт буғи чиқиб турган кастрюлда алланимани хамирга ўхшатиб қорарди.

Булардан ташқари, шахмат столи ёнидаги баланд курсида ҳирсдай келадиган бир қора мушук ўнг панжасида асп донасини ушлаб ўтирарди.

Гелла ўрнидан кўзғалиб, Маргаритага таъзим қилди. Мушук ҳам курсидан сакраб тушиб, орқа ўнг оёғини олдинга суриб, меҳмонга таъзим қиларкан, бирдан донани панжасидан тушириб юборди ва уни қидириб каравот тагига эмаклаб кириб кетди.

Буларнинг барини, кўрқувдан донг қотиб қолган Маргарита шамлардан тушган бозингар кўланкаларда элас-элас кўрди. У кўзини тўшакдан уза олмай қолганди: бечора Иван — яқиндагина Патриарх кўлида, шайтон йўқ, деб ишонтирмоқчи бўлган кимса, яъни ўша йўқ

нарса ҳозир каравотда ўтирарди.

Икки кўз: тубида ҳар қандай юракнинг энг теран еригача тешиб киришга қодир заррин учкун порлаб турган ўнг кўз билан игнанинг тешигини ёхуд ҳар қандай зулмат ва қора кўланканинг тубсиз қаърини эслатувчи зиёсиз ва қора чап кўз Маргаританинг юзига қаттиқ тикилган эди. Воланднинг юзи бир ёнга қийшайиб кетган, оғзининг ўнг чети пастга осилган, сочлари тўкила бошлаганидан кенг бўлиб кўринган пешонасида ингичка қошлари билан бир текисда чуқур-чуқур ажинлар чўзилган эди. Унинг юзи офтобдан мангу қорайгандай туюларди.

Эгнига исқирт, чап елкасига ямоқ тушган узун тунги кўйлақдан бошқа ҳеч нима киймаган Воланд ялпайиб ўтирарди. У бир оёғини тагига босиб олган, иккинчисини узатиб скамейкага кўйган эди. Мана шу қорайган оёғининг тиззасини Гелла тутаб турган аллақандай малҳам билан ишқаларди.

Бу ғира-ширада Маргарита яна Воланднинг ёли йўқ кўкрагида қора тошдан моҳирона ясаиб, устига аллақандай ёзувлар ёзилган бир кўнғизни кўрди, у тилла занжирга осилган эди. Воланднинг ёнида тўшакда вазмин ўрнатилган аломат бир глобус турардики, унинг жони борга ўхшар ва бир биқини қуёш билан ёритилгандек туюларди.

Сукут бир неча лаҳза давом этди. «Мени кузатяпти», — деб ўйлади Маргарита ва ўз ирода кучи билан тиззаларининг қалтирашини босишга ҳаракат қилди.

Ниҳоят Воланд жилмайиб гап бошлаган эди, унинг учкун чакнаб турган кўзи «пов» этиб ёнгандай бўлди.

— Хуш келибсиз, қиролича, ва лекин мени афв этгайсиз хонаки либосда бўлганим учун.

Воланднинг овози шу қадар сўниқ, паст эдики, айрим сўзлар зўрға хириллаб чикди.

У тўшакда ётган узун қилични олди-да, каравот остига тикиб кавларкан, деди:

— Бўлди, чиқ! Ўйин бекор қилинади. Меҳмон келди.

— Зинҳор бекор қилманг, — деб суфлёрга ўхшаб пичирлади Коровьёв Маргаританинг кулоғига.

— Зинҳор бекор қилманг... — деб гап бошлади Маргарита.

— Мессир... — деб пичирлади яна Коровьёв унинг кулоғига.

— Зинҳор бекор қилманг, мессир, — деди ўзини тутиб олган Маргарита оҳиста, аммо аниқ қилиб, сўнг жилмайиб туриб илова қилди: — Ўйинни тўхтатмаслигингизни илтижо қиламан. Ўйлайманки, шахмат журналлари шу партиангизни чоп қилгудек бўлсалар, дурустгина гонорар тўлаган бўлардилар сизга.

Азазелло унинг гапини маъқуллаб, оҳиста томоқ кириб қўйди, Воланд эса Маргаритага диққат билан тикилиб туриб, қўлини чўзди ва уни имлаб ўз ёнига чақирди. Маргарита ялангоёқлари остида полни сезмай унга яқин борди. Воланд ўзининг зиддай оғир, айна пайтда чўғдек қайноқ қўлини Маргаританинг елкасига қўйиб, уни ўзига тортди ва ёнига, каравотга ўтқазди.

— Баски, бизга бундай камоли илтифот кўрсатаётган экансиз, — деб гапира бошлади у, — ўзим ҳам шундай бўлади деб ўйлаган эдим, унда биз такаллуфни йиғиштириб қўямиз. — У яна каравот остига энгашиб қичқирди: — Токайгача давом этади бу каравот остидаги майнавозчилик? Қани чиқ, бадбахт масхарабоз!

— Аспни топа олмаяпман, — деб бўғиқ сохта овоз билан жавоб қилди каравот остидан мушук, — қаёққадир қочиб кетипти, унинг ўрнига аллақандай қурбақа кўлимга илинди.

— Бу ер сенга бозор эмас — бас қил масхарабозликни! — деди Воланд гўё аччиғланаётгандай бўлиб. — Каравот остида ҳеч қанақа қурбақа йўқ эди! Бу уч пулга қиммат найрангбозлигингни Варьете учун асраб қўй. Агар ҳозирок чикмасанг, сени ютқазди деб ҳисоблаймиз, лаънати қочоқ.

— Таслим бўлиш йўқ, мессир! — деб бақириб юборди мушук ва шу захоти панжасида асп донасини ушлаганча каравот остидан чикди.

— Марҳамат, танишинг... — деб гап бошлади Воланд, аммо ўз сўзини бўлиб деди: — Йўқ, кўргани кўзим йўқ бу тавияни, қаранг, не кўйга солиб чиқипти ўзини каравот тагидан.

Бу аснода бошдан-оёқ чанга беланган мушук орқа оёқларида туриб, Маргаритага таъзим бажо қиларди. Энди унинг бўйнига фрак билан тақиладиган оқ галстук боғланган, кўкрагига аёлларнинг садаф дурбини осилган эди. Бундан ташқари, мушукнинг мўйлови заррин рангга бўялган эди.

— Ахир бу нима қилганинг? — деди Воланд, — нега энди мўйлавингни зарҳалладинг? Кейин, галстукка бало борми, эгнингда иштонинг бўлмагандан кейин?

— Мушук иштон киймайди, мессир, — виқор билан жавоб қилди мушук, — хали яна менга этик кийгин деб ҳам айтарсиз? Этик кийган мушук фақат эртақларда бўлади, мессир. Лекин бирон-бир жонзоднинг балга галстук тақмай келганини кўрганмисиз? Мен жамоа олдида шарманда бўлишни ҳам, гарданимга муштлаб балдан қувиб чиқаришларини ҳам истамайман! Ҳар ким баҳоли қудрат ясанади. Бу гапимни дурбинга ҳам дахлдор деб ҳисоблайверинг, мессир!

— Ахир мўйловинг-чи?...

— Ҳайронман, — деб куруқкина эътироз билдирди мушук, — нега энди Азazelло билан Коровьёв соқол-мўйловларини олишганидан кейин оқ упа се-пишлари мумкин-у, хмен мўйловимга олтин упа сепишим мумкин эмас, бундан оқ упанинг нимаси афзал? Агарда мен мўйловимни устарада қирсам эди, унда гап қилишинглар мумкин эди! Чунки мўйлови қирилган мушук — чинданам ғирт бемаънилик, буни минг карра эътироф этишга ҳам тайёрман. Лекии, умуман олганда, — шу ерга келганда мушукнинг хўрлиги келиб, овози қалтираб кетди, — кўриб турибман, менга тирғиладиган бўлиб қолишди, бинобарин, олдимда, умуман мен балда бўлишим керакми ўзи, деган жиддий масала турипти. Хўш, сиз бунга нима дейсиз, мессир?

Шундай деб мушук сал бўлмаса ёрилиб кетгудек шиша бошлади.

— Вой, каллоб-е, вой фирибгар-е, — дерди Воланд бошини сарак-сарак қилиб, — ҳар сафар шу — ютқазаетганини сезса, энг разил алдоқчига ўхшаб, гапни чалғитишга тушади. Қани, тез ўтир-у, бас қил куруқ сафсатабозликни.

— Мен ўтираман, — деб жавоб қилди мушук ўтираркан, — лекин охири фикрингизга эътироз билдираман. Каминанинг нутқлари, сиз бу хоним олдида мени камситиб айтганингиздек, сафсата эмас асло, балки аниқ силлогизмлар мажмуасидирки, Секст Эмпирик Марциан Капелла ва ҳаттоки Аристотелдек донишмандлар ҳам уларни юксак баҳолаган бўлардилар.

— Шоҳ! — деди Воланд.

— Майли, майли, — деди мушук ва шахмат тахтасига дурбин орқали қарай бошлади.

— Шундай қилиб, — деб юзланди Воланд Маргаритага, — танишинг, донна, менинг мулозимларим билан. Манави жиннилик қилаётган мушукнинг исми — Бегемот. Азazelло ва Коровьёв билан танишиб олгансиз, энди, марҳамат, ходима Гелла билан танишинг. Ишга чечан, фаросатли, қўлидан келмайдиган иш йўқ.

Гўзал Гелла кафтлаб малҳам олиб, сохибининг тиззасига суришдан тўхтамаган ҳолда, кўк кўзларини Маргаритага тикиб жилмайди.

— Ана, бўлди, — деб таништиришни яқунлади Воланд ва Гелла тиззасини қаттиқроқ эзганидан афти буришиб кетди, — жамоамиз, кўриб турибсизки, озчилик, қурама ва одми. — У жим қолиб, ўз олдида турган глобусни айлантира бошлади. Глобус шу қадар зўр маҳорат билан ишланган эдики, ундаги мовий океанлар мавжланар, кутб эса ҳақиқий муз ва қор билан буркангандек кўринарди.

Бу маҳал шахмат тахтаси устида бесаранжомлик бошланган эди. Оқ ридо кийган шоҳ ўз катагида кўнгли ғаш бўлиб типирчиларкан, мушкул аҳволга тушганидан қўлларини кўкка кўтарарди. Ойболталар билан қуролланган учта оқ пиёда оқ офицерга бақрайиб қараб турарди, офицер шамширини ўйнатиб, пиёдаларни олға, яъни Воланднинг от минган икки сувориси

турган катаклар сари ундарди.

Шахмат доналарининг жонли эканлиги Маргаритани ниҳоятда қизиқтириб, ҳайратга солди.

Мушук дурбинини кўзидан олиб, ўз шоҳининг орқасига оҳиста туртиб қўйди. Шоҳ мушкул аҳволга тушганини сезиб, юзини қўллари билан беркитди.

— Ишинг чакки кўринади, азизим Бегемот, — оҳиста деди Коровьёв заҳарханда билан.

— Вазият жиддий, лекин умид йўқ эмас ютишдан, — деди Бегемот, — сирасини айтганда: мен ғалаба қилишимга қатъий ишонаман. Фақат вазиятни яхшилаб таҳлил қилиб кўриш керак.

Таҳлилни у жуда антиқа тарзда бошлади: ўз шоҳига аллақандай имо-ишоралар қилиб кўз қиса бошлади.

— Ҳеч нима кор қилмаяпти-ку, — деди Коровьёв.

— Ие, вой! — деб қичкириб юборди шунда Бегемот, — тўтилар учиб кетишибди-ю — огоҳлантирган эдим-а!

Дарҳақиқат, олисдан беҳисоб қуш қанотларининг патирлагани эшитилди. Коровьёв билан Азазелло югуриб чиқиб кетишди.

— Э, жин урсин найрангларингни! — деб ғўлдиради Воланд ўз глобусидан кўз узмай.

Коровьёв билан Азазелло чиқиб кетишган ҳамоноқ Бегемотнинг кўз қисиши авжга чиқди. Ниҳоят, оқ шоҳ имо-ишоранинг маънисига тушунди-ю, елкасидаги ридони ўзи турган катакка ечиб ташлаб, шахмат тахтасидан чопиб чиқиб кетди. Офицер эса унинг ўрнига ўтиб, шоҳ либосини ўз елкасига ташлаб олди. Коровьёв билан Азазелло қайтиб келишди.

— Яна алдабсанда бизни, — деб тўнғиллади Азазелло Бегемотга ўқрайиб.

— Қайдам, қулоғимга чалинувди, — деб жавоб қилди мушук.

— Хўш, токайгача кутаман? — деди Воланд, — шоҳ!

— Эшитмабман, мэссир, — деди мушук, — шоҳ бўлиши мумкин эмас.

— Такрор айтаман — шоҳ!

— Мэссир, — деди мушук сохта ваҳима билан, — сиз жуда чарчаган кўринасиз: шоҳга шоҳ йўқ ахир!

— Шоҳ Г икки катагида турипти, — деди Воланд шахмат тахтасига қарамасдан.

— Мэссир, камина ҳайратдаман, — дея ингради мушук башарасини даҳшатли бужмайтириб, — бу катакда шоҳ йўқ.

— Нима дединг? — деди ҳайрон бўлган Воланд ва тахтага тикилиб қаради. Шоҳ катагида турган офицер тескари ўгирилиб, юзини қўли билан пана қилиб олган эди.

— Оббо касофат-е, — деди ўйчанлик билан Воланд.

— Мэссир! Мен яиа мантиққа мурожаат қиламан, — деб гап бошлади мушук икки панжасини кўксига қўйганча, — агар рақиб шоҳга шоҳ деб эълон қилса-ю, аслида шахмат тахтасида шоҳнинг сояси ҳам бўлмаса, бундай шоҳ — шоҳ ҳисобланмайди.

— Таслим бўласанми ё йўқми? — деб бақирди Воланд дағдаға қилиб.

— Рухсат этинг, ўйлаб кўрай, — ювошгина деди мушук, тирсақларини столга қўйиб ва панжалари билан қулоқларини чангаллаганча ўйлай бошалди. У узоқ вақт ўйлаб, ниҳоят деди: — Таслимман.

— Бу ўжар махлуқни ўлдирсанг ҳам оз, — деди Азазелло ғижиниб.

— Ҳа, таслим бўлдим, — деди мушук, — лекин айтиб қўяй, фақат ҳасадгўйлар таъқиб қилган муҳитда ўйнай олмаслигим сабабли таслим бўляпман! — У ўрнидан турди. Шахмат доналари ўзлари қутига бориб тушишди.

— Гелла, вақт бўлди, — деди Воланд, шунда Гелла хонадан чиқиб кетди. — Аксига юриб, бал бўладиган кун оёғим оғриб қолса-я, — деб гапида давом этди Воланд.

— Рухсат этинг, мен укалай, — деб оҳиста илтимос қилди Маргарита.

Воланд Маргаритага қаттиқ тикилиб қаради, сўнг тиззасини унга томон сурди.

Лавадек қайноқ балчиқ Маргаританинг қўлини куйдирарди, аммо у афтипи буриштирмай,

Воланднинг тиззасини оғритмасликка уриниб укалайверди.

— Муқаррибларим буни бод деб айтишяпти, — дерди Воланд кўзини Маргаритадан олмай, — лекин меи қатъий ишонч билан айтаманки, тиззамнинг оғриғи, бир минг беш юз етмиш биринчи йилда Брокен тоғида Шайтон кафедрасида битта кетворган алвасти хоним билан яқин мулоқотда бўлганим асорати бўлиши керак, менимча.

— О, ақл бовар қилмайди! — деди Маргарита.

— Парво қилмап! Яна уч юз йиллардан кейин тузалиб кетади. Менга кўп дори-дармон тавсия қилишди, лекин эски одатим бўйича бувимнинг даволаш воситаларига амал қиламан. Бағоят антиқа гиёҳларни мерос: қилиб қолдириб кетган менга ўша кампиршо, яъни бувим. Дарвоқе, сизнинг ҳеч бир дардингиз йўқми? Балки қалбингизни кемирувчи бирон ҳасрат, ғусса бордир сизда ҳам?

— Йўқ, мессир, ундай нарсалар йўқ менда, — деб жавоб берди оқила Маргарита, — эндиликда, сизнинг ҳузурингизда эса ўзимни жудаям яхши ҳис қиляпман.

— Назаримда, — деди Воланд бирдан қувноқ оҳангда, — сизни менинг глобусим қизиқтираётганга ўхшайди.

— О, рост, мен ҳеч қачон кўрмаганман бундай буюмни.

— Ажойиб буюм. Очиғини айтганда мен сўнгги ахборотни радио орқали эшитишни ёқтирмайман. Одатда, ахборотни қандайдир қизлар ўқишади, улар жойларнинг номларини аниқ талаффуз қилишмайди. Бундан ташқари, уларнинг ҳар учтадан бири ё дудуқ, ё тили чучук — атайлаб шунақаларни танлашадими, ҳайронман. Менинг глобусим анча қулайроқ, бунинг устига, мен юз бераётган воқеаларни аниқ билишим керак. Мана, масалан, соҳилини океан ювиб ётган мана бу ерни кўряпсизми? Қаранг, ана, у ўт оляпти. У ерда уруш бошланди. Агар кўзингизни яқинроқ олиб борсангиз, тафсилотларини ҳам кўрасиз.

Маргарита глобусга яқинроқ энгашган эди, квадрат ичидаги ер тасвири кенгайиб, рапг-баранг бўёқларга бўялди ва бўртма харитага ўхшаб кетди. Шунда Маргарита лентасимон дарёни ҳам, унинг бўйига жойлашган қандайдир бир қишлоқни ҳам кўрди. Нўхатдаккина бир уйча катталашиб гугурт қутисидек бўлди. Бирдан бу уйнинг томи қоп-қора тутун билан бирга осмонга кўтарилди, унинг деворлари кулаб тушди, оқибат, икки қаватли бу қутичадан ҳеч вақо қолмади — у қора тутун бурқсаб чиқаётган бир тўп ахлатга айланган эди. Маргарита кўзини глобусга яна ҳам яқинроқ олиб бориб, ерда ётган кичкинагина бир аёлни ва унинг ёнида қўлларини ёйиб қонга ботиб ётган гўдакни кўрди.

— Тамом, — деди жилмайиб Воланд, — гуноҳ қилишга ҳам улгурмади. Абадоннанинг иши ҳамиша пухта.

— Мен ўша Абадоннага қарши бўлган томонда бўлишни истамасдим, — деди Маргарита. — Ким томонда ўзи у?

— Сиз билан узоқроқ суҳбатлашганим сари, — назокат билан деди Воланд, — ғоят оқила эканлигингизга кўпроқ ишонч ҳосил қиляпман. Сиз хотиржам бўлинг. Абадонна мутлақо холис иш кўради ва курашаётган иккала тарафга ҳам бирдай хайрихоҳдир. Шунга кўра, иккала тараф курашининг оқибати бир хил бўлади доим. Абадонна, — деб Воланд оҳиста чақирди, шу заҳотиёқ қора кўзойнак таққан қандайдир озғин одам девор ичидан чиқиб келди. Унинг кўзойнаги Маргаритага шу қадар кучли таъсир қилди-ки, у оҳиста чинқириб юбориб, юзини Воланднинг оёғига босди. — Бас қилинг, — деб ўшқирди Воланд, — мунча асабий бўлиб кетишган-а бу замоннинг одамлари. — У Маргаританинг елкасига «шап» этиб шапалоқ урган эди, унинг бутун вужуди жаранглаб кетди. — Кўряпсиз-ку, у кўзойнақда. Бундан ташқари, Абадонна ҳеч қачон бирон кимсанинг ҳузурини бемаврид пайдо бўлган эмас, бўлмайди ҳам. Ундан кейин, бу ерда мен борман. Сиз эса, менинг меҳмонимсиз! Шунчаки уни сизга кўрсатмоқчи эдим, холос.

Абадонна қимир этмай турарди.

— Бир лаҳзага кўзойнагини олса бўладими? — деб сўради Маргарита Воланднинг пинжиги кириб, энди кўркувдан эмас, синчковликдан қалт-қалт титраркан.

— Бу энди мумкин эмас, — жиддий оҳангда деди Воланд ва бир қўл силтаган эди Абадоннанинг қораси ўчди. — Менга бир нима демоқчимисан, Азазелло?

— Мессир, — деб жавоб қилди Азазелло, — гапиришга рухсат этинг. Бизда иккита бегона бор: ҳиқил-лаб, ўз соҳибаси ҳузурида қолдиришни илтижо қилаётган соҳибжамол қиз билан унинг ихтиёридаги, маъзур кўрасиз, тўнғиз.

— Соҳибжамоллар ўзларини жуда антиқа тутадилар-да, — деди Воланд.

— У Наташа, — деб юборди Маргарита.

— Майли, соҳибаси қошида қолдиришлар. Тўнғизни эса ошпазларга жўнатинг!

— Уни сўйишадими? — чинқириб юборди кўрқиб кетган Маргарита, — шафқат қилинг, мессир, у пастки қаватда яшовчи Николай Иванович. Англашилмовчилик содир бўлган. Наташа бехосдан унга ҳам ёгуна суриб қўйипти...

— Афв этасиз, — деди Воланд, — ким сўяр экан ўша даҳмазани? Вақтинча ошпазлар билан ўтириб турсин, вассалом! Ахир уни бал бўлаётган залга кирита олмайман-ку!

— Ҳа-да... — деб илова қилди Азазелло ва давом этди: — Ҳадемай ярим кеча бўлади, мессир.

— А, жуда соз, — деб Воланд энди Маргаритага юзланди: — Хуллас, марҳамат қилсинлар! Олдиндан миннатдорчилик билдираман сизга. Ўзингизни йўқотманг, ҳеч нимадан кўрқманг. Сувдан бошқа ҳеч нима ичманг, бўлмаса лоҳас бўлиб, қийналиб қоласиз. Вақт бўлди!

Маргарита ўрнидан турди, шу пайт эшик олдида Коровьев пайдо бўлди.

Йигирма учинчи боб

ИБЛИС ҲУЗУРИДА ОЛАМШУМУЛ БАЛ

Ярим кеча яқинлашиб қолганидан шошилишга тўғри келди. Маргаританинг кўзига нарсалар зўрға кўринарди. Унинг эсида қолган нарса — шамлару тубига рангдор тошлар ётқизилган қандайдир ҳовузча бўлди. Гелла билан унга кўмаклашаётган Наташа шу ҳовузчага тушиб турган Маргаританинг бошидан қизил рангли куюқ ва қайноқ бир суюқлик куйишди. Маргарита тамшаниб кўриб, шўртанг нарсани ҳис қидди ва ўзини қон билан ювишаётганини тушунди. Бу қонли душдан кейин бошқаси — пушти ранг куюқ ва тиниқ душ бошланди, энди бу гул мойидан Маргаританинг боши айланиб кетди. Кейин уни биллур чорпояга ётқизишиб, баданини аллақандай йирик-йирик яшил япроқлар билан то ярақлагунча ишқалашди. Шу пайт мушук югуриб кириб, кўмаклаша бошлади. У Маргаританинг оёқ томонига чордана куриб ўтириб олиб, кўча-кўйдаги этик мойловчиларга ўхшаб, унинг товонини ишқалай бошлади. Маргарита оч-пушти атиргул баргларида ким унга туфли тикканини ҳам, уларнинг олтин тасмалари қандай қилиб ўз-ўзидан тугмаланиб қолганини ҳам эслолмасди. Қандайдир бир куч Маргаритани шахт кўтариб, кўзгу рўпарасига қўйди, шунда унинг бошида шоҳона олмос тож ярақлаб кетди. Шу пайт қаёқдандир пайдо бўлган Коровьев Маргаританинг бўйнига оғир занжирга илинган қора бароқ итнинг чўзинчоқ рамкадаги залвар тасвирини осиб қўйди. Бу безак қироличага ниҳоятда малол келди. Занжир шу заҳотиёқ унинг бўйнини ишқалаб қизартирворди, зилдай тасвир эса унинг қададши букарди. Бироқ бу ўнғайсизлик эвази-га Маргарита баъзи бир имтиёзга мушарраф бўлди. Бу имтиёз — Коровьев билан Бегемотнинг унга иззат-эҳтироми эди.

— Ҳечкиси йўқ, асло азият чекманг! — деб гўлдирарди Коровьев ҳовузчали хона эшиги олдида туриб, — ўзга илож йўқ, шу нарса керак, керак, керак. Ижозатингиз билан, қиролича, сизга охирги маслаҳатим. Меҳмонлар орасида турли тоифадаги шахслар бўлади, о, жуда-жуда

кўп улар, аммо ҳеч кимга, қиролича Марго, ҳеч қандай имтиёз берилмаслиги керак! Агар бордью биронтаси дидингизга ёқмаса... аминманки, сиз буни ўз чехрангизда ифода этмайсиз, албатта... Йўқ, йўқ, бундай ўйлаш мумкин эмас! У сезади, ўша заҳоти сезиб қолади. Унга меҳр қўйиш, севиш керак, қиролича. Бунинг эвазига бал бекаси юз ҳисса кўпроқ меҳрга сазовор бўлажак! Яна: ҳеч кимни эътиборсиз ўтказвормайсиз. Агар луқма ташлаб гаплашишга вақтингиз бўлмаса, йўқ деганда, жилвали нигоҳ ташлайсиз ё салгина қиё боқиб қўясиз. Нима қилсангиз қилинг, аммо ҳеч кимни эътиборсиз қолдирманг. Улар шу эътиборсизликдан заволга учрайдилар...

Шундан кейин Маргарита Коровьёв билан Бегемот кузатувида зим-зиё қоронғиликка қадам қўйди.

— Мен, мен, — деб пичирлади мушук, — мен сигнал бераман!

— Майли! — деди Коровьёв қоронғида.

— Бал! — деб қаттиқ чийиллади мушук, шу заҳоти Маргарита чинқириб юбориб, кўзларини бир неча лаҳзага чирт юмиб олди. Чунки бал унинг кўзига чароғон шуъла ҳамда ҳар хил ҳиду товушлар тимсолида намоён бўлган эди. Коровьёв қўлтиқлаб олиб кетаётган Маргарита ўзини тропик ўрмонда кўрди. Қизилтўш, яшилдум тўтиқушлар лианаларга осилишар, улар устидан сакрашар ва: «Мен ғоят мамнунман!» — деб шанғиллашарди. Лекин ўрмон бир зумда тугаб, ҳаммомона димлик бал залининг салқин ҳавоси билан алмашди. Бу зал ҳам ўрмон сингари ҳувиллаган эди, фақат сарғиш ялтироқ тошлардан тикланган устунлар пойида бошларига оппоқ салла ўраган ярим-яланғоч негрлар қимир этмай турардилар. Маргарита ўз мулозимлари билан (улар сафига энди Азазелло ҳам қўшилган эди) залга учиб кирганида негрларнинг юзлари ҳаяжондан хира-қўнғир рангга кирди. Шу ерда Коровьёв Маргаританинг қўлини қўйиб юбориб, қулоғига пичирлади:

— Тўғри лолазор томон юринг! Маргаританинг рўпарасида унча баланд бўлмаган оқ лолалар зич бўлиб қад кўтарган эди, улар ортида эса устига қалпоқча ўрнатилган сон-саноксиз чироқлар, чироқлар қаршисида қора фрак кийган одамлар кўринди. Маргарита бал музыкасининг қаерда чалинаётганини шундагина тушунди... Юз элликтача одамдан иборат оркестр полонез кўйини чаларди.

Оркестр олдидаги супачада турган, фрак кийган одам Маргаритани кўриб оқариб кетди, бир амаллаб жилмайди ва бирдан қўл силтаб, бутун оркестрни оёққа турғазди. Оркестр бир зум ҳам чалишдан тўхтамай, тик турганча, Маргарита бошидан музыка садосини ёғдира бошлади. Мис карнайлар овози орқасидан фарёддек эшитилган скрипкалар саси унинг бошидан, боя ҳовузчада юз берганидек, куюқ қон бўлиб қуйилди. Дирижёр оркестрга орқа ўтириб, қўлларини кенг ёйганча, икки букилиб таъзим қилди, шунда Маргарита жилмайиб туриб, унга қўл силкитди.

— Йўқ, бу оз, кам, — деб пичирлади Коровьёв, — у кечаси билан миужа қоқмай чиқади. «Салом сизга, о вальслар қироли!» — деб қичқиринг унга.

Маргарита шундай деб қичқирган эди, овози худди қўнғироқ садосидек бутун оркестр овозини босиб кетдики, бундан ўзи ҳам ҳайрон қолди. Дирижёр бундай бахтдан сесканиб кетди ва чап қўлини кўксига қўйганча ўнг қўлидаги оқ таёқчани силкитиб оркестрга дирижёрлик қилишда давом этди.

— Яна, яна, — деб пичирларди Коровьёв, — чапга, биринчи скрипкаларга қаранг, шундай бош ирғатинг-ки, уларнинг ҳар бири мени таниди деб ўйласин ўзича. Фақат жаҳонга машҳур бўлган музикачилар йиғилган бу ерга. Анави биринчи пулт олдида ўтирган билан саломлашинг, — у Вьетан бўлади. Яхши, жуда яхши. Энди кетдик.

— Дирижёр ким бўлди? — деб сўради Маргарита нарига учиб кетаркан.

— Иохан Штраус, — деб шанғиллади мушук, — агар биронта балда, бирон марта бўлсин шундай сара оркестр йиғилган бўлса, майли, мени тропик ўрмонда ўсган лианага осиша қолсин. Мен таклиф қилдим бу оркестрни. Эътибор беринг-а, биронта музикачи касал ҳам бўлиб

қолмади, келишдан бош ҳам тортмади...

Кейин улар бир майдончага учиб чиқишди. Маргарита бу ерни таниди: Коровьёв уни шамчироқ тутиб шу ерда кутиб олган эди. Энди бу майдончада ёниб турган узум бошларини эслатувчи биллур қандил ёруғидан кўз камашарди. Маргарита учун махсус жой тайёрланган эди — уни ўша ерга қўйишди, унинг чап тирсаги остида аметист²² устунча пайдо бўлди.

— Агар жуда толиксангиз, қўлингизни шу устунчага қўйишингиз мумкин, — деб шипшиди Коровьёв.

Қора танли бир одам Маргаританинг оёғи остига ёстиқ ташлади, унга зарришта билан бароқ итнинг тасвири тикилган эди, шунда Маргарита кимнингдир йўриғига юриб, ўнг оёғини ёстиққа қўйган эди, тиззаси хиёл букилди. У атрофига кўз ташлади. Коровьёв билан Азazelло унинг ёнгинасида тантанавор вазиятда туришарди. Азazelлонинг ёнида яна уч нафар йигит бўлиб, улар Маргаританинг назарида Абадоннага сал-пал ўхшаб кетишарди. Маргаританинг елкасига совуқ ура бошлади, у орқасига ўгирилиб, у ердаги мрамар девордан муз ҳовузга газли вино тизиллаб қуйилаётганини кўрди. Маргарита чап оёғи тагида қандайдир илиқ ва момик нарсанинг ғимирлаганини сизди. Бу Бегемот эди.

Маргарита юксакда турар, унинг шундоққина оёғи остидан пастга гилам поёндоз ёзилган жуда маҳобатли зина тушиб борар эди. Пастда, худди дурбиннинг тескари томонидан кўрингандай жуда-жуда олисда каттакон дарбонхона ва қоп-қора хунук оғзига беш тоннали юк машинаси бемалол кира оладиган ҳайхотдай камин кўринди. Кўзни кўр қилгудек даражада ёритилган дарбонхона ҳам, зина ҳам бўм-бўш эди. Энди карнайлар садоси жуда узоқдан эшитиларди. Шу зайлда бир дақиқача қимир этмай туришди.

— Қани, ахир, меҳмонларингиз? — деб сўради Маргарита Коровьёвдан.

— Келишади, қироличам, келишади, ҳозир келиб қолишади. Қалашиб кетишади ҳали. Лекин, ўлай агар, бу ерда туриб уларни қарши олгандан ўтин ёриш афзал менга.

— Ўтин ёриш нима экан, — деб гапга аралашди эзма мушук, — мен трамвайда кондуктор бўлиб ишлашга ҳам рози эдим, ўзингиз биласиз, кондукторликдан бемаънироқ иш йўқ дунёда.

— Ҳамма нарса барвақт шай қилиб қўйилиши керак, қиролича, — деб изохлади Коровьёв дарз монокль таққан кўзида ўт чақнатиб. Биринчи бўлиб келган меҳмоннинг ўзини қаёққа қўйишни билмай сандироқлаб юрганидан, бу аснода унинг жуфти ҳалоли — маликаи дилозори, нега бунча барвақт келдик, деб эрини қонига ташна қилиб минғир-минғир қилгани-дан ёмон нарса йўқ дунёда. Агар бал шунақа бўладиган бўлса, унақа балдан юз ўгирмоқ керак, қироличам.

— Албатта юз ўгириш керак, — деб таъкидлади мушук.

— Ярим кечага атиги ўн сония қолди, — деб илова қилди Коровьёв, — ҳозир бошланади.

Шу ўн сония жуда узайиб кетгандек бўлиб туюлди Маргаритага. Унинг назарида ўн сония аллақачон ўтиб кетган-у, аммо ҳеч нима содир бўлмагандай эди. Лекин шу чоғ бирдан пастда, маҳобатли камин ичида бир нима тарақлаб кетди-ю, ичидан бир дор отилиб чикди — унга чириб тўкила бошлаган жасад осилган эди. Мана шу жасад сиртмоқдан ерга узилиб тушиб, бирдан эгнига фрак, оёғига локланган туфли кийган тим қора сочли ўктам йигитга айланди. Шундан кейин каминдан чирий бошлаган кичикроқ бир тобут отилиб чикди, унинг қопқоғи очилиб, ичидан бир мурда чиқиб ерга тушди. Ўктам йигит назокат билан унинг тепасига яқин бориб, қўлини қўлтиғига олиш учун эгди, шунда тобутдаги мурда ҳам оёққа туриб қора туфли кийган, сочига қора патлар қадаган қип-яланғоч қилпиллама аёлга айланди ва бу эркак билан аёл биргаликда зинадан юқорига кўтарила бошлашди.

— Биринчи меҳмонлар! — деди Коровьёв, — жаноб Жак ўз завжаси билан. Танишинг, қиролича, дунёдаги энг антиқа эркаклардан бири! Қалбаки пул ясашда тенги йўқ давлат

²² Аметист — бинафша рангли шаффоф тош.

жиноятчиси, айна чоғда яхшигина кимёгар ҳам. Лекин, — деб пичирлай бошлади у Маргаританинг кулоғига, — қиролнинг маъшуқасини заҳарлаб довруқ қозонган. Ахир бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Қаранг, қандай чиройли йигит!

Ранги қув ўчган Маргарита оғзини очганча пастга тикилиб қолди, у ерда бояги дор ҳам, тобуг ҳам дарбонхона ёнидаги йўлакка кириб кўздан ғойиб бўлган эди.

— Бағоят хурсандман, — деб бақирди мушук зинадан чиқиб келган жаноб Жакнинг шундоққина юзига.

Бу пайт пастда камин ичидан боши йўк, қўли узилган скелет чикди ва ерга бир урилиб, фрак кийган эркакка айланди.

Бу маҳал жаноб Жакнинг завжаси Маргарита қаршисида тиз чўкиб, ҳаяжондан ранги оқариб, унинг тиззасини ўпарди.

— Қиролича, — деб ғўлдиарди у.

— Қиролича бенихоя мамнунлар, — деб қичқирди Коровьёв.

— Қиролича... — деди оҳиста ўктам йигит жаноб Жак.

— Биз беҳад хурсандмиз, — деб чийиллади мушук. Лекин бу пайт Азazelлонинг ҳамроҳлари бўлмиш йигитчалар хушмуомала билан тиржайишганча жаноб Жак билан унинг завжасини четга, шамнан виноси тўлдирилган қадахларни кўтариб турган негрлар томон сиқиб бораётган эдилар. Зинадан эса фрак кийган ёлғиз бир одам югуриб чиқиб кела бошлади.

— Граф Роберт, — деб пичирлади Коровьёв Маргаритага, — ҳали ҳам ўша-ўша хушбичим. Тамомила тескари ҳодисага эътибор беринг, қиролича: бу одам қироличанинг ўйнаши бўлган ва ўз хотинини заҳарлаб ўлдирган эди.

— Хурсандмиз, граф, — деб бақирди Бегемот. Камин ичидан кетма-кет учта тобут чиқиб, қарсиллаб ёрилди-ю, сочилиб кетди, шундан сўнг каминдан қора ридо кийган одам чикди, унинг кетидан изма-из югуриб чиққан яна биттаси ридо, кийганнинг орқасига пичоқ санчди. Зина этагидан бўғиқ фарёд эшитилди. Кейин бирдан камин ичидан бутунлай ириб-чириб бўлган мурда отилиб чикди. Маргарита кўзларини юмиб олди, шунда кимдир унинг бурнига оқ туз солинган шишача тутди. Бу Наташага ўхшаб кетди. Зина гавжум бўла бошлади. Энди ҳар бир пиллапояни узоқдан мутлақо бир хил бўлиб кўринган фрак кийган эркаклару уларнинг ёнларида бошларидаги патлар ва оёқларидаги туфлиларнинг ранги билан бир-биридан фарқ қилувчи яланғоч аёллар тўлдирган эди.

Чап оёғига аломат ёғоч этик кийган, қотмадан келган, камсуқум бир хоним худди роҳибалардек кўзини ерга тикиб Маргарита истиқболига чиқиб келарди, унинг бўйни негадир кенг яшил лента билан боғланган эди.

— Мунча кўкариб кетган? — деб юборди дабдурустдан Маргарита.

— Бағоят пурлатофат ва пурнуфуз хоним, — деб пичирлади Коровьёв, — таништираман сизга: Тофана хоним, неаполлик дилбар жувонлар, шунингдек, Палермо аёллари ўртасида, айниқса, эрлари меъдаларига теккан хонимлар орасида ниҳоятда довруқ таратган. Ахир, эр меъдага тегиши мумкин-ку, тўғрими, қиролича?

— Ҳа, — деб жавоб қилди Маргарита ҳирқироқ овоз билан, айна пайтда қаршисида биринкетин тиз чўкиб тиззаси ва қўлидан ўпган иккита эркакка жилмайиб боқди.

— Ана шунақа, — деб пичирлади Коровьёв Маргаритага ва айна вақтда кимлиргадир қичқирарди: — Герцог, бир қадах шампан виносига марҳамат қилсинлар! Камина мамнунман! Ҳа, қисқаси, Тофана хоним ўша шўрлик аёлларнинг ҳожатини чиқариб, уларга кичкина шишачаларда қандайдир сув сотарди. Хотин ўша сувни эрининг овқатига солар, эр эса овқатни еб, меҳрибон хотинига миннатдорлик изҳор этар ва ўзини ғоят яхши ҳис қиларди. Тўғри, бир неча соатдан кейин у эрнинг томоғи қакраб, сув ичгиси кела бошлар, сўнг тўшагига ётарди-ю... Хуллас, яна бир кундан кейин эрини тотли овқат билан боққан ўша неаполлик соҳибжамол мисоли кўклам шамолидек эркин бўларди-қоларди.

Маргарита:

— Унинг оёғидаги нима? — деб сўраркан, айна пайтда каловланиб чиқиб келаётган Тофана хонимдан ўзиб, ўз қошига етиб келган меҳмонларга қўл чўзишдан тўхтамасди, — ундан кейин, нега бўйнига яшил лента боғлаб олган? Песи борми?

— Камина беҳад мамнунман, князь! — деб қичқирарди Коровьёв ва шу пайтнинг ўзида Маргаританинг қулоғига пичирларди: — Бўйни жуда ҳам гўзал, лекин у қамоқда ётганида бир кўнгилсизлик содир бўлган. Оёғидаги нарса эса, қироличам, испан этиги, энди лента масаласига келсак, бунга сабаб шуки, ўз хотинларига ёқмаган беш юзтача эркакнинг Неаполь ва Палермодан мангу рихлат этганини эшитган турма хизматчилари Тофана хонимни қизиқ устида бўғиб ўлдириб қўйишган эди.

— Сиз билан, қора қиролича, кўришишга мушарраф бўлганимдан беҳад бахтиёрман, — деб Тофана роҳибалар сингари қимтинибгина пичирларкан, тиз чўкишга уринарди. Аммо испан этиги бунга йўл бермасди. Коровьёв билан Бегемот Тофанани турғазиб қўйишди.

— Хурсандман, — деб жавоб қилди унга Маргарита қўлини бошқа меҳмонларга чўзаркан.

Энди юқорига кўтарилаётган одамлар оқими зинани тамоман кўмиб юборган эди. Шу боис Маргарита пастда, дарбонхонада нималар бўлаётганини энди кўрмас эди. У бир тахлитда қўлини кўтариб туширар ва мудом бирдай тишининг оқини кўрсатганча меҳмонларга жилмаярди. Бу ерда, зина майдончасида қаттиқ ғовур кўтарилди, бал бўладиган заллардан эшитилаётган музыка худди денгиз шовқинига ўхшаб янграрди.

— Мана бу жуда дилгир аёл, — дерди Коровьёв энди баралла овоз билан, чунки бу ердаги шов-шувда униг овозини меҳмонлар эшитмаслигини биларди, — жони-дили — бал, доим ўз рўмолчаси устидан шикоят қилиш орзусида юради.

Маргарита Коровьёв кўрсатган аёлни зинадан чиқиб келаётганлар орасидан кўзи билан қидириб топди. Бу йигирма ёшлардаги бўй-басти ниҳоятда келишган жувон бўлса ҳам, кўзлари негадир бежо, суллоҳона боқарди...

— Қанақа рўмолча? — пичирлаб сўради Маргарита ҳар бир меҳмонга қўлини узатишда давом этаркан.

— Кўк ҳошияли рўмолча. Гап шундаки, у қаҳвахонада хизмат қилиб юрганида, кунларнинг бирида хўжайини уни омборхонага чақириб олган-у, кейин, орадан тўққиз ой ўтгач, у ўғил тукқан. Сўнг у ўғилчасини ўрмонга олиб бориб, оғзига рўмолча тиқиб, ерга кўмган. Судда, болани боқишга қурбим етмасди, деб айтган.

— Ўша қаҳвахона хўжайини-чи, у қаёқда қолди? — деб сўради Маргарита.

— Қиролича, — деди бирдан ғижирловчи овоз билан мушук, — ижозатингиз билан сизга бир савол берсам: хўжайиннинг бунга нима дахли бор? Ахир у чақалоқни ўрмонга олиб бориб бўғиб ўлдирмаган-ку!

Маргарита меҳмонларга жилмайишда ва ўнг қўлини уларга узатишда давом этаркан, чап қўлининг тирноқларини Бегемотнинг қулоғига ботирди ва пичирлаб деди:

— Агар сен, мараз, яна бир марта гапга аралашадиган бўлсанг...

Бегемот жон ҳолатда чинқириб юборди ва хириллаб деди:

— Қиролича... қулоғим шишиб кетади-ку... Ахир нима ҳожати бор шишган қулоқ билан бал тантанасини бузишни?.. Мен юридик жиҳатдан... юридик нуктаи назардан гапиргандим... Бўлди, тавба қилдим... Мени мушук эмас, гунг балиқ деб ҳисобланг, фақат қулоғимни кўйворсангиз бўлгани.

Маргарита мушукнинг қулоғини қўйиб юборди, худди шу пайт кўзлари хомуш ва суллоҳона боқувчи жувон унинг рўпарасида тўхтади.

— О қиролича-соҳиба, буюк тўлиной балига таклиф этилганимдан беҳад бахтиёрман.

— Мен ҳам, — деди унга Маргарита, — хурсандман сизни бу ерда кўрганимдан. Ғоят хурсандман. Шампан виносини ёқтирасизми?

— Вой, нима қияпсиз, қироличам?! — жиғибийрон бўлиб товушсиз чинқирди Коровьёв Маргаританинг кулоғига, — тирбанд бўлиб кетади бу ер!

— Ёқтираман, — деди жувон ёлборувчи оҳангда ва бирдан маънисиз тарзда такрорлай бошлади: — Фрида! Фрида, Фрида! Менинг исмим Фрида, о қиролича.

— Ундай бўлса, Фрида, сиз бугун то маст бўлгунингизча роса мириқиб ичингу ҳеч нимани ўйламанг, — деди Маргарита.

Мамнун Фрида Маргаритага иккала қўлини узатган эди, лекин Коровьёв билан Бегемот эпчиллик қилишиб унинг икки қўлтиғидан олишдию — кейин у бир зумда оломон орасида кўздан ғойиб бўлди.

Энди оломон, гўё Маргарита турган майдончани забт этишга аҳд қилгандек, зинадан зич саф бўлиб чиқиб келарди. Яланғоч аёллар фрак кийган эркаклар билан аралашиб кетган эди. Маргаританинг истикболига буғдой ранг, оқ, жигар ранг ва тамоман қоп-қора баданлар яқинлашиб келарди. Уларнинг малла, қора, қизғиш, кул ранг сочларига қадалган қимматбаҳо тошлар беҳисоб чироқлар шуъласида товланар, ярақлар, учкунлар сочарди. Хужумкор эркакларнинг кўкракларига тақилган гавҳар тўғноғичлардан ўт чакнар — гўё бу оломон устидан кимдир шуъла сочаётгандек. Энди Маргарита, тиззасини дам-бадам ўпишаётганини ҳис қилар, дам-бадам қўлини ўпишга узатар, жилмайган чехраси ниқоб каби қотиб қолган эди.

— Камина мамнунман, — деб куйларди Коровьёв бир меъёрда, — биз мамнунмиз, қиролича мамнунлар.

— Қиролича мамнунлар, — дерди манқаланиб орқада турган Азазелло.

— Мен хурсандман, — деб чинқирарди мушук.

— Бу маркиза, — деб ғўлдирарди Коровьёв, — мерос деб отасини, икки акасини ва икки сингисини захарлаб ўлдирган! Қиролича мамнунлар! Минкина хоним, қаранг, қандай дилбар аёл! Фақат салгина тажанг демасак! Нима хожати бор эди оксоч қизнинг юзини сочни гажак қилувчи қайчи билан куйдиришнинг! Тўғри, бундай шароитда, одатда, сўйиб ташлашади! Қиролича мамнунлар! Қироличам, бир зум эътибор беринг: император Рудольф, сеҳргар ва кимёгар. Мана, яна кимёгар — дорга осилган. О, хоним ҳам келдилар! О, қандай ажойиб фоҳишахонаси бор эди унинг Страсбургда! Биз мамнунмиз. Бу хоним — москвалик чевар, битмас-туганмас фантазия соҳибаси бўлгани учун биз ҳаммамиз уни севамиз. У ўз қарамоғидаги ательеда жуда ҳам кулгили бир нарса ихтиро қилган эди: деворда бир жуфт доира тешик очиб қўйган эди...

— Нима, хонимлар билишмасмиди? — деб сўради Маргарита.

— Ҳаммалари билишарди, қиролича, — деб жавоб қилди Коровьёв, — мен мамнунман. Манави йигирма ёшли ниҳоятда хаёлпараст ва тентак бола гўдаклик пайтидан ўзининг антиқа фантазиялари билан доврुक таратган. Уни бир қиз севиб қолган эди, у эса ўша қизни олиб бориб фоҳишахонага сотган.

Пастдан чиқиб келаётган оломон оқимининг кети кўринмасди. Бу оқим манбаи маҳобатли камин эди. Шу алпозда орадан бир соат ўтди, иккинчи соат ҳам бошланди. Энди Маргарита бўйнига осилган занжирнинг янада оғирлашганини ҳис қилди. Унинг қўлига ҳам бир нима бўлган эди. Энди Маргарита ҳар гал қўлини кўтараётганда оғриқдан афтини буриштирарди. Коровьёвнинг қизиқарли изоҳлари уни энди қизиқтирмай қўйди. Қийик кўзли ялпоқ юзлар ҳам, оқ, қора чехралар ҳам уни қизиқтирмай қўйган эди, баъзида бу юзлар бир-бирларига чаплашиб кетгандай кўринар, улар оралиғидаги хаво эса негадир жимирлай бошларди. Бирдан Маргаританинг ўнг қўли худди игна санчгандек зиркираб оғрий бошлади, шунда у оғриқдан тишларини гижир қилиб, тирсагини курсига қўйди, энди унинг орқасидаги залдан худди куш қанотлари патиллаб деворга урилаётганини эслатувчи шарпалар эшитиларди: маълумки, у ерда тумонат меҳмонлар рақс тушишарди. Маргаританинг назарида, бу ғаройиб залнинг мустаҳкам мрамор, кошинкор ва биллур поллари худди қон томиридек бир меъёрда тепиб турганга

ўхшарди.

Энди Маргаритани ҳеч қандай қирол ҳам, герцог ҳам, ошиқ йигит ҳам, ўз жонига қасд қилганлару эрларини заҳарлаб ўлдирганлар ҳам, дорга осилганлару қўшмачилар ҳам, камокхона нозирларию қаллоб қиморбозлар ҳам, жаллодлар, чақимчилар, сотқинлар, овсарлар, айғоқчилару қизларнинг номусига тажовуз қилувчилар ҳам, ҳаттоки Гай Цезарь Калигула билан Мессалина ҳам мутлақо қизиқтирмай кўйган эди. Уларнинг номлари Маргаританинг миясида чалкашиб кетган, башаралари бир-бирига чаплашиб улкан бир баркашга ўхшаб қолган эди, фақат бир башара — Малюта Скуратовнинг олов ранг соқол гардишига ўралган юзи хотирасига маҳкам ўрнашиб олиб, унга азоб берарди. Маргаританинг тиззалари букилиб-букилиб кетар, оғриқнинг зўридан ҳар дақиқа йиғлаб юборгудек бўларди. Ҳаммадан ҳам ўнг оёғи қаттиқ азоб берарди унга. Келган меҳмонларнинг ҳаммаси шу оёғининг тиззасини ўпиб ўтишавергандан у шишиб, кўкариб кетган эди, ҳолбуки Наташа губка билан яна аллақандай хушбўй нарса кўтариб келиб, унинг тиззасини бир неча бор артиб кетган эди. Ташрифлар бошланганига салкам уч соат бўлганида Маргарита пастга тамоман умидсизлик билан нигоҳ ташлади ва бирдан кўзлари қувониб, бир сесканиб кўйди: меҳмонлар оқими сийраклаша бошлаган эди.

— Бал қонуни ҳамма ерда бир хил, қиролича, — деб пичирларди Коровьёв, — ҳозир тўлқин тина бошлайди. Онт ичиб айтаманки, бу бардошимизнинг энг охирги дақиқалари. Ана, брокенлик ишратпарастрлар бир тўда бўлиб чиқиб кетишяпти. Улар ҳамиша шунақа энг кейин келишади. Ҳа, ўшалар. Яна иккита маст вампир*... тамомми? Э, йўқ, ана, яна биттаси. Йўқ, иккита экан!

Зинадан энг охирги икки меҳмон чиқиб келарди.

— Ие, буниси янгига ўхшайди-ку, — деди Коровьёв монокль шишаси орқали кўзини сузиб қараркан, — э, ҳа, танидим. Кунларнинг бирида Азазелло уникига бориб коньякхўрлик қилиб ўтирганида, унинг қулоғига пичирлаб бир одамдан қандай қутулиш йўлини кўрсатган эди, чунки мезбон ўша одамнинг фoш бўлишидан жуда кўрқар эди. Натижада у, Азазеллонинг маслаҳати билан, ўзига тобе бўлган бир танишига ўша одамнинг кабинети деворларига заҳар пуркашни буюради.

— Исми нима унинг? — деб сўради Маргарита.

— Очиғи, ўзим ҳам билмайман унинг исмини, — деди Коровьёв, — Азазеллодан сўраш керак.

— Унинг ёнидаги ким?

— Шу-да унинг ўша ҳозиржавоб ходими. Мен мамнунман! — деб баралла кутлади Коровьёв энг охирги икки меҳмонни.

Зина ҳувиллаб қолди. Эҳтиёт шарт, яна бир оз кутишди. Аммо камин ичидан бошқа ҳеч зоғ чиқмади.

Маргарита бир зумдан кейин ўзини ўша ҳовузли хонада кўриб, бу ерга қандай келиб қолганига ҳайрон бўлди-ю, шу заҳоти оёқ-қўлларининг зирқираб оғриганига чидаёлмай йиғлаб юбориб, ерга ётиб олди. Лекин Гелла билан Наташа уни юпатишиб, қонли душ остига олиб боришди-да, яна баданини уқалай бошлашди, шунда Маргаритага қайтадан жон кирди.

— Яна, яна, қиролича Марго, — деб пичирларди унинг ёнида пайдо бўлган Коровьёв, — парвоз қилиб, залларни кезиб чиқиш керак, токи азиз меҳмонлар ўзларини эътиборсиз қолган деб ҳис этмасинлар.

Шунда Маргарита яна ҳовузли хонадан учиб чиқиб кетди. Вальслар қироли бошчилигидаги оркестр музыка чалаётган бояғи эстрада сахнасида энди жазавасти тутган маймунлар жази қутурарди. Бу жазга кўлига карнай ушлаган, ёноқ соқоли хурпайган баҳайбат гавдали горилла алпанг-талпанг рақс тушиб дирижёрлик қиларди. Бир қатор бўлиб тизилиб ўтирган орангутанглар ярақлаган карнайларни жон-жаҳдлари билан чалардилар. Уларнинг елкаларига миниб олган шўх шимпанзелар эса гармон чалишарди. Худди шерга ўхшаб ёлдор иккита

гамадрил рояль чалар, аммо роялларнинг овози гиббонлар, мандриллар, мартишкалар²³ чалаётган саксафону скрипкаю дўмбиралар садоси остида ҳеч эшитилмасди. Ўзининг эпчиллиги, бекусур ҳаракати билан кишини ҳайратга солувчи сон-саноксиз шарпалар, худди бир-бирига пайванд қилингандай жуфт-жуфт бўлишиб, чир-чир айланганча, йўлида дуч келган ҳамма нарсани босиб пайҳон қилгудек, мудом бир томонга бостириб борардилар. Турфа ранг тирик капалаклар танца тушаётган оломоннинг боши узра шўнғир, шифтдан эса гуллар ёғиларди. Электр чироқлари ўчган пайтда устунларнинг бўғотларида тумонат ялтироқ куртлар милтиллар, ҳавода эса тўқай чироқлари сузиб юрарди.

Кейин Маргарита устунлар билан қуршалган жуда ҳам улкан ҳовузда кўрди ўзини. Маҳобатли қора Нептун хайкали оғзидан пушти ранг суюқлик елпиғичсимон ёйилиб, тизиллаб отиларди. Ҳовуздан шампан виносининг сармаст қилувчи атри гупиллаб кўтариларди. Бу ерда бетакаллуф хушчақчақлик ҳукм сурарди. Хонимлар қотиб-қотиб кулишганча, туфлиларини ечишар, сумкачаларини ўз жуфтларига ёки чойшаб кўтариб зир югуриб юрган негрларга беришиб, чинқиришганча ҳовузга шўнғирдилар. Шунда кўпикли тўлқин баландга отиларди. Ҳовузнинг биллур тубида ёқилган чироқлар вино қатламини ёриб ўтиб, ҳовузда сузиб юрган оппоқ баданли хонимларни ёритарди. Улар ҳовуздан ғирт маст бўлиб чиқишар, устунлар пойида кўтарилган қаҳқаҳа худди ҳаммомдагидек янграрди.

Мана шу тўс-тўполонда фақат ғирт маст бир аёлнинг маъносиз боқувчи ва айни пайтда ёлборувчи кўзлари, яна у айтган бир оғиз сўз — «Фрида!» — мияга ўтириб қолган эди. Винонинг ҳидидан Маргаританинг боши айлана бошлади, у эндигина ҳовузли залдан чиқиб кетмоқчи бўлган эди, мушук бир найранг кўрсатиб, Маргаританинг диққатини тортди. Бегемот Нептуннинг оғзи олдида қандайдир бир афсун ўқиган эди, шу заҳоти ҳовуздаги шампан виноси шовуллаб, пишиллаб ғойиб бўлди, шундан кейин Нептуннинг оғзидан тўқ-сарик рангдаги кўпирмайдиган суюқлик шариллаб оқа бошлади. Хонимлар:

— Коньяк! — деб чинқиришди, айюҳаннос солишди ва ўзларини ҳовуз бўйидан четга, устунлар панаси-га олиб қочишди. Бир неча сониядан кейин ҳовуз лим-лим тўлди, шунда мушук ҳавода уч марта чирпирак бўлиб мавжланаётган коньякка шўнғиди. У пишқириб-пишқириб ҳовуздан чиққанида қотирма галстуги шалвираган, мўйловига сепган зар упу ювилиб кетган, дурбини йўқолган эди. Бегемотга фақат найрангбоз тикувчи аёл билан унинг жуфти — нотаниш бир мулат йигит тақдид қилишди. Икковлари коньякка шўнғишди, лекин шу маҳал Коровьев Маргаритани қўлтиқлаб олдию икковлари коньяк ҳовузини тарк этишди.

Коровьев кузатувидаги Маргарита яна бал бўлаётган залда кўрди ўзини, лекин энди танца тўхтаган ва меҳмонлар оломони зал ўртасини бўш қолдириб, устунлар оралиғига тиқилишган эди. Маргаритани зал ўртасидаги очик ерда пайдо бўлган супачага чиқариб қўйишди, аммо ким чиқариб қўйганини у эслай олмади. У супачага кўтарилганда қаердадир соат ярим кечага жом чала бошлади, буни эшитган Маргарита ҳайрон қолди, чунки унинг тахминича тун ярмидан оғганига анча вақт бўлган эди. Ўша мавҳум соат охирги — ўн иккинчи марта жом чалиши билан бутун меҳмонлар оломони сукутга толди. Шунда Маргарита яна Воландни кўрди. Уни Абадонна, Аззелло ва яна Абадоннага ўхшаб кетувчи бир нечта қора кийган йигитлар кузатиб келишарди. Энди Маргарита ўз супаси қаршисида Воланд учун ҳозирланган бошқа бир супани ҳам кўрди. Лекин Воланд у супага чиқмади. Маргаритани ҳайратга солган нарса шу бўлдики, Воланд буюк балнинг мазкур тантанали интиҳосига боя ётоқхонада қандай либосда бўлган бўлса, ўша либосда чиқиб келган эди. Эғнида ўша искирт, ямоқ тунги кўйлак, оёғига эса тўзиб майишиб кетган тунги шиппак кийган эди. Қўлида яланғоч шамшир бор эди, аммо Воланд ундан ҳасса ўрнида фойдаланиб, таяниб турарди. У оқсоқланиб келиб, ўз супаси ёнида тўхтади, шу заҳоти лаган кўтарган Аззелло унинг қошида пайдо бўлди. Бу лаганда Маргарита олд

²³ Гамадрил, гиббон, мандрил, мартишкалар – турли қитъаларда яшовчи маймун тоифалари.

тишлари синиб, оғзи ўпирилган одам бошини кўрди. Залда бениҳоя теран сукунат ҳукм суларди, бу сукунатни кўча эшик кўнғироғи жарангини эслатувчи, аммо мазкур шароитга мутлақо ёпишмайдиган кўнғироқ садоси фақат бир марта бузди, холос.

— Михаил Александрович, — деб мурожаат қилди Воланд каллага, шунда ўлик калланинг қовоқлари кўтарилиб, Маргарита унинг маъно ва аҳтирос тўла тирик кўзларини кўриб сесканиб кетди. — Ҳамма айтганларимиз рўёбга чиқди, шундай эмасми? — деб гапида давом этди Воланд ўлик калланинг кўзларига тик қараганча, — каллангизни аёл киши узди, мажлис бўлмади, мен сизнинг квартирангизда яшайман. Бу — факт. Фактдан ҳеч қаяққа қочиб қутулиб бўлмайди. Лекин энди бизни содир бўлган шу факт эмас, келгусида бўладиган воқеалар қизиқтиради. Сиз ҳамиша, одамнинг калласи танасидан жудо қилинганча, яшашдан тўхтайдиган, хокиробга айланиб йўқ бўлиб кетади, деган назариянинг қизғин тарғиботчиси бўлган эдингиз. Мен сизга ўз меҳмонларим ҳузурида, гарчи улар мутлақо ўзга назарияни исботлашга хизмат қилсалар ҳам, сизнинг назариянгиз ҳам улуғвор, ҳам оқилона эканлигини сизга эътироф этишдан беҳад хушбахтман. Ҳолбуки, ҳамма назариялар ҳам бир-биридан қолишмайди. Улар орасида шундай назария ҳам борки, унга кўра ҳар кимнинг қисмати ўз эътиқодига қараб белгиланади. Ҳозир ҳам шундай бўла қолсин! Сиз йўқлик сари мангу рихлат этияпсиз, мен эсам сизнинг бош чаноғингиздан ясалган қадахни борлиқ учун кўтаришдан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. — Воланд шамширини кўтарди. Шу заҳоти бошнинг териси қорайиб, буруша бошлади, кейин парча-парча бўлиб тўкилди, кўзлар ҳам ғойиб бўлди, бир зум ўтмай Маргарита лаганда олтин тиргакларга урнатилган зумрад кузли, инжу гишли сарғишранг бошчанокни кўрди. Бошчанокнинг ошиқ-мошиқли қопқоғи ўз-ўзидан очилди.

— Мана, ҳозир мессир, — деди Коровьев Воланднинг савол маъносида тикилганини кўриб, — ҳозир кузурингизда бўлади у. Мен ушбу теран сукунатда унинг локланган туфлиси ғарчини эшитаяпман, ана у ҳаётида охириги марта шампан виноси ичиб, қадахни столга «дўк» этиб қўйди. Мана, ўзиям келди.

Залга янги бир меҳмон кириб, тўғри Воланд томон юра бошлади. Унинг ташқи кўриниши кўпчилик эркак меҳмонлардан ҳеч фарқ қилмас эди. Фарқ фақат битта эди: меҳмон ҳаяжонланганидан каловланиб келардики, бу узокдан ҳам яққол кўриниб турарди. Унинг ёноқларида қизил доғлар лов-лов ёнар, кўзлари ҳаяжондан олазарақ эди. Меҳмон эсанкираб қолган, бу табиий ҳол эди албатта: бу ердаги ҳамма нарса, асосан, Воланднинг либоси уни ҳайратга солиб қўйган эди.

Бироқ меҳмон ғоят зўр илтифот билан кутиб олинди.

— О, азизим барон Майгель, — деб Воланд меҳмонга очик юз билан жилмайди, меҳмоннинг эса қайратдан кўзлари косасидан чиқиб кетаёзди. — Мен сизларни, — деб меҳмонларга юзланди шунда Воланд, — томошахоналар комиссиясида ажнабийларга пойтахтнинг диққатга манзур ерларини намойиш қилувчи бўлиб хизмат қиладиган муҳтарам барон Майгель билан таништириш бахтига мушаррафман.

Маргарита донг қотиб қолди, чунки Майгелни танир, Москва театрларида ва ресторанларда уни бир печа марта учратган эди. «Ие... — деб ўйлади Маргарита, — демек, Майгель ҳам ўлган экан-да?» Лекин масала шу заҳотиёқ ойдинлашди.

— Қадрли барон, — давом этди Воланд шодиёна табассум билан, — бениҳоя дилбар одамда, қарангки, менинг Москвага келганимни эшитиб, дарҳол кўнғироқ қилди ва каминани диққатга сазовор ерлар билан таништиришга тайёр эканлигини изҳор этди. Ўз-ўзидан маълумки, мен ҳам уни ўз ҳузуримга таклиф қилишдан ғоят бахтиёрман.

Шу маҳал Азazelло бошчанок қўйилган лаганни Коровьевга узатди.

— Дарвоқе, барон, — деб Воланд бирдан худди сир айтаётгандек овозини пасайтирди, — сизни ўтакетган даражада синчков деб айтишяпти. Миш-мишларга қараганда, шу хислатингиз, ундан асло қолишмайдиган иккинчи «фазилатингиз», яъни эзмалигингиз билан қўшилиб

хамманинг диққатини ўзига торта бошлаганмиш. Бу ҳали етмагандек, бадкирдор одамлар сиз ҳақингизда, ғийбатчи, айғоқчи, деб гап тарқатишипти. Устига-устак яна, мана шу сассиқ гаплар жуда нари борса бир ой ичида сизни фалокатга мубтало қилади, деган тахмин бор. Шунга кўра, сизни ўша машъум кунни кутиш азобидан халос этиш ниятида, ҳузуримга имкони борича кўпроқ нарсаларни кузатиб, кўпроқ гапларни эшитиш мақсадида меҳмон бўлиб келган пайтингиздан фойдаланиб, сизга ҳозироқ ёрдам кўлини чўзишга қарор қилдик.

Бароннинг ранги Абадоннаникидан ҳам оқариб кетди (Абадонна эса табиатан докадек оқ эди), кейин аломат бир ҳодиса юз берди. Абадонна бароннинг рўпарасида пайдо бўлиб, бир зумгагина кўзойнагини ечди. Айни шу лаҳзада Азazelлонинг кўлида бир нима ярақлаб кетди, худди кимдир секингина чапак чалиб кўйгандек, бир нима «шап» этдию барон ерга чалқанчасига йиқила бошлади, унинг кўкрагидан тизиллаб отилаётган қип-қизил қон оҳорланган кўйлаги ва нимчасини бўяди. Коровьев бошчанок — қадахни тизиллаб отилаётган қонга тутиб, уни тўлгунича ушлаб турди-да, сўнг бу лим-лим қадахни Воландга узатди. Бу пайт бароннинг жонсиз жасади ерда чўзилиб ётарди.

— Сизларнинг соғлиғингиз учун ичаман, жаноблар, — паст овоз билан деди Воланд ва қадахга лабини тегизиб кўйди.

Шу пайт Воланднинг қиёфасида ўзгариш содир бўлди. Унинг ямоқ кўйлаги билан майишиб кетган туфлиси ғойиб бўлди. Эғнида қандайдир қора елка-пўш, белида пўлат шамшир пайдо бўлди. Маргаританинг олдига тез югуриб келиб, унга қадахни тутаркан:

— Ич! — деб буюрди.

Маргаританинг кўзи тиниб, боши айлана бошлади, гандираклаб кетди, лекин бу пайт қадах унинг лабига олиб борилган ва кимдир (ким эканлигини аниқлай олмади) унинг икки қулоғига пичирлади:

— Кўркманг, қиролича... Кўркманг, қиролича, қон аллақачон ерга сингиб кетган. Қон тўкилган ерда энди тоқлар ўсиб, аллақачон ҳосилга кирган. Маргарита ҳамон кўзини очмай, қадахдан бир култум ичди, шунда томирларидан ёқимли электр токи оқиб ўтгандай бўлди, қулоқлари шанғиллади. Назарида хўрозлар қулоқни қоматга келтиргудек кичкиришаётгандай, қаердадир музыка марши чалинаётгандай бўлди. Меҳмонлар оломони қиёфасини йўқота бошлади. Фрак кийган эркаклар ҳам, яланғоч аёллар ҳам тутдай тўкилиб чирий бошладилар. Маргаританинг кўзи олдида бу чириш бутун зални қамраб олган эди, ҳаммаёқни даҳма иси қоплади. Устунлар қулади, чироқлар ўчди, ҳамма нарса қовжираб ғойиб бўла бошлади, фавворалар ҳам, лолалар ҳам, камелиялар²⁴ ҳам кўздан йўқолди. Шунчаки, аслида бор нарсанинг ўзи — заргар хотинининг фақирона меҳмонхонаси қолган ва унинг қия очиқ эшигидан чироқ шуъласи тушиб турарди. Маргарита мана шу қия очиқ эшикдан кирди.

Йигирма тўртинчи боб

УСТАНИНГ ХАЛОС ЭТИЛИШИ

Воланднинг хобгоҳи балдан оддин қандай тарзда бўлса, ҳозир ҳам шундай эди. Воланд тунги кўйлақда каравотда ўтирар, фақат энди Гелла унинг оёғини уқаламас, балки боя шахмат ўйналган столда дастурхон тузаётган эди. Коровьев билан Азazelло фракларини ечиб, стол ёнида ўтиришар, мушук ҳам шулар ёнида эди, албатта. Аммо у галстугини, гарчи у исқирт увадага айланиб кетган бўлса ҳам, ечмаган эди. Маргарита гандираклаб столга яқинлашди-ю, кўлларини унга тиради. Шунда Воланд уни, яна боягидек имлаб, ўз ёнига таклиф қилди.

— Қалай, жуда қийнаб юборишдими сизни? — деб сўради у.

²⁴ Камелия — чойгуллар оиласига кирувчи ҳамиша яшил гул.

— Асло, мессир, — деб эшитилар-эшитилмас жавоб қилди Маргарита.

— Ноблесс оближ²⁵, — деди мушук ва чўзинчоқ стаканга қандайдир тиник суюқлик қуйиб, Маргаритага узатди.

— Аракми? — заиф овоз билан сўради Маргарита. Мушук ранжиб ўтирган ўрнида бир сапчиб тушди.

— Нима деяпсиз, киролича, — деди у хириллаб, — наҳотки сизга арак тутсам? Бу соф спирт! Маргарита жилмайди ва стаканни ўзидан нари суриб қўймоқчи бўлди.

— Қўркмай ичаверинг, — деди Воланд, Маргарита дарров стаканни кўлига олди, — Гелла, ўтир, — деб буюрди у, — сўнг Маргаритага тушунтира бошлади: — Тўлиной кечаси — бу байрам окшоми. Одатда, мен бундай пайтда ўз муқарриб ва мулозимларим билан тор доирада тановул қиламан. Хўш, энди ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз? Машаққатли бал қандай ўтди?

— Қойилмақом! — деди Коровьев шанғиллаб, — ҳамма махлиё, ҳамма шайдою гадо, одобга ҳам, маҳорату латофатга ҳам, назокатга ҳам бой эканлар кироличам!

Воланд индамай стаканни кўтариб Маргарита билан чўқиштирди. Маргарита, ҳозирнинг ўзида адои-тамом бўламан, деб ўйлади-ю, лекин итоаткорлик билан спиртни ичиб юборди. Бироқ ҳеч қандай фалокат юз бермади. Жонли бир суюқлик қорнини қиздириб ўтди-ю, энсасига бир нима урилгандай бўлди, кейин узоқ вақт мириқиб ухлаган одамдай яна дармонга кирди, бундан ташқари, ўзининг саёқ итдек очлигини ҳис қилди. Кеча эрталабдан бери туз тотимаганини эслаган эди, иштаҳаси бадтар очилиб кетди. У балиқ икрасини қошиқлаб олиб, чайнамай юта бошлади.

Бегемот бир бўлак ананасни кесиб олди-да, туз ва мурч сепиб, «хап» этиб еб юборди, шундан кейин иккинчи марта бир қадах спиртни шундай усталик билан «отиб» юбордики, ҳамма чапак чалиб уни олқишлади.

Маргарита иккинчи қадахни ичиб юборгандан кейин чилчироқларнинг шамлари равшанроқ, каминдаги олов ҳам гуриллаб ёна бошлади. Маргарита сира ҳам маст бўлгани йўқ. У оппоқ тишларини гўштга ботираркан, сардагини хузур қилиб ютар ва айна пайтда Бегемотнинг устрицага хантал суришини томоша қиларди.

— Сен яна устига узум ҳам қўй, — деди Гелла мушукнинг биқинига оҳиста туртаркан.

— Ўргатманг менга, — деб жавоб қилди мушук, — биз ҳам кўп меҳмон кўрганмиз, кўнглингиз тўқ бўлсин, кўрганмиз!

— О, мана шундай ўчоқ олдида ўтириб, одмигина овқатланиш қандай яхши, — деб шанғилларди Коровьев, — ёр-дўстлар даврасида...

— Йўқ, Фагот, — деб эътироз билдирди мушук, — балнинг ўз жозибаси, кўлами бўлади.

— Ҳеч қандай жозибаси ҳам, кўлами ҳам йўқ, билъакс, анави овсар айиқлар ҳам, шунингдек, бардаги йўлбарслар ҳам, бўкираверишиб кулоқ-миямни еб юборишди, — деди Воланд.

— Бош устига, мессир, — деди мушук, — баски, сиз кўлам йўқ деган фикрда экансиз, мен ҳам шу фикрни қўллашга киришаман.

— Буни қара-я! — деб қўйди Воланд.

— Ҳазиллашгандим, — деди мушук мутелик билан, — йўлбарслар масаласига келса, ҳозир буюраман — уларни кабоб қилишади.

— Йўлбарс гўштини еб бўлмайди, — деди Гелла.

— Сиз шундай деб ўйлайсизми? Унда, мана, эшитинг, — деди мушук ва кўзларини сузганча, бир пайтлар саҳрода ўн тўққиз кун ёлғиз дарбадар юрганида ўзи ўлдирган йўлбарс гўшти билан кун кечирганини хузур қилиб сўзлаб берди. Ҳамма бу ғаройиб қиссани зўр қизиқиш билан тинглади, лекин Бегемот сўзлаб бўлгач, ҳамма бир овоздан:

— Ғирт ёлғон! — деб юборди.

²⁵ Ноблесс оближ (фр.) — вазият мажбур қилади.

— Ҳаммадан ҳам қизиқ томони шундаки, — деди Воланд, — бу ҳикоят — бошдан-оёк бўҳтон.

— Шунақами ҳали? Бўҳтон денг? — деб бақирди мушук, ҳамма уни, ҳозир эътироз билдиради, деб ўйлаган эди, лекин у секингина деди: — Тарих ажрим қилади бизни.

— Айтинг-чи, — деди спирт ичиб ана тийраклашган Марго Азазеллога юзланиб, — сиз анави собиқ баронни отиб ташладингизми?

— Шак-шубҳасиз, — деб жавоб қилди Азазелло, — нега энди уни отмас эканман? Уни албатта отиб ташлаш керак эди.

— Мен бирам ҳаяжонландимки! — деди Маргарита, — тасодифан бўлди-да ўзиям.

— Бунинг ҳеч қандай тасодиф томони йўқ, — деб эътироз билдирди Азазелло, Коровьёв эса чийиллаб инграй бошлади:

— Ахир ҳаяжонланмай бўларканми? Мениям аъзои баданим «дағ-дағ» титраб кетди! Пак! Тамом! Барон кулаб тушди!

— Мен, сал бўлмаса, жинни бўлиб қолаёздим, — деб қўшиб қўйди мушук, балиқ икраси олиб еган қошиғини яларкан.

— Мен бир нарсага тушунмаяпман, — деди Маргарита кўзларида биллур кандилнинг заррин учқунлари ўйнаб, — наҳотки бу ерда бўлган музыкаю балнинг барча гумбур-гумбури ташқарига эшитилмаган бўлса?

— Ҳа, эшитилмади, киролича, — деб изоҳлади Коровьёв, — ўзи бунақа бални эшитилмайдиган қилиб ўтказиш лозим. Эҳтиёткорлик билан иш кўриш керак бўлади.

— Ҳа-да, ҳа-да... Акс ҳолда биласизми, зинада турган анави одам... Боя Азазелло билан унинг ёнидан ўтиб кетдик-ку... ўша... Кейин эшик олдида турган одам ҳам... Менимча, у сизнинг квартирангизни кузатиб турган эди...

— Тўғри, тўғри! — деб кичқирди Коровьёв, — тўғри, қимматли Маргарита Николаевна! Сиз менинг гумонимни тасдиқлаясиз. Ҳа, у квартирани кузатиб турган эди. Ўзим ҳам уни аввалига биронта паришонхотир приват — доцент ё маъшуқасини интизор бўлиб кутаётган ошиқ бўлса керак деб ўйлаган эдим, йўқ, ундай эмас экан! Кўрдиму кўнглим ғаш бўла бошлади! Ах! Ростданам, у квартирани кузатаётган эди! Эшик олдида тургани ҳам! Яна бостирма тагида тургани ҳам!

— Қизиқ, сизларни ҳибсга олгани келишармикин-а? — деб сўради Маргарита.

— Албатта келишади, латофатли киролича, албатта! — деб жавоб қилди Коровьёв. — Кўнглим сезиб турипти — келишади, лекин ҳозир эмас, кези келганда, албатта, келишади. Аммо қизиқарли ҳеч нима бўлмайди менимча.

— Вой, бирам ҳаяжонланиб кетдимки, анави барон йиқилиб тушганида, — деди Маргарита, чамаси, у ўз умрида биринчи марта кўрган котилликдан ҳамон ўзига кела олмаётган эди. — Сиз мўлжалга яхши теккизсангиз керак-а?

— Бинойидай, — деб жавоб қилди Азазелло.

— Неча қадамдан? — деб Маргарита сал мужмалроқ савол берди Азазеллога.

— Ҳамма гап нимани мўлжалга олишда, — деб жўяли жавоб қилди Азазелло, — масалан, танқидчи Латунскийнинг деразасига болға уриш бошқаю унинг юрагини мўлжалга олиш бутунлай бошқа.

— Юрагини! — деди Маргарита, негадир ўз юрагига қўлини қўйиб, — юрагини! — деб такрорлади у хирқироқ овоз билан.

— Ким экан ўша танқидчи Латунский? — деб сўради Воланд Маргаритага кўзини сузиб қараркан.

Азазелло, Коровьёв ва Бегемот истиҳола қилгандек ерга қарадилар, Маргарита эса жавоб бераркан чўғдек кизариб кетди:

— Шунақа бир танқидчи бор. Бугун кечкурун мен унинг бутун квартирасини дабдала қилиб

ташладим.

— Ана холос! Нега энди?

— У, мессир, — деб тушунтира бошлади Маргарита, — бир устанинг умрига зомин бўлди.

— Нима қилардингиз ўзингиз уриниб? — деди Воланд.

— Менга рухсат этинг, мессир, — деб шўх оҳангда чинқириб юборди мушук, «дик» этиб ўрнидан тураркан.

— Э, ўтирсанг-чи, — деб тўнғиллади Азazelло ўрнидан тураркан, — ўзим hozир бориб келаман...

— Йўқ! — деди Маргарита, — йўқ, ўтинаман, мессир, кераги йўқ бунинг.

— Ихтиёрингиз, ихтиёрингиз, — дедн Воланд, Азazelло яна ўз ўрнига ўтирди.

— Хўш, биз нимага келиб тўхтаган эдик, бебаҳо киролича Марго? — деди Коровьев, — э, ха, юрак. Юракка анави теккизади. — Коровьев узун бармоғини Азazelло томонга чўзиб кўрсатди, — буюртма бўйича юракнинг хоҳлаган бўлмасига ёки унинг истаган қоринчасига теккизиши мумкин.

Маргарита аввалига тушунмади, тушунгач, хайрон бўлиб деди:

— Ахир ўша қоринчалар ёпиқ-ку!

— Азизам, — деди Коровьев хирқи овоз билан, — қизиғиям шунда-да! Очиқ нарсага ҳамма ҳам теккизиши мумкин!

Коровьев стол ғаладонидан битта еттилик қарта олиб, Маргаритага узатди ва унинг ҳолларидан бирини тирноғи билан белгилаб беришни илтимос қилди. Маргарита юқори ўнг бурчақдаги холни белгилади. Гелла қартани ёстиқ остига яширди-да:

— Тайёр! — деб кичқирди.

Шунда ёстиққа орқа ўгириб ўтирган Азazelло шимининг чўнтагидан ўзиотар қора тўппонча олиб, ўгирилмай елкаси оша каравот томонга ўқ узди ва Маргаритани салгина чўчитиб юборди. Ўқ тешиб ўтган ёстиқ остидан еттилик қартани олишди. Ундаги Маргарита белгилаган хол тешилган эди.

— Сизга рўпара келишни асло истамасдим тўппонча ушлаган пайтингизда, — деди Маргарита Азazelлога карашма қилиб. Ҳар қандай ишнинг пири бўлган одамларга доим зўр эҳтирос билан қарарди у.

— Қимматли киролича, — деб чийиллади Коровьев — қўлида ҳеч қандай револьвер бўлмаган пайтда ҳам Азazelлога рўпара келишни ҳеч кимга маслаҳат бермайман! Собик регент ва ашулачи сифатида виждонан онт ичиб айтаманки, ўша дуч келган одамнинг шўри қуриydi.

Мерганлик тажрибаси пайтида ўшшайиб ўтирган мушук энди бирдан:

— Ўша еттилик қартада мен янги рекорд қўяман, — деб эълон қилди.

Азazelло бунга жавобан бир нима деб ириллаб қўйди. Лекин мушук ўз аҳдида туриб олиб, бир эмас, иккита револьвер сўради. Азazelло шимининг иккинчи орқа чўнтагидан яна битта револьвер олиб бояги револьвер билан икковини мактанчоқ мушукка узатаркан, заҳарханда билан лабини буриб қўйди. Еттилик қартада иккита холни белгилашди. Мушук ёстиққа орқа ўгириб олиб, отишга узоқ вақт тайёрланди. Маргарита иккала қулоғига бармоқларини тикиб ўтираркан, кўзини камин токчасида мудраб ўтирган бойқушдан узмасди. Мушук иккала револьвердан баравар ўқ узди, шу заҳоти Гелла жон аччиғида чинқириб юборди, ўқ тегиб ўлган бойқуш соат устига қулаб тушди, синган соат тўхтаб қолди. Бир қўли қонга бўялган Гелла фарёд кўтариб, мушукнинг юнгига чанг солди, мушук эса ўз навбатида унинг сочини юмдалай бошлади, оқибат, иккови бир-бирига чирмашганча, полда у ёқдан-бу ёққа коптокдек юмалай бошлашди. Стол устида турган қадаҳлардан бири ерга тушиб чил-чил синди.

— Ажратиб олсангларчи мендан манави қутурган шайтон қизни! — деб чинқирарди мушук, устига миниб олган Гелладан қутулишга ҳаракат қиларкан. Уришқоқларни ажратиб қўйишди, Коровьев Гелланинг ўқ теккан бармоғига бир марта пуфлаган эди, бармоқ соғайди-қолди,

— Отолмайман-да ахир, гап билан чалғитишгандан кейин! — деб чинкирарди Бегемот ва айни пайтда елкасидан Гелла юлиб олган бир тутам юнгни жойига ёпиштиришга уринарди.

— Гаров ўйнайман, — деди Воланд Маргаритага жилмайиб, — жўрттага шундай қилди. Аслида жуда яхши отади.

Гелла билан мушук ярашиб, ҳатто ўпишиб ҳам олишди. Кейин ёстиқ тагидан қартани олиб текшириб кўришди. Азазелло тешган ҳолдан бошқа биронта ҳолга гард ҳам тегмаган эди.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, — деб таъкидларди мушук қартани қандил ёруғига тутиб қараркан.

Шодиёна кечлик давом этарди. Чилчироқнинг шамлари аста эриб оқар, каминдан гуп-гуп уфираётган куруқ ва хушбўй иссиқ ҳаво бутун хонани қамраган эди. Тўйиб овқатланган Маргарита энди сархушлик оғушида хузур қилиб ўтирарди... Унинг ҳеч қаёққа кетгиси келмасди, ҳолбуки, ўзининг тахминича вақт алламаҳал бўлган. Тунги воқеалар ҳисобга олинса, вақт эрталабки соат олтига яқинлашган эди. Маргарита орага чўккан сукунатдан фойдаланиб, Воландга қимтинибгина деди:

— Энди мен борай... Кеч бўлди.

— Қаёққа шошасиз? — деб сўради Воланд куруққина қилиб. Аммо қолганлар «мик» этмади.

— Ҳа, вақт бўлди, — деб такрорлади Маргарита бундай мунсоабатдан янаям кўпроқ хижолат бўлиб, у елкасига ташлаш учун бирон ёпинчиқ ё плаш қидириб атрофига қаради. Чунки ўзининг яланғочлигидан энди иймана бошлаган эди. У ўрнидан турди. Воланд каравотда ётган чувринди ва қатирма халатини олиб, индамай Маргаритага узатди, Коровьёв уни Маргаританинг елкасига ташлади.

— Миннатдорман, мессир, — деди Маргарита эшитилар-эшитилмас, сўнг Воландга савол маъносида қараб қўйди. Воланд эса ўз навбатида лоқайд жилмайиб боқди. Шунда бирдан Маргаританинг қалбини машъум ҳасрат туйғуси қамраб олди. У ўзини адданган деб ҳис қилди. Афтидан, унинг бадда кўрсатган хизматлари эвазига ҳеч ким уни ҳеч нима билан тақдирламоқчи эмасга ўхшайди, шунингдек, ҳеч ким унга, қолинг, деб ҳам мулозамат қилмаяпти. Ҳолбуки, Маргаританинг бу ердан чиқиб борадиган ери йўқлиги унинг ўзига кундай равшан эди. Хаёлидан «лип» этиб ўтган: «Яна ўша уйимга қайтиб боришимга тўғри келади», деган фикр қалбида доҳилий ғусса туйғусини уйғотиб юборди. Ё Азазеллонинг Александр боғида берган васвасали маслаҳатига амал қилиб, ўзи Воланддан сўрасинми? «Йўқ, ўлсам ҳам ялинмайман», деди у ўзига-ўзи.

— Хўп, саломат бўлинг, мессир, — деди у эшиттириб, ўзи эса: «Ишқилиб, бу ердан тезроқ чиқиб кетсам бўлгани, кейин бир амаллаб дарё бўйига бораман-у, ўзимни сувга ташлайман», деб кўнглидан ўтказди.

— Ўтиринг, — деб буюрди Воланд бирдан қатъий оҳангда. Маргаританинг ранги ўчиб кетиб ўтирди. — Балки бирон нима демоқчидирсиз хайрлашув олдидан?

— Йўқ, мессир, гапим йўқ, — деди Маргарита ғурур билан, — фақат шуки, агар сизга яна керак бўлсам, барча истакларингизни бажонидил бажаришга доим тайёрман. Мен ҳеч чарчаганим йўқ, балда жуда баҳри-дилим очилди. Шунга кўра, агар у яна давом этган бўлганида, яна тиззамни минг-минглаб қатллари қотилларга ўпиш учун жоним билан тутиб берган бўлардим. — Маргарита Воландни гўё қалин парда орқали элас-элас кўраётгандай — кўзлари ғилт-ғилт ёш эди.

— Тўғри! Сиз мутлақо ҳақсиз! — деди Воланд гумбурловчи овоз билан даҳшатли ҳайқириб, — шундай бўлиш керак!

— Шундай бўлиш керак! — деб такрорлашди Воланднинг мулозимлари худди акс-садодек.

— Биз сизни синаб кўрдик, — деб давом этди Воланд, — ҳеч қачон, ҳеч нима сўраманг! Ҳеч қачон, ҳеч нима, айниқса, ўзингиздан кучлироқлардан. Ўзлари тавсия қилишиб, ўзлари истаган нарсангизни беришади! Ўтиринг, такаббур аёл! — Воланд Маргаританинг елкасидаги вазмин

ридони юлқиб олиб ташлади, шун-да у яна ўзини Воланд билан ёнма-ён унинг тўшагида ўтирганини кўрди. — Хўш, Марго, — деб давом этди Воланд, энди анча мулойим овоз билан, — бугун менинг балимда бекалик қилганингиз учун нима истайсиз? Ушбу бални яланғоч ҳолда ўтказганингиз эвазига мендан нима сўрайсиз? Тиззангиз хизматини қанчага баҳолайсиз? Ҳозир сиз қатллар деб атаган меҳмонларим сизга қанча зиён етказишди? Гапиринг! Мана энди ҳеч тортинмасдан гапиришингиз мумкин. Зеро, мен сўраяпман сиздан.

Маргаританинг юраги қаттиқ-қаттиқ тепа бошлади, у чуқур хўрсиниб қўйиб, нималарнидир ўйлай бошлади.

— Хўш, қани, дадилроқ! — деб далда берарди Воланд, — ўз фантазиянгизни уйғотинг, уни ишга солинг! Анави уччига чиққан аблах — баронни қатл этиш саҳнасида иштирок этишнинг ўзи ҳам мукофотга лойиқ, агар иштирок этган одам аёл киши бўлса — алалхусус. Қани, хўш?

Маргаританинг нафаси қайтиб кетди, у дилида тайёрлаб қўйилган эзгу сўзларини айтишга эндигина оғиз жуфтлаган эди ҳамки, бирдан ранги қув ўчиб, оғзи ланг очилиб, кўзлари бақрайганча қолди. Унинг қулоғига кимнингдир безовта қилувчи, ёлборувчи овози: «Фрида! Фрида! Фрида! — деб қичқирди. — Менинг исмим Фрида!» — Шундан кейин Маргарита дудукланиб гапира бошлади:

— Демак, мен сиздан битта нарсани илтимос қилишим мумкин-а?

— Талаб, талаб қилишингиз мумкин, менинг доннам, — деб жавоб қилди саволнинг маъносига тушунган Воланд жилмайиб, — талаб қилишингиз мумкин битта нарсани!

О, Воланд Маргаританинг ўз оғзидан чиққан «битта нарса» сўзини такрорларкан, унга усталик билан ва аниқ урғу бериб гапирди.

Маргарита яна бир марта хўрсиниб қўйиб деди:

— Истардимки, Фридага, ўз чақалоғини ўлдирганда оғзига тикқан ўша рўмолчасини энди тутқазимаса.

Мушук кўзларини шифтга тикаркан, пишқириб хўрсинди, лекин бал пайтида қулоғи буралганини эслаб, чурқ ҳам этмади.

— Ўша овсар Фридадан, — деб мийиғида кулганча гап бошлади Воланд, ҳеч қандай пора олмаслигингизга қатъий ишонч ҳосил қилганим туфайли (зеро бундай нарса сизнинг қироличалик шаънингизга мутлақо номувофикдир) нима қилишимни ҳам билмай қолдим. Чамамда фақат битта илож бор — кўпроқ латта-путталар топиб келиб, хобхонамдаги ҳамма тешиқ, тирқишларга тикиб ташлашим керак.

— Гапингизга тушунмадим, мессир! — деди хайрон қолган Маргарита, у Воланднинг гапларига чинданам тушунмаган эди.

— Фикрингизга тўла-тўқис қўшиламан, мессир, — деб гапга аралашди мушук, — албатта латта билан, — деб ғижинганча панжасини столга «гурс» этиб урди.

— Мен раҳм-шафқат ҳақида гапиряпман, — деб изоҳлади Воланд ўз гапини ҳамон Маргаритадан ўтли кўзларини узмай. — У нарса баъзан мутлақо кутилмаганда айёрлик билан энг тор тирқишлардан ҳам сингиб киради. Латта-путта ҳақида гапиришимнинг боиси шунда.

— Мен ҳам шуни айтяпман-да! — деди мушук ва ҳар эҳтимолга қарши, пушти ранг крем юқилиқ пан-жалари билан учли қулоқларини беркитганча, ўзини Маргаритадан четга олди.

— Пишт! Даф бўл! — деди унга Воланд.

— Ҳали қахва ичганим йўқ, — деди мушук, — қанақасига кетарканман? Наҳотки шундай байрам оқшомида ҳам, мессир, бир дастурхон атрофида ўтирган меҳмонларни икки навга бўлишса? Бировлар биринчи нав-у, бошқалар, шўртумшук курумсоқ буфетчининг таъбири билан айтганда, айниган иккинчи нав ҳисобланса?

— Жим бўл, — еб буюрди Воланд, сўнг Маргаритага юзланиб, ундан сўради: — Бу рафторингизга қараганда, сиз бағоят саховатли, камоли хушахлоқ одам бўлсангиз керак-а?

— Йўқ, — қийналиб жавоб қилди Маргарита, — биламан, сиз билан фақат очиқчасига

гаплашиш керак, шу боис мен ҳам сизга гапнинг очиғини айтаман: мен енгилтак одамман. Фрида учун илтимос қилганимга сабаб, эҳтиётсизлик қилиб унга ваъда бериб қўювдим. Энди у кутади, мессир, у менинг кудратимга ишонади. Агар умиди пучга чикса, мен ниҳоятда мушкул аҳволга тушиб қоламан. Умрбод кўнглим таскин топмайди. Начора? Шундай бўлиб қолди.

— Ҳа, — деди Воланд, — бу тушунарли.

— Демак, ўшандай қиласиз-а? — қимтинибгина сўради Маргарита.

— Асло, — деб жавоб қилди Воланд, — гап шундаки, қимматли қиролича, бу ўринда андаккина чатоқлик юз берган. Ҳар бир муассаса ўз иши билан шуғуланмоғи керак. Орий рост, бизнинг имкониятларимиз бениҳоя улкан, узоқни кўришга кўзлари ожиз бўлган айрим калтабинлар тасаввуридан кўра анча каттарокдир...

— Ҳа, жудаям катта, — деб лукма ташлашдан ўзини тия олмади мушук, чамаси у мана шу имкониятлардан мағрурланарди.

— Жим бўлсанг-чи, жин ургур! — деди унга Воланд ва Маргаритага ўгирилиб гапида давом этди: — Гапнинг сираси, мен муассаса деб таъбирлаганим бошқа шахс қилиши лозим бўлган ишга қўл уришдан нима ҳожат? Алқисса, мен бу ишга аралашмайман, уни ўзингиз бажарасиз.

— Наҳотки, менинг истагим бажарилса? Азazelло истехзо билан ғилай кўзини Маргаритага тикди ва малласоч бошини салгина чайқаб, пишқириб қўйди.

— Бошланг ахир, азбаройи шифо, — деб ғўлдиради Воланд ва глобусни айлантириб, унинг қайсиям бир нуқтасига тикилиб қарай бошлади, чамаси у Маргарита билан суҳбат қилган пайтида бошқа иш билан машғул бўлганини кўрсатмоқчи эди.

— Қани, чақиринг Фридани, — деб ўргатди Коровьев.

— Фрида! — деб овозининг борича чинқирди Маргарита.

Шунда эшик ланг очилиб, хонага сочлари паришон, яланғоч, аммо сархушлигидан асар ҳам қолмаган, кўзлари олазарак аёл югуриб кириб, қўлларини Маргарита томон чўзди, Маргарита эса унга улуғворлик билан деди:

— Сени кечиришди. Энди сенга рўмолчангни тутқазишмайди.

Фрида қаттиқ фарёд қилиб, Маргаританинг оёғи остига, полга хоч шаклида юз тубан ётди. Воланд бир қўл силтаган эди, шу заҳоти Фрида кўздан ғойиб бўлди.

— Миннатдорман сиздан, энди хайр, — деди Маргарита ва ўрнидан турди.

— Нима дейсан, Бегемот, — деб гапира бошлади Воланд, — шундай байрам кечасида уқувсиз одамнинг рафторидан манфаат кўзлашимиз яхшимасдир, — у Маргаритага ўгирилди, — буниси ҳисоб эмас, чунки мен ҳеч нима қилганим йўқ. Қани айтинг, ўзингиз учун нима истайсиз?

Ҳамма сукутга толди, бу сукунатни Коровьев бузди:

— Олтин донна, — деди у Маргаританинг кулоғига пичирлаб, — бу гал сал мулоҳаза билан иш кўринг! Йўқса, бахтингиз қўлингиздан чиқиб кетиши мумкин!

— Мен ҳозирнинг ўзида, шу заҳотиёқ ўз маҳбубим — устани қайтариб беришларини истайман, — деди Маргарита ва қаттиқ асабийлашганидан юзи буришиб кетди.

Шу пайт хонага «ғув» этиб шамол эсиб кириб, чил-чирокдаги шамлар алангасини бир томонга ётқизди, вазмин дарпардалар елпиниб, дераза тавақалари ланг очилди ва жуда олисда, самода тонгги эмас, тунги ойнинг порлаб тургани кўринди. Дераза этагида тунги ой шуъласидан кўкиш пояндоз ёзилиб, шу пояндоз устида Иванушканинг тунги меҳмони — ўзини уста деб танитган одам пайдо бўлди. У касалхона либосида (эгнида халат, оёғида туфли) бўлиб, ҳозир ҳам ўша қора қалпоқчасини бошидан қўймаган эди. Унинг соқол-мўйлови олинмаган юзи ҳадеб тортишар, жунунваш кўзлари шамларга зимдан чўчинқираб боқарди, ой шуъласи уни тамомила қамраб олган эди.

Маргарита бир қарашдаёқ уни таниди, қўлларини қисирлатиб, оҳ урдию унинг истикболига югуриб борди. У устанинг пешонасидан, лабларидан ўпар, тикандек тук босган юзига юзини

қўярди, шу пайтгача тийиб турган кўз ёшлари энди унинг юзидан дув-дув оқа бошлади. У ҳадеб фақат бир сўзни маъносиз оҳангда такрорларди:

— Сен... сен, сен...

Уста уни ўзидан четлатиб, бўғиқ овоз билан деди:

— Йиғлама, Марго, юрагимни эзма. Мен қаттиқ бетобман. — У гўё деразага сакраб қочмоқчи бўлгандай, дераза тоқчасига чанг солди, тишларини иршайтирганча, хонада ўтирганларга бир-бир қараб чиқиб, чинқириб юборди: — Мен қўрқяпман, Марго! Яна кўзимга аллақандай шарпалар кўрина бошлади.

— Йўқ, йўқ, йўқ, — деб пичирларди энтикиб-энтикиб йиғлаганидан нафаси ичига тушиб кетган Маргарита, — ҳеч нимадан қўрқма! Мен ёнингдаман! Ёнингдаман!

Коровьев эпчиллик билан, сездирмай устага стул суриб қўйди, у ўтирди, Маргарита эса уста олдида тиз чўкиб, юзини унинг биқинига босганча қимир этмай қолди. У ҳаяжонланганидан ўзининг энди яланғоч эмаслигини ҳам сезмади — унинг эғнида бирдан қора шоҳи плаш пайдо бўлган эди. Бемор бошини ҳам қилганча, маъюс ва хаста кўзларини ерга тикди.

— Ҳа, — деб гап бошлади Воланд бир оз сукутдан кейин, — роса суробини тўғрилашипти уни. Қани, рицарь, — деб буюрди у Коровьевга, — бу одамга ичгани бирон нима бер.

Маргарита титроқ овоз билан ёлборарди.

— Ич, ичвор. Қўрқяпсанми? Йўқ, йўқ, гапимга ишон, ёрдам қилишмоқчи сенга.

Бемор стаканни олиб, ундаги суюқликни ичиб юборди, лекин қўли қалтираб, стакан оёғи остига тушиб, чил-чил синди.

— Яхшиликка! Яхшиликка! — деб пичирлади Коровьев Маргаританинг қулоғига, — қаранг, у ўзига кела бошлади.

Дарҳақиқат, беморнинг нигоҳидаги ёввойилик ва бежолик йўқола бошлаган эди.

— Сенмисан, Марго? — деб сўради ой ёғдусида намоён бўлган меҳмон.

— Албатта, менман, — деб жавоб қилди Маргарита.

— Яна! — деб буюрди Воланд.

Уста иккинчи стаканни бўшатгандан кейин кўзлари жонланиб, маъноли боқа бошлади.

— Ана бу бошқа гап, — деди Воланд кўзларини сузиб боқаркан, — энди суҳбатлашамиз. Кимсиз?

— Энди мен ҳеч ким эмасман, — деди уста, шундай деб тиржайган эди, оғзи қийшайиб кетди.

— Ҳозир қаердан кеддингиз?

— Ҳасрат уйдан. Мен — жинниман, — деди меҳмон.

Бу гапни эшитган Маргарита чидай олмай яна йиғлаб юборди. Кейин кўз ёшларини артиб, чинқириб деди:

— Қандай мудҳиш сўзлар! Мудҳиш сўзлар! Мессир, сизга шуни айтишим керакки, бу — уста. Уни дарддан фориг қилинг, меҳнатингиз зое кетмайди.

— Сиз ким билан гаплашаётганингизни биласизми, — деб сўради Воланд меҳмондан, — ҳозир кимнинг ҳузурда ўтирипсиз?

— Биламан, — деб жавоб қилди уста, — жиннихонада Иван Бездомний деган бола ён кўшним эди. Ўша гапириб берувди сиз ҳақингизда.

— Э-ха, тўғри, тўғри, — деди Воланд, — мен у йигитча билан Патриарх қўли бўйида учрашиш бахтига мушарраф бўлганман. У сал бўлмаса мени ҳам жинни қилиб кўяёзган эди, мени йўқ деб исботлашга уриниб! Аммо сиз ишонарсиз, албатта, бу — чинданам мен эканлигимга?

— Ишонишга тўғри келади, — деди уста, — лекин, очиғи, сизни қорахаёл¹ самараси деб ҳисоблаш тинчроқ бўларди. Мени афв этинг, — деб илова қилди уста бирдан хушини йиғиб олиб.

— Ҳа, яхши, тинчроқ бўлса, шундай деб ҳисоблайверинг, — деди Воланд мулойимлик билан.

— Йўқ, йўқ, — деди қўрқиб кетган Маргарита устанинг елкасидан ушлаб силкитаркан, — эсингни йиғ! Рўпарангда ўтирган чинданам ўша!

Мушук бу ерда ҳам орага суқилди:

— Мана, мен чинданам қорахаёлга ўхшайман. Ой шуъласида ён томонимдан қаранг, — мушук ой ёғдусидан пайдо бўлган узунчоқ йўлакка бориб турди ва яна бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, лекин «овозингни ўчир» деб буюришди унга, шунда у: — Яхши, яхши, овозимни ўчирдим. Мен гунг қорахаёл бўламан, — деди ва жим қолди.

— Айтинг-чи, нега сизни Маргарита уста деб атайди? — сўради Воланд.

Уста мийиғида кулиб жавоб қилди:

— Унинг бу рафторини маъзур кўринг. У мен ёзган романни жуда юксак баҳолаган эди.

— Романингиз нима ҳақда?

— Понтий Пилат тўғрисида.

Шунда шамларнинг олов тиллари яна тебраниб, елпина бошлади, столдаги идишлар зириллаб кетди. Воланд мисоли момақалдиروقдек қаҳ-қаҳ уриб кулди, аммо унинг бу қаҳқаҳасидан ҳеч ким чўчимади ҳам, ажабланмади ҳам. Бегемот негадир чапак чалиб юборди.

— Нима, нима ҳақда? Ким ҳақда? — деди Воланд кулишдан тўхтаб. — Шу замонда-я? Вожабо! Нима, бошқа мавзу топилмадими? Қани, кўрайлик-чи, — Воланд кафтини юқорига қилиб кўлини чўзди.

— Афсуски, сизга уни кўрсатолмайман, — деб жавоб қидди уста, — чунки мен уни печкага қамаб ёқиб юборганман.

— Кечирасиз-у, ишонмайман бунга, — деди Воланд, — бу мумкин эмас. Қўлёмалар ёнмайди. — У Бегемот томонга ўгирилиб деди: — Қани, Бегемот, узат бу ёққа романни.

Мушук стулдан «дик» этиб турган эди, ҳамма унинг даста-даста қўлёмалар устида ўтирганини кўрди. Мушук энг устки нухани таъзим билан Воландга узатди. Маргарита яна ҳаяжондан йиғлаб юборгудек бўлиб, дағ-дағ титраганча чинқириб юборди:

— Ана қўлёманг! Ана у!

У Воланд истиқболига ташланиб завқ-шавқ билан деди:

— Сиз ҳар нарсага қодирсиз, қодирсиз!

Воланд қўлёмани олиб айлантириб кўрди, сўнг уни бир четга қўйиб, индамай, жиддий қиёфада устанинг юзига тикилди. Лекин уста негадир ташвишланиб, безовта бўла бошлади, стулдан туриб, кўллари қисирлатди, вужуди дағ-дағ қалтираб олис фазодаги ойга юзланганча гўлдирай бошлади:

— Ҳатто ойдин кечада ҳам менга тинчлик йўқ, нега ахир оромимни буздинглар? Ё тангрилар, тангрилар...

Маргарита устанинг эғнидаги касалхона халатини маҳкам чангаллаб олиб, ўзини унинг бағрига босди ва йиғи аралаш ҳасрат билан гўлдиради:

— Э, худо, нега, ахир, дори сенга қор қилмаяпти?

— Ҳечқиси йўқ, парво қилманг, — деб пичирларди Коровьев уста атрофида парвона бўларкан, — ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ... Яна бир стакан ичворинг, мен ҳам сизга улфат бўламан.

Бу галги стакан ой ёғдусидан ярақлаб устага кўз қисгандай бўлди ва унга ёрдам берди. Устани яна жойига ўтқазилди, беморнинг чехрасида энди хотиржамлик аломатлари пайдо бўлганди.

— Мана, энди ҳамма нарса равшан, — деди Воланд ва узун бармоғи билан қўлёммага «тўқ-тўқ» уриб қўйди.

— Мутлақо равшан, — деб тасдиқлади мушук, гунг қорахаёл бўлишга сўз берганини унутиб,

— бу асарнинг асосий моҳияти менга тамомила ойдин бўлди. Сен нима дейсан, Азazelло? — деб юзланди у сукут сақлаётган Азazelлога.

— Нима дердим, — деди у пинғиллаб, — сени сувга чўктириб юборган барака топади.

— Раҳминг келсин, Азazelло, — деди унга мушук, — бу шум ниятингни хукмдоримнинг кўнглига сола кўрма яна. Азбаройи шифо, унда ҳар кеча тепангга худди шўрлик устага ўхшаб ой ёғдуси либосида келиб, ҳаловатингни бузаман-а. Ана унда ҳолинг нима кечади, а, Азazelло?

— Қани, Маргарита, — деб яна гапга аралашди Воланд, — ҳамма гапингизни айтинг, нима хоҳлайсиз?

Маргаританинг кўзлари порлаб кетиб, Воландга илтижо билан юзланди:

— Майлими пичирлашиб гаплашиб олсак? Воланд бош ирғатди, шунда Маргарита оғзини устанинг кулоғига олиб бориб, бир нималарни пичирлади. Лекин фақат устанинг жавоби эшитилди:

— Йўқ, кечикдик. Энди менга ҳеч нима керак эмас. Фақат сени кўриб турсам бўлгани. Аммо такрор айтаман — воз кеч мендан. Хароб бўласан мен билан бўлсанг.

— Йўқ, воз кечмайман, — деди Маргарита ва Воландга юзланди: — Бизни яна Арбатга туташган тор кўчадаги ўз подвалимизга қайтаришингизни илтимос қиламан, яна у ерда лампа-чироғимиз ҳам ёнса, қолган ҳамма нарсалар ҳам ўз ўрнида бўлса.

Бу гапдан уста кулиб юборди ва Маргаританинг бир вақтлар сочи жингалак бўлган бошини кучоқлаганча деди:

— Бу шўрпешона аёлнинг гапига кулоқ солманг, мессир. Ўша подвалга аллақачон бошқа одам жойлашиб олган, ундан кейин, ҳамма нарсани аввалги ҳолига қайтариб бўлмайди асло. — У юзини маҳбубасининг сочлари паришон бошига қўйиб, уни кучоқлади ва:

— О, шўрлик, шўрлик... — деб ғудранди.

— Қайтариб бўлмайди дедингизми? — деди Воланд. — Гапингиз тўғри. Лекин биз уриниб кўрамиз, Азazelло!

У шуидай деган эди ҳамки шифтдан эсанкираган телбасифат бир одам «гурс» этиб тушди, унинг эгнида фақат тунги кўйлак-иштон бўлиб, негадир қўлида чамадон, бошида кепкаси бор эди. Бу одам кўрққанидан «қалт-қалт» титрар ва нукул чўкқаймоқчи бўлгандай энгашарди.

— Могаричмисиз? — деб сўради Азazelло осмондан тушган одамга юзланиб.

— Алоизий Могарич, — деб жавоб қидди у «дағ-дағ» титраб.

— Мана бу одамнинг романи ҳақида Латунский ёзган мақолани ўқиб, «уйида нолегал адабиётлар сақляпти», деб шикоят ёзган сизмидингиз? — деб сўради Азazelло.

Осмондан тушган гражданин кўкариб кетди, тавбасига таяниб юм-юм йиғлай бошлади.

— Унинг квартирасига кўчиб ўтмоқчи бўлувдингизми? — имкони борича мулойимроқ оҳангда пинғиллади Азazelло.

Шу пайт мушукнинг дарғазаб пишқиргани эшитилди. Маргарита эса:

— Жодугарнинг тирноқларини татиб кўр! — деб чинқирганича Алоизий Могаричнинг юзига чанг солди.

Тўс-тўполон кўтарилди.

— Нима қияпсан? — изтироб билан қичқирди уста, — Марго, иснодга қўйма ўзингни!

— Мен қаршиман, бу иснод эмас, — деб бақирди мушук.

Маргаритани Коровьёв ажратиб олди.

— Мен ванна ўрнатганман, — деб чинқирарди афти-ангори қонга бўялган Могарич, тишлари такиллаб, кейин аллақандай бемаъни гапларни жаврай бошлади, — битта оклашнинг ўзи... кейин, купорос...

— Жудаям яхши бўптида ванна ўрнатганинг, — деди Азazelло маъқуллаб. — У ванна олиши керак, — сўнг қичқирди: — Даф бўл!

Шунда Могаричнинг оёғи осмондан келдию ётоқхонанинг очик деразасидан учиб чиқиб

кетди. Кўзлари бакрайиб қолган уста пичирларди:

— О, буниси энди Иван ҳикоя қилган воқеалардан ҳам ғаройиброқ бўлди-ку! — у тамомила хайратга келиб, атрофига олазарак қараркан, ниҳоят мушукка юзланиб деди: — Маъзур тутасиз... сен... сизмидингиз... — у мушукни «сен»лашни ҳам, «сиз»лашни ҳам билолмай эсанкираб қолди, — сизмидингиз трамвайга чиққан ўша мушук?

— Мен эдим, — деди мушук мамнуният билан ва илова қилди: — Мушук зотига шундай хушмуомалалик билан мурожаат қилишингиз қандай яхши. Одатда мушукларни, негадир, «сен»лашади, гарчи дунёда биронта ҳам мушук ҳеч бир кимса билан қиёматли дўст тутунмаган бўлса ҳам.

— Менинг назаримда сиз мушукка унчалик ўхшамаяпсиз, — деди уста иккиланиб, сўнг Воландга ўгирилиб қимтинибгина илова қилди: — Барибир ҳали касалхонада мени қидириб қолишади.

— Бе, нега энди қидиришар экан! — деб юпата бошлади Коровьёв, шунда унинг қўлида бирдан қандайдир қоғозлар, дафтарлар пайдо бўлди, — шу хасталик варақаси сизникими?

— Ҳа.

Коровьёв қоғозларни олов ёниб турган каминга ташлади.

— Хужжат йўқ, демак, одам ҳам йўқ, — деди Коровьёв мамнуният билан, — бу — сизни ижарага қўйган одамнинг уй дафтари бўлса керак.

— Ҳа-а...

— Ким қайд қилинган бу дафтарга? Алоизий Могаричми? — Коровьёв уй дафтарининг саҳифасига пуфлади, — вассалом, энди у йўқ, кейин, шуни билгинки — бўлган ҳам эмас. Мабодо, уй соҳиби сизни кўриб ажаблангудек бўлса, Алоизий тушингизга кирган, деб айтинг унга. Могарич? Қанақа Могарич? Ҳеч қанақа Могарич бўлмаган. — Шу пайт Коровьёвнинг қўлидаги боғичли уй дафтари бирдан ғойиб бўлди. — Мана энди у уй эгасининг столи ғаладонида ётипти.

— Сиз тўғри айтдингиз, — деди Коровьёвнинг бу қадар пухта ишлашидан хайратга келган уста, — баски хужжат йўқ экан, демак, одам ҳам йўқ. Мана, айнан мен йўқман, чунки менда хужжат йўқ.

— Мени кечирасиз, — деб чинқириб юборди Коровьёв, — қорахаёл²⁶ деганимиз худди мана шу бўлади, мана сизнинг хужжатингиз, — шундай деб Коровьёв устага хужжат узатди. Сўнг кўзларини шифтга тикканча Маргаританинг қулоғига мулойим оҳангда пичирлади: — Мана бу эса, сизнинг буюмларингиз, Маргарита Николаевна, — шундай деб у Маргаритага четлари куйган дафтар, қовжираган гул ва фотография узатди, айна пайтда унга ғоят эҳтиёткорлик билан омонат дафтарча ҳам берди, — бу ерда ўзингиз қўйган ўн минг сўм, Маргарита Николаевна. Бизга бировнинг ҳақи керак эмас.

— Менинг панжам шол бўлса бўлади, аммо бировнинг нарчасига асло тегмайман, — деди мушук кеккайганча ва бадбахт романнинг ҳамма нусхасини босиб той қилмоқчи бўлгандай, чамадон устида рақс туша бошлади.

— Мана, сизнинг ҳам хужжатингиз, — деб гапида давом этди Коровьёв Маргаритага хужжат узатаркан, сўнг Воландга мурожаат қилиб, эхтиром билан деди: — Мана, бўлди, мессир!

— Йўқ, ҳали бўлгани йўқ, — деди Воланд глобусдан юз ўгириб. — Мулозимларингизни нима қилайлик, менинг қимматли доннам? Шахсан менга уларнинг кераги йўқ.

Шу чоғ очик турган эшикдан ўша-ўша яланғоч ҳолича Наташа отилиб кирди, қўлларини бири-бирига урганча Маргаритага чинқириб деди:

— Вой, бахтли бўлинг, Маргарита Николаевна! — У бош ирғаб уста билан саломлашди, сўнг яна Маргаритага юзланди: — Мен билардим қаёққа қатнаганингизни.

²⁶ Қорахаёл — йўқ нарсанинг кўзга кўриниши, галлюцинация

— Уй ходимлари ҳамма нарсани билишади, — деди мушук панжасини маъноли тарзда юқори кўтариб, — улар ҳеч нима кўрмайдилар дейиш — хато.

— Нима истайсан, Наташаа? — деб сўради Маргарита, — уйга қайт.

— Ўргилиб кетай сиздан, Маргарита Николаевна, — деди Наташа тиз чўкиб ёлбораркан, — улардан илтимос қилинг, — у кўз қири билан Воландга ишора қилди, — мени ўзларида жодугар қилиб олиб қолишсин. Ўша уйга қайтиб боришни истамайман сира! Инженерга ҳам, техника ҳам тегмайман! Кеча бал пайтида жаноб Жак менга муҳаббат изҳор қилди. — Наташа кафтини ёйиб, аллақандай олтин тангаларни кўрсатди.

Маргарита, сиз нима дейсиз, дегандек Воландга қаради. У бош ирғатиб қўйди. Шунда Наташа Маргаританинг бўйнига осилиб, уни чўлпиллатиб ўпди-да, тантанавор чинқирганча, деразадан учиб чиқиб кетди.

Энди Наташанинг ўрнида Николай Иванович пайдо бўлди. У яна ўзининг одамийлик қиёфасига кирган, лекин ниҳоятда ғамгин, ҳатто дарғазаб деса ҳам бўларди.

— Мана бу нусхани мамнуният билан қўйиб юбораман, — деди Воланд Николай Ивановичга нафратланиб қараркан, — бениҳоя зўр мамнуният билан, зеро бу ерда у мутлақо ортиқча.

— Менга гувоҳнома беришларингни ўтиниб сўрайман, — тилга кирди Николай Иванович атрофга кўрка-писа боқаркан, лекин бу гапани жуда ўжарлик билан гапирди, — бу кечани қаерда ўтказганим ҳақида.

— Нима қиласиз уни? — кескин оҳангда сўради мушук.

— Милицияга ва хотинимга кўрсатаман, — деб шахт гапирди Николай Иванович.

— Биз одатда гувоҳнома бермаймиз, — деб жавоб қилди мушук манглайини тириштириб, — лекин сиз учун, майли, истисно қиламиз.

Николай Иванович кўз очиб-юмишга ҳам улгурмай, Гелла ёзув машинкаси ёнига ўтириб, мушук айтган гапларни ёза бошлади.

— Гувоҳлик бераманким, ушбунни кўрсатувчи Николай Иванович мазкур тунни шайтон уюштирган балда ўтказди, у балга одам ташувчи восита... қўштирноқ оч, Гелла! Қўштирноқ ичида ёз — «тўнғиз» сифатида жалб этилган эди. Имзо — Бегемот.

— Числочи? — деб чийиллади Николай Иванович.

— Биз число қўймаймиз, число қўйилган ҳужжат кучини йўқотади, — деди мушук қоғозга имзо чекаркан, сўнг қаердандир муҳр олиб, қоидасини келтириб, унга хўхлади-да, қоғозга «тўланган» деган сўзни босиб, уни Николай Ивановичга тутқазди. Шундан кейин Николай Иванович беному нишон ғойиб бўлди, аммо унинг ўрнида кутилмаган янги одам пайдо бўлди.

— Бу яна ким бўлди? — ижирғаниб сўради Воланд, шам ёруғидан юзини кафти билан тўсаркан.

Варенуха (бу ўшайди) бошини эгиб хўрсиниб қўйди ва эшитилар-эшитилмас деди:

— Қўйиб юборинглар. Мен қон сўрувчи кўршапалак бўлмайман. Ўшанда Гелланинг ёрдамида Римскийни ўлдириб қўйишимга сал қолувди. Лекин мен қонхўр эмасман. Қўйворинглар мени.

— Нима деб жаврапти узи? — афтини бужмайтириб сўради Воланд. — Яна қанақа Римский? Нима бало, алаҳлаяптими?

— Ҳеч азият чекманг, мессир, — деди Аззелло ва Варенухага юзланди: — Кўрслик қилиш керак эмас телефонда. Ёлғон гапириш керакмас телефонда, тушунарлими? Энди бошқа бундай қилмайсизми?

Варенуханинг мияси шодликдан гангиб қолди, чехраси еришди ва нима деетганини узи ҳам тушунмай ғўлдирай бошлади:

— Азбаройи х... яъни айтмоқчиманки, аъло ҳаз... хозироқ тушликдан кейин... — Варенуха қўлларини кўксига босиб, Аззеллога илтижо билан боқарди.

— Ҳа, яхши, уйга жўнанг, — деди Аззелло. Варенуха зумда эриб йўқ бўлди- қолди.

— Энди мени мана булар билан ёлғиз қолдиринглар, — деб буюрди Воланд уста билан Маргаритани кўрсатиб.

Воланднинг буйруғи шу заҳоти бажарилди. У бир оз сукутдан сўнг устага мурожаат қилди.

— Шундай қилиб, Арбатдаги подвадда турмоқчимисиз? Унда асар ёзиш нима бўлади? Орзулар-чи, илҳом-чи?

— Менда бошқа ҳеч қандай орзу-армон қолмади, илҳом ҳам йўқ энди, — деб жавоб қилди уста, — ҳаётда мени энди ҳеч нима қизиқтирмайди, ёлғиз Маргодан бошқа, — деб у яна қўлини Маргаританинг бошига қўйди, — мени майиб қилишди, юрагим зик, подвалда тургим келяпти.

— Пилат ҳақидаги романингиз нима бўлади?

— У романни кўрарга кўзим йўқ, — деб жавоб қилди уста, — мен ўша роман туфайли кўп азоб чекдим.

— Ўтинаман сендан, — зорланиб деди Маргарита, — асло бундай дема. Нега, ахир, мени қийнайсан? Биласан-ку, мен бутун ҳаётимни тикканман шу ишинг учун. — Шундан сўнг Маргарита Воландга қараб илова қилди: — Қулоқ солманг гапига, мессир, жуда қаттиқ азоб чеккан у.

— Ахир бирон нарса тўғрисида ёзиш керак-ку! — дерди Воланд, — агар анави прокуратор ҳақида ёзадиган гапингиз қолмаган экан, унда ҳеч бўлмаса Алоизийни тасвирланг.

Уста жилмайиб қўйди.

— Бунақа нарсани Лапшённикова босмайди, ундан кейин унинг қизиғиям йўқ.

— Ахир қандай кун кечирасизлар? Очлик-муҳтожликдами ?

— Ҳа, бажонидил, — деб жавоб қилди уста, сўнг Маргаритани ўз бағрига тортиб, унинг елкасидан кучаркан қўшиб қўйди: — Марго эс-хушини йиғиб олгач, мени тарк этади...

— Тарк этмайди, — деди Воланд тишларини гижир қилиб, сўнг давом этди: — Демак, Понтий Пилат ҳақида тарихий асар ёзган одам узлатга чекиниб, подвалда қашшоқликда кун кечирмоқчимиз?

Маргарита устанинг пинжидан чиқиб, жуда қизишиб гапира бошлади:

— Мен қўлимдан келганча уриниб кўрдим, кишини васвасага солувчи энг ширин сўзларни айтдим қулоғига. Лекин у барибир бош тортяпти.

— Қулоғига нима деб пичирлаганингизни биламан, — деди Воланд, — лекин у гаплар унчалик васвасали эмас эди. Сизга шуни айтмоқчиманки, — жилмайиб туриб устага мурожаат қилди у, — романингиз ҳали сизга кўп эзгуликлар олиб келади.

— Бу ғирт ғурбат бўлади, — деди уста.

— Йўқ, йўқ, ғурбат бўлмайди, — деди Воланд, — энди ҳеч ҳам кўрқинчли бўлмайди. Хуллас, Маргарита Николаевна, ҳамма иш қилиб бўлинди. Айтинг-чи, менга бирон эътирозингиз борми?

— Бе, қўйсангиз-чи, нималар деяпсиз, мессир!

— Унда, мана бу мендан сизга эсдалик бўлсин, — деди Воланд ва ёстиқ остидан ҳаммаёғига олмос тошлар қадалган кичкинагина олтин тақа олди.

— Йўқ, йўқ, асло, нима иш қилипман!

— Мен билан баҳслашмоқчимисиз? — деди Воланд жилмайиб.

Маргарита, эгнидаги плашнинг чўнтаги бўлмагани сабабли, тақачани рўмолчага тугиб олди. Шунда бир ҳол уни тонг қолдирди. У тўлиной ёғду сочиб турган деразага ўгирилиб шундай деди:

— Мен бир нарсага ҳеч тушуна олмаяпман... Ярим тун бўлганига анча вақт бўлди-ю, аммо ҳалиям ўша-ўша ярим тун... нега бундай? Менинг тахминимча, аллақачон тонг отган бўлиши керак эди.

— Байрам тунининг бир оз узайгани дилга кўп манзур бўлади-да, — деб жавоб қилди Воланд. — Хўп бўлмаса, сизларга бахт тилайман.

Маргарита тавалло қилмоқчи бўлгандай қўлларини Воланд томон чўзди, лекин унга яқинлашишга журъат этолмай, оҳиста деди:

— Алвидо! Алвидо!

— Кўришгунча хайр, — деди Воланд.

Шундан кейин Маргарита қора плашда, уста эса касалхона халатида заргар бевасининг шам ёниб турган дахлизига чиқишди, бу ерда уларни Воланднинг мулозимлари кутиб туришарди. Улар ташқарига чиқа бошлашди, шунда Гелла роман нусхалари билан бирга Маргарита Николаевнанинг буюмлари солинган чамадонни кўтариб олди, мушук унга кўмаклашди. Квартира остонасида Коровьев таъзим билан хайрлашиб, кўздан ғойиб бўлди, қолганлар меҳмонларни зинадан кузатиб туша бошладилар. Зина бўм-бўш эди. Улар учинчи қаватнинг майдончасидан ўтишаётганда бир нима «тўп» этгандай бўлди, лекин бунга ҳеч ким парво қилмади. Подъезд эшигига етишганда, Азazelло тепага қараб «пуф» деди, кейин ҳаммалари ой ҳали мўраламаган ҳовлига чиқишди-ю, эшик олдида этик ва кепка кийган бир одамнинг донг қотиб ухлаб ўтирганини кўришди. Бу ерда яна чироқлари ўчирилган каттакон қора машина турган бўлиб, унинг олд томонидаги ойнасидан рулда ўтирган қарғанинг шарпаси ғира-шира кўринарди.

Энди машинага чиқмоқчи бўлишганда Маргарита бирдан алам билан оҳиста чинқириб юборди:

— Вой ўлмасам, тақани йўқотиб қўйибман!

— Машинага ўтиринг, — деди Азazelло, — мени кутиб туринглар. Хозир қайтаман, нима бўлганини билиб келаман. — У подъездга кириб кетди.

Гап бу ёқда эди: Маргарита билан уста ўз кузатувчилари билан заргар беваси квартирасидан чиқишмасдан сал олдин, шу квартира остидаги 48-квартирадан битон ва сумка кўтарган ориққина бир аёл зина майдончасига чиққан эди. Бу — чоршанба куни ғалтак олдида писта ёғи тўкиб юбориб, Берлиозни балога гирифтор қилган ўша Аннушка эди.

Бу аёлнинг Москвада нима билан шуғулланишини, қандай маблағ ҳисобига кун кечирини шу пайтгача ҳеч ким билмаган, энди бундан кейин ҳам ҳеч ким ҳеч қачон билолмаса керак. Унинг тўғрисида фақат шу нарса маълум эди: уни ҳар куни гоҳ битон, гоҳ сумка, гоҳида сумкаям, битонам кўтарган ҳолда — ё нефть дўконида, ё бозорда, ё бўлмаса уй бостирмаси остида, ё зинада, аксарият пайт эса ўзи яшаб турган 48-квартиранинг умумий ошхонасида кўриш мумкин эди. Бундан ташқари, одамларга у ҳақда яна ҳам кўпроқ маълум бўлган нарса шу эдики, Аннушка пайдо бўлган ҳамма ерда ўша заҳоти албатта жанжал кўтариларди, бундан ташқари унинг лақаби ҳам «Ўлат» эди.

Аннушка — Ўлат одатда жуда барвақт турар, бугун эса каллаи саҳарлаб — соат бир бўлмасдан туриб олди. У калит солиб эшикни очди, олдин йўлакка бошини чиқариб қаради, кейин ўзи чиқди. Эшикни ёпиб, энди кетишга шайланган эди ҳамки, ўзидан юқори қаватда эшик тарақлади, кимдир зинадан пилдираб тушиб келиб, Аннушкага урилиб кетди, бу зарбадан Аннушка гардани билан деворга бориб урилди.

— Қай гўрга шошяпсан битта ички иштонда, касофат? — деб чийиллади Аннушка оғриган гарданини чангаллаганча. Эгнига фақат ички кўйлак-иштону бошига кепка кийган, қўлига чамадон кўтариб олган, кўзлари юмук бу одам уйқусираган дағал овоз билан жавоб қилди:

— Колонка! Купорос! Битта оқлашнинг ўзига қанча сарф бўлганди, — кейин у йиғлаб юбориб бақирди: — Даф бўл! — Шундан кейин у зинадан пастга эмас, яна орқага — юқорига, экономист ойнасини тепиб синдирган дераза олдига югуриб чиқди-да, оёғи осмондан бўлиб шу дераза орқали ҳовлига учиб чиқиб кетди. Аннушканинг оғзи ланг очилиб қолди, у хатто гарданининг оғриётганини ҳам унутиб қўйиб, ўша дераза олдига отилиб чиқди. У қорнига ётиб, бошини деразадан чиқарди: фонус ёритган ҳовлида бояги чамадон кўтарган одамнинг чилпарчин бўлиб ўлиб ётганини кўраман деб ўйлаган эди у. Аммо асфальт ҳовлида ҳеч нима

йўқ эди.

Бу уйқусираган аломат жонзод ўзидан ҳеч бир ном-нишон қолдирмай мисоли қушдай учиб кетиптида, деб тахмин қилишдан ўзга илож қолмади. Аннушка чўқиниб олиб, кўнглидан ўтказди: «Ҳа, бу эллигинчи квартира айтганларича бор экан! Одамлар бекорга гапиришмаган экан! Ана квартираю мана квартира!».

У шундай хаёлга бориб турганида тепадаги эшик яна тарақладию яна бир одам чопиб туша бошлади. Шунда афти бир оз чўчқанинг тумшуғига ўхшаб кетса ҳам, аммо соқол қўйган ва хийла басавлат бир киши ўзини четга олиб деворга қисилиб турган Аннушканинг ёнидан «ғиз» этиб ўтиб, бу ҳам худди бояги одам сингари асфальт ҳовлига йиқилиб ўлиши мумкинлигини ўйламай, ўзини деразадан отди. Аннушка бугун уйдан нима мақсадда чиққанини ҳам унутиб, зинада қолди, у ҳадеб чўқинар, оҳ-воҳ қилар, ўзи билан ўзи гаплашар эди.

Салдан кейин учинчи одам (буниси — соқол-мўйловсиз, кулча юз, эгнига кўкрак бурма кенг қўйлак кийган эди) юқоридаги эшикдан отилиб чиқиб, у ҳам аввалги киши сингари деразадан учиб чиқиб кетди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Аннушка ўзига етганча синчков эди, шунга кўра, яна биронта янги мўъжиза содир бўлмасмикин, деб яна кутишга аҳд қилди. Юқори қаватдаги эшик яна очидди, бу сафар зинадан бир талай одам тушиб кела бошлади, лекин улар чопмасдан, ҳамма одамлар қатори баҳузур юриб тушишарди. Аннушка дераза олдидан қочиб, «ғир» этиб ўз эшиги олдига чопиб тушди, шоша-пиша эшикни очиб, ўзини унинг панасига олди, шунда сал очик қолдирилган эшик тирқишидан унинг қаттиқ хаяжонланган синчков кўзи «лип-лип» чакнади.

Касаллигиниям, касалмаслигиниям билиб бўлмайдиган, ранги бўздай оқарган, соқол-мўйлови ўсиб кетган, эгнига аллақандай халат, бошига қора шапкача кийган ғалати бир одам базўр қадам қўйиб тушиб келарди. Елкасига қора ридо ташлаган (ним қоронғида Аннушканинг кўзига шундай кўринган эди) бир хоним ҳалиги одамни эҳтиётлаб қўлтиқлаб олганди. Хоним ялангоёқмиди, ё оёғига қандайдир жуда ялтироқ, йиртилиб тилка-тилка бўлиб кетган (чет элники бўлса керак) туфли кийганмиди — буни аниқ айтиш қийин. Вой шарманда-е. Туфлини гапирасиз-а! Ахир бу ойимча қип-яланғочу! Ҳа-да, яланғоч елкасига жубба ташлаб олипти, холос! «Жин текканми ўзи бу квартирага, нима бало?» Эртага қўшниларига оғиз кўпиртириб сўзлаб берадиган гап топилганидан Аннушка ич-ичидан қувонарди..

Ғаройиб либосдаги бу хонимча орқасидан қўлига чамадонча кўтарган мутлақо қип-яланғоч бошқа бир хонимча тушиб келар, чамадон ёнида эса хирсдай келадиган бир қора мушук ғивирсирди. Аннушка кўзларини ишқаларкан, ҳайратдан чинқириб юборишига сал қолди.

Ҳаммадан орқада пакана, ғилай кўз, эгиига оқ иимча кийиб, бўйнига галстук боғлаган бир ажнабий оқсоқланиб тушиб келарди. Уларнинг ҳаммаси Дтшушканинг эшиги ёнидан ўтиб, пастга туша бошлади. Улар майдончадан ўтишаётганда бир нима тўқ» этди. Оёқ товушларининг тина бошлаганини эшитган Аннушка этагидан худди илондек сирғалиб чиқди, битонини девор тагига қўйиб, корни билан майдончага ётди-да, ҳаммаёққа қўл чўзиб тимирскилана бошлади. Мана, қўлига оғир бир нарса ўралган рўмолча илинди. Аннушка рўмолчани очиб, қимматли топилмани у кўзига яқин олиб борган эди, кўзи нақ оч бўриники сингари ёна бошлади. Аннушканинг миясида қуюн кўтаридди: «Ҳеч нарса билмайман! Ҳеч нарса кўрганим ҳам, эшитганим ҳам йўқ! Жиянимникига олиб борсаммикин? Ё арралаб бўлак-бўлакка ажратайми? Олмос тошларни кавлаб олсам ҳам бўлади... Кейин уларни битта-биттадан пуллайвераман: бирини Петровка бозорида, яна бирини Смоленский бозорида... Хуллас, ҳеч нарса кўрмадим, ҳеч нарса эшитмадим, ҳеч нарса билмайман!».

Аннушка топилмани қўйнига ягпириб, битонини қўлига олди-да, шаҳарга чиқиш режасидан воз кечиб, ўз квартирасига «шип» этиб кириб кетмоқчи бўлган эди, рўпарасида бирдан бояги оқ нимча кийган одам (осмондан тушганиниям, ердан чиққаниниям ҳеч ким билмайди) пайдо бўлди ва секингина пичирлади:

— Қани, чўз рўмолчага ўралган тақачани.

— Вой, қанақа тақача, қанақа рўмолча? — деб сўради Аннушка усталик билан ўзини гўлликка солиб, — ҳеч қанақа рўмолчани билмайман. Нима бало, гражданин, мастмисиз дейман?

Оқ нимча кийган ажнабий ортиқ чурқ ҳам этмай ўзининг худди автобуснинг тутқичига ўхшаган қаттиқ ва совуқ бармоқлари билан Аннушканинг бўйнига чанг солиб, уни хиппа бўғди. Аннушканинг қўлидан битони тушиб кетди. Нимча кийган ажнабий бир неча фурсат Аннушканинг нафас йўлини шу тарзда бўғиб туриб, сўнг қўлини унинг бўйнидан олди. Аннушка энтикиб-энтикиб нафас олгач, жилмайиб деди:

— Э-э, тақача денг? Мана, ҳозир! Сизникимиди бу тақача? Қарасам, ерда рўмолчага ўроғлик ётипти... Мен, яна битта-яримта илиб кетмасин, деб атайлаб яшириб қўйдим, биров илиб кетса борми, икки дунёда ҳам топа олмасдингиз!

Ажнабий рўмолчага ўралган тақачани олгач, Аннушкага қуюқ таъзим қилиб, қўлини маҳкам сикди, чет элликларга хос талаффуз билан унга қизгин миннатдорлик билдира бошлади:

— Сиздан беҳад миннатдорман, мадам. Бу тақача ёдгорлик сифатида қадрли мен учун. Бинобарин, буни асраб қолганингиз учун ижозатингиз билан сизга икки юз сўм мукофот берсам. — Шундай деб у дарҳол нимчасининг чўнтагидан пул чиқариб, Аннушкага узатди.

У зўрма-зўраки жилмаяркан, нукул:

— О, чин қалбимдап ташаккур айтаман сизга! — деб чийилларди. — Мерси! Мерси!

Саховатли ажнабий бир сакрашнинг ўзида зинанинг кейинги майдончасига тушди, лекин буткул кўздан ғойиб бўлишидан олдин пастдан туриб (энди талаффузсиз) қичқирди:

— Сен, жодугар кампир, агар бундан кейин яна бировнинг буюмини ердан топсанг, қўйнингга яширмасдан, дарров милицияга топшир!

Зинада содир бўлган бу ҳодисалардан мияси ғовлаб, тинимсиз ғувиллаётганини ҳис қилган Аннушка яна анча маҳалгача беихтиёр қичқаришда давом этди:

— Мерси! Мерси! Мерси! — аммо ажнабийнинг аллақачон қораси ўчган эди.

Энди ҳовлида машина ҳам йўқ эди. Азазелло Воланднинг соғасини Маргаритага қайтариб бергач, яхши жойлашиб ўтирдингизми, деб сўради ва у билан хайрлашди. Гелла эса хайрлашув олдидан Маргаритани чўлпиллатиб ўпди, мушук унинг қўлини ўпиб хайрлашди, кузатувчилар ўриндикнинг бир бурчагида жонсиз жасаддек «қилт» этмай ўтирган уста билан қўл силкишиб хайрлашишди, кейин қарғага ҳам қўл силкишдию ўзларипи уринтириб зинадан чиқиб боришни хоҳламай, шу заҳоти ҳавода эриб ғойиб бўлишди. Қарға машина чироқларини ёқиб, уни соқчилик қилаётган одам донг қотиб ухлаб ўтирган бостирма остидан ҳайдаб чикди. Шундан кейин бу улкан қора машинанинг чироқлари сершовқин ва бедор Садовая кўчасидаги беҳисоб чироқларга қоришиб, кўздан ғойиб бўлди.

Яна бир соатдан кейин Маргарита Арбатга туташган тор кўчаларнинг биридаги мўъжазгина уй подвалининг биринчи хонасида (бу ердаги ҳамма нарса ўтган йилги кузнинг ўша дахшатли тунига қадар қандай бўлган бўлса, шундайлигича қолган эди) духоба дастурхон ёзилиб, устига соябонли лампа, лампа ёнига марваридгул солинган гулдон қўйилган стол ортида ўтирар ва бошига тушган ҳаяжону бахтдан товушсиз йиғларди. Унинг қаршисида олов ямлаб ташлаган дафтар ётар, бу дафтар ёнида қўл тегмаган бир даста дафтар тахланиб турарди. Бутун уй сукутта толган. Қўшни хонадаги диванда устига касалхона халати ёпилган уста бир меъёрда товушсиз нафас олиб маст уйқуда ётарди.

Маргарита йиғлаб-йиғлаб юрагини бўшатгач, қўл тегмаган дафтарларни ўқишга киришди. У Кремль девори остида Азазелло билан учрашишидан олдин уйда қайта-қайта ўқиган жойни топди. Маргаританинг ухлагиси келмасди. У қўлёмани худди ёкимтой мушукни силагандай силар, уни ҳар томонини айлантириб томоша қиларкан, дам унинг зарварағига тикилиб қолар, дам орқа бетига кўз ташларди. Шунда бирдан унинг кўнглига, буларнинг ҳаммаси бир

жодугарлик, хозир бу дафтарлар ғойиб бўладию ўзимни яна уйим ётоқхонасида кўраман, ана унда уйқудан уйғонган захотим сувга чўкиб ўлиш учун дарё бўйига боришимга тўғри келади, деган даҳшатли фикр келди. Лекин бу энг сўнгги даҳшатли фикр бўлиб, у Маргарита узоқ вақт ўз бошидан кечирган оғир изтиробларнинг акс-садоси эди. Ҳеч нима ғойиб бўлмади, иктидорли Воланд чиндан ҳам қудратли экан, Маргарита кўнглига сиққанча, ҳаттоки тонг отгунга қадар ҳам дафтарларни варақлаб, уларга кўз югуртириб, саҳифаларини ўпиб, ундаги сўзларни қайта-қайта ўқиб ўтириши мумкин эди:

— Ўртаер денгизи ёқдан бостириб келган зулмат прокураторга манфур бўлган шаҳарни буркаб олди... Ҳа, Ўртаер денгизи...

Йигирма бешинчи боб

ПРОКУРАТОРНИНГ КИРИАФЛИК ИУДАНИ ҚУТҚАРМОҚЧИ БЎЛГАНИ

Ўртаер денгизи ёқдан бостириб келган зулмат прокураторга манфур бўлган шаҳарни буркаб олди. Жомени даҳшатли Антоний минораси билан улаган муаллақ кўприклар ғойиб бўлди, осмондан тушган қуюқ зулмат хипподром узра қанот ёзган маъбудларнинг ҳайкалларини, Хасмонеи қасрини ва унинг шинакларини, бозорларни, карвонсаройларни, кўчалар ва ҳовузларни қамраб олди... Азим шаҳар — Ершалаим гўё ҳеч қачон дунёда бўлмагандай кўздан йўқолди. Ершалаим ва униг атрофида тирик жон борки, ҳаммасига зулмат таҳдид солди ва битта қўймай ютиб юборди. Баҳорги нисон ойининг ўн тўртинчи куни кечки пайт денгиз томондан жуда аломат булут бостириб келган эди.

Булут Тақир Бошчаноқни — жаллодлар қатлларга шоша-пиша найза санчиб ўлдираётган ўша Тақир Тепани — буткул буркаб олди. У яна айна пайтда Ершалаимдаги жомени ҳам чулғаб олди, сўнг у жойлашган тепаликдан мисоли тутундек бурксаб оқиб тушиб, Қуйи Шаҳарни ҳам буткул қамради. У уй дарчаларидан оқиб кирар ва қинғир-қийшиқ кўчаларда юрган одамларни уй-уйларига қувиб киритарди. У ўз оби-рахматини қуйишига шошилмас, ҳозирча фақат шуъла сочарди. Чақмоқ чақилиб, қора бўтқани эслатувчи булутни чок қилиши билан қуюқ зулмат оғушидан томи балиқ тангаларини эслатувчи жоменинг хмаҳобатли қомаи қад кўтарарди. Лекин чақмоқ бир зумда сўнардию жоме яна зулмат қаърига ғарқ бўларди. Жоме биниси шу зайл бир неча тақир зулмат қўйнидан отилиб чиқиб, яна шу зулматга шўнғиди, лекин унинг ҳар шўнғишини момақалди роқ мудҳишона гумбурлаб кузатди...

Жала кутилмаганда шаррос қуйиб юборди, шунда момақалди роқдан қуюн вужудга келди.

Прокуратор билан ҳазрати бузрук боя чошгоҳда суҳбат қурган боғдаги мрамар ўтирғич ёнида ҳозир мисоли замбаракдек гумбурлаган яшин бир туп сарв дарахтини худди бир чўпдек чўрт синдирди. Бўрон устунлар пойига — балконга ёмғир ва дўл билан бирга атиргуллару магнолия япроқларини узиб, шох-шаббалар ва қум тўзони билан учуриб келарди.

Бу маҳал устунлар пойида фақат бир киши бор эди, у ҳам бўлса прокуратор эди.

Энди у креслода ўтирмас, балки чорпояда ёнбошлаб ётарди, чорпоя олдида турган хонтахтага турли ноз-неъматлару май тўлдирилган кўзалар қўйилган эди. Хонтахтанинг нариги томонида иккинчи чорпоя бор эди. Прокураторнинг оёғи остида қизил кўлмак бўлиб, у қонни эслатар, шу кўлмақда синган кўзанинг сополаклари ётарди. Боя момақалди роқ олдида прокуратор учун дастурхон тузаётган хизматкор соҳибининг қаттиқ тикилиб қараганидан негадир эсанкираб қолган ва хўжамнинг кўнглини тополмадим чоғи, деб безовта бўла бошлаган эди, шунда прокураторнинг аччиғи чиқиб май кўзасини кошинкор полга уриб чилчил қилган ва хизматкорга:

— Нега узатаётганингда кўзимга қарамайсан? Нима, бирон нима ўғирладингми? — деб ўдағайлаб берган эди.

Африкалик хизматкорнинг қоп-қора юзи шунда кўкариб кетган, кўзларида даҳшат аломатлари пайдо бўлган эди, у дағ-дағ қалтираб сал бўлмаса иккинчи кўзани ҳам синдириб кўярди-ю, бироқ прокураторнинг ғазаби қанчалик тез қайнаган бўлса, шунчалик тез сўнган эди. Африкалик апир-шапир сополакларни йиғишга ва кўлмакни артишга киришган эди, лекин прокуратор кўл силтади ва кул бу ердан ғизиллаб чиқиб кетди. Кўлмак артилмай қолди.

Энди, бўрон пайтида, африкалик кул прокураторнинг кўзига бевақт ташланишдан кўрқиб ва айни пайтда у чақирган чоғда ғафлатда қолишдан хавфсираб, бошини ҳам қилган яланғоч аёлнинг оппоқ ҳайкали ўрнатилган камгак ерда биқиниб ўтирарди.

Рутубатли ним қоронғи кунда чорпояда ёнбошлаб ётган прокуратор қадахга ўзи май куяр, уни култум-култум қилиб узоқ вақт ичар, онда-сонда нон олиб, уни ушатар, кичик-кичик тишлаб ер, ахён-ахёнда устрица сўрар, лимон чайнар ва яна май ичарди.

Агар шариллаб ёғаётган жала, қаср томини мажақлаб юборгудек дағдағали қалдираётган момақалдироқ, балкон пиллапояларига тарақлаб ёғаётган дўл бўлмаганда прокураторнинг ўзича нималарнидир ғўлдираётганини эшитса бўларди. Агар беқарор самовий чакмоқ барқарор шуълага айланганида борми, прокураторни кузатаётган одам унинг сўнгги кунлардаги бедорлиги ва кўп май ичганлиги оқибатида яллиғланган кўзларида сабрсизлик акс этаётганини, унинг наинки қизил кўлмакка ботган икки дона оқ атиргулга, балки емғир савалаб, қум учкунларини учириб келаётган боғ томонга дам-бадам юз ўгираётганини, кимнидир бетоқат кутаётганини кўрарди.

Орадан бирмунча вақт ўтди, шаррос куяётган емғир пардаси прокураторнинг кўзи олдида юпқалаша бошлади. Қуюн нақадар пуршиддат бўлмасин, у ҳам анча ҳовуридан тушди. Дарахтларнинг қуруқ шохлари энди шитирламай, тўкилмай кўйди. Момақалдироқ садоси, чакмоқ чақини сийраклашди. Энди Ершалаим узра оқ хошияли бинафша ранг чойшаб эмас, балки энг сўнгги оддий кул ранг булутлар сузиб ўтарди. Момақалдироқ Ўлик денгиз томон равона бўлган эди.

Энди емғир шовқинини ҳам, тарновлардан оқаётган сувнинг шариллашини ҳам, халққа ҳукми эълон қилиш учун прокуратор эрталаб майдонга тушиб борган зиналардан шовуллаб оқаётган жилғанинг овозини ҳам аниқ эшитиш мумкин эди. Ниҳоят, шу топгача бўрон ва момақалдироқ босиб юборган фавворанинг шилдираши ҳам аниқ эшитила бошлади. Кун ёришди. Шарқ томон учиб кетаётган булут пардаси орасидан кўм-кўк самовий дарчалар очилди.

Шу маҳал, энди оҳиста савалаб ёғаётган емғирнинг чакиллаши орасидан прокураторнинг қулоғига олисдан карнайларнинг, юзлаб отларнинг туёқ товуши элас-элас эшитилди. Прокуратор буни эшитиб, ўрнида бир кўзғалиб кўйди, унинг чехраси хийла ёришди. Отлик қўшин Тақир Тепадан қайтаётган эди, ҳозир у, туёқ товушларига қараганда, ҳукм эълон қилинган майдондан ўтаётган эди.

Ниҳоят прокуратор боғнинг юқори айвонига олиб чиқувчи зинада, ровон бўсағасида ўзи кўпдан кутган оёқ товушини эшитди. У бўйнини чўзиб қараб, кўзлари қувончдан чакнаб кетди.

Зинанинг икки ёнбошига ўрнатилган икки мармар шер оралиғида энг олдин қайтарма қалпоқли бош, кейин жикқа хўл плаши баданига чиппа ёпишган бир одам кўринди. Бу — ҳукми эълон қилиш олдида қасрнинг қоронғилатилган хонасида прокуратор билан пичирлашган, кейин қатл пайтида уч оёқли курсида ўтириб, чўп билан ер чизган ўша одам эди.

Бу одам кўлмакларни кечиб боғ саҳнини тик кесиб ўтди, кошинкор ровонга қадам қўйди ва кўлини кўтариб, ёқимли янгроқ овоз билан деди:

— Прокуратор омон бўлсин, ҳамиша шодмон бўлсин, — у лотин тилида гапирди.

— Ё тангрилар! — деб юборди Пилат, — роса ивиб кетибсиз-у! Бўронни қаранг-а! Қалай? Дарҳол менинг хосхонамга киришингизни илтимос қиламан. Лутф қилинг, либосингизни алмаштиринг.

Келган одам бошидан қайтарма қалпоқни ечган эди, жикқа хўл сочлари пешонасига ёпишиб

қолгани маълум бўлди, у ўзининг силлиқ чехрасида таважжуҳ ҳосил қилиб, кийимини алмаштиришдан бош тортди ва ёмғир унга ҳеч бир зиён етказмаслигини уқдира бошлади.

— Эшитишни ҳам истамайман, — деди Пилат ва чапак чалиб ўзидан қочиб ўтирган хизматкорларни чақирди-да, меҳмонга қарашни, сўнгра дарҳол иссиқ овқат тортишни буюрди. Меҳмоннинг сочини қуритиши, бошқа либос, пойабзал кийиши ва умуман ўзини тартибга келтириб олиши учун жуда оз вақт керак бўлди. Бир зумдан кейин у қуруқ шиппак, қирмизи ҳарбий нлаш кийиб, сочларини силлиқ тараб балконга чиқди.

Бу пайт Ершалаим узра яна куёш чарақлаган, Ўртаер денгизига ботишидан олдин прокуратор хуш кўрмаган шаҳарга бугун сўнги марта видолашув нуруни йўллаб, балкон пиллаиояларига заррин ранг бахш этган эди. Фавворага қайта жон кириб, баралла куйлай бошлади, кабутарлар яна қум сепилган йўлкаларга учиб тушишиб, синган шохчалар устидан сакрашаркан, «ху-ху»лашиб, ҳўл қумдан нималарнидир топиб чўқишарди. Қизил кўлмак энди артилган, сополаклар териб олинган, хонтахтадаги бир товоқ пишган гўштдан буғ чиқарди.

— Прокураторнинг амрини эшитишга мунтазирман, — деди меҳмон хонтахтага яқин келаркан.

— То мен билан ўтириб май ичмагунингизча ҳеч нима эшитмайсиз, — деди Пилат назокат билан ва уни иккинчи чорпояга таклиф қилди.

Келган одам чорпояга ёнбошлади, хизматкор унинг қадаҳига қуюқ қизил шароб қуйди. Иккинчи хизматкор эса Пилатнинг елкаси оша эҳтиётлик билан энгашиб, унинг қадаҳини тўлдирди, Шундан сўнг прокуратор бир имо билан иккинчи қулни жўнатиб юборди. келган одам тановул билан банд экан, Пилат майдан ҳўплаб-ҳўплаб, қисик кўзлари билан меҳмонни кузатиб ётди. Меҳмон ўрта ёшлардаги одам бўлиб, истараси иссиқ, кулча юзи тароватли, бурни гўштор эди. Сочининг қандай рангда эканлигини аниқ айтиш қийин эди. Хозир, қурий бошлагач, у сарғиш тусга кираётган эди. Унинг қайси миллатга мансублигини ҳам аниқлаш мушкул эди. Чехрасидаги асосий белги хушмуомалалик деса ҳам бўларди-ю, бироқ кўзлари, аниқроғи, кўзлари ҳам эмас, балки ўз суҳбатдошига тикилиб қараш тарзи чехрасидаги ўша хушмуомалаликка путур етказарди. У биткўз бўлиб, одатда, сал шишинқирагандек кўринувчи ғайриоддий қовоқлари остидан беозор муғамбирлик билан боқарди. Чамаси, меҳмон мутоибага мойил эди. Бироқ бу мутоиба учқуни ўқтин-ўқтин кўзларипи мутлақо тарк этиб, у қовоқларини кўтарар, кўзларини катта очиб, гўё суҳбатдошининг бурни учидаги кўз илғамас бирон доғни тез кўриб олмоқчи оўлгандай, унга дабдурустдан қаттиқ тикиларди. Лекин бу тикилиш бир лаҳзагина давом этиб, қовоқлар яна гушар, кўзлар қисилиб, уларда мулойимлик ва муғамбирона идрок учқуни порлай бошларди.

Меҳмон иккинчи қадаҳга ҳам мойиллик билдирди, бир нечта устрицани²⁷ ошкора лаззат билан лакқа-лакқа ютиб юборди, сабзавот димламасидан татиб кўрди, гўштдан ҳам бир бўлагини олиб еди.

Қорни тўйгач майни мактади:

— Аъло нав узум, прокуратор, лекин бу — «Фалерно» бўлмаса керак?

— «Цекуба», ўттиз йиллик, — лутфан жавоб қилди прокуратор.

Меҳмон кўлини кўксига қўйиб, қорни тўйганлигини айтди ва миннатдорчилик билдирди. Шунда Пилат ўз қадаҳига май тўлдирди, меҳмон ҳам шундай қилди. Икковлари ўз қадаҳларидан гўшт солинган лаганга бир оз май паймо қилдилар, кейин прокуратор қадаҳини кўтариб, баралла овоз билан деди:

— Биз учун ҳамда жаҳонда энг азиз ва мўътабар инсон, римликлар падари бўлмиш бузрук қайсар, сен учун!

Шундан сўнг улар қадаҳларни охиригача сипкордилар, африкалик қуллар хонтахта устидаги

²⁷ Устрица — митти денгиз мавжудоти. Тансиқ овқат сифатида тириклайин исгеъмол қилинади

таомларни йиғиштириб олиб чиқиб кетишди, бу ерда фақат ҳўл мевалару кўзаларда шароб қолди. Прокуратор яна бир имо билан хизматкорларни кетказиб юборди ва устунлар пойида — ровонида энди ўз меҳмои билан қолди.

— Хўш, — деб оҳиста гап бошлади Пилат, — бу шаҳар аҳолисининг кайфияти ҳақида қанадй фикрдасиз?

Шундай деб у нигоҳини беихтиёр шийпоннинг нариёғига, офтобнинг сўнгги шуълаларига ғарқ бўлган пастликдаги устуиларга, уйларнинг ясси томларига қаратди.

— Тахминимча, прокуратор, — деб жавоб қилди меҳмон, — Ершалаимдаги ҳозирги кайфият қониқарли.

— Демак, бетартиблик энди таҳдид солмайди, деб ишонса бўлади?

— Фақат, — деб жавоб қилди меҳмон прокураторга мулойим нигоҳ ташларкан, — дунёда бир нарсага — буюк қайсарнинг қудратига ишонса бўлади.

— Тангрилар унинг умрини зиёда қилсин, — деб шу заҳоти гапни илиб кетди Пилат, — давлатига осойишталик ато этсин. — У бир зум сукут сақлаб, сўнг давом этди: — Демак, сизнинг фикрингизча, энди қўшинни олиб кетса бўлади?

— Менимча, Шиддатли легион қоҳортаси кетса бўлади, — деб жавоб қидди мемон, сўнг илова қилди: — Лекин хайрлашув олдидан шаҳар кўчаларидан тантанавор марш қилиб ўтса ёмон бўлмасди.

— Жуда яхши фикр, — деб маъқуллади прокуратор, — эртадан кейин мен у қоҳортага жавоб бераман, ўзим ҳам жўнаб кетаман, сизга ўн икки худо жамоаси ҳаққи, аждодларимиз руҳи ҳаққи, онт ичиб айтаманки, шу ишимни шу бугун бажариш учун ярим давлатимни бахшида қилишга ҳам рози эдим.

— Прокуратор Ершалаимни хуш кўрмайдиларми? — мулойим оҳангда сўради меҳмон.

— Нимасини айтасиз, — деди прокуратор жилмайганча, — дунёда бундан нобоброқ жой йўқ. Иқлими ҳақида-ку гапирмасам ҳам бўлади. Ҳар гал бу ерга келганимда тобим қочади. Лекин буям баҳарнав. Бу ернинг ҳайит-байрамларини айтмайсизми — қоҳинлар, с еҳргарлар, афсунгарлар, гала-гала зиёратчилар... Мутаассиблар, мутаассиблар! Битта масиҳо ғалваси қанча гашвишга қўйди — тавба, нега энди келиб-келиб уни шу бу йил зоҳир бўлади деб кута бошлашди-я? Энг кўнгилсиз хунрезликларнинг шоҳиди бўламан деб ҳар дақиқа юрак ҳовучлаб турасан. Қўшинларни муттасил жойдан-жойга кўчириш, ярмидан кўпи ўз устингдан ёзилган чақувлар, ғийбатларни ўқиш! Ҳаммаси юракни зик қиладиган ишлар, шундай эмасми? О, агар император хизматида бўлмаганимдами!..

— Тўғри, бу ердаги байрамнинг дахмазаси ҳам оор, — деб эътироф этди меҳмон.

— О, кошқийди шу байталмон байрам тезроқ тугай қолса, — илова қилди Пилат анча жонланиб. — Унда мен ниҳоят Қайсарияга қайтиш имкониятига эга бўлардим. Ишонасизми, Ироднинг манави бемаъни иншооти, — прокуратор қўлипи устунлар ёқалаб олисга чўзган эди, унинг қаср ҳақида гапираётган чаълум бўлди, — мени тамомила жинни қилиб қўймоқда. Мен у ерда тунай олмайман. Дунёда бунақа бетайин иншоот бўлган эмас. Ҳай, асосий гапга қайтайлик. Аввал айтинг-чи, анави лаънати Варравван сизни хавотирга солмаяптими?

Шу чоғ меҳмон ўзининг ўша махсус нигоҳини прокураторнинг ёноғига қаратди. Лекин у афтини буриштириб, узоққа — ўз пойи остидаги шаҳрининг шимолда хийла хиралашган қисмига эринчоқлик билан тикиларди. Меҳмоннинг нигоҳи яна сўниб, ковоқлари осидди.

— Энди Вар мусичадек беозор бўлиб қолган, деб бемалол айтиш мумкин, — деди меҳмон кулча юзида ажинлар пайдо бўлиб. — Энди у исён кўтаришга ийманеди.

— Шунчалик машҳурми у? — деб сўради Пилат мийиғида кулиб.

— Прокуратор, ҳар сафаргидек, масаланинг нозик жиҳатини яхши фаҳмладилар!

— Лекин ҳарна бўлганда ҳам, — деди прокуратор ташвишли оҳангда ва қора кўзли узук тақилган ингичка, узун бармоғини юқори кўтариб, — йўлини қилиш керак...

— О, прокуратор хотиржам бўлсинлар, камина Иудеяда эканман, Варраван бизнинг назоратимизсиз бир қадам ҳам жила олмайди.

— Энди кўнглим тинчиди, сирасини айтганда, сиз шу ерда бўлганингизда ҳамиша тинчман.

— Сиз беҳад саховатлисиз, прокуратор!

— Энди қатл ҳақида сўзлаб беринг, — деди прокуратор.

— Сизни айнан нима қизиқтиради?

— Оломон норозилик билдиришга уринмадими? Энг муҳим шу, албатта.

— Мутлақо, — деб жавоб қилди меҳмон.

— Жуда яхши. Маҳбусларнинг ўлганлигини ўзингиз аниқладингизми?

— Бунга имонингиз комил бўлсин, прокуратор.

— Айтинг-чи... уларни устунларга осиб олдидан ичимлик берилдими?

— Ҳа. Лекин у, — шундай деб меҳмон кўзини юмди, — ичишдан бош тортди.

— Ким у? — деб сўради Пилат.

— Афв этинг, игемон! — деди меҳмон, — исмини айтмадимми? Ҳа-Ноцри.

— Овсар! — деди Пилат, негадир афтини буриштириб. Унинг чап кўзи ости уча бошлади, — офтобда жизғанак бўлиб ўлишни афзал кўрипти. Қонун йўл берган нарсадан бош тортишнинг нима ҳожати бор экан? Нима деб важ қилди?

— У, — яна кўзини юмиб туриб жавоб қилди меҳмон, — миннатдорлик билдирди ва жонини олаётганлари учун айбламаслигини айтди.

— Кимни айбламаслигини? — бўғиқ овоз билан сўради Пилат.

— Буни айтмади, игемон.

— Навкарлар олдида ваъз қилишга уринмадими?

— Йўқ, игемон, у ерда у ниҳоятда камсухан эди. Бор-йўғи битта гап айтди; одамзодга мансуб иллатлар ичида энг марази кўрқокликдир, — деди.

— Бу гапи билан нимага шама қилди? — деган совуқ овоз эшитилди бирдан меҳмоннинг қулоғига.

— Буни аниқлаб бўлмади. У, умуман, ҳар доимгидай ўзипи жуда ғалати тутди.

— Ғалатилиги нимадан иборат бўлди?

— У доим атрофдаги одамларнинг кўзига тикилиб қарашга уринди ва мудом паришонхотир жилмайиб гурди.

— Бор гап шуми? — деб сўради хириллаган овоз.

— Бора гап шу.

Прокуратор ўзига май қуятуриб, қадахни «дўк» этиб қўйди. Кейин уни бир кўтаришда охиригача сиқорди-да, шундай деди:

— Гап бундай: гарчи биз — лоақал бугунги кунда — унинг бирон-бир мухлиси ёки издошини топа олмасак ҳам, барибир, ундайлар мутлақо йўқ деб кафолат бера олмаймиз.

Меҳмон бошини эгиб, диққат билан қулоқ солар эди.

— Шунга кўра, биронта тасодифий ҳолнинг олдини олиш мақсадида, — деб гапида давом этди прокуратор, — зудлик билан, ҳеч қандай товуш чиқармай учала қатлнинг жасадини ер юзидан йўқ қилишингизни ва уларни ими-жимидида, ҳеч қандай ном-нишон қолдирмай кўмдириб ташлашингизни илтимос қиламан.

— Бош устига, игемон, — деди меҳмон ўрнидан тураркан, сўнг илова қилди: — Вазифа мураккаб ва масъулиятли бўлгани сабабли, рухсат этинг, дарҳол йўлга тушай.

— Йўқ, яна бир оз ўтиринг, — деди Пилат қўл ишораси билан меҳмонни йўлдан тўхтатиб, — яна ик-кита масала бор. Иккинчиси — сизнинг Иудея прокуратори ҳузурида маҳфий хизмат бошлиғи лавозимидек энг машаққатли ишда кўрсатган улкан хизматларингиз, кўрсатаётган фаолиятингиз тўғрисида Римда баёнот беришдек имкониятга мушарраф бўлганимдан бахтиёрман.

Меҳмоннинг юзи чўғдек қизариб кетди, у ўрнидан туриб прокураторга таъзим қиларкан, деди:

— Камина император хизматидаги ўз бурчимни адо этмоқдаман, холос!

— Вале, мен сиздан шуни илтимос қилмоқчиманким, — деб давом этди игемон, — башарти сизга бу ердагидан каттароқ лавозим таклиф этиб, бошқа жойга жўнатмоқчи бўлсалар, у лавозимдан бош тортиб, шу ерда қолишга ҳаракат қилинг. Мен сиздан ажралишни зинҳор-базинҳор истамайман. Яхшиси, сизни бошқача тарзда тақдирласинлар.

— Сизнинг қўл остингизда хизмат қилиш мен учун катта бахт, игемон.

— Ғоят хурсандман. Энди, учинчи масала. Бу масала анави... кириафлик Иудага тааллуқли.

Шу ерга келганда меҳмон яна прокураторга бир лаҳза қаттиқ тикилиб, сўнг яна қовоқларини ўйиб олди.

— Эшитишимча, — овозини пастлатиб давом этди прокуратор, — у анави телба файласуфни ўз уйида кучоқ очиб кутиб олгани учун пул олганмиш.

— Олади, — махфий хизмат бошлиғи оҳиста тузатиш киритди Пилатнинг гапига.

— Кўпми?

— Буни ҳеч ким билмайди, игемон.

— Ҳатто сиз ҳамми? — деди игемон хушомадона ҳайрат билан.

— Таассуфки, мен ҳам, — бамайлихотир жавоб қилди меҳмон, — лекин мен ўша пулни шу бугун кечқурун олишини биламан. Бугун уни Каифанинг қасрига чақиртиришди.

— Оббо, кириафлик хасис чол-е, — деди прокуратор жилмайиб, — чол бўлса керак-а у?

— Прокуратор ҳеч қачон янглишмайдилар, бироқ бу сафар хатога йўл қўйдилар, — назокат билан жавоб қилди меҳмон, — Кириафдан келган у одам ёш йигит.

— Қаранг-а! Сиз уни таърифлаб бера оласизми? Мутаассибдир ?

— Йўқ, асло, прокуратор.

— Дуруст. Яна нима биласиз?

— Ҳуснда баркамол.

— Яна? Балким, бирон нарсага ишқибоздир?

— Бу улкан шаҳарда ҳаммани муфассал ўрганиб чиқиш ғоят мушкул, прокуратор...

— Э, йўқ, йўқ! Афраний! Камтарлик қилманг!

— У бир нарсага ҳирс қўйган, прокуратор. — Меҳмон бир лаҳзалик сукутга толди. — Пулни яхши кўради.

— Ўзининг касби нима?

Афраний кўзини юқорига тикиб, ўйлаб турди, сўнг жавоб берди.

— У ўз хешларидан бирининг саррофлик дўконида хизмат қилади.

— Шунақа денг, ҳай, ҳай, ҳай. — Шундай деб прокуратор жим бўлиб қолди, балконда ҳеч ким йўқмикин дегандек, атрофга назар ташлади, сўнг овозини пастлаб деди: — Гап бу ёқда экан-да — менга бугун етказишди, уни бугун кечаси пичоқлаб кетишармиш. Шунда меҳмон қовоқларини кўтариб, прокураторга ҳар галгидан кўпроқ тикилиб қолди, сўнг жавоб қилди:

— Сиз мени боя жудаям мақтаб юборган эдингиз, прокуратор. Маълум бўлдики, мен ҳақимда Римда мақтов сўз айтишингизга муносиб эмасмен. Зеро бу гаплардан мен ғофилмен.

— Сиз энг олий мукофотга лойиқсиз, — деб жавоб қилди прокуратор, — лекин бу маълумотлар чиндан ҳам мавжуд.

— Сўрашга ижозат беринг, ким олиб келди бу маълумотни ?

— Хўп десангиз, ҳозирча бу ҳақда гапирмасак боз устига, у тасодифий, мавҳум ва шубҳали хабар. Лекин мен ҳамма нарсани олдиндан кўришим керак. Вазифам ўзи шунақа, аммо, биринчи навбатда, ўз савқимга ишонишим шарт, зеро у менга ҳали ҳеч қачон панд берган эмас. Энди мен билган маълумотга келсак, Ҳа-Ноцрининг махфий дўстларидан бири анави саррофнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган сотқинлигидан ғабатга келиб, ўз шериклари билан тил бириктирган ва

бугун тунда уни ўлдирмоқчи, хоинлиги учун олган пулни эса: «Макруҳ пулингиз ўзингизга буюрсин!» — деган ёзув билан ҳазрати бузрукнинг қасрига ташлаб кетишмоқчи эмиш.

Махфий хизмат бошлиғи шундан кейин игемонга фавқулодда қараш қилмай қўйди ва кўзларини қисганча унинг гапини тинглашда давом этди:

— Бир тасаввур қилинг, — дерди Пилат, — келиб-келиб байрам оқшомида шундай совға олиш ҳазрати бузрукка хуш ёқармикин?

— Хуш ёқиш қаёқда, — жилмайиб туриб жавоб қидди меҳмон. — Менинг тахминимча, прокуратор, бу нарса катта жанжалга сабаб бўлади.

— Мен ҳам шундай фикрдаман. Шунинг учун ҳам сиздан бу иш билан машғул бўлишингизни, яъни кириафлик Иудани муҳофаза қилиш учун барча чораларни кўришингизни сўрайман.

— Игемоннинг амри вожиб, — деб гап бошлади Афраний, — аммо мен игемонга таскин бермоқчиман: ул бадкирдорлар бажарилиши ниҳоятда мушкул режа тузганлар. Ахир ўйлаб кўринг, — меҳмон атрофга бир қараб қўйиб, яна гапида давом этди: — Бир кечада одамнинг пайига тушиб, уни пичоқлаш, боз устига, унинг қанча ҳақ олганини билиш, бундан ташқари яна, пулни Каифага қайтариб ҳам бериш осонми? Яна шу бугуннинг ўзида-я?

— Шундай бўлса ҳам, уни бугун бўғизлаб кетишади, — деб такрорлади Пилат ўжарлик билан, — кўнглим сезиб турипти деб айтдим-ку сизга! Ҳали ҳеч қачон кўнглим менга панд берган эмас, — шу чоғ прокураторнинг юзи тиришиб, сал талвасага тушди, у қўлларини ишқалаб қўйди.

— Бош устига, — деди меҳмон мутелик билан, у ўрнидан туриб қаддини ростларкан бирдан жиддий оҳангда сўради: — Демак, уни сўйиб кетишади-а, игемон?

— Ҳа, — деб жавоб қилди Пилат, — энди бутун умидимиз сизнинг ҳайратона ишчанлигингизга қаратилган.

Меҳмон плаш остидаги залвар камарини тўғрилаб қўйиб деди:

— Хайр бўлмаса, ҳамиша омон ва шодмон бўлғайсиз.

— Дарвоқе, — деб оҳиста чинқириб юборди Пилат, — бутунлай унутаёзибмана? Ахир сиздан қарзман-ку!

Меҳмон ажабланди.

— Қўйсангиз-чи, прокуратор, мендан сира ҳам қарз эмассиз.

— Ундай деманг! Эсингиздами, Ершалаимга кириб келаётганимда... бир тўда гадоларга дуч келувдим... уларга ақча сочмоқчи бўлганимда ёнимда ақчам йўқ эди, ўшанда сиздан олган эдим.

— О, прокуратор, арзимаган нарса!

— Арзимас нарсани ҳам унутмаслик лозим. Шундай деб Пилат орқасига ўгирилди ва курсида ётган плашини кўтариб, унинг тагида ётган чарм халтачани олиб меҳмонга узатди. Меҳмон халтачани оларкан эгилиб таъзим қилди ва плаши остига яширди. Пилат яна гап бошлади:

— Дафн борасидаги хабарингизни кутаман. Шунингдек кириафлик Иуданинг бугун тунда бўладиган иши юзасидан ҳам, эшитяпсизми, Афраний, бугун бўладиган иши. Келган заҳотингиз мени уйғотишлари ҳақида соқчиларга буйруқ бериб қўйилади. Сизни кутаман!

— Саломат бўлинг, — деди махфий хизмат бошлиғи ва орқасига ўгирилиб, балкондан туша бошлади. Унинг майдонча сахнидаги ҳўл кум устида юрган, сўнг икки шер ҳайкали оралиғидаги мрамар зинадан тушаётган оёқ товуши эшитилди. Кейин бирин-кетин унинг оёқлари, сўнг гавдаси ва ниҳоят, қайтарма қалпоқ кийган боши кўздан ғойиб бўлди. Ана шундагина прокуратор куёш ботиб, қош қорая бошлаганини сезди.

Йигирма олтинчи боб

ДАФН

Эҳтимол, мана шу қош қорая бошлагани прокураторнинг чехрасида кескин ўзгариш юз берганига сабаб бўлгандир. У шу бир зумнинг ўзида гўё қариб, мункайиб қолгандек бўлди, бунинг устига, ваҳимага тушиб, безовта бўла бошлади. У бир марта орқасига ўгирилиб, суянчиғига плаш илиб қўйилган бўш креслога кўзи тушди-ю, негадир сссканиб кетди. Байрам туни кириб келаётган ва кечки кўланкалар ўз ўйинини бошлаган эди, ким билсин, шунинг учун ҳам чарчаган ирокураторнинг кўзига бўш креслода биров ўтиргандай бўлиб кўрингандир. Прокуратор қўрқиб кетиб, плашни пайпаслаб кўрди, сўнг ўрнидан туриб, балконда у ёқдан-бу ёққа тинмай танда кўяркан, гоҳ кўлларини бир-бирига ишқалар, гоҳ хонтахтага яқин келиб, кўлига қадах олар, гоҳ юришдан таққа тўхтаб, полга терилган ранг-баранг кошинлар орасида қандайдир сирли ёзувларни ўқимоқчи бўлгандай, уларга маъносиз тикилиб турарди.

Шу бугуннинг ўзида унинг иккинчи марта юраги ғаш бўла бошлади. У эрталабки жаҳаннамий дарднинг асоратидан энди хиёлгина симиллаб, зирқираб турган чаккасини ишқаларкан, не сабабдан бунчалик рухий изтироб чекаётганини англашга уринарди. Гарчи буни у тезда фаҳмлаб олган бўлса ҳам. ўзини чалғитишга уриниб кўрди. Бугун кундузи ниманидир буткул бой бериб қўйгани унга кундай равшан эди, энди ана шу хатосини у қандайдир икир-чикир, энг муҳими кечиккан ҳаракатлар билан тuzатмоқчи. Прокуратор ўз-ўзини алдаб, мана шу, ҳозирги, кечкурунги рафторларини эрталабки ҳукм каби муҳим деб ўзига-ўзи укдирмоқчи бўлар эди. Аммо бу уринишлари зое кетаётган эди.

У балконда у ёқдан-бу ёққа танда кўяркан, бурилаётиб таққа тўхтади ва хуштак чалди. Хуштакка жавобан зулмат ичидан итнинг ириллагани эшитилди ва туклари бўзранг, кулоқлари учли, бўйнидаги тасмасига олтин нишонлар тақилган баҳайбат бир кўппак боғдан отилиб кирди.

— Банга, Банга, — деб чақирди прокуратор ҳазин овоз билан.

Кўппак орқа оёқларида туриб, олдинги оёқларини эгасининг елкасига қўйди (Пилат гандираклаб кетди) ва унинг юзини ялади. Прокуратор креслога ўтирди. Банга тилини осилтириб, ҳаллослаб нафас оларкан, ўз соҳибининг оёғи остига ётди, айна пайтда, бу довжорак кўппакнинг кўзларидаги қувонч аломати, у қўрқадиган дунёдаги ягона нарса — момақалдиуроқнинг тугаганини, шунингдек бу ерда, ўзи севган, эъозлаган ва дунёдаги барча одамларнинг ҳукмдори — энг қудратли инсон деб ҳисоблаган одамнинг (шулар туфайли кўппак ўзини ҳам энг имтиёзли, сарбаланд ва ғайриоддий хилқат деб ҳисобларди) ёнида ётганлигидан мағрурланаётганлигини ифодаларди. Лекин гарчи кўппак ўз соҳибининг пойида унинг чехрасига эмас, зулмат пардасига бурканаётган бокқа қараб ётган бўлса ҳам, эгасининг бошига оғир кулфат тушганлигини дарҳол пайқади. Шунда у ётган еридан туриб, соҳибининг биқинига ўтди-да, олдинги оёқлари билан бошини прокураторнинг тиззасига қўйди ва бу билан унинг плаши этагини ҳўл қум зарралари билан булғади. Чамаси, Банга ўзининг бу рафтори билан соҳибига тасалли бермоқчи ва унинг дардига шерик бўлишга тайёр эканлигини билдирмоқчи эди. Бу ниятини у соҳибига киё бокқан кўзларида ва чимирилган кулоқларида ифода этган эди. Улар иккови — бир-бирига меҳр қўйган кўппак билан инсон байрам оқшомини шу зайлда балконда қарши олдилар.

Бу аснода прокураторнинг меҳмони ўз ёғига ўзи қоврилиб шаҳар кезарди. У балкон пойидаги боғнинг юқори саҳнини тарк этиб, зинадан пастки ҳовлига тушди. Ўнг томонга бурилиб, қаср ичига жойлашган казармалар олдига чиқди. Байрам муносабати билан прокуратор бошчилигида Ершалаимга келган ўша икки кентурия кўшин, шунингдек, прокураторнинг мазкур меҳмон ихтиёрига топширилган хуфия соқчилари шу казармаларга жойлаштирилган эди. Меҳмон бу казармаларда, нари борса, ўн дақиқача бўлди, ана шу ўн дақиқадан сўнг бу казарма ҳовлисидан ер кавлаш асбоблари ва бир бочка сув ортган учта арава

чикиб кетди. Араваларни кул ранг плаш кийган ўн беш нафар сувори кузатиб борарди. Аравалар ва суворилар қасрнинг орқа дарвозасидан чиқиб, ғарб томон йўл олдилар, шаҳар дарвозасидан чиққач эса сўқмоқ йўл билан аввалига Вифлеем йўлига тушиб, шимолга юрдилар. Хеврония дарвозаси яқинидаги чорраҳага етишгач, кундузи ўлимга ҳукм қилинганлар олиб ўтилган Яффа йўлидан юриб кетдилар. Бу пайт қоронғи тушган ва уфқда ой балқиган эди.

Аравалар суворилар кузатувида жўнаб кетгач, сал вақт ўтар-ўтмас энди эгнига эски қора либос кийиб олган бояги меҳмон ҳам от миниб қасрдан чиқиб кетди. Лекин меҳмон шаҳар ташқарисига эмас, шаҳар ичига йўл олди. Яна бир оз фурсатдан кейин уни шаҳарнинг шимолига, буюк жоменинг ёнгинасига жойлашган Антоний қасрига кириб бораётганини кўриш мумкин эди. Меҳмон қасрда ҳам кўп бўлмади, кейин уни Қуйи Шаҳарнинг «гадой топмас» қипғир-қийшиқ, тор кўчаларида учратишди. Бу ёққа у энди хачир миниб келган эди.

Меҳмон шаҳарни яхши билар эди, шунинг учун ўзи истаган кўчани дарров топа қолди. Бу кўчанинг номи— Юноний эди, чунки у ерда юнонларнинг бир неча дўкони, шу жумладан, битта гилам дўкони ҳам бор эди. Меҳмон айнан шу дўкон олдида тўхтаб, хачирдан тушди ва унинг тизгинини дарвоза ҳалқасига боғлади. Дўкон ёпилган эди. Меҳмон дўкон ёнидаги эшикдан бир мўъжазгина, чор қирра ҳовлига кирди, ҳолли атрофига «П» шаклида омборхоналар қурилган эди. Меҳмон ҳовли муюлишидан ўтиб, ўзини бир хонадоннинг олди печакгуллар билан тўсилган пешайвони олдида кўрди ва атрофига олазарак бўлиб қаради. Уй ҳам, омборхоналар ҳам ҳали чироқ ёқилмаганлигидан қоп-қоронғи эди. Меҳмон паст овоз билан чақирди:

— Низа!

Шу пайт эшик «ғийч» этиб очилиб, кечки ғира-ширада юзига чодра тутмаган бир жувон пешайвонда пайдо бўлди. У келган одамнинг кимлигини билмоқ мақсадида юраги така-пука бўлиб, пешайвон панжараси оша энгашди. Сўнг келган одамни таниб, жилмайиб қўйди, бош ирғатиб, қўл силкитиб саломлашди.

— Ёлғизмисан? — деб охиста сўради Афраний юнончалаб.

— Ҳа, — деб пичирлади жувон. — Эрим эрталаб Қайсарняга жўнаб кетди, — шу гапдап сўнг жувон ўгирилиб уй эшигига қараб қўйди-да, пичирлаб илова қилди: — Лекин оқсочим уйда. — Кейин у қўли билан ишора қилиб, меҳмонни уйга таклиф қилди. Афраний олдин атрофга бир назар ташлаб, ғиштин пиллапоядан пешайвонга чиқа бошлади. Кейин эса аёл ҳам, у ҳам уй ичига кириб кетишди.

Афраний бу аёл хузурида жуда оз вақт, нари борса, беш дақиқа бўлди. Кейин у уйни ва пешайвонни тарк этди, қайтарма қалпоқни кўзи устига тушириб кўчага чиқди. Бу пайт уйларда чироқлар ёқила бошлаган эди, кўчалар байрам олди тараддудида ҳали ҳам тиқилинч эди, шунга кўра, хачир минган Афраний кўчаларни тўлдирган пиёда ва отлиқлар орасида йўқолиб кетди. Унинг шундан кейин қаёқларга борганини ҳеч ким билмайди.

Афраний Низа деб атаган жувон эса ёлғиз қолгач жуда шошқалоклик билан кийимини ўзгартира бошлади. Қоронғида керакли буюмларни топиш қанчалик қийин бўлса ҳам, у чироқ ёқмади, оқсочни ҳам ёрдамга чақирмади. У отланиб бўлиб, бошига қора чодра ёпингандан кейингина овози эшитилди.

— Биров сўраса, мени Энантаникида деб айтарсан. Қоронғида оқсоч кампирнинг тўнғиллагани эшитилди.

— Энантаникида? Яна ўшаникига бормоқчимисан? Ахир эринг рухсат бермаган эди-ку! Фирт қўшмачи ўша Энантанг! Эринг келсин, чақиб бераман сени...

— Ҳой, ҳой, ўчир унингги, кампир, — деди Низа ва «шип» этиб уйдан чиқиб кетди. Унинг кавушлари овози энди саҳнига тош терилган ҳовлидан эшитилди. Оқсоч хотин бир нималарни тўнғиллаганча пешайвои эшигини занжирлаб олди. Низа уйдан чиқиб кетди.

Худди шу пайт Қуйи Шаҳардаги ховузлардан бирига олиб боровчи бошқа бир қинғир тор

кўчага жойлашган, орқаси кўчага, деразалари ичкари ҳовлига қараган кўримсиз бир уйнинг кўча эшигидан соқол-мўйлови чиройли қилиб кузалган, бошига чиннидай тоза, оппоқ рўмол ташлаган, эгнига қошияли яп-янги ҳаво ранг байрам таллифи, оёғига ғарчи бор янги кавуш кийган бир йигит чикди. Улуғ айём шарофати билан ясанган бу қирғийбурун, ўктам йигит, уй-уйларига, арафа ошига ошиқаётган ўткинчилардан ҳам жадалроқ, тетикроқ юриб бораркан, хонадонларда бирин-кетин чироқлар ёна бошлаганини кузатарди. Бу йигит бозор ёнидан ўтиб, Жоме тепалиги этагига жойлашган ҳазрати бузрук Каифанинг қасрига олиб борувчи йўлдан кетиб борарди.

Яна бир неча дақиқадан сўнг унинг Каифа дарвозасидан кираётганини ва орадан бир неча лаҳза ўтар-ўтмас қасрдан чиққанини кузатиш мумкин эди.

Йигит шамчирокдар ва машъалалар билан ёритилиб, байрам тараддудига гавжум бўлган қасрдан қайтиб чиққач, яна ҳам серғайратроқ, хушчақчакроқ бўлиб, шошганича Қуйи Шаҳар томон қайта бошлади. У бозор майдонига етиб қолганида бир вақт қора чодрасини деярли кўзигача тушириб олган бир аёл тикилинчда унинг ёнидан хиромон юриш қилиб ўтиб, олдинлаб кетди. У ўктам йигитдан ўзиб кетаркан, бир лаҳзагина чодрасини юқорироқ кўтариб, йигит томонга бир зумлик нигоҳ ташлади, лекин қадамини секинлатмади, билъакс ҳозиргина ўзи ўзиб ўтган йигитдан тезроқ қочиб яширинмоқчи бўлгандай, янада қадамини илдамлатди.

Йигит у аёлни наинки пайқади, балки таниди ҳам, танигач, юраги бир орзикиб тушиб, юришдан такқа тўхтадию унинг орқасидан ханг-манг бўлиб тикилиб қолди, кейин ҳушини йиғиб олгач, аёлнинг орқасидан дарҳол кува кетди. У йўлда кўза кўтарган бир одамга урилиб, уни йиқитиб юбораёзди ва ахири аёлга етиб олди-ю, ҳаяжонланганидан хансираб нафас оларкан, уни чақирди:

— Низа!

Аёл орқасига ўгирилиб йигитга кўз сузиб қаради, қарагандаям, хафсаласи пир бўлгандай, совуққина қаради ва юнон тилида қуруққина шундай деди:

— Э-ҳа, сенмидинг, Иуда? Бир қарашда танимабман. Қайтага яхши бўлди. Негаки, халқимизда шундай бир нақл бор: агар таниш одамнингни танимай қолсанг, у бой бўлармиш...

Иуда қаттиқ ҳаяжонланганидан юраги худди қафасга тушган қушдай қаттиқ-қаттиқ тепаркан, ўтган-кетганлар эшитмасин учун нафаси оғзига тикилганча пичирлаб сўради:

— Қаёққа кетяпсан, Низа?

— Сенга нима? — деб жавоб қилди Низа қадамини секинлатаркан Иудага виқор билан тикилиб.

Шунда Иуданинг овозида болаларга хос бир талаффуз эшитилди, у эсанкираб пичирлади:

— Ие, нега энди?... Ахир шартлашгандик-ку. Мен сеникига бормоқчи эдим. Ўзинг айтувдинг-ку бутун оқшом уйда бўламан деб...

— Э, йўқ, йўқ, — деди Низа ва тантиқ қизларга ўхшаб пастки лабини дўрдайтирган эди, унинг чехраси — Иуда ўз умрида кўрган паричехралар ичида энг гўзал ҳисоблаган чехраси — йигитнинг кўзига яна ҳам чиройлироқ бўлиб кўринди, — зерикиб кетдим. Сизлар байрам қияпсизлар, мен нима қилай? Сенинг пешайвонда туриб олиб хўрсинишингни томоша қилайми? Бунинг устига, оқсочим эримга чакса нима қиламан, деб юрак ҳовучлаб ўтирайми? Йўқ, йўқ, мен ҳам шаҳар ташқарисига чиқиб кетиб, булбуллар хонишини эшитишга аҳд қилдим.

— Шаҳар ташқарисига дейсанми? — деди Иуда эсанкираб, — ёлғиз ўзинг-а?

— Ҳа, ёлғиз ўзим, — деб жавоб қилди Низа.

— Майлими сени кузатиб борсам? — ҳаяжонланганидан энтикиб сўради Иуда. У эсанкираб кодди, бутун борлиқни хаёлидан фаромуш қилиб, Низанинг ҳозир тим қора бўлиб кўрина бошлаган кўк кўзларига илтижо билан бокди.

Низа ҳеч нима демай, қадамини илдамлатди.

— Нега индамаяпсан, Низа? — деб сўради Иуда ёлборувчи оҳангда у билан баравар қадам

ташлашга уринаркан.

— Мени зериктириб қўймайсанми? — деди бирдан Низа ва юришдан тўхтади. Шунда Иуданинг эси буткул оғиб қолди.

— Ҳа, яхши, — деди Низа ниҳоят кўнгли юмшаб, — кетдик.

— Қаёққа, қаёққа борамиз?

— Шошма... кел, яхшиси, манави ҳовлига кириб келишиб олайлик, тагин битта-яримта таниш-билиш кўриб қолиб, Низани кўчада ўйнаши билан чакчаклашиб турганини кўрдим, деб гап тарқатиб юрмасин.

Шу заҳоти Низа билан Иуда бозоргоҳдан ғойиб бўлишди. Улар қайси ям бир ҳовлининг бостирмасига кириб пичирлашардилар.

— Сен жувозкашлик мулкига бор, — деди Низа пичирлаб ва айна пайтда челак кўтариб бостирмадан ўтаётган бир бегона эркакдан юзини четга буриб, чодрасини кўзига тушириб олди, — Кедроннинг парёғидаги Ҳефсимания боғига, тушундингми?

— Ҳа, ҳа, ҳа.

— Мен олдинда бораман, — деб давом этди Низа, — лекин сен орқамдан изма-из юрма, анча кейинда қолиб бор. Сойдан ўтганингдан кейин... ғор бор... биласан-а унинг қаердалигини?

— Биладан, биладан...

— Обжувоз ёнидан ўтиб тепага кўтариласан-да, кейин ғор томонга буриласан. Сени ўша ерда кутаман. Лекин ҳозироқ изимга тушма, то мен анча ерга бориб олгунимча бардош қилиб, шу ерда кутиб тур. — Низа шу сўзларни айтиб бостирмадан чиқиб кетди ва гўё, Иуда билан суҳбатлашмагандай, ғойиб бўлди-қолди.

Иуда пароканда хаёлини бир ерга жамлашга уриниб, анча вақтгача қимир этмай туриб қолди. Чунончи у хешларининг ҳайит ошида бўлолмаганини қандай изохлаши ҳақида ўйлади. У турган ерида аллақандай баҳоналарни ўйлаб топар, аммо, қаттиқ хаяжонланганидан миясига дурустрок бир ваз келмасди, шу зайл беихтиёр оёқлари уни бостирма остидан олиб чиқиб кетди.

Энди у йўлини ўзгартирди. Қуйи Шаҳарга боришдан айнаиб, яна Каифанинг қасри томон бурилди. Иуда энди атрофида бўлаётган воқеаларни деярли кўрмасди. Байрам руҳи шаҳарга энди кириб келаётган эди. Иуда ўтиб бораётган кўчаларга очилган деразалар наинки чароғон, балки у ерлардан байрамона мадҳия ва қутловлар эшитиларди. Кечиккан йўловчилар эшакларини халалаб, ҳайқиришиб ўтиб боришарди. Иуданинг оёқлари унинг ихтиёрсиз кетиб борар, оқибат у ҳаммаёғини шох босган мудҳиш Антоний миноралари пойидан ўтиб кетганини ҳам пайқамасди, қалъада чалинаётган карнай наърасини ҳам эшитмасди, қўлидаги машъаласи билан унинг йўлини мудҳишона ёритган римлик отлик соқчиларга парво ҳам қилмасди. Иуда минора ёнидан ўтиб кетгач, орқасига ўгирилиб, жоме устида, жуда ҳам баландда иккита ғоят улкан беш шамли қандил ёнаётганини кўрди. Лекин Иуданинг кўзига у шамлар ҳам элас-элас кўринди, назарида Ершалаим узра мисли кўрилмаган катталиқдаги ўнта шамчироқ ёқилгану улар шаҳар узра тобора юқориқ кўтириляётган туннинг таиҳо шамчироғи — ой шуъласи билан шуъла сочишда ким ўзарга ўйнашаётгандек кўринганди. Энди Иуданинг ҳеч нима билан иши қолмаган, у фақат Ҳефсимания дарвозаси томон интилар, тезроқ шаҳарни тарк этиб чиқиб кетишни истар эди. Баъзан кўзига кўчадаги оломон орасида Низанинг ўйноқи қиёфаси лип-лип кўрингандай ва Иудани оҳанрабо сингари ўзига эргаштириб кетаётгандек туюларди. Лекин бу нотўғри тасаввур эди — Низанинг анча олдинлаб кетганлигини Иуда яхши биларди. У саррофлар растаси ёнидан ўтиб, ниҳоят Ҳефсимания дарвозасига етди. Бу ерда, гарчи сабри чидамаётган бўлса ҳам, бир оз туриб қолишга мажбур бўлди. Шаҳарга туялар карвони кириб келаётган эди, карвон орқасидан кетма-кет сурияликлар ҳарбий патрули кириб келдики, Иуда бу патрулни ичида роса бўралаб сўқди...

Лекин ҳар нарсанинг интиҳоси бор. Бетоқат Иуда энди шаҳар ташқарисида кетиб борарди. У чап томонда мўъжазгина бир қабристонни, қабристон ёнида зиёратчи художўйларнинг бир неча

олабайроқ чодирини кўрди. Иуда ой ёғдусига чўмилган сертупроқ йўлни кесиб ўтиб, Кедрон сойи томон отилди. Соё унинг оёғи остида жилдираб оқарди. У тошдан-тошга сакраб-сакраб, ниҳоят соёнинг нариги, Ҳефсимания соҳилига ўтиб олди ва бу ерда боғлар тепасидан ўтган йўлда ҳеч зоғ йўқлигини кўриб, қувончдан кўнгли ёришиб кетди. Сал нарироқда жувозкашлик мулкининг ярим хароба дарвозаси кўринди.

Ҳавоси дим шаҳардан чиққан Иуда баҳор тунининг атридан сархуш бўлди. Боғдаги мирта дарахтларининг ва Ҳефсимания яланглигида ўсган акас дарахтларининг хушбўй хиди димоққа гуп-гуп урилди.

Дарвозада қоровул йўқ эди, умуман, бу ерларда ҳеч ким йўқ эди, шунга кўра, энди Иуда сершоҳ азим зайтун дарахтларининг антиқа кўланкалари остидан ғизиллаганча чопиб кетди. Йўл юқорига ўрлаб борарди, Иуда оғир-оғир нафас оларкан, ой шуъласи вужудга келтирган гулдор сояларни босиб ўтардики, бу оялар Низанинг рашкчи эри дўқонидаги турфа гулли гиламларни эслатарди. Бир оздан кейин Иуда чап томонда сайхонликда жувозхонани, унинг улкан тош ғилдирагини ва уйилиб ётган бочкаларни кўрди. Боғда ҳеч ким йўқ эди. Иш кун ботгандаёқ тугаган эди. Боғда юғ ҳам кўринмас, Иуданинг боши узра энди булбуллар тинмай чакчақлашар, хониш қилишарди.

Иуда кўзлаган ер яқин эди. У ҳозир ўнг томонда, қоронғиликда ғорда жилдираб оқаётган сувнинг овозини эшитади. Шундай бўлди ҳам, ана сув жиддираши эшитилди. Салқин бўла бошлади.

Шунда у қадамини секинлатиб, оҳиста чақирди:

— Низа!

Лекин Низанинг ўрнига йўғон зайтун дарахти орқасидан бир барзанги эркак йўл ўртасига чиқди, унинг қўлида бир нима бир зумга ялт этиб сўнди.

Иуда ўзини орқага ташлаб, заиф овоз билан қичқирди:

— Оҳ!

Иккинчи бир одам унинг орқасидан тўсиб чиқди. Иуданинг рўпарасида турган биринчи эркак ундан сўради:

— Ҳозир қанча пул олдинг? Гапир, агар жон ширин бўлса!

Иуданинг қалбида умид учқуни порлади. Жон ҳолатда чинқирди у:

— Ўттиз тетрадрахма! Ўттиз тетрадрахма! Ўша иулнинг ҳаммаси ёнимда. Мана у! Олинглар, фақат жонимни олмасанглар бўлгани!

Олдингдаги одам кўз очиб-юмгунча Иуданинг қўлидаги ҳамённи юлқиб олди. Айни шу лаҳзада Иуданинг орқасида пичоқ худди чакмоқдек чакнаб, ошиқ йигитнинг кураги остига ботди. Иуда бу зарбдан олдинга отилди ва чангак бўлиб қолган қўлларини юқори кўтарди. Олдинда турган одам ҳам Иудани ўз пичоғи билан илиб олди ва уни сопиғача Иуданинг юрагига оотирди. Иуда:

— Ни... за... — дея одди фақат маломатли заиф овоз билан. У бошқа чурқ ҳам этмади. Унинг жасади ерга шундай қаттиқ тушдики, ер гумбурлаб кетди.

Шунда йўл ўртасида учинчи кимса пайдо бўлди. Буниси — эгнига қайтарма қалпоқли плаш кийган эди.

— Бўла қолинглар, — деб буюрди шу учинчи шахс. Қотиллар у узатган хатни чакқонлик билан ҳамёнга кўшиб чармга ўрадилар-да, каноп билан боғладилар. Иккинчи эркак тугунчани кўйнига солди, шундан кейин иккала қотил йўлдан ўзларини четга олдилару зайтунлар орасига, зулмат комига кириб ғойиб бўлдилар. Учинчи кимса эса жасад тепасига чўққайиб, унинг юзига тикилди. Ўликнинг юзи сояда нақ бўрдек оппоқ, бениҳоя гўзал ва басавлат бўлиб кўринди. Яна бир неча лаҳзадан кейин йўл устида биронта ҳам тирик жон қолмади. Фақат жонсиз жасад қулочини ёзиб ётарди. Мурданинг чап томонига ой нури тушиб турганлигидан шиппагининг ҳар бир тасмаси яққол кўриниб турарди.

Бу маҳал булбуллар бутун Ҳефсимания боғини бошларига кўтариб хониш қилардилар. Иудани пичоклаб ўлдирган икки кишининг қаёққа йўл тутгани ҳеч кимга маълум эмас, лекин қайтарма қалпоқли одамнинг борган ери бизга маълум. У қотиллик юз берган жойни тарк этиб, зайтунзор ичига кириб кетди. У дарвозадан узокроқ ерда, боғнинг жанубий бурчагида панжара девордан ошиб ўтди. Салдан сўнг у Кедрон соҳилига чиқди. У сувга тушиб, то иккита от ва отлар ёнида турган жиловдорнинг қорасини кўрмагунча сой ичидан сув кечиб бораверди. Отлар ҳам сув ичида турарди. Сув уларнинг туёқларини ювиб шовуллаб оқарди. Жиловдор битта отга, қайтарма қалпоқли одам иккинчи отга минишди, сўнг икковлари оҳиста сув кечиб боравердилар. От туёқлари остида тошлар тақилларди. Кейин отликлар сувдан Ершалаим соҳилига чиқишди ва шаҳар девори ёқалаб отларни йўрттириб кетавердилар. Шу ерда жиловдор ҳамроҳидан ажралиб, олдинга от чоптириб кетди ва зум ўтмай кўздан ғойиб бўлди, қайтарма қалпоқли одам хувиллаган йўлда отни тўхтатиб, ундан тушди-да, плашини ечиб, астарини ағдариб кийди, плаши остидан пат қадалмаган силлиқ дубулға олиб, бошига кийиб олди. Энди у отга ҳарбий либос кийган, белига калта шамшир таққан одам қиёфасида минди. У жиловни силкитган эди, ўйноқи от устида сувори билан йўртиб кетди. Энди манзил яқин қолган эди. Сувори Ершалаимнинг жанубий дарвозаси олдига бориб қолган эди.

Дарвоза равоғи остида машъалалар алангаси безовта бўлиб елпинарди. Шиддаткор легионнинг иккинчи кентуриясидан бўлган соқчи аскарлар тош курсиларда ўтиришиб тўпик ўйнашарди. Улар дарвозадан кириб келаётган отлик ҳарбийни кўришиб, «дик» этиб туриб кетишди, лекин ҳарбий отлик уларга қўл силтадию шаҳар ичкараси томон йўл олди.

Шаҳар байрам чироқларига ғарқ бўлган эди. Ҳамма деразалар шамлар билан чароғон эди, ҳаммаёқдан бетартиб шодиёна ҳамду саполар, гангир-гунгур овозлар эшитиларди. Сувори ахён-ахён кўчага очилган де-разаларга қараб, улоқ гўшти, май тўлдирилган қадахлар ва кўкатлар қўйилган байрам дастурхони теграсида ўтирган одамларни кўрарди. У нафис бир кўшиқ куйини ҳуштак қилиб чалганча Куйи Шаҳарнинг хувиллаб қолган кўчаларидан отини аста йўрттириб Антоний минораси томон кетиб бораркан, жоме топасида порлаб турган дунёда қиёси йўқ беш шамли қандилга ёхуд ундан ҳам баландроқда муаллақ турган ойга қараб-қараб қўярди.

Буюк Ирод қасри пасха оқшоми тантанасига мутлақо иштирок этмаётган эди. Саройнинг Рим қоҳортаси офицерлари ва легион саркардаси жойлашган, жануб томонга қараган кўшимча хоналарида чироқлар ёнган, у ерда қандайдир фаолият, ҳаёт сезилаётган бўлса ҳам, бу ерда мажбуран истиқомат қилиб турган ягона одам — прокуратор жойлашган қасрнинг маҳобатли устунлар, олтин ҳайкаллар билан безанган олд қисми порлоқ ой шуъласидан буткул кўр бўлиб қолгандай эди. Бу ерда — қаср ичида зулмат ва сукунат ҳукм сурарди. Шу боис прокуратор ҳам, боя Афранийга айтганидек, ичкарига киришни истамаган эди. У тўшакни балконга солишни буюрди. У Афраний билан бирга шу ерда овқатланган, эрталаб эса Ҳа-Ноц-рини шу ерда сўроқ қилган эди. Прокуратор тўшакка ётди, аммо ҳеч кўзига уйқу келмади. Яланғоч ой жуда юксакда, беғубор фазода муаллақ турарди, бедор прокуратор бир неча соат муттасил ундан кўз узмай ётди.

Тахминан вақт ярим кечага борганда уйқу игемонга шафқат қилди. Прокуратор титроқ билан ҳомуза тортди-да, плашини ечиб ташлади, кўйлаги устидан боғланган, қинга солинган ялпоқ пўлат пичоқ осилган камарини ечиб, чорпоя яқинида турган креслога қўйди, кавушини ечиб, оёғини узатиб ётди. Шу заҳоти Банга ҳам унинг тўшагига чиқиб, бошини эгасининг бошига қилиб, унинг ёнига ётди, прокуратор ҳам бир қўлини кўппакнинг бўйнига ташлаб, ниҳоят кўзини юмди. Кўппак ҳам фақат шундан кейин уйқуга кетди.

Чорпоя ним қоронғи жойга, устун панасига қўйилган бўлиб, у ой шуъласини тўсиб турарди, лекин балконга чиқиб келадиган пилапоядан то прокураторнинг тўшагига ой ёғдуси узун пояндоз бўлиб ёзилган эди. Прокуратор ғафлатга кетиб атрофидаги борлиқ муҳит билан алоқа узган ҳаманоқ ўша чароғон пояндоздан юриб кетди, юрганда ҳам юқорига, тўғри ойга қараб

юра бошлади. У тушида ўзи кетиб бораётган ферузадек тиниқ, зангори йўдда учраган ҳамма нарса гўзал ва беқиёс эканлигидан қувониб, ҳатто кулиб ҳам юборди. Уни Банга кузатиб борар, яна унга анави дайди файласуф ҳам ҳамроҳ бўлган эди. Икковлари ниҳоятда мураккаб ва муҳим бир масала юзасидан мубоҳаса қилишар, бироқ бу баҳсда на у, на бу устун чиқа оларди. Улар ҳеч бир нарсада бир-бирлари билан келиша олмасдилар, шунга кўра, баҳслари ниҳоятда қизиқарли ва беҳудуд эди. Ўз-ўзидан маълумки, бугунги қатл ғирт англашилмовчилик бўлиб чиқди — ахир, мана, ҳамма одамлар саховатлидирлар, деб ўта-кетган даражада бемаъни нарса ўйлаб чиққан ўша файласуф у билан ёнма-ён кетяпти, демак у тирик. Турган гапки, шундай одамни қатл этиш мумкинлиги ҳақида ҳатто ўйлашнинг ўзи энг улкан даҳшат бўларди. Қатл бўлмаган! Бўлмаган! Самога, ой сари қилинаётган саёҳатнинг бутун жозибаси ҳам мана шунда.

Бўш вақт қалашиб ётипти, момақалди роқ фақат кечга бориб бошланади, ундан сўнг, кўрқоқлик, шубҳасиз, энг мудҳиш иллатлардан бири. Иешуа Ҳа-Ноцри шундай деган эди. Йўқ, файласуф, мен сенга эътироз билдираман: кўрқоқлик — энг мудҳиш иллат.

Мана, масалан, бадқаҳр олмонлар Қизлар водийсида паҳлавоп Каламушқушни ғажиб ташлашларига сал қолганида Иудеянинг бугунги прокуратори, собиқ легион саркардаси кўрқмаган эди-ку. Лекин афв этасиз мени, файласуф! Наҳотки сиз, шундай ақд-заковатли одам бўла туриб, Иудеянинг бугунги прокуратори бўлмиш каминанинг қайсар аъло ҳазратларига қарши жиноят қилган бир одами деб ўз мартабасидан воз ксчади деб ўйлаган бўлсангиз?

— Ҳа, ҳа, — деб инграр ва хўрсинарди Пилат тушида.

Албатта воз кечади. Эрталаб воз кечмаган бўларди, лекин ҳозир, кечаси, ҳамма нарсани тарозута солиб кўргач, воз кечишга рози. У ҳеч қандай гуноҳи бўлмаган телба хаёлпараст бу табибни қатлдан қутқариб қолиш учун ҳар қандай ишга ҳам тайёр!

— Энди биз доим бирга бўламиз, — дерди унга тушида жулдурвоқи жаҳонгашта файласуф, лекин олтин найза билан қуролланган бу сувори унинг йўлида қандай пайдо бўлиб қолгани мавҳум эди.

Одам бор жойда одам бўлади! Мени ёдлашади, демак, сени ҳам эсга олишади! Ота-онаси маълум бўлмаган — мен ташландикни ҳам, мунажжим қирол билан тегирмончининг қизи — соҳибжамол Пилатнинг фарзанди бўлмиш — сени ҳам.

— Ҳа, ҳар қалай, сен унутма мени — мунажжимзодани эслаб тур, — деб илтимос қиларди Пилат тушида. Шунда Иудеянинг тошбағир прокуратори ўзи билан ёнма-ён кетаётган Эн-Сариддан чиққан яланг-оёқнинг «хўп» дегандек бош ирғатганини кўриб, тушида бир йиғлаб, бир куларди.

Буларнинг ҳаммаси-ку яхши, лекин игемоннинг туши қанча ширин бўлган бўлса, уйғониши шунча даҳшатли бўлди. Банга ойга қараб ириллай бошлади, шунда худди мой суриб шиббалагандай тайғанок мовий йўл бирдан прокураторнинг кўзи олдида ўпирилиб ғойиб бўлди. У кўзини очди-ю биринчи навбатда, қатлнинг бўлиб ўтгани эсига келди. Даставвал ўз одати бўйича Банганинг бўйинбоғидан ушлади, сўнг хаста кўзлари билан осмондан ойни ахтара бошдади: ой бир оз ёнга силжиган ва пича сўниб оқара бошлаган эди. Шу пайт ой шуъласини, балконда, Пилатнинг кўзи оддида пайдо бўлиб липиллай бошлаган бошқа бир нохуш ва безовта аланга сўндира бошлади. Бу кентурион Каламушқушнинг қўлида тутаб ётаётган машъала эди. Каламушқуш ўзига ҳамла қилмоқчи бўлган бадқаҳр кўпакка даҳшат ва жаҳолат билан қиё боқиб турарди.

— Тегма, Банга, — деди прокуратор хаста овоз билан ва йўталиб қўйди. Сўнг кафти билан кўзини машъаладан тўсаркан давом этди: — Ҳатто кечаси, ойдинда ҳам тинчлик йўқ менга. О, худолар! Сизнинг вазифангиз ҳам бўлмағур вазифа, Марк. Аскарларни ногирон қиласиз...

Марк прокураторга ҳангу манг бўлиб тикилиб қолди, шунда прокуратор хушини йиғиб олди. У уйқусираб беихтиёр айтиб юборган сўзларни ҳаспўшлаш мақсадида деди:

— Хафа бўлманг, кентурион, такрор айтаман, менинг аҳволим сизникидан ҳам ёмон. Нима

истайсиз?

— Махфий қоровул бошлиғи хузурингизга кирмоқчи, — деди Марк хотиржам оҳангда.

— Чакиринг, чакиринг, — деб прокуратор томоғини тозалаш учун йўталиб қўяркан, айна пайтда, ялангоёқлари билан пайпаслаб кавушларини қидира бошлади. Устунларда машғалалар порлади, кентурион қалин тагчармли чориғи билан кошинкор полда дўқ-дўқ юриб, боққа чиқди.

— Ойдинда ҳам менга тинчлик йўқ, — деди ўзига-ўзи прокуратор, тишларини ғижирлатиб.

Балконда энди қайтарма қалпоқли одам пайдо бўлди.

— Банга, тегма, — деди прокуратор паст овоз билан ва кўппакнинг гарданини эзиб қўйди.

Афраний гап бошлашдан оддин, ўз одатига кўра атрофига қараб қўйди-да, ўзини сояга олди, сўнг балконда Бангадан ўзга ортиқча жонзод йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, оҳиста деди:

— Каминани судга беришингизни сўрайман, прокуратор. Сиз ҳақ бўлиб чиқдингиз. Мен Кириафдан келган Иудани сақлаб қола олмадим, уни сўйиб кетишипти. Мени истеъфога чиқариб, судга беринг.

Афранийнинг назарида, унга тўртта кўз — итнинг ва бўрининг кўзлари тикилиб тургандай бўлди.

Афраний эгнидаги жуббаси остидан ҳаммаёғида қон қотиб қолган ва иккита муҳр босилган ҳамён чиқарди.

— Мана шу пул тўла қопчикни ҳазрати бузрукнинг уйига ташлаб кетишипти қотиллар. Қопчикдаги қон доғлари — кириафлик Иуданинг қони.

— Қизиқ, пул қанча экан? — деб сўради Пилат қопчикқа энгашаркан.

— Ўттиз тетрадрахма.

Прокуратор мийиғида кулимсираб деди:

— Кам. Афраний индамади.

— Ўлдирилган қаерда?

— Бу менга маълум эмас, — деди қайтарма қалпоғини ҳеч қачон бошидан ечмайдиган одам хотиржам, ўз қадрини билиб. — Бугун эрталаб қидирувни бошлаймиз.

Прокуратор бир сесканиб тушди, шиппагининг ҳадеганда тақилмаётган тўқасини ўз ҳолига қолдирди.

— Унинг ўлдирилганини сиз, ахир, билсангиз керак?

Бу саволига прокуратор куруққина жавоб олди:

— Мен, прокуратор, ўн беш йилдан бери Иудеяда хизмат қиламан. Хизматни мен Валерий Грат даврида бошлаганман. Одам ўлдирилган, деб айтишим учун унинг жасадини кўришим шарт эмас, шунга кўра, сизга хабар қилипманким, Кириаф шаҳридан келган Иуда деб аталмиш кимсани бундан бир неча соат олдин сўйиб кетишган.

— Мени афв этинг, Афраний, — деди Пилат, — ҳали уйқум батамом тарқаганича йўқ, шунинг учун ножўя гапириб қўйдим. Мен ёмон ухлайман, — прокуратор жилмайиб қўйди, — кейин, тушимда мутгасил ой шуъласини кўраман. Тасаввур қилинг-а, бирам кулгили. Гўё мен ўша шуъла бўйлаб сайр этармишман. Шундай қилиб, мен бу иш юзасидан сизнинг тахминингизни билмоқчиман. Уни қаердан қидирмоқчисиз? Қани, ўтиринг-чи, махфий хизмат бошлиғи.

Афраний таъзим қилди, оромкурсини яқинроқ суриб ўтирган эди, шамшири шарақлаб кетди.

— Мен уни Ҳефсимания боғидаги жувозхона яқинидан қидирмоқчиман.

— Хўш, хўш. Нега энди айнан ўша ердан?

— Игемон, фаҳмимча, Иуда на Ершалаимнинг ўзи-да, на ундан узоқроқ бирон ерда ўлдирилган. Уни Ершалаимга яқин бирон овлоқда ўлдиришган.

— Сизни мен ўз ишининг омилкори бўлган одамлардан бири деб ҳисоблайман. Римда, десам, қанчалик тўғри бўларкин — аниқ айтолмайман-у, лекин мустамлакаларимизда сизга тенг келадигани йўқ. Сабаб нима, изоҳлаб беринг?

— Иуданинг шубҳали одамлар қўлига — шаҳар ичида илинишини ҳеч тасаввур қила олмайман, — деб паст овоз билан гапира бошлади Афраний. — Кўчада бировни ими-жимиди бўғизлаб кетиб бўлмайди. Демак, уни авраб бирон-бир пастқам ертўлага олиб боришлари керак. Илло, хизмат ходимлари Қуйи Шаҳарни кидириб чиқишди ва шубҳасиз шаҳар ичида ўлдирилган бўлганида уни топмай қўйишмасди. Лекин у шаҳарда йўқ, бунга мен кафилман. Агар уни шаҳардан олисроқда ўлдиришганда эди, манави пул солинган қопчиқ ҳазрати бузрукнинг уйига бунчалик тез келиб тушмаган бўларди. У шаҳарга яқин ерда ўлдирилган. Уни шаҳардан авраб олиб чиқиб кетишган.

— Бунинг қандай уюштирилганига ҳеч ақлим бовар қилмаяпти.

— Ҳа, прокуратор, мазкур ишда туғилган энг оғир савол шу, уни еча олиш-олмаслигимни ҳатто ўзим ҳам билмайман.

— Дарҳақиқат, жумбоқ! Диндор одам ҳайит оқшомида, арафа ошидан воз кечиб, номаълум сабаб билан шаҳардан чиқиб кетади-ю, ўша ерда ҳалок бўлади. Уни ким ва қай йўсинда авраб олиб чиқиб кетди экан? Аёл кишининг иши эмасмикин бу? — туйқус руҳланиб кетди прокуратор.

Афраний бамайлихотир ва қатъий жавоб қайтарди:

— Асло, прокуратор. Бундай бўлиши сира мумкин эмас. Мантиқан мулоҳаза қилиш лозим. Иуданинг ўлиmidан ким мапфаатдор эди? Қандайдир саёқ хаёлпарастлар тўдаси, турган гапки, улар даврасида аёл кишининг бўлиши ҳеч ақлга сиғмайди. Мен сизга айтсам, прокуратор, уйланиш учун пул керак бўлади, одамзодни ёруғ дунёга келтириш учун ҳам ўша нарса зарур, аммо аёл кишининг ёрдамида бу ишни амалга ошириш учун, айтиб қўяй, жуда ҳам кўп пул керак бўлади, бундай пул эса саёқларнинг биронтасида ҳам йўқ. Бу ишда аёл жинси қатнашмаган, прокуратор. Шуни ҳам айтиб қўяй: қотилликни бу йўсин изохлаш ишни чувалаштириб юбориши, тўғри хулоса чиқаришга ҳалал бериши ва мени чалғитиб қўйиши мумкин.

— Сиз мутлақо ҳақ кўринасиз, Афраний, — дерди Пилат, — мен фақат ўз тахминимни айтувдим, холос.

— Таассуфки, бу янглиш тахмин, прокуратор.

— Хўш, унда қандай қарорга келиш мумкин? — хитоб қилди прокуратор, Афранийнинг юзига ўша синчковлик билан тикиларкан.

— Менинг тахминимча, сабаб — ўша пул.

— Ажойиб фикр! Лекин ким ва нима учун унга тунда пул таклиф қилади, устига-устак, шаҳар ташқарисида-я?

— Э, йўқ, прокуратор, бундай эмас. Менда ягона бир тахмин бор, агар у хато бўлиб чиқса, бошқа ҳеч қандай изох топа олмасам керак, — Афраний прокуратор томон энгашиб, пичирлаб деди: — Иуда ўз улушини ёлғиз ўзигагина маълум бўлган бироп хилватроқ ерга яширмоқчи бўлган.

— Гоят доно изох. Чиндан ҳам шундай бўлгани аниққа ўхшайди. Энди фикрингизга тушундим: уни одамлар эмас, балки ўз мулоҳазаси шаҳардан олиб чиқиб кетган. Ҳа, ҳа, худди шундай.

— Шундай. Иуда бадгумон одам бўлган. У пулларини одамларда яширмоқчи бўлган.

— Ҳа, сиз Ҳефсиманияга дедингиз. Лекин нима учун уни айнан ўша ердан изламоқчисиз, мен бунга, очиги, тушуна олмаяпман.

— О, прокуратор, буни тушуниш жуда осон. Ҳеч ким ўз пулини йўл ёқасига, очик ва сайхон ерга яширмайди. Бинобарин, Иуда на Хеврон йўлида, на Вифания йўлида бўлган. У ҳаммаёғи дов-дарахт билан тўсилган хилват бир гўшага борган бўлиши керак. Бу кундай равшан нарса. Ершалаим яқинида эса Ҳефсиманиядан бўлак бундай хилватгоҳ йўқ. Кейин узоқроққа кетиши ҳам мумкин эмас.

— Мени тўла ишонтирдингиз. Хўш, энди нима қилиш керак?

— Мен ҳозироқ одамларимга шаҳар ташқарисида Иуданинг пайига тушган қотилларни қидиришни буюраманда, ўзим шу аснода, боя сизга маълум қилганимдек, ўзимни судга берман.

— Нима учун?

— Иуда кечкурун Каифанинг қасридан чикқач, одамларим уни бозоргоҳда кўздан йўқотиб қўйишган. Нега бундай бўлганига ҳеч ақлим етмаяпти. Умрим бино бўлиб бундай ҳол юз бермаганиди. Сиз билан гуҳбатлашиб чикқаним заҳотиёқ уни назорат остига олган эдик. Лекин бозорга яқинлашганда, «лип» этиб узини қаёққадир урди-ю, кўзни шамғалат қилиб қўйиб, бирдан изсиз ғойиб бўлди-қолди.

— Хўш. Энди мендан эшитинг: сизни судга беришни лозим топмайман. Сиз қўлингиздан келган ҳамма ишни қилгансиз, дунёдаги ҳеч кимса, — шу ерга келганда прокуратор кулиб қўйди, — сиздай жонини койитолмасди. Сиз Иудани кўздан қочирган айғоқчиларингизни жазоланг. Илло огоҳлантириб қўяй, берган жазоингиз қаттиқ бўлмаслиги керак. Ҳар қалай, биз ўша малъунни муҳофаза қилиш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилдик-ку! Ҳа-я, бир нарсани сўраш эсимдан чиқипти, — прокуратор пешонасини ишқалади, — пулни қандай қилиб Каифанинг қасрига ташлаб кетишдийкин?

— Биласизми, прокуратор... Бу иш унчалик қийин эмас. Қасоскорлар Каифа қасрининг орқа томонига ўтишган, у ерда қасрнинг орқа ҳовлиси хилват тор кўча билан ўралган. Ўша ерда тугунчани девордан ошириб отишган.

— Ичида хат билан-а?

— Ҳа, худди сиз тахмин қилганингиздек, прокуратор. Ҳа, мана ўзингиз кўринг, — шундай деб Афраний тугунча устидаги муҳрни синдириб, уни Пилатга очиб кўрсатди.

— И-и, нима қияпсиз, Афраний, ахир, муҳр жомега тааллуқли бўлса керак!

— Прокуратор зинҳор бунинг ташвишини қилмасинлар, — деди Афраний тугунчани қайта ёпаркан.

— Наҳот сизда ҳамма муҳрлар бўлса? — деб кулди Пилат.

— Бошқача бўлиши мумкин эмас, прокуратор, — деб жавоб қилди Афраний ўта жиддий тарзда.

— Каифаникида нималар бўлганини кўз олдимга келтиряпман.

— Ҳа, прокуратор, бу ҳол уларни қаттиқ ҳаяжонга солган. Шу боис мени дарҳол чақиртиришди.

Пилатнинг кўзлари чакнаб кетгани ҳатто шу ғира-ширада ҳам аниқ кўринди.

— Бу қизиқарли, жуда қизиқарли ҳол...

— Сизга эътироз билдиришга журъат этаман, бу қизиқарли бўлмаган. Балки жуда зерикарли ва кўнгилсиз ишдир. Менинг, Каифа қасрида биронта одамга пул тўланмаганмиди, деб берган саволимга, қатъиян рад жавобини беришди.

— Шунақа денг! Ҳа, яхши, тўлашмаган бўлса тўлашмабди-да. Унда қотилларни топиш яна ҳам қийинлашади.

— Жуда тўғри, прокуратор.

— Дарвоқе, Афраний, миямга тўсатдан бир фикр келди: у ўз жонига ўзи қасд қилмаганмикин?

— Э, йўқ, прокуратор, — деб жавоб қилди Афраний таажжубдан ўзини оромкурси суянчиғига ташларкан, — мени афв этинг-у, аммо бундай бўлиши асло мумкин эмас!

— Э, бу шаҳарда ҳамма нарса бўлиши мумкин!

Мана мени айтди дерсиз, бу ҳақдаги миш-мишлар ҳадемай бутун шаҳарга тарқалади.

Шунда Афраний прокураторга кўз қирини ташлаб олди-да, ўйлаб туриб жавоб қилди:

— Бу бўлиши мумкин, прокуратор.

Гарчи кириафлик Иуданинг ўлдирилгани кундай равшан бўлса ҳам, прокуратор бу масалани ҳеч хаёлидан чиқара олмаётганга ўхшарди, шунга кўра фаромушроқ кайфиятда деди:

— Уни қандай ўлдиришганини ўз кўзим билан кўришни истардим.

— У ғоятда усталик билан ўлдирилган, прокуратор, — деб жавоб қилди Афраний прокураторга бир оз киноя билан боқаркан.

— Сиз буни қаёқдан биласиз?

— Марҳамат қилиб қопчикқа эътибор беринг, прокуратор, — деб жавоб қилди Афраний, — сизни ишонтириб айтаманки, Иуданинг қони тизиллаб отилган. Камина, ўз умримда қатл этилганларни кўп кўрганман, прокуратор!

— Демак, у қайтиб ўрнидан турмайди?

— Йўқ, прокуратор, туради, — Афраний жилмайиб туриб файласуфона жавоб қилди, — фақат бу шаҳарда интизорлик билан кутилаётган Масихо карнайи унинг боши узра янграган чоғда. Илло унганча турмайди!

— Бас, Афраний! Бу масала ойдинлашди. Энди дафн масаласига кўчайлик.

— Қатл этилганлар дафн қилинди, прокуратор.

— О, Афраний, сизни судга бериш жиноят бўларди. Сиз энг юксак мукофотга лойиқсиз. Хўш, тафсилот-чи?

Афраний гап бошлаб, ўзи Иуданинг иши билан машғул бўлган пайтда, махфий қоровул хизматчилари унинг ёрдамчиси бошчилигида қош қорайган чоғда Тақир Тепага етиб боришган, бироқ у ердан бир жасаднинг ғойиб бўлгани ҳақида сўзлаб берди. Пилат сесканиб кетиб, хирқироқ овоз билан деди:

— Оббо, шу нарсани оддини олиш хаёлимдан фаромуш бўлган экан-да!

— Асло безовта бўлманг, прокуратор, — деди Афраний ва ҳикоясини давом эттирди: — Кўзларини кузгунлар чўкиган Дисмас билан Гестаснинг жасадларини топишгач, дарҳол учинчи жасадни ахтаришга киришишган. Салдан кейин уни ҳам топишган. Бир одам...

— Левий Матвей, — деди Пилат савол маъносида эмас, кўпроқ тасдиқ маъносида.

— Шундоқ, прокуратор...

Левий Матвей Тақир Тепанинг шимолий ёнбағридаги бир ғор ичида қоронғи тушишини кутиб ўтирган. Иешуа Ҳа-Ноцрининг яланғоч жасади ҳам унинг ёнида бўлган. Соқчилар қўлларида машғала билан ғорга киришганида Левийнинг руҳи тушиб кетиб, ғазаблаи бошлаган. У: «Ҳеч қандай жиноят қилганим йўқ, ҳар бир инсон, қонунга кўра, агар хоҳласа, қатл этилган жиноятчини дафн этиш ҳуқуқига эга», деб чинқирган. Кейин жасаддан айрилишни истамаслигини айтган. У қаттиқ ҳаяжонланиб, тутуриқсиз гапларни бақира бошлаган, гоҳ ёлворган, гоҳ дағдаға ва ҳақорат қилган...

— Уни қўлга олишгандир? — деб сўради Пилат нохушлик билан.

— Йўқ, прокуратор, йўқ, — деб таскин берди Афраний, — густоҳ телбага, жасад албатта дафн этилади, деб тушунтиришган.

Левий эшитган гапини маънисига етгач, кўнгли тинчиган, лекин ҳеч қаёққа кетмай, дафн маросимига қатнашмоқчи эканини баён қилган. У, ўлдирсанглар ҳам кетмайман, деб айтган, ҳаттоки, дафнда иштирок этиш эвазига ёнида олиб юрган нон кесадиған пичоқни ҳам тавсия қилган.

— Уни ҳайдаб юборишгандир? — бўғиқ овоз билан сўради Пилат.

— Йўқ, прокуратор, йўқ. Ёрдамчим унинг дафнда иштирок этишига рухсат берипти.

— Ёрдамчиларингиздан қай бири бош бўлди дафнга? — деб сўради Пилат.

— Толмай, — деб жавоб берди Афраний ва хавотирланиб илова қилди: — Ё хатога йўл қўйдимикин у?

— Давом этинг, — деди Пилат, — хато қилмаган. Мен, Афраний, очиғи, сал гангиб қолдим чоғи, назаримда, умрида хато қилмайдиган одам билан мулоқотда бўлаётгандайман. Ўша одам

— сизсиз.

— Левий Матвейни қатл этилганларнинг жасадлари ортилган аравага ўтказишган ва икки соатлардан кейин улар Ершалаимдан шимолроқдаги хилват бир дарага етиб боришган. Команда аъзолари навбатма-навбат ишлашиб, бир соат ичида чуқур хандақ қазишган ва учала жасадни шу хандаққа дафн этишган.

— Яланғоч ҳолдами?

— Йўқ, прокуратор, ходимларим кафан ўрнига жуббалар оливолишган эди. Дафн этилаётганларнинг бармоқларига халқалар кийдирилган. Иешуанинг хдлқасида битта чизик бор. Хандаққа тупроқ тортилиб, устидан тош бостирилган. Шартли белгилар Толмайга маълум.

— О, агар буни олдинроқ билганимда эди-я! — деди Пилат афтини буриштириб. — Ахир мен албатта кўришим керак эди ўша Левий Матвейни...

— У шу ерда, прокуратор!

Пилат кўзларини катта очиб, Афранийга бир неча лаҳза тикилиб қолди, сўнг шундай деди:

— Мазкур иш юзасидан кўрсатган барча фаолиятингиз учун ташаккур сизга. Эртага ҳузуримга Толмайни юборсангиз ва ҳозироқ хизматидан мамнун эканлигимни унга айтиб кўйсангиз, сиздан эса, Афраний, —деб прокуратор хонтахта устида ётган камарининг киссасидан бир узук олди ва уни махфий хизмат бошлиғига узатаркан, деди: — Ушбуни эсдалик учун қабул қилишингизни сўрайман.

— Афраний таъзим қиларкан, деди:

— Илтифотингизнинг ҳудуди йўқ, прокуратор.

— Дафн билан машғул бўлган ходимларингизни мукофотланг. Иудани қочириб юборган айғоқчиларга ҳайфсан эълон қилинг. Левий Матвейни эса ҳозироқ ҳузуримга бошлаб келинг. Мен Иешуа ҳақида бутун тафсилотни билмоқчиман.

— Бош устига, прокуратор, — деди Афраний ва ҳар қадамда таъзим қила-қила тисарилиб чиқа бошлади, прокуратор эса қарсак чалиб, қичқирди:

— Ҳой, бу ёққа! Шамлар ёқилсин!

Афраний бокқа кириб бораётганидаёқ Пилат орқасида пайдо бўлган хизматкорларнинг қўлида шамлар милтиллаб ёна бошлаган эди. Бир зумда хонтахта устида учта шамчироқ пайдо бўлди-ю, ойдин тун боғ томонга чекинди, гўё уни Афраний ўзи билан олиб кетган эди. Балконда Афранийнинг ўрнида девқомат кентурион кузатувида жиккаккина, ориқ бир одам иайдо бўлди. Кентурион, кўзи прокураторнинг кўзига гушиши билан, боғ томон чекиниб, ғойиб бўлди.

Прокуратор келган одамга қаттиқ синчковлик билан тикилиб, уни хиёл ҳадиксираб кузата бошлади. Одатда кўп шов-шув бўлган ва ҳеч хаёлдан кўтарилмайдиган одам ниҳоят кўз олдида намоён бўлган чоғда унга шундай тикилиб қарайдилар.

Келган одам қирқ ёшларда бўлиб, қоп-қорайиб кетган, кийимлари чувринди, бошдан-оёқ ҳаммаёғига лой сачраб, қотиб қолган, қовоқлари остидан ўкрайиб қарар эди. Қисқаси, бу ўлгудек бадбуруш одам кўпроқ жоме бўсағаси ё сершовқин, ифлос Қуйи Шаҳарнинг бозорларида қалашиб ётган тиланчиларга ўхшарди.

Сукут узоқ давом этди, ниҳоят уни Пилат ҳузурига олиб келинган мана шу одамнинг аломат рафтори бузди. Унинг ранги ўзгариб, бирдан гандираклаб кетди, агар исқирт қўли билан хонтахтанинг четидан ушлаб қолмаганида йиқилиб тушиши муқаррар эди.

— Нима бўлди? — деб сўради ундан Пилат.

— Ҳеч нима, — деб жавоб қидди Левий Матвей ва гўё бир нимани ютиб юборгандай аломат ютинди. Унинг қилтириқ, яланғоч, исқирт бўйни бир шишиб, яна пучайди.

— Нима бўлди сенга, жавоб бер, — деб такрор сўради Пилат.

— Чарчадим, — деди Левий ва ғамгин кўзларини ерга тикди.

— Ўтир, — деди Пилат оромқурсига ишора қилиб. Левий прокураторга шубҳа билан қаради,

оромкурси томон юрди, унинг олтин бандига кўз қири билан кўрқа-писа қараб кўйиб, оромкурсига эмас, унинг ёнига, ерга ўтирди.

— Қани айт, нега унга ўтирмадинг? — деб сўради Пилат.

— Ҳаммаёғим ифлос, уни булғаб қўяман, — деди Левий ерга қараганча.

— Ҳозир сенга овқат беришади.

— Овқат егим йўқ, — жавоб қилди Левий.

— Нима қиласан ёлғон гапириб? — деди Пилат паст овоз билан. — Ахир кун бўйи, балки кечадан бери туз тотмагансан. Ҳа, яхши, емасанг ема. Сени бу ерга чақиришимдан мақсад, пичоғингни кўрмоқчиман.

— Мени бу ёққа олиб киришаётганда навкарлар пичоқни олиб кўйишди, — деб жавоб қилди Левий ва маънос оҳангда илова қилди: — Айтинг, пичоқни беришсин, мен уни эгасига қайтаришим керак, уни ўғирлаб олганман.

— Нима мақсадда?

— Арқон кесиш учун, — жавоб қилди Левий.

— Марк! — деб қичқирди прокуратор, шу захоти кунтурион балконда пайдо бўлди. — Бунинг пичоғини менга беринг.

Кентурион камарига осилган икки ғилофнинг биридан нон кесадиган ифлос бир пичоқни чиқариб, прокураторга узатди-да, ўзи чиқиб кетди.

— Қаердан олган эдинг бу пичоқни?

— Хеврон қопқаси ёнидаги нон дўконидан, шаҳарга кираверишда, чап қўлда.

Пилат пичоқнинг кенг дамани кўздан кечирди, негадир унинг ўткир-ўтмаслигини бармоғи билан синаб ҳам кўрди ва деди:

— Пичоқдан кўнглинг тўқ бўлсин, уни ўша дўконга олиб бориб беришади. Энди мен яна бир нарсани кўришим керак: ёнингда олиб юрган пергаментни кўрсат — унга Иешуанинг сўзлари ёзилганмиш.

Левий Пилатга нафрат билан қаради ва шундай сқимсиз жилмайдики, юзи ниҳоят даражада бадбашара бўлиб кетди.

— Бисотимда қолган шу биттаю битта нарсани ҳам тортиб олмоқчимисиз?

— Мен, бер, деганим йўқ, — жавоб қилди Пилат, — кўрсат, дедим холос.

Левий кўйнига қўл тиқиб, бир ўрам пергамент чиқарди. Пилат уни олиб, хонтахта устига, шамлар оралиғига ёзди-да, кўзларини қисганча сиёҳ билан пихоятда ғализ ёзилган белгиларни ўргана бошлади. Бу ажи-бужи ёзилган сатрларнинг маънисига тушуниш амри маҳол эди, шунга кўра Пилат афтини буриштириб, пергамент устига энгашиб олиб, бармоғини с:атрлар устида юрғизарди. Ҳар нечук у пергаментдаги ёзув бир-бирига боғланмаган аллақандай ҳикматли сўзлар, қандайдир рўзғорга дахддор гаплар, саналару шеър парчаларидан иборат эканлигини аниқлади. Пилат баъзи сўзларни ҳижжалаб ўқиди ҳам: «Ўлим йўқ... Кеча биз баҳорги ширин баккуротдан едик...».

Ўқишга қийналганидан Пилатнинг афти буришиб кетган эди, у кўзларини қисиб пергаментни зўрға ҳижжалаб ўқирди: «Биз обихаёт оқувчи мусаффо дарёни кўргаймиз... Башарият куёшни шаффоф кристалл орқали кузатади...».

Шу пайт Пилат бирдан чўчиб тушди. У пергаментнинг охириги мисраларида шундай сўзларни ўқий олди: «... энг улкан иллат... кўрқоқлик».

Пилат пергаментни карнай қилиб ўраб, тезкорлик билан уни Левийга узатди.

— Ол, — деди у ва пича сукутдан сўнг қўшимча қилди: — Сен китоб шайдоси кўринасан, нима қиласан сўққабош ҳолда, оч-яланғоч, бошпанасиз санғиб юриб. Қайсарияда катта кутубхонам бор, мен жуда бадавлат одамман, сени ўз хизматимга олмоқчиман. Сен уйимда қадимги қўлёзмаларни саралаб, авайлаб, сақлайсан. Қорнинг ҳам тўқ, эгнинг ҳам бут бўлади.

Левий ўрnidан туриб жавоб берди:

— Йўқ, хохламайман.

— Нега? — деб сўради ғазабдан юзи қорая бошлаган прокуратор, — мен манфур кўриняпманми сенга, кўрқасан?

Левийнинг юзи боягидай ёқимсиз кулгидан ўзгарди ва у деди:

— Йўқ, аксинча, сен мендан кўрқа бошлайсан. Менинг юзимга тик боқиш сен учун осон бўлмайди, уни қатл эттирганингдан кейин.

— Жим бўл, — деди Пилат, — яхшиси, пул ол. Левий рад маъносида бош чайқади, прокуратор гапини давом эттирди.

— Биламан, сен ўзингни Иешуанинг шогирди деб ҳисоблайсан, аммо сенга айтсам, у берган сабоқлардан биронтасини ҳам уқиб олмабсан. Зеро, уққанингда, мендан бирон тухфа олардинг, албатта. Яхшилаб эшитиб ол: у ўлими олдидан, ҳеч кимни айбламайман, деб айтипти, — Пилат бармоғини маъноли кўтарди, юзи уча бошлади. — Тирик бўлганида у ҳам албатта бирон нима оларди. Сен тошбағирсан, лекин у тошбағир эмас эди. Энди қаёққа борасан?

Левий бирдан хонтахтага яқин келиб, иккала кўлини унга тиради-да, ўт чакнаётган кўзларини прокураторга тикиб, пичирлаб деди:

— Билиб кўй, игемон, Ершалаимда мен бир одамни сўяман. Сенга шуни айтиб кўймоқчиманки, ҳали яна қон тўкилади, билиб кўй.

— Мен ҳам биламан яна қон тўкилишини, — деб жавоб қилди Пилат, — бу гапинг билан мени асло ажаблантирмадинг. Сен мени бўғизламоқчи бўлсанг керак, албатта?

— Сени бўғизлашга қурбим етмайди, — деб жавоб қилди Левий тишларини кўрсатиб тиржаяркан, — мен у даражада аҳмоқ эмасман, илло анави кириафлик Иешуани сўймай кўймайман, қолган умримни шу ишга тикдим.

Шунда прокураторнинг кўзларида мамнуният акс этди ва у Левий Матвейни бармоғи билан ўзи томон имлаб, шундай деди:

— Сен бу ишни қила олмайсан, уриниб овора бўлма. Иудани бугун тунда сўйиб кетиб бўлишган.

Левий бирдан орқага тисарилди, атрофга ваҳшиёна кўз ташлаб, чинқирди:

— Ким қилди буни?

— Ғайирлик қилма, — деди Пилат тишининг оқини кўрсатиб ва кўлларини бир-бирига ишқаб, — Иешуанинг сендан бошқа ҳам «мухлис»лари бор кўринади.

— Ким қилди буни? — деб такрорлади Левий пичирлаб.

Пилат унга жавоб қилди:

— Мен қилдим.

Левийнинг оғзи ланг очилиб, прокураторга серрайиб тикилиб қолди, прокуратор эса:

— Гуноҳни ювиш учун бунинг ўзи озлик қилади, нлбатта, лекин ҳарҳолда шу ишни мен қилдим, — деди у ва кўшиб кўйди: — Хўш, энди бирон нима оларсан?

Левий ўйланиб қолди, кўнгли анча юмшади ва ийҳоят деди:

— Буюр, менга бир бўлак тоза пергамент беришсин.

Орадан бир соат ўтди. Энди Левий қасрда йўқ эди. Энди тонгги сукунатни боғда юрган соқчиларнинг оҳиста одим ташлашларигина бузарди. Ойнинг ранги тез ўча бошлади, осмоннинг иккинчи чеккасида — уфқда тонг юлдузи оқиш доғ бўлиб кўринарди. Шамчиروқлар аллақачон ўчган. Прокуратор чорпояда отарди. У кафтини ёноғи остига кўйиб, жимгина ухлар, Банга ҳам унинг ёнида пинакка кетган эди.

Нисон ойининг ўн бешинчи тонгини шундай қарши олган эди Иудеянинг бешинчи прокуратори Понтий Пилат.

Йигирма еттинчи боб

50-КВАРТИРАНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Маргарита «... нисон ойининг ўн бешинчи тонгини шундай қарши олган эди Иудеянинг бешинчи прокуратори Понтий Пилат» деган жумла билан яқунланувчи бобнинг ниҳоясига етганида тонг отган эди.

Чумчуқлар галаси ҳовлидаги оқтол ва жўка шохларига кўниб олиб, шўх ва ҳаяжонли суҳбат бошлаган эди.

Маргарита оромкурсидан туриб керишди, шундагина бутун вужуди қақшаётганини ва уйқу элитаётганини ҳис қилди. Бироқ унинг руҳи ғоятда тетик эди. Фикрлари паришон эмас, бугунги тунни ғайритабиий тарзда ўтказгани уни асло безовта қилмас эди. Маргаританинг шайтонлар базмида бўлгани ҳам, қандайдир мўъжизавий тарзда устани қайтариб беришгани ҳам, қуйиб кул бўлган романнинг қайта пайдо бўлгани ҳам, подваддаги икки хоналик квартирадан бадкирдор Алоизий Могарич қувилиб, ҳамма нарса яна ўз жойида қарор топгани ҳам уни асло ҳаяжонга солмаган эди. Хуллас, Воланд билан танишув унга ҳеч қандай руҳий зиён етказмади. Ҳамма нарса худди рисоладагидек бўлди. Маргарита нариги хонага ўтиб, устанинг оромбахш, маст уйқуда ётганини кўрди, бекорга ёниб турган стол устидаги чироқни ўчирди-да, қарама-қарши девор тагидаги устига эски ва йиртиқ чойшаб ёзилган диванчага чўзилди. Бир дақиқадан кейин ухлаб кетди, аммо ўша куни эрталаб у ҳеч қандай туш кўрмади. Подвалдаги икки хона сукутда, подвал устидаги мўъжазгина уй ҳам сукутга толган, хилват тор кўча ҳам сув қуйгандек жимжит эди.

Аммо бу маҳал, яъни шанбага ўтар куни тонг палласида Москвадаги бир муассаса жойлашган бинонинг бутун бир қавати бедор эди, унинг асфальт ётқизилган кенг майдонга (махсус машиналар оҳиста юриб сув сепаётган ва супураётган майдонга) очиладиган деразаларида чироқлар эндигина бош кўтариб келаётган куёш шуъласи билан бас бойламоқчи бўлгандай чарақлаб ёниб турарди.

Бутун қават Воланд иши юзасидан бошланган тергов билан машғул ва бу ердаги ўнта хонанинг ҳаммасида туни билан чироқ ёниб чиққан эди.

Сирасини айтганда, фақат кеча, жума куни, Варьете театрининг маъмурлари ғойиб бўлиш оқибатида ҳамда ундан бир кун олдин ўтказилган жодугарлик сеанси пайтида юз берган ҳар хил номаъкулчиликлар туфайли театрни ёпишга тўғри келгандан кейингина масала ойдинлашди. Лекин гап шундаки, шундан кейин ҳам идоранинг уйғоқ қаватига янгидан-янги материаллар тўхтовсиз келиб турди.

Тергов олиб бораётганлар эндиликда ғирт майнавозчиликнинг (яна аллақандай сеҳрли фокуслар ва мутлақо ошқора жинойтлар билан омихта бўлган майнавозчилик) ҳиди келиб турган бу ўта ғаройиб ишга Москванинг турли томонида юз берган турли хил, чалкаш ишларни боғлаб, ягона ҳодиса сифатида иш кўришлари лозим эди.

Электр чироқлари билан чароғон бу уйғоқ қаватга биринчи бўлиб чақирилган одам акустика комиссиясининг раиси Аркадий Апполлонович Семплеяров бўлди.

Унинг Тошкўприк яқинидаги уйга жойлашган квартирасида жума куни тушликдан кейин телефон жиринглаб, бир эркак овози Аркадий Апполлоновични сўради. Телефон трубкасини кўтарган Аркадий Апполлоновичнинг хотини маънос оҳангда эрининг бетоб бўлиб ётгани ва телефонга кела олмаслигини айтди. Лекин шунга қарамай Аркадий Апполлонович трубкани олишга ажбур бўлди. Аркадий Апполлоновични ким, қаердан сўрапти, деб берилган саволга телефонда жуда қисқа жавоб қилишди.

— Мана, ҳозир... бир зумгина... бир дақиқа сабр қилинг... — деб ғўлдиради акустика комиссияси раисининг одатда ўта такаббур хотини ва Аркадий Апполлоновични ўрнидан турғазиш учун ётоқхонага ўқдай отилиб кирди. Семплеяров кеча театрда берилган сеанс ва сеансдан сўнг уйида кечаси бошланган маш-машадан (бу машмаша баҳонаси билан саратовлик

қиз-жияни квартирадан ҳайдаб чиқарилди) ичини ит тирнаб, изтироб чекиб ётарди.

Тўғри, бир зумда ҳам эмас, лекин бир дақиқада ҳам эмас, балки чорак дақиқа деганда Аркадий Аполлонович ички кўйлак-иштонда, чап оёғида бир пой туфли оилан телефон оддида пайдо бўлган ва:

— Ҳа, бу мен... эшитаман, хўп бўлади... — деб ғўлдирай бошлаган эди.

Бу маҳал унинг умр йўлдоши, шўрлик Аркадий Аполлоновичнинг ошкор бўлган жирканч бевафолигини ҳам унутиб юбориб, дахлизга очиладиган эшикдан кўрқа-писа мўраларкан, эрининг бир пой туфлисини ҳавода силкиганча:

— Туфлингни кийиб ол, туфлингни... Оёғингдан зах ўтади, — деб пичирларди, бунга жавобан Аркадий Аполлонович ялангоёғи билан шатталаб хотинини ҳайдар, унга ўқрайиб кўяркан, трубкага ғўлдираб дерди:

— Ҳа, ҳа, ҳа, бўлмасам-чи, тушунаман... Ҳозир етиб бораман.

Аркадий Аполлонович бугун оқшомни тергов бораётган қаватда ўтказди. Сухбат ниҳоятда оғир, ниҳоятда кўнгилсиз бўлди, зеро нафақат кечаги қабоҳатли сеанс ва ложада юз берган муштлашиш тўғрисида, балки йўл-йўлакай зарурат юзасидан, Елоховская кўчасида турувчи Милица Андреевна Покобатько ҳақида ҳам, саратовлик жияни тўғрисида ҳам, булардан ташқари яна жуда кўп нарсалар тўғрисида ҳам мутлақо ошқора гапиришига тўғри келдики, бу ҳол Аркадий Аполлоновични ғайритаъриф азобга соларди.

Турган гапки, ўша лаъпати сеанснинг шоҳиди (фаросатли ва мулоҳазали шоҳиди) бўлган, ниқоб таққан сирли сеҳргарнинг ўзини ҳам, унинг икки лўттибоз ёрдамчисини ҳам ниҳоятда мукамал тасвирлаб берган, сеҳргарнинг фамилияси айнан Воланд эканлигини жуда аниқ эслаб қолган зиёли ва маданиятли одам бўлмиш Аркадий Аполлонович келтирган далил-дастаклар тергов ишини анча жадаллаштириб юборди. Аркадий Аполлонович берган гувоҳликни ўзга одамларнинг (шу жумладан, сеанс оқибатида жабрланган айрим хонимларнинг ва Садовая кўчасидаги 50-квартирага юборилган курьер Карповнинг) гувоҳликлари билан қиёслаш натижасида ушбу ҳангомаларнинг сабабчиларини қаердан қидириш кераклиги бир зумда аниқланди - қўйди.

50-квартирада бир эмас, бир неча марта бўлишиб, наинки уни синчиклаб кўздан кечиришди, ҳатто унинг деворларини ҳам тўқиллатиб кўришди, камин мўрконига ҳам мўралашди, хуфия жойларни қидиришди. Бироқ бу тадбирларнинг бари ҳеч қандай самара бермади, квартирада бирон марта ҳам бирон-бир жонзот учрамади, ҳолбуки Москвага келувчи барча ажнабий туртистлар ҳақида хабардор бўлиш зиммасига юкланган шахслар, Воланд исмли сеҳргар Москвада йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деб кескин ва қатъий равишда таъкидлашларига қарамай, квартирада қандайдир кимсалар мавжудлиги жудаям аниқ эди.

Шунга қарамай, Москвага келган ўша Воланд деган шахс ҳеч ерда рўйхатдан ўтмаган, ҳеч бир кимсага паспорт ёки ўзга бирон ҳужжат, масалан, шартнома варақасини кўрсатмаган ва ҳеч ким у тўғрида бирон-бир маълумот олмаган эди. Томошахоналар комиссияси қошидаги программалар бўлими мудири Китайцев, ўша ғолиб бўлган Стёпа Лиходеев ҳеч қандай Воланд ҳеч қандай программасини менга тасдиқлаш учун юборгани ҳам йўқ, ўша Воланд деган сеҳргарнинг келгани ҳақида ҳеч қандай телефон ҳам қилингани йўқ, деб худони ўртага қўйиб, қасам ичди. Бинобарин у, яъни Китайцев Варьетеда бундай сеанс берилишига Стёпанинг қандай йўл қўйганини мутлақо тушунмас ва бунинг сабабини ҳам билмас эди. Лекин Китайцевга, ахир ўша сеҳргарни Аркадий Аполлонович театрда ўз кўзи билан кўрибди-ку, деб айтишганида, у фақат кифтини учуриб, кўзини шифтга тикиш билан жавоб қилди. Лекин Китайцевнинг кўзига қараб, олдингидек оппоқ эканлигини дадил эътироф этди.

Томоша кўрсатувчи муассаса комиссияси раиси Прохор Петровичга келсак...

Дарвоқе, кабинетга милиция келган ҳамон у ўз костюми ичида пайдо бўлди ва бу рафтори билан Лнна Ричардовнани телбанамо қувонтириб, бекорга безовта қилинган милицияни

хайратдан оғзини очириб қўйди... Яна ўз ўрнига қайтиб, кул ранг йўл-йўл костюми ичига кирган Петрович, ўзи қиска муддатга ғойиб бўлган пайтида костюми ёзган кўрсатмаларнинг барини тўла-тўқис маъкуллади... ана шу Прохор Петрович ҳам Воланд деган шахс ҳақида мутлақо ҳеч нима билмас эди.

Сиз нима деб ўйласангиз ўйланг, китобхон, аммо бу мутлақо, ақл бовар қилмайдиган ҳол эди: минглаб томошабинлар, Варьетенинг бутун ҳайъати, ниҳоят, жуа билимдон шахс Аркадий Аполлонович Семплеяров битта сеҳргарни, шунингдек, унинг бадкор ассистентларини ўз кўзлари билан кўришган бўлса ҳам, сеҳргарни ҳеч ердан топиб бўлмади. Хўш, ўзингиз айтингчи: нима, у ўша манфур сеанси тугаши билан ер қаърига кириб ғойиб бўлдимиз ёки баъзиларнинг таъкидлаши-ча, у аслида Москвага мутлақо келмаганмиди? Агар айтганимиздан биринчиси рўй берган деб фараз қиладиган бўлсак, унда, у шубҳасиз, ўзи билан бирга Варьете маъмурияти раҳбарларини ҳам ер қаърига олиб кириб кетган, лекин бордию иккинчи тахминга тўхталадиган бўлсак, унда бадбахт театр маъмурларининг ўзи биронта расвогарчилик қилиб қўйиб (кабинетдаги дераза ойнасининг синганини ва Ғиштинузнинг ўзини қандай тутганини эсланг!), Москвадан қочиб чиқиб, бедарак кетган бўлиб чиқади.

Тергов ишини бошқарган одамга тан бериш керак. Ғойиб бўлган Римскийни бир зумда қидириб топишди. Ғиштинузнинг кинематограф олдидаги такси тўхтайдиган майдончада ўзини қандай тутганини айрим вақтлар, чунончи сеанс тугаган ва Римскийнинг ғойиб бўлган пайтлари билан муқояса қилиб кўрилиши ҳаммо ҳамма нарса ойдинлашдию дарҳол Ленинградга телеграмма юборилди. Бир соатдан кейин (жума куни кечкурун) Римскийнинг «Астория» меҳмонхонасида, тўртинчи қаватдаги тўрт юз ўн иккинчи хонадан топилгани ҳақида жавоб етиб келди.

«Астория»нинг тўрт юз ўн иккинчи хонасидаги кийим жавонига яширинган Римский дарҳол ҳибсга олинган ва ўша ерда, Ленинградда сўроқ қилинган. Шундан сўнг Москвага юборилган телеграммада, Варьетенинг молия директори мутлақо эсини йўқотган ҳолатда эканлиги, берилган саволларга бирон жўяли жавоб бермагани ёинки беришни хоҳламагани ҳақида, билъақс ҳадеб, уни қамоқхонанинг зирҳланган камерасига қамаб, қуролли соқчилар билан кўриқлашларини илтимос қилаётгани ҳақида ёзилган эди. Москвадан юборилган телеграммада Римскийни соқчилар кузатувида Москвага жўнатиш буюрилди, шунга кўра Римский жума куни кечкурунги поездда соқчилар кузатувида йўлга чиқди.

Шу жума куни кечкурун Лиходеевнинг ҳам изи топиди. Унинг тўғрисида барча шаҳарларга телеграмма юборилиб, қидирув эълон қилинган эди. Ялтадан: «Лиходеев Ялтада бўлган, лекин аэропланда Москвага учиб кетди», деган жавоб телеграммаси олинди.

Бирдан-бир дараги топилмаган одам Варенуха бўлди. Деярли бутун Москвага таниқли бўлган бу машҳур театр маъмури дом-дараксиз йўқолган эди.

Бу аснода Варьете театрдан четда, Москванинг бошқа ерларида юз берган ҳодисалар билан ҳам шуғулланишга тўғри келди. Масалан, «Славное море» кўшиғини ижро этган ходимларнинг ғайритабиий рафторини (дарвоқе, профессор Стравинский тери остига қандайдир дори юбориш билан икки соат ичида уларнинг ҳаммасини яна ўз ҳолига келтиришга муваффақ бўлди), шунингдек, алламбало қоғозларни айрим кишилар ё муассасаларга пул ўрнида ўтказган шахслар ва шундай йўл тутилиши оқибатида зиён кўрган шахслар масаласини ҳам ойдинлаштириш лозим бўлди.

Маълумки, бу ҳодисалар ичида энг кўнтилсиз, энг ғалвали ва энг мушқули марҳум Берлиознинг калласини Грибоедов залига қўйилган тобутдан куппа-кундуз куни ўғирлаб кетилгани бўлди.

Бутун Москвага ёйилиб кетган бу мураккаб ишнинг чигалларини биттама-битта ечиш учун ўн иккита терговчи сафарбар қилинди.

Терговчилардан бири профессор Стравинскийнинг шифохонасига борди ва биринчи

навбатда кейинги уч кун ичида шифохонага келтирилган шахсларнинг рўйхатини сўради. Бунинг натижасида Никонор Иванович Босой ва калласи узилиб қайта ўрнатилган бечора конференсье топилди. Лекин улар терговчини қизиқтирмади. Чунки буларнинг иккови ҳам ўша номаълум сеҳргар бошчилигидаги тўданинг қурбони бўлганлиги равшан эди. Аммо Иван Николаевич Бездомний терговчини ҳаддан ташқари қизиқтириб қолди.

Жума куни кечга яқин Иванушка ётган 117-хонанинг эшиги очилиб, бу ерга Москвадаги энг яхши терговчилардан бири деб саналишига қарамай, қиёфасидан терговчига мутлақо ўхшамайдиган кулча юз, вазмин, мулойим бир йигит кириб келди...

Терговчи хушмуомалалик билан ўзини танитди ва Иван Николаевичнинг ҳузурига ўтган куни Патриарх кўли бўйида содир бўлган ҳодисалар хусусида гаплашгани келганини айтди.

О, афсус, бу терговчи сал олдинроқ, ҳеч бўлмаса, пайшанбага ўтар кечаси келганида борми, Иваннинг боши осмонга етган бўларди: ўшанда у Патриарх кўлида юз берган воқеани роса куйиб-пишиб ҳикоя қилмоқчи бўлган, аммо унинг айтганларига эътибор беришмаган эди. Мана энди унинг маслаҳатчини тутиш орзуси ушалди, энди у ҳеч кимнинг орқасидан қувмайди, аксинча ўша чоршанба куни кечқурун содир бўлган воқеани эшитиш учун мана, унинг ҳузурига ўзлари келишипти.

Лекин, таассуфки, Берлиоз ҳалокатидан кейин ўтган вақт ичида Иванушка тамомила ўзгариб кетган эди. У терговчининг барча саволларига бажонидил ва мулойимлик билан жавоб қайтарар, аммо унинг ни-гоҳида ҳам, гапириш оҳангида ҳам лоқайдлик сезилиб турарди. Берлиоз фожиаси энди шоирни ташвишга солмай қўйган эди.

— Айтинг-чи, Иван Николаевич, Берлиоз трамвай тагига йиқилиб тушганида сиз турникетдаи узоқдами-дингиз ?

Иван негадир бепарволик билан сезилар-сезилмас жилмайиб қўйди-да, жавоб қилди:

— Мен узоқда эдим.

— Анави катак камзул кийган турникет олдида турганмиди?

— Йўқ, у сал нарироқдаги скамейкада ўтирган эди.

— Берлиоз йиқилиб тушганида унинг турникет олдида бормаганини аниқ эслайсизми?

— Эсламан. Боргани йўқ. У ястаниб ўтирган эди. Терговчи бошқа савол бермади. У Иванушка билан қўл бериб хайрлашаркан, тезроқ тузалиб кетинг, деди ва тез кунларда унинг янги шеърларини ўқишига умид билдирди.

— Йўқ, — оҳиста жавоб қилди Иван, — мен энди ҳеч қачон шеър ёзмайман.

Терговчи мулойим жилмайиб қўйиб деди:

— Ҳозир сиз бир оз руҳан сиқилгансиз, лекин аминманки, бу ҳол ҳадемай ўтиб кетади.

— Йўқ, — деди Иван терговчига эмас, сўниб бораётган олис уфққа тикилиб, — бу ҳол энди ҳеч қачон тугамайди. Мен ёзган шеърлар — ёмон шеърлар, буни мен энди тушундим.

Терговчи ғоят муҳим далиллар олиб жўнаб кетди. Юз берган воқеалар тизмасининг охиридан бошига қараб бирма-бир текшириш натижасида, ниҳоят ҳодисаларнинг сарчашмаси топилди. Бу ҳодисаларнинг ҳаммаси Патриарх кўлида юз берган қотилликдан бошланганига энди шубҳа қолмаган эди. Тўғри, Иванушка ҳам, анави катак камзулли ҳам МАССОЛИТнинг бахтиқаро раисини трамвай тагига итариб юбормаган, хуллас, ҳеч ким унинг трамвай остига думалаб тушишида жисмоний ҳисса қўшмаган эди. Лекин терговчи, Берлиоз гипноз қилинган бўлгани учун ўзини трамвай тагига ташлаган (ёки йиқилиб тушган) деб қатъий ишонарди.

Ҳа, материал етарли даражада эди, энди кимларни қаердан тутиш кераклиги ҳам маълум эди. Бироқ ҳамма бало шундаки, айбдорларни ҳеч тутиб бўлмаётган эди. Ўша худо қарғаган 50-квартирада, шубҳасиз, кимлардир бор эди. Баъзи-баъзида телефон кўнғироғига у квартирадан кимдир ғижирловчи манқа овоз билан жавоб қиларди, ахён-ахёнда квартиранинг деразалари очилиб қолар, хаттоки, у ердан патефон овози ҳам эшитиларди. Лекин ҳар гал текширгани боришганда, у квартирада зоғни ҳам учрата олмасдилар. Ҳолбуки, у ерга бир эмас, бир неча

марта, кундузи ҳам, кечаси ҳам бориб кўришган эди. Бунинг устига, квартира ичида тўр кўтариб юришиб, унинг бурчак-бурчакларини ҳам синчиклаб текширишди. Бу квартира ўзи кўпдан шубҳа остига олинган эди. Шу боис наинки дарвозахона ва ҳовли орқали унга кирадиган йўлни, шунингдек, орқа эшикни ҳам кўриқлай бошлашди, бундан ташқари, томдаги мўркон оғзига ҳам соқчи қўйилди. Ҳа, 50-квартира бебошлик қилар, аммо унинг танобини тортиб қўйишнинг ҳеч иложи бўлмаётган эди.

Вазият ҳеч ўзгаришсиз, шундай қолаверди, ниҳоят, жумадан шанбага ўтар кечаси қоқ ярим тунда эгнига базм либоси, оёғига локланган туфли кийган барон Майгель 50-квартирага тантанали вазиятда меҳмон бўлиб келди. Эшикни очиб, баронни квартирага киритишгани эшитилди. Шу воқеадан сўнг роса ўн дақиқа ўтгач, ҳеч қандай қўнғироқ қилмай, квартирага бостириб киришди, аммо у ерда наинки уй соҳибларини учратишди, балки (буниси энди ақл бовар қилмайдиган ҳол эди) барон Майгелнинг арвоҳи ҳам қолмаганига шохид бўлишди.

Шундай қилиб, юқорида айтганимиздек, вазият шанба куннинг сахарига довур ҳеч ўзгаришсиз қолаверди. Бу пайтга келиб, янги ва жуда қизиқарли маълумотлар пайдо бўлди. Москва аэродромига Қримдан учиб келган олти ўринли пассажир самолёти қўнди. Бошқа йўловчилар қатори ундан жуда антиқа йўловчи ҳам тушди. Бу уч-тўрт кундан бери юзига сув тегмаган, сокол-мўйлови ўсиб тиканак бўлган, яллиғланган кўзлари олазарак боқувчи, қўлида ҳеч қандай юки йўқ ва ниҳоятда аломат кийинган йигит эди. У бошига папоқ, эгнига тунги кўйлаги устидан чарм чакмон, оёғига кўк рангли, эндигина сотиб олинган яп-янги шиппак кийган эди. Самолёт зинасидан тушиб икки қадам юрар-юрмас уни кутиб олишди ва яна бир оз вақтдан сўнг Варьетенинг бутун Москвага довуғи кетган директори Степан Богданович Лиходеев тергов аҳлига рўпара бўлди. У ҳам янги маълумотлар берди. Ана энди Воланднинг Стёпа Лиходеевни гипноз қилиб қўйиб, Варьетега артист қиёфасида кириб боргани, кейин уни жоду йўли билан Москвадан бир неча минг километрга улоқтиргани маълум бўлди. Далиллар шу тарз-да тоғ-тоғ бўлиб уюлиб кетаётган бўлса ҳам, бундан иш енгиллашмади, балки, ҳатто, бир оз оғирлашди деса ҳам бўлади, чунки Степан Богдановичнинг бошига не савдоларни солган ўша найрангбоз шахсни қўлга илинтириш жуда мушкул эканлиги яққол кўриниб турарди. Бу ўртада Лиходеев, ўз илтимосига кўра, мустаҳкам камерага қамаб қўйилди. Бу аснода деярли икки кеча-кундуз дом-дараксиз кетиб, яна ўз квартирасида пайдо бўлган ва ўша ерда ҳибсга олинган Варенуха терговчилар олдида гувоҳлик бера бошлади.

Гарчи у Азazelлога, бошқа ёлғон сўзламайман, деб сўз берган бўлса ҳам, терговда гапни ёлғондан бошлади. Лекин бунинг учун уни жудаям айбламаслик ке-рак. Чунки Азazelло телефонда ёлғиз сўзлаш, кўрслик қилишни ман қилган эди унга, ҳозир эса, маъмур ўша аппарат ёрдамисиз гапираётган эди. Иван Савельевич тергов қилаётганлардан кўзини олиб қочишга уриниб ҳикоя қила бошлади:

— Пайшанба куни кундузи Варьетедаги кабинетимда ёлғиз ўзим то маст бўлиб қолгунимча ичдим. Кейин кетдим, қаёққа — эслолмайман, аллақерда тўхтаб, яна старка ичдим, аммо қаерда — эслолмайман, қайсиам бир девор тагида учиб қолдим, лекин қайси девор эканлигиниям эслолмайман...

Варенуха ўзининг бемаъни ва бетутуриқ рафтори билан муҳим иш юзасидан тергов олиб боришга халақит бераётганини ва бу қилмиши учун албатта жавобгарликка тортилажани айтишгандан кейин, у хўнграб йиғлаб юборди ва ҳаммаёққа олазарак бўлиб қараб, титроқ овоз билан пичирлаганча, ёлғон гапирганига, чунки Воланд тўдасининг қасос олишидан кўрқиб шундай қилганига иқрор бўлди ва ўзини зирҳланган камерага камашларини ёлвориб илтижо қила бошлади.

— Оббо! Бунисигаям зирҳланган камера зарур бўлиб копти, — деб тўнғиллади терговчилардап бири.

— Анави ярамаслар каттиқ кўркитиб қўйган буларни, — деди Иванушканинг олдида бўлиб

қайтган терговчи.

Варенухага қўлдан келганча тасалли беришиб, сизни камерасиз ҳам ҳимоя қиламиз, деб ваъда қилишди, шундан кейин унинг ҳеч қандай девор тагида старка ичмагани, аксинча, сўйлоқ тишли малла одам билан бақ-бақалоқ бир нусха уни дўппослагани маълум бўлди.

— Ўша бақалоқ мушукка ўхшармиди?

— Ҳа, ҳа, ҳа, — деб пичирларди маъмур кўркувдан шамдек қотиб ва зум ўтмай атрофига олазarak бўлиб қараб, сўнг у қарийб икки кун 50-квартирада қонхўр пойлоқчи сифатида кун кечиргани ва сал бўлмаса молия директори Римскийнинг умрига зомин бўлаёзгани ҳақида батафсил сўзлаб берди...

Шу пайт Ленинград поездидан тушган Римскийни олиб киришди. Бироқ аввалги молия директориға буткул ўхшамай қолган, кўркувдан дағ-дағ титраётган, руҳий касалга мубтало бўлган, сочлари оқариб кетган бу чол оёқ тираб туриб олиб ҳақиқатни гапиришдан буткул бош тортди. У ўз кабинетининг деразасида тунда ҳеч қандай яланғоч Геллани ҳам, шунингдек, Варенухани ҳам кўрмагани, балки кўнгли беҳузур бўлиб, ҳуши оғиб, билмай Ленинградга кетиб қолгани ҳақида гапира бошлади. Қизиғи шундаки, бетоб Римский гувоҳлик бериб бўлиб, яна уни зирҳланган камерага қамашларини илтимос қила бошлади.

Аннушка эса Арбатдаги универмаг кассирига ўн долларлик қоғоз пул тутқизмоқчи бўлганида қўлга олинди. Унинг Садовая кўчасидаги уйнинг деразасидан учиб чиқиб кетган одамлар ва тақача ҳақидаги (Аннушканинг айтишича, у тақани милицияга элтиб бериш учун ердан кўтарган экан) гапларини диққат билан эшитишди.

— Тақача чинакам олтинданмиди, гавҳар тошлари ҳам бормиди? — деб сўрашди Аннушкadan.

— Вой, гавҳарнинг қанақалигини билмай ўлибманми, — деб жавоб қилди Аннушка.

— Ўша одам сизга берган пул червон пулмиди?

— Вой, червоннинг қанақалигини билмай ўлибманми, — деди Аннушка.

— Хўш, у пуллар қачон долларга айланиб қолди бўлмасам?

— Ҳеч нима билмайман, қанақа долларни гапиряпсиз, мен ҳеч қанақа доллар-полларни кўрганим йўқ, — дерди Аннушка чийиллаб, — биз ўз ҳуқуқимизни биламиз! Бизга мукофот беришган экан, демак унга чит сотиб оламиз... — шундан кейин у, бешинчи қаватни жину алвастилар маконига айлантриб, ҳамманинг тинчини бузган уй бошқармасининг қинғир ишлари учун жавоб берадиган аҳмоқ йўқ, деб шунақанги пойинтар-сойинтар гапларни жавраб кетдики...

Аннушка ҳаммани жонига теккан эди, терговчи қўл силтаб унинг овозини ўчирди ва яшил қоғозга рухсатнома ёзиб бериб, ҳамманинг кўнглидаги ишни қилди. Аннушка бинодан чиқиб кўздан ғойиб бўлди.

Шундан кейин жуда кўп одамлар бирин-кетин терговдан ўта бошладилар. Булар орасида Николай Иванович ҳам бўлиб, у рашкчи хотинининг тентаклиги туфайлигина (хотини милицияга эрининг эрталабга яқин ғойиб бўлганини хабар қилган эди) ҳибсга олинган эди. Николай Иванович ўзининг шайтон ҳузурида базмда бўлгани ҳақида ўта тутуриқсиз гувоҳномани кўрсатди, лекин бу билан тергов аҳлини унчалик ажаблантирмади. У Маргарита Николаевнанинг уй ходимасини ўз устига миндириб аллақайси гўрга чўмилишга олиб боргани ва ундан сал олдин Маргарита Николаевнанинг қип-яланғоч холда деразада ўтиргани ҳақида сўзлаб берди-ю, қолган гапларни сир сақлаб қолди. Масалан: у Маргарита Николаевнанинг ётоқхонасига кўйлақ кўтариб киргани ва Наташани Венера деб атаганини сўзлаб беришни лозим кўрмади. Унинг ҳикоя қилишича, Наташа деразадан учиб чиққан у ни миниб олиб, Москва ташқарисига парвоз этган эди.

— Камина бу зўравонликка бўйсунушга мажбур бўлдим, — деб ҳикоя қилди у ва ўз уйдирмаларини бундай яқунлади: — Ўтинаман, шу айтган гапларимни зинҳор-базинҳор

хотиним била кўрмасин.

Унга ваъда беришди.

Николай Иванович берган гувоҳликдан Маргарита Николаевнанинг, шунингдек унинг уй ходимаси Наташанинг ном-нишонсиз ғойиб бўлишгани аниқланди. Уларни қидириб топиш чоралари кўрила бошлади.

Шанба шуни эрталаб гувоҳларни тергов қилиш бир зум ҳам тўхтамади. Бу пайт шаҳарда мутлақо куракда турмайдиган миш-мишлар пайдо бўлиб, яшин тезлигида чор ёққа таркала бошлади. Тариқдаккина ҳақиқат туядай уйдирмага айланди. Айтишларича, Варьете театрида берилган сеҳргарлик сеансидан кейин икки мингта томошабиннинг ҳаммаси кўчага онадан қандай туғилган бўлса, шундай ҳолда отилиб чиққанмиш, Садовая кўчасида қалбаки пул ясайдиган босмаҳона топилганмиш, аллақандай ўғрилар тўдаси маишатхонадан бирваракайига бешта мудирни ўғирлаб кетганмиш-у, лекин милиция ўша заҳоти уларни топганмиш, ҳоказо ва ҳоказо.

Вақт тушликка яқинлашиб қолган эди, шу пайт тергов олиб борилаётган хонада телефон жиринглади. Садовая кўчасидан қўнғироқ қилишиб, касофат квартирада яна жонланиш рўй берганини хабар қилишди. Айтишларича, квартиранинг деразалари ичкаридан очилипти, у ердан пианино овози ва қўшиқ эшитилипти, деразада ўзини офтобга солиб, ястаниб ётган қора мушукни кўришипти.

Куннинг авжи қизиган пайти — соат тўртларда бир гуруҳ гражданча кийинган эркаклар Садовая кўчасидаги 302-бис уйга етмасдан анча нарироқда учта машинадан тушишди. Кейин улар иккита кичик тўдага бўлинишди-да, биринчи тўда бостирма остидан ҳовлига кириб, тўғри олтинчи йўлак сари йўл олди, иккинчиси эса орқа йўлга олиб кирадиган доимо михлоғлиқ кичкинагина эшикни очди, шунда иккала тўда бошқа-бошқа зинадан 50-квартирага баравар кўтарила бошлади.

Бу пайт Коровьёв билан Аззелло квартиранинг емакхонасида нонушта қилиб ўгиришар, Воланд, ўз одати бўйича ётоқхонада эди, мушукнинг қаердалиги маълум эмас эди. Лекин ошхонадан келаётган идиш-товоқларнинг тарақ-турукидан, Бегемот ўша ерда яна бирон жиннилик қилаётган бўлса керак, деб ўйлаш мумкин эди.

— Зинадан оёқ товушлари эшитилияптими? — деб сўради Коровьёв чашкасидаги қаҳвани қошиғи билан кавлаб ўтираркан.

— Э, бизни қамоққа олгани келишяпти, — деб жавоб қилди Аззелло ва қадахчадаги коньякни ичиб юборди.

— Қани, қани, кўрайлик-чи, — деди Коровьёв бунга жавобан.

Бу маҳал подъезд эшигидан кирганлар зинадан учинчи қават майдончасига чиқиб келган эдилар. Бу ерда икки нафар водопроводчи иситиш қувури олдида ғивирсирди. Зинадан чиқиб келганлар водопроводчилар билан маънодор кўз уриштириб олишди.

— Ҳаммалари уйда, — деб пичирлади водопроводчилардан бири болғачаси билан қувурга уриб-уриб кўяркан.

Шунда олдинда келаётган одам пальтоси ичидан қора маузер чиқарди, унинг ёнидаги иккинчи одам — кўйнидан темир очқич олди. Умуман, 50-квартирага чиқиб келаётганлар пухта қуролланган эдилар. Икки кишининг чўнтагида осон ёйилувчи ингичка ипак тўр бор эди. Яна биттасида — аркон, биттасида — дока ниқоблар билан хлороформли ампулалар бор эди.

50-квартиранинг эшигини тез ва осон очишди, ҳамма келганлар даҳлизга киришди, айтишларича ошхонада эшик «қарс» этиб очилди, бу — хуфия йўлдан чиққан иккинчи тўданинг ҳам ўз вақтида етиб келганидан дарак берди.

Бу гал қисман бўлса ҳам омад юриши аниқ эди. Одамлар бир зумда ҳамма хоналарга тарқалишди-ю, лекин ҳеч ерда ҳеч кимни учратишмади, фақат емакхонада ҳозиргина ейилган нонуштанинг қолдиғини, меҳмонхонада эса камин токчасида биллур кўза ёнида примус ушлаб

чўққайиб ўтирган бахайбат бир қора мушукни кўришди.

Меҳмонхонага кирганлар бу мушукка маҳлиё бўлиб узок вақт сукутга чўмиб туриб қолдилар.

— Ха-а... чинданам антиқа ҳол — деб шипшиди кирганлардан бири.

— Шўхлик, қитмирлик қилмайман, примус тузатаман, — деди мушук тумшайганча, — яна, мушук зоти энг қадимий ва дахлсиз махлук, деб огохлантириб кўйишни ҳам ўз бурчим деб биламан.

— Ниҳоятда нозик ишланган, — деб пичирлади хонага кирганлардан бири.

— Қани, оғзи қимирламай сўзловчи дахлсиз мушук жаноблари бу ёққа марҳамат қилсинлар.

Шу заҳоти ипак тўр «шув» этиб ҳавода ёйилди, лекин тўр отган одам нишонни мўлжалга ололмай, ҳаммани ҳайратда қолдирди, тўр биллур кўзага илинди, кўза ерга тушиб чил-чил синди.

— Ютқиздингиз, — деб бақирди мушук, — ура! — шундан кейин примусни бир четга кўйиб, орқасидан тўппонча чиқарди-да, зум ўтмай ўзига яқин турган одамни нишонга олди. Лекин мушук ўқ отишга улгурмасдан олдин у одамнинг қўлидаги маузердан ўт чакнади ва шу оннинг ўзида мушук панжасидан тўппончани тушириб юбориб, примусни ташлаб, пастга шўнғиди ва «тап» этиб ерга тушди.

— Адойи тамом бўлдим, — деди мушук заиф овоз билан ва ўз қонига беланиб чалқанча ётди, — бир зумгина менга яқинлашманглар, замин билан видолашишимга имкон беринглар. О, қадрдоним Азазелло! — деб ингради қонига беланиб ётган мушук. — Қаердасан? — Мушук сўниб бораётган кўзларини емакхона эшиги томон қаратди, — фирром жанг пайтида менга ёрдамга келмадинг. Сен бир стакан асл нав коньяк деб бечора Бегемотдан юз ўгирдинг! Ҳа, майли, менинг ўлимимга зомин бўлсанг ҳам, сенга тўппончамни васият қилиб қолдираман...

— Тўр, тўр, тўр ташланглар, — безовта бўлиб пичирлашди мушукнинг атрфоида турганлар, лекин аксига юриб, тўр кимнингдир чўнтагига илиниб қолган ва ҳадеганда чикмасди.

— Оғир жароҳатланган мушукка фақат, — деди мушук, — бир култумгина бензин нажот бериши мумкин... — Шунда у одамларнинг саросимада қолганида фойдаланиб, примуснинг доира тешигига оғзини олиб борди ва ичидаги бензинни култуллантириб ичди. Шу заҳотиёқ унинг чап қўлтиғидан оқаётган қон такқа тўхтади. У тетик, соғлом бўлиб «дик» ўрнидан турди ва примусни қўлтиғига қистирганча, яна камин устига сакраб чикди, сўнг деворга ёпиштирилган гулқоғозларни тимдалаб йиртиб, ҳаш-паш дегунча парда илинган карниз устига чиқиб олди.

Шу заҳоти одамлар пардага чанг солишиб, уни дор-пори билан бирга юлиб туширишди, натижада хона офтоб нуридан ёришиб кетди. Лекин лўгтибоз мушук ҳам, примус ҳам пастга тушмади. Мушук примусни маҳкам чангаллаганча, бир сакраб, хона шифтининг қоқ ўртасига осилган қандилга сакраб ўтди.

— Нарвон! — деб қичқиришди пастдагилар.

— Дуэлга чақирамай! — деб бақирди мушук одамларнинг боши узра қандилни арғимчоқ қилиб учаркан, пту пайт яна унинг панжасида тўппонча пайдо бўлди, у примусни қандилнинг шохлари орасига жойлаб кўйди. Кейин, одамларнинг боши узра соатнинг кафгири сингари силкинаркан, уларга қарата тасирлатиб ўқ узиб, бутун квартирани ларзага келтирди. Биллур қандилнинг синиқлари «дув» этиб ерга тўкилди, камин устида турган тошойна ўргимчак инига ўхшаб дарз кетди, шифт ва деворнинг сувоғи кўчиб, чанг кўтарилди, отилган ўқ гилзалари ерга тушиб ҳар қаёққа сочилди, дераза ойналари чирсиллаб синди, ўқ тешган примусдан бензин тизиллаб оқа бошлади. Энди мушукни тириклайин қўлга олиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди, шунга кўра, клеган одамлар унинг бошини, қорнини, кўкраги, елкасини нишонга олиб, маузерларидан патирлатиб ўқ ота бошладилар. Бу отишма ҳовлидаги одамларни ваҳимага солди.

Лекин отишма жуда оз вақт давом этди ва ўз-ўзи-дан сўна бошлади. Гап шундаки, бу

отишмадан на мушук, на уни тутгани келган одамлар шикастландилар. Бирон кимса наинки ўлди, хатто жароҳатланмади ҳам: одамларнинг, шулар қатори мушукнинг ҳам бирон ери ақалли тирналгани ҳам йўқ. Бу ҳолдан одамлар ханг-манг бўлишиб, қандилда арғимчоқ учиб, тўппончасининг оғзига пуфлаётган мушукка тикилганча лол бўлиб қолдилар. Бу — отишма мутлақо зиён етказмаган дунёдаги ягона ҳодиса эди. Тўғри, масалан, мушукнинг тўппончасини ўйинчоқ тўппонча деб фараз қилиш мумкин эди, лекин одамларнинг қўлларидаги маузерлар ҳақида сира-сира бундай ўйлаш мумкин эмас. Мушукнинг биринчи жароҳати, шунингдек, унинг бензин ичиши ғирт найрангбозлик ва муғамбирлик бўлганига энди ҳеч шубҳа қолмаган эди.

Мушукни қўлга туширишга яна бир марта уриниб кўрдилар. Унга қарата сиртмоқли арқон отишди, лекин сиртмоқ қандилнинг бир шамдонига илинди-ю, қандил узилиб гурсиллаб тушди. Натижада, бутун уй ларзага келгандек бўлиб туюлди, лекин бундан ҳам наф чиқмади. Одамлар бошига қандил синиклари дув этиб тўкил-ди, мушук эса бир сакрашда камин устида турган тошойнанинг зарҳал рамкаси устига учиб ўтди. У қочишни хаёлига ҳам келтирмас, аксинча, бежавотир жойга чиқиб олиб, яна бир марта нутқ сўзлай бошлади.

— Ҳечам тушунолмаяман, — дерди у шифт остида туриб, — нима учун менга бундай кўпол муомала қияпсизлар...

Худди шу пайт мушукнинг энди бошланган нутқини аллақердан эшитилган салобатли, йўғон бир овоз бўлди:

— Нима бўляпти ўзи бу ерда? Машғулотимга ким халал беряпти?

Бошқа бир хунук ва манқа овоз унга жавоб қилди:

— Лаънати Бегемотдан бошқа ким бўларди! Ўшада!

Эчкиникига ўхшаш титроқ учинчи овоз деди:

— Мессир! Бугун шанба. Кун ботмоқда. Вақт бўлди.

— Кечирасизлар, ортиқ суҳбатлаша олмайман, — деди тошойна рамкасида ўтирган мушук, — вақтимиз зиқ. — У тўппончани улоқтириб деразанинг икки қаватли ойнасини синдирди. Кейин пастга бензин сепган эди, бензин ўз-ўзидан пов этиб ёниб, алангаси шу заҳоти шифтга етди.

Ҳаттоки бензин ёнганда ҳам бунчалик жадал ва кучли ўт олмайди. Гулқоғозлар тутай бошлади, ерга тортиб туширилган дераза пардаси ёнар, ойнаси синдирилган деразалар буруқсирди. Мушук миёвлаб, ғужанак бўлди ва бир сакрашда тошойна устидан учиб деразага бориб тушди ва қўлтиғида примуси билан ташқарига отилиб чиқиб, кўздан ғойиб бўлди. Ташқаридан ўқ овозлари эшитилди. Заргар бевасининг деразаси рўпарасида, ўт ўчирувчилар учун мўлжалланган темир зинада ўтирган одам мушукни ўққа тутди, бу маҳал мушук «П» шаклидаги бу иморатнинг муюлишидаги тарновга етиб олиш учун бир деразадан иккинчи деразага сакраб ўтаётган эди. Ниҳоят у ўша муюлишга етиб олиб, тарновга тирмашиб томга чиқиб олди.

У ерда ҳам, мўркон олдида соқчилик қилиб турганлар мушукни бесамар ўққа тутдилар, лекин мушук бутун шаҳарни ўз ёғдусига ғарқ қилиб ботаётган қуёш томон учиб, кўздан ғойиб бўлди.

Бу пайт квартирада, одамлар оёғи остида паркет пол «лоп» этиб ўт олди ва боя мушук қалбаки жароҳат билан муғамбирлик қилиб ётган жойда собиқ барон Майгелнинг ияги тиккайган, нигоҳи сўлган жасади келганлар кўзи олдида аста-секин намоён бўлди. Энди жасадни оловдан қутқаришнинг иложи йўқ эди. Бу ердаги одамлар тутай бошлаган кийимларига «тап-тап» уриб, ёнаётган паркет катакларидан ҳатлаб, нариги хонага ва ундан даҳлизга чекинардилар. Емакхонадагилар ҳам даҳлизга отилиб чиқа бошладилар. Мехмонхона бутунлай ўт ва тутун оғушида қолган эди. Кимдир йўл-йўлакай ўт ўчирувчи қисмига телефон қилишга ва қисқагина қилиб қичқиришга улгурди:

— Садовая, уч юз иккинчи-бис!

Ортиқ гаплашишга имкон қолмаган эди, чунки аланга даҳлизга ҳам отилиб чиққан, нафас олиш мушуқлашган эди.

Сеҳрли квартиранинг ойналари синган деразаларидан тутун буруқсиб чиқа бошлаши билан ҳовлидан одамларнинг жон ҳолатда қичқиришгани эшитилди:

— Ўт кетди, ёняпмиз!

Бу уйдаги квартираларнинг кўпида одамлар телефон қилиб чинқира бошлашди.

— Садовая! Садовая кўчаси, уч юз икки-бис! Шаҳарнинг ҳар ёғидаи ўқдек учиб келаётган узунчоқ қизил машиналарнинг юракларни даҳшатга солувчи қўнғироқ садолари Садовая кўчасида эшитилган пайт, ҳовлида зир югуриб юрган одамлар бешинчи қаватдаги деразадан учта эркакнинг ва битта яланғоч аёлнинг қора шарпаси тутун билан бирга учиб чиқиб кетганини кўрдилар.

Йигирма саккизинчи боб

КОРОВЬЁВ БИЛАН БЕГЕМОТНИНГ ОХИРГИ НАЙРАНГЛАРИ

Ўша шарпалар ҳақиқатан ҳам бўлганми ё Садовая кўчасидаги бадбахт уйда яшовчиларнинг кўзига қўрққанларидан шундай кўринганми — буни аниқ айтиш қийин. Агар ўша шарпалар бўлган бўлса, энди уларнинг қаёққа йўқолганини ҳам ҳеч ким билмас эди. Шарпаларнинг қаерга борганда бир-бирларидан ажралишганини ҳам биз айта олмаймиз, лекин шуни биламизки, Садовая кўчасида бошланган ёнғиндан кейин тахминан чорак соат вақт ўтганида Смоленский бозоридаги Торгсин магазинининг кўзгу ўрнатилган эшиги олдида катак костюм кийган дароз одам билан жуда ҳам йирик бир қора мушук пайдо бўлди.

Дароз кимса эпчиллик билап одамлар ораси ёриб ўтиб, магазинни сиртқи эшигини очди. Лекин ғоят бадхоҳ чехрали, қотмадан келган, жиккаккина эшикоғаси унинг йўлини тўсиб, жаҳл билан деди:

— Мушук билан кириш мумкин эмас.

— Мени афв этасиз, — деб шанғиллади дароз одам ва ғадир қўлини худди кар одамдай қулоғига олиб борди, — мушук билан дедингизми? Қани, мушук?

Эшикоғаси бақрайиб қолди, буига сабаб, дароз одамнинг оёғи остида энди ҳеч қандай мушук кўринмасди, билъакс, қўлига примус кўтариб, бошига йиртиқ кепка кийган, лекин башараси чинданда бир оз мушукниқига ўхшаб кетувчи бир бақалоқ одам, дарознинг елкаси оша мўралар ва ҳадеб магазинга киришга талпинарди.

Бу икки харидор негадир одамови эшикоғасига ёқмаган эди.

— Бизда мол фақат валютага сотилади, — деб хириллади у оқ оралаганлигидан худди куя егандек бўлиб кўринган пахмоқ қошлари остидан ўқрайиб қараркан.

— Азизим, — деб шанғиллади дароз пенсенесининг дарз кетган шишаси орқали кўзини чакнатиб, — ким айтди сизга менда валюта йўқ деб? Кийим-бошимга қараб шуидай ўйга бордингизми? Ҳеч қачон бундай иш тутмаиғ, қимматли кўриқчи! Жу^гда катта хатога йўл қўйиб қўйишингиз мумкин. Ҳеч бўлмаса машҳур ҳалифа Хоруп ар-Рашиднинг кечмишларига қайта кўз югуртириб чиқинг. Аммо мазкур вазиятда, у тарихни вақтинча четга қўйиб, сизга шуни айтмоқчиманки, устингиздан мудирингизга шикоят қиламан ва сиз тўғрингизда шундай гапларни айтиб бераманки, оқибатда ойнаванд қўшқават эшик орасидаги иссиқ ўрнингиздан жудо бўлишингиз ҳеч гап эмас.

— Балки примусим тўла валютадир, — қизишиб гапга аралашди, нукул магазинга суқулиб киришга уринаётган мушукбашара бақалоқ. Магазин эшиги олдида анча-мунча одам тўпланиб қолган эди. Уларнинг тоқати тоқ бўлиб, бу икки харидорни сиқиб келаверишди. Натижада бу

икки аломат кишига нафрат ва шубҳа билан тикилган эшикоғаси ўзини четга олишга мажбур бўлди, шунда бизнинг танишларимиз Коровьев билан Бегемот магазинга кирдилар.

Бу ерда улар, биринчи навбатда, ҳаммаёққа бир-бир кўз югуртириб чиқишди, сўнг Коровьев магазиннинг ҳамма ерига ҳам эшитиладиган янгроқ овоз билан деди:

— Ажойиб магазин! Жуда, жуда яхши магазин. Пештахта олдидаги харидорлар овоз келган томонга негадир таажжуб билан ялт этиб ўгирилишди, холбуки магазинни макташга асос бор эди.

Токча катакларига турли хил гул солинган, ранг-баранг читлар той-той қилиб тахлаб ташланган. Уларнинг орқасида хом сурп, шифон ва фракбоп мовутлар бор. Улардан нарида тоғ-тоғ қилиб уйилган пойабзал кутилари. Бу ерда бир нечта аёл пастак курсиларга ўтириб олиб, оёқларига янги, ялтироқ туфлилар кийиб кўришар, жиддий киёфада гиламча устида юришарди. Ундан нарида муюлиш орқасидан патефон овози келарди.

Лекин Коровьев билан Бегемот бу жозибали манзаралар ёнидан ўтиб бориб, тўғри озиқ-овқат маҳсулотлари ва ширинликлар бўлими томон йўл олишди. Бу ернинг саҳни анча кенг бўлиб, пештахта олди газмол бўлимидаги сингари тикилинч эмас эди.

Соқол-мўйлови қиртишлаб олинган, мугиз гардишли кўзойнак таққан, бошида, лентасига доғ ҳам тушмаган яп-янги шляпа, эгнига оч-бинафша ранг пальто, қўлига малла ранг майин қўлқоп кийган паст бўйли, бақалоқ одам пештахта олдида туриб, сотувчига бир нималарни гўлдираб буюрарди. Чиннидай тоза оқ халат ва кўк шапкача кийган сотувчи бинафша ранг пальтоли харидорга хизмат қиларди. У Левий Матвей ўғирлаган пичоққа жудаям ўхшаб кетувчи ўткир пичоқ билан ёғи ялтиллаб турган пушти ранг лосось балиғининг худди илонниқига ўхшаб кумушдек товланувчи терисини шилар эди.

— Бу бўлим ҳам ғоят соз, — деб тантанавор оҳангда эътироф этди Коровьев ва бармоғи билан бинафша ранг пальто кийган одамни кўрсатиб илова қилди: — ажнабий харидор ҳам ёқимтойгина экан.

— Йўқ, Фагот, йўқ, — ўйчанлик билан жавоб қилди Бегемот, — сен, дўстим, янглишяпсан. Менимча, бу жентльменнинг рухсорида бир нима етишмаяпти. Бинафша ранг пальтоли кишининг кифти сескангандай бўлди, лекин бу тасодиф эди чамаси, чунки у Коровьевнинг ўз ҳамроҳи билан гаплашган русча гапга тушунмас эди-да.

— Якши? — деб жиддий оҳангда сўради бинафша ранг пальтоли.

— Аъло, — деб жавоб қилди сотувчи пичоқ учи билан балиқ териси остини усталик билан кавлаб кўрсатаркан.

— Якши — мен якши кўради, яман — меники яман кўради, — деди жиддий оҳангда ажнабий.

— Бўлмасам-чи! — завқ билан жавоб қилди сотувчи.

Бу пайт танишларимиз лосось харид қилаётган ажнабийдан узоқлашиб, ширинликлар сотиладиган пештахта олдида яқинлашдилар.

— Кун қизиди-ку, — деб мурожаат қилди Коровьев икки юзи қип-қизил сотувчи қизга, лекин ундан ҳеч қандай садо чикмади. Шунда у: — Мандарин қанчадан? — деб сўради.

— Килоси ўттиз тийин, — деб жавоб қилди сотувчи қиз.

— Мунча қиммат, — деди Коровьев хўрсиниб, — эҳ, эҳ... у яна бир оз ўйланиб турди-да, ҳамроҳини чақирди: — Ол, еявер, Бегемот.

Бақалоқ одам примусини қўлтиғига қистирди-да, эҳром шаклида уюлган мандаринларнинг энг чўққисидегисини олиб, ҳаш-паш дегунча пўчоқ-мўчоғи билан еб юборди, сўнг иккинчисини ейишга киришди.

Даҳшат оғушига тушган сотувчи аёлнинг рангида қони қолмади.

— Жинни-минни бўлганмисиз, бу нима қилиқ? — деб чинқирди у, — чек узатинг! Чек! — унинг қўлидаги конфет куракчаси тушиб кетди.

— Жонгинам, азизим, дилбарим, — деб хириллади Коровьёв пештахта оша энгашиб, сотувчи аёлга кўз қисаркан, — ёнимизда валюта йўқ, бугун... хўш, илож қанча? Лекин сизга онт ичиб айтаманки, келаси гал, душанбадан кечиктирмай, ҳаммасини нақд тўлаймиз. Биз шу яқин ўртада турамиз. Садовая кўчасида, ёнғин бўлаётган ерда.

Бегемот учинчи мандаринни ютиб юбориб, дастпанжасини шоколад плиткаларидан тикланган антиқа истехкомга чўзди ва унинг «пойдевор»идан битта шоколад олиб (турган гапки «истехком» вайрон бўлди), уни зар қоғози билан бирга чайнамай ютиб юборди.

Балиқ сотилаётган пештахта ортидаги сотувчилар қўлларида пичоқ ушлаганча тошдай қотиб қолдилар, бинафша ранг пальто кийган ажнабий босқинчилар томон ўгирилган эди, Бегемотнинг бояги фикри нотўғри бўлиб чиқди: бинафша ранг пальтолининг рухсорида этишмовчилик эмас, ортиқчалик мавжуд эди — унинг лунжлари осилган, кўзлари олазарак эди.

Ранги қув ўчган сотувчи аёл бутун магазинни бошига кўтариб хасратли овоз билан чинқирди:

— Палосич! Палосич!

Газмол бўлимидаги оломон бу овозни эшитиб, шу ёққа отилди, Бегемот эса жозибали ширинликлардан узоқлашиб, «Керчнинг сархил сельд балиғи» деб ёзилган бочкага панжасини тикди-да, иккита селёдка олиб, хаш-паш дегунча икковини ютиб юборди, фақат балиқларнинг думинигина туфлаб ташлади.

— Палосич! — деб яна жон-жахди билан қичқирди ширинлик сотувчи аёл, балиқ бўлимидаги чўққисоқол сотувчи эса:

— Ҳой, газанда, нима қиляпсан-а? — деб бақирди. Бу пайт Павел Иосифович (яъни Палосич) можаро кўтарилган ерга шошиб келаётган эди. Бу худди жарроҳлардек оппоқ, топ-тоза халат кийган, халати чўнтагидан қалам туртиб чиқиб турган жуда басавлат киши эди. У афтидан кўпни кўрган одам бўлса керак, Бегемотнинг оғзида учинчи селёдканинг думини кўриши билан, дарҳол юз берган вазиятга мукамал тушунди-ю, бу суллоҳлар билан айтишиб ўтирмасдан, узоқда турган эшикоғасига қўл силтаб буюрди:

— Чал!

Эшикоғаси кўчага ўқдай отилиб чиқиб, хуштагини ваҳимали чуриллата бошлади. Халқ икки муттаҳам атрофини ўраб олди, шунда Коровьёв гапга аралашди.

— Гражданлар! — дарз кетган овоз билан чийиллади у, — нималар бўляпти ўзи бу ерда, а? Мен сизлардан сўраяпман! Бу бечора, — Коровьёв овозида титроқ ҳосил қилиб, Бегемотни кўрсатди (у дарҳол йиғламоқчи бўлгандай башарасини бужмайтирди), — бу бечора уззукун примус тузатиб, қорни очиб қолган бўлса... лекин қаёқдан олсин валютани?

Одатда феъли вазмин ва бамайлихотир Павел Иосифович Коровьёвга жаҳолат билан:

— Бас қил майнабозчиликни! — деб бақирди ва энди сабрсизлик билан эшикоғасига қўл силкиди. Шунда магазин эшиги олдида хуштак яна ҳам баландроқ чуриллай бошлади.

Лекин Коровьёв Павел Иосифовичнинг гапларидан ҳеч хижолат бўлмай гапида давом этди:

— Қаёқдан олсин — мен сизлардан сўраяпман! Унинг очликдан, ташналиқдан силласи қуриган! Иссиқдан нафаси қайтган! Ҳай, еган бўлса, бор-йўғи уч тийин турадиган битта мандарин епти бу шўрпешона. Шунга дарров булбулигўё бўлиб хуштак чуриллатиш, милицияни безовта қилиб, ишдан қўйиш шарт экан-чи? Анави еса майлими? А? — Коровьёв шундай деб бинафша ранг пальтоли бақалоқни кўрсатган эди, унинг чехрасида қаттиқ ҳаяжон аломатлари пайдо бўлди, — ким ўзи бу? А? Қаёқдан келган? Нега келган! Нима, кўзимиз учиб турувдими унга? Ё уни юртимизга таклиф қилганмидик? Тўғри, — деди баралла овоз билан собиқ регент заҳарханда қилиб, — кўриб турибсиз, у бинафша ранг пальто кийиб ясаниб келган, қимматбаҳо лосось балиғини еб пуфакдек шишиб ксгипти, унинг ҳаммаёғи жарақ-жарақ валюта, аммо бизнинг биродаримиз-чи?! Қандай надомат! Чидолмайман! Чидолмайман! — деб чинқирди Коровьёв худди сўйилаётган чўчкадай.

Бу бетутурик, беадаб ва ҳаттоки сиёсий жиҳатдан исёнли бўлган ваъз Павел Иосифовични ғазабдан тутақтириб юборди, лекин, таажжубки, бу ерда уймалашиб турган оломоннинг кўзларига боқиб, ваъз аксар одамларнинг раҳмини келтирганига шоҳид бўлиш мумкин эди! Бегемот исқирт ва йиртиқ енгини кўзига олиб бориб, фожиона оҳангда:

— Мендек жабрдийданинг ёнини олганинг учун раҳмат сенга, садоқатли дўстим! — деган эди ҳамки, мўъжиза содир бўлди. Ҳозиргина ширинликлар бўлимидан мағиз солинган учта пирожний харид қилган, ғарибона, аммо жуда озода кийинган, ўта назокатли, ювош табиат чол бирдан ўзгариб кетди. Унинг кўзларида жанговар ўт чакнади, чўғдек қизариб кетди ва пирожнийлар солинган халтачани ерга отиб, гўдакларникидек ингичка овоз билан чийиллади:

— Тўғри! — Кейин у боя Бегемот бузиб юборган шоколад минораси остидаги патнисни тортиб олиб, бир қўли билан ажнабийнинг бошидан шляпасини юлиб олди-да, ўнг қўлидаги патниснинг ўртаси билан унинг кал бошига қулочкашлаб шундай урдик, юк машинасидан ерга тунука туширилаётганда қандай тарақлаган овоз эшитилса, ҳозир ҳам шундай даҳшатли овоз бутун магазинни босиб кетди. Бақалоқ ажнабий ранги қув ўчиб, чалқанча йиқиларкан, Керчь селёдкаси солинган бочкага ўтириб қолди ва бунинг оқибатида селёдканинг намақоби унинг чор ёнидан фонтан бўлиб отилди. Айни шу пайт иккинчи мўъжиза юз берди. Бочкага орқаси билан тикилиб қолган бу ажнабий соф рус тилида чинқириб юборди:

— Вой, ўлдиришяпти! Милиция! Мени бандитлар ўлдиришяпти! — ўзига шу чокқача бегона бўлган тилни у, чамаси, ҳозирги асабий ҳаяжон оқибатида, дабдурустдан ўзлаштириб олган бўлса керак.

Шу пайт эшикоғасининг ҳуштаги тинди ва безовта харидорлар оломони орасида даврага яқинлашиб келаётган иккита милиционер дубулғаси кўзга ташланди. Лекин бадкор Бегемот, худди ҳаммомга тушган одам супачага тосдан сув сепгандай, ширинликлар бўлими пештахтаси устига примусидан бензин қуйди ва бензин ўз-ўзидан ўт олди. Аланга «пов» этиб юқори кўтарилди-ю, пештахта бўйлаб пилдираб кетди ва йўл-йўлакай ҳўл мевалар тўлдирилган саватчаларнинг чиройли қоғоз ленталарини ялаб ёндириб ўтди. Сотувчи аёллар қий-чув кўтариб, пештахталар ортидан отилиб чиқишди, худди шу маҳал деразаларга тутилган дарпардаларни ўт олди ва ерга тўкилган бензин ҳам ёна бошлади. Оломон бирдан жон аччиғида фарёд кўтариб, энди ҳеч кераги бўлмай қолган Павел Иосифовични ҳам босиб-янчиб, ширинликлар бўлимидан пала-партиш чекина бошлади, балиқ бўлимининг сотувчилари эса қўлларида ўткир пичоқлари билан турнақатор тизилишиб орқа эшик томон шаталоқ отиб қочишди. Бошдан-оёқ селёдка намақобига бўккўан бинафша ранг пальтоли ажпабий бир илож қилиб бочка асоратидан қутулди-ю, пештахтада ётган сёмга балиғи оша ҳатдаб ўтиб, у ҳам сотувчи эркаклар орқасидан жуфтакни ростлаб қолди. Ёнғиндан қочган оломоннинг сиқуви остида магазиннинг кўча эшигига ўрнатилган кўзгулар чил-чил синди, лекин икки аблаҳ — Коровьёв билан очкўз Бегемотнинг қаёққа ғойиб бўлганини ҳеч ким билмай қолди. Кейинчалик, Смоленский бозоридаги Торгсинда юз берган ёнғин пайтида ҳозир бўлган гувоҳларнинг ҳикоя қилишларича, гўё икки безори юқорига, шифтгача кўтарилганмиш-у, ўша ерда худди болаларнинг пуфаклари сингари «пақ» этиб ёрилиб, ғойиб бўлганмиш. Бундай бўлиши албатта даргумон, аммо кўрмаган нарсамиз ҳақида ҳеч нима дея олмаймиз.

Лекин шуни аниқ биламизки, Смоленский бозорида юз берган ҳодисадан роса бир дақиқа ўтгач, Бегемот билан Коровьёв Грибоедов холасининг уйи олдидаги хиёбонда пайдо бўлишди. Коровьёв панжара девор олдида тўхтаб, шундай деди:

— Буни қара! Ахир бу адиллар уйи-ку. Биласанми, Бегемот, мен бу уй ҳақида жуда кўп ғаройиб ва мактов сўзлар эшитганман. Сен бу уйга яхшилаб назар ташла, дўстим! Мана шу даргоҳда не-не беҳудуд истеъдодлар пишиб етишаётгани менга улкан ҳузур бағишлайди.

— Парникда ўсган ананасдек пишиб етилишади дегин, — дед Бегемот ва серустун, сарғиш бинони дурустроқ кўриш учун чўян панжара ўрнатилган бетон иойдевор устига чикди.

— Жуда тўғри айтдинг, — деб Коровьёв қадрдон хамроҳининг фикрига кўшилишди, — ҳозир мана шу бинода «Дон Кихот»нинг ёки «Фауст»нинг, ё бўлмаса, азбаройи шифо, «Ўлик жонлар»нинг бўлғуси муаллифлари етилаётгани ҳақида ўйласанг, вужудингни кандайдир бир тотли ваҳима қамрагандай бўлади! Нима дейсан?

— Ўйласанг ваҳминг келади, — деб дўстининг фикрини тасдиқлади Бегемот.

— Ҳа, — деб давом этди Коровьёв, — жуда ғаройиб нарсаларнинг шоҳиди бўлиш мумкин бу унинг парникларида, зеро бу уй Мельпомена*, Полигимния* ва Талия*ларга бутун ҳаётини фидо қилган бир неча минг жонбозларни ўз паноҳига тўплаган. Башарти шу жонбозлардан биронтаси китобхон аҳлига намуна сифатида «Ревизор»ни, ё бўлмаса, «Евгений Онегин»ни тақдим қилгудек бўлса, қанақа шов-шув кўтарилишини сен тасаввур қилсанг керак!

— Жудаям-да, — деб яна тасдиқлади Бегемот.

— Ҳа, — деди Коровьёв ва ташвишли қиёфада бармоғини кўтарди, — лекин! Мен яна такрор айтаман — лекин! Агар бу нозик, чиниқмаган теплица ўсимликларига бирон-бир микроб тушиб, унинг илдизини кемирмасаю чиритиб юбормаса! Бундай ҳол ананасларда учраб туради.

— Айтгандай, — деди Бегемот, дум-думалоқ бошини панжарадан тикиб, — анавилар нима қилишяпти ровонда?

— Овқатланишяпти, — деб изоҳлади Коровьёв, — сенга яна шуни ҳам айтишим мумкинки, азизим, бу ернинг ресторани яхшигина ва таомлари арзон. Лекин мен ҳозир, сирасини айтганда, олис сафарга шайланган ҳар қандай сайёҳ сингари, мириқиб овқатланиш ва каттакон бордоқни лим-лим тўлдириб муздаккина пиво ичиш иштиёкидаман.

— Мен ҳам, — деди Бегемот, шундан кейин икки муттаҳам жўка дарахтлари остидан ўтган асфальт йўлқадан бўлғуси фалокатдан ғофил рестораннинг ровони сари равона бўлдилар.

Ровонга кираверишда, атрофига ям-яшил ўтлардан сўри қилинган эшикнинг бир чеккасига қўйилган стулда оқ пайпоқ, думли оқ беретка кийган рангпар бир аёл зерикиб ўтирарди. Унинг олдидаги одмигина овқат столи устида қалин бир дафтар ётар ва аёл нима учундир ресторанга кирганларни шу дафтарга қайд қилиб ўтирарди. Мана шу аёл Коровьёв билан Бегемотнинг йўлини тўсди.

— Гувоҳномаларингиз борми? — у Коровьёвнинг пенснесига, шунингдек, Бегемотнинг примуси ва унинг йиртиқ тирсагига таажжуб билан тикиларди.

— Бизни минг бор афв этгайсиз, қандай гувоҳномани сўраяпсиз? — деб сўради ҳайрон қолган Коровьёв.

— Сизлар ёзувчимисизлар? — деб аёл ҳам савол берди ўз навбатида.

— Шак-шубҳасиз, — виқор билан жавоб қилди Коровьёв.

— Гувоҳномаларингизни кўрсатинг унда! — такрорлади аёл.

— О, гўзалим... — деб назокат билан гап бошлади Коровьёв.

— Мен гўзал эмасман, — деб унинг сўзини бўлди аёл.

— О, афсус, — деди Коровьёв попуги пасайиб ва гапида давом этди: — Начора, биз учун сизнинг гўзал бўлишингиз афзалроқ эди, аммо сиз бундай имтиёздан юз ўгирар экансиз, майли, ихтиёрингиз. Гап шундаки, Достоевскийнинг ёзувчи эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун наҳот ундан гувоҳнома талаб қилиш керак бўлса? Ундан кўра сиз, унинг қайси романидан бўлмасин хоҳлаганингиз беш саҳифани олиб ўқинг, унинг ҳеч қандай гувоҳномасиз ҳам ҳақиқий ёзувчи жанлигига иқрор бўласиз-қўясиз. Ўйлайманки, Достоевскийда, умуман, ҳеч қачон, ҳеч қандай гувоҳнома бўлмаган! Сен нима дейсан? — деб Коровьёв Бегемотга ўгирилди.

— Гаров ўйнайман, бўлмаган, — деб жавоб қилди Бегемот, примусини столга, қалин дафтар ёнига қўйиб, қорақуя теккан пешонасининг терини кафти билан артаркан.

— Сиз Достоевский эмассиз, — деди довдираб қолган аёл.

— Э, ким билсин, ким билсин, — деди Коровьёв.

— Достоевский ўлган, — деди аёл қандайдир қатъиятсизлик билан.

— Эътироз билдираман! — дед Бегемот қизгин оҳангда. — Достоевский боқий!

— Гувоҳномангизни кўрсатинг, гражданлар, — деди аёл.

— Кечирасиз, ахир бу майнабозчилик-ку, — деб бўш келмасди Коровьёв, — ёзувчилиги асло гувоҳнома билан эмас, балки асар ёзиши билан ифодаланади! Менинг бошимда қандай теран фикр ғужғон ўйнаётганини сиз қаёқдан биласиз? Ёки манави каллада нималар борлигини айта оласизми? — деб у Бегемотнинг калласини кўрсатган эди, у ҳам, аёл яқинроқ кўриб олсин, деган мақсадда дарҳол бошидан кепкасини олди.

— Йўл беринг, гражданлар, — деди аёл энди асабийлашиб.

Коровьёв билан Бегемот ўзларини четга олиб, тезлик оқ кўйлак кийиб, ёкасини кул ранг костюмининг ёқаси устига чиқарган, шу боис галстук боғланмаган, кўлтиғига газета қистирган бир ёзувчини ўтказиб юборишди. Ёзувчи аёл билан бош ирғаб саломлашди, йўл-йўлакай аёл очиб кўйган қалин дафтарга ажи-бужи қилиб имзо чекди-да, ровон томон йўл олди.

— Афсус, минг афсус, — деди Коровьёв қайғули оҳангда, — биз бечора дарбадарлар орзу қилган муздаккина пиво тўлдирилган бордоқ бизга эмас, унга насиб қиладиган булди, аҳволимиз ғоят аянчли ва мушкул, нима қилишгаям ҳайрон бўлиб қолдим.

Бегемот «начора» дегандек қўлларини ёйди, мушукнинг юнгини эслатувчи қалин соч ўсган думалоқ бошига кепкасини кийди. Худди шу маҳал аёлнинг боши узра кимнингдир амирона овози янгради:

— Ўтказиб юборинг буларни, Софья Павловна. Аёл ҳайратга келди: ям-яшил чирмовиқгулга бурканган эшик остонасида ресторан директорининг фрак кийган оппоқ кўкраги ва чўққисоқоли кўринди. У шубҳали икки чувриндига назокат билан тикилди, боз устига, ҳатто уларни лутфан ичкарига таклиф ҳам қилди. Ресторанда Арчибальд Арчибальдовичнинг обрўси жуда баланд эди, шу боис Софья Павловна итоаткорлик билан бўйсуниб, Коровьёвдан сўради:

— Фамилиянгиз нима?

— Панаев, — назокат билан жавоб қилди у. Аёл бу фамилияни дафтарга ёзиб бўлиб, Бегемотга савол маъносида тикилди.

— Скабичевский, — деб чийиллади у негадир қўли билан примусини кўрсатиб. Софья Павловна бу фамилияни ҳам ёзиб, дафтарни имзо чекиш учун икки муштарий олдига суриб кўйди. Коровьёв «Панаев» фамилияси қаршисига «Скабичевский» деб, Бегемот эса «Скабичевский» фамилияси рўпарасига «Панаев» деб имзо чекишди. Арчибальд Арчибальдович ўз рафтори билан Софья Павловнани тамомила ҳайратга солиб, жозибали табассум қилганча, меҳмонларни ровоннинг нариги чеккасидаги энг яхши стол томон бошлаб кетди... Ҳангу манг бўлиб қолган Софья Павловна кўзларини «пир-пир» учуриб, узоқ вақт кутилмаган муштарийлар чеккан имзоларга тикилиб ўтирди.

Арчибальд Арчибальдович официантларни Софья Павловнадан ҳам кўпроқ таажжубда қоддирди. У шахсан ўзи стул суриб, Коровьёвни ўтиришга таклиф қилди, бир официантга кўз қисиб, иккинчисининг қулоғига нимадир шивирлади, шундан кейин улар иккови янги меҳмонлар атрофида парвона бўла бошладилар (бу пайт меҳмонлардан бири ўзининг ранги ўчиб сарғайиб кетган ботинка кийган оёғи тагига примусини кўйди). Стол устидаги ҳаммаёғи доғ-дуғ дастурхон кўз очиб-юмгунча ғойиб бўлиб, ўрнига бадавийларнинг яктаги каби оппоқ, нишасталанган дастурхон ҳавода шитирлаб ёзилди, бу аснода Арчибальд Арчибальдович Коровьёвнинг қулоғига энгашиб жуда маънодор оҳангда оҳиста пичирларди.

— Қандай таомни ихтиёр қиладилар? Қизил паликнинг махсус тайёрланган сарпанжаси бор... архитекторлар съездидан ундирдим...

— Сиз... э... бизга, умуман егулик бир нима беринг... э... — мурувват қилаётгандай ғўлдиради Коровьёв стулга суянаркан.

— Тушундим, — деб кўзини юмиб очди Арчибальд Арчибальдович, маънодор жавоб қиларкан.

Ресторан бошлиғининг бу ўта шубҳали нусхалар билан қилаётган муомаласини кўрган официантлар ҳар қандай шубҳани тарк этиб, ишга жиддий киришишди. Бири чўнтагидан папирос қолдиғини олиб чекмоқчи бўлган Бегемотга гугурт чақиб тутди, иккинчиси елиб-ютуриб, пичоқ, қошиқ, санчиқлар ёнига кичкина рюмкалар, вино ичиладиган чўзинчок рюмкалар ва нафис қадахларни жаранглатиб териб чиқа бошгладика, бундай қадахлардан соябон остида ўтириб, муздай нарзан суви ичиш кишига ҳузур бағишлайди... йўк, воқеадан бир оз олдинлаб кетиб айтишимиз мумкинки... нарзан суви ичиш ҳузур бағишлаган эди машҳур Грибоедов ровошнинг соябони остида.

— Булдуруқнинг бикин гўшти билан меҳмон килишим мумкин, — деб хиргойи қилаётгандай мингилларди Арчибальд Арчибальдович. Меҳмон унинг таклифини тўла-тўқис маъқуллади ва пенснесининг дарз кетган бенаф ойнаси орқали унга илтифот билан тикилди.

Кўшни столда ўз хотини билан қовурилган чўчка гўшти еб ўтирган беллетрист Петраков-Суховой барча ёзувчиларга хос бўлган кузатувчанлик билан Арчибальд Арчибальдовичнинг хушомадларини кўриб, жуда-жуда таажжубда қолди. Унинг рафиқаси, ғоят муҳтарама хоним эса Арчибальд Арчибальдовични Коровьёвдан қизғаниб, хаттоки... — нега бизга қарамай кўйишди... ахир музқаймоқ тортишлари керак-ку! Бу нимаси? — демоқчи бўлгандай қошиқчаси билан столни тўқиллата бошлади ҳам.

Бироқ Арчибальд Арчибальдович назокатли жилва билан улар томон боқди-ю, у ёққа дарҳол официантни йўллади, ўзи эса азиз меҳмонлари олдидан жилмади. Оҳ, зукко одам эди Арчибальд Арчибальдович! Кузатувчанликда эса ҳар қандай ёзувчидан ҳам қолишмасди. У Варьетеда берилган сеҳргарлик сеансидан ҳам, шу кейинги кунларда юз берган кўпгина ҳодисалардан ҳам воқиф эди, лекин бунақа одамларнинг акси ўлароқ, «катак камзулли» ва «мушук» деган сўзларни ёдида маҳкам сақлаб қолган эди. Арчибальд Арчибальдович бу икки меҳмоннинг кимлигини дарров фаҳмлаб олди. Фаҳмлагач, турган гапки, улар билан жанжаллашиб ўтирмади. Афсус, Софья Павловна қовун тушириб кўйди-да! Тавба, келиб-келиб шу икки муштарийнинг йўлини тўсиб ўтирипти-я! Э, ниманиям тушунарди у!

Петракова хоним эрий бошлаган музқаймоққа калондимоғлик билан қошиқчасини ниқтаб ўтираркан, аллақандай масхарабозларга ўхшаб кийинган икки муштарий ўтирган стол сатҳининг қандайдир сеҳр-жоду билан турли ноз-неъматларга тўла бошлаганини ғараз билан кузатарди. Ана, янги икра билан тўлдирилган ваза сатҳида ярақлагунча тозалаб ювилган кўкатлар пайдо бўлди... яна зум ўтмай, столга олиб келиб тиркалган махсус столчада совукдан терлаган кумуш челақча пайдо бўлди...

Арчибальд Арчибальдович фақат ҳамма нарса бекаму кўст муҳайё қилинганига ишонч ҳосил қилгач ва усти ёпилган, ичида нимадир жиз-биз қилаётган това официантлар қўлида учиб келиб стол устига қўнгандан кейингина икки сирли муштарийни тарк этишга журъат этди, шунда ҳам кетиши олдидан уларнинг қулоғига шипшишни унутмади:

— Узр! Бир дақиқага! Булдуруқ гўшtidан шахсан ўзим хабар олмоқчиман.

У пилдираб бориб, ресторан ичкарасига кириб кетди. Агар бирон киши Арчибальд Арчибальдовичнинг шундан кейинги ўзини тутишини кузата олганда эди, унинг хийла жумбоқли ҳаракат қилганини кўрган бўларди.

Бошлиқ булдуруқ гўштининг пишишини кузатгани ошхонага эмас, балки рестораннынги омборхонасига йўл олган эди. У омборхонани ўз калити билан очиб кириб, эшикни ичидан беркитиб олди, сўнг енгини ифлос қилмасликка уриниб, музли дамбадан эҳтиёт билан зилдай-зилдай иккита қизил балиқни олиб, газетага ўради-да, устидан авайлаб каноп билан боғлади ва бир четга кўйиб кўйди. Кейин кўшни хонага ўтиб, шойи астарли ёзлик пальтоси билан шляпасини кўздан кечирди, шундан кейингина ошхонага йўл олди, бу ерда ошпаз меҳмонларга ваъда қилинган булдуруқ гўштини зўр хафсала билан пиширарди.

Шуни айтиш керакки, Арчибальд Арчибальдовичнинг бу хатти-ҳаракатларида

ажабланадиган ёки шубҳали ҳеч нима йўқ эди, фақат юзаки кузатган одамгина унинг рафторидан таажжуб қилиши мумкин эди. Ҳолбуки, Арчибальд Арчибальдовичнинг хатти-ҳаракатлари шу топгача бўлган воқеаларга мантқан чамбарчас боғлиқ эди. Грибоедов ресторанининг бошлиғи сўнги кунларда юз берган ҳодисалардан ўзининг ноқифлиги билан, алалхусус, беқиёс сезгирлиги билан, икки муштарийга бериластган тўкин-сочин ва сердабаба зиёфатнинг ниҳоятда қисқа бўлажagini фаҳмлаган эди. Унинг нодир сезгирлиги бу гал ҳам панд бермади.

Коровьёв билан Бегемот икки қайталаб тозаланган, хушнотум муздек Москва арағи тўлдирилган рюмкаларини иккинчи марта чўқиштиришган пайтда, ўзининг билармонлиги билан бугун Москвага танилган хроникачи мухбир Боба Кандалупский қора терга ботиб, ҳаяжонланиб ресторан ровонига кириб келди ва тўғри бориб Петраковлар столи ёнига ўтирди. Сўнг қаппайган портфелини столчага қўйди-ю, чўччайган лабини Петраковнинг кулоғи ичига тикқудек яқин олиб бориб, қандайдир жуда антиқа нарсаларни пичирлай бошлади. Синчковлик дардига дош бера олмаган Петракова хоним Бобанинг дўрдоқ ва мой суртилгандек ялтироқ лабларига ўз кулоғини ҳам тутди. Боба эса гоҳ-гоҳ атрофга ўғринча назар ташлаб, лаби лабига тегмай ҳамон пичирлаб ётардики, унинг узупдан-узоқ пичир-пичиридан айрим сўзларнигина илғаб олиш мумкин эди. Чунончи:

— Онт ичиб айтаман! Садоваяда, Садовая кўчасида, — деб Боба овозини яна ҳам пастлатди. — Ўқ кор қилмасмиш! Ўқлар... виз-виз... бензин, ёнғин... отишма...

— Қаёқдаги бетутуриқ миш-мишларни тарқатиб юрган мана шунақа ёлғончиларни, — деди баралла дўриллагап овоз билан дарғазаб Петракова хоним, — мана шунақаларни танобини тортиб қўйишса яхши бўларди! Ҳечқиси йўқ, уларни фош қилишади ҳали, албатта тартибга чақириб қўйишади! Ҳаммаси зарарли уйдирма!

— Нимаси уйдирма, Антонида Порфирьевна! — деди ёзувчи хотинининг бу гапидан ранжиган Боба ва яна пичирлашда давом этди: — Айтяпман-ку сизга, ўқ олмаяпти... Энди, бунинг устига, ёнғин... Улар осмонда... осмонга учиб кетишипти, — Боба илондай вишиллаб пичирларкан, унинг ҳикояси қахрамонлари шу ерда, ёнгинасида гапларини ҳузур қилиб тинглаб ўтиришганидан ғофил эди, албатта. Леки муштарийларнинг ҳузур-ҳаловати тезда тугади. Ресторанга очиладиган эшикдан оёқларига чарм қўнж кийган, белларини камар билан қаттиқ сиқиб боғлаган уч нафар эркак қўлларида револьвер билан ровонга ўқдай отилиб чиқди. Олдиндаги эркак баланд овоз билан қўрқинчли оҳангда қичқирди:

— Жойларингдан қимирлама! — Шу гапдан кейин бирдан учала эркак Коровьёв билан Бегемотнинг бошини мўлжалга олиб ўқ ота бошлашди. Ўққа тутилганлар шу заҳоти ҳавода эриб, кўздан ғойиб бўлишди, примусдан эса «пов» этиб ўт чиқиб, тўғри чодирга урилди. Чодирда қора туйнук пайдо бўлиб, унинг гир айланаси куйиб тобора кенгая бошлади. Аланга шу туйнук орқали осмонга отилиб, Грибоедов уйининг томигача етди. Иккинчи қаватдаги редакция хонасининг деразасига тахлаб қўйилган папкалардаги қўлёзмаларни бирдан ўт олди, сўнг олов дарпардани ямлай бошлади, ана шунда аланга, худди кимдир уни аzza-баzza пуфлаётгандай, гуриллаб Грибоедов холасининг уйи ичига ўқдай отилди.

Яна бир неча сониядан сўнг хиёбондаги чўян панжара девор сари олиб борувчи асфальт йўлқадан (эсингизда бўлса, китобхон, чоршанба куни кечкурун юз берган бахтсизликнинг биринчи даракчиси Иванушка шу йўлдан келган, аммо унга ҳеч ким қулоқ солмаган эди) чала овқатланган ёзувчилар, официант-лар, Софья Павлона, Боба, Петракова, Петраков чошиб ўта бошладилар.

Кўчага ён эшикдан олдинроқ чиқиб олган Арчи-бальд Арчибальдович шойи астарли ёзлик пальтосида икки қўлтиғига гўласимон иккита улкан қизил балиқ қистириб олганча, худди ёнаётган кемасини ҳаммадан кейин тарк этмоқчи бўлган капитандек, ҳеч қаёққа қочмай, ҳеч ёққа шошмай, бамайлихотир турарди.

Йигирма тўққизинчи боб

УСТА БИЛАН МАРГАРИТАНИНГ ҚИСМАТИ АНИҚ

Москвадаги, бундан тахминан юз эллик йил бурун қурилган энг чиройли бинонинг томидаги тош супада, жуда баландда, қуёш ботаётган кечки пайт икки ким-са: Воланд билан Азazelло ҳозир бўлди. Улар кўчада-ги одамларга кўринмасдилар: чунки уларни ганчдан ясалган вазалар ва гуллар билан безатилган панжара бегона кўзлардан тўсиб турарди. Лекин ўзлари шаҳарнинг энг чекка ерларигача баҳузур кузатардилар.

Воланд ҳар сафаргидай қора жуббасини кийиб, йиғма курсида ўтирарди. Унинг узун, дами қалин шамшири айвон саҳнига ётқизилган ясси тошнинг дарзига тикка санчилган эдики, бундан қуёш соати ҳосил бўлган эди. Шамширнинг сояси шайтон оёғидаги қора туфли томон оҳиста ва тўхтовсиз ўрмалаб чўзилиб борарди. Воланд ўткир иягини муштира тираб, бир оёғини тагига босиб курсида букчайиб ўтираркан, то уфққа етгунча ёйилган беҳисоб қаср ва саройлар, маҳобатли иморатлар ва бузилишга маҳкум кулбалардан кўзини узмасди. Ўзининг замопавий либосини, яъни камзули, шля-па-котелогги, локланган туфлисини тарк этиб, энди худди Воланддек қора кийиниб олган Азazelло ўз ҳукмдоридан сал нарироқда донг қотиб тураркан, у ҳам шаҳар манзарасидан кўз узмасди.

Воланд гап бошлади:

— Ғоят антиқа шаҳар, шундай эмасми? Азazelло бир қимирлаб кўйиб, эҳтиром билан жавоб қайтарди.

— Мессир, менга кўпроқ Рим ёқади!

— Ҳа, бу дидга боғлиқ, — жавоб қилди Воланд. Бир оз вақтдан кейин яна унинг овози эшитилди:

— Ҳув анави хиёбонда нега тутун борқсияпти?

— Грибоедов ёняпти, — жавоб қилди Азazelло.

— Бу, назаримда, икки қадрдоннинг — Коровьев билан Бегемотнинг иши бўлса керак?

— Шак-шубҳасиз, мессир.

Яна сукут чўқди, бу пайт ғарб томонга қараган уй-ларнинг юқори қаватларидаги деразалар қуёшнинг кўзни қамаштирувчи шуъласини ўзида акс этдира бошладилар. Воланднинг кўзи ҳам, гарчи у кунботар томонга орқа ўгириб ўтирган бўлса-да, ўша уйларнинг деразалари каби порларди.

Лекин шу пайт нимадир Воландни шаҳардан юз ўгириб, ўз орқасида, томга қўндирилган доирасимон минорага қарашга мажбур этди. Минора девори ичидан чувринди кийим-бошига лой сачраган, оёғига одми шиппак кийган, нохуш қиёфали бир қорасоқол одам чиқиб кетди.

— Ие! — хитоб қилди Воланд бу одамга истехзо билан қараркан, — айнан сенинг бу ерга келишингни мутлақо кутмаган эдим! Хўш, қандай хизмат билан келдинг, о чақирилмаган, аммо келиши тахминланган меҳмон?

— Сенинг ҳузурингга келдим, ёвузлик султони, арвоҳлар ҳукмдори, — деб жавоб қилди девордан чиққан одам Воландга қовоқ остидан хўмрайиб қараркан.

— Баски, ҳузуримга келган экансан, нечун менга салом бермадинг, эй собиқ ўлпон йиғувчи? — деди Воланд қаҳр билан.

— Негаки мен сенинг саломат бўлишингни истамайман, — деб жавоб қилди келган одам густоҳлик билан.

— Лекин менинг барҳаётлигимга кўникишингга тўғри келади, — деб эътироз билдирди Воланд ва оғзини қийшайтириб истехзо қилди, — сен бу томда пайдо бўлган захотинг бемаъни иш қилдинг, бу бемаънилигинг, мен сенга айтсам, гапириш оҳангингда. Сен сўзларни шундай

талаффуз қилдингки, гўё арвоҳларни (яъни кўланкаларни), шунингдек, ёвузликни ҳам эътироф этмайман демоқчи бўлдинг. Сен, бир илтифот қилиб, мана шу савол устида бош қотириб кўрсанг: агар ёвузлик бўлмаса, сен ҳомийси бўлган ўша эзгулик нима билан шуғулланган бўларди, агар жамики кўланкалар ғойиб бўлса, ер юзи қандай қиёфа касб этган бўлур эди? Ахир буюмлар ва одамзод бор эканки, кўланкалар мавжуд. Мана шамширимнинг кўланкаси. Лекин дов-дарахтнинг ҳам, барча жонзодларнинг ҳам кўланкаси бўлади. Ё сен ўзингнинг ёлғиз сиз билан завқланаман деган хомхаёлинг туфайли ер юзини қиртишлаб, барча дов-дарахтни, бутун жонзодларни йўқ қилмоқчимисан? Сен тентаксан.

— Сен билан мубоҳаса қилишни истамайман, қари сафсатабоз, — деб жавоб қилди Левий Матвей (бу одам — ўша Левий Матвей эди).

— Мен билан шунинг учун ҳам баҳслаша олмайсанки, сен, боя айтганимдек, тентаксан, — деб жавоб қилди Воланд ва сўради. — Қани, мени толиқтирмай, мақсадга ўт, нега келдинг?

— Мени у юборди.

— Қандай гап олиб келдинг ундан, қул?

— Мен қул эмасман, — тобора кўпроқ аччиғланиб жавоб қилди Левий Матвей, — мен унинг шогирдиман.

— Биз, ҳар галгидек, сен билан бошқа-бошқа тилда гаплашяпмиз, — деди Воланд, — лекин бу билан суҳбатимиз мавзуи бўлган нарсалар ўзгармайди. Хўш, шундай қилиб...

— У устанинг асарини ўқиб чиқди, — деб гапира бошлади Левий Матвей, — шу боис, у сендан устани ўзинг билан олиб кетиб, унга ором бахш этишингни илтимос қилди. Наҳотки бу иш сен учун қийин бўлса, ёвузлик султони?

— Мен учун қийин иш йўқ, — деб жавоб қилди Воланд, — буни ўзинг ҳам яхши биласан. — У бир оз тек қолди, сўнг илова қилди: — Нега энди уни ўзларингга — ёруғликка олиб кетмаяпсизлар?

— У ёруғликка эмас, оромга сазовор, — деди Левий ғамгин овоз билан.

— Бориб айт, буйруқ бажарилади, — жавоб қилди Воланд ва: — Лекин сен дарҳол кўзимдан йўқол, — деб илова қилар экан кўзида ўт чакнади.

— Унинг яна бир илтимоси шуки, устани севган ва у деб изтироб чеккан аёлни ҳам олиб кетармишсизлар, — деб Левий биринчи марта ёлборувчи оҳангда мурожаат қилди Воландга.

— Айтмасанг, ўзимизнинг ақлимиз етмас эканми бунга? Жўна.

Шу гапдан сўнг Левий Матвей ғойиб бўлди, Воланд эса Азazelлони чақириб олиб, унга буюрди:

— Дарҳол учиб бориб, уларни сафарга шайла. Азazelло айвонни тарк этди, том бошида Воланд ёлғиз қолди. Лекин унинг ёлғизлиги узоқ чўзилмади. Айвоннинг тош терилган саҳнида оёқ товушлари ва гангир-гунгур овозлар эшитилди. Воланднинг каршисида энди Коровьёв билан Бегемот пайдо бўлишди. Бироқ Бегемотнинг қўлида примус йўқ эди, у бошқа нарсаларни кўтариб олган эди. Чунончи, у қўлтиғига дала манзараси тасвирланган мўъжазгина заррин рамка қистириб олган, билагига ярми куйиб кетган ошпазлар халати ташланган, иккинчи қўлида бутун бошли сёмга балиғи бор эди. Коровьёв билан Бегемотдан куйинди хиди келар, Бегемотнинг башарасига қора куя суртилган, кепкасининг ярми куйган эди.

— Салют, мессир, — деб чинқаришиб саломлашди тиниб-тинчимас ошналар, Бегемот эса хатто сёмга балиғини ҳавода силкиб қўйди.

— Қойил, азаматлар, — деди Воланд кесатиб.

— Мессир, бир тасаввур қилинг-а, — деб чийиллади Бегемот хаяжон ва қувонч билан, — мени кафандўз деб ўйлашса бўладими?

— Кўтариб келган нарсаларингга қараганда, — деб жавоб қилди Воланд рамкадаги суратни кўздан кечираркан, — ғирт кафандўзднинг ўзисан.

— Ишонасизми, мессир... — деб Бегемот самимий оҳангда гап бошлаган эди...

— Йўқ, ишонмайман, — деб қисқагина жавоб билан унинг сўзини бўлди Воланд.

— Онт ичиб айтаманки, мессир, камина жонбозлик кўрсатиб, ҳамин қадар кўпроқ нарсани қутқаришга уриндим, илло сақлаб қолган нарсаларим мана шулар холос.

— Сен яхшиси, менга айт, қандай қилиб ўт кетди Грибоедовга? — сўради Воланд.

Коровьёв ҳам, Бегемот ҳам «хайронмиз» деган маънода кифтларини учириб, кўзларини кўкка тикишди. Бегемот эса яна чинкириб деди:

— Ақлим бовар қилмайди! Шўхлик қилмасдан, тинчгина, овқатланиб ўтирган эдик...

— Шу маҳал бирдан «пақ, пуқ!» — деб гапни илиб кетди Коровьёв, — ўқ отила бошлади! Бегемот икковимиз даҳшатдан эсимиз оғиб қолиб, хиёбон томон югурдик, орқамиздан кува бошлашди, биз Тимирязев томонга ўзимизни урдик!

— Лекин бурчга садоқатлилиқ туйғуси, — деб гапга аралашди Бегемот, — шармандаларча кўрқувдан устун чиқди-ю, биз яна қайтиб бордик!

— Э, шунақами ҳали? — деди Воланд, — шундан кейин бино ёниб кул бўлган, албатта.

— Ҳа, кул бўлди! — маънос оҳангда таъкидлади Коровьёв, — яъни, мессир, сиз ғоят аниқ ифода этдингиз — куйиб кул бўлди. Куйик ғўлалар қолди, холос!

— Мен, — деб ҳикоясини давом эттирди Бегемот, — мажлислар залига отилдим — устунлари сероб залга, мессир, бирон-бир қимматбаҳо буюмни қутқариб қолиш мақсадида. О, мессир, менинг хотиним, агар мен уйланган бўлганимда, бир эмас, йигирма марта бева қолиш хавфига дучор бўларди! Лекин, яхшиямки, мессир, бўйдоқман, сизга очигини айтсам — ғоят бахтиёрман хотиним йўқлигидан. О, мессир, қайси аҳмоқ бўйдоқлик эркидан воз кечиб, бошини машъум оилавий бўйинтуруққа тикади-а?

— Бас қил сафсатани! — деди Воланд.

— Бош устига, давом этаман, — деб жавоб қилди мушук, — дарвоқе, мана сурат. Бошқа ҳеч нарса олиб бўлмади залдан, аланга тўғри юзимга урилди. Шундаи кейин омборхонага югурдим, у ердан манави сёмга балиғини олиб чиқдим. Ошхонага отилиб кириб, бу халатни ўтдан сакдаб қолдим. Назаримда, мен, мессир, кўлимда келган ҳамма ишни қилдим, аммо чехрангиздаги шубҳа аломатларининг сабаби нима, тушунмаяпман.

— Коровьёв нима қилди, сен кафандўзлик билан овора бўлгаи пайтингда? — деб сўради Воланд.

— Мен ўт ўчирувчиларга кўмаклашдим, мессир, — жавоб қилди Коровьёв шимининг йиртиғини кўрсатиб.

— Шунақа дегин, ундай бўлса, албатта янги бино қуриш лозим бўлади.

— Бино қурилади, мессир, — деди Коровьёв, — гапимга ишонаверинг.

— Ҳай, дуруст, унда янги бино эскисидан яхшироқ бўлади деб умид қиламан, холос, — деди Воланд.

— Айтганингиздек бўлади, мессир, — деди Коровьёв.

— Гапимга ишонаверинг, — деб илова қилди мушук, — камина уччига чиққан пайғамбарман.

— Ҳар қалай, истиқболингизга қайтиб келдик, мессир, — деди Коровьёв, — фармойишингизга мунтазирмиз.

Воланд курсидан туриб, панжара олдиға борди ва ўз мулозимларига орқа ўгирганча узок вақт сукутга толиб, олис-олисларга тикилиб турди. Сўнг у панжарадан узоклашиб, яна курсига бориб ўтирди-да, шундай деди:

— Ҳеч қандай фармойиш бўлмайди — сизлар ҳамма вазифани, баҳоли қудрат бажардингиз, ҳозирча бошқа ҳеч қандай хизмат йўқ сизга. Дам олишингиз мумкин. Ҳозир момақалди роқ бошланади, бу охири момақалди роқ яқунланиши зарур бўлган ҳамма нарсага яқун ясайди-ю, биз йўлга равона бўламиз.

— Жуда соз, мессир, — дейишди икки масхарабоз ва айвон ўртасидаги доирасимон минора

орқасига ўтиб кўздан ғойиб бўлишди.

Воланд тилга олган момақалдиروق булутлари бу пайт уфқда тўплана бошлаган эди. Ғарбдан қора булут кўтарилиб, қуёшнинг ярим бетини тўсди. Сўнг уни бутунлай буркаб олди. Айвонда салқин шабада эсди. Яна хиёл вақт ўтиши билан ҳаммаёқни зулмат қоплади.

Ғарбдан босиб келган бу зулмат улкан шаҳарни буткул буркаб олди. Кўприklar, қасрлар ғойиб бўлди. Ҳамма нарса, гўё ҳеч қачон ёруғ жаҳонда бўлмагандек, кўздан йўқолди. Осмоннинг у чеккасидан-бу чеккасигача ўтли чизик кесиб ўтди. Сўнг шаҳар қандайдир зарбадан ларзага келди. Зарба яна такрорланиб, момақалдиروق бошланади. Воланд бу зулмат кўйнида кўринувчанлигини йўқотди.

Ўттизинчи боб

РИҲЛАТ ПАЙТИ КЕЛДИ!

— Биласанми, — дерди Маргарита, — кеча кечаси сен ухлаб ётганинда мен Ўртаер денгизи томонидан келган зулмат ҳақида ўқиб ўтирдим... кейин ўша маъбудлар, олтин маъбудлар тўғрисида ҳам. Негадир улар мени мудом ташвишга солмоқда. Назаримда, ҳозир ҳам ёмғир ёғадиганга ўхшайди. Салқин тушяпти, сезяпсанми?

Уста папирос чекиб, тутунини кафти билан елпиб ўтираркан, жавоб қилди:

— Булар-ку ҳаммаси яхши, маъбудлар ҳам яхши, ҳаволаси худога уларнинг, лекин бундан бу ёғига нима бўлади — ҳеч ақлим бовар қилмаяпти.

Бу суҳбат кунботар чоғда, айна том бошидаги айвонда турган Воланднинг қошига Левий Матвей келган пайтда бўлган эди. Подвал дарчаси очиқ эди, агарда ҳозир биров ундан ичкарига мўраласа, суҳбатдошларнинг ниҳоятда антиқа киёфада эканлигини кўриб ханг-манг бўлиб қоларди. Чунки кип-яланғоч Маргаританинг елкасига қора ридо ташланган, уста эса касалхонадан кийиб келган ички кўйлак-иштонда эди. Бунга сабаб: Маргаританинг ҳеч қандай либоси йўқ эди бу ерда (унинг ҳамма кийим-кечаги эрининг уйида қолган, гарчи у уй бу ердан унча узоқ бўлмаса ҳам, Маргарита у ерга бориб, ўз буюмларини олиб келишни хаёлига ҳам келтирмас эди). Уста эса гарчи унинг барча кийим-боши шкафда бекаму кўст осилиб турган бўлса ҳам, Маргаритага, ҳадемай қандайдир мутлақо бемаъни воқеа содир бўлади, деган фикрни уқдириб, кийиниб олишни истамаган эди. Тўғри, ўша машъум куз кечасидан бери энди биринчи марта соқолини устарада олган эди (шифохонада упиғ соқолини машинкада олишарди).

Хона ҳам алғов-далғов бўлиб кетган ва бу ерда не ҳол юз берганини тушуниш маҳол эди. Кўлёмалар ерда, гилам устида, шунингдек, диванда сочилиб ётар. Қайсиям бир очиқ китоб креслога тўнкариб кўйилган. Тўгарак стол усти ҳар хил таомлар билан тўлдирилган бўлиб, улар орасида бир нечта шиша ҳам бор эди. Бу ноз-неъматлару ичкиликларнинг қаёқдан пайдо бўлганини Маргарита ҳам, уста ҳам билмас эди. Улар уйқудан уйғонишганда буларнинг бари стол устида муҳайё эди.

Шанба кунининг қош қорайғунига қадар ухлаган уста билан унинг рафиқаси энди ўзларини жуда тетик ҳис қила бошладилар, фақат бир нарса — икковларининг чап чаккалари бир оз симиллаб тургани кечаги саргузаштлардан далолат берарди. Лекин икковининг ҳам руҳиятида жуда катта ўзгариш содир бўлган эди-ки, подваддаги квартирадан эшитилаётган суҳбатга кулоқ солган ҳар қандай одам бу ҳолни дарҳол фаҳмлаган бўлар эди. Лскип бу ерда кулоқ соладиган биронта ҳам кимса йўқ эди. Ҳовли ҳамиша хувиллаб ётарди. Кун сайии яшил либосини қалинроқ қилиб кия бошлаган жўка ва оқтолларпинг баҳор атрини эндигина уйғонган шаббода очиқ деразадап подвалга пуркарди.

— Ё тавба! — деб юборди бирдан уста, — ҳеч ақл бовар қилмайдиган ҳол, — у папирос

қолдигини кулдонга эзиб ўчирди-да, икки қўли билан бошини чангаллади, — йўқ, ўзинг ўйлаб кўр, сен ахир эсли-хушли аёлсан, менга ўхшаб жинни ҳам бўлмагансан. Кеча биз иблиснинг хузурида бўлганимизга жиддий ишонасанми?

— Мутлақо жиддий, — деб жавоб қилди Маргарита.

— Ҳа, албатта, албатта, — деди уста киноявий оҳагда, — демак, энди битта жинни иккитага кўпайибди-да! Эр-хотин жиннилар. — У қўлларини кўкка чўзиб кичқирди: — Йўқ, фақат шайтон қилиши мумкин бу ишни! Шайтон, шайтон, шайтон!

Маргарита жавоб қайтариш ўрнига ўзини диванга отиб, яланғоч оёқларини ликиллатганча хандон ташлаб куларкан, чинқириб деди:

— Вой, чидолмайман! Вой, ичагим узилиб кетади ҳозир! Ўзингга бир қара, нимага ўхшайсан!

Уста касалхонадан кийиб келган иштонини ийманибгина тортиб-тортиб кўяркан, бу орада роса мириқиб кулиб олган Маргарита жиддий тарзда гапира бошлади:

— Ҳозир сен беихтиёр ҳақиқатни гапирдинг, — деди у, — фақат шайтоннинг қўлидан келади бу иш, деб айтдинг, гапимга ишонавер, дарҳақиқат, шайтон ҳамма нарсани жобажо қилади! — Бирдан унинг кўзларида ўт чакнади, «дик» этиб ўрнидан турди-да, шу ерда рақс тушиб чинқира бошлади: — О, қандай бахтиёрман, қандай бахтиёрман, у билан тил бириктирганимдан беҳад бахтиёрман! О, иблис, иблис! Энди, тасаддуқ, жодугар хотин билан умр кечиришингизга тўғри келади. — Шундан кейин у устага ташланиб, унинг бўйнидан маҳкам кучоқлаганча, лабидан, бурнидан, юзидан устма-уст ўпа бошлади. Устанинг таралмаган тим қора соч толалари елпинар, икки юзи ва пешоиси бўса ҳароратидан лов-лов ёнарди.

— Сен чинданам жодугарга ўхшаб кетибсан.

— Буни мен инкор қилмоқчи ҳам эмасман, — деб жавоб қилди Маргарита, — мен жодугарман ва бундан беҳад мамнунман!

— Ҳа, яхши, — деди уста, — жодугар бўлсанг бўлибсан. Бу жуда соз, ажойиб ҳол! Демак, мени шифохонадан ўғирлаб чиқишган! Бу ҳам жуда маъқул иш. Бу ерга қайтариб олиб келишган, фараз қилайлик, бу ҳам аъло... Ҳай, ана, ҳатто бизни қидиршмайди деб ҳам тасаввур қилайлик, лекин жами авлиё-анбиёлар ҳаққи, менга шуни айт-чи, биз қандай ва нима билан кун кечирамиз? Бу гапни айтишимдан мақсад, мен фақат сепинг ташвишингни қиялман, азбаройи худо. Шу маҳал деразада тўмтоқ тумшукли бир жуфт ботинка ва тарам-тарам чизиқли шимнинг почаси кўринди. Кейин шимнинг тиззаси букилиб, кимнингдир корсондек думбаси деразадан тушаётган ёруғни тўсди.

— Алоизий, уйдამисан? — деган овоз эшитидди у ердан.

— Ана, бошланди, — деди уста.

— Алоизийми? — деб сўради Маргарита дсраза тагига бориб, — уни кеча қамокқа олишди. Кимсиз ўзи? Фамилиянгиз нима?

Шу заҳоти чўнқайган думба ғойиб бўлдию кўча эшикнинг «тақ» этиб ёпилгани эшитилди, шундан кейин яна ҳаммаёқ сув куйгандек жим-жит бўлиб қолди. Маргарита диванга ётиб олиб, астойдил қотиб-қотиб куларкан, кўзларидан ёш чиқиб кетди. Лекин у кулгидан тўхташи билан юзи тамомила ўзгача қиёфа касб этди, энди у жиддий оҳангда гапира бошлади, гапираркан, дивандан сирғалиб тушди ва устанинг пойига эмаклаб келди-да, унинг кўзларидан кўзини узмай, бошини силай бошлади.

— Шўрликкинам, жуда кўп қийналдинг, кўп изтироб чекдинг! Буни фақат мен биламан. Мана, сочларингга оқ ҳам оралабди, лабингнинг чеккасида ажинлар пайдо бўлипти. О, менинг ёлғизим, азизим, ҳеч нимани ўйлама. Сен жуда кўп ўйладинг, энди сен учун ҳам меп ўйлайман! Сенга кафолат бериб, онт ичиб айтаман, энди турмушимиз жудаям яхши бўлади.

— Мен ҳеч нарсадан кўркмайман, Марго, — деди кутилмаганда уста ва бошини кўтарган эди, Маргаританинг кўзига у ҳеч қачон бўлмагани, аммо бўлганлигига аниқ ишонган нарсаси

тўғрисида асар ёзган пайтидаги қиёфасида кўринди, — шунинг учун ҳам кўркмайманки, ҳамма қийинчиликларни бошимдан кечириб бўлганман. Мени жуда кўп кўрқитишган, энди ҳеч нима билан кўрқита олмайдилар. Лекин мен сенга ачинаман. Марго, ҳамма бало шунда, мана шунинг учун ҳам бир гапни сенга такрор-такрор айтиб ётибман. Эсингни йиғ!

Бемор ва қашшоқ одам билан умр кечириб нима қиласан — умринг хазон бўлади-ку! Уйингга қайт! Сенга ачинганимдан айтяпман бу гапларни.

— Э, сени қара-ю, — деб пичирларди Маргарита сочлари паришон бошини сарак-сарак қилиб, — вой, ҳеч нимага ишонмайдиган шўрпешонам-е. Кеча бутун тун сени деб қип-яланғоч дийдираб турдим, ўз аёллик хислатимни йўқотиб, жодугарга айландим, бир неча ой муттасил қоронғи қазноқда ўтириб, фақат бир нарсани — Ершалаим узра момақалдироқ гумбурлагани ҳақида ўйладим, уззу кун йиғлайвериш кўзларимда ёш қолмаса-ю, энди бошимизга бахт куши кўнганда мени ҳайдамоқчимисан? Ҳа, майли, мен кетаман, кетаман, лекин билиб қўй, сен тошбағир одамсан! Улар сенинг қалбинг кўрини тамоман ўчириб бўлишипти!

Шунда устанинг юрагида аламли бир назокат туйғуси уйғонди ва юзини Маргаританинг сочлари орасига олиб, бесабаб йиғлаб юборди. Маргарита ҳам унинг йиғисига жўр бўларкан, бармоқлари билан устанинг икки чаккасини пайпаслаганча пичирларди.

— Ҳа, оқ толалар, бошинг кўз оддимда қордек оқара бошляпти, ох, не-не изтиробларга бардош берган шўрлик бошинг. Қара, кўзларинг жуда бошқача-ю! Кўзларингга фақат бўшлиқ намоён... Елкаларинг, елкаларинг эса худди оғир юк кўтаргандек чўккан... Майиб, мажруҳ қилиб қўйишипти сени, — Маргаританинг гаплари бир-бирига қовушмас, у йиғидаи энтикиб-энтикиб кўярди.

Шунда уста кўзёшларини артди-да, тиз чўккан Маргаритани оёққа турғазди, ўзи ҳам ўрнидан туриб, қатъий оҳангда деди:

— Бўлди, етар! Мени ёмон изза қилди. Энди ҳеч қачон иродасиз бўлмайман, бу хмасалага бошқа қайтмайман ҳам, кўнглинг тўқ бўлсин. Биламан, икковимиз ҳам ўз руҳий касаллигимиз қурбони бўлганмиз, бу дардни сенга мен юқтирдим... Начора, бу дард азобини биргаликда тортамиз энди.

Маргарита оғзини устанинг қулоғига яқин олиб бориб пичирлади:

— Сенинг ҳаётинг ҳаққи, сен кашф этган ўша мунажжимзода ҳаққи онт ичиб айтаманки, турмушимиз яхши бўлади.

— Яхши бўлса, янаям яхши, — деди уста ва қулиб туриб илова қилди: — Албатта-да, агар одамлар сену менга ўхшаб буткул торож этилган бўлса, турган гап-ки, улар у дунё қуввасидан паноҳ излайдилар. Яхши, мен ҳам ўша ёқдан паноҳ кидиришга розиман.

— Мана, мана, ниҳоят аввалги ҳолингга қайтдинг, қуляпсан ҳам, — деди Маргарита, — аммо қуриб кетсин ўша илмий сўзларинг. У дунёми ё бу дунёми — бари бир эмасми? Менинг қорним очди.

Шундай деб у устанинг қўлидан етаклаб стол томон юрди.

— Бу таомлар ҳозир ер қаърига кириб кетса ёки дераза орқали учиб чиқиб кетса, ҳеч ажабланмасдим, — деди тамоман хотиржам кайфиятга ўтган уста.

— Кўркма, учиб кетмайди!

Айни шу пайт дарча ортидан бир манқа овоз эшитилди:

— Саломлар бўлсин.

Уста бир сесканиб тушди, лекин ҳар хил ғайриоддий воқеаларга кўникиб қолган Маргарита чинқириб юборди:

— Вой, Азazelло-ку! О, қандай яхши бўлди келгани! — кейин устага пичирлади: — Кўрдингми, ана, бизни унутишмапти! — шундай деб эшик очгани югурди.

— Ҳеч бўлмаса этагингни беркитсанг-чи, — деб кичқириб қодди уста унинг орқасидан.

— Бо худо... — деб жавоб қилди Маргарита даҳлиздан.

— Мана, хонага кирган Азazelло энди ғилай кўзини устага тикканча таъзим бажо қилиб у билан саломлашди, Маргарита эса бундай деди:

— Вой, бошим осмонга етди! Умримда ҳеч қачон бунчалик хурсанд бўлмагандим! Лекин яланғочлигим учун мени афв этинг, Азazelло!

— Асло азият чекманг, — деди Азazelло, — камина умримда нафақат яланғоч аёлларни, ҳаттоки бошдан-оёқ териси шилинган аёлларни ҳам кўрганман, — шундай деб у қора матога ўралган бир тугунчакни печка ёнига қўйди-да, дарров мезбонлар даврасига келиб ўтирди.

Маргарита коньяк куйиб узатди, Азazelло уни ҳузур қилиб ичиб юборди. Уста ундан кўз узмай ўтираркан, аҳён-аҳёнда стол остида секингина ўзининг чап билагини чимчилаб кўярди. Лекин бу чимчилашлар Азazelлога таъсир қилмади. У ҳавода эриб кетмади, ундан кейин, сирасини айтганда, бунга ҳеч қандай эҳтиёж ҳам йўқ эди. Чунки бу пакана малла одамнинг, агар кўзига оқ тушганини ва либосининг сал ғалатироқ (ридонамо плаш) эканлигини ҳисобга олинмаса, ҳеч қанақа кўрқинчли жиҳати йўқ эди. Ваҳоланки, жодугарликдан йироқ бўлган оддий одамнинг ҳам кўзига оқ тугаган бўлиши мумкин, агар жиддий ўйлаб кўриладиган бўлса, ҳар қандай одам ҳам ридонамо плаш кийиб юриши мумкин эди. Коньякни ҳам у ҳамма одамлар сингари, моҳирлик билан бир кўтаришда ичиб, газак қилмади. Лекин устанинг боши эпди коньякдан ғувуллай бошлади ва у:

«Йўқ, Маргарита ҳақ! Чиндан ҳам рўпарамда иблиснинг элчиси ўтирипти. Ахир ўзим ҳам ўтган куни тунда Иванга, Патриарх кўли бўйида шайтонни учратгансиз, деб уқдирган эдим-ку, энди бўлса, негадир шу фикрдан чўчиб кетиб, кўзбойлоқчилар, хомхаёллар ҳақида алланималарни жавраб ўтирибман. Кўзбойловчига бало борми!» — деб кўнглидан ўтказди.

У Азazelлога тикилиброқ қараб, унинг кўзларида қандайдир масъулият, то мавриди келгунча айтмай сақлаб турган қандайдир мулоҳаза мавжудлигини кўрди. «У шуичаки бизни кўргани эмас, балки қандайдир топшириқ билан келганга ўхшайди», — деб ўйлади уста.

Кузатувчанлиги унга панд бермади.

Азazelло учинчи марта узатилган коньякни ҳам ичиб юбориб, худди ҳеч ичмаган одамдай гап бошлади:

— Подвалингиз шинамгина экан, азабройи шифо! Лекин бир савол кўндаланг турипти: нима ҳам қилиш мумкин бу подвадда?

— Мен ҳам шуни гапираётган эдим, — деди уста кулимсираб.

— Нега мени ваҳимага соласиз, Азazelло? — деди Маргарита, — ахир бир амаллармиз!

— Йўғ-е, йўғ-е, — деб чинқириб юборди Азazelло, — сизни ваҳимага солиш хаёлимга ҳам келгани йўқ. Ўзим ҳам шундай деяпман, — бир амаллайсизлар. Ҳа-я! Сал бўлмаса унутаи дебман, мессир сизларга салом айтиб юборди, яна, сизни ўзи билан кичик бир сайрга таклиф қилди, агар хоҳласангиз, албатта. Хўш, нима дейсизлар бу таклифга?

Маргарита стол остида оёғи билан устани туртиб қўйди.

— Жонимиз билан борамиз, — деб жавоб қилди уста Азazelлони синчиклаб кузатаркан, у эса гапни илиб кетди:

— Маргарита Николаевна ҳам бу саёҳатдан бош товламаслар деб умид қиламиз?

— Менинг-ку бош товламаслигим аниқ, — деди Маргарита ва яна оёғи билан устанинг оёғини туртиб қўйди.

— Қойилмақом саёҳат бўлади, — деди Азazelло, — мана бу — ўғилбола гап! Бир зумда келишдик-кўйдик! Тунов куни Александр боғида бўлганидек резинка қилиб чўзмадик.

— Вой, эсимга солманг ўша кунни, Азazelло! Тентак эканман ўшанда. Сирасини олганда, мени жудаям айбсителиш тўғри эмас — ахир шайтон зотига кунда рўпара келмайсан-ку киши!

— Тўғри айтасиз, — деб тасдиқлади Азazelло, — агар ҳар куни рўпара келсангиз, ғоят хушнуд бўлардингиз!

— Жадаллик ўзимга ҳам ёқади, — дерди Маргарита завқу шавқ билан, — жадаллик ҳам,

яланғочлик ҳам. Маузердан отилган ўқдай! Вой, унинг қанақа мерганлигини кўрсанг зди, — деб чинқирди Маргарита устага юзланиб, — ёстик тагига қўйилган еттилик қартанинг хоҳлаган холини мўлжалга олади... — Маргарита ширакайф бўлиб қолди, шу сабабли кўзлари ўтдек чакнай бошлади.

— Ие, эсим курсин, нутибман-у, — дея чинқириб юборди Азazelло пешонасига «шап» этиб уриб, — роса чарчабман. Мессир сизларга совға бериб юборган эди, — шундай доб у айнан устага юзланди, — бир шиша вино. Эътибор беринг-а, бу Иудея прокуратори ичган ўша вионинг ўзи. Фалери виноси.

Турган гапки, бундай ноёб нарса, албатта, Маргаританинг ҳам, устанинг ҳам эътиборини ўзига тортди. Азazelло мотамона қора матони очиб, ундан тамомила мағор босиб кетган бир кўза олди. Олдин уни бир-бир хидлаб кўришди, сўнг стаканларга қуйишиб, момақалди роқ олдидан сўна бошлаган ёруғликка тутиб кўришган эди, ҳамма нарса қон рангига бўялди.

— Воланднинг саломатлиги учун! — деди Маргарита стаканни баланд кўтариб.

Учовлари стаканларни лабларига олиб бориб, бир хўпландан ичишди. Шу заҳоти устанинг кўз олди қоронғилашиб, нафаси қайтиб кетди, у жони узилаётганини ҳис қилди. У яна, ранги мурданикидек ўчган Маргаританинг ожизона кўл чўзиб, боши столга «шилқ» этиб тушганини, сўнг аста сирғалиб ерга йиқилганини ҳам кўрди.

— Заҳаркаш қаттол, — деб қичқиришгагина улгурди уста. У Азazelллога санчиш мақсадида столда ётган пичокқа кўл узатди, лекин дармони қолмаган кўли дастурхондан сирғалиб тушди-ю, бу хонадаги нарсаларнинг ҳаммаси устанинг кўзи олдида қоп-қора рангга бўялди, сўнг буткул ғойиб бўлди. У чалқанча йиқиларқан, чаккаси билан ёзув столининг қиррасига урилиб жароҳатланди.

Заҳарланганлар тинчиб қолгач, Азazelлло ишга киришди. Биринчи галда, у деразадан учиб чиқиб, бир зумда Маргарита Николаевна яшаган уйга етиб борди. Ҳамиша ишни пухта ва эҳтиёткорлик билан бажаришга одатланган Азazelлло, ҳамма иш бекаму кўст бажарилдимикин, деб текшириб кўрмоқчи эди. Дарҳақиқат, ҳамма нарса кўнгилдагидек бажарилган эди. Ана, эрининг ишдан қайтишини кутаётган маҳзуна аёл ўз хобхонасидан чикди-ю, бирдан ранги бўздек оқариб, юрагини чангаллаганча заифона чинқирди:

— Наташа! Ҳой, ким бор... бу ёққа!.. — шундай деб у кабинетга етиб боролмай, меҳмонхона ўртасида ерга «гурс» йиқилди.

— Ҳаммаси жобажо бўлди, — деди Азazelлло. У яна бир лаҳзадан кейин маҳв бўлган ошиқ-маъшуқлар тепасига келди. Маргарита гиламчага мук тушиб ётарди. Азazelлло ўзининг темир кўллари билан Маргаритани, худди кўғирчоқни ағдаргандек осонгина ўзига қаратиб, унинг юзига қаттиқ тикилди. Заҳарланган аёлнинг чехраси ўзгара бошлади. Момақалди роқ арафасида кун хийла қоронғилалган бўлишига қарамай, Маргаританинг жодугарона муваққат ғилайлиги ҳам, чехрасидаги бадқаҳрлик ва авбошлик аломатлари ҳам ғойиб бўлаётгани яққол кўзга ташланди. Марҳуманинг чехраси ёришиб, ниҳоят, майинлик касб этди, унинг ваҳшиёна иржайиши ўзгариб, оддий заифона дардли иржайишга айланди. Шунда Азazelлло унинг оппоқ тишлари орасини очиб, оғзига бояги заҳар винодан бир неча томчи томизди. Маргарита чуқур бир хўрсиниб, Азazelлони кўрдимисиз ўзи ўрнидан туриб ўтирди ва хаста овоз билан сўради:

— Қай гуноҳим учун, Азazelлло, нечун? Мени нима қилиб қўйдингиз?

У узала тушиб ётган устани кўриб, сесканиб кетди ва пичирлаб деди:

— Сиздан ҳеч кутмаган эдим бунини... қотил!

— Йўқ, ундай эмас, — деди Азazelлло, — у ҳозир туради. Ахир, мунча тажанг бўлмасангиз!

Малла иблиснинг овози шу қадар самимий эдики, Маргарита унга дарров ишона қолди. У тетик ва бардам бўлиб шахт ўрнидан турди-да, устанинг оғзига вино томизишда кўмаклашди. Уста кўзини очиб, атрофга маънос бокди ва бояги охириги сўзини нафрат билан такрорлади:

— Оғукаш қаттол...

— Эвоҳ! Яхшилиқ қилганни ҳамини ҳақорат билан тақдирлашаркан, — деди Аззелло, — нима, кўрмисиз? Тезроқ очсангизчи кўзингизни.

Шунда уста бошини кўтариб, жонли ва нурли кўзлари билан атрофга бир-бир қараб чикди ва сўради:

— Бу янгиликнинг маънисини нима?

— Бунинг маънисини шуки, — деб жавоб қилди Аззелло, — сафарга жўнаш пайтингиз келди. Ана, эшитяпсизми, момақалдиқроқ гумбурламоқда? Қоронғи тушди. Отлар бетоқат ер тенинишмоқда, кичкина боғча ларзага келмоқда. Бу маконингиз билан видолашинг, бўлинг, тезроқ видолашинг.

— Эҳа-ҳа, тушундим, — деди уста, атрофига аланглаб қараб. — Сиз бизни ўлдиргансиз, бизлар мурдамиз. О, бағоят доно иш бўлипти! Айни пайти! Энди мен ҳаммасига тушундим.

— Ие, кечирасиз, — деди Аззелло, — шу гап сиздан чиқяптими? Маҳбубангиз сизни уста деб атайди-ю, сиз ахир фикр юритяпсиз-ку, қанақасига мурда бўлишингиз мумкин? Наҳотки киши ўзини тирик деб ҳисоблаши учун, албатта, подвалда ва касалхонанинг ички кўйлак-иштонида ўтириши шарт бўлса? Тавба!

— Ҳамма гапларингизга тушундим, — деб чинқириб юборди уста, — бўлди, у ёғини гапирманг! Сиз минг қарра ҳақсиз!

— Буток Воланд! — деди Маргарита устага жўр бўлиб, — буюк Воланд! У мепдан кўра теранроқ фикр юритипти. Лекин албатта романни, романингни, —

деб кичқирарди у устага, — қаёққа парвоз қилсанг ҳам романингни олвол.

— Кераги йўқ, — деб жавоб қилди уста, — мен уни бошдан-оёқ ёд биламан.

— Биронта ҳам... бирота ҳам сўзни унутмайсанми? — деб сўрарди Маргарита маҳбубининг пинжиги кириб, чаккасининг қонини артаркан.

— Кўнглинг тўқ бўлсин! Энди мен ҳеч нимани ҳеч қачон унутмайман, — жавоб қилди у.

— Унда ўт кўямиз! — деб чинқирди Аззелло, — ҳамма нарса ёнғиндан бошланган эди, энди ёнғин билан хотима ясаймиз.

— Ёнсин! — деб мудҳишона чинқирди Маргарита. Подвал дарчаси «қарс» этиб очилиб, шамол дарпардани четга сурди. Самодан қисқа ва қувноқ гулдурас эшитилди. Аззелло чангаксимон панжасини печкага тикиб, тутаб турган бир косовни олди-да, стол ёйилган дастурхонни ёндириб юборди. Кейин уни диванда ётган бир даста эски газеталарга тутди, ундан кейин қўлёзмани ва дарпардани ёқди. Бу маҳал, чавапдозлик қилажагидан руҳланган уста, тоқчадан қайсиям бир китобни олиб, унинг варақларини ёйиб ёнаётган дастурхон устига отди, китоб зумда «пов» этиб ёна бошлади.

— Ён, куйиб кул бўл, ўтмиш ҳаёт!

— Ёнинг, изтироблар! — чинқирди Маргарита. Қирмизи аланга бутун хонапи ўз оғушига олди, шунда учовлари хонадан тутунга қўшилиб чиқишиб, ғиштин зинадан мўъжазгина ҳовлига кўтарилишди. Бу ерда даставвал улар уй соҳибиникида ошпазлик қилувчи аёлнинг ерда ўтирганини кўришди, унинг атрофида бир талай картошка ва бир неча бош пиёз сочилиб ётарди. Ошпаз аёлнинг бу аҳволи тушунарли эди. Ўтинхона олдида учта қора от туёқлари билан ер кавлаб, баданлари сесканиб, пишқириб турарди. Маргарита отга биринчи бўлиб минди, ундан кейин Аззелло, энг охирида уста минди. Ошпаз аёл бир ингради-ю, чўқиниш мақсадида қўлини кўтармоқчи бўлган эди, лекин Аззелло эгарда ўтирган ерида унга дағдаға қидди:

— Нақ кўлингизни кесиб ташлайман! — У хуштак чалди, шунда отлар жўка наваларини синдириб кўкка парвоз қилишди ва пастлаб учаётган қора булутни ёриб ўтиб кетишди. Худди шу пайт подвал дарчасидан тутун бурқсиб чиқа бошлади. Пастдан ошпаз хотиннинг заифона, аянчли чинқириви эшитилди:

— Ўт кетди!..

Энди отлар Москва томлари узра учиб борардилар.

— Шаҳар билан видолашишни истайман, — деб қичқирди уста олдинда бораётган Азазеллога. Момақалди роқ унинг қолган гапини ютиб юборди. Азазелло. «майли» дегандек бош ирғади ва отиини учириб кетди. Шиддат билан бораётган суворилар сари вужуди ёмғирга тўла улкан бир булут учиб келарди.

Сайёҳлар хиёбон узра учиб боришаркан, митти одамларнинг энди томчилай бошлаган ёмғирдан ўзларини панага олиш учун ҳар томонга тумтарақай қочишаётганини кўрдилар. Суворилар тутун буруқсаётган бир ердан учиб ўтдилар. — Грибоедовдан қолгани шу эди. Суворилар зулмат оғушига чўкаётган шаҳар узра учдилар. Улардан тепада тинмай яшин чакнарди. Ниҳоят, шаҳар томлари тугаб, пастда ям-яшил далалар пайдо бўлди. Шундагина ёмғир шаррос қуйиб юбориб, учта чавандозни учта улкан пуфакка айлантди.

Парвоз ҳиссиёти Маргаритага таниш бўлса ҳам, уста бу туйғудан ғофил эди, шунга кўра, кўзлаган манзилига бир зумда етиб боргани уни хайрон қолдирди. Бу ерда у бир одам билан видолашмоқчи эди — унинг видолашадиган бошқа ҳеч кими ҳам йўқ эди. Шаррос қуяётган ёмғир пардаси орқали у Стравинский шифохонаси биносини ҳам, дарёни ҳам, дарёнинг нариги соҳилидаги жуда яхши таниш бўлиб қолган ўрмонни ҳам дарров таниди. Улар шифохона яқинидаги сайхонликка кўнишди.

— Сизларни шу ерда кутиб тураман, — деб қичқирди Азазелло қўлларини карнай қилиб; у дам яшил шуъласида кўришиб, дам зулмат қўйгина ғарқ бўларди, — тезроқ видолаша қолинг.

Уста билан Маргарита эгардан сакраб тушишиб, худди суюқ шарпалардек лип-лип кўришиб шифохона боғидан учиб ўтдилар. Яна бир зумдан кейин уста 117-хонанинг' балконидаги, ўзига жуда таниш бўлиб қолган папжарани суриб ичкари кирди. Маргарита унга эргашди. Улар Иванушканинг олдига момақалди роқ гумбурлаётган пайтда кўринмай ва сездирмай киришди. Уста каравот ёнида тўхтади.

Иванушка бу оромгоҳга келган биринчи куни момақалди роқни қандай кузатиб ётган бўлса, ҳозир ҳам шу тарзда қимир этмай ётарди. Лекин ҳозир аввалги сафардагидек йиғламас эди. Ниҳоят, у балкондан кириб келган қора шарпага синчиклаб тикилди ва ёстикдан бошини кўтариб, унга қўлларини узатди-да, шодланиб деди:

— Ие, сизмисиз? Мен бўлсам қачондан бери кутиб ётибман. Келганингиз яхши бўлди, кўшнижон.

— Ҳа, шу ердан! — деди унга жавобан уста. — Лекин, таассуфки, сизга ортиқ қўшни бўла олмайман. Мен бутунлай учиб кетяпман, сиз билан видолашгани келдим.

— Мен буни билардим, сезган эдим, — оҳистагина деди Иван ва сўради: — Сиз уни учратдингизми?

— Ҳа, — деди уста, — шунинг учун ҳам сиз билап видолашгани келдимки, кейинги пайтда фақат сиз менинг ягона суҳбатдошим эдингиз.

Иванушканинг кўнгли ёришиб деди:

— Хонамга учиб кирганингиз яхши бўлди. Мен албатта сўзимнинг устидан чиқаман, энди ҳеч қачон шеър ёзмайман. Мени энди бошқа нарса қизиқтириб қолди, — Иванушка жилмайиб, телба кўзларини қаёқларгадир тикди, — бошқа нарса ёзмоқчиман. Биласизми, бу ерда ётганимда анча-мунча нарсага тушундим.

Уста бу сўзларни эшитиб ҳаяжонланди ва Иванушканинг тўшагига омонатгина ўтириб гап бошлади:

— Бу гапингиз яхши, жуда яхши. Демак, унинг тўғрисидаги асарнинг давомини ёзасиз!

Иванушканинг кўзлари чакнаб кетди.

— Нима, ўзингиз ёзмайсизми? — шундай деб у бошини ҳам қилди ва ўйчанлик билан илова қилди: — Ҳа-я... нимага буни сўрадим, — Иванушка кўз қири билан кўрка-писа ерга қаради.

— Ҳа, — деди уста, унинг бўғиқ овозини Иванушка таиимади, — унинг тўғрисида бошқа ёзмайман энди. Мен бошқа иш билан машғул бўламан.

Узокдан эшитилган ҳуштак момақалди роқ гумбурини босиб кетди.

— Эшитяпсизми? — сўради уста.

— Момақалди роқ гумбурлаяпти...

— Йўқ, меии чорлашмоқда — кетадиган пайт бўлди, — деб изохлади уста ва ўрнидан турди.

— Тўхтанг! Яна бир оғиз сўз, — деди Иван, — сиз ўша маъшуқангизни топдингизми? Сизга вафодорлигича қолиптами у?

— Мана у, — деб жавоб қилди уста ва деворга ишора қилди. Қора кийган Маргарита оппоқ девордан ажралиб, беморнинг тепасига яқинлашди. У каравотда ётган йигитга маҳзун кўзларини тикди.

— Шўрлик йигит, — деб товушсиз пичирлади Маргарита ва бемор устига энгашди.

— Жудаям гўзал экан, — деди Иван беҳасад, аммо бир оз ҳасрат ва қандайдир аянч билан, — ана кўрдингизми, ҳамма армонингиз ушалипти. Аммо менда ундай бўлмади, — шундай деб у ўйланиб қолди ва ўйчанлик билан илова қилди: — Балким шундай бўлгани маъкулдир...

— Ҳа, ҳа, — деб пичирлади Маргарита бемор устига яна ҳам пастроқ энгашаркан, — мана, ҳозир мен пешонангиздан ўпаман-у, кейин ҳамма нарса кўнглингиз тусагандек бўлади... гапимга ишонаверинг, буларнинг ҳаммасини ўз бошимдан кечирганман, ҳаммасидан воқифман.

Каравотда ётган йигит Маргаританинг бўйнидан кучди, шунда Маргарита уни ўпиб олди.

— Алвидо, шогирдим, — деди уста эшитилар-эшитилмас ва ҳавода эрий бошлади. У, у билан бирга Маргарита ҳам ғойиб бўлишди. Балкон панжараси ёпилди.

Иванушка безовталана бошлади. У ўрнидан туриб ўтирди, атрофига олазарақ бўлиб қараб, ҳатто инграб ҳам қўйди, ўзича бир нималарни ғўлдираб ўрнидан турди. Момақалди роқ тобора зўрая борарди, чамаси унинг қалбига ғулув солган нарса ҳам шу момақалди роқ бўлса керак. Иванни безовта қилган яна бир нарса шу бўлдики, унинг шифохона йўлагидаги доимий сокинликка кўникиб қолган қулоғига ҳозир эшик орқасидан безовта оёқ товушлари, ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилган эди.

— Прасковья Фёдоровна! — деб чақирди у асабийлашиб ва титраб-қақшаб.

Шу заҳотиёқ хонага кириб келган Прасковья Фёдоровна Иванушкага савол маъносида ҳаяжонланиб тикилди.

— Хўш? Нима бўлди? — деб сўради у, — момақалди роқ безовта қияптими? Тинчланинг, ҳечқиси йўқ... Ҳозир ёрдам кўрсатишади сизга. Мен докторни чақираман.

— Йўқ, Правсковья Фёдоровна, докторни чақир-анг, — деди Иванушка, Прасковья Фёдоровнага эмас, деворга ҳаяжон билан тикиларкан, — менга ҳеч нима бўлгани йўқ. Мен ўз аҳволимга тушунадиган бўлиб қолганман, сиз кўрқманг. Яхшиси, айтинг-чи, — деб дилкашлик билан сўради Иван, — ёнимдаги юз ўн саккизинчи хонада ҳозир нима бўлди?

— Юз ўн саккизинчидами? — деб сўради Прасковья Фёдоровна ва безовта кўзларини ундан олиб қоча бошлади, — ҳеч нима бўлгани йўқ. — Лекин аёлнинг овозида дудмоллик сезилиб турарди, буни дарҳол сезган Иванушка деди:

— Қўйинг, Прасковья Фёдоровна! Сиз ахир тўғрисўз одамсиз-ку... Нима, мени тўполон қилади деб ўйлаяпсизми? Йўқ, Прасковья Фёдоровна, кўнглингиз тўқ бўлсин. Сиз гапнинг ростини айтаверинг. Мен, барибир девор орқали ҳис қияпман.

— Қўшнингиз қазо қилди ҳозир, — деб пичирлади Прасковья Фёдоровна ўзининг ҳамғўйлиги ва оққўнгиллигини тийишга қурби етмай, айтишга айтди-ю, юраги така-пука бўлиб Иванушкага ялт этиб қаради, шунда Прасковья Фёдоровна яшин шуъласидан бир зумга либос кийди. Лекин Иванушкага ҳеч нарса бўлмади. У фақат бармоғини маънодор кўтариб шундай деди:

— Ўзимам билувдим! Сизни ишонтириб айтаманки, Прасковья Фёдоровна, ҳозир шаҳарда яна бир инсон оламдан ўтди. Мен ҳатто унинг кимлигини ҳам биламан, — шундай деб Иванушка хуфиёна жилмайиб қўйди, — у аёл киши.

Ўттиз биринчи боб

ЧУМЧУҚТЕПА²⁸ДА

Момақалдиروق дағдағасидан асар ҳам қолмади, бу маҳал бутун Москва узра улкан гумбаздай кўтарилган ранг-баранг камалак Москва дарёсидан сув ичарди. Баланд тепаликдаги икки дарахтзор оралиғида учта қора шарпа кўринди. Эгарланган қора отларга минган Воланд, Коровьёв ва Бегемот дарё ортидан то уфққача ёйилиб кетган шаҳарга, унинг ғарбга қараган уйларидаги минг-минглаб деразаларда акс этаётган кечки шуъласига ва Қизлар монастирининг жимжимадор, мухташам гумбазига тикилиб турардилар.

Ҳавода шарпа эшитилди, узун қора ридо кийган Азазелло, унинг орқасидан изма-из келаётган уста билан Маргарита учовлари уларни кутиб турган уч сувори яқинида ерга индилар.

— Сизни, Маргарита Николаевна, сизни ҳам, уста, бир оз безовта қилишимизга тўғри келди, — деб гап бошлади Воланд бир оз сукунатдан сўнг, — илло мендан гина қилмассизлар деган умиддаман. Зеро бу ерга келганингиздан афсусланмайсиз. Қани, бўлмаса, — деб у ёлғиз устага мурожаат қилди, — шаҳар билан видолашинг. Жўнашимиз керак, — шундай деб Воланд оғзи карнайсимон қора кўлқоп кийган қўли билан дарё ортига ишора қилди; у ерда кун бўйи офтоб тафтида чўғдек қизиган шаҳардан кўтарилган туман, тутун, буғ қуёш шуъласидан ярақлаган беҳисоб деразалар узра муаллақ туриб қолган эди.

Уста отдан сакраб тушиб, бир ўзи жар ёқасига югуриб кетди. Эгнидаги қора ридонинг этаги орқасидан ерга судралиб борар эди. Уста шаҳарга тикилиб туриб қолди. Аввалига ҳасратдан унинг юраги зирқираб оғриди, лекин бу туйғу бир зумда ўтиб кетиб, ўрнини кўнгилга тотли ғулув солувчи лўлиларга хос дарбадарлик туйғуси эгаллади.

— Мутлақо қайтмайман! Буни фаҳмлаш керак, — деб пичирлади уста ва қовжираган лабини ялади. У ўз қолбига кулоқ солиб, у ерда нима бўлаётганини аниқ қайд қила бошлади. Унинг қалб ҳаяжони, назарида, жуда теран ва қаттиқ ранжга айлангандек туюлди. Лекин бу ранж беқарор бўлиб чикди, у зумда ғойиб бўлиб, такаббуруна лоқайдлик билан ўрин алмашди, лоқайдлик эса мангу ором туйғусига айланди.

Суворилар устани сукут сақлаб кутиб туришарди. Улар қора кийган бу дароз одамнинг жар ёқасида туриб қилаётган ҳар хил кўл ишораларини, гоҳ бутун шаҳар оша нигоҳ ташлаб, унинг уфқ ортидаги томонни кўрмоқчи бўлгандай бошини адл кўтаришини, гоҳ ўз оёғи остидаги пайҳон қилинган, қовжираган гиёҳларни ўрганмоқчи бўлгандай бошини ҳам қилишини кузатардилар.

Ниҳоят, юраги зик бўлган Бегемот сукутни бузди.

— Ижозат берсангиз, мэтр, — деб гап бошлади у, — парвоз олдидан видолашув хуштагини мен чалсам.

— Хонимни чўчитиб юборишинг мумкин, — деди Воланд, — ундан кейин шуни унутмаки, сен бугунги номаъқулчиликларингни барини қилиб бўлдинг.

— О, йўқ, йўқ, мессир, — деди эгарда амазонкалардек қўлини белига тираб, узун этагини ергача тушириб ўтирган Маргарита, — рухсат беринг унга, майли, чалсин. Олис сафар олдидан кўнглимга хийла ғаш оралади. Гарчи инсон бу сафар ниҳоясида бахтга мугдарраф бўлишини билса ҳам, шундай кўнглиғаш-лик бўлиши табиий, тўғрими, мессир? Майли, бир кўнглимни чоғласин, бўлмаса, сафар олдидан йиғлаб юбориб, кайфиятингларни бузиб қўйишим мумкин.

Воланд бош ирғаб Бегемотга ишора қидди, мушукнинг кўнгли кўтарилиб, отдан сакраб тушди ва бармоқларини оғзига тикиб, лунжини шиширди-да, хуштак чадди. Маргаританинг

²⁸ Чумчуктепа (Воробьевы горы) — Ҳозир «Ленинские горы» деб аталади. Москва Давлат университетининг янги биноси шу тепаликда жойлашган.

кулоғи шанғиллаб кетди. Унинг оти хуркиб, икки оёғини кўтарди, ўрмондаги дарахтлардан куруқ шох-шаббалар тўқидди, қарға ва чумчуқлар гала-гала бўлиб осмонга кўтарилди, бурқираб кўтарилган тўзон дарё томон учди, бандаргоҳ ёнидан сузиб ўтаётган дарё трамвайидаги бир нечта йўловчининг бошидан кепкаси учиб сувга тушди. Уста хуштак овозидан сесканиб кетди, лекин орқасига ўгирилмади, балки қўлларини юқори кўтариб, худди шаҳарга таҳдид солаётгандек, уларни яна ҳам жадалроқ силкита бошлади. Бегемот атрофга мағрурона назар ташлади.

Эътироф этаман, хуштак чалинди, — мурувват ичишдек деди Коровьёв, — дарҳақиқат хуштак чалинди, лекин холисанилло гапирадиган бўлсак, ўртамиёна хуштак бўлди!

Ахир мен регент эмасман-да, — деб жавоб қилди Бегемот виқор билан лунжини осилтириб ва дабдурустдан Маргаритага кўз қисди.

— Қани, менам бир уриниб кўрай-чи, ёшликни эслаб, — деди Коровьёв, қўлларини ишқашаб, бармоқларига туфларкан.

— Лекин эҳтиёт бўл, — деди Воланд жиддий оҳангда, — биронта ҳам шахсга ҳеч қандай зиён-заҳмат етмайдиган бўлсин!

— Мессир, ишонинг, — деди Коровьёв қўлини кўксига кўйиб, — бу ҳазил, фақат ҳазил бўлади... — Шунда унинг вужуди худди резинадан ясалгандек бирдан юқорига чўзилди, ўнг қўлининг бармоқларини букиб ғаройиб бир шакл ясади-да, олди парма сингари чир-чир айланиб, бир ўрам сочга ўхшаб қолди, сўнг қайта ечилиб, бирдан хуштак чалиб юборди.

Маргарита бу хуштакни эшитмади, балки уни ўз кўзи билан кўрди: у ўзининг ўйноқи оти билан бирга газ нарига бориб тушган эди. Айни пайтда шу ерда қад кўтарган азим туп эман илдиз-пилдизи билан кўпорилиб, кулаб тушди, то дарё бўйигача бўлган ер торс-торс ёрилиб кетди. Қирғоқнинг катта бир бўлаги ерга жойлашган бандаргоҳу ресторан билан бирга синдирилиб, дарёга кулади. Дарё кўпириб тошди ва дарё трамвайини ичидаги йўловчилар билан бирга нариги яшил паст қирғоққа бешикаст чиқариб кўйди. Маргаританинг хуркиб пишқираётган оти оёғи остига Фаготнинг хуштагидан нобуд бўлган бир олақарға гуп» этиб келиб тушди. Бу хуштак устани чўчитиб юборди. У бошини чангаллаганча, ҳамрохлари томон чопиб кела бошлади.

— Хўш, — деб мурожаат қилди унга от устидан Воланд, — барча ҳисоб-китоб қилиб бўлиндимиз? Видолашув вожиб бўлдимиз?

— Ха, вожиб бўлди, — деб жавоб қилди уста, сўнг кўнгли таскин топиб, Воланднинг юзига тик ва дадил қаради. Ана шунда Воланднинг даҳшатли овози тепалик узра худди Исрофилнинг сури' янглиғ баралла янгради:

— Вақт бўлди! — шундан кейин Бегемотнинг ўткир хуштагию хандон ташлаб кулгани эшитилди.

Отлар олға отилдилар ва суворилар самога парвоз қилиб шамолдек учиб кетдилар. Маргарита минган асов от ҳадеб сувлуғини кемириб, жиловни тортқиларди. Воланднинг ридоси шамолда ёйилиб зулматга бурканаётган осмон гумбази остида ҳамма сувориларга соябон бўлди. Қора соябон бир лаҳзагина елпиниб, фазо бети очилган пайт Маргарита отини учуриб кета туриб орқасига ўгирилди, ўгирилди-ю, энди наинки ранго-ранг миноралар ва улар тепасида чарх уриб учиб юрган аэроплан, балки шаҳарнинг ўзи ҳам аллақачон ғойиб бўлганини кўрди, шаҳар ўрнида фақат туман қолган эди.

Ўттиз иккинчи боб

ГУНОҲДАН ЎТИШ ВА МАНГУ МАКОН

О, тангрилар, тангриларим менинг! Оқшом чоғида замин нақадар ғамгин! Ботқоқлар узра

қалққан туман ғоят сирли. Буни ўша машъум туманларда адашган, ўлими олдидан кўп укубатларни бошидан кечирган, ушбу замин узра ниҳоятда оғир юк билан парвоз қилган одамларгина билади, Буни яшашдан ҳориган одам билади. Шу боис у замин туманини унинг ботқоқ ва дарёларини асло афсусланмай тарк этади ҳамда ўзини ажал кўлига хотиржамлик билан топширади, чунки у шу ажалгина унга таскин беришини тушунади.

Сеҳрли қора отлар ҳам югуравериб ҳоришди, энди улар базўр лўкиллаб борардилар, зулмати ҳақ суворилар ортидан қувиб келиб қолган эди. Ҳаттоки тиниб-тинчимас Бегемот ҳам орқасидан қувиб келаётган қоронғи тунни ҳис қилиб, гунг бўлиб қолди; у ўткир тирнокларини эгарга ботириб, думини шамодда хилпиратганча жиддий қиёфада сукут сақлаб учиб борарди. Тун ўрмонунинг ўтлоқлар устига қора рўмол ёпаркан, олис-олисларда, пастда маънос ва хира чирокларни — Маргаритага ҳам, устага ҳам энди қизиғи қолмаган, нокерак ва бегона чирокларни ёқа бошлади. Мана, тун суворилардан ҳам ўзиб ўтди ва улар устига зулмат элаб, шумшук самонинг гоҳ у, гоҳ бу ерига юлдузлар отиб, оқ доғлар ҳосил қила бошлади.

Тун тобора қуюқлашар, суворилар билан ёнма-ён парвоз қилиб, уларнинг ридоларини елкаларидан ечиб олар, сохталикларини фош қиларди. Шу пайт ишши салқин шаббодага тутиб бораётган Маргарита кузларини очиб, ўз манзили сари учиб бораётган бу сувориларнинг қиёфалари ўзгара бошлаганини кўрди. Осмон ортидан қирмизи тўлиной сувориларга пешвоз кўтарила бошлаганда эса барча фириблар барбод пўлди, муваққат жодугарлик либослари ботқоқликка тушиб, туман ичида ғарқ бўлди.

Ҳозир Маргаританинг ўнг кўлида, Воланд билан кифтма-кифт учаётган махлукқа қараб, унинг аслида таржимонга муҳтож ҳам бўлмаган сирли консультантнинг таржимони сохта Коровьёв-Фагот эканлигига ҳеч ишониб бўлмас эди. Жулдур цирк кийимида Чумчук, тепани тарк этган Коровьёв-Фагот ўрнида энди тўқ бинафша ранг совут кийган, чеҳраси ҳамиша гумшайган маҳзун рицарь отнинг олтин занжирдан жалган жловини оҳиста шиқиллатиб елиб борарди. У иягини кўксига тираб олган, ойга ҳам қиё боқмай, пойидаги заминга ҳам парво қилмай, ўзича қандайдир хаёлларга ғарқ бўлиб, учиб борарди.

— Вой, нега бунчалик ўзгариб кетди у? — деб оҳиста сўради Маргарита шамолнинг ғувиллашига жўр бўлиб.

— Бу рицарь бир вақтлар ўринсиз ҳазил қилиб кўйган эди, — деб жавоб қилди Воланд юзини Маргаритага ўгириб — унинг бир кўзи оҳиста ёнарди, — унинг зиё ва зулмат тўғрисида гапириб туриб, тўқиган тажнис²⁹ унча яхши чиқмаган эди. Шундан сўнг у мўлжалидан ортиқроқ ва узоқроқ ҳазил қилишга мажбур бўлган. Лекин бугунги тун айни ҳисоб-китоб тунини. Рицарь ҳам орани очди қилиб, ҳисобни ёпди!

Тун Бегемотнинг бароқ думини ҳам узиб, баданининг тукини ҳам юлиб олди ва уларни худди савағичдай титкилаб, ботқоқликларга сочиб юборди. Зулмат султонининг масхарабози бўлган мушук қотмагина йигитчага, шайтон-махрамга, дунёда қиёси йўқ қизиқчига айланган эди. Энди у ҳам шўхликни ташлаб, навқирон юзини ой шуъласига тутганча жимгина тикилиб борарди.

Ҳаммадан четда Азazelло пўлат аслаҳаларини ярақлатиб учиб борарди. Ой унинг ҳам чеҳрасини ўзгартирган эди. Унинг бесўнақай, хунук-бедаво сўйлоқ тиши ғойиб бўлган, кўзининг ғилайлиги ҳам қалбаки бўлиб чиққан эди. Унинг иккала кўзи ҳам бир хил, бўм-бўш ва қоп-қора, юзи эса оппоқ ва совуқ эди. Энди Азazelло ўзининг асл қиёфасига — қақраган саҳро иблиси, каттол азроил қиёфасига кирган эди.

Маргарита ўзини кўра олмасди, лекин устанинг қанчалик ўзгариб кетганини аниқ кўраётган эди. Устанинг сочлари энди ой нурида оқариб, энсасида бир ўрам сочга айланган ва шамолда хилпираб борарди. Шамол унинг ридосини учирган пайтда, баланд қўнжли этигининг

²⁹ Тажнис — сўз ўйини.

юлдузсимон шпорлари гоҳ сўниб, гоҳ порларди. Уста худди навжувон шайтонга ўхшаб кўзини ойдан узмай бораркан, унга қараб ўзипинг энг яхши, ардоқли танишидек жилмаяр ва 118-хонада ўрганган одатига кўра, ўзича бир нималарни ғўлдирарди.

Ва ниҳоят, Воланд ҳам ўзининг ҳақиқий қиёфасига кирган эди. У минган отнинг жилови нимадан ясалган деб сўралса, Маргарита айтиб бера олмасди, шу боис уни ой шуъласидан ясалган занжир бўлса керак деб ўйларди, отни эса — қуюқлашган зулмат, унинг ёлини — булут, сувори оёғидаги шпорларни — юлдузларнинг оқ доғи деб ҳисобларди.

Улар шу зайлда теран сукутда узоқ учдилар, ниҳоят уларнинг пойи остидаги замин ҳам ўз қиёфасини ўзгартира бошлади. Шумшук ўрмонлар зулмат қаърига ғарқ бўларканлар, шамширнинг дамани эслатиб, кўзга ғира-шира ташланган дарёларни ҳам ўзлари билан олиб кетдилар. Пастда маҳобатли думалоқ тошлар ялтираб кўринди, уларнинг оралари ой ёғдуси тушмаганлигидан зим-зиё эди.

Воланд от жиловини тортиб, уни усти ясси тоштепага қўндирди, бошқа суворилар ҳам унга эргашишди; уларнинг қулоғига от тақаларининг тош ва чакмоқтошларга урилгани эшитиларди. Ой бу майдончани оч-яшил шуъла билан чароғон қилган эди, шунга кўра, Маргарита бир лаҳзадан сўнг бу ҳувиллаган хилватгоҳда тош курсини ва упда ўтирган бошдан-оёқ оппоқ кийинган одамни кўрди. Бу одам ё кар, ёки жуда теран ўйга толган бўлса керак. Негаки, отларнинг пойи остида тоштепанинг ларзага келганини ҳам эшитмади, натижада суворилар уни ҳеч безовта қилмай истиқболига етиб бордилар.

Ой энг яхши электр фонаридан ҳам ёруғроқ шуъла сочаётгани сабабли Маргарита курсида ўтирган одамнинг ҳадеб кафтларини бир-бирига ишқаётганини, унинг сўқирга ўхшаган кўзлари тикка тўлинойга қадалганини кўрди. Энди Маргарита ой шуъласидан у ер-бу ери милтиллаётган залварли тош курси ёнида ётган қулоқлари учли жуда баҳайбат бир итни ва унинг ҳам ўз эгаси сингари ойга безовта бўлиб тикилаётганини кўрди.

Ўтирган одамнинг оёғи остида синган кўзанинг сопалаклари сочилиб ётар, тўқ-қизил кўлмак хануз қуримаган эди.

Суворилар отларини тўхтатишди.

— Романингизни ўқиб чиқишди, — деб гап бошлади Воланд устага ўгирилиб, — фақат битта фикр айтишди: таассуфки, роман тугалланмаган. Хуллас, мен сизга ўз қаҳрамонингизни кўрсатгим келди. Мана, сал кам икки минг йилдирки, у шу майдончада ухлаб ўтиради, лекин кўкка тўлиной қалққан пайтларда, кўриб турибсиз, уйқусизликдан изтироб чекади. Уйқусизлик нафақат уни, шунингдек, садоқатли соқчиси — итга ҳам азоб беради. Қўрқоқлик — энг оғир иллат, деганлари агар тўғри бўлса, бу борада итда гуноҳ йўқ. десак бўлади. Зеро бу довюрак кўппак дунёда фақат бир нарсдан — момақалдироқдан кўрқар эди. Ҳай, начора, севган одам ўз севгилисининг қисматига шерик бўлмоғи лозим.

— У нима деяпти? — деб сўради Маргарита ва хотиржам чехрасида ачиниш ифодаси намоён бўлди.

— У мудом бир гапни такрорляпти, — деган Воланднинг овози янгради, — ой ёғду сочганда ҳам менга тинчлик йўқ, вазифам — оғир вазифа, деяпти, У ухламаган пайтда доим шу гапни такрорлайди, ухлаган чоғида эса, ҳамиша битта нарсани — ой ёғдусидан яралган йўлкани туш кўради; у мана шу йўлкада юриб, маҳбус Ҳа-Ноцри билан суҳбатлашишни хоҳлайди, чунки унинг таъкидлашича, бир вақтлар, баҳорги нисон ойининг ўн тўртинчи куни унга айтадиган гапини айта олмай қолган экан. Лекин, эвоҳ, ўша ойдин йўлкага чиқиш негадир унга ҳеч насиб бўлмаяпти, хузурига ҳам ҳеч ким келмаяпти. Бас, шундай экан, илож қанча, ўзи билан ўзи суҳбатлашадида. Аммо уқбатга бирон янгилик киритиш керак-ку, шунга кўра, у ой ҳақида мулоҳаза қиларкан, кўпинча, ҳаммадан ҳам ўз боқийлигим ва шон-шухратимнинг мислсизлигини ёмон кўраман, деб кўшиб кўяди. Яна ўз тақдиримни чувринди саёқ Левий Матвейнинг гақдирига жон-жон деб алмашган бўлардим, деб таъкидлайди.

— Бир вақтлардаги бир ой учун ўн икки минг ойдан воз кечиш — жудаям кўп эмасми? — деб сўради Маргарита.

— Яна Фрида воқеаси такрорланяптими? — деди Воланд, — қўйинг, Маргарита, асло ҳаяжонланманг бу ерда. Ҳаммаси рисоладагидек бўлади, дунё ўзи шунинг замирига қурилган.

— Озод қилинг уни, — деб Маргарита худди жодугар бўлган пайтидагидек бирдан жон ҳолатда чинқириб юборди, бу чинқириқ зўридан тоғдан тош кўчиб, дўнгликдан дўнгликка урилиб, гумбурлаганча тубсиз жар қаърига тушиб кетди. Бу — жарга қулаган тошнинг гумбурлашимиди ё иблисона қаҳқаҳанинг жарангимиди, Маргарита айта олмас эди. Нима бўлганда ҳам, Воланд Маргаритага кулиб боқаркан, шундай дерди:

— Тоғлиқ ерда бақириш керак эмас, у кўчкига кўникиб қолган, унга парво ҳам қилмайди. Сиз, Маргарита, унинг ёнини олиб илтимос қилмай кўя қолинг, негаки, бошқа одам, у суҳбатлашиш иштиёқида бўлган одам, аллақачон унинг учун илтимос қилган, — шу гапдан кейин Воланд яна устага ўгирилиб деди: — Мана, энди сиз романингизни битта жумла билан яқунлашингиз мумкин!

Тош курсида ўтирган прокуратордан кўз узмасдан кимир этмай турган уста гўё шу гапни кутаётгандай икки кафтини оғзига карнай қилиб, шундай бақирди-ки, овозининг акс-садоси бу хилват ва тақир тоғларда қайта-қайта такрорланди.

— Озодсан! Озодсан! У сени кутмоқда!

Тоғлар устанинг овозидап момақалди роқ бунёд этдилар ва шу момақалди роқ тоғларни барбод этди. Қоя тошлардан тикланган малъун девор қулади. Фақат ясси майдончаю ундаги тош курси қолди. Девор қулаган қоп-қоронғи жарлик узра чароғон улкан бир шаҳар намоён бўлди, неча-неча минг марта келиб кетган тўлиной кечалари давомида гуркураб камол тонган шаҳар боғи узра қад кўтарган маъбудларнинг ҳайкаллари олтиндек товланарди. Прокуратор шунча вақт интизор бўлиб кутган ўша ойдин йўлка тўғри шу боғ сари йўналган эди, кулоқлари учли кўппак биринчи бўлиб шу йўлкадан югуриб кетди. Астари қирмизи ранг оқ ридо кийган ноиб тош курсидан туриб, хирқи роқ, бўғиқ овоз билан бир нима деб қичқирди. Лекин унинг йиғлаётганиям, кулаётганиям, нима деб қичқирганини ҳам аниқлаб бўлмас эди. Унинг ўша ойдин йўлкадан ўз садоқатли кўриқчиси орқасидан югуриб кетганинигина кўришди, холос.

— Мен унинг орқасидан ўша ёққа боришим керакми? — деб сўради безовта уста, отининг жилловини силтаб қўяркан.

— Йўқ, — деб жавоб қилди Воланд, — адои тамом бўлган нарса ортидан қувиш на ҳожат?

— У ҳолда, бу ёққами? — сўради уста орқасига ўгирилиб, яқиндагина ўзи тарк этган мухташам минорали монастирлари бўлган, уйларининг деразаларида куёш бўлак-бўлак бўлиб акс этган шаҳар томонни кўрсатаркан.

— У ёққа ҳам эмас, — деб жавоб қилди Воланд, шунда унинг овози қуюқлашиб, қоялар узра гумбурлади, — хаёлпараст уста! Сиз ҳозиргина озод қилиб юборган, яъни ўзингиз кашф этган қаҳрамон учрашиш иштиёқида бўлган одам романингизни ўқиб чиққан. — Шундан сўнг Воланд Маргаритага ўгирилди: — Маргарита Николаевна! Сиз уста учун энг баркамол истикбол кашф этмоқчи бўлгансиз — биз бундан воқифмиз, илло, мен сизга таклиф қилмоқчи бўлган маслаҳат, айни пайтда, сизнинг номингиздан сиз учун Иешуа илтимос қилган нарса — яна ҳам яхши роқ. Улар икковини ўз ҳолига қўйинг, — деди Воланд уста томонга энгашиб, прокуратор югуриб кетган томонни кўрсатаркан, — уларга халал бермайлик. Эҳтимол, ўзлари бирон битимга келишар, — шундан сўнг Воланд Ершалаим томонга қараб бир қўл силтаган эди, шаҳар чироқлари сўнди.

— У ёқда ҳам, — деб Воланд орқа томонга ишора қилди, — нима қиласиз ўша подвалда? — Шунда деразаларда акс этаётган офтоб парчалари сўнди. — Нима ҳожати бор? — деб давом этди Воланд қатъий, аммо мулойим оҳангда, — о хаёлпарастлар хаёлпарастии уста, наҳот сиз эндигина гулга кирган олчалар тагида ўз маҳбубангиз билан ҳар куни сайр қилиб юришни,

кечкурунлари эса Шубертнинг музикасини тинглашни истамасангиз? Наҳот шамлар ёруғида патқалам билан асар ёзиш сизга хузур бағишламаса? Наҳотки сиз Фаустга ўхшаб янги гумонкул' ихтиро этиш ниятида регорта устида фикр юритишни хоҳламасангиз? Ўша ёққа, ўша ёққа йўл олинг. У ерда сизни ўз уйингиз, уйингизда кекса хизматкорингиз кутмокда, шамлар ёқилган, ҳадемай улар ўчади, зеро сиз етиб борган заҳотингиз тонг шафағи сизни пешвоз чиқиб кутиб олади. Мана бу йўлдан, уста, мана бу йўлдан боринг. Алвидо! Мен кетдим.

— Алвидо! — деб баравар кичкиришди Маргарита билан уста. Шунда қора ридога ўралган Воланд йўл қолиб, тўғри бориб тубсиз жар қаърига кулади, мулозимлари ҳам униинг орқасидан жарга гумбурлаб йиқилишди. Шунда атрофдаги қоялар ҳам, майдонча ҳам, ойдин йўлка ҳам, Ершалаим ҳам — ҳаммаси ғойиб бўлди. Қора отлар ҳам кўздан йўқолди. Шу пайт уста билан Маргарита ваъда қилинган тонг шафағини кўрдилар. У шу оннинг ўзида, ярим кечада, тўлиной порлаб турган пайтда бошланди. Уста ўз маҳбубаси билан бирга тонгнинг илк шуъласидан баҳраманд бўлиб, ҳаммаёғини йўсин ўраган тош кўприкчадан ўта бошладилар. Жилға ошиқ-маъшуклар орқасида қолди, энди улар қумли йўлдан юриб кетдилар.

— Сукунатга қулоқ сол, — дерди Маргарита, унинг ялангоёқлари остида қум шувилларди, — ҳаётингда сенга насиб этмаган нарса — сукунатни тинглаб хузур қил. Қара, хув ана сенга тухфа этилган мангу маконинг. Унинг уч табақали деразасини, томигача кўтарилган ток наваларини кўряпман. Мана шу сенинг уйинг, мангу маконинг. Биламан, кечкурунлари олдинга ўзинг хуш кўрган, сени қизиқтирган ва дилингни оғритмайдиган одамлар келишади. Улар сен учун созлар чалишади, кўшиқлар куйлашади, шамлар ёқилганида хонангнинг қандай рангда эканлигини кўрасан. Сен ҳар куни кечкурун ёғи чиқиб кетган ўша абадий қалпоғингни кийиб, лабларингда табассум билан пинакка кетасан. Уйку сенга дармон беради, сен доно мулоҳазалар юритасан. Аммо мени энди ёнингдан қувиб юбора олмайсан. Сенинг оромингни мен муҳофаза қиламан.

Шундай дерди Маргарита уста билан бирга унинг мангу макони сари бораркан, устанинг назарида, Маргаританинг сўзлари ҳозиргина орқада қолган жилға сингари оҳиста жилдираётгандек эшитиларди, шунда устанинг хотираси — беҳисоб уколларга бардош берган бесаранжом хотираси аста сўна бошлади. Кимдир устани озодликка чиқараётган эди, худди унинг ўзи ҳозиргина ўзи яратган қаҳрамонини озод қилгани каби. Мана, мангу ер қаърига кириб кетди ўша қаҳрамони — якшанбага ўтар кечаси гуноҳи кечирилган мунажжимзода, Иудеянинг бадқаҳр бешинчи прокуратори чавандоз Понтий Пилат.

ХОТИМА

Хўш, ўша шанба оқшоми, кун ботар чоғда Воланд ўз мулозимлари билан Чумчуқ тепадан учиб ғойиб бўлгач, Москвада нималар бўлган эди?

Бутун пойтахтнинг ақл бовар қилмайдиган миш-мишлардан анча вақтгача худди чўп тиқилган ари уяси каби ғувиллагани ва бу миш-мишлар кўз очиб-юмгунча вақт ўтмай, мамлакатнинг энг йироқ, хилват гўшаларигача етиб боргани ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади, зеро ўша тутуриқсиз миш-мишларни такрорлашдан ҳазар қилади киши.

Ушбу ҳаққоний сатрларни ёзаётган камина шахсан ўзим поездда Феодосияга кетатуриб, Москвада бирваракайига икки минг киши театрдан қип-яланғоч ҳолда кўчага чиққани ва шу аҳволда уй-уйларига таксомоторларда жўнаб кетгани ҳақида ўз қулоғим билан эшитдим.

Сутга навбатда турганлар орасида, трамвайларда, магазинларда, квартиралар ва уларнинг ошхоналарида, ҳам узокқа, ҳам шаҳар чеккасига қатновчи поездлардаю уларнинг бекатларида, боғ ҳовлилару пляжлар-да — ҳамма ерда «Шайтон...» деб пичирлаган овозлар эшитиларди.

Турган гапки, аҳолининг энг фаросатли, энг маданиятли намояндалари шайтон ҳақида бутун пойтахтга ёйилган бу гаплардан ўзларини четга олишар ва ундай миш-мишлар устидан

кулишиб, уларни тарқатиб юрганларни тартибга чақиришга уринардилар. Лекин факт фактлигича қолади, дейдилар, бинобарин, исботламасдан туриб уни рад этиш асло мумкин эмас, кимлардир пойтахтда бўлган. Грибоедовнинг куйиб кул бўлгани, ундан бошқа юз берган яна жуда кўп воқеалар шайтон ҳақида тарқалган миш-мишларнинг ростлигидан далолат бериб турарди.

Маданиятли кишилар, бу — ўз касбининг пири бўлган кўзбойлоқчи ва ғойибдан хабар берувчи ромчилар тўдасининг иши, деб тергов аҳлининг фикрини тасдиқладилар.

Турган гапки, бу тўдани тутиш учун Москвада ҳам, ундан ташқарида, олис-олис ерларда ҳам жадал равишда, кескин чоралар кўрилди, бироқ минг афсуски, бу тадбирлар ҳеч қандай натижа бермади. Ўзини Воланд деб атаган шахс ва унинг шериклари ғойиб бўлишиб, шундан кейин Москвага ҳам бошқа қайтиб кслишмади, бошқа ҳеч бир ерда ҳам қораларини кўрсатишмади. Натижада, ўша Воланд хорижга қочган, деган мулоҳаза туғилди, лекин у ёқларда ҳам ундан ҳеч бир дарак бўлмади.

Воланд иши юзасидан бошланган тергов узоқ давом этди. Ахир бу ўта қабиҳ иш эди-да! Унинг дастидан, пайинки тўртта уй ёниб кул бўлди, наинки юзлаб одамлар телба бўлиб қолди, ҳатто ўлганлар ҳам бор эди. Улардан иккитаси ҳақида: Берлиоз билан анави Москванинг диққатга сазовор ерлари билан ажнабийларни таништириш бюросининг бахти қаро ходими собиқ барон Майгель ҳақида дадил гапириш мумкин. Ахир, улар чинданам ўлдирилган эдиларда. Майгелнинг куйган суяклари Садовая кўчасидаги уйнинг 50-квартирасидан ёнғин ўчирилгач топилди. Ҳа, қурбонлар бўлган ва бу қурбонлар тергов қилишни талаб этардилар.

Лекин Воланд пойтахтни тарк этиб чиқиб кетганда кейин ҳам қурбонлар бўлди, энди, айтишга тил бормади, қора мушукларга қирғин кела бошлади.

Одамзодга ҳам вафодор, ҳам фойдали бўлган бу ювош жониворларнинг тахминан юзга яқини мамлакатнинг турли ерида отиб ташланди, ёки ўзга усул билан маҳв этилди. Ҳаддан ташқари расвою радди бало қилиб ташланган ўн бештача мушук ҳар хил шаҳарда милиция бўлимига олиб келинди. Масалан, Армавирда бир гражданин ўша бегуноҳ жониворлардан бирини, олдинги икки оёғини боғлаб, милицияга судраб борган.

Ўша гражданин, ўз одати бўйича, атрофга олазарак бўлиб, ўғринча энди ўзини майса орасига урмоқчи бўлиб тургап мушук устига ўзини таппа ташлаган-у, уни боғлаш учун бўйнидан галстугини ечаркан, жаҳл билан дағдаға қилиб деган: — Аҳ-ҳа! Энди бизнинг Армавирга ҳам ташриф буюриптилар-да, жаноб кўзбойлоқчи? Йў-ўқ, бу ерда сиздан кўрқадиган анойи йўқ. Ўзингизни гунг қилиб кўрсатмай кўя қолинг. Кимлигингиз бизга отнинг қашқасидай маълум!

У гражданин жониворнинг яшил галстук билап чамбарчас боғланган олдинги оёқларидан судраб, уни орқа оёқда юришга мажбур қиларкан, йўл-йўлакай ундан дўнг олиб борган. Кўчада ўйпаб юрган болалар бу ҳолни кўриб, қийқиришиб унга эргашишган.

— Сиз, — деб қичқирган гражданин, — бас қилинг, бас қилинг майнавозчиликни! Овора бўласиз! Хамма одамларга ўхшаб икки оёқда юраверинг!

Шўрлик қора мушук эса алам тўла кўзларини кўкка тиккан холос. Гапириш қобилиятидан маҳрум бўлиб дунёга келган бу жонивор, турган гапки, ўзини оқлашга ожиз эди. Хайрият, бахти бор экап, бечорани қутқариб қолишган. Бунинг учун у биринчи навбатда милицияга, ундан кейин ўз эгаси мухтарама бева кампирга миннатдорчилик билдириши керак. Мушукни милиция бўлимига олиб борган гражданиннинг ғирт мастлиги бир зумда маълум бўлган-у, унинг берган гувоҳликлари шубҳали бўлиб туюлган. Бу орада мушугини тутиб олиб кетишганини қўшниларидан эшитган кампир милиция бўлимига югуриб, айна вақтида етиб келган. Кампир мушуги ҳақида кўп мақтов сўзлар айтиб, уни беш йилдан бери, яъни мушук болалик пайтидан билиши, унга худди ўзига ишонгандай ишониши ҳақида кафолот берган ва мушутининг ҳеч қачон ҳеч қандай эгри иш қилмагани, Москвага ҳам ҳеч қачон бормаганини далиллар билан исботлаб берган. Кампирнинг айтишича, мушуги шу Армавирда гуғилиб, шу ерда ўсиб

улғайган, сичқон тутигадан ҳам шу ерда сабоқ олган.

Ниҳоят, мушук бандиликдан озод қилиниб, эгасига қайтарилган, лекин хато ва тухмат азобни ўз бошидан кечиргандан кейингина озод булган у шўрлик.

Мазкур найранглар оқибатида наинки мушуклар, ҳатто баъзи одамлар ҳам жузъий кўнгилсизликларга дуч келишди. Ҳибсга олишлар юз берди. Қисқа муддатга қамалганлар орасида: Ленинградда — Вольман ва Вольпер деган граждандар, Саратов, Киев ва Харьковда — Володин фамилияли уч киши, Қозонда — Волох, Пензада эса мутлақо номаълум сабабларга кўра, химия фанлари кандидати Ветчинкевич деган одам камоққа олинди. Шуниси борки, у дароз бўйли, қорачадан келган, қора соч одам эди.

Бир гражданини Белгород бекатида Севастополь поездидан қўлларини боғлаб олиб тушишди. У ўз хдмроҳларига қарта ўйинида аломат фокуслар кўрсатаётган экан.

Ярославлда эса айна тушлик пайтида бир гражданин хозиргина устадан олган примус билан ресторанга кирган. Икки эшикоғаси уни кўра солиб, ўз постларидан ура қоча бошлаганлар, улар орқасидан эса ресторан ходимлари ва барча хўрандалар югуриб қолишган. Худди шу маҳал кассир аёлнинг галадонидаги пулнинг ҳаммаси номаълум сабабларга кўра бирдан ғойиб бўлган.

Яна кўп ҳодисалар содир бўлган — ҳаммасини эслаш қийин. Хуллас, ақл бовар қилмайдиган ишлар юз берган эди.

Тергов аҳлига минг офарин. Улар наинки жинойтчиларни тутиш, шунингдек, уларнинг барча кирдикорларини изоҳлаб бериш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилишди. Хар битта ҳодиса изоҳлаб берилди. Биз бу изоҳларни ғоят бамаъни ва рад этиб бўлмайдиган изоҳлар деб эътироф этмай иложимиз йўқ.

Тергов аҳли ва тажрибали психиаторларнинг таъкидлашларича, ўша жинойтчи тўданинг аъзолари ёки улардан биронтаси (бу борада кўпчилик Коровьевни назарда тутар эди) ўзларини ўз турган ерларида эмас, бошқа — сохта ерда тургандек қилиб кўрсатишга қодир, энг иқтидорли гипнозчилар бўлишган. Бундан ташқари, улар ўзларига рўпара келган одамларга, айрим буюму одамларни ҳақиқий турган еридан бошқа жойда деб уқдира олишган ва аксинча, одамларнинг кўзи олдида турган буюм ва шахсларни уларнинг назаридан яширишга қодир бўлишган..

Шундай изоҳлар натижасида содир бўлган ҳамма ҳодиса, ҳаттоки одамларни қаттиқ ҳаяжонга солган ва изоҳлаш тамомила мушкул бўлган 50-квартира воқеаси, яъни пистолетлардан ўққа тутилган мушукка не сабабдан ўқ қор қилмаганлиги ҳам ойдинлашди.

Табиийки, ҳеч қандай мушук қандилга осилиб олмаган ва ҳеч бир жонзод у ердан туриб ўқ отмаган, билъакс, жиний ишга қўл урган пайтларда одамларга ўз таъсир кучини ўтказиш қобилиятига эга бўлган найрангбоз Коровьев ўқ отаётганларнинг орқасида туриб олиб, уларнинг дилига, мушук қандилга осилиб олиб ўқ отмоқда, деган фикрни солган ва уларни мазах қилиб бўшлиққа қарата ўқ узишга ундаган. Квартирага бензин сеппиб ўт қўйиб юборган ҳам шу Коровьевнинг ўзи бўлган.

Маълумки, Стёпа Лиходеев мутлақо Ялтага учиб кетмаган (бу найранг ҳатто Коровьевнинг ҳам қўлидан келмасди), у ёқдан ҳеч қанақа телеграмма ҳам юбормаган. У заргар бевасининг квартирасида Коровьев кўрсатган фокусдан (сиркаланган кўзиқоринни санчқига илиб еяётган мушукдан) кўрқиб хушидан кетганча, то Коровьев, масхара қилиш мақсадида, унинг бошига кигиз шляпа кийдириб Москва аэродромига жўнатгунча шу ерда ётган, айна пайтда Коровьев Стёпани кутиб чиққан жиний қидирув вакилларининг дилига Стёпа Севастополдан учиб келган аэропландан тушади, деган фикрни солган.

Тўғри, ялта жиний қидирув бўлими ялангоёқ Стёпани қабул қилиб олгани ва унинг тўғрисида Москвага телеграммалар юборганини тасдиқлаган эди, лекин шунга қарамай, ўша телеграммалардан биронтасининг ҳам нусхаси топилмади, натижада, гипнозчилар тўдаси ниҳоятда олис масофадаги, нафақат айрим шахсларни, ҳатто гала-гала одамларни ҳам гипноз

қилиш қобилиятига эга, деган кўнгилсиз, лекин ниҳоятда собит хулоса келиб чиқди бундан. Демак, жиноятчилар мазкур шароитда руҳияси энг мустаҳкам одамларни ҳам жинни қилиб қўйишлари мумкин экан.

Энди, партерда ўтирган бегона одамнинг чўнтагидан бир даста карта чиққани ёки аёллар эғнидаги кўйлақларнинг ғойиб бўлиши, ёхуд миёвловчи берет ва шу каби қанчадан-қанча икир-чикир воқеалар масаласига келсак, улар гапириб ўтиришга ҳам арзимайди! Бунақа найрангни, шу жумладан, конференсьенинг бошини узишдек оддий найрангни ҳам, ҳар қандай ўртамиёна мутахассис-гипнозчи ҳар қанақа саҳнада намоёиш қила олади. Гапирувчи мушук ҳам ҳамирдан қил суғургандек осон иш. Одамларга бундай мушукни намоёиш қилиш учун ғойибдан дарак беришга қодир ромчиликнинг дастлабки сабоқларини ўзлаштиришнинг ўзи кифоя. Коровьёв маҳоратининг эса бу дастлабки сабоқдан анча олдинлаб кетганига ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Ҳа, масала бу ерда даста-даста қарталарда ҳам, Никонор Ивановичнинг портфелидан чиққан сохта хатларда ҳам эмас. Буларнинг бари арзимас нарсалар. Берлиозни трамвайга бостириб ўлдирган шу — Коровьёв эди. Шоир Бездомний шўрликни жинни қилган ҳам, кейин унинг беҳаловат уйқусида кўхна Ершалаимни, офтобда жизғанак бўлиб ётган Тақир Тепада устунларга боғланган учта қатлини туш кўришга мажбур этган ҳам шу эди. Кейин Маргарита Николаевна билан унинг уй ходимаси Наташани Москвадан учиб чиқиб кетишга мажбур қилган ҳам шу Коровьёв ва унинг шериклари бўлди. Дарвоқе, терговчилар бу ишга ниҳоятда катта эътибор беришди. Уларнинг олдида, бу икки аёл қотиллару ўт қўювчилар томонидан ўғирлаб кетилганми ё улар ўша жиноятчилар тўдасига ўз ихтиёрлари билан қўшилишганми, деган жумбоқни ечиш вазифаси турар эди. Мана, ниҳоят, улар Николай Иванович берган тутуриқсиз ва чалкаш гувоҳликларга суянган ҳолда ҳамда Маргарита Николаевнанинг жодугар бўлиб кетяпман деган мазмунда эрига ёзиб қолдирган хатини назарда тутиб, Наташанинг ўз кийим-бошларидан биронтасини ҳам олмай ғойиб бўлганини ҳисобга олиб, уй бекаси билан унинг ходимаси ҳам кўпчилик одамлар сингари гипноз қилинган ва шу шароитда босқинчилар томонидан ўғирлаб кетилган деган хулосага келдилар. Жиноятчиларни бу икки аёлнинг гўзаллиги ром қилган бўлса ажаб эмас, деган мулоҳаза (мутлақо тўғри мулоҳаза) ҳам йўқ эмас эди.

Лекин бир нарса: ўзини уста деб юритган телба одамни психиатрия пшфоҳонасидан ўғирлаб олиб кетишга жиноятчиларни нима мажбур қилгани аниқланмай, мавҳумлигича қолди. Шунингдек, ўғирланган беморнинг фамилиясини ҳам билиб бўлмади. Шу зайлда у «Биринчи корпусдаги бир юз ўн саккизинчи» деган ўлик лақаб билан мангу дом-дараксиз кетди.

Шундай қилиб, ҳамма нарса ойдинлашди, тергов ҳам ибтидоли ҳар бир нарса каби ўз ниҳоясига етди. Орадан бир неча йил ўтиб, одамлар Воландни ҳам, Коровьёвни ҳам, уларнинг қолган шерикларини ҳам унута бошлашди. Воланд билан унинг ҳамтовокдаридан жабрланганлар ҳаётида кўпгина ўзгаришлар юз берди, лекин бу ўзгаришлар қанчалик майда ва аҳамиятсиз бўлмасин, барибир уларни қайд қилиб ўтмоғимиз лозим.

Чунончи, Жорж Бенгальский шифоҳонада уч ой ётиб тузалиб чиқди, лекин Варьетедаги хизматидан бўшашга мажбур бўлди, ҳолбуки, бу пайтда театрга томошабин ёпирилиб келадиган бўлиб қолган эди — жодугарлик ва унинг фош этилиши сеанси хануз одамлар хотирасидан ўчмаган эди-да. Ҳа, Бенгальский Варьетедан бўшади, чунки ҳар куни кечкурун икки минг киши оддига чиқиб, уларнинг: ўзингизни қачон яхшироқ ҳис қиласиз: каллангиз борлигидами ё йўқ пайтидами? — деб берган таҳқиромуз саволларипи муттасил эшитиш унга жуда оғир ботарди.

Ундан ташқари, конференсьенинг ўз касби учун сув билан ҳаводек зарур бўлган аввалги хушчакчаклиги анча чекланиб қолган эди. У ҳар йили баҳорда ваҳимага тушиб, бирдан бўйнини чангаллаб оладиган, атрофига олазарак бўлиб кўрқа-писа қараб, йиғлаб юборадиган иохуш ва дардли бир одат чиқарган эди. Бу тутқаноқнамо дард ўғиб кетарди албатта, аммо шунга

қарамай, бундай иллат билан аввалги ишда ишлаб бўлмас эди, шунга кўра у истеъфога чиқиб, ўз жамғарган пулига камтарона кун кечира бошлади: гахмипича, бу пули ўн беш йилга етиши керак эди.

Варенухага келсак, у барча театр маъмурлари орасида ҳам ўзининг бениҳоя ҳозиржавоблиги ва серилтифотлиги билан кўпчилик театр шайдоларининг меҳрини қозонган эди. Масалан, контрамарка сўраб келадиганлар уни фақат валинеъматим деб чақирардилар. Варьетега ким қай маҳал телефон қилмасин, ҳаминша трубкадан: «Кулоғим сизда», — деган мулойим ва ҳазин овозни эшитарди. Варенухани чақириб берсангиз, деб илтимос қилинадиган бўлса, яна ўша овоз шоша-пиша: «Хизматингизга тайерман», — деб жавоб қиларди. Лекин Иван Савельевич ўзининг бу хушмуомалалигида кўп азоб чекардиям.

Стёпа Лиходеёвга ҳам энди Варьетедан ўтириб телефон қилиш насиб бўлмади. Уни, саккиз кун шифохоода ётиб чиққанидан сўнг, дарҳол Ростовга жўнатишди, у ерда унга катта бир гастронимнинг мудури лавозимини беришди. Овозаларга қараганда, у портвейн ичишни ташлаб, ҳозир фақат қарағай гул-куртаги солинга арақ ичармиш, бунинг натижасида, жуда соғлом бўлиб кетганмиш. Яна у қизлардан ўзини олиб қочадиган ва камгап бўлиб қолипти.

Степан Богдаповичнинг Варьетедан олиниши гарчи Римскийнинг кўп йиллик ширин орзуси бўлса ҳам, энди, бу ҳол юз берганида, у қувона олмади. Жудаям мункиллаб чол бўлиб қолган, калласи сарак-сарак қилувчи бу молия директори шифохонадан чиқиб, Кисловодскда дам олди, у ердан қайтиб келиши ҳамано Варьетедан бўшаш ҳақида ариза берди. Қизиғи шундаки, аризасини Варьетега унинг хотини олиб келди. Григорий Даниловичнинг эса ой шуъласига ғарқ бўлган, бир кўзи дарз дераза дарчасидан худди резинкадай чўзилиб унинг пастки илгагини очмоқчи бўлган ўлик кўлни кўрган ўша бинога энди ҳатто кундуз куни ҳам қадам қўйишга юраги бетламас эди.

Римский Варьетедан бўшагач, Замоскворечьедаги болалар кўғирчоқ театрига ишга кирди. Бу театрда энди унга акустика масаласида муҳтарам Аркадий Аполлонович Семплеяров билан учрашиш насиб бўлмади. Чунки уни ҳаш-паш дегунча Брянска кўчиришиб, кўзиқорин тайёрлаш пунктига мудир этиб тайинлашган эди. Мана, энди москваликлар ҳар хил навдаги тузланган, сиркаланган кўзиқоринларни мацца қилиб истеъмом қилишаркан, бу кўчиришдан бениҳоя мамнун бўлмоқдалар. Ўтган ишга салавот-у, лекин очигини айтадиган бўлсак, Аркадий Аполлоновичнинг акустика бобидаги фаолиятида ҳеч иши ўнгидан келмаган, уни яхшилаш учун қилган барча хатти-ҳаратлари зое кетган эди.

Театр билан алоқани узганлар сафига Аркадий Аполлоновичдан ташқари яна Никонор Иванович Босойни ҳам киритиш мумкин, ваҳоланки, гарчи у, текин билетга ишқивоз бўлса ҳам, театрга асло дахлдорлиги йўқ эди. Ҳозир Никонор Иванович наинки биронта театрга (хоҳ у пулли бўлсин, хоҳ текин) боради, ҳаттоки ҳамсуҳбатлар даврасида театр мавзуида гап очилгудек бўлса, ранги қув ўчиб кетадиган бўлиб қолган. У нафақат театрни, шунингдек шоир Пушкинни ва истеъдодли артист Савва Потапович Куролесовни ҳам жинидан ортиқ ёмон кўриб қолган эди. Айниқса, Куролесовни шунчалик ёмон кўрардики, ўтган йили газетада, унинг истеъдоди айни камолга етган чоғда дунёдан кўз юмгани ҳақидаги таъзияномани қора рамка ичида ўқиб қолиб, Николай Иванович чўғдек қизариб кетган ва сал бўлмаса ўзи ҳам ўша Савва Потапович орқасидан йўрға чиқараёзган эди, кейин у: «Ажаб бўпти!» — деб бақириб юборганди. Бу ҳам кифоя қилмай, Никонор Иванович ўша куни кечкурун Садовая кўчасига ёғду сочаётган тўлиной билан бир ўзи улфатчилик қилиб, эсидан оғгунгача ичиб ғирт маст бўлганди, зеро таниқли артистнинг ўлими қатор нохуш ҳодисаларни эслатган эди унга. Никонор Иванович ҳар қадах кўтарган сари, ўзи мушоҳада қилган одамлар сафи узая бордики, бу малъун қиёфалар сафида Герардович Дунчиль ҳам, гўзал Ида Геркулановна ҳам, уришқоқ ғозлар эгаси малласоч одам ҳам, софдил Николай Канавкин ҳам бор эди.

Хўш, ана шу одамларнинг холи нима кечди экан? Ие, саломатликлари керак! Уларга ҳеч

нима бўлгани йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки улар ҳеч қачон ҳаётда бўлган эмас, шунингдек, истараси иссиқ конферансье-артист ҳам, театрнинг ўзи ҳам, валюталарни ертўлага яшириб чиритиб ётган хола — курумсоқ кампир Пороховникова ҳам, инчунун, олти карнайлару суллоҳ ошпазлар ҳам бўлмаган. Буларнинг ҳаммасини палид Коровьевнинг таъсирига учган Никонор Иванович тушида кўрган эди. Тушга кирган шу қиёфалар орасида ягона тирик одам айнан ўша артист Савва Потапович бўлиб, у ҳам радиода кўп чиқиб турганлиги сабабли Никонор Ивановичнинг хотирасига сингиб кетган ва шу боис унинг тушига кирган эди.

Унда, балки Алоизий Могарич ҳам бўлмагандир? Э, йўқ! Бу шахс нафақат бўлган, ҳатто ҳозир ҳам яшаб турипти, яна айнан Римский истеъфо берган ўрин, яъни Варьете директори лавозимида ишлаб турипти.

У Воланд хузурида бўлгач, тахминан бир кеча-кундуздан кейин ҳушига келиб, ўзини Вяткага етай деб қолган поездда кўрган ва ўзининг негадир эси оғиб, Москвадан бош олиб чиқиб кетганини, боз устига, шим кийишни унутиб, ҳеч кераги бўлмаган уй дафтарини ўғирлаб келганини фаҳмлаган. Кейин у жуда катта пул эвазига проводникдан битта яғири чиқиб кетган эски гаим сотиб олиб, Вяткадан орқасига қайтган. Лекин, эвоҳ, ўзи истиқомат қилиб турган уйни топа олмаган. У чолдеворпи ёнғин шип-шийдам қилиб ялаб кетган эди. Бироқ Алоизий ғоят уддабурон одам эди, шунга кўра, икки ҳафтадан кейин у Брюсов тор кўчасида чи-ройли бир хонага жойлашиб олди, яна бир печа ойдан кейин эса у, кўрибсизки, Римскийнинг кабинетида ўтирибди-да. Илгари Римский Стёпапинг дастидан қанчалик машаққат чеккап бўлса, энди Варенуха Алоизийнинг дастидан шунчалик қийналиб жиғибийрон бўларди. Ҳозир Иван Савельевич фақат, зора-мора бу Алоизийни Варьетедан олиб бирон ерга гумдон қилишса, деган армон билан яшарди, чунки унинг кадрдон ёр-дўстлари даврасида пичирлаб айтган гапларига қараганда, «умри бино бўлиб, Алоизийга ўхшагап аблахни ҳеч қачон кўрмаганмиш ва бу малъун Алоизийнинг қўлидан ҳар қанақа бадкорлик келармиш».

Эҳтимол маъмур чиндапам ғаразгўй одамдир. Чунки Алоизийнинг биронта бадкорликка қўл урганини ҳеч ким кўрмаган, умуман, у ҳеч қандай иш қилмаган, агар буфетчи Соковнинг ўрнига янги бир одам тайинланганини ҳисобга олмасак. Аидрей Фомич Соков эса Воланд Москвада пайдо бўлганидан кейин ўн ойча вақт ўтгач МДУнинг Биринчи шифохонасида жигар ракидан вафот этди.

Ҳа, орадан бир неча йил ўтди ва ушбу китобда ҳаққоний тасвирланган воқеалар хиралашиб, одамлар хотиридан ўчиб кетди. Лекин айрим кишиларнинг хотирасидан ҳамон ўчмаган эди у воқеалар.

Х,ар йили баҳорда тантанали тўлиной оқшомида Патриарх кўли бўйидаги жўка дарахтлари тагида ўттиз-ўттиз икки ёшларга кирган бир одам пайдо бўлади. Одмигина кийинган бу малласоч, кўккўз одам — тарих ва фалсафа институтининг ходими профессор Иван Николаевич Понирёвдир.

Бу ерга келиб, у ҳар доим битта скамейкага — ўша машъум оқшомда, ҳозир ҳамма унутиб юборган Берлиоз билан ўтирган скамейкага ўтиради. Ҳа, ўшанда умрининг охири дақиқаларини яшаётган Берлиознинг кўзига ой праца-парча бўлиб бўлинаётгандек туюлган эди.

Энди эса у бир бутун — тўлиной бўлиб, кунботар чоғда оқ, ундан кейинроқ — бетида аждарваш доғ ҳосил қилган заррин тусга кириб собиқ шоир Иван Николаевичнинг боши узра сузар ва айни пайтда юксак самода бир ерда муаллақ қотиб турарди.

Иван Николаевичга ҳамма нарса аён, у ҳамма гапдан воқиф, ҳамма нарсани тушунади. У ёшлигида бадкирдор гипнозчилардан талафот кўрганини, шундан кейин даволаниб, ахири шифо топганини ҳам билади. Лекин шу билан бирга, у баъзи мушкулотларни енга олмаслигини ҳам билади. Чунончи, у мана шу баҳорги тўлиной оқшоми таъсиридан ўзини ихота қилишга ожиздир. Шу пайт яқинлашиб келиши билан, бир замонлар жоме тепасидаги беш шамли қандилдан баландда муаллақ турган тун ёритғичи тўлишиб олтин ранг касб этадию Иван

Николаевич безовта бўлиб, асабийлашади, иштахаси бўғилади, уйқуси қочади ва ойнинг тўлишишини кута бошлайди. Тўлиной оқшоми келганда эса ҳеч бир куч уни уйда ушлаб қола олмайди. Кечга яқин у уйдан чиқиб, тўғри Патриарх кўли томон йўл олади.

Иван Николаевич бу ердаги скамейкада ўтирар экан, энди ўзи билан ўзи ошқора гаплашади, папирос чекади, сузук кўзларини гоҳ ойга, гоҳ ёдида яхши сақланиб қолган ўша машъум турникетга қаратади.

У шу зайлда бир-икки соат ўтириб, кейин ўрнидан туради-да, ҳар гал битта маршрут бўйича, яъни спиридоновкадан ўтиб Арбатга уланган тор кўчалар томон йўл олади, лекин унинг матлгосиз боқувчи кўзлари бу пайт ҳеч нарса кўрмайди.

У нефть дўкони ёнидан ўтиб, кўхна газ фонуси қийшайиб осилиб турган муюлишдан бурилади ва шу ердаги панжара девор олдига оёқ учида юриб боради. Панжара ортида ҳали яшил либос кийиб улгурмаган мухташам боғ бўлиб, боғ ўртасида готи-ка услубида қурилган иморат қад кўтарган. Иморатнинг уч табақали деразалар ўрнатилган бўртиқ хонали томони ой ёғдусига чўмган, нариги томони эса қоп-қоронғи.

Профессор бу ерга уни нима бошлаб келаётганини ҳам, бу бинода ким яшашини ҳам билмайди, лекин тўлиной оқшомида ўз раъйига қарши иш тутмаслиги кераклигини яхши билади. Бундан ташқари, у панжара ортидаги боғда мудом муқаррар бир манзаранинг шоҳиди бўлишини ҳам билади.

Ҳар гал бу боғда у пенсне таққан, жиккак соқол, юз тузилиши хибл чўққаникига ўхшаб кетувчи басавлат бир кекса одамнинг скамейкада ўтирганини кўради. Иван Николаевич шу бинода истикомат қилувчи бу одамни ҳамиша бир алпозда: кўзларини ойга тикиб, хаёл суриб ўтирган ҳолда кўради. Иван Николаевичга яна шу иарса маълумки, бу кекса одам ойга тўйиб-тўйиб қараб олгач, нигоҳини албатта бўртиқ хона деразасига қаратади ва худди ҳозир дераза табақалари очилиб, у ерда ғайриоддий бир нарса пайдо бўлишини кутаётгандай, кўзини лўқ қилиб ўтираверади.

Бундан кейин рўй берадиган ҳамма воқеани Иван Николаевич ёд билади. Энди у албатта энгашиб, панжара панасига яхшироқ беркиниб олиши керак, зеро скамейкада ўтирган одам безовталаниб, ҳозир бошини ҳар томонга бура бошлайди, пари-шон кўзларини ҳавога тикиб, бир нималарни тутмоқчи бўларкан, албатта, ҳузурланиб жилмаяди, кейин қандайдир эзгу ҳасрат билан хўрсиниб, қўлларини бир-бирига уради-да, баралла овоз билан оддийгина қилиб ғўлдирай бошлайди: — Вене-ра! Венера!.. Эҳ, ғирт аҳмоқ эканман!..

— Ё тангрилар, тангрилар! — деб пичирлайди шунда Иван Николаевич, панжара ортида биқиниб ўтираркан, ўтдек порлаётган кўзларини бу сирли нотаниш қариядан узмай, — мана, ойнинг яна бир қурбони... Ҳа, бу ҳам худди мен сингари ойнинг яна бир қурбони.

Скамейкада ўтирган одам эса бу пайт нутқини давом эттиради: — Ғирт аҳмоқман! Нега, нега ўша жонон билан учиб кетмадим? Нимадан кўрқдим ўзи, мен қари эшак! Ҳужжатларни тўғрилагандим! Эҳ, энди хап ўтириб чидайсан, қари тентак!

Шу пайт бинонинг ой ёғдуси тушмаган қоронғи томонида дераза тарақлаб очилиб, қандайдир оқ нарса кўринади-ю, аёл кишининг хунук овози эшитилади:

— Николай Иванович, қаердасиз? Бу қанақа қилиқ? Нима, безгак касалига мубтало бўлмоқчимисиз? Чойга келинг?

Шу ҳайқириқдан кейин қариянинг алаҳлаши тугаб, у ҳушига келади ва сохта овоз билан жавоб қилади: — Ҳавода, тоза ҳавода нафас олмоқчийдим, жонгинам! Ҳаво бирам созки!

Шундай деб у скамейкадан туради, биринчи қаватдаги бояги дераза ёпилиши билан ўша томонга ўғринча мушт дўлайтириб қўяди-да, судралганча уй томон юра бошлайди.

— Ёлғон гапиряпти, ғирт ёлғон гаплари! О, тангрилар, шунчалик ёлғон гапирадими киши! — деб ғўлдирайди Иван Николаевич панжарадан узоклашаркан, — уни бокқа жалб қилгап нарса асло тоза ҳаво эмас, балки бу тўлиной оқшомида у ой сатҳида ва боғ ҳавосида ниманидир

кўряпти. О, бу қариянинг сирини билиш учун, у йўқотган ва энди қўл чўзиб ҳавода бесамар ахтараётган ўша Венеранинг нима эканлигини билиш учун ҳеч нимама ни аямаган бўлар эдим!

Шундан кейин, профессор уйига бутунлай хаста бўлиб қайтади. Хотини, одатда, унинг аҳволини пайқамаётгандай бўлади ва эрини тезроқ ётиб ухлашга ундайди, Лекин ўзи ётмайди, қўлида китоб билан чироқ ёнида ўтираркан, ухлаб ётган эридан маҳзун кўзларини узмайди. У Иван Николаевичнинг тонг чоғида алам билан чинқириб уйғонишини ва ўзини ҳар ёкка отиб, йиғлай бошлашини биледи. Шу боис унинг олдида дастурхонда спиритланган шприц билан қуюқ чой рангидаги суюқликли шишача шай ётарди.

Мана, ниҳоят, оғир хаста одам билан умр қилган бу бечора аёл бежавотир ухлаши мумкин. Иван Николаевич энди то эрталабгача бахтиёр чехра билан тинчгина ухлайди ва хотини учун мавҳум, аммо қандайдир дабдабали ва саодатли тушлар кўриб ётади.

Ҳар йили баҳорда, тўлиной кечаси бу олимни битта нарса уйғотади ва аянч билан чинқиришга мажбур этади. Зеро тушида унинг кўзи олдида ўша ўта бадбашара пучуқ жаллод пайдо бўлади, жаллод хансираганча бир сакраб устунга боғланган ва энди жинни бўлиб қолган Гестаснинг юрагига қўлидаги узун найзани ботиради. Жаллоднинг ўзи-ку унча қўрқинчли эмас, лекин олимнинг хобида қайнаб-тошиб рўйи заминга оқиб тушаётган аллақандай булутдан вужудга келган зиё даҳшатлироқ эдики, бундай ҳол фақат оламшумул фалокат пайтидагина содир бўлиши мумкин.

Уколдан сўнг уйқудаги Иван Николаевичнинг кўзи олдида ҳамиша ҳамма гтарса ўзгаради. У ётган тўшакдан дераза томон кенг ойдин йўл чўзилади ва йўлга алвонранг астарли оқ ридо кийган одам чиқиб, ой сари юра бошлайди. У билан ёнма-ён узун кўйлагининг уवादаси чиқиб, афти бадбашара бўлиб кетган бир йигит боради. Улар нима тўғридадир қизгин суҳбатлашишади, баҳслашишади, чамаси, бир нимада келишолмаётганга ўхшайдилар.

— Ё тангрилар, тангрилар, — дейди ридо кийган одам ўз ҳамроҳига такаббуруна боқиб, — қандай бемаъни қатл! Лекин сен марҳамат қилиб айт-чи, — шундай деркан, унинг чехрасидаги такаббурлик ўрнида тавалло пайдо бўлади, — ахир қатл бўлмаган-ку! Ўтинаман сендан, айт, бўлмаган-а?

— Ҳа, бўлмаган албатта, — деб жавоб қилади ҳирқироқ овоз билан ҳамроҳи, — ўзи сенга шундай туюлган.

— Гапингнинг ростлигига онт ичасан ҳамми? — хушомадона оҳангда сўрайди ридо кийган одам.

— Онт ичаман, — дейди унинг ҳамроҳи ва кўзларида жилва найдо бўлади.

— Мен учун шунинг ўзи кифоя! — бўғиқ овоз билан чинқиради ридо кийган одам ва ҳамроҳини етаклаганча тобора юксакка — тўлиной сари ўрлаб чиқаверади. Ҳирсдай келадиган бир кўппак улар орқасидан виқор билан бамайлихотир эргашади.

Шунда бирдан ойдин йўл қайнаб, ой ёғдусидан дарё вужудга келади, у қирғоқлардан тушиб оқа бош-лайди. Ой ҳукмфармолик қилади, яйраб-яшнади, у рақс тушади, шўхлик қилади. Шунда ой ёғдуси оқими ичида гўзалликда беқиёс бир аёл пайдо бўлади ва атрофига қўрқа-писа боқаётган соқоли ўсиб кетган бир одамнинг қўлидан етаклаб, уни Иваннинг ҳузурига бошлаб келади. Иван Николаевич бир қарашдаёқ у одамни танийди. Бу — ўша бир юз ўн саккизинчи, унинг тунги меҳмони. Иван Николаевич хобида унга қўлларини узатди ва интизорона боқиб сўрайди:

— Демак, шу билан ҳаммаси тугабди-да!

— Ҳа, тугади, шогирдим, — деб жавоб қилади бир юз ўн саккизинчи, аёл ҳам Иванга яқин бориб, дейди:

— Албатта, шу билан тугади. Ҳаммаси тугади, умуман, ҳар қандай нарсанинг ҳам ниҳояси бўлади... Ҳозир сизнинг пешонангиздан ўпаман-у, кейин ҳаммаси яхши бўлади.

У энгашиб Иваннинг пешонасидан ўпади, Иван эса аёл сари талпиниб унинг кўзларига

тикилади, лекин аёл чекиниб-чекиниб бориб, ўз ҳамроҳи билан биргаликда тўлиной сари равона бўлади.

Шунда ойнинг жазаваси тутиб, ўз ёғдусини тўғри Иваннинг устига ёғдиради, шуъласини хар томонга сочади, хона ой шуъласига ғарқ бўлади, шуъла долғаланиб, тоша бошлайди ва Иваннинг каравотини кўмиб юборади. Ана шундан кейин Иван Николаевич бахтиёр чехра билан маст уйқуга кетади.

Эртаси куни эрталаб у индамай, аммо хотиржам ва соғлом бўлиб уйғонади. Профессорнинг уколлардан илма-тешик бўлиб кетган хотираси тинчиб қолади ва келаси тўлиной тунигача уни ҳеч ким безовта қилмайди: на Гестаснинг пучуқ котили, на Иудеянинг тошбағир бешинчи прокуратори чавандоз Понтий Пилат.

1929—1940

Тамом

ИЗОҲЛАР

Амазонка — қадимги юнон мифологиясида жанговар сувори аёл.

Арамойлар — келиб чиқиши арабистонлик бўлган сомиёлар қабиласи.

Атгис — юнон мифологиясида Фригиядап чиққан худо. Аммо унинг бўлганлиги мавҳум.

Бельзтаж — театр залида партер ва амфитеатрдан юқорироққа жойлашган балконнинг энг олдинги қаторлари.

Брокен — Германиядаги Гарц тоғининг чўққиси бўлиб, немис халқ афсоналари ва ривоятларида таъкидланишича, гўё бу ерда баҳор байрами арафасида (1 майга ўтар кечаси) жинлар базми бўлар эмиш.

Буюк прод (милоддан олдинги 73—4 йиллар) — 40-йилдан Иудея шоҳи. Тахтни Рим кўшинлари кўмагида кўлга киритган. Ўта даражада риёсатпараст ва бадгумон золим бўлган. Ўзининг рақиби деб шубҳа қилган ҳамма одамни ўлдираверган. Ривоятларга қараганда, Исонинг туғилганидан дарак топиб, мамлакатдаги барча чақалоқларни қиличдан ўтказган эмиш.

Вампир — афсоналарда гўрдан чиқиб одамларнинг қонини сўрувчи махлуқ.

Вьетап Анри (1820—1881) — Бельгия скрипкачиси ва композитори. Брюссель консерваториясининг профессори.

Галилея — шимолий Фаластинда тарихий вилоят. Инжил талқини бўйича Исони тарғиб қилган асосий район.

Гомункул — ўрта аср кимёгарларининг хаёлий тасаввурича кимёвий усул билан яратиш мумкин бўлган одамзод.

Ершалаим — Ерусалим, яъни Қуддус шаҳри.

Жокей — спортчи чавандоз.

Игемон — юнонча Ҳегемон сўзидаг олинган бўлиб. дохий, раҳбар маъноларини билдиради.

Исрофилнинг сури — христиан дини ақидасига кўра, қиёмат куни фаришта Исрофил сур (карнай) чалармиш ва бунинг овозига жамики жонзотлар кайта тирилармиш.

Иудея — Жанубий Фаластинда Римга қараптли вилоят (милодий 6—395 йиллар).

Калигула Гай Кесарь (12—41 йиллар) — Рим императори (37-йилдан). Ашаддий фосик бўлган. Узига худди худога сиғингандек сиғинишларини талаб қилган. Калигула ўз шахсий гвардиясининг саркардаси томонидаи ўлдирилган.

Капельдинер — театрда билетларни текширувчи ва залда тартиб сакдовчи одам.

Кентурион — қадимги Рим кўшинида Кентурия (қаранг) бошлиғи.

Кентурия (Центурия) — қадимги Римда юз кишилиқ отряд.

Коҳорта — Рим пиёда кўшинида тактик қисм. Лафонтен (1621 —1695) — Буюк француз масалнависи. Легион — қадимги Рим кўшинида йирик ҳарбий кўшилма.

Манипул — қадимги Рим кўшинида таркибида икки кентурия (қаранг) бўлган ҳарбий бўлинма.

Манускрипт — одатда қадимги қўлёзмалар шундай номланади.

Мардук — Бобил пантеонида Марказий илоҳ. Бобил шаҳрининг бош худоси.

Масихо — бу ўринда яҳудий динининг талқини бўйича, яҳудий халқини озод этиш учун зоҳир бўлажак афсонавий халоскор.

Мельпомена — қадимги юнон мифологиясида тўққизта музадан бири, фожиавий асарлар ҳомийси.

Мессалина Валерия — Учинчи Рим императори Клавдийнинг хотини. Ўзининг фоҳишалиги ва бадқаҳрлиги билан доврुक қозонган. Клавдийнинг йўқлигидан фойдаланиб, ўз ўйнаши Силлийга ошкора эрга тегади. Лекин император куллиқдан озод қилган Нарцис билан Паллас Мессалинани судга бериб, уни ўлимга ҳукм қилишларига муваффақ бўладилар.

Нисон ойи — Исроил давлати календаридида йилнинг биринчи ойи бўлиб, у ҳамиша баҳор

фаслига тўғри келади. Нисон ойининг 15-куни, яъни яхудийлар Мисрдан озод бўлиб чиққан кун Пасха байрами куни деб ҳисобланган.

Озирис — Миср тангриси, зиё ва иссиқлик худоси.

Полигимния — қадимги юнон мифологиясида тўққизта музадан бири, гимнлар ҳомийси.

Понтий Пилат — Рим империясининг Иудеядаги ноиби (милодий 26—36 йиллар). Ута шафқатсизлиги билан донг қозонган. Иосиф Фалавийнинг ёзишича ва таврот талкинича, Исо пайғамбар унинг ҳукми бўйича чормих қилинганмиш.

Приват-доцент — хусусий тарзда сабоқ берувчи деган маънони билдиради. Революциядан олдинги Россияда ва айрим хорижий мамлакатларда олий мактаб ўқитувчисининг илмий унвони.

Прозектор — касалхоналарда мурдани ёриш билан шуғулланувчи мутахассис.

Прокуратор — қадимги Римда император ноиби.

Рампа — сахна олдига ўрнатилган чироқларни томошабинлар кўзидан тўсиб турувчи пастак тўсиқ.

Секст Эмпирик — қадимги юнон файласуфи ва олими. Скептицизм вакили. Мантиқ тарихини яратган энг дастлабки олимлардан бири.

Силлогизм — мантиқ илмида икки фикрни таққослаб, уларнинг натижаси бўлмиш учинчи фикрни келтириб чиқариш назарияси,

Синедрион — қадимги Иудеяда оқсоқоллар кенгаши. Хукумат ва суд ишлари билан шуғулланувчи олий диний маҳкама.

Скуратов (Малюта) — Иван Грознийнинг аъснларидан бири. Террорчи опричниклар бошлиғи. Кўп таниқли шахсларни қатл этишда қатнашган. 1570 йилдаги Новгород юришида оммавий қатлга бошчилик қилган.

Соловкин — Оқ денгиздаги хилват ороллардан бири, у ерда фақат монастирлар бўлган.

Талия — қадимги юнон мифологиясида тўққиз музанинг бири; комедия асарлари ҳомийси.

Таллиф — этаги узун кўйлак.

Тацит Публий - Корнелий Румо тарихчиси,

Утганг - 16 китобдан иборат «Солнома»си машхурдир. (Тахминан 53—54 йилларда туғилиб, I 17 136 йилларда ўлган).

Тетрадрахма — тўрт драхма қалинликдаги қадимги юнон ақчаси бўлиб, аксарияти кумушдан, баъзан эса олтиндан ҳам бўлган.

Тетрарх — Рим империяси лашкарининг тўртдан бир бўлагини бошқарувчи ҳукмдор.

Тиверия — Фаластиндаги шаҳар.

Трибун — қадимги Римда кўшинларда трибунлар маъмурий ва хўжалик хизмати вазифаларини бажарган.

Филон Искандарий — Иудея файласуфи (милоддан олдинги 20-йилда туғилиб, милодий 54-йилларда ўлган).

Штраус Давид Фридрих (1808—1874) — немис теологи (илоҳиёт илми билан шуғулланувчи олим) ва файласуфи, «Исонинг ҳаёти» номли китобда инжилнинг ҳаққонийлигини инкор этган, Исони тарихий шахс деб ҳисоблаган.

Ўн икки худо жамоаси — Рим мифологиясида энг олий тангрилар гуруҳи, Булар: Юиитер, Нептун, Марк, Аполлон, Вулкан, Меркурий, Юнона, Венера, Минерва, Диана, Веста ва Церера. Бу ўн икки худо, тангриларнинг Юпитер бошчилигидаги олий кенгашини ташкил қилган,

Қайсар — подшо.

Қайсария — салганат.

Ҳемикрания — қаттиқ бош оғриғи. Бошнииг бир палласи оғрийди.

Ҳипподром — яъни ипподром, отлар пойгаси ўтказиладиган майдон. отчопар.